



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

7

1987

56-йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудир)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙҒУН

Улмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Диллардан-дилларга



Чингиз АЙМАТОВ

ШУНДАЙ БИР АДАБИЁТ ЯРАТАЙЛИККИ...

Мен адабиётимизни миллий рамкада сақлаб туриш тарафдори эмасман. Аммо биз шундай бир бадий тафаккур яратшимиз керакки, у ўқувчиларимиз учун бошқаларники каби жозибадор бўлсин. Бу — мураккаб вазифа.



Ҳаср

**Аҳмад ТУРСУН
ЧОРСУДАГИ ЧОЙХОНА
Қисса**


— Куйинаверманг, полвон! Яхши бўлгани учун чойхонангиздан одам аримайдига. Шинаванда шинаванданинг қадрига етади,— тасалли берди тепакал чойхўр салмоқланиб.— Қанийди, театрға шунча одам кирса. Директори суюнганидан тўй қилиб берарди.



Шеърлият

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ
ҲАЛИ ЙЎЛ КЎП ОЛДИМДА
Шеърлар**

Ҳали тонгдай пок хотирамга
Из солмаган қувонч ва қадар.
Ҳали йўл кўп олдимда олис
Муҳаббат ва нафратга қадар.





Боту

Биз ким?

(Кизил ёш инқилобчилар сўзи)

*Ойли тунларда,
Сирли кўлларда
Юрмаган бизмиз.
Кузли йўлларда,
Қумли чўлларда
Толмаган бизмиз.*

*Унда вулқонлар,
Сўлда ол қонлар
Қайнаган чоқда,
Уйнаган ёқда.
Кўзни очганмиз
Эски кучларга.
Кўнгли пучларга
Қарши бел боғлаб,
Ўзни хўп чоғлаб,
Нафрат отганмиз.
Турли хулёлар,
Гулли рўёлар
Ахтариб юрмай,
«Тангри» деб турмай,
Тўғри кетганмиз,
Бирга, бирликда
Эрка етканмиз.*

1926





ШУНДАЙ БИР АДАБИЁТ ЯРАТАЙЛИККИ...

ЛЕНИН ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИНГ ЛАУРЕАТИ,
СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ БИЛАН СУҲБАТ

— «Время»дан «Иссиққўл форуми» вакилларининг Кремлдаги қабулини кўрсатишаётганида мен Самарқанддаги чекка қишлоқда — бир чўпон чолниқида эдим. У русчани деярли билмас ва шу боис унга дикторнинг сўзларини таржима қилиб турардим.

«Ёзувчи дегани ана шунақа қарсиллаган бўлса-да! Бутун жаҳондан одамларни тўплабди-я! Мана, сенга икки Чингиз. Бири қиличини яланғочлаб дунёни яқсон қилмоқчи бўлувди. Бизнинг Чингиз эса жаҳон бўйлаб тинчлик байроғини кўтариб бораётир. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин...» — дерди у танглайини тақиллатиб.

Шунда чидай олмадим ва чолга: «Яқинда Айтматовнинг олдига бормоқчиман, агар насиб қилса, суҳбатлашаман, у киши билан», — дедим ҳаяжонланиб.

«Мабодо учрашсаларинг, мendan, бутун қишлоқдошларимдан салом айтиб қўй. Дунёни уруш балосидан сақлаб қолишдаги ишида омад тила. Янги-янги китоблари кўпаяверсин, унинг...» — деб қолди чол.

— Раҳмат, Анвар, йўлингиз тушиб, уникига яна бориб қолсангиз унга менинг саломимни, энг яхши истакларимни етказинг.

— Ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул воқеа бўлди-да ўзиям, Иссиққўл форуми! Чингиз Тўрақулович, уни ташкил этиш гоёси қандай вужудга келгани ҳақида гапириб берсангиз.

— У дабдурустдан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Ишончим комилки, форумни ташкил этиш гоёси давримизнинг реал воқелигидан келиб чиққан. У ўзида, аввало, инсон тафаккурининг янгилишини мужассамлантиради.

Очиғи, бундан ўн-йигирма йиллар илгари даврнинг энг долзарб масалалари юзасидан гаплашиб олиш мақсадида бутун жаҳондан ўз маслақдошларини олдин ўз уйида ана шу тарзда тўплаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаганди. Менимча, бу гоё айни ўз вақтида пишиб етди ва амалга ошди. Гарчанд бизлар тамомла бошқа-бошқа одамлар, ҳамда сиёсий, маданий тузумларимиз айрича бўлса-да, мен барибир тил топишимизга ишонувдим. Йўқ, бу ишонч тусмол ёки таваккалга асосланмаганди: мен бу одамларнинг кимлигини, улардан ҳар бирининг имконият даражасини билардим. Ҳа, аввало, мен уларнинг аксарияти тақлифимни рад этмаслигини юрак-юрагимдан сезардим, чунки мен бу одамлар билан анчадан буён танишман — бизлар тез-тез турли халқаро анжуманларда учрашиб, суҳбатлашардик ва гап кўпинча бутун инсониятни хавотирга солаётган муаммоларга ўтарди. Худди ана шу суҳбат туфайли сайёрамиздаги энг глобал ташвишларни баробар баҳам кўришга тайёр, бир-бирларига руҳан яқин одамларни ўз атрофига уюштирадиган норасмий бир уюшма тузиш зарурлигига эҳтиёж туғилди.

— Кечирасиз-у, лекин сиёсатчиларгагина хос иш эмасми бу?

— Ҳақиқатда ҳам бу муаммолар билан биринчи галда давлатларнинг сиёсий арбоблари, турли партияларнинг вакиллари шуғулланиши керак. Аммо дунё фақат сиёсий битимлару шартномалар тузишдан иборат эмас-у. Менинг фикримча, маданият арбоблари ҳам ва энг аввало зиёлилар маълум даражада кенг омманинг ўй-фикрини белгилайди.

— Нега?

— Чунки зиёлилар оддий халқнинг, бутун меҳнаткаш омманинг ҳолати-ю эзгу мақсадларини гўёки ўзида мужассамлаштирган бўлади, уларнинг орзу-ўйларини ўз ижодлари орқали акс эттиради. Умуман олганда, ҳаёт уларнинг энг катта тадқиқот объекти ҳисобланади. Мен бу ерда аввало ижод, бадиий ижод билан машғул зиёлиларни назарда тутаяпман. Аммо табиийки, бунга фан, унинг барча соҳалари — аниқ фанлардан тортиб, жамиятшунослик билан шуғулланувчи зиёлилар ҳам кириди. Хулласи калом, зиёлилар халқнинг шундай бир қатлами ҳисобланадики, у энг чуқур зиддиятли муаммоларни ҳам ижобий ҳал эта олишга қодир реал кучдир. Ундан кейин, ахир сиёсатчилар ҳам ёнларидан ишончли суянчиқ бўлаоладиган кучга муҳтождирлар. Тузумлар ўртасидаги ўзи чигал, ҳарбий стратегика эса янада мураккаблаштириб юборган қарама-қаршиликлар мавжуд экан, дабдурустдан юксак даражада музокаралар юритиш ниҳоятда оғирдир. Мана ҳозир биз ХХ асрнинг иккинчи ярми одамлар ўртасида умумий тил топиш учун сарфланаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бизнинг сиёсатчилар қандай натижага эришишларини оддий томошабин сифатида қўл қовуштириб кузатишга ҳаққимиз йўқ, албатта. Шу боис ҳам давтавалл бир-биримиз билан умумий тил топишга ҳаракат қилишга ва шундан кейингина биргаликда ишлаб чиққан гоёларимизни кенг жамоатчилик, шу жумладан сиёсатчилар ихтиёрига ҳавола этишга бел боғладик. Ушбу форумнинг пойдевори ана шулар асосида қурилди.

Гап бизларни кимнингдир тўплашида қолувди, холос. Бу вазифани эса камина қўлидан

келганича уддалашга ҳаракат қилди: жаҳондаги машҳур кишиларга таклифномалар йўлладим ва шулардан ўн беш нафари келди.

— Кам эмасми?

— Илк учрашувга бундан кўп одам келишини кутмовдим ҳам. Аммо шундай одамлар тўпланишдики — ўз соҳасининг энг обрўлилари, шундай одамлар йиғилдики, улар билан, уларнинг фикрлари билан ҳатто давлатларнинг раҳбарлари ҳам ҳисоблашишди. Ҳозир мен буларни номма-ном айтиб ўтирмайман: улар ҳақда матбуотда ўз ҳақида маълумотлар берилди.

Биз беш-олти кун давомида мулоқотда бўлдик. Шундан икки куни Иссиққўл бўйида ўтди ва менимча, асосий фикрлар худди ўша ерда вужудга келди.

— Демак, шунинг учун ҳам уни «Иссиққўл форуми» деб аташибди-да? Ким биринчи бўлиб шундай номни таклиф қилган?

— Бизлар илк дафта Фрунзе ёнидаги тоғолди райони Аларчада тўпланиб, дастлаб йиғинимизни шартли равишда «Дўстларнинг Аларчадаги учрашуви» деб номладик. Юқорида таъкидлаганимдек, асосий суҳбат Иссиққўлда бўлиб ўтгани учун ҳам уни «Иссиққўл форуми» деб атадик. Ҳозир ким биринчи бўлиб ана шундай таклиф қилгани эсимда йўқ. Очиги, бу ном умумий келишилган ҳолда берилди.

Шундай қилиб, биз ушбу ташкилотни ўз ички талабларимиздан келиб чиққан ва мулоқотнинг оптимал бир шаклини қидириш йўлида ташкил этдик. Бу тарздаги учрашув нақадар зарурлигини аниққса, Иссиққўл бўйида яққол ҳис қилдик, чунки бу, афсуски, қисқа кунлар ҳозирги даврнинг энг долзарб жабҳаларига бағишланган йирик-йирик суҳбатлар билан йўғрилди. Табиийки, биз аввало замонавий маданият, таълим-тарбия, экология, санъат масалалари устида тўхталдик. Назаримда, биз бир-биримизни янги-янги маълумотлар билан бойитдик, ўзаро тажриба алмашдик.

Форумнинг чўққиси Михаил Сергеевич Горбачев билан учрашувимиз бўлди. Ушбу учрашув уч соатча давом этди. Бизни ташвишга солаётган нарсалар, биз кўтариб чиқишга аҳд қилган муаммолар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари томонидан қўллаб-қувватлангани руҳимизга мадад бағишлади. Очигини айтиш керакки, айримлар ушбу бошлаган ишмииз тўғрими-йўқми, дея иккиланганди. Кремлдаги қабул эса бу иккиланиш, умидсизликка нуқта қўйди. Учрашув, ким қаерда яшамасин, умумбашар ташвишлари ҳамма учун бирдай эканини яна бир қарра исботлади.

— Форумнинг устави, матбуот органи борми?

— Устави йўқ. Чунки биз мустақил ривожлана олиш қобилиятига эга, эркин, ташаббускор группамиз. Сиз «Иссиққўл форуми»нинг Баёнотини ўқиганингизда (у матбуотда эълон қилинганди) эътибор қилган бўлсангиз керак — Баёнот ўзига хос, бировларнинг зиммасига масъулият юкламайдиган, кўрсатмаларсиз ёзилган.

Босма органимиз ҳам мажуд эмас. Биз форумгача тузилган ташкилотлардан нусха кўчирмаслигимиз керак.

— «Иссиққўл форуми»нинг штаб-квартираси бор экан. Фрунзеда жойлашганими у?

— Ҳа бор. Москвада жойлашган. Унинг масъул ходими форумнинг барча ёзишмаларини координациялаб боради.

Москвада бўлиб ўтган «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун!» халқаро анжумани давомида, «Иссиққўл форуми» қатнашчиларининг галдаги ишчи мажлиси бўлиб ўтди. Гап шундаки, Москва анжуманига форумимизнинг аксарият вакиллари ҳам ташриф буюрган эди. Биз ўз мажлисимизда шу яқин ўртада бажаришимиз лозим бўлган юмушлар хусусида келишиб олдик. Ҳа, Питер Устиновнинг таклифига биноан форумнинг иккинчи йиғилиши шу йил кузда Женева шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

— Москва анжумани ўз структурасига кўра сизларнинг форумларингизга ўхшашми?

— Нима десам экан. Москвадаги симпозиум бир марталик эди, холос, айтмоқчиманки, у «Иссиққўл форуми»га ўхшаб доимий фаолият кўрсатувчи ташкилот эмас. Лекин шуни эътироф қилмоқчиманки, «Иссиққўл форуми»нинг модели Москва анжуманига асос бўлди. Дейлик, унинг иштирокчилари ҳам шахсий таклиф принциптида йиғилди, яъни у ёки бу мамлакатдаги таниқли кишиларни иттифоқимиздаги санъат, адабиёт, фан намоёндалари шахсан меҳмонга чақиришди.

— Гарсиа Маркес на Фрунзеда, на Москвада кўринди. Таклиф қилмагандиларингми ё?

— Шахсан ўзим бизнинг форумга таклиф қилувдим уни. Аммо таклиф қилинганларнинг ҳаммасиям келолмайди-ку ахир, вақти бўлмаслиги ёки бирор-бир юмуши чиқиб қолиши мумкин.

— Сизларнинг форум маориф системасини радикал ўзгартириш зарур деган фикрни ўртага ташлашининг асосий сабаби нимада?

— Мактаблардаги ҳозирги таълим талабга жавоб берадими-йўқми, деган муаммо кўндаланг бўлиб турибди. Шу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керакки, улардаги таълим келажакдаги эҳтиёжларни қондира оладими-йўқми? Мактаб келажакда инсоният ҳаётида содир бўладиган улкан ўзгаришларга, биринчи галда иқтисодий ҳаётда, ишлаб чиқариш ва информацияда рўй берадиган ўзгаришларга тайёрми-йўқми. Ҳозир шу нарса тобора равшанроқ аниқ бўляптики, бир синфда ўттиз-қирқ нафар боланинг таълим олиши, яъни синфларнинг ўқувчилар билан ҳаддан зиёд тўлиби-тошиши ва ҳар қирқ беш минутда фан бўйича муаллимларнинг алмашавериши кўнгилдагидек самара бермаяпти. Ахир мактабда ана шу тарзда иш юритиш системаси уч юз йилдан зиёд вақт мобайнида давом этиб келяптида.

— Демак, сизлар унинг ўрнини босувчи қандайдир янги бир система ишлаб чиқасизлар-да?

— Йўқ. Чунки бизлар мутахассис эмасмиз ва шу боис ҳам ҳеч қанақа система ихтиро қила олмаймиз.

— Унда...

— Биз муаммо кўтариб чиқамиз ва ўша муаммога, уни ҳал қилиш жараёнига кенг жамоатчиликнинг диққатини торта борамиз.

Ҳақиқатан ҳам ўқитувчилар, маориф соҳасида ишлаётганлар олдида жуда катта вазифалар турибди. Чунки ҳар бир соҳада, ҳар бир фанда ўзига хос консерваторлик «жамғарма»си мавжуд. Бундай ҳол аслида инсониятга хос нарса ўзи — новаторлик томон қадам ташлаётган одамзоднинг елкасида беихтиёр консерваторлик юки бўлади. Мактаб таълимотининг қолақлиги эса ана шу юкнинг энг катта қисмидир.

— Сиз бутун дунёдаги мактабларни назарда тутиб гапиряписизми?

— Ҳа. Биздаги ҳам, АҚШдаги ҳам. Ким билади, балки Америкаю Европа мактаблари техникавий қуролланиш юзасидан нисбатан яхшироқдир — у ерлардаги аксарият ўқув даргоҳларида компьютерлар қўлланилади. Тўғри, компьютер биздаги айрим мактабларгаям киритилган, аммо жуда оз миқдорда. Агар компьютер системаси бутун жаҳондаги мактаблар бўйлаб кенг жорий этилмаса, қолоқлик янада чуқурлашади. Форумда ана шулар тўғрисида сўз юритилди.

— Форум қатнашчилари ҳеч қандай регламентсиз гапиршибди, яъни ким қанча хоҳласа. АҚШлик футуролог Олвин Тоффлер икки соат сўзлабди. Табиийки, у ўз касби тақозоси туфайли инсониятнинг келажагини башорат қилган бўлса керак? Сир эмасми, ана шу башорат?

— Ҳақиқатан ҳам бу олим анча гапирди. Лекин ҳозир у нималар деб башорат қилганини аниқ эслай олмаيمان. Аммо шу эсимдаки, Тоффлер тасаввурдаги келажак ўта мураккаб манзарали бўларкан.

— Оптимистик манзараму у?

— Нурга тўла ёки қоп-қоронғу деб аниқ айтиб бўлмайди. Тоффлер бюрократизмга мойиллиги бўлган тузум, жамоат тузилиши қандайлигидан қатъий назар, инсоният тараққиёти йўлидаги ғовлигини ва аллақачонлароқ бу стратегик структурадан халос бўлишимиз зарурлигини таъкидлади.

— У ана шу ғовдан қутулиш юзасидан конкрет бир фикр айтдимми?

— Айтмади. Чунки бу бир силтов билан ҳал қилинмайдиган қийин муаммо. Одамзод бюрократизм ботқоғидан ҳеч қачон бир сакрашда чиқа олмайди, у ердан аста-секинлик билан чиқади.

— Форум қатнашчилари ўртасида у ёки бу масалалар бўйича кескин келишмовчиликлар ҳам бўлгандир-а?

— Мен орамизда у қадар катта келишмовчиликлар бўлди, дея олмаيمان. Ҳар биримиз ўз тажрибамиз, ўз эътиқодимиздан келиб чиқиб гапирдик. Шу ерда тагин Тоффлерга қайтаман. Унинг фикрича, компьютерлаштириш, илмий-техника революцияси туфайли ер юзида ишчи кучига бўлган талаб жуда кескин камайиб, охир-оқибатда кўпчилик ишсиз қолади. Тоффлернинг таърифича, ишсиз қолган ёки «ортиқча одамлар»ни нима қилиш керак? Олим ана шундай саволни ўртага ташлади. Бу хусусда турлича тахминлар айтилди. Лекин америкалик ёзувчи Жеймс Болдуин билан Тоффлер ўртасида шу «ортиқча одамлар» атамаси устида қизғин тортишув бўлди. Болдуин бу терминга қарши чиқди. «Ортиқча одам» сўзини мутлақо ишлатмаслик зарур, чунки бу инсонни камситишдан бошқа нарса эмас, одамларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур, ҳеч ким ҳеч қачон, айниқса, бизнинг асримизда, ўзини ортиқча ё кераксиз деб ҳисобламайди. Дунёга қадам ранжида қилган ҳар бир инсон ўзини керакли деб билади ва шунинг учун ҳам бу термин ўз-ўзидан хато. Янги ишлаб чиқариш ҳамда индустриал шароитларда инсоннинг ижтимоий ўрнини белгилашга хизмат қиладиган қандайдир бошқача атама топиш зарур», — деди у. Яна бир марта таъкидлайманки, бизнинг баҳсларимизда ўткир қирралар бўлмади. Биз шундай ҳолатни юзага келтиришга ҳаракат қилдикки, бир ҳамсухбат иккинчисининг мавзусига юмшоқ бир «кўприк» орқали оҳиста ўтаверди гўё.

— Форумга бизнинг мамлакатимиздан кимлар кирган?

— То Москвадаги учрашувга икки киши эдик: мен ва бош маънафатчи сифатида фаолият кўрсатувчи тожикистонлик файласуф Акбар Турсунов. Москва мажлисимиздан сўнг эса бизнинг ташкилотга СССР халқ артисти Михаил Ульянов ҳам аъзо бўлди.

— Бундан бир неча йиллар муқаддам Сиз Бирлашган Миллатлар Ташкилатининг Жанубий Африка республикасидаги ирқчиликка қарши кураш комитетининг махсус мажлисида ҳамда Америка Тинч океан «Пасифик» радиостанцияси орқали сўзлаган нутқларингизда ирқчиликка қарши кураш хусусида анча дадил фикрларни ўртага ташлаган эдингиз. Айтишчи. «Иссиққўл форуми» программасига ҳам киритилгани шундай кураш?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, форумимиз йиғинлари асосан консултиватив ҳаракатга эга ва шу боис ҳам ирқчиликка қарши кураш бизнинг учрашувларда том маънода ўз аксини топган эмас. Тўғри, мен ва форумимизнинг бошқа аъзолари ирқчиликни иллат сифатида қораётганимиз. Бизнинг асосий вазифамиз жамиyat қандай бўлишдан қатъий назар, инсоннинг асл инсонлигига қола олиши муаммоси ҳақида фикр юритишдир.

— Шу йилнинг бошида Парижда Сиз, яъни «Иссиққўл форуми»нинг президенти бошчилигидаги форумнинг бир гуруҳ вакиллари ЮНЕСКО раҳбарлари, жумладан унинг Бош директори Амаду Махтар М'Боу билан учрашиб, музокаралар олиб борувдингиз. Шунинг якуни қандай бўлди?

— Кўнгилдагидек, ишчилик. Биз норасмий ташкилот сифатида эндиликда ЮНЕСКО билан доимий алоқада бўламиз. Энди қай ерга йиғилмайлик, йиғинларимизда ЮНЕСКО вакиллариям иштирок этишади ва тааллуқли маълумотларни олишиб, ўз матбуотларида чоп этишади. Бундан ташқари ЮНЕСКО бизга учрашувларимизни ташкил этишда ҳам бевосита мадад берадиган бўлди.

Форумимизнинг яна бир вазифаси жаҳондаги ўзига монанд бошқа бир қатор норасмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш. Биз шу яқин вақт ичида Рим клуби ҳамда Умумжаҳон фан ва санъат Академияси билан ҳам алоқа ўрнатдик.

— Чингиз Тўрақулович, Сиз СССРдан ягона ўзингиз (ёзувчилардан) Европа фан ва санъат Академиясининг аъзосисиз. Яқинда эса Сизнинг Умумжаҳон фан ва санъат Академиясининг академиги қилиб сайлашганларини ҳамда Швециянинг СССРдаги элчихонасида Сизга ана шу Академиянинг Дипломини унинг Президенти, таниқли физик олим Харел Хаденг топширганни эшитиб қувончимиз осмонга етди. Кўпсонли ўзбек ўқувчиларингиз номидан Сизни яна бир юксак унвон билан табриклаймиз!

— Раҳмат.

— Шу иккала Академия ҳақида қисқалина қилиб ҳикоя қилиб берсангиз.

— Икковига ҳам жаҳондаги йирик олимлар, маданият ва адабиёт намоёндалари сайланишган. Бу академиклар ҳар йили икки мартаба йиғилиб туришади ҳамда улкан муаммолар юзасидан маърузалар ўқишади, ўзаро фикр алмашишади. Улар билан, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан давлатларнинг раҳбарлариям албатта ҳисоблашишади. Ушбу иккала Академиянинг ҳам президен-

ти, доимий фаолият кўрсатувчи масъул котиблари ҳамда янги академикларни сайловчи советлари мавжуд.

— «Известия» газетасининг хориждаги мухбири ўз мақолаларининг бирида шундай деб ёзганди: «Францияга ташриф буюришган барча совет ёзувчилари унинг пойтахтидаги «Глоб» деб аталадиган китоб магазинга албатта ташриф буюриб, у ерда француз китобхонлари билан учрашади. Бу ерда Паустовский, Симонов, Катаев, Айтматовлар бўлишган ва уларнинг ҳар бир учрашуви ниҳоятда қизиқарли ўтган».

Чингиз Туракулович, ана шу учрашуви ва умуман «Глоб» ҳақидаги ҳикоянги кўпчиликни қизиқтиришига ҳеч бир шак-шубҳа йўқ.

— «Глоб» Парижнинг марказида жойлашган. Бу магазинда асосан совет муаллифларининг китоблари сотилади.

— Француз тилидаги китобларми?

— Ҳам француз, ҳам рус тилида (Совет Иттифоқида чоп этилган). Бу магазин росаям машҳур жой, бу ерда одам ҳамиша гавжум бўлади, айниқса ёшлар.

Яқинда мени «Глоб»га яна бир бор чақирди. Учрашув мобайнида китобларим сотилди. Эҳ-ҳе, саволлар шу қадар ёғилиб кетди-ки! Умуман олганда бу магазин, унинг харидор-китобхонлари СССР билан Франция ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида жудаям катта ишларни амалга оширяптилар.

— Бир гап эшитдим: Туркияда Сизга ҳайкал ўрнатишган экан...

— Яна қанақа «гап» эшитдингиз? Нотўғри ахборот бу. Вой одамлар-эй...

— «Бўтакўз» повестинингизнинг немис (ГДР) мактаблари адабиёт дарслигидан жой олганига анча бўлди. Яна қайси асарларингиз қайси хорижий давлат мактабларида ўтилади?

— Деярли барча повестларим. Асосан, Европа мамлакатларидаги дарсликлардан ўрин олишган улар.

— Чет элларда Сизнинг китобларингиз Лев Толстойнинг китобларига қараганда ҳам кўпроқ чоп этилар экан. Уларнинг сонини аниқ айтишмайсизми?

— Бу тарзда қиёслаш ноўрин. Кейин ёзувчиликда бухгалтерлик ҳисобининг нима кераги бор? Толстой замони бошқа, бизнинг давримиз бошқа. Ҳозирги китоблар жудаям тезкорлик билан таржима қилинапти, кўпроқ босилапти. Лекин ёзувчининг қимлиги унинг китоблари сони билан белгиланмайди-ку! Толстой ва Достоевский ҳақиқий классиклардир!

— Сизнингча, совет ва чет эл китобхонлари ўртасида қандай фарқ бор?

— У қадар катта фарқ йўқ. Бизда ҳам, хорижда ҳам бадий адабиётни ўта муҳим деб санайдиган, китоблардаги воқеаларни куюнчақлик билан қабул қиладиган, шунингдек, лоқайд ўқувчилар мавжуд.

— Сиз «менинг ўқувчиларим камайиб бораётми» деганингизга ҳали ҳамуз тушунолмай гарангман. Аксинча, ошяпти-ку уларнинг сони. Китоб магазинларидан асарларингизни мулақо топиб бўлмайди, Айтматовнинг романи босилган журналларни кутубхоналардан олиб ўқиш учун эса ойнаб навбат кутиш керак...

— Қандай тушунтирсам экан сизга. Ўқувчиларим бир жиҳатдан камайса, иккинчи жиҳатдан кўпаймоқда. Биласизми, ёзувчи ёши ўтган сари ўзгаради, унинг дунёқараши, унинг руҳий оламида гўёки революция содир бўлади. Ва табиийки, йиллар ўтиши билан ундаги қизиқарлилик камайиб, асарларида мазмунни янада чуқурлаштиришга уриниш ҳисси ошади. Аммо шундай китобхонлар борки, бу уларга ёқмайди, сабаби улар осон ўқиладиган адабиётга кўникиб қолишган. Мен «ўқувчиларим камайиб боряпти», деганимда ана шунангиз китобхонларни назарда тутаман.

Лекин шунга қувонаманки, жиддий мулоҳазага бой ўқувчиларимнинг сони тобора ортяпти. Бунини менга келаятган хатлар яққол исботлайди. Олдин аксарият хатларда ўқувчилар ё фактларни қалаштирар ёки ўз ҳис-ҳаяжонларини изҳор этишарди, холос. Эндиликда эса шу қадар теран мазмунли мактублар оляпманки, улардаги мушоҳадаю таҳлиллардан ҳайратланиб кетаман.

— Ёзувчиликда мен камтарликин ортиқча ҳислат деб биламан. Чунки сен қанча камтарона ёзишга уринсанг худди ана ўша даражадаги камтарин ёзувчи бўлиб қолаверсан. Шунинг учун дунёдаги бор шухратпарастлик билан қуролланиб ва ўз олдингга юксак намуналарга тенглашиш вазифасини қўйиб ёзишнинг лозим. Мен учун ана шундай намуналар Софокл, Достоевский ҳисобланади. Шундай экан, нега энди мен бу улуг санъаткорлардан ёмон ёзишга уринишим керак? Менинг вазифам — улардан яхши ёзиш». Габриэль Гарсиа Маркеснинг гаплари бу. Сиз бунга қандай қарайсиз ва Сиз учун қайси ёзувчилар ана шундай «намуналар»дан ҳисобланади?

— Албатта бу гаплар Маркес томонидан жудаям таъсирчан қилиб айтилган. Лекин Маркеснинг ҳамма фикри ҳам сўнги ҳақиқат бўлавермайди-ку, ахир. Иккинчидан, ёзувчи шухратпарастлик билан қанчалик қуролланмасин, агар унинг истеъдоди бўлмаса, барча уринишлари муваффақиятсизлик билан тугайди. Кейин, қалами Достоевскийдан ўткир бўлган ижодкоргина у билан беллашишга журъат этиши мумкин, йўқса унинг бели синиб кетади.

Санъат доимо олға қадам ташлайверади. Бу — қонуният. Ҳар бир янги авлод янги тажриба, янги билимлар билан қуролланади, ҳар бир янги даврда янги номлар пайдо бўлади ва табиийки, улар ўтмишга фақатгина сажда қилиб қолмай, балки умумсанъат ривожига ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт.

— Хабарингиз бўлса керак, ёзилмаган бир ақида мавжуд бўлиб, гўёки ёзувчи камбағаллик, қийинчилик ва бахтсизликни бошидан кечирган тақдирдагина яхши ёзаркан.

— Хабарим бор. Менимча, булар шарт эмас, айниқса бизнинг асринингиздаги ёзувчига. Аммо у ҳаётнинг барча пасту баландини зукколик билан илғашга уриниши даркор. У зинҳор-базинҳор ўз қобигига, ўзининг тор ғам-ташвишларига ўралашиб қолмаслиги керак.

Шундай ёзувчилар ҳам учраб турадики, улар «ҳаётни қузатиш» мақсадида атайлаб беш-олти кунлик командировкаларга чиқиб келишади. Мен бунини ҳеч ҳам ҳазм қилолмайман. Қизиқ, наҳотки ҳаётни ана шу тарзда ўрганиш мумкин бўлса... Ҳаётни, уни ўрганаман деб бош қотирмаган ҳолда, яъни табиий равишда ўрганиш мумкин, холос. Нормал, оддий ҳаёт оқимидан қолиб кетмаслик, кундалик кузатувларни тобора чуқурлаштириш, замондошларнинг гапларини астойдил тинглай

олиши, шунингдек, ижодкор классиклар тажрибасини атрофлича ўрганиб, буларнинг баридан ўзи учун керакли нарсга ола билиши лозим.

— Бундан бир ой илгари ҳамқишлоғингиз, синфдошингиз Сейтали Бекмамбетов билан танишиб қолдим. Биз анча суҳбатлашдик. Гап, албатта, Сиз ҳақингизда борди. У киши: «Аслида адабиётга мен яқинроқман: ахир пединститутнинг тил ва адабиёт факультетини битирганман-да. Чингизнинг касби эса адабиётдан бутунлай йироқ бўлса-да, аммо жаҳон адабиётида унга тенглашадигани жуда кам», — деди фахр билан.

— Ҳақиқатан ҳам менинг ихтисосим адабиётга ҳатто яқин ҳам келмайди — зоотехникман. Олдин Жамбул қишлоқ хўжалик техникуми, сўнг Қирғистон қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, ўз ихтисосим бўйича бир-икки йил ишлаганман... Менимча адабиётга тўғридан-тўғри кириб боришнинг ҳеч бир илжиси йўқ бўлса керак. Қанчадан-қанча врачлар, агрономлар, инженерлар, ўқитувчилар ўз касбларини ташлаб, адабиётга ўтиб кетишган.

— Сиз эса йигирма саккиз ёшингиздан ўтгансиз. Икки кам ўттизда ўз касбини йиғиштириб, бошқа соҳага ўтиш, яъни ҳаётда, тақдирда кескин бурилиш яшаш осоқ бўлмаса керак? Шахсан Сиз, ёзувчиликка бел боғлашга жазм этганда ҳеч иккиланмовдингизми?

— Асло. Унганча унча-мунча ёзиб турардим: асосан ҳикоялар. Кейин, таржима билан ҳам шуғулланардим — русчадан қирғизчага ўғирардим. Ёзувчилик эса мени кундан-кун ўз бағрига тобора кўпроқ тортарди ва охири у билан бутунлай шуғулланишим керак деган қатъий қарорга келдим. Лекин билишим жам эди, шу боис Москвадаги адабий курсларга ўқишга кирдим. Пойтахтдаги ўқиш менга кўп нарсаларни берди.

— Ўқишни битиргач эса анча йиллар журналистика соҳасида ишладингиз: республика адабий журналига муҳаррирлик қилдингиз, «Правда» газетасининг Ўрта Осиё республикалари бўйича махсус мухбири бўлдингиз. Кўпчилик журналистика адабиёт билан шуғулланаётганларга ҳеч вақт фойда келтирмайди, аксинча у ёзувчининг тилини қашшоқлаштиришга хизмат қилади, дейишади...

— Мен ўз тажрибамга асосланиб таъкидлайманки, бу нотўғри фикр. Журналистика билан ёзувчилик бир-бирини тўлдирди. Ижодкор қаерга ва нима ёзишини англаши керак, холос. Масалан, мен газетга мақола ёзгудек бўлсам, газета услубига, журналга мақола ёзгудек бўлсам, журнал услубига мослаб ёзишга уринаман. Адабий асар ёзаётганимда эса бутунлай ўзга тил оламига кираман. Лекин бунда менга журналистик тажрибам беихтиёр қўл келади.

— Ёзувчининг меҳнат интизоми қандай бўлиши керак, Сизнингча?

— Бу борада мен фақат назарий фикрлар айтишим мумкин, чунки ўзим бунда ҳеч бир интизомга риоя қилолмайман-да. Аммо-лекин ёзувчиликда ҳам қатъий бир интизом бўлиши керак, албатта.

— Асосан қай пайтлари ёзасиз?

— Тонг пайтлари. Эрта тонгда.

— Бир кунда неча бет?

— Турлича. Баъзан ўн бет ёзсам, баъзида бир бет ҳам ёзолмайман.

— Ёзганларингизни қайта кўчирасизми?

— Сўзсиз.

— Сиз учун янги асарни бошлаб олиш осонми?

— Жудаям қийин.

— Босилиб чиққан асарларингизни ўқийсизми ҳеч?

— Ўқирдим-у, лекин вақтим етмайди-да.

— Баъзан шундай деб қолишади: «Асарим қаҳрамони гоҳида измимга бўйсунмайди. Мен ўйлаганларим қолиб кетиб, у ўз билганча ҳаракат қила бошлайди. Мен эса ҳеч бир илжисиз унинг кетидан эргашишга мажбур бўламан...» Сизда ҳам шундай ҳоллар бўлиб турадимми?

— Тушунмадим. Ахир қаҳрамон қандай қилиб чиқиб кетиши мумкин муаллифнинг чизган чизигидан. Чикса, сюжет бошда хом ўйлангандир.

— Ёзувчи ички актёр бўлиши керак, дегандингиз. Шу фикрни батафсилроқ изоҳлаш мумкинми?

— Мумкин. Ёзувчи ҳар бир эпизодни на фақат ёрқин тасаввур эта олиши, балки у ёки бу лавҳадаги персонажларнинг хатти-ҳаракатини ва ҳатто улар қай тарзда гаплашишини хаёлан ижро этиши зарур. Ана ўшанда тасвир ишонарли, жонли чиқади.

— Сиз учун қайси асар идеал ҳисобланади?

— Менимча, ҳамма даврлар учун баб-баравар идеал бўлиб қоладиган китоб йўқ. Бугун идеал ҳисобланган асар, вақт ўтиши билан ўз мавқеини йўқотади...

— Шундай ёзувчилар борки, ҳар йили бир-иккитадан роман ёзиб ташлашади...

— Демак, ижодлари сермахсул экан!

— Ростдан ҳам шундайдир. Лекин мен бу ерда сўрамоқчиманки, нега Сиз ёшингиз элликдан ошгач, нақ ўнта кисса ёзганингиздан кейин романга қўл урдингиз?

— Ким билади, балки, мен роман ёзишга жудаям кўп тайёргарлик кўргандирман... Лекин гап жанрдамикан?

— Ҳали-ҳали эсимда, «Оқ кема»нинг устида қизғин баҳслар кетаётган пайт эди, кимдир (адабиётга бевосита дахлдор одам): «Айтматов асарларининг доим шов-шув бўлаётганига сабаб шундаки, у киссаларида кўпича мифларни қўллайди. Миф эса бу — экзотика. Унга миллионлаб хорижий китобхонлар, айниқса европаликлар роса ўч бўлишади. Шунинг учун...», — деб қолувди. Унинг ана шундай «хулосаси» таъсир қилдими, бошқа сабабми, ишқилиб ўшанда мифларга берилиш тенденцияси авж олди. Лекин танилмаган ёзувчиларга мифлар ҳам наф келтиролмади...

— Шундай денг (хандон отиб кулади). Асарга мифни киритиш керакми-йўқлигини ёзувчининг ички туйғуси белгилайди. Агар уни кўр-кўрона киритаверса, миф асосий ғояга ҳеч бир алоқаси йўқ, керакисиз бир нарсга айланади. Менимча, мифологизм ҳозирги замон прозасида алоҳида воқелиқдир. Адабиётшунослик у билан янада жиддийроқ шуғулланиши зарур.

— Бизда китоб савдоси ниҳоятда тараққий этган, кунига юз минглаб китоб сотилади. Аммо ана шу китоблар орасида бўш ёзилганлари ҳам кўп. Иккинчидан, бизда китоб чоп этиш ҳам ниҳоятда

ривожланган, қайси магазинга кирманг, бирининг муқоваси иккинчисиникидан чиройли, бири-биридан қалин юзлаб китобларнинг хор бўлиб ётганини кўрасиз.

Сотиб олинган бўш асарлар одамларнинг маънавий дунёсини қашшоқлаштиради, сотилмай, чанг босиб ётганлари эса иқтисодий зарар келтиради. Нега энди бунинг учун уларнинг муаллифларига, уларни чоп этганларга ҳеч қандай жазо берилмайди? Қандайдир чоралар ишлаб чиқиш керакми-ей?

— Нима ҳожати бор масалани чигаллаштиришнинг. Хом асарларни чиқармаслик керак — вассалом. Бунинг учун союздаги, нашриётлардаги масъул ходимлар принципиал, қаттиққўл, журъатли бўлишлари лозим. «Азиз ўртоқ, сизнинг ёганингиз бўлмайди», деб ҳақиқатни юзларига баралла айтишлари керак, гарчанд муаллиф қатор-қатор унвонли ёзувчи бўлса-да. Аммо ҳозирча ҳеч қайси нашриётдагилар шундай қилишмаяпти.

— Принципиаллик ва журъатдан ташқари бунда юксак бадиий дид, яъни яхши асарни ёмонидан ажрата билиш хусусияти ҳам шарт-да. Нафақат нашриётларнинг редакторлари, балки китобхонлари ҳам.

— Албатта, албатта.

— Сиз ўзингиз ўқиш учун китобни қандай танлайсиз?

— Ўз услубим бор: кўлимга теккан янги китобни олдин бир-бир варақлаб чиқаман, сўнг ўқий бошлайман: илк сатрлардаёқ бу китобнинг яхши-ёмонлигини сезаман. Яхши бўлса, ўқишни давом эттираман.

— Аммо дастлабки жумлалар бўш бўлиб, қолганларининг бари яхши бўлиши мумкин эмасми?

— Мумкин дир балки. Лекин бу камдан-кам учрайдиган ҳол. Шуни таъкидламоқчиманки, ҳали менинг усулим бирор мартаям хатога олиб келган эмас, чунки у йиллар давомида шаклланган.

— Шундай ёш ёзувчию шоирларни биламан, бир-икки китоби чиқиши биланоқ ўзларини гўёки классик ҳисоблашади. Бурни кўтарилган, ҳеч кимни, ҳатто устозлариниям менсимайди, баъзи таникли адабларнинг асарларини ўзларича «таҳлил» қилишиб бир тийинга чиқариб қўйишади.

— (Кулади). Дунёда аҳмоқлар камми, ёзувчилар ичида ҳам йўқ эмас, албатта. Классик ҳисоблашса ҳисоблашаверишсин. Ижодкор кибру ҳавога берилиб, оғиз кўпиртиргандан кўра, қора терга ботиб меҳнат қилса ўзига фойда-ку!

— Чингиз Тўрақулович, карьеризм адабиётга ҳам тобора чуқурроқ кириб келаётгандай эмасми?

— Афсуски, шундай. Адабиёт бизда кўп ҳолларда карьера воситасига айланияпти. Сабаби — адабиёт оламида ташкилот мавжуд, ташкилот бор жойда эса албатта мансапарастлик бўлади. Лекин иккинчи томондан шуниси қувончлики, бизнинг ташкилотимиз улкан ва ниҳоятда обрўли. Шу жиҳатдан биз сўзсиз ютяпмиз, аммо карьеризм...

— Ҳозир кўп ёш ёзувчилар Япония ёки Лотин Америкаси адабларига тақлид қилишгани-қилишган.

— Нима, ёмонми бу?

— Мен яхши-ёмон демоқчи эмасман-у...

— Албатта, ҳар бир ёзувчининг, айниқса ёш ёзувчининг ўз йўлини қидиришига нима етсин. Лекин, майли ёзаверишсин тақлид қилиб бўлсада, ҳамма гап ана шу тақлид туфайли пайдо бўлган асарнинг қандай чиқишида.

— Сиз ўттиз беш ёшингизда Ленин мукофотига сазовор бўлудингиз. Ҳозир эса ҳатто қирқдан ошганлариниям ёш ёзувчи дейишади.

— Бу ҳам тарихий жараёнинг ўзига хос бир ривожига боғлиқ бўлса ажаб эмас. Биз адабиётга кириб келган давр бошқача эди шекилли: биз тезроқ ўсиб-етилгандек, адабиётни фаол ўзлаштирган эдик. Сўнгра эса секинлик билан ривожланадиган бир давр бошланди. Турғун бир давр. Унинг турғунлиги адабиётга ҳам ўтди: адабиёт объектлар, янги уфқлар тополмай, кўпинча майда-чуйдалар билан ўралашиб қолди. Бу турғунлик, шунингдек адабиётга кириб келаётганларда ҳам ўз аксини топмоқда, шекилли. Шунинг учун ҳам ёзувчилар анчагина «ёш» бўлиб юришгандир-да.

— Одатда, проза билан ёши бир жойга борганда шуғулланиш керак, чунки проза бу — нукул ҳаёт тажрибаси, дейишади. Лекин ўн олти-ўн саккиз ёшлилар ҳам қалам тебратишяпти-ку, ахир қандай ҳаётий тажриба бўлсин уларда. Тўғри, Шолохов анча ёшлигидан проза билан шуғулланди, лекин у давр бошқа, бизнинг давр бошқа-да.

— Албатта, дунёни кўпроқ билган-таниганларнинг проза билан шуғуллангани мақсадга мувофиқ, ҳар ҳолда уларнинг айтадиган гапи бўлади. Лекин бир парадокс мавжуд: кўпинча ёши катталар, гарчанд ўзларига адабиётга мойиллик борлигини сезишса-да, иккилана-иккилана қалам тебратишади: «қандай чиқаркан, бордию ёмон чиқса устимдан қулишмасмикан!» дея. Менимча, проза билан ҳамма ёшда — элликда ҳам, юзда ҳам шуғулланавериш мумкин. Ва ҳатто ўн етти-ўн саккиз ёшдаям: бу ёшдагиларда ҳам ўзига яраша тажриба бор.

— Биз шу билан фахрланамизки, Сиз Ўзбекистонда жуда кўп маротаба бўлгансиз. «Правда» газетасида олтинчи йилларнинг бошида республикамиз ҳақида ёзилган «Пахтанинг ойдин йўли» очеркингиз ҳанузгача эсимда.

Сиз ўз вақтида Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестига катта баҳо берувдингиз.

«Ўзбек шоираси Зулфиянинг қутлуғ қадами туфайли совет Шарқи адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоиралар бутун бир плядасининг овози баралла янграй бошлади...» деб ёзувдингиз бизнинг муҳтарам шоирамиз ҳақида. Бундай мисолларни чексиз давом эттириш ва Сизнинг ўзбек адбларини...

— Гапингизни бўлганим учун узр. Ўзбек адабиёти ҳақида соатлаб сўзлашим мумкин. Энг асосийси эса шунга айтмоқчиманки, у олға қараб боряпти ва бунда унга омад доимо ёр бўлишини истайман.

Ўзбек ҳамкасбларим ҳақида гап кетганида дўстим, талантли ёзувчи Пиримқул Қодиров ва асарларимнинг таржимонларини ҳам номларини таъкидлашни хоҳлардим.

Ўзбек ва қирғиз адабиётларининг ўзаро алоқаси хусусида ҳам гапирмаслигим мумкин эмас. Биз замондошлар бир-бирларимиз билан ғойибдан эмас, балки бақамти учрашиб турсак,



биргаликда нафақат ижодий муаммолар, балки умуммаданият олдида турган масалаларни у ёки бу даражада ҳал қилишда актив қатнашсак... Ишқилиб, дўстлик алоқалари такомиллашувининг чек-чегараси йўқ. Биз алоқаларимизни тагин ҳам мустаҳкамлашимиз зарур. Агар вақт топиб, айтайлик бир-икки маротаба Тошкентда ёки Фрунзеда учрашиб турсак, нур устига нур бўларди.

— Евгений Евтушенко ўз мақолаларининг бирида жумладан шундай ёзади: «Ворислик туйғуси — бугунги тарихий ва адабий жараённинг энг содиқ ориентиридир. Меросдаги номаълумликлар диднинг бузилишига олиб келади. «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» шиори адабиётда-ям қўлланиши шарт». Бу борада, тан олиш керакки, рус ёзувчилари, адабиётшунослари катта-катта ишларни амалга оширишяпти. Кимнингдир субъектив фикри туфайли тарих қатида анчадан буён қолиб кетган бир қатор ижодкорларнинг, жумладан Гумилев, Хлебников ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, сўнгги йилларда.

Дейлик, Бунин. Унинг ёзганлари орасида Улуғ Октябрь социалистик революциясини қораловчи «Лаънати кунлар» асариям бор эди. Агар рус биродарларимиз бу адибга нисбатан ҳанузгача кек сақлаиверишганда эди, биз Буниндек улкан ёзувчининг бирортаям асарини ўқий олмаган бўлардик.

Бизда ҳам баъзан адабий меросга бир ёқлама қараш ҳоллари мавжуд эди. Масалан, буни ёзувчи Фитрат ва шоир Чўлпон мисолида кўриш мумкин. Репрессия кўрбони бўлишган бу икки талантли адиб Совет тузумини мадҳ этувчи ажойиб асарлар яратишган. Тўғри, уларнинг дунёқарашиде айрим камчиликлар бўлган, аммо улар хатоларини ўз вақтида тан олиб, тузатишга интилишган. Гарчанд уларнинг асарлари ўзбек адабиёти тарихининг ўзига хос саҳифалари ҳисобланса-да, айрим кишиларнинг «улар ҳақда гапириш, уларнинг китобларини чоп этиш ўтмишни идеаллаштириш ёки бўлмаса миллатчилик масалаларини қўзғашдир» деган сохта хулоса чиқарганликлари (аслида эса улар «бирор ишкали чиқиб, амалдан тушиб қолмайин, тагин» деб шундай қилишган), баъзи адабиётчиларнинг эса бошликларга ёмон кўриниб қолмайлик қабилида иш тутишгани туфайли бу иккала адибнинг китобларидан одамлар баҳраманд бўлолмадилар.

Бугунги ошкоралик даврида бу ва бошқа адиблар ижодига янги ва ҳолис муносабат имкони туғилди. Республикамиз ёзувчилар союзининг пленумида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилди ва энди Фитрат ҳамда Чўлпоннинг адабий мероси ўрганиладиган бўлди. Бу масала билан махсус комиссия шуғулланыпти.

Мана, Абдулла Қодирийни олайлик.

— Мен бу улуг ёзувчининг ижодини яхши биламан. Унинг асарларига Мухтор Аvezов катта баҳо берарди доимо.

— Алексей Толстой ҳам, таниқли шарқшунос олим Бертельс эса бу адибимиз ҳақида шундай ёзганди: «Жаҳонда бешта романчилик мактаби бор эди — француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари. Олтинчисини эса Абдулла Қодирий яратди».

— Айтгандай музейи ташкил этилдимиди Қодирийнинг?

— Мен Қодирийнинг ўғли — Ҳабибулло Қодирийни яхши танийман. Ёши бир жойга бориб қолган, анчагина қийинчиликларни бошидан кечирган бу одам, асл касби врач эса-да, дурустгина ёзувчидир. Унинг отаси ҳақидаги эсдаликлар китоби қайта-қайта нашр қилинган.

«Э, агар менинг тириклигимда Қодирийга музей очишса, уни ташкил этишда жуда катта фойдам теккан бўларди-я» — дейди кўпинча афсусланиб у. Ҳабибулло ака Абдулла Қодирий уй-музейини очиш, унинг тўлиқ асарлар тўпламини чоп эттириш масаласида жудаям кўп югурди. Охири бир гуруҳ санъат ва адабиёт намояндalари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида

ёзувчига уй-музей ташкил этиш юзасидан очиқ хат эълон қилишди. Аммо яқинда Ҳабибулло ака билан учрашиб гаплашсам, ҳозирча амалийроқ бирон ўзгариш бўлмаганлигини айтди.

— Бу улуғ ёзувчига уй-музей эмас, музей-усадьба (боғ) ташкил этиш керак аслида...

Абдулла Қаҳҳорнинг-чи, борми музейи?

— Ҳозирча йўқ. Аммо шундай қарор қабул қилинган. Бу борада Ўзбекистон Ёзувчилар союзи жонбозлик кўрсатяпти.

Чингиз Тўрақулович, очиғи менинг кўпчилик юртдошларим юрагига кўпдан бери зирапчадай санчилиб ётган бошқа муаммолар ҳақидаям гапиришни ният қилиб юрўвдим. Чунки Сиз бизнинг тасаввуримиздаям, аслидаям бутун Шарқ халқлари адабиётининг оқсоқолисиз.

— Марҳамат.

— Ҳа, аввало «Правда Востока» газетасида босилган «Тарих ҳақиқатга зид» (муаллифи — М. Ваҳобов) мақоласи ҳақида гаплашсак.

— Мен кеча кечқурун шу мақолалиям, унинг юзасидан келган откликлариям ўқиб чиқдим. Кўпчилик мақола муаллифининг фикрларини кескин рад этган, баъзилар эса уни қўллаб-қувватлаган ҳам. Мен ким ҳақу ким ноҳақ эканига ҳақамлик қилишни ўзимга эп кўрмайман. Менимча, мақоладаги аксарият нарсалар ҳатто баҳслашишгаям арзимади. Мени бир нарсаси: олим одамнинг ана шундай даражада фикр юритганлиги таажжублантиради, ахир адабиётга нисбатан бундай вульгар-социологик муносабатлар даври қачонлардир ўтиб кетган-ку. Мақолада шунақанги гаплар бор эканки!

— Мана, масалан, Чингиз Тўрақулович, манави жумлани олайлик. Унда автор «Юлдузли тунлар» ҳақида гап юритиб, шундай дейди: «Қодиров Бобурнинг шахсий ҳаётига тааллуқли лавҳаларни тасвирларкан, унга тилла суви юритилган идишларда, тилладан ясалган қадаҳларда овқат ва шароб беришларини, у лашкарларига зар тўнлар ҳақида қилишини... зўр ҳаяжон билан ёзади... Аммо совет ёзувчиси бу бойликларнинг манбаи ҳақида гапириши шарт эди-ку» (!). Мантиқини қаранг-а!

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам ғалати. Умуман, Бобур хусусида мақолада аччиқ гаплар бор. Биласизми, мен яқинда Ҳиндистонлик бир олим ва ёзувчи билан суҳбатлашдим. Биз Бобур тўғрисида гаплашдик, аниқроғи мен унга: «Сизлар Бобурга қандай қарайсизлар?» деб савол бердим. «Биз Бобурни Ҳиндистоннинг асл фарзанди сифатида улуғлаймиз. Гарчанд у дастлаб бизга босқинчи сифатида келган эса-да, кейинчалик у бизнинг умумтараққиётимиздаги катта кучга айланди. Бобур асос солган Буюк Мўғуллар империясининг¹ цивилизацияси халқимизнинг тарихий ривожига бениҳоя катта улуш қўшди» — деди у фахр билан.

— Бобур ҳақида Неру ҳам анча яхши гаплар айтган.

— Хабарим бор. Ахир унга фақат подшоҳ деб эмас, улуғ шоир деб ҳам қарашимиз мумкин-ку.

— Сизга Бобурнинг шеърини ёқадими?

— Бобур ўз даврининг шоири эди, унинг поэзияси мен учун ҳар бир асл шеърят сингари қадрли ва бебаҳодир.

...Айтгандай, Наврўз байрамини ўтказмай қўйибсизларми-ей?

— Шундай бўлудини... Баъзи бировлар уни диний маросимга йўйишиб...

— Ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку унинг динга, ахир у халқнинг исломдан анча илгари мавжуд бўлган ажойиб удуми-ку?

— Шу хусусда бизда анча баҳслар бўлди. Бу соҳадаги камчиликлар тузатиляпти.

— Жуда аломат иш бўлибди-да!

— Чингиз Тўрақулович, Сизнингча Урта Осиё ва Қозоғистон ёзувчилари олдида турган энг муҳим проблемалар нималардан иборат?

— Урта Осиё ва Қозоғистонни алоҳида ажратиб гапириш унчалик тўғри бўлмаса керак эндиликда. Чунки охириги йиллар мобайнида маданият, айниқса адабиёт олдидаги муаммолар Иттифоқнинг деярли барча регионлари учун универсал бўлиб қолди. Лекин ҳар бир регионнинг ўзига ҳос хусусиятлари бор, албатта.

Яқинда мен «Олатов» журнали ходимлари билан учрашиб, уларга адабиёт олдидаги шу кеча-кундузда турган вазифалар ҳақида гапирдим. Биласизми, кўпчиликнинг фикрича, биз ҳамма нарсани шу даражада ўзлаштирган эканмизки, энди олдинда бизни кенг ва равоан йўл кутаркан. Кўпчиликнинг ўйлашича, барча қийинчиликлар ўша дастлабки йилларда зоҳир бўлгану, эндиликда ҳеч қанақа қийинчилик йўқ экан. Менимча эса, ҳозир илгаригидан, яъни Урта Осиё профессионал адабиёти илк қадамлар ташлай бошлаган даврдигига нисбатан бир неча бор мураккаброқ вазифалар кутяпти бизни.

Ҳозирги китобхонларимиз икки тилни билишади. Уларнинг жавонларида миллий тилда ёзилган китоблар билан ёнма-ён рус тилидаги ва бошқа тиллардан русчага таржима қилинган кўплаб китоблар ҳам туради.

Илгари ўқувчиларимизда альтернатива йўқ эди: яхшими, ёмонми, улар фақат ўз тилларида чоп этилган китобларни ўқишарди, холос. Энди эса улар русчани пухта эгаллашган ва миллий тилдаги бўш асарни бир четга йиғиштириб қўйиб, русча яхши-яхши китобларни ўқийверишади. Энди улар рус тили ёрдамида бутун жаҳон адабиёти билан боғлана олишади.

Бу ҳол эса қай бир жиҳатдан рақобатга ўхшаб кетади. Агар миллий тилдаги асар ўз бадийлиги, таъсир кучи, ҳаёт қамрови ва бошқа томонлардан ана шу рақобатга тоб беролмаса, бора-бора унинг ёзувчилари сони камаяди. Бундай нохушлик содир бўлмаслиги учун адабиётимиз умумжаҳон адабиёти ва энг аввало рус адабиёти таржимасига суянган ҳолда ўзини-ўзи қайта қуриши, янги чўққиларга кўтарилиши шарт.

¹Европа шарқшунослари Бобурни Чингизхон авлодларига мансуб деб янглишганлар. Бу ном шундан қолган. Ҳозир Бобур асос солган империя «Бобурийлар империяси» деб аталмоқда — ред.

Мен адабиётимизни миллий рамкада сақлаб туриш тарафдори эмасман. Аммо биз шундай бир адабиёт, шундай бир бадиий тафаккур яратишимиз керакки, у ўқувчиларимиз учун бошқаларники каби жозибадор бўлсин. Бу — мураккаб вазифа.

Энди биз ўз китобхонларимиз учун икки-уч баравар кўп курашмоғимиз лозим.

Бизни кутаётган янги-янги синовлардан ўта оламизмикан? Ўз бадиий тафаккуримизни жаҳон бадиий тафаккури даражасига кўтара оламизмикан? Мен шунинг учун ташвишланыпманки, то шу яқин ўртагача биз ёзган нарсалар аллақандай тор доирада ва анча примитивдир. Бу — тушунарли, чунки ўтган йиллар биз учун ўзлаштириш, ўқиш-ўрганиш даври эди-да. Энди эса ҳеч қандай баҳонани рўқча қила олмаймиз, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ.

Шуниям қайд этмоқчиманки, ҳозирги замон ёзувчиси нафақат ўз миллий тилини мукамал билиши, балки рус тилини ҳам анча чуқур эгаллаши лозим.

— Рус тилидаям ёзиш учунми?

— Шарт эмас русча ёзиш, бунга ҳаммаям уддалай олмайди. Аммо рус тилини яхши билган ёзувчи янада ўткирроқ маънавий қуролга эга бўлади. Бу тил — катта билиш воситаси-да. У орқали миллий адабиётни тагин ҳам юқори поғоналарга кўтариш мумкин.

Энди бахтисиз севги ёки аёлларга феодалларча муносабат ҳақида ёки сентиментал асарлар ёзиш бачканалиқдир, булар аллақачонок ортада қолиб кетган босқич. Эндиликда теран бир фалсафий тафаккур даркор. Энди, дейлик Ўзбекистоннинг бирор чекка қишлоғида содир бўлган воқеалар туғрисида қалам тебратишга эҳтиёж туғилмаган бўлса, ёзувчи деярли бутун дунёни билиши, жаҳон адабиёти тажрибасини ўзлаштирган бўлиши шарт. Ана ўшанда асар ўз маромига етади.

— Демак бунинг учун ёзувчи жуда кўп ўқиши керак-да?

— Албатта! Лекин афсус шундай ёзувчилар борки, «мен ўқувчи-ёзувчи эмасман» деб қўлларига китоб олишмайди.

— «Ярим кечаси квартирамизнинг кўнғироғи жиринглади. Шошиб эшикни очдим. Бўсағада икки ҳамқишлоғим — икки аёл: она ва қизи турарди. Улар менга қуйидагиларни гапириб беришди...» Чингиз Тўрақулович, эсладингизми бу сатрларни?

— Ҳа, ҳа!

— Уни газетага беришга қандай журъат қилувдингиз-а? Шундан сўнг ҳамқишлоқларингиз росаям хафа бўлгандир сиздан?

— Айримлар: «Шуни газетага ёзгунча ўзимизга айтсангиз, шу ерда биргалашиб ҳал қилардик бу масалани», деб гина қилишувди. Аммо мен атайлаб газетага берувдим — бошқа қишлоқларда ана шундай ҳолнинг содир бўлмаслиги учун. Тўғри, андиша деган нарсаси бор, айниқса Шарқда кучли бу ҳиссиёт. Агар андиша деб ҳамма хато-ю камчиликларга, барча ёвузликдан кўз юмаверса, охири-оқибатда нима бўлади?

Ҳа, ўшанда баъзи ҳамқишлоқларим мендан хафа бўлишувди. Аммо кейин тушунишди. Яхши одамлар яшашади-да ўзи овулимизда!

— Ҳозир ҳам бориб турасизми овулга?

— Албатта-да. Ҳар йили, иложи бўлса икки-уч марта. Шакар эндиликда кўркамлашиб кетган. Равон йўллар, янги клуб, магазин, замонавий мактаб қурилди, турмуш янада фаровонлашди.

— Сиз беш ёшингизда илк бор таржимонлик қилган экансиз-а?

— Ҳа. Ушанда ёзда бувимникига келувдик (отамнинг онаси), яйловга. Бир куни ўтлаб юрган бир тойчоқ тўсатдан ўлиб қолди. У зотдор бўлиб, колхоз тойчоқни Россиядан анча пулга сотиб олганди. Тойчоқнинг ўлими сабабини аниқлаб, тааллуқли ҳужжатлар тузиш зарур эди. Район марказидан зоотехник чақиртиришди. У рус бўлиб, қирғизчани ҳеч билмасди, бизнинг чўпонлар эса русчани тушунишмасди. Чўпонлар бувимни ўртага солиб мени таржимонликка «ёллашди» (шаҳарда русча боғчага борардими).

Бир илож қилиб ўз вазифамни уддаладим. Тойчоқ яйловнинг у ер, бу ерида ўсадиган заҳарли ўтдан ўлган экан. «Нега бошқа отлар ўлишмайди ўша ўтдан?» — деб сўради зоотехник чўпонлардан. «Чунки бизнинг отлар уни билишади-да», деб жавоб қайтаришди улар. Хуллас, ҳужжат тузилди. Рус зоотехниги чўпонлар мендан мамнун бўлишди ва «гонорари» бир бўлак пишган гўшт беришди. Уни ўтов олдида туриб, менинг ҳар бир гапимни қулоқларини динг қилиб тинглашган ва менинг «уста таржимонлигимдан» қойил қолишган болалар билан бўлиб едик.

— Болалигингизда кечган яна қайси воқеаларни кўпроқ хотирлайсиз?

¹Бу сўзлар Чингиз Айтматовнинг ҳамқишлоқларига ёзган очиқ хатидан олинган. Хатда асосан қуйидагилар ёзилган: еттинчи синфда ўқийдиган қишлоқ қизини у мактабдан уйига қайтаётганида ўғирлаб кетишиб, мажбуран эрга беришади. Эри жоҳил одам бўлиб, хотинини бўлар-бўлмасга дўппослайверади. Бу азобу хўрликларга чидай олмаган ёш жувон уйига қочиб келади. Лекин қалби сўқир қариндошлари уни яна эрига қўшиб қўйишади... Аёл икки фарзанд кўргач ҳам эрининг дами пасаймайди. Устига устак, у ичкиликка ружу кўяди, топганини ароққа сарфлаб, уйга ҳеч нарса келтирмайди: хотини, болалари оч-ночор яшашади. У эса қарз устига қарз олиб, ичаверади. Охири эса ҳовли-жойини сотиб қарзларни тўлайди, оиласини бўлса ертўлага кўчириб ўтказишади. Шундаям ичшини қанда қилмайди ва бир куни маст бўлиб келиб, хотинини шундай шафқатсизлик билан калтаклайдики, оқибатда қамалиб кетади.

Аёл эса икки боласини олиб ўз колхозига кўчиб кетади. Фермага ишга қиради. Уларга шинамгина уй беришади. Хуллас, пешоналарига кун тега бошлайди. Аммо эри қайтиб келгач, хотинию болаларини ўша ертўлага кўчирмоқчи бўлади. Аёл кўнмагач, уни ўғирлашнинг пайига тушади. Аёл анча кунгача пичан гарамининг ичиди яшириниб ётади. Охири эри уни тополмагач, болаларини ўғирлаб кетади. «Уларни қидириб ўзи орқамдан албатта келади» дейди у қайнонасига... Жувон нима қилишини билмай, онаси иккиси нажот сўраб Айтматовникига келади.

Айтматов бундай ёвузликни қўриб кўрмасликка олишган ҳамқишлоқлари: мактаб директори, ўқитувчилар, колхоз раиси, қишлоқ Советининг раиси ва ҳатто район партия комитети раҳбарлари шаънига жудаям аччиқ гаплар айтади.

Ушбу очиқ хат бундан йигирма беш йил илгари «Совет Қирғизистони» газетасида босилиб чиққан эди.

[А. Ж.]

— Кўп воқеаларни. Уларнинг ҳар бири замирида ҳақиқий инсонийлик, эзгулик бор... Минг тўққиз юзу ўттиз еттинчи йили отамни репрессия қилишгач (у киши Москвадаги Қизил профессура институтда ўқир ва биз ҳаммамиз пойтахтда яшардик), овулга кўчиб келдик.

Аҳволимиз оғир, оиламизда тўрт фарзанд бўлиб, тўнғичи мен эдим, онам хасталикка чалинганди. Аммам Қорақиз опа (у ҳам раҳматли бувимдек роса меҳрибан эди) бизни ўз қаноти остига олди. Қишлоқдошларимиз ҳам сахий, бағри кенг одамлар бўлиб, гарчанд ўзлари чор-ночор яшашса-да, топган-тутганларини биз билан баҳам кўришар эди.

Кунларнинг бирида укам Илгиз (у ҳозир фан доктори, Қирғизистондаги йирик илмий-текшириш институтларидан бирига директорлик қилади. — А. Ж.) иккимиз далада ўтин териб юрганимизда, бизга қараб бир отлиқ кела бошлади. Дурустгина кийинган. Етиб келгач, «кимнинг болаларисиз?» сўради биздан.

Аммам бизга: «Агар отанглар ким деб сўраб қолишса, ҳеч бир уялмай, бошларингни кўтариб, ўша сўраган одамнинг юзига қараб, унинг отини айтишлар», деб ўқтирарди (Биз укам иккимиз отамиз ҳақида ёзилганларни эшитиб, хижолатдан ич-ичимизни еб юрардик. Аммо, аммам, шу саводсиз аёл, буларнинг бари бўҳтон ва тўхматлигини юрак-юрагидан сезаркан, энди билсам).

Биз ўша отлиқни тик боқиб, отамизнинг отини айтдик.

«Ўқишни истайсизларми?» — деб сўраб қолди у эса дафъатан.

Биз ўқишни жудаям хоҳлардик! Қувончимиздан йиғлаб юбормаслик учун лабимизни маҳкам тишлаб, бошимизни қимирлатиб розилик аломатини билдирдик.

Бир ойдан сўнг ўқий бошладик! Ушанда ҳеч қандай гап-сўзлардан тап тортмай бизга ўз ёрдан кўлини узатган одам — қишлоқ ўқитувчиси Усубали Тиналиев экан.

— Яқинда бир хушxabар эшитдим. Шакардаги ўрта мактаб коллективи ўз мактабларига отангизнинг номини беришга аҳд қилишибди...

— Ким айтди сизга?

— Эшитдим-да...

— Улар шуни лозим топишган бўлса, мен учун жудаям қувончли бу хушxabар.

— Отангиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Отам республикамизнинг биринчи коммунистларидан, партия ходими эди. У тараққий-парвар инсон бўлиб, республикамиз ривожига, айниқса, унинг санъати ва фани ривожига бирмунча улуш қўшган.

— Овулларингиздан биринчи бўлиб ҳам рус-тузем мактабига отангиз кирган-а?

— Ҳа.

— Агар бобонгизнинг тегиримони ёниб кетмаганида...

— Ёнмаганида балки отам ўша мактабда ўқимаган бўлармиди-ей.

— Шу воқеани айтиб берсангиз.

— Бобом ҳунарманд одам бўлган. У эгар ясашиям, кавшарлашиям, кўмуз чалишиям, ўқиш-ёзишиям билган. Бобом овулимизга шаҳардан биринчи бўлиб тикув машинасини олиб келгани учун уни «машиначи Айтмат» деб ҳам чақирдишган.

Қўлида минг ҳунар бўлса-да, бобом роса камбағал яшаган. У камбағалликдан қутилиш учун анча уринган ва ҳеч натижа чиқмагач, охири қариндошлардан қарз-қувала қилиб, Шакарда сув тегиримини қурган. Аммо, айтишади-ку, камбағални туянинг устидаям ит қопади деб: бир йилдан сўнг тегиримон ёниб кетган. Батамом «синган» бобом ўн икки ёшли ўғли Тўракул (менинг отам)ни эргаштириб, Маймоқ станцияси ёнидаги темир йўл тоннели қурилишига ишга бррган. Отам ана ўша ердан Авлиботодаги (ҳозирги Жамбул) рус-тузем мактабига ўқишга кирган.

— Болалигингизда ўзлаштирган қайси хислат Сиз учун бир умрга қадрлидир?

— Адолат. Ўз ҳаётий тажрибамдан шундай хулосага келганман; одамлардаги барча ижобий хислатлар бош фазилат бўлмиш Адолатдан бошланади.

— Аксарият киссаларингизда уруш йиллари Шакарда кечган воқеалар акс эттирилган. Сиз ўша суронли йилларда қишлоқ Советига котиблик қилгансиз. Қийин бўлгандир-а роса! Ахир эндигина ўн тўрт ёшга кирган боланинг шундай масъулиятли вазифада ишлаши...

— Ҳали-ҳали эсимда: қирқ иккинчи йилнинг қаҳратон қишида мени қишлоқ Советига чақирдишди. Хона совуқ, ойналари синиб кетган деразадан ҳувиллаб шамол кирарди. «Мактабни вақтинча йиғиштиришингга тўғри келади. Ўқишни уруш тугагач давом эттирасан. Котибимизни (у оғир ярадор бўлиб қайтган, кўлтиқтаёқда юрибди), колхозда одам етишмаётганлиги учун бригадир қилиб юборяпмиз. Котибсиз эса иш битмайди. Хуллас, шу ишга сени лозим топдик» — деди қишлоқ Советининг раиси.

Қишлоқ Советимизга Шакардан ташқари Арчагул қишлоғиям кирарди. Иш оғир ва кўп эди. Бундан кейин, гоҳо «қора хат»ларни уйма-уй тарқатишимга ва кўпинча уларни ўқиб беришга ҳам тўғри келарди. Ана шундай пайтлар оналарнинг дод-фарёдларини эшитиб, юрак-бағрим эзилиб кетарди.

Ҳа, ҳаёт оғир, ниҳоятда оғир эди. Лекин ҳеч ким нолимас, одамлар бир-бирига нисбатан шу қадар меҳр-оқибатли эдиларки!

— Чингиз Тўракулович, энди ижозатингиз билан мавзуни янги романингизга бурсак. «Кунда»ни таҳлил қилишаётган айрим олимлар-у адабиётшуносларнинг Сизни худо изловчиликда айблашларига қандай қарайсиз?

— Мен унда китобхонни Библия мотивига жалб қилганим учун ҳам ана шундай хулоса чиқаришяпти улар. Менимча бу — ноҳақлик. Мен асаримда Библиянинг кўпчиликка маълум эпизодларидан бадий метафора сифатида фойдаланганман, холос. Ушбу романи ўқишган ёшлар художўйларга айланиб қолишлари ҳеч гапмас деганлари ҳам бемаъниликдир.

— Романдаги Бўстон образи-ку тушунарли — у Сиз учун аънанавий...

— Бўстон ҳақиқатан ҳам мен болалик пайтимдан биладиган, севадиган ва чексиз ҳурматлайдиган Танабой, Едигей билан оға-инидай, гўёки.

— Авдий-чи?

— Авдий Каллистратов эса мен учун мутлақо янги образ. Лекин у ҳам менга жудаям яқин ва

ўйлайманки, ижодий ишларим мобайнида ҳали Авдийга хос шахслар билан кўп марта учрашаман.

— Мени, айниқса романингиздаги икки образ — икки бўри: Акбара ва Тошчайнар шунчалар таъсирлангандики! Улар худди одамлардек туюлаверди, назаримда.

— Бўри шўрлик ҳамма асарлар, айниқса, эртакларда бизнинг ашаддий душманимиз сифатида тасвирланади. Реалистик адабиёт, менимча, бўриларга бундай муносабатни кескин ўзгартириши ва уларга объектив равишда қараши лозим. Мен улар ҳақида ёзаётганимда шу нарсага амал қилдим. Ҳа (кулади), буддийларда бир нақл бор: унга кўра ҳар бир одам қачонлардир қандайдир жонивор бўларкан. Менга аллаким «Кунда»ни ўқиғач: «Балки сиз илгари бўри бўлгандирсиз», деб қолди. Балки (яна кулади).

— Роман хусусида жуда кўп баҳслар, тортишувлар бўлди. Танқидий фикрлар ҳам.

— Танқидга ҳам ўта хотиржамлик билан қарайман. Ҳа, албатта, асарнинг баъзи жойлари нотекис ёзилган, кўнгилдагидек чиқмаган.

— Аммо газетаю журналларда босилган танқидий фикрларнинг айримлари замирида ҳасад ҳам бордек туюлмайдими Сизга?

— Ҳасадми, ҳасад эмасми... турмушнинг бунақанги арзимас икир-чикирлари ҳақида бош қотиришга вақтим йўқ менинг — олға босишим керак.

Асосийси шуки, мен романимнинг тақдиридан хурсандман, чунки асар юзасидан шунча кўп хат олдимки! Баъзи хатларга ҳайрон қолсан одам — оддий китобхоннинг асар воқеаларини шу қадар теранлик билан ҳис эта олишидан, уларни ўта нозиклик билан таҳлил қила олишидан кўнглим хушнуд бўлиб кетади.

Асосийси шуки, романда айтишим лозим бўлган гапни тўлиқ айта олганман.

— Мана, яқинда роман ўзбекчада «Шарқ юлдузи» журналида босилади.

— Ушбу асарнинг ўзбекчага таржима қилинишини менга, ижодимга нисбатан бўлган катта бир ҳурмат белгиси деб биламан. Лекин мени бир нарса ташвишлантиради: таржима қандай чиқаркин? Аммо шу нарса далда берадики, ўзбек адабий тили жудаям кучли тил ва ўйлайманки, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Ўзбек ўқувчиларимга бир илтимосим бор: улар «Кунда»ни шошилмай, диққат билан ўқишса — романнинг нима мақсадда ёзилганини чуқурроқ англаш учун.

— Чингиз Тўрақулович, қачон келмайин, нукул идорадасиз, қабулхонангизда доимо одам кўп бўлади, уйингизга ишдан анча кеч, табиийки, ҳориб-чарчаб борасиз. Бошингизда ўнлаб ташвиш. Ҳазилми ахир республика ёзувчилар ташкилотини бошқариш! Ундан ташқари ўнлаб жамоат ишлари. Қачон ёзасиз?

— Шу йил бошидан буён бирор сатр жиддий нарса ёзганим йўқ, мақола-сақола дегандек, майда-чуйда билан ўралашиб ётибман.

— Хафа бўлманг-у, лекин шартмикан идорада ишлаш Сиздай катта ёзувчига?

— Албатта эркин ёзувчи бўлишга ҳеч нарса етмайди. Лекин Ёзувчилар союзиниям кимдир бошқариши керак-ку. Демак, шу вазифа менинг зиммамга юкланган экан... Қийин, албатта, аммо қийинчилик вақтнинг қадрига кўпроқ етишга ўргатаркан.

— Шу яқин ўртада ёзиш ниятингиз йўқми?

— Бор. Бир сидра айрим ишларни тугатсам ё Чўлпонотага ёки Москва атрофидаги бир жойга бориб, тўрт-беш ой ижод қиламан.

— Роман мўлжаллалаяписизми?

— Ҳозирча повесть. Ким билади, балким иш жараёнида романга айланиб кетар.

— Қайси мавзуда?

— Замонавий мавзуда.

— Ёзувчилар орасида Сиздай машҳури кам...


— Жудаям ошириб юбордингиз...

— Айтинг-чи, оғир эмасми шундай шуҳратни кўтариш?

— Шуҳрат ҳақида ҳеч қачон ўйламаслик керак, чунки шуҳрат — ўткинчи нарса.

Сухбатни Анвар ЖҲУРАБОВ олиб борди

Фрунзе — Тошкент,
1987 йил



Фарҳод Мусажон

БОҒ КЎЧАМНИ ҚЎМСАЙМАН

Қисса¹

8

Орадан ярим йил ўтар-ўтмас Рашид телевидениени бутунлай ўзиники қилиб олди. Уларнинг редакциясига яна битта хона қўшиб беришди, энди у Лолахон ва Наби билан ўтирарди.

Ўтган вақт ичида Рашид Лолахонни жуда ёқтириб қолди.

Лолахон доим попукдеккина, ювинган-таранган, қўғирчоқнинг ўзи. Кийимлари ҳам, хулқи ҳам, ширинсўзлиги ҳам ўзига ярашади. Фаридада озгина димоғ-финоқ бор. Лолахон содда, жонон аёл. Тағин ким билади, балки Рашидга шундай туюлар.

Улар бугун хонада ёлғиз. Туйқусдан Лолахон эридан гап очди:

— Ярим кечагача ўтириб дарс тайёрлайдилар. Мен ҳам ухламай чой дамлаб бериб тураман.

— Қаерда ўқийдилар? — қизиқсинди Рашид.

— Политехника институтининг кечки бўлимида. Бу йил тугаллайдилар. Домлалари жуда яхши кўради. Институтда олиб қолишмоқчи, ҳар ҳолда журналистликдан тузук-ку.

— Нима, сиз ўз касбингиздан норозимисиз?

— Норозиман деёлмайман-ку, аммо югур-югури кўп-да. Ҳозирча билинмайди, ёшмиз. Қариганда ҳар кимларнинг кетидан қувиб юриш малол келса керак.

— Қариганда ишламасдан эсдаликлар ёзиб ўтирасиз, мемуарлар. Ишлаб туриб эримни ўқитганман, катта инженер қилиб етиштирганман, редакция-мизда иш оғир эди, чунки турли одамлар бор эди, айниқса биттаси, Рашид дегани; кўп ношуд эди, деб ёзасиз.

— Вой, нега сиз ношуд бўлар экансиз?

— Ҳа, ахир келганимга ярим йилча бўлиб қолди, шу пайтгача ҳали бирорта арзирли кўрсатув тайёрламадим. Яхшиям сиз бор экансиз, ёрдам бериб турасиз.

— Менимча, сиз мустақил кўрсатувлар қиласиз, ҳеч кимнинг фикри билан ҳисоблашмайсиз.

— Бошлиқларни ноғорасига ўйнаб... мақтовдан иборат олди-қочди кўрсатувлар кимга керак? — Рашид ўзини Лолахонга ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатгиси келар, нега шундай, сабабини билмас эди.

Лолахон эркакларни мардликка, жасоратга, ҳалолликка чорлайдиган аёллар тоифасидан эди — у сўзамоллик қилиб эмас, ўз руҳи билан чорларди.

— Бизни хўжайин ҳам шунақалар, корчалонларни жуда ёмон кўрадилар, — деди ўйчан.

¹ Охири. Боши ўтган сонда

— Ҳар кимнинг қадр-қиммати бажараётган ишининг қадр-қиммати билан ўлчанади, деган экан Марк Аврелий, — олифтагарчилик қилди Рашид.

Лолахон бунақа ақлли нақлларни билмасди, ҳайратини яширмай анқайиб қолди.

Лекин улар бир-бирларига ақлли гаплар айтиш учун ишдан кейин қолмагандилар. Мақсад бошқа эди. Аммо ҳозирча суҳбатларида қандайдир атайинлик, сохталик бор эди. Биринчи бўлиб «хужум»га ўтишга на униси, на буниси журъат қиларди.

Қиш бўлганидан кунлар қисқа, соат олтига қолмай қоронғи туша бошлар эди. Бироқ улар чироқни ёқмай ўтираверишди. Мана шу кичкина ҳамжи-ҳатликнинг ўзиёқ ҳар иккаловига қувонч бағишлар эди.

— Ишқилиб, Фатхулла акамлар болани вақтида боқчадан олган бўлсинлар-да.

— Фахтулла акангиз жудаям бахти кулган йигит эканлар, — тагдор гап қилди Рашид.

— Вой, нега?

— Чунки бир минут ҳам тилингиздан қўймайсиз.

— Бугун у кишининг галлари эди-да, болага бориш, — сал нозланиб жавоб қилди Лолахон.

— Ишқилиб галлари келганда, вазифаларини адо этиб турадиларми, чап бериб қочмайдиларми?

Бехосдан телефон жиринглаб қолиб энди шира тортаётган суҳбатнинг белига тепди. Трубкани Рашид кўтарди.

— Ҳа, эшитаман? Йўқ, тўғри тушдингиз. Ҳа, Мирзабекованими, ҳозир...

Рашид трубкани Лолахонга узатди.

— Лаббай? Вой, сизмисиз, Фатхулла ака, — сал шошиб қолди Лолахон, — кетяпман, кетяпман. Зарур ишим чиқиб қолган эди. Ҳозир етиб бораман. Лолахон жойига қайтиб ўтириб апир-тапир нарсаларини йиғиштира бошлади.

— Уғилчамиз хархаша қилаётган экан, — ўзини оқлаш учунми гапирди у.

— Ҳа, ёш болани эплаш қийин, онаси бўлмаса.

Лолахон нарсаларини узоқ йиғиштирди. Чамаси у бирор илиқроқ гап эшитмоқчи эди. Шунча ўтириб қуруқ қайтсинми? Лекин шошганда лаббай топилмас деганларидек, Рашиднинг тилига бирор арзирлик гап келмади.

Ниҳоят Лолахон сумкасини елкасига осиб ўрнидан турди.

— Хўп бўлмаса, Рашид ака, эртагача.

— Ие, тўхтанг, — деди Рашид, — мен қоронғидан кўр-кима-

— Ҳали қоронғи эмас-у, ғира-шираю, — кулди Лолахо-

— Йўқ, ғира-шира эмас, ҳозирча ёп-ёруғ! Лекин сиз кетсангиз эриштон бўлади-кўяди.

Лолахон турган жойида қотиб қолди. Заррача фурсатдан кейин ўзига келди.

— Раҳмат, жуда одамнинг нархини оширвордингиз

— Сизга нарх қўйиб бўлмайди, сиз бебахосиз.

— Вой, анавиларнинг гапларини!

Суҳбатнинг мазаси оғизда қолсин учун, уни айни кезида ташқарида эшитиш керак, деб ҳисобларди Лолахон! Фақат шундагина кетган суҳбат қуришга иштиёқ топилади. У калласини чап тарафга буркалаб ўтириб Рашидга қўлини узатди.

— Энди хайрми?

— Энди хайр, — Рашид Лолахоннинг қўлини кезида ташқарида эшитиш керак, деб ҳисобларди Лолахон! Фақат шундагина кетган суҳбат қуришга иштиёқ топилади. У калласини чап тарафга буркалаб ўтириб Рашидга қўлини узатди.

— Э, боринг-э, — қизариб кетди Лолахон ва кезида ташқарида эшитиш керак, деб ҳисобларди Лолахон! Фақат шундагина кетган суҳбат қуришга иштиёқ топилади. У калласини чап тарафга буркалаб ўтириб Рашидга қўлини узатди.

Рашид илжайганича унинг ортидан қараб қолди. У кезида ташқарида эшитиш керак, деб ҳисобларди Лолахон! Фақат шундагина кетган суҳбат қуришга иштиёқ топилади. У калласини чап тарафга буркалаб ўтириб Рашидга қўлини узатди.

Рашид шошмасдан уйига қайтарди. Шайхоннинг ёнидаги магазин олтидан ўтаётганида троллейбус бекатида турган Лолахонни кўриб қолди.

Рашиднинг бошига келган биринчи фикр сенинг ишларингизни бошқариб қилиш эди. Чунки қарз олганига ярим йилдан ошди. У кезида ташқарида эшитиш керак, деб ҳисобларди Лолахон! Фақат шундагина кетган суҳбат қуришга иштиёқ топилади. У калласини чап тарафга буркалаб ўтириб Рашидга қўлини узатди.

иложи бўлмапти. Иккинчидан Дамирни учратганда ҳамма айблари кафтда тургандек, ўзини ноқулай сезарди.

Аммо Рашид қочишга улгурмади.

— Ҳа, Сип-силлиқ, шоирларга ўхшаб жуда паришонхотирсан? — Дамирнинг кўнғироқдек кулгиси эшитилди.

Мана шунақа бетгачопарлиги ёмон-да, Дамирнинг. Кўча тўла нотаниш одаму у бўлса шанғиллаб университетдаги лақабини айтиб чақиряпти?! Рашид ўзини зўрлаб илжайди.

— Сенга кўзим тушиб, бу бетамизни қаерда кўрганман, деб эслаётувдим. Дамир ўртоғининг ҳазилидан қийқириб кулиб юборди.

— Мактабда кўргансан, Сип-силлиқ! Биттасидан нуқул уй ишини кўчириб олардинг-ку, ўша пушти-паноҳинг мен бўламан.

— Э, анави исқиртми? Лақаби Какра?

— Ҳозир лақаб ўзгарган. Тикон! Танқидчиларни танқид қиляпман. Қарасам аксарият мунаққидлар ўз ишларини унутиб, маддоҳликка ўтволишяпти, ўшаларнинг додини беряпман.

— Зўр-ку! — деди Рашид. — Демак яқинда ишдан ҳайдалиб хор бўлишинг аниқ.

— Худди шундай! Хўш, бемаҳалда ёлғиз ўзинг нима қилиб юрибсан сандирақлаб? — деди Дамир. — Янги мақолни эшитмаганга ўхшайсан-а, яхши эр, хотиним дер.

— Бай, бай, бай, дурдонанинг ўзи-ку!

— Бизда бачканаси бўлмайди, ҳаммаси нодир, ҳаммаси камёб, — керилди Дамир. — Хўш, бўладиган ишдан келайлик. Қаёққа борамиз?

— Мен, мисол учун уйга, — таранг қилди Рашид. — Ўзинг айтганингдек яхши эр...

— Хотиним дер, лекин дўстларнинг ҳам ғамин ер.

— Гапларинг гўёки шеър, — Рашид қофия бобида ўртоғидан қолишмаслигини кўрсатмоқчи бўлди.

Дамир ўйинни илиб кетди.

— Яйраб-яша тўкиб тер, сўнг мақтаниб кўкрак кер!

— Ё наъра торт мисли шер, — бўш келмади Рашид.

— Яшша, шаввоз, қўлни бер, — барибир улоқ Дамирда кетди.

— Бир учрашиб гаплашармиз, ҳозир узр, — деди Рашид жиддий, — оймларнинг сал мазалари йўқ, шунга йўлдан аптекага кириб дори олакетишим керак.

— Унда майли. Кўнғироқ қилиб тур, — ишонди Дамир.

Улар хайрлашишди, Рашид трамвайга ўтирди. Ўзидан ўзи ранжиди. Нега ёлғон тўкиди? Баҳона қилмасдан тўғриси айтивермайдими? Нега бунга унинг журъати етмайди?!

Рашид тушкун бир кайфиятда уйига кириб борди. Онасининг хонаси олдидан ўтаётиб, секин эшикдан бошини суқди салом бергани.

Хона қоп-қоронғи эди, Матлуба хола деразаларга қишин-ёзин қалин парда тутар, бирор марта уйга офтоб нури ёки тоза ҳаво кирсин демас эди. Эшикни ҳам доим ичкаридан қулфлаб ўтирарди.

Ўғлини кўриб у чўчиб тушди, бир нарса кавшаб ўтирган экан, дарров беркитди дастурхон вазифасини ўтаётган кичкинагина қўлсочиқ остига.

— Ҳа, ўтирибсизми, ойи, тузукмисиз?

— Э, — деди чўзиб Матлуба хола, — гўрни тузук бўламанми. Шу йилдан жуда мазам қочиб қолди. Кўзим тиниб бошим айланади.

Рашид онасидан қачон ҳол-аҳвол сўрамасин, нолирди. Шу йўсин ўғли билан келинининг диққат-эътиборини тортмоқчи, ўзига нисбатан шафқат уйғотмоқчи бўлармиди?!

— Майли, тузалиб қоларсиз, жуда ҳаммаёқни ўраб ташламасдан гоҳида эшикларни очиб, тоза ҳаводан ҳам нафас олинг-да, — кетиш олдидан насиҳат қилди Рашид.

— Қаёқда тузаламан, кундан кун баттар, — ўғлининг орқасидан жавраб қолди Матлуба хола.

Хотини ҳам анчайин совуқ кутиб олди Рашидни. Қўрслик қилмади, лекин аёл киши эрни очилиб-сочилиб, табассум билан қарши олса-да.

Ф. МУСАЖОН ◆ БОҒ КЎЧМАННИ ҚЎМСАЙМАН ◆ ҚИССА

Рашиднинг кўз олдига лоп этиб Лолахон келди. У ҳеч қачон хомуш юрмайди, доим хушчақчақ, тетик, оёғидан ўт чақнайди, сал нарсага шарақлаб кулади.

Фарида кичкина ликобчада тузланган бодринг билан косада қовурма келтириб эрининг олдига қўйди.

Рашид овқатланар экан, хотинига кўз қирини ташлади. Қизиқ эди Фарида, кайфияти ёмон бўлган пайтларда, ҳозиргига ўхшаб ҳеч нарса қилмасдан безрайганича ўтираверарди.

— Ҳа, намуна мен еб, сен қуруқ қолгандек қовоқ соласан?

— Ўзим, — нохуш жавоб қилди Фарида.

Рашиднинг хаёлига яна Лолахон келди. Жуда сергап, ширинсухан у. Мана бунақа шумшайиб ўтирмайди. Бошлиқлар хафа қилса ҳам жавраб-жавраб аламидан чиқади.

— Адамларга ҳам ҳайронман, — томдан тараша тушгандек гап бошлади Фарида ниҳоят, — тайёр кооператив квартирани йўққа чиқариб ўтирибдилар.

— Тушунмадим.

— Квартира ҳал бўлган эди, охириг қварталда беришмоқчийди. Бугун телефон қилиб, пулини тўлаб расмийлаштираверинглар дейишди. Ҳатто уйнинг адресини ҳам айтишди, бориб кўринглар деб.

— Қаерда экан?

— Чилонзорда, ғишт уй экан. Марказдан узоқроғ-у, лекин майлийди. Уй тегаркан, деб суюниб адамларга телефон қилсам, ҳозирча кўчмай тур, дедилар.

— Нега? — ҳайрон бўлди Рашид, — балки пулларини қизғанаётгандирлар.

— Йўқ, мендан қизғанмайдилар, — ишонч билан деди Фарида, — учала фарзандларига атаб қўйган алоҳида пуллари бор. Кўзи ёрийдиган одамсан, қайнонанг билан бирга тура тур, дедилар.

Рашид Умархон ака нима мақсадда шундай деган; тагига етолмади.

— Ҳомиладор аёл, эскиларнинг таъбирича, икки йўлнинг ўртасида тураркан, — тушунтирди Фарида эрининг танг аҳволда қолганини кўриб. — Шунинг учун бировнинг дилини оғритмаслиги, қарғишга қолмаслиги керак. Бунинг устига, чақалоқлик бўлса, қайнонаси асқотади, тўнғич боласи. Бир-икки яшар қилиб бермаса, ўзи эпполмайди, деб ўйлаяптилар.

— Лекин тўғри, ойим қарашиб турмасалар, қийналасан чақалоқ билан.

— Эплардик икковлашиб. Мана энди тайёр квартира қўлдан чиқиб кетяпти. Агар ҳозир олмасак, уч-тўрт йилга чўзилиб кетади.

— Намунча шошилмасанг?

— Э, сизга нима, юрасиз ишингизда ялло қилиб. Мен бўлсам эзвқун онангизнинг қош-қовоғига қараб ўтираман. Башараларидан заҳас томади, кўрсам юрагим зирқиллайди.

Қайнона-келиннинг орасига тушиш Рашиднинг жонига теккан эди.

— Эртага эрталабгача янага ҳафта кўрсатувини ёзиб оборишим керак. Тексти бўлмаса программага киргизмайди, — Рашид ўрнидан турди, таъвишдан толиққан, абгор бўлган одамдек чуқур хўрсинди. — Майли, мен кириб ёзай қуриб кетгурни, битта-яримтаси телефон қилса «йўқлар» деб қўяқол.

Фарида маъқул дегандек бош силкиди. Рашид қўшни хонага йўналди. Ёзув столи ёнида ўтириб қоғоз-қалам олди, бир-иккита справочник ва лугаларни очиб қўйди.

Кўп ўтмай хонага Фарида кирди, иккала қўли билан бошини чагалаб фикр дарёсига фарқ бўлган эрини кўриб ғурурланди. Нега ғурурланмасин. Рашид акаси кундузи тер тўккани етмагандек, кечаси ўтириб яна ишлаяпти. Ишчан эр қайси хотинга ёқмайди дейсиз. Бекорчи, ялқовлардан асрасин! Фарида эрининг олдига чойнак билан пиёла қўйди.

— Тўқсон беш, — деди-да, товушсиз қадам босиб чиқиб кетди.

Рашид қаддини ростлаб курси суянчиғига ястанди, ўйлашда давом этди. Фақат у кўрсатув эмас, Лолахон ҳақида ўйларди. Кўп ажойиб жувонда қурмагур. Мард, раис билан ҳам дангал ташлашади, сахий, бировдан яхшилигини аямайди, олижаноб, кимнинг бошига кулфат тушса, биринчи бўлиб ёрдамга келади, имонли, ҳеч қачон дўстини сотмайди... Жуда оширвормадимми, деб ўзини тўхтатди Рашид.

Бирдан у бемаъни фикрга борди, Лолахоннинг уйига телефон қилади, қани нима дер экан, қандай гаплашаркан? Бунинг учун баҳона тўқиш керак. Фаридада шубҳа туғдириб қўймайдиган зўр баҳона!

— Фари! — деб хотинини чақирди Рашид.

— Нима дейсиз? — останада пайдо бўлди Фарида.

Рашид юзини аянчли буриштирди. Қўлидаги ручкани столга улоқтириб ўрнидан турди.

— Ғафур Ғуломнинг битта шеъри бор эди-ку «Тақдирин қўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона» деган сатрлари бор, ўшанинг номи нимаиди, эсингда йўқми?

Фарида қошларини чимирди.

— Эсламаяпман...

— Ҳаҳ, чёт, бизда Ғафур Ғуломнинг китоби йўғ-а?

— Йўқ, — афсусланди Фарида.

Йўқлигини Рашиднинг ўзи яхши билади, бўлса сўрармиди?

— Гоҳида мана шунақа битта сўз, битта жумла ишнинг белига тепади, — хуноби ошди унинг.

— Ўзингизни қийнамасдан телефонда битта-яримтасидан сўрай қолинг, — маслаҳат берди Фарида.

Рашид ялт этиб хотинига қаради.

— Ҳа-я! Яхши фикр, — деди сал енгил тортиб, — хўш, кимдан сўрасам экан? Бош редакторимиз бугун тўйга бормоқчи эди, Йўлдош деганимизда телефон йўқ.

— Мансур-чи, муовин?

— Ҳа; Мансурдан сўраса бўлади, балони билади. Лекин у хумпар кеча икки кунлик командировкага кетганди, — бўшашди Рашид.

— Анави қизинглар-чи, Лолахон?

Рашид хотинига қараб «қанақа тентаксан» дегандек башарасини яна буриштирди.

— Ўв, мия! Биринчидан у қиз эмас, оилалик жувон. Эри, иккита боласи бор! Иккинчидан нима деб қўнғироқ қиламан уникига, эри рашкчиноқ бўлса тагин ораларига совуқчилик тушиб ўтирмасин менинг дастимдан.

— Э, дангал телефон қилаверинг, иш юзасидан ҳеч нарса қилмайди. Хотинини телевидениеда ишлатиб қўйибдими, демак тушунадиган эркаклардан.

Рашид «мажбур бўлди» телефон қилишга. Ён дафтарини олиб Лолахоннинг номерини ахтариб топди, рақам терди. У кўп кутмади.

— Лаббай? — деган ёқимли қўнғироқ овоз эшитилди трубкадан.

— Менга Лолахон керак эдилар, тўғри тушдимми? — сўради атайин Рашид.

— Тўғри тушдингиз, мен эшитаман.

Рашид бир зум жим бўлиб қолди.

— Мен Сафаровман, бирга ишлайдиган ҳамкасбингиз.

— Вой, Рашид ака?! — астойдил суюниб кетди Лолахон. — Нечук?!

— Гап шундаки, — Рашид ёлғиз эмаслигини билдириш учун расмий тилга кўчди, — менга ёрдамингиз керак бўлиб қолувди, Ғафур аканинг битта шеъри сарлавҳасини эслолмаяпман. Манавинақа сатрлари бор.

— «Дебоча» — шеърнинг номини айтди Лолахон.

— Аммо зўр бўлади китобдан қараб берсангиз. Ишқилиб малол келмайдими? Бўпти, мен кутиб тураман, — Рашид трубканинг оғзини ёпиб хотинига қаради, — ҳозир қараб беради.

Симнинг нариги ёғида Лолахон Рашиднинг мақсадини англади, жим туриб кутди.

Фарида эрининг иши битадиган бўлганини кўриб кўнгли жойига тушди, тепасида пойлоқчилик қилмаслик учун ошхонага йўл олди, бекор тургандан кўра қозон-товоқни ювиб олсин.

Ниҳоят Рашид овоз берди:

— Топдингизми?

— Нимани? — кулиб сўради Лолахон.

— Қидираётган нарсангизни.
— Афсуски, қидираётган нарсамни тополмаяпман, — икки хил маъноли гап қилди Лолахон.

Рашид унинг фикрини тушунди.

— Афсусланманг, ўзим сизга ёрдам бериб юбораман топишга.

Лолахон «қачон?» деб сўрашига оз қолди, аммо тилини тийди, шунга қарамай ишва билан:

— Кошкийди, — деди.

— Мен кейинги пайтларда ўзимга тушунолмаяпман. Қаерда бўлмай, кўчадами, уйдаи доим эс-ҳушим... ишда. — Рашид овозини пасайтирди, — кечроқ бўлса ҳам йўқлайвердим. Бу ёғига узр.

— Вой, раҳмат йўқлаганингиз учун. Эзгу ишнинг кечи йўқ, қачон бўлса ҳам эшигимиз очиқ, — қочирма гап қилишда Рашиддан қолишмас эди Лолахон.

— Менинг илтимосимни бажардингизми?

— Қанақа илтимос экан?

— Ана шунақасиз-да, бизни илтимосни ҳам, ўзимизни ҳам дарров унутасиз.

— Тухмат одамга оғир ботар экан, — эркаланиб ўпкалади Лолахон.

— Тухмат эмас, ахир уйга кетаётганингизда нима деб тайинлаб юборган эдим?

Трубкадан Лолахоннинг қўнғироқдек кулгиси эшитилди, у завқланиб, шодон куларди.

— Илтимосингиз эсимда. Энди... ташаббус эркак кишидан чиққани яхшироқ бўлармикин девдим-да.

Остонада Фарида пайдо бўлди.

— Фафур аканинг ўзларини чақириб олтин фондга ёзиб оламан. Лекин Фафур акани ўзингиз топасиз, чиқишга ҳам ўзингиз кўндирасиз. Бўпти, раҳмат. Безовта қилганим учун узр, — Рашид трубкани «шарақ» этказиб илди, — жуда эзма аёл-да, битта гапни ўн марта қайтаради, — деди у.

— Ишингиз битдими ишқилиб?

— Ҳа, албатта...

Рашид яна иш столига ўтирди, соат ўн бирларга яқин Фарида қайтиб кирди.

— Белим оғриб, суякларим синиб кетай деяпти, ётиб ухласам сизга халақит бермайманми? — унинг ҳамон кайфияти йўқ эди.

— Бемалол ётавер, мен сенга халал бермасам бўлгани, — Рашид хотинини биларди, битта нарсага ёпишса, то охирига етказмагунча тинчимайди.

— Секцияга кўчиб ўтганимизда эди, ўзингизга алоҳида иш кабинети қилиб берардим.

— Бўпти, ётиб ухла.

Фарида ечиниб ўринга чўзилди, лекин ухламади, ихсираб, ҳар ёққа тўлғаниб ётди.

Рашид яна бир пас ўтирди ишлаган бўлиб. Кейин у ҳам ечиниб, чироқни ўчириб, хотинининг ёнига кирди.

— Аммо бирортасидан қарз топилса зўр бўларди, — деди Фарида кўққисдан.

— Қанақа қарз? — ҳеч нарсага тушунмади Рашид.

— Адамларга ялиниб ўтирмасдан, шартта ўзимиз олаверардик кватирани.

— Яна шу гапми? Қўй, бир гап бўлар, — деди Рашид. — Яхши ухла...

9

Эрталаб нонушта пайти ҳамма худди уришган одамлардек мум тишлаб ўтиришди. Матлуба хола бир пиёлагина чой ичди, холос, на иситилган кечаги овқатдан татиб кўрди, на бир бурда нон тишлади.

Фарида эса унга рўйхуш бермади, овқат емайсизми ҳам демади.

— Битта қиз ўртоғим бор, қари чолга эрга теккан, заргарлик магазинининг директориға, — деди Фарида қайнонаси чиқиб кетгач. У кўпинча гапни шунақа кўққисдан бошларди. — Ўшандан қарз сўрасаммикан, мактабда жуда қалин эдик.

— Уфф, яна квартирами, бўғзимга келди-ю жоврашинг.

— Жоврашим бўғзингизга келган бўлса ўзингиз топинг қарз, жағим ёпилади-кўяди, — шанғиллади Фарида.

— Кимдан топаман?! Мени сенга ўхшаган бойвачча отам йўқ, ойим пенсионер...

— Ишхонангиздагилардан сўранг.

— Ишхонадагилардан?! — бўғилиб деди Рашид. — Ишхонадагилар ҳаммаси кеча институтни битирган ёшлар, энди оёққа туришяпти.

— Хўп, нега бақирасиз?! — қайтанга ўзи бақириб гапира бошлади Фарида. — Менга деса умрингизнинг охиригача яшайвермайсизми мана шу ўрага ўхшаган пахса уйингизда.

Рашид одати бўйича дарров орқага чекина қолди, мураса йўлини қидирди.

— Биров сенга кооператив квартирадан воз кечамиз деяптими. Албатта оламиз. Фақат бир оз кутишга тўғри келади. Яқинда кўлимга йириккина пул тушади, — қандай қилиб ёлғон тўқиб юборганини сезмай қолди Рашид. Хотинига ўзини ношуд-ночор қилиб кўрсатишни истамасди у.

Фарида анойи эмас, эрига унчалик ишонқирамай, тусмоллаб сўради:

— Қанақа пул, қаердан тушади?

— Жойи бор, — аниқ жавобдан қочди Рашид, чунки аниқ жавобни ўзи ҳам билмасди, — газетада чиққан ҳикоям бор-ку, ўша конкурсда мукофот олиб қолиши мумкин экан, — хаёлига келганини айтиверди у.

Бу Рашиднинг орзуси, тахмини эди. Ғулумжон аканинг қистови билан Рашид ҳикояни ёзди, бир ой бўлди — у газетада босилиб чиқди. Катта шов-шув бўлмаса ҳам редакциядаги ҳамкасблари, таниш-билишлари мақташди, табрик-лашди. Ғулумжон ака конкурснинг жюрисида ўзим бўламан, ажаб эмас бирор нарсалик бўлиб қолсангиз, деб ваъда қилди. Конкурс натижаси мана шу декабрь ойида эълон қилиниши керак.

— Ким айтди? — сўради Фарида.

— Нимани? — Рашиднинг фикри сочилиб кетганди.

— Мукофот олишингиз мумкинлигини.

— Орқаваротдан эшитсам, ўша газета редакциясидагиларга ҳикоя маъқул бўлибди, — Рашид Ғулумжон акани хотинига айтмади. Хотинида, мукофот ҳалол эмас, таниш орқали ундирилди, деган фикр туғилиб қолиши мумкинлигидан қўрқди.

— Қанча беради?

— Тўхта, ҳали берадими, йўқми...

— Беради, — қатъий ҳукм чиқарди Фарида, — сиз пулдан келаверинг.

— Яхши эсимда йўқ конкурс шартлари. Биринчи мукофотга минг сўм, иккинчисига саккиз юз эди шекилли.

— Аммо зўр бўларди мукофот олсангиз, — очилиб кетди Фарида. — Минг сўм улар беришса, минг сўмининг мен тақинчоқларимдан бир-иккитасини пуллаб топардим. Беш юзни бирортасидан қарз олиб турардик. Қарабсизки, биринчи взнос тайёр, тўлаб квартирани олиб қўяқолардик.

— Тақинчоқларингизни аданг сотма, деб тайинлаганлар шекилли?

— Э, билиб ўтирибдиларми?! — чапанилик қилди Фарида, — тақинчоқ меники, ихтиёрим ўзимда. Фақат сиз оғзингиздан гуллаб қўймасангиз бас. Билиб қолсалар ёмон хафа бўладилар.

Бисотдан нарса сотганни Рашид ҳам ёқтирмас эди.

— Балки бошқа йўлини топармиз, муҳтожликни бошга солмасин-у, лекин тилла турса яхши-ёмон пайтда кунингга ярайди. Ярамаса болаларингга бир куни совға қиларсан...

— Ўзингиз кейин биттанинг ўрнига икки қилиб олиб берарсиз, — тантиқланди Фарида.

— Барибир сотишга шошилма. Олдин бу ёғи ҳал бўлсин, — Рашид кетишга отланди.

У қайсидир чет эл фильмида эри ишга кетаётганида хотини билан ўпишиб хайрлашганини кўрган, иноқликларига ҳаваси келганди. Нега буларнинг ўртасида ҳам шундай маданий муносабат бўлиши мумкин эмас. Чиқиб кетар экан, хотинининг лабига лаб босди.

— Кечгача, жоним.

— Яхши боринг, — хотини бундай оқсуякона муносабатларга тайёр эди, баъзи қолақ аёлларга ўхшаб «вой, бу нима қилиқ» деб қийшангламади.

Рашид ишга ўн минутча кечикиб борди. Ҳамма летучкада, хонада ҳеч ким йўқ эди. Унинг миясига тўсатдан бир фикр келди, пайтдан фойдаланиб қолиш керак. Зудлик билан телефонга яқинлашиб рақам терди. Зум ўтмай трубкада Фуломжон аканинг овози эшитилди.

— Ассалому алайкум, Фуломжон ака, ўзингизмисиз?

— Ия, ия, Рашидхон, бардаммисиз, аҳволлар яхшими? Бизни ҳам йўқлар экансиз-ку!

— Нега йўқламан эканмиз, доим ёдимиздасиз, — деди Рашид. — Фуломжон ака, мен битта масала бўйича телефон қиляпман.

— Қулоғим сизда, Рашидхон, буюринг.

— Бир ният пайдо бўлди. Ҳадеб учта-тўртта шоирнинг чиқишини такрорлайвермасдан, битта шоирнинг ижодига бағишланган махсус кўрсатув тайёрламоқчимиз.

— Аммо кимдан чиққан бўлса ҳам жуда яхши фикр, — Фуломжон ака жонланиб кетди. — Шундагина шоир ҳақида қандайдир тасаввур пайдо бўлиши мумкин тамошабинда.

— Бу цикл бўлади. Сиздан бошламоқчимиз. Яхши бир адабиётшунос топамиз, ижодингиз ҳақида чиroyли ва қисқагина маълумот беради. Кейин артистлар шеърларингиздан ўқийди. Бир-иккитасини ўзингиз ёддан айтиб берасиз. Нима дедингиз?

— Майли, ўйлашиб кўрамиз, — сиполик қилди Фуломжон ака.

— Бўлмаса узоғи билан шу ҳафтанинг охиригача бизга ўн-ўн бештача шеър опкелиб берасиз. Мен нариги ойга планлаштириб қўявераман.

— Раҳбариятнинг хабари борми? — ишни пишиқ қиларди Фуломжон ака.

— Бор, — ёлғон тўқиш одат тусига кириб борарди Рашид учун, унинг овозида қувлик оҳанглари пайдо бўлди. — Бу ёғидан кўнглингизни тўқ қилаверинг. Келишдикми?

— Келишдик!

— Раҳмат, Фуломжон ака, саломат бўлинг.

Худди Рашиднинг гапни тугатишини кутиб тургандек хонага ходимлар бостириб кириб келишди. Лолахонни кўриб Рашиднинг оғзи очилиб қолди. Бугун у жуда бошқача бўлиб келибди. Қошини тердирган, лаби ва яноғига нозик қилиб қизил суртган, сочини калта қирқтирган. Янги кийган шерсть кўйлаги қадди-қоматининг фазилатларини кўз-кўз қилиб турибди. Гарчи Лолахон сир бой бермасликка ҳаракат қилса ҳамки, кўриниши Рашидда маълум таассурот туғдирганидан мамнун эди.

Пешинга яқин хонада Турғуналидан бўлак ҳеч ким қолмади. Рашид учун бу айти мударра эди. У Турғуналининг олдидаги курсилардан бирига келиб ўтирди.

— Менга беш минут вақтингизни ажрата оласизми?

— Гапиринг, — деди олдидаги қоғоздан бош кўтармай Турғунали.

— Янги цикл кўрсатувлар ташкил қилмоқчиман, шу-га сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

Турғунали ёзаётган нарсасини тугатди, қоғоз папкага солди, кейин ортиқча қизиқиб изҳор қилмай Рашидга қаради.

— Қанақа цикл?

— Ҳар кўрсатув битта шоирнинг ижодига бағишланади ва... — Рашид тўлиб-тошиб кўрсатув қандай бўлиши, мазмуни, шакли ҳақида гапира бошлади.

— Тушунарли, ижодий портрет, — унинг сўзини бўлди Турғунали. бугун алланечук паришонхотир, лоқайд эди, — бу янгилик эмас, Москвада аллақачон уюштирилган. Биз ҳам бошласак зиён қилмайди. Қайси шоирларни оласиз, рўйхатини туздингизми? Ҳаммаси ҳақида кўрсатув қилиш шарт эмас, фақат мўносибларини танлаш керак.

— Албатта, энг кўзга кўринганларини оламиз. Янаги ойдан бошласак деган фикрдаман, — Рашид қараса Турғунали гўё эшитиб ўтирибди-ку, лекин хаёли бошқа ёқда, усталик билан «фармонга муҳр бостириб» олмоқчи бўлди. — Биринчи кўрсатувни Фуломжон Юсуфийга бағишласак.

— Нима? — ўзига келди Турғунали. — Аввало, Фуломжон Юсуфий янги циклни очишга арзигуллик фигура эмас. Энг зўридан бошлаб, аста-секин пастга

тушиб келавериш керак. Иккинчидан, нима унинг юбилеи ўтказиляптими, топиб олганларинг шу. Янгилишмасам кейинги икки-уч ой ичида беш-олти мартача чиқди-ёв.

— Атиги тўрт марта, уч ой мобайнида...

— Барибир кўп!

— Циклни Юсуфийдан бошламоқчи бўлганимнинг сабаби бор. Агар сиз айтгандек даражасига қараб қўядиган бўлсак, балога қоламиз. Кимдан кейин ким туриши муаммо. Шоир аҳлининг ҳаммаси ҳам осмонда, ўзини даҳо санайди. Нега мен анавиндан кейин бўлишим керак, деган ғалвадан бошимиз чиқмай қолади. Шунинг учун атайдан аралаштириб бермоқчиман.

Рашиднинг ҳикояси Юсуфий туфайли босилиб чиққанидан Турғуналининг албатта хабари бор эди. Бу ҳам ўз фойдасини биладиган соддамуғамбир шайтонлардан экан, деб ўйлаб қўйди.

— Барибир Юсуфийдан бошланглар. Иккинчими, учинчими қилиб берарсизлар. Тамошабиннинг диққат-эътиборини жалб қилиб олиш учун циклни зўр шоир билан очиш керак, — Турғуналининг овозида олдинги иштиёқ ўрнига, қандайдир бефарқлик сезилди. Рашид масалани ҳозирча очиқ қолдириб мавзунини ўзгартишга қарор қилди.

— Сал нохушроқ кўринасиз, Турғунали?

— Ие, ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми ҳали?

— Йўғ-а...

— Шунинг учун летучкаларда бўлиш керак, акам! Ахир бугун раиснинг ўзи ўтказди.

— Гап тегдими? — Редакциямиз танқидга учраган бўлса керак, деб ўйлади Рашид.

— Йўқ, — калласини сарак-сарак қилди Турғунали. — Москвага кетяпман, ўқишга, редакция ўзларингга қоладиган бўлди.

— Қандай? — Рашиднинг овози суюниб кетганга ўхшаб чиқди.

Бошлиқ қанчалик одил, ишбилармон, оқил бўлмасин барибир ходимлар ўзгариш тарафдорик. Чунки бошлиқнинг ўзгаришига кўп нарса боғлиқ. Бир поғона кўтарилиш, янада яхшироқ бошлиққа эга бўлиш, янги одам билан учрашиш, хуллас ҳар хил умидлар амалга ошиши мумкин.

— Шундай, бошлиқларнинг тавсияси билан кетяпман. Лекин ўзим иккиланиб турибман. Бу ёқда оила нима бўлади, иккита қизим, қари қайнонам бор, хотиним ишламайди, ҳали студент. Ким боқади уларни, битта стипендия менга етадими, уларгами? Иккинчи томондан бориб ўқиб келмасанг ҳам бўлмайди, абадий редактор бўлиб юравераманми. Москванинг дипломи бўлса зинапоялардан кўтарилиш осонроқ бўлади.

— Ўқиб келганга нима етсин?! — Рашид севинчини яшириб, ўкинган бўлди. — Лекин сизга ўрганиб қолгандик.

— Ҳозир шунақа дейсизлар. Душанбада мен кетиб, сешанбада янги бошлиқ келса, ҳамманглар ўшанинг ноғорасига ўйнайсизлар, — кулди Турғунали, — ҳали кетмасимдан ўрин талаш.

— Кимлар экан талашаётганлар?

— Талабгор кўп. Ўзимизнинг Мансур, қўшни редакциянинг бош редактори, радиодан ҳам бор номзодлар...

— Э-ҳа, рақобат катта экан-да, — Рашид сал ғалати бўлиб қолди.

— Раис чақириб фикримни сўраган эди, жўрттага тайинлик гап айтмадим, бир-бирини гўштини есин, — деди Турғунали. — Менга деса бирорта тўнкани қўйиб қўйишмайдими?

Турғуналининг гапи Рашидга эриш туюлди. Уни ҳалол, жонкуяр ходим деб ўйларди. У эса ўрнига ўздан ёмонроқ одам келишини истаяпти.

— Ё сиз бўласизми? — қўққисдан сўраб қолди Турғунали. — Раиснинг олдига киришим мумкин шу таклиф билан, менинг гапимни инobat олади.

Рашид ўзини йўқотиб қўйди: Турғунали ҳазиллашяптими, калака қиляптими, жиддий гапиряптими ё синаб кўрмоқчи бўляптими?

— Э, бизга йўл бўлсин... ҳали янгимиз, — деб ғўлдиради, — эплломаймиз ҳам.

— Эплашга эплaysиз. Энг осон иш бошлиқлик, буйруқ бериб ўтираверади, ходимларга қийин, ҳамма иш ўшаларнинг бўйнида. Хўш, ўрнимга ўтирасизми?

— Одамни майна қилишни яхши кўраркансиз, — Рашиднинг кулгиси сохта чиқди.

— Нимаси майна, мен жиддий сўраяпман!

— Очиғини айтавермайсизми, синаб кўряпман деб.

— Синашнинг ҳожати йўқ, шундоқ ҳам маълум, ходимларимизнинг қайси бирини олманг, жон-жон деб кўнади ўрнимга ўтиришга. Лекин баъзилар буни очиқ тан олади, баъзилар беркитади сизга ўхшаб, — қийқириб кулди Турғунали.

— Э, ҳазилингиз бор бўлсин, — Рашид олов бўлиб ёнди, ўрнидан туриб хонадан чиқди. У йўлак бўйлаб кета бошлади, қаёққалигини ўзи ҳам аниқ билмасди. Борган сари қадами тезлашарди. Ҳа, энди тушунди, у хилват жой қидирар эди, телефони бор кимсасиз хона! Қайси редакцияда одам камроқ? У учраган эшикни очиб мўралаб ўтаверди. Тўхта, мана бу хонада биттагина қиз ўтирибди. Рашид ичкари кирди.

— Кечирасиз, телефон қилиб олсам майлими?

— Вой, бемалол, Рашид ака, — қиз дик этиб ўрнидан туриб хонадан чиқди. Рашид бир сакраб телефонга яқинлашди-да, рақам терди. Узун гудок узоқ эшитилиб турди. Ниҳоят Фарида трубкани кўтарди.

— Нега кўнғироқ бўлганда дарров олақолмайсан?

— Олдим-ку, тинчликми? — Фарида эрининг ҳаяжонини дарров пайқади.

— Маслаҳатинг керак бўлиб қолди.

Энг ёмони биров сенга маслаҳат бергани, аксинча кимдир маслаҳатингни сўраса ёқади, демак нимагадир ақлинг етадиган одамсан.

— Гапиринг? — ҳозиржавоблик қилди Фарида.

Рашид ўзини босиб олиш учун бирпас сукут сақлади, кейин анчайин хотиржамлик билан бошлади.

— Ўзи арзимаган нарса. Турғунали қаёқдаги гапни топиб миямни ачитяпти. Москвага ўқишга кетар экан, ўрнимга сен қолгин деяпти.

— Бош редакторликками? — Энди Фарида жонланиб кетди.

— Ҳа-да. Менга зарур келибдим, тинчгина редакторлик қилиб юрганга нима етсин?!

— Вой, нега унақа дейсиз, имконият борида фойдаланиб қолинг, ё умр бўйи оддий редактор бўлиб юрмоқчимисиз?

— Биринчидан мен ҳали янги одамман. Иккинчидан жавобгарлиги бор. Ишда битта хато кетса калтак сенинг бошингда синади. Ҳа, масъулияти катта.

— Одам қилган ишни одам қилаверади, эплаб кетасиз, — қатъий ишонч билан деди Фарида.

— Масаланинг бошқа томонлари ҳам бор, — Рашид сукут қилди. — Бошлиққа тайинланадиган одам албатта партия аъзоси бўлиши керак. Бу бир, иннайкейин ҳозирча бу Турғуналининг таклифи, ҳали каттакан нима дейди, нима қўяди, билиш қийин.

— Адамларни ишга солиб партия масаласини тезлаштириворишимиз мумкин.

— Турғуналидан битта яхши маслаҳат чиқди, — овози сал қалтираб, ёлғон тўқиди Рашид, — Қамариддин ака катталарга айтса, иш хамирдан қил суғургандек осон кўчади деди.

— Тўғри маслаҳат берибди.

— Мен шу ишга Қамариддин акани қўшмоқчи эмас эдим-да, — йўлига норозилик билдирди Рашид.

— Вой, нима қилибди. Таниш-билишсиз ҳозир ҳеч қаерда иш битмайди. Қамариддин ака бир оғиз айтса, олам гулистон.

Рашид яна жим бўлиб қолди.

— Ҳа, нега гапирмайсиз?

— Шошилмасдан бир ўйлаб кўрсак бўлармиди?

— Бундай пайтда ҳар бир дақиқа ғанимат! Шошилиш керак, мен ҳозироқ телефон қилиб Қамариддин акани топаман.

— Майли, ўзинг биласан, — хотинининг фаросатлилиги, ғайратчанлигига қойил қоларди у, — телефон қилиб кўр, бўлмаса балки уйига ўтарсан. Сеники ҳам тўғри, бунақа ишни тез ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилиб қўяқолган яхши.

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Бўпти! — Фарида шошиб трубкани илди. Рашиднинг кўнгли сал жойига тушди.

Бугун ўзи омади чопган кун эканми, хонага қайтса Лолахоннинг бир ўзи нималарнидир ёзиб ўтирибди.

— Ишингиз кўпайиб кетганга ўхшайди-а?

— Қанақа иш?! Характеристика ёзямман, — Лолахон изоҳ берди, — ўзимга ўзим характеристика ёзямман.

— Зўр-у!

— Чет элга боришнинг шунчалик даҳмазаси кўплигини билганимда ҳаракат ҳам қилмаган бўлардим.

— Ие, чет элга кетяпсизми?

— Ҳа, Болгарияга, туристик путёвка билан. Уларнинг танишлари иккита жой тўғрилаб бермоқчи.

— Э, улар билан бораман денг?! — пичинг қилди Рашид.

— Ҳа, улар билан, — жилмайди Лолахон.

— Аммо улар роса толеи баланд йигит эканлар. Қани энди ҳамма хотинлар ҳам ўз «улар»ини сизчалик севса. Кунни бўйи чидаб ўтириб, ўзиям ёмон соғиниб қолсангиз кераг-а уларни кечгача.

Лолахон яйраб, завқланиб кулди.

— Узим ҳам ҳайронман, доим эс-ҳушим ўшаларда.

— Ҳа, айтгандек, Лолахон, келаси ҳафтанинг программасини топшириб юбормаганмидингиз? — мақсадга кўчди Рашид.

— Тайёр. Яхши эсга солдингиз, топшириб қўя қолай... Ҳозир шунақа қилиб қўйишган, ўн беш кун олдин талаб қилишади.

— Бўлмаса битта нарса қўшворайлик, — деди Рашид.

— Рўйхатга Турғунали ака қўл қўйиб бергандилар, ўзгартирсак бўлармикин, ё олдиларидан ўтасизми?

— Э, Турғунали билиб ўтирибдими, — ҳазиллашган бўлиб кулди Рашид, — эртага кетадиган одам.

— Майли, ўзингиз биласиз, — Лолахон стол тортмасидан ҳафталик программани олиб Рашидга узатди. — Мана.

— Узингиз ёзиб қўяқолинг. Битта кўрсатувни ўчирасиз-да, устидан «Ғулумжон Юсуфийнинг ижодий портрети» деб ёзиб қўясиз. Янги цикл ташкил қилмоқчимиз. Сиз билан бизнинг ишимиз яна кўпаяди.

— Майли-ю, қайси кўрсатувнинг ўрнига ёзсамикин?

Рашид жиддий тортиб қошларини чимирди.

— Ким билади, бунақа нарсаларни сиз мендан кўра яхшироқ биласиз.

— «Шоирлар минбари» деган кўрсатувнинг ўрнига берамизми? — деди Лолахон.

— Яшанг! Шоирнинг ўрнига шоир, — деди Рашид. — Аммо балосиз, бирпасда йўлини топдингиз.

Лолахон топафонлигидан мамнун бўлиб хонани тарк этди.

Рашид мийиғида жилмайиб, унинг кетидан қараб қолди.

10

У ишдан қайтса уйда хотини йўқ, ойисидан сўраган эди:

— Э, у менга айтармиди борадиган жойини, ишим бор деб чиқиб кетди, — деди Матлуба хола оғриниб.

— Қачон кетувди?

— Соатини билмайман, сени кетингдан чиқиб кетувди, нонуштадан кейин.

Онаси доим ошириб гапирарди, ошириб гапирганиям майли-я, ҳали бирор марта келинининг орқасидан яхши сўз айтмаган, нуқул ёмонлайди. Йўқ, мақсади атайин уруштириш эмас-ку, аммо охирини ўйламасдан ёмонлайверади. Онасининг мана шунақа қилиқлари Рашидга сира ботмасди.

Матлуба хола бошқача ўйларди. Шу келин келибдики, ўғли ўзгарди-қолди, жилловини ўшанга топширди-қўйди, ҳамма ишни ўшанинг райъига қараб қилади, онаси билан иши йўқ. Олдинлари маош олганида бир сўм, ярим сўм бериб турарди, энди тийинини кўрсатмайди. Майли, агар она керак эмас, ишонган тоғи хотини экан, халақит бермайди, на қозон-товоққа, на рўзгорга аралашади, билганларини қилишсин. Бир коса ошини аямаса берар, бермаса очидан ўлмас, давлат тайинлаган пенсияси бор, тирикчилигига етади.

— Овқат йўқми? — сўради Рашид.

— Хўжайиндан кўрқдим қилгани, — аламзада оҳангда уқтирди Матлуба хола.

— Бу уйда ҳамма тенг, қул, хўжайин йўқ, — ўзини босишга ҳаракат қилди Рашид.

Матлуба хола ўғлининг гапини бошқача талқин қилди.

— Ҳа, сенга она ҳам, хотин ҳам тенг, — у бирдан тутақиб кетди. — Кошқийди тенг бўлса, хотинингни бошингга чиқариб қўйгансан!

Рашид онасини ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаган эди. Нечун онаси бу қадар инжиқ, ҳар нарсадан оғринадиган бўлиб қолди? Қоронғи уйга беркинволиб, ҳар хил нарсаларни ўйлайвериш, руҳий касалликка дучор бўлиб қолмасайди. Ҳа, бунинг олдини олиш керак. Кейинги маошидан онасига албатта бирор совға келтириб кўнглини кўтаради.

Яхшиям шу пайт Фариди келиб қолиб можарога чек қўйди.

— Вой, оч қолиб кетдингларми, ҳозир овқат бошлавораман, — деди у нафасини ростлаб улгурмасдан.

Матлуба хола индамасдан ўз хонасига кетди.

— Қамариддин акага учрадингми?

— Учрадим. Ушаларниқидан келяпман, ишда эканлар, кутиб ўтирдим, — деди Фариди.

— Нима дедилар?

— Гап кўп, адамларга учрамасак бўлмайди.

Рашид жим бўлиб қолди, Қамариддин ака катта совғага шама қилган кўринади. Харажат билан боғлиқ бўлмаса Фариди отасиникига судрамайди.

— Балки ташвиш орттирмай, тинчгина ўз аравамни ташиб юраверсаммикин? — ўзини гўлликка солди у.

— Олма пиш, оғзимга туш деб ўтирсангиз, ўтираверасиз. Дурустроқ жойни эгалламоқчи бўлган одам сал жон ачитиши керак, — Фариди бирдан қоринини ушлаб юзини буриштиради.

— Ҳа, нима қилди?

— Қиз туғаманми, ўғилми билмадим-у, аммо жуда шўх бўлади шекилли, шунақа тепадикки...

— Балки адам катта ишга ўтяптилар, деб суюнаётгандир...

— Зора оёғи қутлуғ келиб мартабангиз улуғ бўлиб кетса...

— Шундоқ-ку, лекин амал курсиси бевафо нарса, бугун менинг тагимда, эртага бошқасининг. Иннакейин у аёлларга ўхшаган нарса. Қанча кўп чиройли, жозибадор, етишиш қийин бўлса шунча кўп талаш бўлади.

— Бетамиз бўлманг! Озгина макарон ҳам қўшайми ё гўшт билан картошканинг ўзини қовураверайми?

Рашид шипга қараб худди мураккаб муаммони ҳал қилаётган одамдек ўйга ботди, ниҳоят ечимини топгандек бўлди:

— Сен ҳеч қачон режимни бузма. Одам бир нарсага одатландими, ўшани сақлаши керак. Мана икки ҳафтадан бери сурункасига еганимиз қовурдоқ, энди унга макарон аралаштирсанг, ошқозонимиз қабул қилармикин?

— Анави кунги еган мантингиз эсингиздан чиқдими? — ўдағайлаб берди Фариди, — буёқда оғироёқ бўлсам, унинг устига дарс тайёрлайман, ҳадемай сессия, имтиҳон топширишим керак. Раҳмат дейишнинг ўрнига ношукурчилик қиласиз!

— Институтингга ҳеч боряпсанми ўзи? Гоҳи-гоҳида кўриниб турмасанг ҳайдаб юборишмасин тагин.

— Кечки бўлимда ўқишнинг битта шarti бор, имтиҳонларни яхши топширсанг бўлди.

— Агар ўғил туғиб берсанг, диплом ишингни ўзим ёзиб бераман.

— Ҳо, ёқмай ўлсин. Олдин ёзиб столга қўйинг, кейин ўғил талаб қилинг, — тилини чучук қилиб нозланди Фариди.

— Демак, порага берасиз?

— Пора эмас, ширинкомага! — Фариди бехосдан мавзунга ўзгартирди, — порани бошқа одамга, сизнинг хўжайинларингизга берамиз.

Рашиднинг эси чиқиб кетди.

— Нималар деяпсан, оғзингга қараб гапирсанг-чи!

— Олдинга менинг ҳам сизга ўхшаб эсим тескари бўлиб кетай деди. Қамариддин ака ётиғи билан тушунтириб берганларидан кейин ўзимга келдим.

— Қамариддин ака шама қилдими ё очикдан очик айтдими?

Фарида жавоб қайтаришга шошилмади. Овқатни битта айлангирди, тузини кўриб, устини товоқ билан ёпди.

— Шама ҳам қилмади, очикдан очик ҳам айтмади.

— Э, ўзим башорат қиялпман дегин! — кесатди Рашид.

— Башорат қилмаяпман, Қамариддин ака пора ҳақида оғиз очмади, совға бераман деди. Бизлардан олмас экан.

— Тўғри, — энди Рашидга аён бўлди масала, — Қамариддин акани рўпара қилавер, бизларни аралаштирма.

— Аралаштирганимиз билан биздан фойда борми? Овқатни еб, ғир этиб адамларнинг олдиларига бориб келамиз, — Фарида бугунги ишни эртага қўймайдиганлардан эди.

— Э, одамни юзи чидамайди. Нима деб борамиз, яқиндагина пальто ундирган эдинг, — таранг қилди Рашид.

— Бу ёғини менга қўйиб бераверинг.

Овқатдан кейин беш минут ўтар-ўтмас эр-хотин отланиб ҳовлига чиқишди. Рашид онасининг ҳужраси олдидан ўта туриб, ҳисобот берди:

— Ойи, биз кетяпмиз, бир соатларга қолар-қолмас келамиз, — «бўлди, чиқиб кетавер» деди ички бир овоз, лекин шайтон йўлдан урди Рашидни, — келинингизнинг сал мазаси қочиб қолди, докторга обориб келаман, — доим шундай, ёлғон тўқиб юборганини ўзи билмай қолади.

Матлуба хола ўғлининг алдаётганини сезди, тусмоллаб сўради:

— Шу пайтда доктор қолдими?

— Касалхона тўла навбатчи врач, поликлиникага бориш шарт эмас. Келинингизнинг аҳволини биласиз, ёлғондан қилмайди-ку! — деди бўғилиб Рашид. Битта кичкина ёлғон кетидан катта ёлғон туғдиради.

— Вой, хотинингга тил теккизганим йўқ-ку, нега жаҳлинг чиқади?! Ё борманглар деяпманми? Бораверинглар, қаёққа боргиларинг келса, бораверинглар, менга нима!

— Қаёққа эмас, докторга, — асабий тусда қайтарди Рашид.

Кўчага чиқиб сигарет тутатди.

— Ҳа, янги ҳунар чиқарибсизми, чекадиган? — эрини тергади Фарида.

— Э, сенлар билан чекмай бўларканми, яқинда жинни қилвормасанглар бўлди одамни.

— Ие, чопинг, бўш такси!

Меҳмонлар бир оз кечроқ ташриф буюргани учун мезбонларда аразлаб келишмадимикин, деган таҳлика туғилди. Аммо ёшларнинг шодиёна кўриниши бир зумда ҳар қандай шубҳани йўққа чиқарди.

Шоиста опа овқатга уннамоқчи бўлди, Фарида уни тўхтатди.

— Ҳеч нарса керак эмас, овқатланиб келяпмиз, сизларни кўриб кетай дедик.

— Жуда бўлмаса чой дамлаб келай, қуруқ кетасизларми, — ўпкалади Шоиста опа.

— Чой ичишади, дамлайвер, — Умархон ака шу тахлит қизининг тантиқлигига чек қўйди.

— Майли, чой бўлса бир пиёладан ичамиз, — адасининг гапини қайтаролмади Фарида.

Шу пайтгача жим ўтирган Босит пайтдан фойдаланиб қолди:

— Чойнинг нима кераги бор, ундан кўра қовун сўяқолайлик.

— Майли, сўйинглар, — деди Умархон ака.

Хонадон соҳиби жуда саранжом-саришта одам эди. Эрта куздан қишнинг ҳамма озиқ-овқатини ғамлаб қўярди, қазидан тортиб ҳўл мевагача, гуруч-ундан тортиб қовун-тарвузгача. Бироқ режа билан, билиб сарф қиларди, ноябрдан майгача — олти ойга мўлжаллаб озуқа жамғарарди ва қайси озуқани ой мобайнида қанчадан истеъмол қилишни тақсимлаб қўйганди. Мисол учун, бир ойга тўртта қази, қовун уч кунда битта... Умархон ака шунчалик режани сақлардики, меҳмон чақирадиган бўлса жамғармасига тегмай, бозордан харажат қилиб келарди.

Бугун режа бузилди, чунки пешинда қовун сўйилган эди. Аммо на чора, азиз меҳмонлар келган, куёвнинг олдида йўқ деёлмади, ўғлининг ҳам раъйини қайтаргиси келмади.

— Ўв, бор битта зўридан олиб кел, — синглисига буюрди Босит.

— Сал тилингни ширинроқ қил, — танбеҳ берди унга Фариди, — оти йўқми, «ўв» деб чақирасан.

— Нега аралашасан, сенга гапиряпманми?

— Нега энди аралашмас эканман, нима бегонаманми? — бўш келмади Фариди.

— Ҳаммага ақл ўргатавериб ўзинга етмай қолмасайди, — илжайди Босит, кейин Асолатга қараб ўқрайди, — сенга нима дедим, қулоғинг том битганми?!

Опаси билан акасининг ўртасидаги можаро нима билан тугашини кутиб турган Асолат адаси борлигидан фойдаланди:

— Қўрқаман битта ўзим, кеч бўлиб қолди.

Умархон ака ишхонасида қаттиққўл, бир сўзли одам эди, измидан чиқадиганларни бешафқат жазоларди, шунинг учун ундан қўрқишарди, ҳурмат қилишарди. Аммо уйда бошқача — меҳрибон ва сабр-тоқатли эди. Болаларга зулм ўтказиш керак эмас, эркин ўсишсин, акс ҳолда мустақил ва тadbиркор одам чиқмайди улардан! Қўрқувда ўсган болалардан лаганбардор, писмиқ, бировнинг чизган чизигидан чиқмайдиган лаванглар етишиб чиқади. Бинобарин болалари жиқиллашиб қолса қўйиб берарди, майли тортишишсин, ўзиникини маъқуллашни ўрганишсин. Фақат ҳаддиларидан ошиб кетишсагина Умархон ака ўртага тушарди.

— Нимадан қўрқасан, чироқ бору! — кўзини олайтириб синглисига пўписа қилди Босит, унинг вазоҳатидан «суюлма, эртага адам ишга кетганларида додингни бераман» деган маънони ўқиб олиш қийин эмасди.

— Ким айтади сени ўғил бола деб, ўзинг тушиб олиб чиқишнинг ўрнига кичкина болага буюрасан?.. — Яна ўртага тушди Фариди.

— Уфф... намуноча мошхўрдага қатиқ бўлавердинг. Саккизга ўтди-ю, кичкина бола эмиш, — Босит адасининг кўзини шамғалат қилиб Асолатга муштини кўрсатди, лекин ори келиб ўрнидан турди.

Ўғлининг мана шу одатини яхши кўрарди Умархон ака, ҳеч ёш болалиги қолмасди, лекин адолатли ва виждонли эди, без бўлиб ўтиравермас эди, ноҳақлигини тушунса ён босарди.

Айвоннинг таги катта ва шинам ертўла эди. Босит ертўлага тушиб шипга илиб қўйилган узумдан чўқилади, иккита нокни чўнтагига урди, қирқма қовунни қўлтиқлаб тепага кўтарилди.

Уйга кириб қовунни адасининг олдига қўйди.

— Қор учқунляпти, — деди.

— Ёғсин, вақтида ёққани маъқул.

— Эскиларда биринчи қорнинг дарагини етказган одамга суюнчи берилади, деган гап бор шекилли, — илжайди Босит.

— Сен ҳеч қачон ўзбекларнинг одатини ўргана олмайсан. У қорхат! Ушани ҳам билинтирмасдан тутқазсанг ютасан, қўлга тушсанг қорхатда сўраган ҳамма нарсангни ўзинг қилиб берасан, — билагонлик қилди Фариди.

— Билинтирмасдан тутқазиш каби муғамбирликлар сенинг ҳунаринг, — кесатди Босит. — Нима қиламан сенинг нонингни яримта қилиб?

Умархон ака лабига қалққан табассумни яширди. Фариди эса очиқ кулиб юборди. Муғамбирликни яхши сифат деб тушунарди у.

— Ажаб бўпти, сенга ўхшаб оғзимдагини олдириб ўтирмасам бўлдимми?

— Бўпти, суюнчи мандан, қорга етказгани учун шукр қилайлик, — Умархон ака яхшилик билан яқунламоқчи бўлди можарони. Асолатга уч сўм, Фариди билан Боситга ўн сўмдан бўлашиб чиқди. Оғир ботмасин учун куёвининг ҳаққини ҳам қизига берди.

Қовун ҳам сўйилди, чой ҳам ичилди, лекин одатда ишни шарт-шурт қиладиган Фариди бу гал гап очишга журъат этолмасди. Бунни пайқади Умархон ака, албатта бекорга келмаган қизи, бир дарди бор, лекин ҳамманинг олдида гапиролмаяпти.

Гарчи Умархон ака илм-фан кишиси бўлмаса ҳам атоқли ёзувчи ёки машҳур профессорникидан қолишмайдиган иш кабинети бор эди. Арабистонда

тайёрланган ёзув столи билан креслонинг ўзи беш мингдан ортиқ турарди. Китобларнинг ҳам энг чиройли ва қимматбахоси жамланган. Ерда, деворда олтиндек товланиб турган гиламлар, япон магнитофони. Йўқ, мода кетидан қувмасди Умархон ака, бу кабинет авваламбор мулк эди. Китоб ҳам тиллага ўхшаб ҳар доим пул бўлади, мебель, гилам қадрини йўқотмайди.

У ўрнидан туриб кабинетига йўналди.

Хонага кириб бирпас китобларни титкилаган бўлди. Тахмини тўғри чиқди, останада Фарида кўринди.

— Ада, халақит бермайманми?

— Кир, қизим, нега халақит берар экансан. Утир. Анча бўлди бир яхши оғайнимиз китоб сўрагани, нуқул эсимдан чиқиб қолади, ҳозир шуни олиб қўяй, — баҳона қилди у, китоб жавонини кўздан кечиршида давом этди.

— Ада, сизга гапим бор эди, — креслога ўтирди Фарида, адасининг қаршисида қорнини дўппайтириб туришга уялди.

— Нима гап экан, бизнинг ақлимиз етадими, — қизига гап бошлаш осон бўлиш учун илиқлик билан жавоб қилди Умархон ака.

— Яхши гап, Рашид акам... — Фарида керакли сўз тополмай тутилиб қолди.

— Нима Рашид аканг?

— У кишини кўтаришмоқчи, шунақа имконият туғилиб қолди, лекин тез ҳаракат қилиш керак, бўлмаса жой бегона бўлиб кетади.

— Қанақа жой? — одати бўйича вазминлик билан сўради Умархон ака.

— Бош редакторнинг ўрни бўшайпти экан. Ўзи айтибди менинг ўрнимга қолгин деб, бошлиқларга ҳам тавсия этибди.

— Ўзи-чи...

— Ўзи Москвага ўқишга кетаётган экан.

— Шунақа дегин... — Умархон ака заррача фурсат ўйлашиб қолди. Агар хоҳласа кўёвига бир тийин харажат қилдирмай узоқ йиллар ўзи боқиши мумкин, қурби етади. Бироқ кўёви мустақил рўзгор тебратишга ўргангани яхши, ўзи қийналиб оёққа турса, ўшанда иши юришади. Зарур пайтларда эса ёрдамга тайёр эди у. Мана ҳозир айни мавруди, қанча бўлса ҳам сарфлаб жойни эгаллаш керак, чунки бундай харажат ўн ҳисса ортиғи билан қайтади. Аммо кимнинг оғзини мойлаш керак Умархон акага ҳозирча қоронғи эди.

— Яна Қамариддин ака ўртага тушяптилар, — масалани равшанлаштирди Фарида.

— Бўпти, тўғрилаб берса Қамариддинни ўзимиз хурсанд қиламиз.

Фарида гуноҳкордек жилмайиб отасига боқди.

— Бу галчалик Қамариддин акага ҳеч нарса керак эмасмиш.

Умархон ака ажабланди. Наҳотки, олдинги совғалардан Қамариддиннинг кўнгли тўлмаган бўлса? Арзирли армуғон қилганди-ку, билмаса кўр бўлади. Ё мақсади бу гал йирикроқ нарса ундиришмикин?

— Биз илтимос қилсак кўнар... — деди у.

— Йўқ, гап бошқа ёқда, — Фарида ҳамон мақсадини очиқ айтолмасди, — ада, майли, кооператив квартирага атаган пулингиз керак эмас, ўзимиз топармиз...

— Билсанг, мен бир нарсага атаган пулни бошқа нарсага ишлатмайман, дейлик тўйга аталган пулни тўйга сарфлаш керак, бошқа нарсага юқмайди, суриб кетади. Ўзим синаганман, — хотиржам гапирди Умархон ака, — шундоқ экан, сенинг квартирангга ажратилган пул бўлинмас фонд, у сеники, ҳеч қачон бегона бўлмайди, камаймайди ҳам.

«Бўлинмас фонд» деган иборани Умархон ака матбуотчилар конференциясида ёш бир мутахасссинг оғзидан эшитгани ва қулай пайт келди дегунча қайтарарди.

Фарида ҳазиллашишга уринди:

— Бўлмаса ўша бўлинмас фонддан озгина олиб турайлик, кейин ўрнига қўйиб қўямиз:

— Сен пулдан хавотир олма, топамиз. Бўлинмас фонднинг бунга дахли йўқ. Қамариддин ноз қилаётган бўлса, айт, кимни қўлга олиш керак.

— Телевидениенинг хўжайинлари...

Умархон акани бирор нарса билан ҳайрон қолдириш жуда қийин эди, чунки

у ўз умрида жуда кўп ақл бовар қилмайдиган воқеалар гувоҳи бўлган, фариштадек покиза ва бегуноҳ туюлган кимсаларнинг пора олганини кўрганди. Аммо идеология соҳасининг раҳбари ҳам шу қармоққа илинишига шубҳаланди, шунга қарамай, деди: — Бўпти, қизим, баҳона билан яна битта таниш орттириб оламиз.

— Йўқ, у пора олмас экан. Аммо бахтимизга янаги ҳафта эллик ёшга кирганини нишонлар экан. Қамариддин акам юбилейга совға қилмоқчилар ўз номларидан.

Умархон ака яна ўйланиб қолди. Устаси фаранг Қамариддин қурмагур, бекорга ўзини хор қилиб олим бўлиб юрибди-да, агар савдо соҳасига ўтса борми, унинг олдига тушадиган корчалон бўлмасди... Совғани ўз номидан қилмоқчи бўлганининг сабаби аён, қачон иши тушса битказиб беради, қолаверса яхши ҳадя қилиб ўтказиб қўйса, бир кун қайтади, ахир Қамариддин ҳам тўй қилади, юбилейини нишонлайди.

— Яхши ўйлабди Қамариддин аканг. Фақат нима совға қилишни ўйлаб кўриш керак.

— Нима қилиш кераклигини ҳам айтдилар, тагин адангиз билан маслаҳатлашиб кўринглар, оғирлик қилмаса оларсизлар, дедилар.

— Нима экан? — эриниб сўради Умархон ака.

— Жуда қиммат-да, — айтишга чўчиб айбдорона жилмайди Фарида.

Қизининг бу қилиғи, айб сезиши Умархон акага ёқди, айна пайтда қизининг қийналиши юрагини эритиб юборди, жигарбанди учун ҳар нарсага тайёр эди.

— Ишқилиб, осмондаги юлдуз эмасми? — пинагини бузмади Умархон ака. — Қолганини амаллармиз.

— Бриллиант кўзли зирак. Икки минг турар экан, — Фариданинг сал қути ўчди, лабини тишлаб отасининг жавобини кутди.

Умархон аканинг юзида бирор пайи қилт этмади. Ўта хотиржам эди у. Икки минг Фарида учун жуда катта пул бўлса, унинг учун оғзининг ели. Аммо каттароқ пул сарф қилса, дарров ўрнига ўрин тўлдириб қўйишни ўйларди. Чунки топмай еб ётсанг, тоғ ҳам чидамайди. Шундай имконият бор эди. Эртага чет эл гарнитурлари магазинларга тарқатилади, яхши тушади. Зўравонлик йўқ, магазин мудирлари ўзи ялиниб ташлаб кетади.

— Лекин зиракни ўзинг ол.

— Ҳа, Қамариддин ака ҳам айтди, пул санашни ёмон кўраман, ўзинглар сотиб олинглар, деб.

Умархон ака жилмайди, оббо овсар-ей, буёғини ҳам шуваб қўйибди-да.

— Тўғри айтибди, бировга пул тутқазिश қалтис нарса, — Умархон ака жовонга яқинлашиб чарм муқоваси эскириб қолган битта китоб олди, қизига орқасини ўгириб очди, китобнинг ичи қутича эди, пачка-пачка юзталиклар... йигирмасини санаб ажратди, Фаридага узатди, гўё икки минг эмас, икки сўм бераётгандек писанд қилмай узатди.

— Раҳмат, адажон, уйдан ташвиш тортманг, кечроқ оламиз, пул йиққанзимизда.

— Уни зарурат туғилиши билан оласизлар, — деди Умархон ака мулоимлик ва қатъият билан.

Фарида тушундики, гапга яқун ясалди. Яна бир марта раҳмат айтиб меҳмонхонага қайтди.

Хотинининг оғзи қулоғидалигини кўриб Рашид музокаралар дўстона ва икки тарафнинг хайрихоҳлиги вазиятида ўтганлигини ва, энг муҳими, музокарадан кўзланган мақсадга эришилганлигини тушунди.

11

Рашиднинг бош редактор қилиб тайинланганига ҳам бир ой бўлди. Ажабо, қанчалар тез, билинмай ўтиб кетди бу бир ой.

Ўша бошлиқликка ўтирган биринчи кун худди кечагидек Рашиднинг кўз ўнгида. У гўё уятли ё ноқонуний иш қилаётгандек ийманиб, омонатгина ўтирди амал курсисига. Айна пайтда ғурур ва севинч ҳисси ҳам бор эди юрагида. Ўтирганидан кейин ўзини қандай тутишни билмади, ҳамма унга тикилиб, ҳаракатларини кузатиб тургандек эди. Шу боис ҳаракатлари ноқулай, ясама, ичи така-пуқа эди.

Кейинчалик бошлиқликка аста-секин ўрганиб қолди, ўзида ишонч ҳосил қилди, тетиклашди, қудрат пайдо бўлди. Бунга асосан ходимлар сабабчи бўлишди. Улар Рашиднинг олдига бош эгиб кирар, лаганбардорлик қилар, шу тахлит ундан бошлиқ яратар эдилар.

Ҳокимият жуда тотли нарса экан, гапани ҳеч ким иккита қилмайди, ходимларнинг тақдири қўлида, истаган ишини қилади. Ҳамма оғзингга тикилиб ўтирса ўзидан ўзи гапингда салмоқ, маъно пайдо бўларкан. У тез-тез ходимларни йиғиб турли-туман мажлислар ўтказар, кўрсатувларнинг муҳокама-сини уюштирарди. Ёлғиз қолса бошлиқликни тўла-тўқис ҳис этмасди гўё.

Бироқ эҳтиёт бўлмасанг ҳокимият одамни бузиб юбориши ҳам мумкин экан. Зулмга мойиллик туғилиб, ўзингдан ўзинг кимнидир сўкиб, жазолагинг келади — шунда аёнроқ сезаркансан ҳокимлигингни. Иш бир маромда кетаверса ўз қадр-қимматингни йўқотиб қўяётганга ўхшайсан. Шунинг учун ҳар кунни кимгадир яхшилиқ қилиб ё кимнидир жазолаб турмасанг, кўнглинг жойига тушмас экан.

Кейинги кунларда Рашидда димоғ пайдо бўла бошлади. Ходимларни менсимай қўйди. Олдинлари ҳазил-мутойибани яхши кўрарди. Энди муҳокама ёки мажлис пайтида бирортаси ҳазил қилса кўзига ёмон кўринадиган бўлиб қолди. Жиддий, салобатли бўлиш раҳбарликнинг биринчи шартидек туюларди.

Рашид эҳтиёж бўлса-бўлмаса телевидение бўйича раиснинг муовини олдига югургани югурган эди. Маслаҳат сўрарди, режалари ҳақида ҳисобот берарди, ўзи осон ҳал қилиши мумкин бўлган арзимаган масала бўйича ҳам унинг фикрини оларди. Раҳбари ҳузурида ўта итоаткор, ўта муте, ўта мулоийм эди. Гап қайтариш, ўз фикрига эга бўлиш нималигини билмасди. Фақат «хўп бўлади» деб турарди. Кўринишидан жуда маданиятли бўлса-да, баъзида ходимларга бақариши, дўқ уриши мумкин эди. Бирорта ходимнинг дардини диққат билан тингламасди, ёрдам беришга астойдил ҳаракат қилмасди. Бутун фаолияти ҳисоб-китобли эди. Кимга ёрдам бериш керак, нафи тегадими, шикоятчи эмасми, ҳаммасини торозуга солиб тортарди. Оддий, ювош авторлар келса ўлақолса яхшилиқ қилмасди. Бетғачопар, шаддот одамлардан, кекса коммунистлар, уруш ветеранларидан жуда кўрқарди, нима олиб келсалар эфирга берарди.

Рашиднинг оёғи файзли келиб амалга тайинланганининг иккинчи ҳафтасида редакцияларига яна битта қўшимча хона ажратилди. Олдинига хонага кўчиб чиқмоқчи бўлганларнинг сони кўпайиб кетди. Рашид қараса гап чувалашяпти, шартта ўзи эгаллади-олди. Бош редакторга алоҳида хона зарур — бу фикрга ҳеч ким қарши чиқолмади.

Рост-да, бошлиқ ходимлари орасида ўтирса ҳамма қатори одамга айланади, унга ўрганиб қоладилар. Ўрганиб қолган одамни эса ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Бинобарин бошлиқ билан қўл остидагиларнинг орасида доим масофа бўлгани маъқул.

Остонада Йўлдош пайдо бўлиб Рашиднинг хаёлларини тўзитиб юборди.
— Мумкинми, Рашид Шарипович?

Хўжайинлик нуқси ура бошлаган Рашид аранг бошини силтаб «киринг» ишорасини қилди. Столи тортмасидан қоғоз олиб ўқий бошлади.

— Мен иккита масала бўйича киргандим, Рашид Шарипович.

Рашид Йўлдошнинг гапани эшитмагандек олдидаги қоғозни ўқиб ўтира-верди. Биларди-да, Йўлдош юмшоқ супурги, қанча қилса ҳам кўтаради. Уни келгусида катта редакторликка тайинлаш мумкин. Редакцияда раҳбарга содиқ, шунақа муте одам бўлгани маъқул! Лекин Мансурдан эҳтиёт бўлиш керак, у ичидан пишган, Рашидни кўришга кўзи йўқ — ўтираман деган ўрнини олиб қўйгани учун! Рашид Йўлдошга тикилди.

— Эшитаман.

— Иккита масала бор, сиз билан ҳал қилиб оладиган, — қайтарди Йўлдош, аммо гапи оғзида қолди.

Рашид унга яна эътибор бермай, энгашиб столнинг энг пастки тортмасини очди, қандайдир қоғозни қидириб топди, қошларини чимириб қайтиб мутолаага берилди. Аллақанча вақт ўтиб кетгандек туюлди Йўлдошга.

— Гапираверинг, нега тўхтаб қолдингиз? — деди Рашид уйку босаётган одамдек хомушлик билан.

— Балки бошқа гал кирарман.
— Кирганингиздан кейин гапиринг! — жеркиб берди уни Рашид. — Иши бор одам шарт-шурт гапиреди-да, аммамнинг бузоғига ўхшаб ўтирмасдан... Йўлдош, биринчидан кўрсатувларимиз жуда зерикарли, янги шакллар қидириб, уларни жонлантириш керак, иккинчидан томошабинлар билан узвий алоқада бўлиб, ёшлар клуби, юмор кечаси сингари одамлар берилиб кўрадиган нарсаларни ташкил қилишга тўғри келади, деган мазмунда бир оз чайналди.
— Хўш, шунча таклифингиз бор экан, — кўрслик билан унинг сўзини бўлди ниҳоят Рашид, — нега амалга оширмайсиз? Ахир ким қилиши керак бу ишларни, сизларми, менми?!

Рашид нега бунчалик тутакиб кетяпти, Йўлдош тушунолмади.
— Амалга ошириш учун олдин бошлиқ билан... сиз билан келишиб олишимиз керак-да, — ялтоқланди Йўлдош.

Лаганбардорлик ёқмайдиган бошлиқ йўқ, Рашид ҳам сал эриди.
— Қилмоқчи бўлган ишларимизнинг режасини тузиб чиқинг. Қайси кўрсатув қандай бўлади, батафсил ёзинг. Редакциянинг ҳамма аъзолари билан ўтириб кўриб чиқамиз, — деди у. Кейин:

— Лолахонни айтиб юборинг, — деб букорди.
— Хўп бўлади, — Йўлдош хонадан чиқиб кетди.
Рашид бошлиқ бўлганидан кейин унинг Лолахонга нисбатан муносабати бир оз ўзгарди. Бу жувонга у ҳамон жазман эди, лекин энди суюқоёқ деган ном олишдан қўрқар, эҳтиёт иш тутишга ҳаракат қиларди.

— Чақиртирганмидингиз, Рашид ака? — остонада пайдо бўлди Лолахон.
— Ўзингиз кириб одамнинг ҳолидан хабар олмаганингиздан, кейин мажбур бўлдим-да чақиртиришга, — жилмайди Рашид, — келинг, ўтиринг.
— Бошлиқларнинг олдига бесабаб киравергани одам ботинолмас экан, — ноз аралаш жавоб қилди Лолахон. У курсилардан бирига омонат чўкди.

— Агар мени бошлиқ эмас, ўзингизга тенг... ҳамкасб деб билсангиз кўпроқ қувонардим.

— Нега энди, бошлиқлик сизга жуда ярашаркан.

— Раҳмат, — деди Рашид. — Берироқ ўтиринг, иш бор.

Лолахон ўрнидан туриб Рашиднинг ёнидаги курсидан жой олди.

— Менга ёрдамнингиз керак, Лолахон, лекин дўстона илтимос тариқасида қабул қилсангиз.

— Бажонидил, агар қўлимдан келса.

— Қўлингиздан келишини билиб сизга мурожаат қиляпман.

Лолахон «қулоғим сизда» дегандек Рашидга тикилди.

— Гап шундаки... хуллас, раҳбарлар партиёга киришингиз керак дейишяпти.

— Тўғри айтишипти, лавозимингиз шуни тақозо қилади, кейинчалик ҳам керак бўлади, юқорироқ кўтарилиш учун.

— Э, шу ишни ҳам қойилласак ҳали, — камтарлик қилди Рашид, — лекин бу гал иккимизнинг орамизда, ҳеч ким билмаслиги керак. Мен сизга мутлақо ишонаман, ҳар эҳтимолга қарши огоҳлантириб қўяпман-да.

Лолахон ҳар хил ҳужжатларни тайёрлашга устаси фаранг эди, бутун икир-чикирларини, қандай тил, қайси услубда ёзилишини сув қилиб ичворганди. Бундан Рашид хабардор эди.

— Илтимос шуки, менга ҳужжатлар тўлдиришга ёрдам берворсангиз.

— Майли, — зигирча ҳам малол келмай деди Лолахон.

— Мен сизга бутун маълумотларни бераман, уёғини ўзингиз эплаштирасиз.

— Лекин Уставни барибир сиз ёдлашингиз керак бўлади, — эслатди Лолахон.

— Мана шунақасиз-да, бир мартагина ишим тушса дарров ўзингизни четга олиб қочасиз, — кулди Рашид, — чала қилмасдан, уни ҳам ёдлаб қўяқолсангиз бўлмайдимми?

— Вой, агар хафа бўлсангиз, майли, сиз учун партиёга ҳам ўзим ўтиб келаман.

— Сизни миқ этмай олишади, — ҳазилни қандай давом эттиришни билмай тилёғламачиликка кўчди Рашид.

— Мен ёрдамдан қочмайман-у, лекин ҳужжатлар, — жиддий тортди Лолахон, — партияга ўтаётган шахснинг ўз дастхати билан тўлдирилиши керак.

— Биламан, сиз ёзиб келинг, мен кўчириб оламан. Аммо кўчириб олишга жуда устаман. Нега десангиз мактабни ҳам, институтни ҳам шунақа қилиб битирганман.

— Жуда бўлмаса таржимаи ҳолингизни ўзингиз ёзиб келарсиз?

— Асло. Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз. Ахир фирт бесаводман, деяпман-ку сизга.

— Вой, шўрлиг-э!

— Эртадан эътиборан мен билан бирга... ўтирасиз.

Лолахон ялт этиб Рашидга қаради.

— Ҳарҳолда нозик ҳужжат тайёрлайсиз, бегона кўздан узоқроқ бўлгани яхши, — шошиб изоҳ берди Рашид, — эртага ҳамма керакли нарсаларни олиб келаман, паспорт, ҳарбий билет, диплом...

— Келишдик, — Лолахон жилмайиб ўрнидан турди.

У чиқиб кетар экан, Рашид, рафтори нақадар чиройли, деб ўйлади.

Янги лавозимга ўтирган биринчи кунлари телефон жирингласа Рашид шу заҳоти олар, ўта хушмуомалалик билан жавоб қиларди. Вақт ўтиши билан аста-секин унда салобат пайдо бўла бошлади.

Мана ҳозир ҳам у шошмасдан трубкани кўтарди, суянчиққа ястаниб, қорнини чиқарди, аранг «ҳм» деб сўради.

— Ким бу? — трубкадан аммо ҳукмдорона овоз эшитилди.

Рашид тез ҳушёр тортди, шунинг баробарида унинг иззат-нафси бир оз оғриди. У гапни терговчига ўхшаб «ким бу»дан бошлайдиганларни ёқтирмас эди.

— Ким керак эди? — асабийлашганини билинтирмасликка ҳаракат қилди Рашид.

— Телевидениеми бу? — савол беришда давом этди ҳалиги киши.

— Ҳа, телевидение.

— Горкомдан, маданият бўлимидан Расулов гапиряпти. Менга Рашид Шарипович керак.

— Эшитаман, ўртоқ Расулов. Мен Рашид Шариповичман, — ипакдек бўлиб кетди овози Рашиднинг.

— Хўш, мен кўрсатувларингни мунтазам кузатиб бораман, — Расулов кескин, ишонч ва қатъият билан гапирарди, — очиғини айтсам, жуда қийналиб кетаман. Гоҳида шундай бемаза кўрсатувлар тайёрлайсизларки, кўришнинг ўзи азоб. Аммо на чора, мажбурмиз...

— Раҳмат, раҳмат, — нега ташаккур билдираётганини Рашиднинг ўзи ҳам аниқ билмасди.

— Хўш, перспектив план тузганмисизлар, беш йилликка мўлжалланган?

— Ҳа, тузганмиз, — йўл-йўлакай ёлгон тўқиворди Рашид, лекин унинг ҳовлиқиб, ўзини йўқотиб қўйгани сезилиб турарди.

— Балки, беш йилга эмас, бир йилликдир? — шубҳаланди шу боисдандир Расулов.

— Перспектив планимиз ҳам бор, — энди чекиниб бўлмасди.

— Янаги ҳафтага чақирамиз, қўлтиқлаб келасиз.

— Хўп бўлади, хўп бўлади, — сал енгил тортди Рашид. Янаги ҳафтагача перспектив пландан тўрттасини тузиб ташлаш мумкин.

— Ёш ижодкорлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган редакциянгизда?

— Ёмон эмас, ёшларга муносабатимиз яхши.

— Кейинги ярим йил ичида бирорта ёш ижодкор кашф этдингларми ўзи? — дўқ аралаш сўради Расулов.

— Мен ҳали янги одамман, — чап беришга уриниб кўрди Рашид, — лекин келажак режаларимизда...

— Сизни бу жойга тайинлашганига қанча бўлганини биламиз, шунинг учун кейинги ойлар ҳақида сўраяпмиз!

Рашиднинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Алоҳида кўрсатув тайёрламаган бўлсак ҳам, лекин ёшлар чиқиб туради, — Рашид бирдан жонланиб кетди. — Иннакейин бизда махсус ёшлик редакцияси бор, улар...

— Улар, — Расулов овозини баландлатиб Рашиднинг сўзини бўлди, — комсомол ёшларнинг колхоз-совхоз, завод-фабрика, қурилиш иншоотлари, олий ўқув юр்தларидаги ҳаёти ва фаолиятини ёритадилар. Сиз эса қобилиятли ижодкор ёшлар билан иш олиб боришингиз керак... Энди бундай, ҳозир олдингизга бир йигит боради, шоир. Мен шахсан ўзим унинг шеърлари билан қисман танишиб чиқдим. Назаримда истеъдоди бор.

— Марҳамат, келсинлар.

— Шеърларни яхшилаб ўқиб чиқинг, балки ҳаммасини телевизор орқали ўқиб эшиттириш шарт эмасдир. Ўт-бўтини тузатиб, таҳрир қилиб берарсизлар, хуллас ўзинглар кўринглар... — трубка шарақ этиб ўрнига қўйилди.

Рашид соатиға қаради. Овқатга ярим соат бор экан. Нима қиларини билмай иккиланиб қолди. Овқатга чиқадиған бўлса, йигит келиб қайтиб кетиши мумкин. Ундан кўра кутган маъқул, бир кун кечроқ овқатланса, осмон узилиб ерга тушмайди.

Яна телефон жиринглади. Рашид трубкани кўтарди.

— Ҳм? — деди эшитилар-эшитилмас.

— Алло, алло, менга Рашид керак эди, — бў Дамирнинг овози эди, — алло, алло!

Рашид «чурқ» этмади.

— Алло! Эшитаяпсизми мени, алло! — ҳамон қичқирарди Дамир.

Рашид трубкани столга қўйиб қўйди, бир оз туриб қулоғига тутса, қисқа гудок эшитилди.

Ўзидан жирканди, қилмиши хоинликка ўхшарди. Гаплашишдан бош тортиш кутилмаганда келди миясига. Масала шу пайтгача қарзини қайтармаганлигида эмас, чуқурроқ эди. Дамир ундан бутунлай фарқ қиладиған, бошқа одам. Ўз манфаатини ўйламайди, бировнинг олдида ялтоқланмайди. Бирон қусурни кўрса, очиқ айтади. Бунақа одам билан ош-қатиқ бўлишнинг Рашидга нима кераги бор?!

Хонага Йўлдош кирди.

— Бирор нарса кавшаб келамизми?

— Ўзимизнинг ошхонада хашакланиш меъдага урди, — биров зўрламаса ҳам баҳона тўқиди Рашид, — соат учда эски шаҳарга тушиб чиқадиған ишим бор, ўшанда бирор қўлбола овқат еб келарман.

— О, айниқса кабобни боплашади улар! Бўпти, сизга яхши иштаҳа.

Шу пайт яна телефон жиринглади. Рашид чиқиб кетаётган Йўлдошни тўхтатди.

— Трубкани олинг, Йўлдош. Мени сўрашса, йўқ денг.

Йўлдош трубкани кўтарди.

— Лаббай? Ҳа, ҳа. У киши йўқ эдилар. Нима? Ие, шунақами?! Катта раҳмат, албатта етказаман. Хўп, саломат бўлинг. — Йўлдош трубкани илиб жилмайганича Рашидга қаради. — Дамир деган оғайнингиз телефон қилди. Сиздан палов, зиёфати билан! Эртанги газетада конкурснинг натижалари эълон қилинаётган эмиш. Сизнинг ҳикоянгиз биринчи мукофот олибди.

Рашид қанча ҳаракат қилмасин ўзини ушлолмади.

— Зўр-ку! — деди у тарвақайлаб кетган лабларини йиғиштириб ололмай, талтайиб кетиб илжайганича.

— Табриклаймиз, — қўл чўзди Йўлдош.

— Раҳмат, Йўлдош! Албатта ювамиз, — деди у, кейин нима учундир қўшиб қўйди, — мана кўрасиз, бундан кейин ҳаммаси яхши бўлади, редакция-мизнинг иши ҳам, сиз билан бизнинг ишлар ҳам. Трубкани олмаганим, анави шилқим авторимиз бор-у, Ниёзжон Бекжон деган, ўшами дебман...

Йўлдош чиқиб кетиши билан у ирғиб ўрнидан турди, югуриб бориб эшикни ичидан қулфлади. Унинг севинчдан қичқиргиси келарди. Биринчи ўрин, шўҳрат, пул! Э яшасин Фуломжон ака!

Эшик бемаврид тақиллади.

Рашид эшикни очди, унинг қаршисида мўйлови энди сабза урган, кўзлари тиниқ, содда бир ўспирин турарди.

— Менга Рашид Шарипович керак эдилар, — деди у анойи кўринишига мос тушмаган кескинлик билан.

— Кириг, — деди Рашид, — ўртоқ Расулов юбордиларми сизни?

Йигит бош силкиди, қошларини чимириб, хўмрайиб турарди у. Рашид бунақа тунд кишиларни жини суймасди, аммо бу йигитга нисбатан унда ғараз пайдо бўлмади.

— Шеърларингизни олиб келдингизми?

— Олиб келдим, — деди йигит ва қип-қизариб кетди, қўлидаги қоғоз папкадан бир даста шеър олиб ўқрайганича Рашидга узатди. Нима учундир йўталиб қўйди.

Рашид шеърларни қунт билан ўқиб чиқди. Ғалати эди улар, Рашид шу пайтгача ўқиганларининг бирортасига ўхшамасди, тарки дунё қилган дарвешгина шунчалик тушкун руҳда ёзиши мумкин, дард ва нолага тўла, айна пайтда исён туйғуси билан суғорилган эди.

Рашиднинг боши қотиб қолди. Бу шеърларни қандай қилиб эфирга бериб бўлади, бошлиқларнинг кўзини шамғалат қилиб уриб юбориши мумкин, лекин эшитганлар нима дейди? Иккинчи томондан идеология раҳбарларидан бири ўртоқ Расуловнинг шахсан ўзлари орага тушганларидан кейин бу шеърларни бермай ҳам кўринг-чи?! Рашидда гумон туғилди, ўртоқ Расулов бу шеърларни ростдан ҳам ўқиганмикинлар ё бировнинг фикрига ишониб тавсия этиб юборавердилармикин?

— Хўш, оғайни... — Рашид шеърнинг тагидаги имзога қаради, — Илёсжон, қаерда ўқийсиз?

— Филфақда, охирги курсдаман, — ҳамон чеҳраси очилмай жавоб берди Илёсжон. — Университетда...

Одамлар бўлади, биринчи учрашувдаёқ сизга ёққиси, ўзи ҳақда яхши фикр уйғотгиси келади, ҳаддан ташқари мулоимлик қилади. Бошқа тоифа одамлар эса бировга ёқиш-ёқмаслик ҳақида ўйламайди, юрагидагини дангал гапириверади — булар одатда мард кишилар бўлади.

Мана шу иккинчи тоифага кирарди Илёсжон.

— Шеърларингизнинг босилиб чиққанлари ҳам борми?

— Жуда кам, — деди Илёсжон. У норози бўлиб ёки ўқиб айтмади бу гапни, гўё шундай бўлиши керакдек хотиржам эди.

Рашид асосий мақсадга кўчди, сир бой бермаслик учун ўта лоқайд бўлишга ҳаракат қилди.

— Бизга олиб келган шеърларингизнинг ҳаммасини ўқиганмилар ўртоқ Расулов?

Илёсжон яна қизариб кетди, олдингидан ҳам кўпроқ чимирилиб Рашиднинг кўзига тик боқди.

— Биттасини ҳам ўқимаганлар.

Рашид донг қотиб қолди, таажжубини яширмади, Илёсжон ростгўйлик қилаётганида нима қилади бекинмачоқ ўйнаб?

— Ўлдирдингиз-ку мени! — деди тиржайиб.

Илёсжон биринчи марта жилмайди, табассуми очиқ, чиройли экан.

— Узим билувдим шунақа бўлишини.

— Нимани?

— Шунақа савол беришингизни, — Илёсжон ҳамсуҳбатидан сира кўзини олиб қочмасди. Унинг бутун хатти-ҳаракати самимийликка ундарди.

— Шеърларингизнинг ҳаммаси ҳам шунақа таркидунёчилик руҳидами?

— Йўқ, қолганлари булардан ҳам баттар, — бамайлихотир деди Илёсжон.

Ана халос! Расулов қандай одамни юборди, ё Рашиднинг мафкурасини синаб кўрмоқчи бўлдимикин? Ундай деса бу йигит қинғир ишларга аралашадиганларга ўхшамайди.

Балки бу боланинг ҳаётдан бирор норози жойи бордир, ахир бекорга ёзмас тушкун шеърларни. Рашид эҳтиёткорлик билан унинг қўйнига қўл солиб кўрди:

— Узингиз ҳақингизда озгина гапириб берсангиз, албатта, агар хоҳласангиз.

— Хоҳлайман. Ҳаётдан норози жойим йўқ, яхши яшаймиз. Ҳатто боймиз десам ҳам бўлади, — Илёсжон топқир ва зийрак экан, Рашиднинг мақсадини англади, — сизга тушкун туюлган шеърларни ёзишимнинг сабаби бошқа.

— Сир эмасми?

— Йўқ! Олди-қочди шеърлар бўлади-ку «энг бахтиёр инсонман, зиғирча

армоним йўқ» қабилидаги... ана ўшаларга қарши исён тариқасида ёзганман буларни, сафсатага, лўттивозликка қарши.

— Демак инсонда армон бўлгани маъқул демоқчисиз?

— Маълум-ку, инсон дард, армон, ташвишсиз яшолмайди.

Рашид ўйланиб қолди. Йўқ, Дамирлар ҳаётимизда ёлғиз эмас, мана яна биттаси. Иродали йигитга ўхшайди. Бироқ нега у ҳомий ахтарди экан? Нега майдонга даңгал тушмай, силлиқ сўқмоқ қидиряпти? Мана шу саволлар қийнарди Рашидни.

— Шеърларингизни тўғри ўзимизга олиб келавермабсиз-да. Ўртоқ Расулов орқали танишишимиз шартмиди? — Рашид синчковлик билан йигитнинг кўзига тикилди.

Илёсжон кўзини олиб қочмади.

— Мен у кишидан илтимос қилганим йўқ, ўзлари ташаббус кўрсатдилар. Менинг айбим, йўқ деёлмадим, жуда ҳам билгим келди фикрларингизни.

— Ўртоқ Расулов кимингиз бўладилар? — бу йигит билан сира чўчимай очиқчасига гаплашиш мумкин эди, чунки унинг ўзи одамни шунга чорлаётгандек кўринарди.

— Ҳеч кимим эмаслар, адамнинг танишлари. Ўғлим шеър ёзиб юради, лекин босиб қимаришга қийналади деган бўлсалар керак-да, менга учрашин дебдилар. Кўнмай юрувдим, адам қўймадилар. Сендан нима кетди, учраб кўр, дедилар.

— Ва сиз учраб кўрдингиз, — вақтдан ютиш учун гапни ҳазилга йўйди Рашид.

Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бирон чора топиш керак эди.

— Балки бошқа руҳда ёзилган шеърларингиз ҳам бордир?

— Топилади, — Илёс Рашиднинг қўлидаги шеърлар ичидан биттасини ажратиб олди, — мана, қуруқ дабдабанинг ўзи.

Рашид шу захотиёқ шеърни ўқиб чиқди.

— Бинойидек, — тасалли берди йигитга, — сал бўрттирворган жойларингиз бор-у, аммо уларни бартараф этиш қийин эмас, устидан бир кўриб чиқилса, маромига келади-қўяди.

Илёс индамасдан ўтираверди. Рашид буни бошқача тушуниб аниқлик киритмоқчи бўлди:

— Шу руҳдаги шеърлардан олиб келсангиз берамиз. Орасига дилингизга яқин шеърлардан ҳам бир-иккита қўшвориш мумкин.

Илёсжон ҳамон жим эди.

— Келишдикми? — хушҳол овозда сўради Рашид. Сухбат чўзилиб кетиб уни толиқтира бошлаган эди.

— Анали шеър, сиз бинойидек деганингиз, — йигит хижолат чекаётгани очиқ-ойдин сезилиб турарди, — пародия, тумтароқ шеърларни пародия қилгандим.

Энди Рашид ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Айтяпман-ку, бўрттириб юборган жойларингиз бор деб. Ушанака жойларини олиб ташланса тузук шеър бўлади. Шунақа қилайлик. Хўпми?

— Майли, бошқа шеърларимни олиб келаман, — деди Илёсжон, — улар адолат, рўшнолик, саҳоват ҳақида.

— Кўнглингизга бошқа нарса келмасину, — Рашид қизиқчиларга ўхшаб шарақлаб кулди, — адангиз Расулов билан бирга ишлайдиларми?

— Йўқ, Расулов горкомда, адам шаҳар ижроия комитетида, квартира бўлимида ишлайдилар.

Рашидни ток ургандек бутун аъзойи бадани жимирлашиб кетди, лекин сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Ҳамон ўша танти овозда:

— Э, ғалванинг уясида ишларкан-у адангиз, — деди.

— Шунақароқ.

Рашиднинг мияси яшин тезлигида ишларди, бу йигитни қўлдан чиқармаслик керак, адасининг ёрдамида тез ва осонгина квартирали бўлиб олиш мумкин.

— Хўп бўлмаса, Илёсжон, хайр, — деди Рашид, — шеърларингизни албатта олиб келинг. Бир иложини қиламиз.

— Яхши, — Илёсжон чиқиб кетди.

«Отанга айт, менга марказдан уч хонали квартира тўғрилаб берсин, — овоз чиқариб ўзига ўзи ҳазил гап қилди Рашид. — Дарвоқе, фиштли уйдан бўлсин!»

Шу пайт эшик шартта очилиб, Илёсжон қайтиб кирди. Рашиднинг кўзлари ола-кула бўлиб, тили танглайга ёпишди.

— Рашид ака, битта поэмам бор...

— Ол... ол... олиб келаверинг, — дудуқланиб қолди Рашид.

— Раҳмат...

Бир кунда қанча янгилик. Қувончи, ҳаяжонини хотини билан бўлишмаса юраги тарс ёрилиб кетиши мумкин. Рашид телефон трубкасини кўтариб рақам терди. Беш минут давомида уйига ўн марта телефон қилди. Жавоб бўлмади. У безовталаниб қайнонаси билан боғланди, трубкани Асолат олди.

— Яхшимисиз, Асолатхон, мен Рашид акангизман.

— Салом.

— Фарида опангиз сизларникига бормадиларми, уйга телефон қилсам...

— Вой, Фарида опам, Фарида опам... — қиз ўзини йўқотиб қўйди.

— Гапиринг, нима бўлди?

— Фарида опам ҳозиргина телефон қилиб ойимни чақириб олдилар.

Ойим... шошиб чиқиб кетдилар. Нима бўлганини айтишмади.

— Айтишмади?! Нега айтишмади? — хуноби ошди Рашиднинг.

— Билмадим, — гуноҳкорона оҳангда жавоб берди Асолат.

Рашид ўзига келди, ёш болага зуғум ўтказишдан фойда йўқ.

— Бўпти, хавотир олмасдан ўтираверинг, мен ўзим топаман уларни, — деб юпатди қизчани. — Хайр.

Аммо ўзи баттар нотинчланиб, хаёли қочгандан қочаверди: Фаридага бир нима бўлдимикан?!

Шу пайт телефон жиринглади.

— Эшитаман, алло?

— Рашиджон, ўзингизми? — қайнонасининг овози эди бу.

— Мен...

— Э, телефонинглар ҳам бор бўлсин, ҳеч улаб бермайди, ўн минутдан бери овораман-а, — қайнонасининг овози таҳликали, ташвишли эди.

— Ҳа, тинчликми?

— Агар иложи бўлса ишингиздан жавоб сўраб югуриб келинг. Мен туғуруқхонадан гапиряпман, ҳа, Тахтапулдан, учинчи туғуруқхона бор-ку, ўшатдан. Фаридани олиб келгандим.

— Фаридани? Ҳали бор эди-ку вақт.

— Билмадим, опкириб кетишди, ҳеч қандай дарак йўқ, — бирдан қайнонаси йиғлаб юборди, — қабул қилиб олган доктордан сўрасам, қизингизни аҳволи оғир, деди. Агар қийналадиган бўлса қорнини ёриб олишармиш болани.

— Ҳозир бораман, — деди Рашид, оёқ-қўллари бўшашиб.

У кабинетдан ўқдек отилиб чиқди. Коридорда кетатуриб ёнида атиги икки сўм пули борлигини эслади. Биринчи дуч келган одамнинг шартта йўлини тўсди:

— Эртагача ўн сўм бериб туринг.

— Ташаккур, — бу «ахборот»да ишлайдиган редактор эди, — менинг ҳақимда жуда яхши фикрда экансиз, ўртоқ. Лекин, афсуски, сизни ранжитишга тўғри келади, мен сиз ўйлаганча бойвачча эмасман.

— Нима?!

Редактор чўнтагини ковлаб уч сўм чиқарди:

— Бор-йўғи шу!

Рашид унинг қўлидан пулни юлиб олди-ю, ҳали ҳамроҳи ўзига келиб улгурмасидан югуриб кетди.

— Телевидениеда битта соғ одам шу деб юрсам, бу ҳам ўзимиздан экан-у, — деди Рашиднинг орқасидан қараб қолган редактор.

12

Рашид таксидан туғуруқхона дарвозаси ёнида тушди. Кўчада уни кутиб турган қайнонасини кўриб, ичи музлаб кетгандек бўлди. Нега энди кўчада турибди?

— Ассалому алайкум, — деб яқинлашди қайнонасига у.

— Келинг, болам, омонмисиз, — куёвининг елкасига қоқиб сўрашди Шоиста хола.

Қайнонасининг юзига тик боқишга Рашиднинг юраги дов бермади, қўққисдан хунук хабар эшитишдан чўчиб гапни айлантирди:

— Узинглар яхши юрибсизларми, уй ичинглар билан?

— Юрибмиз, — деди Шоиста опа, унинг кўзлари жиққа ёш эди, — болагинам бечорани...

Шоиста опа сўзини тугатолмай пиқиллаб йўғлай бошлади.

— Узингизни босинг, ойи, — Рашиднинг ҳам кўнгли бузилиб кетди, — бирор хабар чиққими?

— Болагинам бечорани хор қилиб, йўлакка ётқизиб қўйишибди.

Рашиднинг елкасидан тоғ ағдарилиб тушгандек бўлди.

— Узи тузукми, ишқилиб?

— Ётибди вой-войлаб. Битта навбатчи врач бор экан, шунча ялиндим қизимни палатага олинг, деб қани писанд қилса!

— Нега палатага олишмайди?

— Жой йўқ эмиш. Бизлардан кейин келган биттасини кўзимнинг олдида жойлаштириб қўйди. Шошилинчда пул олволиш ҳам эсимга келмабди. Насияга юрмади, афтидан нақдига ўрганиб қолган.

— Насия, нақд, нималар деяпсиз, ойи? — Рашид қолақ қайнонасига дарс бермоқчи бўлди. — Ахир, бу туғуруқхона. Янги инсон дунёга келадиган муқаддас жой, сиз бўлса...

— Айтяпман-ку, кўзимнинг олдида биздан кейин келганни палатага жойлаштирди, деб, сиз билмайсиз...

— Уша навбатчи врач билан ўзим гаплашаман, — сал асабийлашиб, керилди Рашид, — хонаси қаерда экан?

Шоиста опа ўжар куёвигача ачиниб назар ташлади.

— Майли, юринг, кўрсатиб қўяман.

Улар ҳовлига бошлашиб кирдилар. Уч қаватли узун бинонинг эшигига етиб, Шоиста опа тўхтади.

— Шу эшикдан кириб ўнгга юрасиз, учинчи хона бўлса керак, сўрасангиз айтиб беришади. Ман нима қилай, кутиб турайми сизни ё уйга бориб, иссиқ овқат қилиб опкелайми? Болам бечора эрталабки нонуштаси билан юрипти.

— Узингиз биласиз, — деди Рашид: У ичкарига йўналди. Уни эшикдан қўйишмади. Тўполон-жанжал билан, журналистман, деб аранг кирди. Навбатчи врачнинг хонасини топиб, эшикни тақиллатди. Жавоб бўлмагач, очиб:

— Мумкинми? — деб сўради.

Япасқи ёзув столи ёнида беморларнинг касаллик тарихи варақасини тўлғазиб ўтирган оқ халатли врач бошини ҳам кўтармай, дағаллик билан:

— Мумкин эмас! — деди.

— Мен бемор Фариди Сафарованинг соғлиғи ҳақида билмоқчи эдим, — Рашиднинг энди шижоатидан асар ҳам қолмай, ювош кўзичоққа айланганди.

— Эшикни ёпинг!

— Мен сизнинг уйингизга эмас, давлат муассасига келдим. Беморнинг ҳолини билмоқчиман, — қайтиб асабийлаша бошлади Рашид.

— Беморларнинг аҳволи ҳақидаги маълумот прохондойда осиб қўйилган, ўшандан ўқиб олаверинг.

— Мени хотиним ҳали рўйхатда йўқ, эрталаб келган. Аҳволи чатоқ эмиш.

— Бу ёққа кириш мумкин эмас, — зарда билан қайтарди врач, — чақирсангиз, чиқиб жавоб қиламиз.

— Ёлғон, чиқмайсиз.

Фақат шундан кейин врач бошини кўтарди:

— Сиз нега одамни ҳақорат қиласиз? Нима ҳаққингиз бор?!

— Бу ҳақорат эмас, ҳаммага ҳам чиқавермайсиз, — Рашиднинг ҳам жаҳли чиқиб кетди, — гапимни керак жойда исбот қилиб бераман.

— Чўчитманг, қаёққа борсангиз бориб исбот қилаверинг, — энсаси қотди врачнинг. У Рашиддан тариқча ҳам чўчимади. Чунки, афтидан анчайин тажрибали эди: кекирдагини чўзиб, овозга зўр бериб дағдаға қиладиганларнинг

қўлидан одатда ҳеч нарса келмайди, ўзига ишонадиганлар босиқ бўлади, буйруқ оҳангида гаплашади, — буни у яхши биларди.

— Мен хотинимни... Сафарованинг соғлиғини билмагунимча жойимдан бир қадам силжимаيمان, — врач Рашидни бир тийинга олмаётгани унинг иззатнафсига текканди, — виждон борми ўзи сизларда, врачмисиз, Гиппократнинг қасамини ичганмисиз?

— Нима дедингиз фамилиясини, Сафаровами? — хўрсиниб сўради врач, ҳафсаласи пир бўлган бир кўйда.

— Ҳа, Сафарова, коридорда ётибди.

Врач Рашиднинг сўнги гапини эшитмаганга олди. Қандайдир рўйхатга кўз югуртирди.

— Аҳволи у қадар оғир эмас, қон босими юқорироқ, назорат қилиб турамыз, — қуруқ овозда изоҳ берди у.

Худди шундай қуруқ овозда бу аёл одам ўлганини ёки туғилганини маълум қилиши мумкин, деб ўйлади ўзича Рашид.

— Қачон... туғади?

— Аниқ айтолмайман, дарди қайтган. Ҳарҳолда бугун туғмайди, — қовоғини очмай жавоб қилди врач.

Рашид сўнги ҳужумга ўтди:

— Мен уни палатага жойлаштиришингизни сўрайман.

— Бунинг иложи йўқ, палаталар...

— Иложи бор, мен талаб қиламан...

Врач пинагини бузмади:

— Палаталарда битта ҳам бўш жой йўқ.

— Қачон бўшайди?

Врач «билмайман» дегандек елка қисди, олдидаги рўйхатни папкага солиб устига кафтини қўйди-да, «гап тамом, энди туёғингни шиқиллат» дегандек сўниқ кўзларини Рашидга қадади.

— Ахир, ундан кейин келган аёлни палатага олибсизлар-ку, — тутаб қичқирди Рашид, — қанча қистирди улар?

— Тилингизга эрк берманг. Тухмат қиладиган бўлсангиз...

— Тухмат эмас, кўрганлар бор.

Врач юзини бужмайтирди:

— Аммо жуда майдагап экансиз. Э садқаи эркак кетинг-э.

— Мен устингиздан шикоят қиламан, газетага ёзаман.

— Бўпти, ёзавер, ишлашга халақит берма...

Врач бамайлихотир ўрнидан турди ва гўё Рашидни кўрмаётгандек парвойифалак ҳолатда унинг ёнидан ўтиб, коридор бўйлаб кетди.

Рашид тахта бўлиб қолди. У ташқарига чиқса, қайнонаси кетмабди, бечора яхши хабар эшитиш умидида кутиб тургандир-да!

— Тузук эканми? — сўради.

— Ёмон эмас, дейишяпти.

— Жой берадиган бўлишдимми ё ҳалиям оёқ остида ётибдимми?

— Мен бу врач билан бошқача гаплашаман, — ғазабдан дағ-дағ титраб деди Рашид.

— Э фойдаси йўқ, барибир булар ўз билганларидан қолишмайди, — бўшашиб деди Шоиста опа, ҳарқалай у куёвига нисбатан бош-олтита кўйлак ортиқ йиртган, номаълумгарчиликни кўп кўрган аёл эди-да, — хўп энди, мен борақолай, аслида боя кетаверсам бўларкан, оч қолиб кетди болагинам бечора.

— Бўлмаса мен ҳам ишхонага ўтиб келаман, — деди Рашид, — қайта-ётганда хабар оламан.

Қайнона-куёв туғуруқхона дарвозаси олдида хайрлашиб икки ёққа қараб кетишди.

Рашид троллейбусда бораркан, Фаридага икки оғиз гап ёзиб киритмаганига ҳайрон бўлди. Келганини нега маълум қилмади? Буни ўйламадимми? Ўйлади, фақат нима деб ёзишини билмади. Жуда бўлмаганида сўхтаси совуқ, сурбет врачни палатадан жой беришга кўндиролганида эди, мақтаниб ёзиши мумкин эди! Йўқ, нима қилганда ҳам хотинидан ҳол сўраши керак эди.

Рашид редакцияга кириб бориши билан хатосини тузатди, ўтириб хат ёза бошлади.

Остонада Йўлдош кўринди.

— Рашид ака, газетадан яна телефон қилишди, — У сувга чўкиб нафаси қайтаётган одамдек тумшугини кўтариб, ҳаво юта бошлади, кейин тўппонча отгандек кетма-кет аксирди.

Рашиднинг юраги «шиғ» этиб кетди, наҳотки хунук хабар бўлса, наҳотки Дамир янглишган, наҳотки қарор ўзгарган?

— Бўлди-да, гапирсангиз-чи!

— Уша-ўша гап, энди Ғуломжон ака телефон қилиб сизни табриклар қўйишни тайинлади.

Рашиднинг кўнгли жойига тушди, Ғуломжон ака айтган бўлса, мукофот олиши аниқ.

— Бўпти, раҳмат, ходимларга айтиб қўйинг, мени ҳеч ким безовта қилмасин. Ишимиз ҳақида горкомга ҳисобот керак экан, шуни ёзипман.

Ходими хонадан чиқиб кетиши билан у хат бита бошлади: «Салом Фарида, олдинга борган эдим, навбатчи врачинг билан жиқиллашиб сенга хат киритиш ҳам эсимдан чиқибди. Аммо аҳмоқ аёл экан, сени палатага олишга кўнмади...»

Рашид ўйлаб қолди, кейин хатни бурдалаб оёқ остидаги саватга ташлади. У ўзининг мағлубиятидан хотинини воқиф қилишни истамасди. Хатни бошқатдан бошлади: «Фари, яхшимисан, эркам, нима бўлди?! Янглишмасам менга ўғил инъом этмоқчисан, майли, сазанг ўлмасин, жон-жон деб оламан. Мендан аҳвол сўрасанг, тушдан кейин ойинг телефон қилиб қолдилар. Югуриб бордим. Аҳволинг қандайлигини айтишди. Вақтим лекин жуда тифиз эди...»

Рашид шу ерга келганда яна тўхтади. Эсон-омон қутулиб олармикинман, деб не ташвишда ётган аёлнинг юрагига сиғармикин бунақа ҳазилнамо бачкана гаплар?!

Рашид бу хатни ҳам йиртиб ташлади. Туғуруқхонага борганида бирор нарса тўқир, ундан кўра хотинига нима олиб боришни ўйлагани маъқул. Қарзга олган уч сўмдан икки сўми таксига кетди, қолган пул билан бозор ё магазинга бориш кулгили. Уйда онаси билан бирон нима пишириб олиб боришдан бўлак илож йўқ. Рашиднинг аҳволи ўзига таъсир қилди: бозордан бир кило анор харид қилолмайсиз-у, ким айтади сизни бош редактор деб?!

Уйда овқатни Матлуба опанинг ўзи қилди.

Рашид қўлида тугун кўтариб кўчага чиқиб кетар экан, бундан буён онасига ширин гапиришга қарор қилди. Ҳа, онаси керак пайтда меҳрибонлик қила олади. Бунинг устига Фарида ҳам фаришта эмас, гоҳида гап билан шундай узиб оладики, одам тугул илон пўст ташлайди.

Ташқарида қор учқунларди. Энди олтидан озгина ошган бўлишига қарамай, кўча қоп-қоронғи эди.

Туғуруқхона дарвозаси олдида одам анча сийраклашибди, аммо овқат қабул қиладиган кичкина хона гавжум эди. Рашид пешинда келганида қирқлар чамасидаги тепакал, юмалоқ кишини кўрганди, яна учратди. Қизиқ, уйига бориб келдимикин ёки ўшандан бери шу ердамикин? Ҳеч қандай ифодасиз сўниқ кўзларини бир нуқтага қадаб, худди кар-соқов одамдек қимир этмасдан ўтирарди.

Рашид қўлидаги тугунни овқат ташийдиган аёлга берди.

— Палаталарини ёзмабсиз-ку, — деди аёл.

— Ҳозирча коридорда экан, — деди Рашид, — фамилиясига қараб топарсиз, Сафарова Фарида.

Аёл яна иккита одамдан овқат олиб кириб кетди. У ҳадеганда қайтиб чиқавермади, Рашиднинг юрагига ғулғула тушди. У бир жойда тек туролмай кичкина хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Эшик тагида турган ўрта ёшлардаги ёқимтой аёлнинг Рашидга раҳми келдими, тасалли берди:

— Кўп эзиллаверманг, оповси. — Кейин овозини пасайтириб, тепакалга ишора қилди: — анави одам икки кеча, икки кундуздан бери шу ерда ўтирган эмиш пойлаб. На туз татибди, на мижжа қоқибди. Уни ҳам сизга ўхшаб биринчи келиши экан.

Рашид миннатдорчилик билдирган қўйи жилмайди.

Девордаги дарчадан ичкарига тикилиб турган йигит, келяпти, деб эълон қилди. Шу заҳоти кутаётганлар жонланиб, хонада безовталиқ бошланди.

Рашиднинг ҳам юраги алланечук «шиғ» этиб кетди. Фақат тепакал қимир этмай ўтираверди.

Аёл дарча орқали хонага мўралади.

— Тошпўлатов, муборак бўлсин, қиз кўрибсиз! — деди табассум билан.

Тепакал олдинига бир сесканиб тушди, гапирмоқчи эди, овози чиқмади, ниҳоят ирғиб ўрнидан турди.

— Нима?

— Муборак бўлсин, қиз кўрдингиз. Она-боланинг соғлиғи жойида, — қайтарди аёл.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Тепакал бирдан хўнграб йиғлаб юборди, зум ўтмай йиғиси кулгига қўшилиб кетди.

— Биродарлар, мени кечиринглар! Ўн саккиз йил кутдим шу дамларни. Ниҳоят ниятимга етдим. Сингилжон, — у аёлга яқинлашди, — мана бу сизга, суюнчи! Доктор бўйида бор деган кундан бошлаб атаб қўйган эдим. — Тепакал аёлга битта юзталиқ узатди.

— Вой, муллака, жуда кўп, — аёл бундай катта суюнчини олгани ийманди.

— Қўлимни қайтарманг, синглим. Мен чин юракдан, рози бўлиб беряпман! Агар сизга зиғирча гап тегадиган бўлса мени рўпара қилинг, судга бериб, мени жазолашсин!

— Вой, олаверинг, удуми шунақа... — деган овозлар эшитилди.

Аёл суюнчини олди.

Энди Рашид унга яқинлашди.

— Менга жавоб олиб чиқмадингизми?

Аёл Рашидга синчков тикилди, кейин чеҳраси ёришиб сўради:

— Сиз Сафарованинг олдига келгансиз-а?

— Ҳа, Сафарованинг...

Аёл, сал энгашинг, дегандек имо қилди, Рашид дарчага букилиб қулоғини тутди. Ҳамшира аллақандай сеҳрли ва дўстона овозда пичирлади:

— Ҳозир ҳовлига киринг-да, бинони ёқалаб охиригача боринг, кейин чапга қайрилиб бинонинг орқасига ўтасиз, ўн қадамча юрсангиз чапда катта эшик келади, ундан ўтгандан кейин учинчи деразани тақиллатасиз. Хотинингиз биладилар, кутиб турибдилар.

— Раҳмат сизга, — Рашид ҳовлига кириб бино ёқалаб кетди.

Деразаларда чироқлар порлар, бинода ҳамма бедор, севинч, оғрик, дард, хуллас ҳаёт қайнарди. Ҳовли эса кимсасиз, хилват эди.

Тақиллатишига ҳожат бўлмади, ичкаридан Фариди мўралаб турган экан, эрини кўриб, форточкани қия очганича саломлашди.

— Ҳа, ҳалиям туғмадингми? — томдан тараша тушгандек сўради Рашид.

— Йўқ, — жилмайди Фариди.

— Докторлар нима деяпти?

— Ҳали бор дейишяпти.

— Унда нега келдинг?! — ёлғондакам пўписа қилди Рашид.

— Вой, анавиларнинг гапларини! Жоним оғригандирки келгандирман.

— Менга қара, палатага олишдимми?

— Шу-да палатам, пешиндаёқ олишди, энг яхшисини беришди. Ҳатто телевизори ҳам бор, — деди Фариди.

Рашиднинг юрагида умид учқунлари пайдо бўлди: наҳотки гаплари навбатчи врачга таъсир қилган бўлса?

— Нечун? — сўради тусмоллаб.

— Э, қарасам бирортаси назарга илмаяпти. Кейин адамларга телефон қилдим. Ярим соатга қолмай бу ёққа кўчиришди. Келганимда қошиб гаплашган навбатчи врач энди тилидан бол томяпти. Дарров адамларнинг қаерда ишлашларини ҳам билиб олибди.

— Бирон дефицитроқ мол керақдир-да...

— Менга ҳеч нарса олиб келманг, ойим боя дунёнинг овқатини ташлаб кетдилар, бутун туғуруқхона еб ётса ҳам бир ойга етади.

— Тансиқроқ овқат бўлса ўзимизни ҳам тешиб чиқмасди, — бурнини тортиб ҳазиллашди Рашид.

— Вой, сизга олиб қўйдим, қази, анор, мандарин. Ҳозир.

— Э, қўявер, ўзинг е!

Аммо Фаридани кўздан ғойиб бўлган эди. Кўп ўтмай у яна пайдо бўлди, деразани бир лаҳзага очди-ю, кўлидаги қоғоз пакетни эрига тутқазиб дарров ёпиб олди.

— Ҳа, айтгандек, фарзандимизнинг оёғи қутлуғ келадиган бўлди, — маънодор қилиб гапирди Рашид.

— Вой, нима гап? — ҳовлиқиб сўради Фаридани.

Рашид сал мақтаниб конкурсда ғолиб чиққанини, квартира олиш имконияти туғилганини айтди.

— Зўр бўларди квартира текинга унса! — Фариданинг кўзларида қувонч ва қувлик чақнади. — Конкурсда ютиб чиққанингиз ҳам зўр бўлибди, табриклайман, ҳазил-ҳазил билан ёзувчи бўлиб кетсангиз-а?

— Йўқ, — қатъий эътироз билдирди Рашид, — ёзувчининг умри тинимсиз меҳнатда, азобда ўтади. Токи машҳур бўлиб кетмагунча, топгани ўзига етмайди. Мен бошқа йўлдан бораман, мансаб йўлидан. Уша ёзувчилар устидан раҳбарлик қиламан.

Бирдан Фаридани орқасига ўгирилди, хонага кимдир кирдимиз, у эрига қараб шошиб деди:

— Бўпти, хайр, эртага хабар оларсиз. Ойимларга салом деб қўйинг.

— Хўп, эртагача, — Рашид деразадан узоқлашди.

13

Эрталаб у барвақт уйғонди. Туни билан уйқуси чала бўлганди. Ухлаяптими ё шунчаки кўзини юмиб ётибдимиз, ўзи ҳам ажратолмасди. Биринчидан, хотинидан хавотирда бўлса, иккинчидан, газетада эълон қилинадиган конкурс яқунлари тинчлик бермаганди.

Апир-шапир ювенил, соқол олди, нонушта ҳам қилмасдан кўчага отилди. Ҳозир барибир томоғидан ҳеч нарса ўтмайди. Тўғри газета-журнал дўконига йўл олди. Газета харид қилиб четроққа чиқди, юраги гупуллаб урганича махфий хат ўқишга шайланган одамдек эҳтиёткорлик билан биринчи саҳифага кўз югуртирди, сўнг иккинчи бетни очди. Рашидни қизиқтирадиган маълумот йўқ эди. У асабият, умид билан газетанинг учинчи ва ниҳоят, охириги бетига қаради. Хайрият! Тўртинчи бетнинг тепасида катта ҳарфлар билан конкурс яқунлари эълон қилинган эди. Унинг кўзи энг аввал «Биринчи мукофот Р. Сафаровга «Туташ қалблар» ҳикояси учун» деган сатрларга тушди. Рашид бошини кўтариб, атрофга мағрур аланглади. Иш бундоқ бўпти!

Кеча бошланган ҳўл қор ҳамон учқунлар, ёғиб ёғмас, тиниб тинмас эди. Кўчалар лой ва шилта, ҳаво ланж эди. Бу ланжлик киши кайфиятига ҳам таъсир қиларди. Бироқ Рашиднинг назарида бугун ҳаво ажойиб, кун ҳам ажойиб эди. У ҳўл бўлган газетани авайлаб буклади-да, пальтосининг ички чўнтагига тикди. Дўкондан яна бир даста газета харид қилиб қўйнига яширди.

Рашид туғуруқхонанинг торгина қабулхонасида қайнонасига дуч келди. Унинг кўзида ёш кўриб эти жимирлашиб кетди.

— Яхшимисиз, тинчликми? — овози бўғилиб чиқди Рашиднинг.

— Келинг, болам, омонмисиз, — деди Шоиста опа, — ўтирибман пойлаб. Фаридани олиб кириб кетишибди.

— Қаёққа? — тентакона савол берди Рашид беихтиёр.

— Икки соатча бўлибди, ҳалиям дарак йўқ, — кўзини артиб гапирди Шоиста опа.

— Наҳотки шунақа узоқ чўзилади ту... — яна бир тентак гапдан аранг тилини тийиб қолди Рашид.

— Мен ҳам қолиб кетганига куйиб ўтирибман-да!

— Докторлар шу ердалигингизни билишадими?

— Нимаиди? — куёвининг мақсадини тушунмади Шоиста опа.

— Дейлик... болани операция қилиб олишга тўғри келиб қолса, розилигингизни сўраш...

— Яхши ният қилинг, болам, операциянгиз нимаси?! — хафа бўлди Шоиста опа.

Рашид қош қўяман деб кўз чиқарганини пайқайди.

— Айтмоқчиманки, сиз сираям хавотир олманг, ойи, мен кириб хабар олиб чиқаман...

Шу гапнинг устига овқат ташийдиган аёл келиб қолди-ю, Сафарованинг олдига келганларни бош врач ўз ҳузурига таклиф қилаётганини айтди.

Қайнона-куёв ичкарига отилишди. Кириб боришгунича Рашиднинг хаёлидан минг хил гап ўтди. Агар хотини туққан бўлса, овқат ташийдиган аёлнинг ўзи айтарди-қўярди, бош врачни аралаштирмасди. Бирор шум хабарни айтишга тиллари бормай туришиптимикиан?!

Бош врач деганда Рашиднинг кўз ўнгига савлатли, улўсифат амалдор келганди. Хонага кириб улар бошқача одамни учратишди. Туғуруқхонанинг каттадан кичиги Омина опа деб атаган аёл чапанисифат, ҳукмдор, очиқкўнгил экан. У Шоиста опа билан Рашидни ўтиришга таклиф этди.

— Сиз турмуш ўртоқлари бўлсангиз керак, — деди Рашидга, кейин Шоиста опага юзланди. — Сиз-чи, оналаримисиз? Ҳа, яхши. Сизларни анча куттириб қўйдик-а... Хўп, энди гап бундай, айланайлар.

Шу пайт унинг имоси билан хонага ҳамшира чой дамлаб кирди.

— Фарихахонни эрталаб еттиларда дард тута бошлабди, — Омина опа чой қуйиб узатганича, узоқдан гап бошлади. — Кечаги навбатчи врачнинг бугун эрталаб тўққизда сменаси тугаши керак. Ўзимнинг қўлимда қутила қолсин, деб тўлғоқни кучайтирадиган укол қилибди. Ваҳоланки, ҳали уч-тўрт кун муддат бор эди туғишига. Яхшиям бугун ишга вақтлуроқ келган эканман, шунақа гап, деб қолишди, югуриб борсам Фарихахоннинг аҳволи оғир... — У олдидаги пйёладан чой хўплади, сир айтаётгандек овозини пасайтирди. — Йўк, чорасини топдик. Амалдорларнинг отинчаларига атаб қўйилган доридан бор эди, шартта ўшандан укол қилдик. Э, қачонгача ой туғса ҳам, кун туғса ҳам ўша димоғдорларга бўлади. Аммо зўр дори, ўн минутга қолмай таъсир қилди. Тўғри, Фарихахон яна озгина қийналди-ю, лекин эсон-омон қутулиб олди...

— Вой, тилингизга асал сизни! — Шоиста опа ўрнидан туриб кетаёзди.

— Сизга набира муборак бўлсин, сизга, куёв бола, ўғил муборак.

Рашиднинг юрагини эзиб ётган зил-замбил тош қулаб тушгандек бўлди.

— Минг раҳмат сизга, яхшилигингизни умр бўйи унутмаймиз, — Шоиста опа жудаям очилиб кетганди. — Қўлингиз дард кўрмасин, сизнинг доврўфингизни кўп эшитганмиз. Қаранг, қизимизга ўзингиз доялик қилибсиз.

У киссасидан бир неча ўн сўмликлар чиқариб Омина опага узатди.

— Оз бўлсаям кўп ўрнида кўрасиз.

— Ҳой, ҳой, нима қиялсиз! — кўзини олайтирди Омина опа. — Ўзимиз шу нарасага қарши курашиб, ўзимиз олсак нима деган одам бўламиз. Биз Умархон аканинг ҳурматлари учун қилдик. Хўжайингизни яхши таниймиз. Чет эл саёҳатида бирга бўлганмиз. Бизнинг хўжайин билан ошна бўлиб қолишган эди ўшанда.

Омина опа суюнчидан воз кечганига Рашид қувониб кетди. Чунки чўнтагида ҳемири йўк, қайнонаси бериб, бу безрайиб турса шармандаи шармисор бўларди. Омина опа усталик қилаётганга ўхшайди. Арзимаган сўмликларни бошига урадимми, керагини Умархон акадан ундиради вақти-соати билан.

— Хадича, — деб ҳамширани чақирди у, — иккита халат олиб кел.

Зум ўтмай Хадича халат кўтариб кирди.

— Сизларга бир минут муҳлат, кириб кўрасизлару, қайтиб чиқасизлар, — деди Омина опа, кейин столни муштлади, — агар гапга солиб беморимни толиқтириб қўядиган бўлсанглар, иккинчи қадам бостирмайман. Хадича, буларни Сафарова ётган палатага олиб бор.

— Вой, минг раҳмат сизга, Оминахон. Қилган хизматларингизни яхши кунларда минг пойиз қилиб қайтарайлик. Хўжайинга ҳаммасини етказамиз, у киши ҳам яхшилиқнинг қадрига етадиган одамлар.

— Бўпти, сўраб қўйинглар Умархон акани...

Қайнона-куёв таъзим билан хонадан чиқишди. Ҳамшира уларни коридор бўйлаб бошлаб кетди. Ниҳоят, бир эшик олдида тўхташди.

— Озгина сабр қилинглар, — деб ичкари кирди Хадича, лаҳза ўтмай яна қайтиб чиқиб, Шоиста опа билан Рашидга жилмайиб боқди, — тезроқ кирақолинглар.

Хонада иккита каравот бўлиб биттасида Фариха ётарди. Унинг кўзлари киртайиб, ранги оқарганди. Қимир этгани мадори бўлмаса-да, кирганларни жилмайиб қарши олди.

Шоиста опа қизининг устига энгашиб юз-кўзларидан ўпди, қутулиб олгани билан табриклади.

— Қийналмадингми, болам? — сўради у кўзёшларини артиб.

— Қийналиш ҳам гапми? — Фарида ўзини бахтли ҳис этар, тортган азоби ҳақида суюниб сўзларди. — Нариги дунёга бориб келдим. Э туғиш шунақа бўлса, — кейин эрига қаради, — Рашид ака, сиз айтганингиз бўлди, ўғил!

— Табриклайман, қойил... раҳмат, — оғзининг таноби қочиб ялтоқланди Рашид, — ўзини кўрдингми, кимга ўхшайди?

— Э, битта кўрсатишди-ю, опкетиб қолишди.

— Қорачами ё оқми? — бугун Рашиднинг оғзидан нуқул бемаъни савол чиқарди.

— Қайдам, қорача ҳам эмас, оқ ҳам эмас. Қип-қизил шекилли, — кулди Фарида, кейин жиддий тортди, — ишқилиб ўзингиз оч қолмаяпсизми, оймлар иссиқ овқат қилиб бериб турибдиларми?

— Ҳа, ҳаммаси жойида!

— Холажон, — эшиқда Хадича пайдо бўлди, кўзларини чақчайтириб, қўлидаги соатини кўрсатди, — Омина опа билиб қолсалар мени соғ қўймайдилар.

— Кетяпмиз, оповси, кетяпмиз.

Ҳамшира уларни кузатиб қўйди. Чиқиб кетишаётганида, Шоиста опа куёвининг қўлига секин пул қистирди, ҳамширага берасан, деб ишора қилди.

Улар зинанинг тагидаги орқа эшик ёнида, камқатнов жойда тўхташди.

— Шу ердан чиқиб кета қолинглар, тагин битта-яримтаси кўриб, жанжал қилиб юрмасин, — қувлик билан илжайди Хадича.

— Умрингиздан барака топинг, раҳмат сизга, — Шоиста опа ҳамширанинг чўнтагига бояги бир даста ўн сўмликни солди.

— Қўяверинг, опоқи, — ноз қилди Хадича.

Рашид ҳам суюнчисини тутқазди.

Кўчага чиқишганида булутларнинг бағри тилинган, куёш чарақлаб турарди. Уларнинг такси пойлашга сабрлари чидамади, учраган биринчи машинани кира қилиб, йўлга тушишди.

Шоиста опа куёвини телевидение биноси олдида қолдириб, ўзи уйига жўнади.

Рашид ўз хонасига кириб жойига ўтирганича қўшни хонага кўнғироқ қилди. Трубкани ўша заҳоти кўтаришди.

— Ким бу? — сал димоғ билан сўради Рашид, чунки бу телефонни оладиган кишилар унга бўйсунушади.

— Салом алайкум, Рашид, сизмисиз? — хушмуомалалик билан деди Йўлдош.

— Бу ёққа келиб кетинг, — деди Рашид ходимининг саломига алик олмай.

— Хўп бўлади.

Зум ўтмай остонада пайдо бўлди. Бошлиғига яқинлашиб кўришгани қўл узатди.

— Яхшимисиз, Рашид?

— Утиринг, — қўли учини бериб ходими билан сўрашди Рашид.

Йўлдош курсига омонатгина чўкди. Гарчи Рашид жиддий кўринишга ҳаракат қилаётган бўлса ҳамки, ичидан юзига нур тепиб тургандек эди.

— Табриклайман, — деди Йўлдош.

— Нима билан? — бу дарров қаёқдан билақолдийкин фарзанд кўрганми, — деб ажабланди Рашид.

— Нима билан бўларди, худди билмагандек сўрайсиз-а? Энди буёғини бўшаштирмай, кетма-кет ясайверинг!

Ходимининг бетамизлиги Рашиднинг иззат-нафсига тегди.

— Нафси бузук ҳайитда ўлади, дейишади.

— Йўк, кетини совутмасдан уриб қолиш керак, ажаб эмас шу баҳона ёзувчи бўлиб кетсангиз. Конкурсада биринчи ўринни олиш ҳазилакам гапми?

— Э-ҳа... мукофотни айтяпсизми? — ўзига келди Рашид, — раҳмат.

— А, сиз нима деб ўйлагандингиз? Ё бошқа сабаби ҳам борми?

— Бор-да, — оғзи қулоғига етиб тиржайди Рашид, — ота бўлдик бугун.

— Э, гапни шундан бошламайсизми, сабр-тоқатингизга қойилман-ей! Қани бундай туринг ўрнингиздан!

Рашид ўрнидан турди. Йўлдош уни қучоқлаб даст кўтарди. Чирпирак қилиб айлантриб, яна ерга қўйди: — Ҳолвами ё...

— Ўв, мен бир ишни хом қилганимни кўрганмидингиз? — ёлғондакам ўдағайлади Рашид.

— Баракалла, иш деган бундоқ бўлибди-да, — Йўлдош худди ўзи ўғил кўргандек ростмана суюнди, — хўш, оши қачон?

— Хоҳлаган пайтинглар! Фақат уйга олиб келайлик! — деди Рашид ва худди найзадек, миясига ғалати фикр санчилди: Дамир унинг ўрнида бўлганида ошни пайсалга солмай, шу бугун қилиб берарди! Рашид ажаблани, бу қандай бемаза одат, қачон қараса ўз қилмишини Дамир билан таққослайди. Нима иши бор ўша ялангоёқ билан?!

— Хўп, Йўлдош, агар малол келмаса Лолахонни айтиб юборинг.

— Яхши!

Лолахон орадан чорак соатча ўтгандан кейин ҳовлиқиб кириб келди.

— Ишингиз жуда зарур эмасмиди, Рашид ака? Ун минутга бир жойга кетгандим.

— Магазинга?

Лолахон қип-қизариб, бош силкиди.

— Нима бераётган экан? — бу савол оғзидан қандай чиқиб кетганини сезмай қолди Рашид.

— Замбаракнинг ўқини, — гапни ҳазилга йўйди Лолахон.

— Ишқилиб ёқдимми? — хатосини тўғрилашга уринди Рашид.

— Йўқ, — деди қувноқ кулиб Лолахон, — худди менинг навбатим келганда тугаб қолди! Роса алам қилди.

Рашид тегажоқлик қилишдан аранг ўзини тутиб турарди, ажабо, ҳеч қачон бунчалик жўш урмаган эди жазманлиги.

— Бундоқ, берироқ келиб ўтиринг, тикка турмай.

Лолахон атайин Рашиддан узоқроқдаги курсига бориб ўтирди.

Рашид ўрнидан туриб эшикка яқинлашди, Лолахон кўрсин учун чўнтагини узоқ титкилаб калит олди, эшикни ичкаридан қулфлади. Таажжубдан Лолахоннинг кўзи қинидан чиқиб кетай деди. Дик этиб ўрнидан турди.

— Вой, Рашид ака, «Ёшлик» редакциясидаги қизларни айтиб қўювдим, ҳозир олдимга келишмоқчийди.

— Бирпас кутишса ҳеч нарса қилмайди, — қизни чўчитиб юбормаслик учун қайтиб жойига ўтирди Рашид, — унақа дарров ҳуркиб кетманг, зарур иш бор.

Лолахонга ёқади эшикни қулфлаганим, деб фараз қилганди, бироқ Лолахон у ўйлаганчалик эмас экан.

— Менинг ҳужжатларим нима бўлди?

— Тайёр. Олиб келайми? — Лолахон қандай бўлмасин тезроқ қочиб қолишнинг пайида эди.

— Шу ерда тайёрланг деган эдим-ку.

— Шу ерда тайёрладим, озгина чаласи қолган эди, уйимга олиб кетгандим. Эрталаб кирсам йўқ экансиз, столимга яшириб қўйдим.

— Хўш, нега жуда типирчилаб қолдингиз, мендан шунчалик кўрқасизми? — очик гапга ўтди Рашид.

— Битта-яримтаси эшикни ичидан қулфлаб ўтирганимизни билиб қолса ноғора қилиб чалади-ку!

— Чалса-чалар, — мардлик қилди Рашид, аслида у Лолахондан кўпроқ чўчирди гап-сўздан.

— Сизларга нима, ялло-дод қилиб юраверасизлар. Аёллар эса ўз номларига доғ туширишмасликлари керак. Ҳа, қуруқ тухматдан асрасин.

— Токи, мен шу ерда эканман, сизнинг номингизга гард ҳам юқтирмайман, — ҳомийлик қилди Рашид. — Битта истагим бор, сиз шу редакциянинг эркаси бўлиб юришингиз керак. Сизнинг айтганингиз айтган, деганингиз деган!

Лолахон талтайиб кетмади, гапни бошқа томонга бурди:

— Табриклаймиз, яхши гаплар эшитдик.

— Нимани назарда тутаяпсиз? — расмий тилга кўчди Рашид.

— Янги меҳмонни ҳам, конкурсда ютиб чиққанингизни ҳам.

— Раҳмат, — узоқ ёлғиз қолиш хавфли эди, — Рашид қўлидаги калитни Лолахонга кўрсатди, — олиб келасизми ҳужжатларни?

Қиз калитни олгани Рашиднинг олдига келди, ҳозир тажовузкорлик қилишнинг айна хонаси эди, у калитни чўнтагига яширди, ўрнидан туриб қизга яқинлашди, билагидан ушлаб ўзига тортди. Лолахон шошиб қолди.

— Ии... Бояги гапларингиз ростми, Рашид ака? Айтганим айтган, деганим деган...

— Албатта.

— Бўлмаса калитни беринг.

Лолахон унинг шаштини қайтариши миясига ҳам келмаганди, каловланиб қолди.

— Нега ахир?

— Ҳозир ҳеч ҳам мавруди эмас. Ахир, кеннойим туғуруқхонада ётган бўлсалар, инсофдан эмас-да. Одамнинг кўнглига сиғмас экан.

— Хўп, қачон бўлади мавруди? — қизнинг билагини қўйиб юбормай сўради Рашид.

— Қайдам, — елкасини қисди Лолахон карашма билан.

У хонадан чиқиб кетиши билан бир тўда одам бостириб кирди. Булар нафақат Рашиднинг қўл остидагилар, ораларида бошқа бўлимлардан ҳам кишилар бор эди.

— Қуллуқ бўлсин! — биринчи Рашидни Наби қучоқлади, чирпирак қилиб айлантирди. Бошқалар ҳам шу йўсин табриклашганидан кейин, Рашиднинг боши айланиб оёғида туролмай қолди. Улар қандай киришган бўлса шундай шовқин-сурон билан чиқиб кетишди.

Шу куни кечгача кўп одам уни табриклади, биров ўзи келди, биров телефон орқали.

Рашид энди кетишга шайланиб турганида, эшик очилиб остонада Фуломжон ака кўриниб қолди.

— Кирсак бўладими? — деди у эшик тагида тўхтаб.

— Ие, ие, Фуломжон ака, марҳамат қилсинлар, — Рашид очиқ чеҳра билан унинг қаршисига юрди, — қадамларига ҳасанот!

— Ғолиб укамизни табриклаб кетай деб келдик, — Рашидни қучоқлаб ўпди Фуломжон ака.

— Раҳмат, қани, марҳамат, — Рашид унга жой кўрсатди.

— Йўқ, мен бир дақиқага кирдим, — ўзини лаганга солди меҳмон.

— Ўтиринг, борарсиз ўша ўзингиз кўрган уйингизга, — эшилиб хушомад қилди Рашид.

Фуломжон ака ғолиб саркардадек шошмасдан курсига яқинлашди, хонанинг соҳибидек ялпайиб ўтирди.

— Телефонингизни кутдим, — бир оз писанда билан деди у, — қарасам тинчлик. Совриндорларнинг табриклар қабул қилишдан қўли бўшамайди. Биз камсуқум одаммиз, ўзим келавердим.

— Ажаб қилибсиз, — Рашид амал курсисини холи қолдириб Фуломжон аканинг тўғрисиغا чўкди, — қалай, ўзингиз яхши юрибсизми?

— Бир нави. Энди бу ёғини бўшаштирманг, — ўгитга ўтди Фуломжон ака.

— Раҳмат. Аммо жуда хурсанд бўлдим, Фуломжон ака.

— Лекин анчагина тортишишга тўғри келди. Ҳар ким ўз одамини суқуштиради...

Рашид яхшилик кетидан миннат йўлини тутган ҳамсуҳбатини гапдан чалғитиш ниятида қўшни хонага телефон қилди.

— Ким бу?! Ҳа! Айтинг, Лолахон бир минутга кириб кетсин, — Рашид Фуломжон акага қараб жилмайди, — яна бир қувончли...

— Гап шундаки, — Фуломжон ака ўзиникини қўймади, — жюри аъзоларининг кўпчилиги...

Лолахон остонада пайдо бўлиб Рашиднинг жонига оро кирди.

— Лолахон, битта чой қилиб берасизми? Буфетдан олақолинг.

— Хўп, — деди Лолахон хиёл оғир ботгандек овозда, сабаби ҳали ҳеч қачон бошлиғи унга бундай юмуш буюрмаган эди.

— Матбуот оламида нима гаплар? — Лолахон чиқиб кетиши билан янги мавзунини ўртага ташлади Рашид.

— Эски ҳаммом, эски тос, ҳаммаёқ мақта-мақта. Нукул планлар юз пойиз деб ёзамизу магазинларга кирсанг шип-шийдам... Эшитинг, тандирдан янги узилгани бор. Кўчада иккита ошна учрашиб қолишибди. «Аҳволларинг қалай» деб сўрабди биринчиси. «Аҳволим ҳам, туриш-турмушим ҳам жуда яхши» дебди ошнаси. «Газет-пазет ҳам ўқиб турасанми» сўрабди биринчиси, шунда иккинчиси «газета ўқимасам туриш-турмушим яхшилигини қаёқдан билардим» деб жавоб қилибди.

Ғуломжон ака қийқириб кулди. Рашид ҳам ўлганининг кунидан тишининг оқини кўрсатди. Ғуломжон акани сурбетроқ деб ўйларди, устига устак, тентакроқ ҳам экан. Кап-катта одам бўлсанг, обрўли газетада ишласанг, бетамизлик ҳам эви билан-да!

Ғуломжон ака латифа Рашидга унчалик ўтиришмаганини сезди, дарров тиконини узиб, гулининг ўзини қолдирди:

— Латифа ўз йўлига, лекин масаланинг бошқа томони муҳим. Магазинларда ҳеч вақо йўқ-ку, кимникига кирма, ҳамма нарса бор.

Бу гаплар Рашидни зериктира бошлаган эди. Аммо шу пайт:

— Мумкинми? — деб, жавоб ҳам кутмай, хонага Мансур кириб келди.

Ғуломжон ака у билан эски қадрдонлардек қўшқўллаб кўришди.

— Камнамасиз кейинги пайтларда? — деди Мансур.

— Мана келдик, Рашидбекни табриклагани.

— Ҳа, кўп савоб иш қилибсизлар, — ғалати илжайиб, маънодор гап қистирди Мансур. Киришдан мақсади мукофотни олиб берган одам шу Ғуломжон ака эканлигини Рашидга яна бир марта таъкидламоқчи эди.

Рашиднинг зардаси қайнади, аммо тишини тишига қўйди. Қўлида иккита ликобча кўтариб, Лолахон кирди:

— Рашид ака, қаҳва ола қолдим.

— Раҳмат, — Рашид чўнтагини кавлай бошлади.

— Қўйсангиз-чи, Рашид ака, — Лолахон пилдираганча чиқиб кетди.

— Мансур, менда гапингиз бор эдимми? — энсаси қотганидан овози зўрға чиқди Рашиднинг.

— Ғуломжон ака келганларини эшитиб, кўриб кетай девдим. Ё халақит бердимми?

— Нега энди халақит берар экансиз, — бугун Ғуломжон ака вазиятнинг хўжайини эди, истаганча ҳаддидан ошаверади, — яхши ўринбосар доим бошлиғининг биқинида бўлгани маъқул.

Буни ҳазил деб тушуниш керак эди. Рашид билан Мансур ўзларини мажбурлаб илжайдилар.

— Янги дурдоналардан опкелмай қўйдингиз? — Мансурнинг гапи яна илмоқли эди. Бўлмаса ўтган ҳафта Ғуломжон аканинг шеъри кетганини яхши биларди у.

— Газета йши оғир, ўзингиздан қолар гап йўқ, кунда беш юз сатр материал туширишимиз керак. Шунга қарамасдан уйқунинг ҳисобига битта поэма қоралаб қўйдим. Шоир одам ёзмаса қўли чиқиб қолади.

— Поэма? Қайси мавзуда? — ортиқча қизиқиш билан сўради Мансур.

— Механизатор аёл ҳақида. Мақтанишга йўйманглар-у, аммо роса тер тўқдим.

— Бир кўрсак бўларкан, — суҳбатнинг жиловини Мансур энди ўз қўлига олволган эди. Шу йўсин Рашидни менсимаслигини намойиш қиларди у.

— Лекин, — бирдан жонланиб кетди Ғуломжон ака, — жуда зўр телепостановка чиқариш мумкин, ашула, рақслари билан. Албатта олдин ўқиб чиқасизлар, маъқул бўлса...

— Сизни биламиз-ку, — яна истехзоли илжайди Мансур.

— Ўқийлик, — деди сохта баландпарвозликка қўри қолмаган Рашид.

— Телепостановка тамошабоп чиқсин учун ашулаларини Таваккал Қодировга айттириш керак, — Рашиднинг игна устида ўтирганини сезган Мансур жўрттага гапни чўзди, ҳа, қийналиб ўлсин.

— Оҳ, оҳ, оҳ, жуда зўр фикрлар чиқади-да шу Мансуржондан. Ашуласида

Таваккал, рақсида Мукаррама Турғунбоева бўлса, постановка эмас, қийқирик бўлиб кетарди-я!

— Агар пешво рухсат этсалар, постановкага битта бастакор ёллардик музика ёзиб бериш учун, — имкониятдан яхши фойдаланарди Мансур, яна кейин бунақа қулай шароит бўлиши гумон, — ўзингиз айтганингиздек, янги кўшиқ, янги рақслар жуда очворади-да кўрсатувни.

— Рашид йўқ демасалар керак, — талтайиб жилмайди Фуломжон ака, — кўрсатув яхши чиқса раҳмат биринчи навбатда бошлиққа тегади.

— Ёмон чиқса калтак ҳам биринчи навбатда бошлиқнинг бошида синади, — пайтдан фойдаланиб қолди Рашид.

Фуломжон ака хахоллаб кулди, ҳазил аралаш қистирди:

— Агар сизга қилча гард юқадиған бўлса, ярим сатр ҳам олиб келмаймиз бу даргоҳга.

Ҳазил, ҳазилнинг таги зил, деб шуни айтсалар керак-да. Рашид дарров вазиятни юмшатди:

— Достонни тезроқ олиб келаверинг, мана Мансурвойнинг ўзлари инсценировка қиладилар. Тажрибали ходимлар, бунақа нарсаларнинг пири бўлиб кетганлар.

— Қўлимда катта телепостановка бор эди-ю, балки ўзингиз ҳафсала қиларсиз, — дудмоллик қилди Мансур.

— Ҳечқиси йўқ, қўлингиздагини тўхтатиб туриб, Фуломжон аканикини тезлаштирасиз, — ўз ҳокимиятидан фойдаланди Рашид.

Фуломжон ака — зийрак одам, Рашид билан Мансурнинг оралари унчалик яхши эмаслигини пайқади. Ғайратчан кайфиятда ўрнидан турди.

— Олдин олиб келайлик, уёғи бир гап бўлар. Энди бизга рухсат этасизлар, яхшилик билан кўришайлик.

— Саломат бўлинг, Фуломжон ака, — Рашид ҳам ўрнидан турди.

Фуломжон ака чиқиб кетгач, Рашиднинг елкасидаги тоғ ағдарилгандек бўлди. Шу кунгач бу одамга меҳри бошқача, соясига салом беришга тайёр эди. Аммо бугун унинг фикри ўзгарди. Одамнинг оласи ичида, деб тўғри айтишар экан, ўзига етгунча таъмагир, муттаҳам экан Фуломжон ака. Алоқани узиб думини тугвориш керак. Ва бу ишни Мансурнинг қўли билан амалга ошириш даркор. Шунда битта кесак билан иккита қарғани уради.

14

Чоршанба куни Рашид ишга кеч келди. Фаридага жавоб теккан эди. Эрталаб туриб бозорга югурди. Қиш бўлгани учун битта кичкинагина гулдастани фалон пулга олиб, туғуруқхонага борди. У ҳовлига кириб кетаётган эди, дарвоза ёнида яп-янги, бўёқлари ялтираб турган ГАЗ-21 машинаси сигнал берди ва эшиги очилиб ичкаридан Босит илжайиб тушди. Келиб поччаси билан сўрашди. Дастлаб Рашид меровга ўхшаб анқайиб қолди, кейин ўзини қўлга олди, ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутиб машинага ишора қилди:

— Ўзингизданми?

— Ҳа, — бош силкиди Босит.

— Янги олдинларми?

— Кеча олиб келдик, ҳали тузукроқ ювиб тозалаганимизча ҳам йўқ.

— Жуда зўр-ку! Ранги ҳам бизнинг иқлимга боп! — нафаси ичига тушиб кетган Рашиднинг овози аранг чиқди. Қўшнинг гилам олса суюн, бир чеккасида сең ҳам ўтирасан, деганларидек машинанинг нафи Рашидга ҳам тегиши мумкин. Бироқ оппоқ янги «Волга» шу қадар чиройли ва кўркам эдики, беихтиёр ҳасад ва ҳавас кўзгарди кишида. — Буюрсин!

— Раҳмат, — ортиқча севинч изҳор қилмай деди Босит, — ойим кириб кетдилар.

— Майли, хабар олайчи, — Рашид ҳовлига йўналди. Туғуруқхона биносининг зинапоясига қайнонасини учратди у. Шоиста опа қўлидаги гулдастани куёвига тутқазди.

— Ўзингиз берақоларсиз иккаловини қўшиб...

Рашид хижолатдан ерга кириб кетай деди, чунки уникага нисбатан Шоиста опанинг гулдастаси уч-тўрт марта каттароқ эди.

Кўп ўтмай эшикда ҳамшира — Хадичанинг калласи кўринди.

— Сафаровлар, кира қолинглар, биз тайёрмиз.

Шоиста опа билан Рашид туғуруқхонанинг чорсигина фойесига киришди. Уларнинг қаршисига оппоқ халат кийган иккита ҳамшира чиқди — биттаси Фариданинг қўлтиғидан ушлаб олган, иккинчиси чақалоқ кўтарган.

— Табриклайман, — деди ғайритабиий бир оҳангда Рашид кўлидаги гулдастани хотинига тутқазиб.

— Узингизни ҳам, — ранги қочган Фарида табассумдан лабини йиғиштириб ололмасди.

— Ўғил муборак, — чақалоқни Рашидга узатди ҳамшира, — эрталабдан бери адамга бораман, деб тўполон қилиб бутун туғуруқхонани бошига кўтарди. Бунақа шўх болани биринчи кўришимиз.

— Бола бўлса шўх бўлсин, дейишади-ку, — Рашиднинг бошига шу сийқаси чиққан мақолдан бўлак ҳеч нарса келмади. У чўнтагидан пул чиқариб ҳамширага берди-да, болани олди.

Шоиста опа ҳамшираларни хурсанд қилиш учун сал ушланиб қолди. Эшикдан чиқишлари билан йўргак четини очиб ўғлига боқди Рашид. Бурни пучук, на қоши, на сочи бор, бир парча эт. У ўғлимни кўрганда жудаям қувониб кетаман, деб ўйлаганди, йўқ, миясига, жуда кичкина-ку, қачон бу катта бўлади, деган фикр келди.

— Жуда зўр-ку! — «Волга»ни кўриб, ҳайратдан кўзи чақчайиб кетди Фариданинг.

Ҳаммалари машинага ўтиришди.

— Фақат мана бунингизга айтинг, — деди Фарида онасига мурожаат қилиб, — аяб минсин, олдингизга ўхшаб дарров шалоғини чиқариб юбормасин.

Рашид уларни уйга ташлаб, тушга яқин редакциясига борди. Биринчи бўлиб унга Лолахон учради. Эрталабдан бери уни бошлиқ қидираётганини айтди.

Рашид хонасига кирмай орқасига қайтди. Қабулхонада ҳеч ким йўқ эди. Соатига қараса, овқат пайти экан, бошлиқни барибир кутишга қарор қилди.

Кўп ўтмай котиба пайдо бўлди, бошлиқ овқатдан бир оз кечикиб келишини айтди. Рашид тамадди қилиб олмоқчи бўлиб буфетга борди. Бир стакан сут билан иккита булочка олди. Сутнинг юзи ширава тортган экан, қаймоқ фараз қилиб булочкани тўғради.

Дафъатан Дамирни эслади у. Стипендия теккан куни чучварахонага кириб яхшилаб бўкиб олишарди, кейин мана шунақа кафеларда яна амал-тақал қилиб юришарди. Дамирнинг стипендияси яллақаганда уч-тўрт кунга етарди, Рашид эса тежамкор эди, стипендиядан стипендиягача пулини етказарди. Иккалови ҳам, университетни битириб ишга киришимиз билан бойиб кетамиз, деб ўйлашарди. Хомхаёл экан ҳаммаси. Дарвоқе, Дамирнинг қарзини қайтариш керак, бир йилдан ошди олганига. Квартирани қўлга киритсин, албатта узади, еб кетмайди. Беради бир кун! Жуда зарур бўлиб қолса ўзи сўрарди...

У ниҳоят қабулхонага қайтиб келди.

Бошлиқ кабинетда экан, котиба уни ичкарига таклиф қилди. Рашид юраги увишиб эшикни очди, остонада тўхтади.

— Мумкинми?

Хона узун, кенг эди. Бошлиқ тўрдаги ҳашаматли стол қошида, катта чарм креслода ястаниб ўтирарди.

— Кириг, — деди у бир лаҳзага бошини кўтариб, кейин яна олдидаги қоғозларга қўл қўйишда давом этди, — ўтиринг.

Рашид узун столнинг икки ёнига қаторлаштириб қўйилган курсилардан бирига чўкди.

— Ҳўш, нега жойингларда ўтирмайсизлар? — илжайиб сўради каттакон.

Турмушда бобо баъзан ўз набирасини талтайтириб «қилган шўхлигинг учун ҳозир орқанга атата-атата қилиб ураман» деб қойийди. Бошлиқ ҳам шунга ўхшаб эркалатадиган овозда тергади ходимини.

Рашид айбдордек бошини эгди.

У каттаконларда бирорта қусур бўлишини тасаввур этмасди. Назарида, ҳаммаси доно, ҳаммаси оқил, ҳаммаси улуғ сиймо. Бинобарин сажда қиларди уларга. Уз бошлиғи ҳам шундай муқаддас зот эди унинг учун.

Рашид бошини эгганича гуноҳига чиқариладиган ҳукмни кутарди.

— Сизга Комилов деган ёш шоир шеър олиб келган экан, — деди каттакон шундан сўнг.

Рашид саросимага тушиб қолди, ким бўлди у Комилов? «Э, анави отаси ижрокомда ишлайдиган йигитми» деб сўрашига оз қолди, вақтида тилини тийди.

— Фамилияси эсимда қолмабди, лекин Илёс деган бир йигит келганди. Бошлиқ олдидаги қоғозлардан бирига кўз югуртирди.

— Ҳа, Комилов Илёс. Қалай, шеърлари маъқул бўлдимиз сизга?

Рашид яна каловланиб қолди. Яхши, деса шеърлари қалтис, ёмон, деса унда ҳеч қачон болани телевидениега яқинлаштиролмабди.

— Ҳар хил, яхшилариям бор, бўшроқлариям...

— Ёшларга айниқса ғамхўр, меҳрибон бўлиш керак. Нега деганда ёшлар мўрт бўлади, сал нарсага қаноти синиб қолиши мумкин.

— Узи бир келиб йўқ бўлиб кетди, ёрдам бермоқчи эдик.

— Демак диққат-эътибор кам бўлган. Биз ҳеч кимни ўзимиздан бездириб юбормаслигимиз керак. Аксинча, иложи борича кўпроқ жалб қилинглр авторларни. Шунда иш юришади.

— Ёшларга эътиборни албатта кучайтирамиз, — терлаб кетди Рашид.

— Мана, Комиловдан бошлашинглр мумкин шу ишни. Яхши шеърларидан бир гулдаста қилиб тамошабинларга тақдим этинглр. Узи қироатига олиб ўқиб берар, — бошлиқ жеркимасдан, мулойим сўзларди.

— Янаги ҳафтанинг планига киритамиз Комиловни.

— Яна ўзинглр биласизлар. Албатта беринглр демоқчи эмасман. Агар шеърлари ҳақиқатда яхши бўлса рағбатлантиринглр, — жилмайди бошлиқ. — Ун учинчида Венгрияга кетадиганман, агар ўшангача иложинглр бўлса мен ҳам кўриб кетардим, қизиқ-да ёшларнинг ижоди.

— Бўлади иложи, — қасам ичаётгандек тиришиб деди Рашид.

— Мана буни, — бошлиқ столдан ўқувчиларнинг қалин дафтарини олиб Рашидга узатди, — синчиклаб ўқиб чиқинглр. Наманганлик кекса бир шоир ташлаб кетганди. Ичида сал пичоққа илинадигани бўлса «Ғазал оқшоми» деган кўрсатувларингга тиқиб юборарсизлар. Биттами, иккитами олсанглр кифоя. Узи уруш қатнашчиси, сал мижғовроқ одам. Тағин устинглрдан шикоят ёзиб юрмасин.

Рашид ирғиб ўрнидан туриб дафтарни олди.

— Хўп бўлади, дурустроқларини танлаб берамиз.

Бошлиқ «бўпти, боравер энди» дегандек жилмайиб бош силкиди. Рашид илдам юриб хонадан чиқди.

У зинадан тушиб кетаётганида бир нарсасини йўқотгандек сизди ўзини, қараса қўлидаги ҳужжатлар солинган папка қолиб кетибди бошлиқнинг хонасида. Столнинг устига қўйишга ийманиб, ўтирган курсининг суянчиғига тираб қўйганди. У қабулхонага қайтди.

— Папкам қолиб кетибди, — у котобага мўлтиллаб боқди, — майлими кириб чиқсам?

Котиба елкасини қисди, машинкасини чиқиллатишда давом этди.

Рашид бор иродасини тўплаб хонага кирди. Бошлиқ эшикка ёни билан ўгирилиб ўтириб телефонда сўзлашаётган экан, Рашидга маънисиз назар ташлаб қўйди. На ташқарида туратур, на кел, ўтир, демади. Рашид чиқиб кетса яна қайтиб киришга журъат этолмаслигини билиб, остонада қаққайганича гапнинг тугашини кутди.

— Ҳаммасини тушуниб турибман, Собир Турсунович, менга қолса барибир қаерда туриши, ҳамма ишни хоним бузаяптилар, — бошлиқ ёш болаларга ўхшаб қиқирлаб кулди, — аёлларни биласиз-ку... уларни айтганидан қайтаришдан кўра темирбетонга қўлда мих қоққан осон. Бизга яқинроқ жойда яшасин, деб туриб олган. ЗАГСдан қоғоз керак? Майли, Собир Турсунович, олиб боради. Катта раҳмат. Бундан буёқ битта орзу билан яшаймиз — қани энди Собир Турсуновичнинг ҳам бизга ишлари тушиб қолса-ю хизматларида бўлиб қарзларидан узулсак, деган ният, — бошлиқ яна қиқирлаб кулди, — хўп, саломат бўлинг. Ҳа, ўзи боради олдингизга...

Бошлиқ трубкани ўрнига қўйди, Рашидга кўзи тушиб лабидаги табассум

сўнди. Ходимларга ҳеч фаҳм кирмади-кирмади-да, маданият нималигини билишмайди.

— Узр, папкам...

Бошлиқ кайфияти чоғ бўлгани учун бу гал ҳам ходимнинг гуноҳидан кечди, «олақол» дегандек имо қилди.

Рашид оёқ учида юриб бориб папкасини олганича орқасига чекиниб хонадан чиқди.

Редакцияга кела солиб, Комиловнинг адресини қидирди. Адреси йўғ-у, лекин телефон номери бор экан. У рақам терди.

— Лаббай? — малол келгандек эриниб сўради трубкадаги одам. Фақат ҳориб-чарчаган кимсанинг овози шу қадар заиф бўлиши мумкин.

— Квартирами бу?

— Қанақа квартира? — бирдан ўдағайлаб қичқирди трубкадаги одам, унинг кўрс, калондимоғ эканлиги шундоққина кўриниб турарди.

— Кечирасиз, мен қаёққа тушиб қолдим?

— Ўзингиз қаёққа телефон қиялпсиз? — трубкадаги одам жавоб эмас, савол беришни яхши кўрадиганлардан экан.

— Мен квартирага... ҳалиги...

Трубка «шарақ» этиб, қисқа гудок эшитила бошлади. Ана холос, бу ёғи қандоқ бўлди, Рашид иягини қашиганича бирпас гангиб ўтирди. Кейин у яна рақам терди. Трубкани бу гал ҳам бояги киши кўтарди.

— Эштаман.

— Кечирасиз, яна сизга тушиб қолдимми? Менга квартира деб шу номерни беришган эди, — шошиб қолди Рашид, — гап шундаки...

— Бу шаҳар ижроия комитети! — яна шарақ этказиб илиб қўйишди трубкани.

Рашид олдинига биров бошига гурзи билан ургандек сулайиб қолди. Сўнг миясида бир фикр яшиндек чақнади. Тўхта, Илёс қурмагур уйда телефон бўлмаса отасининг иш телефонини бериб кетгандир.

Рашид шартта трубкани кўтарди.

— Эштаман.

— Бу яна мен, илтимос, фақат трубкани илишга шошилманг. Менга квартира бўлими бошлиғи керак.

— Гапираверинг, мен квартира бўлимининг бошлиғи.

— Шундайми, — Рашид тутилиб қолди, — сизнинг Илёс деган ўғлингиз борми?

— Бор, — ҳадиксираб сўради трубкадаги одам, — нима эди?

— Бизга шу телефонни бериб кетган эканлар ўғлингиз. Мен телевидениедан гапиряпман.

— Ҳа, ҳа, сизларга шеър олиб борганидан хабарим бор, — бирдан юмшади трубкадаги овоз, — эштаман сизни?

Одамга ўхшаб гаплашишни ҳам биларкан-ку, дилидан ўтказди Рашид, — сал энгил торти.

— Бизга Илёсжон керагидилар.

— Яқинда янги жойга кўчиб ўтганмиз, афсуски ҳали уйда телефон йўқ. Кечқурун кўраман уни...

— Бўлмаса эртага бизга бир учраб кетсинлар, — Рашид ҳам аста-секин ҳалимга айлана бошлади, — гап шундаки... биз Илёсжоннинг шеърларини янаги ҳафтага планлаштирмоқчийдик.

Бу янгилик Илёсжоннинг дадасини шошириб қўймади, шундай бўлишини билгандек хотиржам қабул қилди Рашиднинг гапини.

— Раҳмат, шеърлари қалай, ёзса буладими ё бекорга вақтини ўтказмай қўяқолсинми?

Илёсжоннинг отаси суюниб кетмагани Рашидни ажаблантирди, у аранг эсини йиғиб фўлдиради:

— Ёзаверсинлар, ўзига хос услублари бор экан. Бошқалардан кескин фарқ қилади. Бу эса санъат асари учун энг асосий шарт, энг катта фазилат.

— Таназзулга учраган одамнинг ёзғиришларига ўхшаб кетмайдими шеърлари? — бу фикр Илёсжоннинг отасиники эмас, ё ўғлидан эшитган, ё китобдан ўқиган, бунга амин эди Рашид.

— Озгина бор таназзулга мойиллик, — деди Рашид, кейин ҳамсухбатидан қарз бўлиб қолмаслик учун ўз навбатида олифтагарчилик қилди, — бироқ поэзиянинг бағри кенг бўлгани маъқул. Башарти унда фақат чилдирманинг бака-банги билан карнайнинг ғат-ғути бўлса жуда қашшоқ бўлиб қолади. Шеърда най навоси-ю, танбур дарди, дутор шўхлиги-ю, сибизға мунги, ғижжак ноласи-ю, чанг шодиёнаси мужжасам бўлгандагина бизни ҳайратлантиради!

Қарши томон Рашиднинг шаршарадан қуйилиб тушаётган жим-жимадор нутқи гирдобига ғарқ бўлдими, тили калимага келмай қолди.

— Сизга ёққан бўлса хурсандман, лекин Илёс бошқа бормаيمان телевидениега, деб юрибди. Биринчи гал ҳам бизнинг қистовимиз билан зўрға борганди.

— Нега?

— Э, шунақа аломатроқ бола, — аниқ жавобдан қочди отаси. — Йўқлаганинлар яхши бўлди, ўзлари чақиришди, десам борса керак. Дарвоқе, бориб кимга учрасин?

— Менинг олдимга келаверсинлар, мен Сафаровман. Исмин Рашид. Мени биладилар, олдинги гал узоқ суҳбатлашгандик.

— Мен эса, Рашидхон, Комилов Собир Турсуновичман. Баҳона билан танишиб олганимиздан хурсандман. Агар Илёсжоннинг кейинги ижодий ишларига кўмаклашиб юборсанглар, беҳад миннатдор бўлардим.

— Албатта, қўлдан келганча ёрдам берамиз, — Рашиднинг хаёли оғиб қолди.

Боя бошлиқ телефонда сўзлашган Собир Турсунович шу экан-да. Ўғлининг шеърлари қачон кетишини эшитганда ортиқча қувонмаганининг сабаби энди аниқланди. Катталарнинг болалари қандай қилиб марказдан осонгина квартира оладилар, деб юрарди. Йўллари кўп экан.

Рашид трубкани қўйиб қаддини ростлади, кўкрагини олдинга чиқариб теварак атрофга гердайиб назар ташлади. Чакана эмассиз, шоввоз, бошлиқ гаплашган одам билан сиз ҳам худди тенгқурингиздек суҳбатлашдингиз, ташаккурини эшитдингиз. Шу кетишингиз бўлса, ажаб эмас яқин келажақда мартабангиз янада улуғ бўлса. Унда ҳамма имтиёзлар сизники, шаҳар марказида кетворган квартира, тоғ бағрида дала-ҳовли, машина, истаган озиқ-овқат топиладиган арзон-гаров махсус магазин, энг яхши касалхона, дорихона, санаторийлар... Чет эл саёхатлари-ку, текин — раҳбар бўлиб борилади.

Эшикда Йўлдош пайдо бўлди.

— Келинг, мулла Йўлдошвой, — очиқ чеҳра билан қарши олди уни Рашид, — хўш, нима ишларни қойил қиялпсиз?

— Ҳеч нарсани қойил қилаётганим йўқ, — деди Йўлдош.

— Ие, ие, бу қанақаси бўлди! Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, давлатнинг пулини бекорга оляпман, демоқчисиз?

— Шундай деса ҳам бўлади.

— Агар шундай ҳақгўилигингиз бўлмаганда...

— Аллақачон орқамга тўрттани тепиб ҳайдаб юборардингиз.

Рашид курси суянчиғига ўзини ташлаб қиқирлаб кулди.

Бошлиқ шунақа қуларди, Йўлдош буни пайқади. Кичик раҳбарлар ҳаммаси каттаконга тақлид қиларди.

— Хўш, келсинлар, ишдан бўшатиб, деб кирмагандирсиз олдимга?

— Аксинча, иш сўраб кирдим. Ғафур Ғуломнинг битта повестини олволиб телепостановка қилсак, деган ният бор.

— Телепостановка денг?

— Жуда зўр иш бўлади, менга ишонаверинг.

— Нега энди мен сизга ишоним керак экан, — ходимини эрмак қилиш унга лаззат бағишларди.

— Майнавозчилик қилмай одамнинг гапини сал диққат билан эшитинг, — Йўлдош ёлғондакам ўпкалади, — бир соатли чиройли постановка қиламиз. Бир ҳафтада ёзиб ташлаймиз.

— Бир ҳафтада ёзиб ташлаймиз? — Рашид ҳушёр тортди.

— Ҳа, мен олдин хомаки вариантини тўғрилаб келаман, кейин сиз устидан кўриб чиқасиз.

Энди Рашид жиддийлашди. У ҳар куни ҳар хил ҳужжатларга қўл қўяр, унинг

имзоси билан муаллифлар қанча-қанча пулни шилиб кетишарди. Нега ўзи қуруқ қолиши керак? Булоқ бошида туриб сувдан баҳраманд бўлмаслик ғирт аҳмоқлик-ку!

— Мен бунақа ишни қилиб кўрмаганман-да, — тан олди Рашид.

— Оригинал асар ёзиш қийин, тайёр нарсани қисқартириб, қолипга солиб бериш қўлимиздан келар.

— Чет авторларга заказ қилиш ўрнига ўзлари ишлашяпти, деган мижғов гап тарқамасмикин? — тусмоллаб сўради Рашид.

— Редакцияда олтмишу қирқ деган қоида бор. Ходимларнинг гонорари қирқ процентдан ошиб кетса, унда гап тегиши мумкин. Ваҳоланки, бизда бу кўрсаткич ҳеч қачон қирққа етмаган, — тилбийронлик қилди Йўлдош.

Рашид ўйланиб қолди. Унинг иккиланаётганини кўриб Йўлдош хуружни кучайтирди.

— Турғунали ҳеч ҳаққини қўймасди, ҳар ой отнинг калласидек қилиб гонорар ишларди. У сиз, сариқ чақа ҳам ишламайсиз. Ё пулингиз шунақа кўпми?

— Ачиб ётибди, ҳидига ухлалмайман.

Йўлдош шох ташлаб кулди. Йўқ, у Рашид ўйлаганича ювош, анойи эмас, анча ичидан пишган экан.

— Иннайкейин бошлиқларга ҳам қўлимиздан иш келишини кўрсатиб қўйган маъқул. Ижод одамнинг қотиб қолиши ёмон.

Кўринишидан мўмин-қобил Йўлдошнинг шу қадар шижоати Рашидни сал чўчитиб қўйди.

— Эшитганлар булар шерик бўлволиб редакцияни соғиб ичиб ётибди демасмикинлар, — сўнгги хасга осилиб кўрди Рашид.

— Планга тиқиб қўяверайлик, у ёғини яна кўрамиз. Зўр келса битта фамилия билан кифояланармиз. Бирга ёзганимиздан кейин кимнинг фамилияси остида кетишининг нима фарқи бор. Менга, мисол учун, шарт эмас, фамилиям бўлгани.

Йўлдош чиқиб кетганидан кейин қўлларини бир-бирига ишқаб, пулга муҳтожлик пайтида Йўлдошнинг таклифи айнаи муддао, деган фикрга борди.

Телефон жиринглади.

— Эшитаман, — деди Рашид трубкани кўтариб.

— Биз райкомдан гапиряпмиз, менга ўртоқ Сафаров керак эдилар, — трубкадан аёл кишининг овози эшитилди.

— Мен Сафаровман.

— Сизни соат бешга райкомнинг биринчи секретари ўз ҳузурларига таклиф этяптилар. Илтимос, кеч қолмасдан етиб келсангиз.

— Хўп бўлади, — деди Рашид ҳозиржавоблик билан.

Бу қандай кун ўзи, боя бошлиқ йўқлатган эди, энди райкомдан сўрашяпти. Нега чақиришаётган экан, зора уни яна бирон хурсандчилик кутаётган бўлса! Рашиднинг юрагида умид учқунлари порлади.

15

Рашид райком секретарининг қабулхонасига кириб борди, котобага ўзини танитди.

— Кутиб туринг, ҳозир бандлар, — деган жавоб олди.

Рашиддан ташқари яна учта одам навбат кутарди. У оёқ учида юриб бурчакдаги курсилардан бирига бориб ўтирди. Хонадаги муҳит оғир эди, асаблар таранг тортилган, бирор кимса қимирлашга журъат этмас, гўё ортиқча битта сўз оғзидан чиқиб кетса жавобгарликка тортиладигандек ҳамма сукут сақлашар эди.

Бундай жойларда бўлиб одатланмаган Рашиднинг юраги қиса бошлади. Ўрнидан туриб сигарет чеккани ташқарига йўналди.

— Кетманг, — машинкасида бошини кўтармай уни тўхтатди котоба, — чақириб қолишлари мумкин.

Рашид орқасига қайтди, жойига ўтириб ерга тикилди. Ёши ўтиброқ қолган, кўксига нишон таққан киши ёнидаги аёлдан шивирлаб бир нарса сўради, рангида қони йўқ қасалманд аёл шивирлаб жавоб қайтарди. Сержун, маймунсифат йигит йўғон бўйнини сиқиб турган галстугини сал бўшатди. Унинг қошлари бароқ, сочи алвасти, мўйлови қалин, қулоқлари, бўйнини жун қоплаган эди. Бой, лекин ифлосроқ кийинганди.

Остонада кўзойнакли ўрта яшар аёл пайдо бўлди, у сувда сузган ғоздек товущисиз қадам босиб котибага яқинлашди, мулоим овозда секретарнинг қабулига ёзилиш мумкинми, йўқлигини сўради.

— Фақат сешанба кунлари, — чўрт кесди котиба.

— Раҳмат, ташаккур, — кўзойнакли аёл қандай кирган бўлса, шундай товущисиз қадам босиб қабулхонани тарк этди.

Хонага яна жимлик чўкди. Рашид чуқур хўрсиниб юрагини бўшатди.

Эшик очилиб бошлиқнинг хонасидан бир қўлида чақалоқ, иккинчи қўли билан беш ёшлар чамасидаги боласини етаклаган жувон чиқиб келди, у шанғиллаб гапирарди:

— Эртага олтига боламнинг ҳаммасини олиб, мана шу қабулхонага кўчиб келаман. Менинг бир хонали квартирамдан бу ер минг марта яхшироқ. Токи, ишимни тўғрилаб бермагунча бир қадам силжимамайман.

Жувон ёрдам истаб ўтирганларга боқди. Аммо ҳеч кимдан садо чиқмади. Жувон шанғиллашда давом этиб чиқиб кетди.

Рашид билан сержун йигит баробар ўринларидан туришди.

— Сиз киринг, — деди котиба Рашидга.

— Қандай? Ахир бу йигит ҳозир келди-ку! — ғазаби қайнаб эътироз билдирди бақалоқ.

Рашид лип этиб ўзини бошлиқнинг хонасига урди. Тўрда, ҳашаматли стол қошида секретарь ўтирарди.

— Мен Сафаровман, чақиртирган экансиз, — деб улгурмаган ҳам эдики, орқасидан бояги йигит бостириб кирди.

— Ўртоқ биринчи секретарь, — деди акашакдек қалтираб, — бу нима деган гап!

Кетма-кет котиба пайдо бўлди.

— Чиқинг, сизга гапиряпман, ўртоқ, хонани бўшатинг!

— Ҳайдаманг, мен ҳам ҳамма қатори тенг ҳуқуқли совет гражданиман, — бўзариб кетди бақалоқ.

— Вера Антоновна, сиз бораверинг, биз ўзимиз келишволамиз, — деди секретарь ўта хотиржам овозда.

Котиба йигитга уккиқараш қилиб жанг майдонини тарк этди.

— Мени кечиринг-ку, ўртоқ биринчи секретарь, аммо шундай муқаддас даргоҳдаки тартиб бузилар экан...

— Утиринг, — совуққонлик билан курсига ишора қилди секретарь, таклифдан кўра кўпроқ буйруққа ўхшаган овозда, — мен бу ўртоқни ўзим чақиртирганман, сиз рўйхат бўйича киряпсиз.

— Балки шундайдир, лекин барибир навбат сақланмаса одамга алам қилар экан...

— Қаерга келганингизни биласизми?

— Биламан, домлажон, райкомга, — бирдан дами чиқиб кетган пуфакдек бужмайиб қолди пўкалак.

— Нима масалада келгандингиз?

— Мен ҳалиги... — кап-катта одам дарров ёш болага айланди.

— Олдин ўтириб олинг, — секретарь Рашидга мурожаат қилди, — сиз ҳам.

Улар ёнма-ён ўтиришди.

— Ана энди гапиринг, — деди секретарь. У тўладан келган лўппи юзи офтоб кўрмаган, кўзлари ҳорғин, ранги паст, хомсемиз киши эди.

— Мен, ўртоқ биринчи секретарь, арзимас илтимос билан келган эдим. Неча йиллардан бери дилимга бир орзу яшириб...

— Муддаога ўтаверинг.

— Муддао шуки, чет эл сафарига чиқиб келмоқчи эдим. Ишхонадан ҳужжатларни расмийлаштирдим, шунга райком муҳр босиб, тасдиқлаб бериши керак экан.

— Қайси мамлакатга бормоқчисиз?

— Швецияга, атиги ўн кунга.

— Капдаватлами? — секретарь сергак тортди, — қаерда ишлайсиз?

— Мен устаман, ўртоқ биринчи секретарь, сартарошхонага устаман, ўн яшарлигимдан. На фақат соч-соқол олиш, балки маникюр, прическа қилишлар

ҳам қўлимдан келади, — типирчилаб қолди жундор йигит, — падаримиз раҳматли ўз ҳунарини ўргатиб кетган.

— Путёвка қанча турар экан?

— Қиммат, домлажон, қиммат, — сартарош путёвканинг нарҳини айтди.

— Ҳа, жуда қиммат экан. Қайси даромадингизга борасиз чет элга?

— Бола-чақамизнинг ризқидан ўмариб амал-тақал қилдик. Кейин отам раҳматлидан бисёргина мерос қолган. Ула-ўлгунча еб ётсам етади, бовар қилинг гапимга.

— Олдин ҳам бўлганмисиз чет элларда?

— Йўқ, домлажон, асло бўлмаганман, чет элда қариндош-уруғларим ҳам йўқ. Мен ўзим отамдан якта фарзанд, хешу биродарлардан насиб этмаган.

— Бўпти, чет эл сафарига чиқадиган туристлар билан шуғулланувчи махсус комиссия бор, ўшанга учрайсиз.

— Биламан, домлажон, аммо комиссия ойига икки марта йиғилар экан, мен ҳужжатларни кечроқ топширибман, кечаги кенгашга улгуролмадим. Агар нариги душанбагача ҳужжатларим тайёр бўлмаса қолиб кетаман.

— Фамилиянгиз нима? — стол тагидаги тугмани босиб сўради секретарь.

— Симхоев.

Остонада котиба пайдо бўлди.

— Вера Антоновна, ўртоқ Симхоевни чоршанба кунига чет эл комиссияси қабулига ёзиб қўйинг.

— Ҳўп бўлади, Рафиқ Назарович.

— Хайр, домлажон, — Симхоев таъзим билан эшик томон йўналди. Вера Антоновна унинг чиқишини кутди, ортидан эшикни маҳкам ёпди.

Рафиқ Назарович сал юмшаб Рашидга нигоҳ ташлади.

— Ишлар қалай кетяпти телевидениеда?

— Эмон эмас.

Рафиқ Назарович столининг тортмасидан ён дафтарча олиб кўз югуртирди.

— Қанча бўлди ишлаётганингизга?

— Бир йилдан ошди. Етти ойдан бери бош редакторман.

— Партия аъзоси эмассиз-а?

— Йўқ.

— Қим уларга рухсат берди сизни бошлиқ қилиб тайинлашга?

— Қайдам.

Рашиднинг баданидан совуқ тер чиқиб кетганди. Биров устидан шикоят қилганмикин? Ё Қамариддин ака ўртада туриб шу лавозимга ўтирганини эшитишганмикин?

— Раҳбар лавозимга тайинланадиганлар албатта партия аъзоси бўлиши кераклигидан хабарингиз борми?

— Хабарим бор, — пичирлади Рашид.

— Хабарингиз бўлса партияга ўтиш керак, — бирдан илиқ гапирди Рафиқ Назарович. — Райком номидан кичкина совға берамиз сизга, — у столги тортмасидан партия Устави китобчасини чиқарди, саҳифаларни варақлаб қизил қалам билан битта жойига белги қўйди, — партияга кираётганимда менга худди шу саволни беришган эди. Мана ўттиз йилдан ошган бўлса-да, шу савол ҳалиям эсимда. Менга азиз-қадрдон бўлгани учунми, ўзим ҳам кираётганларга кўпинча шу саволни бераман.

Рафиқ Назарович қизил қалам билан белги қўйилган саҳифанинг учини букиб китобни ёпди, Рашидга узатди.

— Ёшлардан умидимиз катта!

— Раҳмат, Рафиқ Назарович, — деди Рашид хокисорлик билан ярим букилиб.

— Бўпти; йигит, омон бўлинг, — Рафиқ Назарович ўрнидан кўтарилиб Рашидга қўлини узатди, — Умархон акага биздан салом деб қўйинг.

Рашид миннатдорчилик билдирган кўйда секретарнинг қўлини қисди. Умархон ака... Бу даргоҳда ҳам унинг юзхотири бор экан-да...

қолди. Эру хотин галма-галдан гоҳ чақалоққа қарашар, гоҳ овқатга уннашарди. Матлуба хола янаям ўзини четга тортганди. Қайнона-келин муносабати илдай таранг тортилган, арзимаган ғиди-биди билан у чирт узилиб кетишини ҳар иккала тараф ҳам ҳис этиб турарди.

Бугун кўнгилсиз ҳодиса рўй берди: эрталаб, Рашид ишга кетганидан кейин, бирдан Яшнаржоннинг мазаси қочиб қолди. Фарида бошда эрига кўнғироқ қилди, ўзи аксига юради-да, Рашид мажлисга кириб кетган экан, жойидан тополмади. Кейин ўзининг уйи — ойиси билан боғланди. Шоиста опа ўша заҳоти йўлга чиқди. Фарида доктор чақирди. Ҳарҳолда, тажрибасиз ёш она, доктор келгунича чақалоқнинг тепасида йиғлаб ўтирди. Доктордан олдин Шоиста опа етиб келди. Матлуба хола у билан ҳовлида кўришди, аммо келинининг олдига кирмади.

Доктор келиб болани кўрди, шамоллабди деди, дори ёзиб бериб, жўнаб қолди. Шоиста опа рецептни олиб аптекадан дори келтириб берди, пешингача қизининг олдига ўтирди, кейин у ҳам кетди. Фарида яна кўнғироқ қилди эрига, чақалоқнинг тоби қочиб қолганини йиғлаб айтди, тез етиб келишини сўради. Аммо Рашид ишни ташлаб кетолмас эди.

— Узингни бос, ҳовлиққандан фойда йўқ, — деб хотинига тасалли берди у, — ҳамма болалар ҳам шунақа ётиб-туриб катта бўлади.

— Иситмаси тушмаяпти, ўттиз саккизу уч.

— Дори бeryапсанми?

— Ҳа, таъсир қилмаяпти, — ҳўнграб юборди Фарида.

— Бирдан таъсир қилмайди, сабр қил, сал вақт ўтсин, тузалади.

— Сизга овутиш бўлса! Шошилинч чора кўриб олдини олмаса, ўтказиб юбориш мумкин.

— Бўпти, сал вақтлироқ борарман. Соат учда янги тайёрлаган тележурналимизни бошлиқлар кўради, ўшандан кейин кетаман.

— Қанчагача чўзилади?

— Бир соату ўн минут. Кейин ярим соатча муҳокама бўлади.

— Хуллас, кеч қилиб келар экансиз-да! — ўшқириб берди Фарида.

— Воҳма бўлмагин, телефон қилиб тураман.

— Кераги йўқ, телефон ҳам қилманг, келманг ҳам. Сизга бола керакмиди, иш бўлса бас, — Фарида шарақлатиб трубкани илиб қўйди.

Кечга томон Яшнаржоннинг иситмаси тушди, йиғидан тўхтаб кўзини очди, онаси кўкрак тутган эди, эмди. Кейин ётқизган эди, дарров ухлаб қолди. Фарида енгил тортди, кўзи олдига олам ёруғлашди. Қорни очганини сезди, боланинг касали билан бўлиб эрталабдан бери туз татимаганини эслади. Рашид акасининг ҳам бекорга ўтакасини ёрди, бояқиш хавотирда ўтиргандир. Энди кечга битта овқат қилиш керак. У даҳмазаси камроқ деб жаркоп бошлади. Бир маҳал қараса, нон қолмабди. Пул олиб қайнонасининг олдига чиқди.

— Ойи, мен овқат қилаётган эдим, нонга чиқиб келмайсизми, — деди.

Матлуба хола келинига ёвқараш қилди.

— Эрталабдан бери қаёқда эдингиз, овқат бошлаганда нон эсингизга келади.

— Вой, кўрдингиз-ку, боламнинг тоби қочиб қолди.

— Болангизни тоби қочиб қолгани тушимга кирибдим, доктор келганида билдим. Ойингизни чақирасиз, шўтта туриб менга бир оғиз айтмайсиз.

— Қирсангиз кўрардингиз, ўзингиз ҳеч хабар олмайсиз-ку, боланинг аҳволидан. Ўз ёғимизда ўзимиз қовурилиб ётаверамиз.

— Чақирсангиз кираман-да, нима оёғим кўчада қолибдим мени, — гина аста-секин ўт олиб, адоватга айлана бошлади.

— Уй сизники, чақиршимни кутиб ўтирмай ўзингиз кираверишингиз мумкин. Набирасига сал бўлса ҳам меҳри бор одам таклиф кутиб ўтирмай ўзи хабар олади.

— Муштдек бўлиб менга ақл ўргатманг, ҳа, ҳали ёшсиз муаллимлик қилишга, — қалтираб кетди Матлуба хола.

Бир тарафнинг жаҳли чиқса, бу иккинчи тарафга ҳам юқади. Фарида ҳам асабийлаша бошлади.

— Сизга ақл ўргатиб зарур келгани йўқ. Шундоқ ҳам ўзингиз жуда

ақллисиз, ҳамма ишингиз режали. Чақалоқни боқиш бўйнингизга тушиб қолишидан кўрқиб бизникига қадам босмайсиз.

Матлуба хола гангиб бир дақиқа тўхтаб қолди.

— Сизни гапга бичган. Тухматми, бўҳтонми, одамнинг бошига ёғдира-верасиз.

— Одамни тухматчига чиқарманг. Мен тўғриси айтяпман, набирангиз ўлиб кетадими, йиғлаб бўғилиб қоладими, сизга барибир!

— Бўпти, мен ёмонман, сен яхшисан, қутулдимми энди? — бўғилиб қичқирди Матлуба хола, — сен ниманга мунча қутурасан, отангни бойлигимгами?

— Қутурган деб сизни айтади. Осмондасиз. Битта нон опкелиб беринг деганимга, бошимга не маломатларни соляпсиз.

— Опкелмайман, — қичқирди Матлуба хола, — иш қилдириб бир қошиқ овқатингни берадиган бўлсанг, бермай қўяқол!

— Овқатни рўкач қилманг. Мен сизни одамсиз деб ўйлаб ёрдам сўрагандим. Кўряпсиз, бир ёқда бола; бир ёқда овқат қилишим керак, қари одамнинг шунчалик инсофсиз бўлишини биринчи кўришим.

— Ўв, тилинг қирқилсин ўзингдан каттани ҳақорат қилмай! Онанг қатори одамман-а, мегажин!

— Қарғишингиз ўзингизга урсин!

Катталарнинг шовқинидан уйғониб чақалоқ биғиллаб йиғлай бошлади. Шу машмашанинг устига Рашид кириб келди.

— Боланга қара, овқатни ўзим қиларман, — деди Рашид.

— Олдин магазинга чиқиб келинг, уйда бир тишлам нон йўқ, — қовоқ-тумшуғи осилиб гапирди Фариди.

— Телефон қилмапсан-да олакелардим, — норозиланди Рашид.

— Бўпти, малол келса опкелманг! — бирдан портлаб кетди Фариди, — бу уйда ҳамма нарсани битта мен жувонмарг қилишим керак. Бошқалар ҳеч нарса емайди, ичмайди, бошқаларга ҳеч нарса керак эмас.

— Дарров тутатиб кетма, бормайман деяётганим йўқ-ку!

— Э мен шунақа ғалчаман, ҳеч нарсага тушунмайман. Ҳамма нарсани сизлар биласизлар! Қўлларингни совуқ сувга урсанглар осмон узилиб ерга тушади. Сизларга менга ўхшаган чўрилар ҳамма нарсани тайёрлаб бериши керак.

Рашид гапни айлантирмасдан ташқарига қочди. Ҳовлида, хотинининг таъналари етмагандек, онаси ҳам маломат тоши отди:

— Ҳой, бола, хотинингга айтиб қўй, бошимга бир муштлаб, бир коса овқатини берадиган бўлса бермай қўяқолсин. Миннатли ошнинг ичида тоши бўлади.

— Ким миннат қиляпти, ойи, уят эмасми овқатдан жанжал чиқаргани?! —

— Сен шунақа бошингга кўтараверсанг бундан баттар хор қилади.

— Э, қўйинг-э, ўзингиз ҳам қилдан қийиқ қидирадиган бўлиб кетибсиз, — Рашид кўчага отилди.

Бироқ кўчага чиқиши билан қадамни секинлатди. Қаёққа шошилади, яна ўша ғалвахонагами? Нон дўкони узоқ эмас, қанча имирсиламасин. барибир бирпасда бориб-қайтади.

У дўкондан нон харид қилгач, кўчада тўхтаб сигарет тутатди. Уйига етганида дарров ичкари киргани юраги бетламай эшик тагида яна битта сигарет чекди.

Ниҳоят мажбур бўлди ҳовлига киришга. Хотини бола эмизаётган экан, лип этиб ўзини ичкарига урди.

Аслида бурунги эркакларнинг билгани билган экан. Улар кечқурун ҳеч қачон хотин-халаж, бола-чақанинг ёнида ўтиришмаган. Чойхонага чиқиб аския, латифа айтишиб кўнгилхушлик қилишган. Ҳозирги эркаклар ҳаммаси уй қизи, остона ҳатлаб кўчага чиқишмайди.

— Ҳов, менга қаранг! — утилмаганда эшитилган чинқириқ уйга қадам қўйган Рашиднинг ўтакасани ёрворай деди. Югуриб хобхонага кирди. Хотини ҳамон бола эмизиб ўтирган экан, эрининг оёғи остига ҳўл латта ташлади.

— Мана буни чайиб, илиб қўйинг.

— Нимади бу? — дўқ аралаш сўради Рашид.

— Кўряпсиз-ку нималигини. Латта етказиб бўлмаяти, — деди Фаридда, — чайиб, илиб қўйинг, қуриб турсин, кечасига биттаям тозаси қолмади.

— Шунақа ишларни ўзинг қилсанг бўлмайдим, эркак одамга буюрмай! — иззат-нафси оғриб деди Рашид.

— Бўлмаса сиз болани эмизинг, мен чайиб қўяман! — ўшқириб берди Фаридда.

Рашид ювган кирини арқонга илиб ошхонага қайтди. Овқат тайёр бўлган эди. Хобхонага кириб хотинига юзланди:

— Овқат пишди, сузаверайми?

— Сузаверинг, онангизни ҳам чақиринг.

Рашид хотинига ўқрайиб тикилиб турди, сездики, агар ҳозир бир оғиз гапирса уриш чиқиб кетади. Аранг тилини тийди. Лекин ичида энди уйга сира вақтли қайтмасликка аҳд қилиб қўйди, қайнона-келин билганини қилсин, Рашиднинг эса бунақа хунобгарчиликка тоқати йўқ.

У овқатни сузиб меҳмонхонага олиб кирди. Бир кўнгли ҳеч кимни чақирмай овқатни ўзи еявермоқчи бўлди, кейин фикридан қайтди.

Уйнинг остонасига чиқиб:

— Ойи, овқатга келинг! — деб қичқирди, хобхона ёнидан ўтатуриб хотинига мурожаат этди, — сенга ҳам тегишли бу гап!

Ана шундан кейин ўтириб овқатни паққа тушира бошлади, на онасини, на хотинини кутди. Иззат шунчалик бўлади, индамаса жуда бошга чиқиб кетяпти иккови ҳам, эркак деб бундай ҳуркишни ёки ҳурмат қилишни билишмайди.

Матлуба хола овқатга келмади, Фаридда лаган яримлаганда пайдо бўлди, аммо инжимади, ўтириб бамайлихотир ея бошлади.

— Остонадан туриб айтганингиз учун келмадилар, албатта бориб чақиришингиз керак, — деди Фаридда эрига боқмай, — меҳмондан баттар ўзларини лаганга соладилар.

— Ўзи, ойимни чайнашдан бўлак ҳунаринг қолмапти.

— Мана шўтта набираларининг иситмаси қирқ бўлиб ётса ҳам кириб хабар олай демайдилар.

— Гийбатдан бошқа нарсани ҳам биласанми?! — хит бўлиб сўради Рашид.

Эри боғдан келса Фаридда тоғдан келди:

— Адамларга ҳам ҳайронман, валломатлар деб юрсам ўзимиз қатори эканлар.

Фариданинг нима сабабдан ўз отасини бехос айблаб бошлаганига тушунмади Рашид, лекин хотини нишонни ўзгартиргани ёмон бўлмади, ўз хешларини қанча сўкса сўкаверсин.

— Сенинг авлодинг ичида, — Рашид пайтдан фойдаланиб хотинини узиб олди, — ҳашакиси йўқ эди, шекилли.

Фаридда эрининг пичингини қулоғининг ёнидан ўтказиб юборди.

— Шу хотинга ишониб ўтирибдилар, боланга қараб катта қилиб беради, деб. Билмайдиларки, бу хотинга на бола, на набира керак.

— Ҳозиргина адангни ғажийётган эдинг, яна ойимга навбат келдимми?

— Ушанда пулларини аямасдан квартира ўлгурни олиб берганларида эди, шу азоблар бўлмас эди, — бу гал ҳам эрининг гапини эйтиборсиз қолдирди Фаридда, — ёш болани боқиш учун секциядан қулайроғи борми? Совуқ сув, иссиқ сув, пеш тушган кирни пеш ювиб, батареяларда қуритиб олавериш мумкин.

Фариданинг гапида мантиқ бор эди. Бечорага ҳақиқатда қийин. Онаси сира қарашмайди, қозон-товоқ, кир-чир, чақалоқ — ҳаммаси унинг бўйнида. Қиш бўлгани учун чақалоқнинг кирларини қуритиш керак. Гоҳилари Яшнаржон йиғласа туни билан мижжа қоқмай чиқади.

— Квартира бўлимида таниш орттирдим, деб чиранаётган эдингиз-ку, нима бўлди ўша?

— Уғли бир кўриниб гумдон бўлиб кетганди. Эртага келиши керак, отасига тайинладим, — деди Рашид. — Лекин барибир, бир марта телевизорга чиқарганимга дарров сенга квартира берармиди?!

— Нега бир марта чиқарасиз, кунда чиқаринг, ҳамма шоирларни тирақайлатиб қувиб юборинг-да, фақат ўшанинг ўғлини чиқараверинг. Телевизордан туширманг, токи отаси «бўлди бас, уйга ҳам борсин» деб ялиниб

келмагунича. Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда ўғлини экранга михлаб қўярдим, — хотинининг жаҳлдан ҳазилга ўтиб кетадиган одатини яхши кўрарди Рашид, аммо ўзи ҳозир ҳазилга мойил эмас эди.

— Барибир вақт ўтиши керак-да, сал синашта бўлмасдан қандай сўрайман?!

— Давлат квартираси керак эмас, ўша кооперативникини бенавбат тўғрилаб берса бўлди.

— Буни гаплашиш мумкин, лекин қайси пулга оласан?

— Топаман. Адамларни кўндираман. Арзанда ўғилларига фалон пулга янги «Волга» оберган одам, наҳотки қизларидан аясалар, — аламзада оҳангда гапирди Фарида, — машинасиз яшаш мумкин, лекин ёш бола билан мана бунақа шароитда...

Фариданинг хўрлиги келиб пиқиллаб йиғлаб юборди. Агар унинг аҳволини ҳозир адаси кўрганида албатта квартира олиб берарди, деб ўйлади Рашид.

— Майли гапириб кўр, берсалар берарлар, бўлмаса ўзимиз амал-тақал қилармик, — ғурур уйғонди Рашидда.

— Берадилар, — бирдан йиғидан тўхтаб қатъий ишонч билан уқтирди Фарида. У шунақа эди, узоқ кўзёши қилиб ўтирмасди, ҳаракатга тушиб ўз мақсади учун курашарди.

Унинг отасидан пул ундиришига Рашидда шубҳа қолмади.

Фарида туғуруқхонадан қайтганига бир ҳафтадан ошганига қарамай шу пайтгача эру хотин алоҳида ётишарди. Бу кеча Рашид хотини ёнига суқилди. Чақалоқ, сут ҳиди омухтасидан иборат аллақандай ёқимсиз ис димоғига урилди.

— Яқинлашманг, чақалоқнинг чилласи чиқмагунча мумкин эмас, — деди Фарида, эскича удумлар, иримларга риоя қилган ҳолда.

— Дарров мияннга эгрилик келади-я! — ўзини олижаноб кўрсатишга уринди Рашид.

Улар анчагача жим ётишди. Рашид қандай қилиб кўзи уйқуга кетганини билмай қолди... У биқинига ниқталган қаттиқ турткидан туйқус уйғониб кетди.

— Қандай бепарво отасиз, бола биғиллаб йиғлапти-ю, сиз уйқуни уриб ётибсиз. Бир оғиз нима бўлди, деб сўрашга арзимаёйсиз, — жиғибийрони чиқиб гапирди Фарида.

— Нима бўлди? — уйқуси тўла ўчмаган Рашид карахт бир аҳволда эди.

— Ёниб ётибди бола. Иситмасини ўлчашга кўрқяпман.

Рашид ётган жойида ёнбошлаб қўли билан ўғилчасининг пешонасини ушлаб кўрди.

— Иситмаси йўқ-ку, — деди.

— Қўлни куйдирипти-ю, иситмаси йўқ эмиш. Сизга одамни овутиш бўлса.

— Сенга ҳовлиқиш бўлса, — Рашид яна бир марта чақалоқнинг пешонасини ушлаб кўрди, ишонч билан таъкидлади, — ҳеч қанақа иситмаси йўқ.

— Вой, нега одамни уриб енгасиз, иситмаси бўлмаса йиғлайдимиз?

— Йўқ иситмаси, гаров ўйнайсанми, йўқ иситмаси.

— Бор! Уттиз тўққиздан кам эмас! — ўжарлик қилди Фарида. — Ҳузур-ҳаловатингизнинг бузилишидан кўрқиб шундай деяпсиз. Иситмаси борлигини тан олсангиз, қўлингиз узилиб тушади. Бу уйда на сизга, на онангизга бола керак, битта мен саргардон.

Фарида жаврашга тушиб кетди. Рашид ўрнидан туриб шкафни очди, пайпаслаб термометрни ахтара бошлади, тополмади.

— Термометр қаерда? — хотинидан сўрашга мажбур бўлди у.

— Чироқни ёқинг, кўрасиз. Столнинг устида турибди.

Рашид қоронғида туртиниб-суртиниб столга яқинлашди, яна пайпаслаб ҳеч нарса тополмади.

— Йўқ-ку столнинг устида.

— Чироқ ўлгурни ёқинг, кўрасиз-қўясиз, — хуноби ошиб кетди Фарида-нинг.

Рашид чироқни ёқди. Термометр қурмагур стол устидаги стаканнинг ичида «мана ман» деб турган экан. Олиб ўғлининг қўлтиғига авайлаб тиқиб қўйди. Ўринга чордона қуриб ўтирди, бурнини тортиб тўнғиллади:

— Мана кўрасан, мен ҳақ бўлиб чиқаман.

— А? — тушунмади Фарида.

— Иситмаси йўқ, мен ҳақ бўлиб чиқаман, баданини ушлаб кўрдим, совуқ.
— Соғ бола йиғламайди, бирор жойи оғриётгандирки, чидолмай чинқиряпти.

Шундан кейин эру хотин бирдан жимиб қолишди. Боланинг йиғиси ҳам таъсир қилмаётгандек иккалови безрайиб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди.

— Олаверайми? — сўради Рашид хотинига боқмай.

— Қайдам... Яна бир оз турсин.

Рашид тишини тишига қўйиб яна бир оз чидади, кейин термометрни олди.

Симоб устинига қаради-да, ғолибона тусда хотинига узатди.

— Сенга нима деган эдим, ўттиз олти-ю тўрт.

Фарида энгил тортди.

— Нега бўлмаса жағи тинмайди?

— Тағи ҳўл бўлгандир, — донолик қилди эр.

— Ун минут ҳам бўлмади ўзгартирганимга. Қўлга ёмон ўрганибди. Сиз уйқуни уриб ётдингиз, мен юриб чиқдим, ётқизишим билан худди биров бўғизлаётгандек чинқиради, — Фарида болани очиб кўрди. — Э, уятсиз, яна ҳўл қилибди тагини.

— Сенга нима деган эдим, — керилди Рашид димоғ билан, — одам деган унақа воҳма бўлмайди...

17

У ҳозиргина Ғуломжон Юсуфийни кузатиб қўйди. Достонини қолдириб кетди. Лекин нохуш хабар олиб келди. Дамир ишдан бўшабди. «Дамир сизнинг ўртоғингиз эканлигини яқинда билиб қолдим, — деди Ғуломжон ака, — аммо жуда юраги тоза йигит, қобилияти ҳам зўр, одамгарчилигини айтмайсизми, бировдан жонини ҳам аямайди. Лекин бир айби — эҳтиётни билмайди. Бўлмаса қанча насихат қилдим, қалтис кетма деб, йўқ қулоқ солмади. Қулоқ солмайди ҳам — хамиртуриши шунақа. Тузалмайдиганлардан у, умри азобда ўтадиганлардан. Энг қизиғи, ўзи шуни билади, лекин минг қийналса ҳам ўз билганидан қолмайди.»

— Нима сабаб бўлди ҳайдалишига? — сўради Рашид.

— Ҳайдалмади, ўзи кетди, аризасига биноан. Ишқал чиқишига битта мақола сабаб бўлди. Дамир обрўли раис ҳақида мақола ёзган. Лекин болаган, бутун кирдикорларини фош қилиб ташлаган. Раис қурмагурнинг бутун иши кўзбўямачилик экан, ҳамма қўсурини — риёкорлигини, қўшиб ёзишларини, маънавий бузуқлигини, порахўрлигини рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаган. Мақола редакторнинг қўлига тушади, қараса, раис республикага донғи кетган машҳур одамлардан. Бундай ишни бўйнига олишга журъати етмай катталарга телефон қилади, маслаҳат сўраб. Катталар мақолани ўқиб чиқишни ҳам лойиқ кўрмай тутақиб кетишади, машъалларимиз шаънига доғ туширишга йўл қўймаймиз, дейишади. Дунёнинг ишлари қизиқ-да. Бу гапни, Рашидхон, мен фақат сизга айтаман, ўзганинг қулоғига етмасин, редакторимиз ҳам анча туллак одам, пайтдан фойдаланиб раисга телефон қилган «ака, шунақа-шунақа, сизни расво қилиб ёзилган мақола бор эди, тўхтатиб қолдим» деб айтган. «Дарвоқе, битта мишиқи келиб ивирсиб юрувди колхозимизда» дейди раис ва эртасига совға-саломни қуюқ қилиб редакторга раҳмат айтиб кетади. Қарабсизки, бир ҳафтадан кейин газетада ўша раис ҳақида мақтовдан иборат баландпарвоз мақола эълон қилинади. Бу ноҳақликларни кўрган Дамир чидолмай редакторга ариза ёзиб кирган. Редактор ундан қутулиш имконияти туғилганидан хурсанд бўлиб шартта қўл қўйиб берган аризасига. Аммо Дамирга ачиняпман, дуруст йигит эди. Бир телефон қилиб кўнглини кўтариб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

— Албатта, албатта, — деди Рашид.

Ғуломжон ака чиқиб кетганидан кейин у ўйланиб қолди. Йўқ, Дамирнинг ишдан кетганига ачинмади, қайтанга қониққандек бўлди. Ужарларнинг адабини бериш керак, нима қилади ахлат титкилаб? Ақл-заковати бор одам эҳтиёт бўлиб иш тутайди! Йўқ, Дамирга телефон қилмайди, омадсизлардан нарироқ юргани маъқул, зеро учрашсанг ҳасратидан чанг чиқиб, ёрдам сўраши мумкин. Ҳозир эса Рашиднинг ташвиши ўзига етиб ортади, бировга ҳамдардлик билдириши шартми?! Аммо Рашиднинг бошига кулфат тушса Дамир учиб келарди. Буни

инкор этолмайди Рашид. Барибир телефон қилмайди, энди Дамир унинг тенги эмас! Дўстга садоқат-чи? Садоқат ҳамфикрларга нисбатан бўлиши керак! Шундай мулоҳазалар билан ўзига таскин берди Рашид.

У телефонда Мансурни ҳузурига чақирди. Ёлғиз қолса ўзини бекорчидек, оддий ходимдек сезарди. Мансур ўн минутлардан кейин шошмасдан кириб келди. Менсимаслигини намойиш этгандек, дарров келмаганига баҳона ҳам тўқимади, узр ҳам сўрамади. Саломлашиб, курсига астаниб ўтирди. Рашид унга Фуломжон ақанинг қўлэмасини тутқазди.

— Манави дostonни ўқиб чиқинг, кейин менга фикрингизни айтасиз.

— Балки олдин ўзингиз ўқиб чиқарсиз, ҳарҳолда у сизнинг авторингиз. Рашид портлаб кетишдан аранг ўзини тутиб қолди.

— Йўқ, олдин сиз ўқиб чиқасиз, — шарт кесди у.

— Менга ёқмаса-чи? — пинагини бузмай сўради Мансур.

— Унда ўзига айтасиз, ёқмади деб.

— Борди-ю сизга ёқса-чи? — илжайди Мансур.

— Менга ёққан тақдирда ҳам сизнинг фикрингиз ҳал қилувчи бўлади. Нега деганда сиз эски, тажрибали ходимсиз. Мен англишишим мумкин.

— Э қойил! — ҳиринглаб кулди Мансур, — бу ёғи тушунарли.

— Нимаси тушунарли?

— Гапни айланторманг, ҳаммаси шундоқ ҳам ойдин-ку.

— Йўқ, айтинг, нимаси тушунарли?

— Бўпти, ўқиб эгасига қайтариб бераман. Сиз оппоқ бўлиб қолаверасиз.

Рашиддан муздек тер чиқиб кетди. Мансур унинг режасини англабди. Хиёнат устида қўлга тушгандек ночор аҳволда қолди.

— Фуломжон ака аслида сизнинг авторингиз, мен уни яқинда таниганман, — танг аҳволдан қутулишга уриниб кўрди у, — иннайкейин, агар асар яхши бўлса берамиз, қайтариш шарт эмас.

— Асари менга маъқул бўладими, йўқми, барибир берганимиз дуруст.

— Нега? — таваккал қилди Рашид рақибининг гапни қаёққа бураётганини фаҳмлай олмай.

— Фуломжон ака бизнинг ҳақимизда, булар ишим битди, эшагим лойдан ўтди қабилида иш тутар эканлар, деб ўйламасин учун, — мийғида кулиб жавоб қилди Мансур, найзаси нишонга санчилди. Недурки, мукофотни шу одам сенга олиб берганини дарров унутдингми демоқчи-да, иблис. Рашид нафратдан кўкариб кетди. Жаҳл чиққанда эса ақл қочади.

— Ҳар хил ичиқораларнинг гапига қараб иш тутадиган бўлсак ютқизамиз. Бизнинг мезон — асарнинг бадиий савияси, сифати. Шунга қаттиқ амал қилиб ишни дўндираверамиз. Кўролмайдиганлар куйиб ўлсин.

— Ана бу гапингиз тўғри бўлди, — Мансур ён босишга мажбур бўлди, чунки қараса Рашид повиллаб ёниб кетяпти.

— Ростданми, наҳотки бизнинг тўғри иш қилишимизга кўзингиз етса, — ҳалиям аламидан чиқолмасди Рашид.

Мансур тантана қиларди, у мақсадига эришган, рақибига осонликча тузалмайдиган ниш урган эди. У мамнунлигини яширмай ўрнидан турди:

— Бизга бошқа топшириқ йўқми?

— Олдин шу топшириқни эплаб бир ёқли қилинг.

— Уриниб кўрамиз, — Мансур оёғини судраб босиб, хонадан чиқди.

Рашид бу кичкинагина даҳанаки жангда мағлуб бўлганига асло чидолмасди. Битта камчилигини ўзи яхши биларди, тортишувлар пайтида лов этиб ёнади, пис этиб ўчади. Ўзини идора қилолмайди, охиригача курашолмайди.

Душманга очиқ кураш эълон қилишга, росмана олишишга ирода ва куч керак. Рашид эса заифлик қилиб дарров муроса йўлини қидирар, нафратини ичига ютарди. Ва буни ўзи тушунарди. Лекин бу хусусиятини оқлашга ҳаракат қиларди. Одам уста ва муғамбир бўлиши, муроса билан ишни битириши керак, деб ҳисобларди. Бироқ муғамбирликни касб қилган бошлиқ албатта инқирозга учрашини билмасди. Раҳбар одам, иш юришсин деса, ҳалол ва тўғрисиўз, принципаал ва субутли бўлиши, фаолиятини ошкоралик ва адолатга қуриши лозим. Башарти айёрлик ё ёлғончилик қиладиган бўлса, ўзи тўқиган тўрга албатта ўзи илинади.

Эшиқда илжайиб Йўлдош пайдо бўлди.

— Рухсатми, олампаҳо? — Рашиднинг ўз ёғига қовурилиб ўтирганидан хабари йўқ Йўлдош ҳазиллашишга уринди.

— Йўқ, рухсат эмас, — дўқ аралаш жавоб қилди тумшайиб ўтирган Рашид. — Нима бу отхонами, хоҳлаган пайтларингда бостириб киравера-сизлар?!

Йўлдош остонада таққа тўхтаб қолди, Рашид атай юрагини бўшатиш учун бақираётганини ва бу қаҳр-ғазабнинг сабабчиси бошқа одам эканлигини англади.

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз нима мақсадда сизни безовта қилаётганимни айтардим, — бошлиқ томонга икки қадам қўйди у.

— Кераги йўқ, — ўшқирди Рашид. Раҳбарликнинг шуниси гашт-да, баъзан қўл остингдагилардан кимнидир истаганча хор қилиб хумордан чиқасан.

— Хўп, банди бечорангизни афв этасиз, — Йўлдош таъзим билан орқасига тисарилди.

Рашид одати бўйича дарров ҳовуридан тушди.

— Бўпти, гапиринг кирганингиздан кейин.

— Парткомдан телефон қилишди, индинга кечқурун соат бешда сиёсий ўқиш машғулоти ўтказиларкан, ҳамма редакторлар бўлиши шарт дейишди.

— Сиздан яхши гап чиқармиди?! — энсаси қотди Рашиднинг.

— Гоҳида чиқади. Набига телестановканинг хомаки вариантини берган-дим. Ўқибди, зўр деб мактаяпти. Бугун рухсат этсак, бугун қўйишга тайёр.

— Ҳовлиқмасин. Ҳали анча иши бор, яхшилаб сайқал бериш керак.

— Хафа бўлмасангиз яна бир дақиқа қимматли вақтингизни суиистеъмол қиламан, — бу расмий тилнинг замирида майнавозчилик ётарди, — боя эрталаб, летучкада эканингизда бир ўспирин келиб, шеърларини қолдириб кетди.

— Яхши, ўқиб чиқинглар. Ё бу редакцияда мендан бўлак саводли одам йўқми?

— Сиздан бўлак саводли одам йўқлиги ҳатто ўша ёш ўспиринга ҳам маълум экан, шеърларимни шахсан ўртоқ Сафаровга бериб қўйинг, деб тайинлади. Биз тасқараларнинг афти башарамизни кўрган одам ишониб шеърини ташлаб кетармиди? Айниқса, денг, ўспирин келганида Наби грим қилиб гўлоҳ қиёфасида ўтирган эди, — илжайди Йўлдош ва шеърларни узатди.

— Редакциями бу ё... — Рашид шеър остидаги фамилияни кўриб таққа тўхтади, — ўзи қани?

— Кетди. Бериб қўярсиз, деб ташлаб кетди.

— Нега қўйиб юбординглар, ҳозир чиқади, кутиб тур, демайсизларми? Ахир неча кундан бери қидираман бу одамни, — ана энди росмана аччиғланиб гапирди Рашид.

— Сизга кераклигини билмабмиз, бўлмаса томоғига сиртмоқ солиб бўлса ҳам олиб қолардик, — попуги пасайиб жавоб қилди Йўлдош.

— Биласизми бу ким? Илёс Комилов! — хитоб қилди Рашид.

— Янги чиққан даҳолардан бўлса керак-да? — «даҳо» сўзига урғу бериб гапирди Йўлдош.

— Киноянгиз ўринсиз, бу на фақат даҳо, балки авлиё, хизр, пайғамбар ҳам! Биз нотавонларнинг пушти паноҳи, суянган тоғи!

Йўлдош анграйиб қолди, Рашидни бу аҳволда сира кўрмаган эди у.

— Э, аттанг, кимлигини билганимизда ўзимизни оёқлари остига ташлаб, ковушининг чангини кўзимизга сурардик.

— Гуноҳингизни ювишнинг имконияти бор, — деди Рашид жиддий тортиб, — ҳозир программалар дирекциясига бориб янаги ўн кунликка ўша муқаддас зотнинг шеърларини киргазиб келинг, исми-шарифи билан.

— «Поэзия оқшоми» циклигами?

— Ҳа, албатта исми-шарифи ҳам кўрсатилсин. Бу менинг илтимосим эмас, каттаконнинг буйруғи.

— Унда оёғимни қўлимга олиб фармони олийни бажаришга югурдим.

— Югуринг!

Йўлдош кетгач, Рашид Илёснинг шеърларини синчиклаб ўқий бошлади. Шубҳасиз, йигитда қобилият, шеърларида ҳаяжон, дард бор. Уч-тўрттасини ажратди эфирдан беришга. Ҳар эҳтимолга қарши ажратган шеърларини

Йўлдош билан Лолахонга ҳам ўқитиб олишга қарор қилди. Қалтис асарларнинг масъулияти ёмон бўлади, битта одамнинг зиммасига юкланса кўтаролмаслиги мумкин. Шунинг учун ишни пухта қилиб редакторларнинг ҳам розилигини олиш керак. У телефонда Лолахонни чақирди. Лолахон ҳузурига қирганида бирдан бошқача йўл тутди. Илёснинг шеърларини унга берди.

— Мана шуни ўқиб чиқинг-да, уч-тўрттасини танлаб ажратинг. Илёс Комилов деган ёш, истеъдодли шоирнинг шеърлари. Ўқиб, ўзингиз ҳал қилаверинг. Менинг вақтим йўқ ўқигани, сиз нима десангиз шу.

— Хўп, ўқиб чиқаман, — деди Лолахон.

— Лекин шу бугун жавобини айтасиз.

— Майли, — сал ҳайрон бўлиб розилик билдирди Лолахон.

— Сиздан сир сақлаб нима қилдим, — Рашид овозини махфиёна пасайтирди, — орқаваротдан эшитишимга қараганда боланинг раисимизга танишлик жойи бор экан.

— О! — Лолахон кўзларини ўйнатиб шипга боқди, жилмайиб давом этди. — Бунақа экан, шеърлари аълолигини ўқимасданоқ айтишим мумкин.

— Йўқ, қунт билан ўқиб чиқинг. Раис раис-у, лекин жавобгарлиги барибир сизнинг бўйингизда бўлади. Иннайкейин ҳаммасини эфирга бериш шарт эмас, уч-тўрттача ажратсангиз кифоя. Танлаганларингизни мен ҳам албатта кўриб чиқаман.

— Яхши.

Рашид ўзидан мамнун эди, борган сари уста бўлиб кетяпти-да, бу ишни ҳам хаширдан қил суғургандек осон ҳал қилди, жавобгарлики Лолахоннинг зиммасига юклади. Ишқилиб, силлиқ ўтсин, борди-ю ишқал чиқса, шубҳасиз Рашид ҳам жазо тортади, аммо асосан шеърларни эфирга тайёрлаган редактор балога қолади. Одатда айб кичик лавозим эгаллаган одамга ағдарилади. Албатта, Рашиднинг бу ишни Лолахонга юклаши инсофдан эмас, лекин бунинг битта ютуқ томони ҳам бор, мабодо ишқал чиқса Лолахон осон қутулиб кетади, чунки биринчидан, аёл киши, иккинчидан, у шарттаки, керак бўлса бировга гап топиб бера олади.

— Менга қаранг, Лолахон, — кўзларини сузди Рашид, — нега кейинги пайтларда фақат йўқлатса кирасиз?

— Одам ийманар экан раҳбарнинг ҳузурига сабабсиз киришга.

— Наҳотки ҳеч қандай сабаб бўлмаса? — икки хил маъноли савол ташлади Рашид.

Лолахон «билмадим» дегандек елка қисди.

— Сиз кирмаган кунингиз, товба деб гапирай, ўзимни етимчадек ҳис этаман.

— Шунинг учун бизни ташлаб алоҳида хонага қочиб кетган экансиз-да, — кесатди Лолахон.

Рашид одати бўйича дарров таслим бўлди:

— Таънангиз ўринли, Лолахон, қочганим ўзимга ҳам таъсир қиляпти. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтишаркан, мана энди битта нигоҳингизга ташна бўлиб ўтирибман.

Лолахон индамади, у гўё Рашидни эшитмасди, аллақандай таҳликада эди. Унинг иккиланаётгани, ниманидир айтмоқчи-ю, журъат қилолмаётгани сезилиб турарди. Буни пайқаган Рашид унга кўмаклашди:

— Кўнглимга ғалати орзулар келади. Сиз малика бўлсангизу мен қулингизга айланиб, истақларингизни, фармонларингизни адо этиб юрсам.

Бу Лолахон учун туртки бўлди.

— Унда битта истагим амалга ошишига ёрдамлашворинг.

— Кошқийди, гапиринг!

Лолахон бир лаҳза сукут қилди, қизариб давом этди:

— Уч кунга Фаргонага бориб келмоқчи эдим, бирга ўқиган дугонамни кўриб келгани. Жуда кўп хат ёзади, уйига таклиф қилиб.

— Боринг, бемалол.

— Бир кунга, жумага рухсат берсангиз бўлди. Шанба, якшанба ўшатда бўлиб, душанбада қайтаман.

— Бир кун экан-у, индамасдан кетаверинг, ким билиб ўтирибди.

— Ҳа, ҳеч ким билмагани маъқул, — деди Лолахон ғалати овозда.

Фақат шундан кейин каллаварам Рашиднинг қулоғи диккайди.

— Хўжайинингиз билан борасизми?

— Йўқ, у кишининг вақтлари йўқ. Узинг бориб келақол, дедилар.

— Боринг, албатта боринг, — шошиб қолди Рашид, — дугонангиз Фарғонанинг ўзида турадимми?

— Йўқ, шундоқ биқинида. Бир кун уникида тураману кейин меҳмонхонага кўчаман. Минг қилса ҳам бировникида уч кун туриш ноқулай. Икки кун Фарғонани айланмоқчиман, жуда гўзал шаҳар, дейишади.

— Ҳа, жуда гўзал!

— Бўлганмисиз?

— Эшитганман, кўп эшитганман, кинода кўрганман. Шундай қилиб қачон бормоқчисиз, шу жумадами?

— Ҳа, шу жумада, — атайдан аниқ жавоб қилди Лолахон.

— Жуда яхши. Қайси меҳмонада тўхтайсиз?

— «Фарғона» деган асосий меҳмонхонаси бор, энг каттаси, ўша ерда тўхтайман.

— Жойлашишга қийналмасмикинсиз, бизнинг меҳмонхоналарда ўлақолса бўш ўрин бўлмайди-ку.

— Телевидениенинг гувоҳномаси билан бир амаллармиз, — деди Лолахон.

Ҳа, Лолахон бунақа ишларга эпчил, албатта амаллайди.

— Бўпти, яхши боринг. Аммо туя кўрдингми, йўқ. Бировга чурқ этган номард, — кулди Рашид.

— Келишдик, — Лолахон эшик томон йўналди.

— Ажаб эмас, шанба куни Фарғонада учрашиб қолсак, — Рашид ҳам ишни пишиқлаб олмоқчи бўлди.

Лолахон қаттиқ ажабланган одамдек қошларини кериб Рашидга қаради.

— Ҳазиллашяспсизми?

— Фарғонани мақтаб одамни қизиқтириб қўйдингиз. Самолётда қирқ минутли йўл экан. Борсам бориб қолавераман-да. Уладиган дунёда кўрганинг қолади, дейишади.

— Яхшилаб ўйлаб кўринг, тагин кеннойимдан балога қолиб ўтирманг! — Лолахон шитоб билан юриб чиқиб кетди.

У чиқиб кетиши билан Рашид ирғиб ўрнидан турди. Хонани уёғидан-буёғига юриб фикр қила бошлади. Лолахон ниҳоят бир қарорга келибди, демак, ораларидаги чучмал муносабат унинг ҳам жонига теккан. Аммо топган режасининг зўрлиги Рашидни қойил қолдирди. Бунақа масалаларда аёллар эркакларга нисбатан донороқ, топқирроқ бўлади, деб рост айтишар экан. Рашид минг йил ўйлаганда ҳам учрашишга бундай қулай шароит тополмасди. Ўзга шаҳар, ҳеч ким на уни, на сени танийди. Жой муаммоси ҳам йўқ, тайёр меҳмонхона. Э яшавор, доноларнинг доноси, лобарларнинг лобари — Лолахон!

18

Фарида башорат қилганидек, чақалоқнинг қадами қутлуғ келди, айниқса Рашид учун. Яшнаржоннинг туғилганига эртага саккиз ой бўлади, бу давр ичида қанча хайрли ишлар юз берди. Янги уйли бўлишди. Фарида отасини уч хонали квартира олиб беришга кўндирди. Квартиранинг марказдан бўлишига Илёсжоннинг отаси ёрдамлашворди. Дарвоқе, бир ҳафтадан ошди Илёсжон адабиёт редакциясида, Рашиднинг қўл остида ишляпти. Тақсимот пайтида телевидение талабномасига биноан, Рашидларнинг редакцияси ихтиёрига жўнатилди. Бўш ўрин йўқ эди, бошлиқлар аралашиб битта штат тўғрилаб беришди.

Яқинда, бир ярим ойча бурун, Рашиднинг Йўлдош билан тайёрлаган телепостановкаси эфир орқали кўрсатилди. Рашид синаб кўрмаган эди, бу жуда қувончли ҳодиса бўлар экан. Лекин кеча гонорарини олганда ўн ҳисса кўпроқ қувонди. Ҳа, пул ишлаб оёққа туриб олиш зарур.

Аммо Йўлдош билан ҳамкорликда ёзишга рози бўлиб чакки қилибди. Ҳар хил гап-сўзлар тарқади. Ундан ташқари, пул арра бўлди. Тайёр асарни

инсценировка қилишдан осон нарса йўқ экан, ўзи узоғи билан бир ҳафталик иш. Аммо Йўлдош ҳам анчагина писмиқ йигит чиқди. Тузоғига қандай илинганини билмай қолди Рашид. Пулга ўчлигини айтмайсизми, жиловлаб турмаса бутун борлиғи билан пул ишлашга шўнғиб кетадиган турқи бор.

Қайтанга Мансур анча ҳалол одам экан, пулга тузоқ қўймайди, олинг қудаберинг қуда қабилида иш тутиб танишларининг нарсасини ўтказишга уринмайди, яхшини яхши, ёмонни ёмон дейди, лаганбардорликни билмайди. У жой талашиб Рашидга ғайирлик қилмаган экан: Мансур бошлиқликни эплломайди, икки кунда раҳбарлар билан жиқиллашиб қолиб ҳайдалиши аниқ. Рашид бунни энди тушунди.

Одамларга бир кўрганда баҳо беришни билмаслиғига иқрор бўлди Рашид. Ишга янги келганида яхши кўринганлар пировард-оқибат ёмон бўлиб чиқди ва тескариси, шумшук кўринганлар бинойидек одамга айланди. Мана, мисол учун, Наби. Биринчи учрашганда ҳазилкаш, майнавоз одам бўлиб туюлганди. Аслида, шунақа ғайир: қачон қараманг, ҳамкасблари режиссёрларни ёмонлайди. Ё рақобат ижод ходимларига теккан касалмикин?

Фуломжон ака-ку, палаги айниган одам экан, ўта шилқим, ўта муттаҳам. Достонни ўтказди, шеърлари қарийб ҳар ойда берилиб туради, шунда ҳам тиниб-тинчимайди, тўймайди. Янгиларини тиқиштиргани-тиқиштирган.

Қамариддин ака ҳам бинойидек таъмагир чиқди, шу пайтгача ҳали уни, ҳали бунни баҳона қилиб Умархон акадан совға ундириб юради. Рашидларни ҳам тинч қўймайди. Бир марта катта илмий иш олиб келиб берди, Рашид Фарида билан икки ҳафта ўтириб, не азоблар билан таржима қилишди. Кейинги гал мақола ёздирди. Хуллас, маҳрига тушгандек аямай ишлатади.

Рашиднинг Қамариддин акани хушламай қўйганининг яна битта сабаби: биз одатда айбимизнинг, эгрилигимизнинг гувоҳи бўлган одамни ёмон кўрамыз. Гувоҳ йўқолса, пок кимсага айланамиз-да! Фуломжон ака ҳам худди шундай, Рашиднинг нопоклиги гувоҳи, гувоҳигина эмас, иштирокчиси... Умудан, бу ҳаёт қонуни. Биргаликда эгри иш қилган одамлар вақтинча иноқ бўладилар, лекин бир кунмас, бир кун албатта ўрталарида низо чиқади. Хайрли ишларгина одамларни абадий жипслаштиришга қодир!

Хўш, Лолахон? Олдин ҳурилиқо, хуштабиат, ҳамиятли бўлиб кўринганди. Вақт ўтиши билан ҳамма қатори аёлга айланди-қолди. Тўғри, бир неча бахтли ва қувончли дамлар ҳадея этди: Фарғонадаги икки кун — кайф ва ишратдан иборат ўша икки кун хотирадан ўчмайди. Лекин кейин аланга сўниб чўққа, чўғ эса аста-секин кулга айлана бошлади. Лолахон бўлса чўғни пуфлаб яна алангага айлантормоқчи бўлади, тушунмайдикки, хуфиёна муносабатлар ўзининг қисқалиги билан чиройли, тотли. Чўзилса меъдага уради, ишқал чиқади. Бунинг устига икковининг ҳам оиласи бор. Фариданинг қулоғига етиб қолса нима бўлади?!

Мана шунақа майда-чуйда дилсиёҳликларни ҳисобга олмаганда, Яшнаржоннинг қадами асосан қутлуғ келди. Бироқ Рашиднинг кўнглини ғаш қиладиган, хотирасига муҳрлаб қўйгандек кўз ўнгидан кетмайдиган бир мудҳиш манзара... Бу ҳовлидан кўчиб кетаётган куни содир бўлди. Баҳор ўрталаган, ҳовлидаги олча қийғос гуллаганди. Матлуба хола юкларни ташишга ёрдамлашмади, у худди нима бўлаётганига тушунмаётгандек оппоқ гуллаган олча тагида қўлларини осилтириб тураверди. Улар билан бирга кўчиб кетишга кўнмади ойиси, тўғри, Рашид қаттиқ зўрламади, лекин уч-тўрт марта олдидан ўтди. «Елғиз зерикасиз, барибир бу ерлар бузилади» деган важ-қарсон келтирди. Лекин Матлуба хола кўнмади, бузилмагунча туравераман деди. Булар ҳаммаси гап эди, айрилиқ жафоси қандай бўлишини она ва бола ўша кўчиб кетаётган куни билишди.

Рашид юкларини кўча эшиги ёнида турган машинага ортиб бўлиб онаси билан хайрлашгани ҳовлига кирди. Матлуба хола ҳамон иккала қўлини осилтириб оппоқ гуллаган олчанинг тагида турарди.

— Хўп, ойи, яхши қолинг, келиб хабар олиб турамыз. Ўзингиз ҳам бориб туринг, бошимиз кўкка етади, — ичи узилиб тушаётгандек бўлиб гапирди Рашид.

Овоз чиқариб жавоб беришга Матлуба холанинг мадори етмагандек бўлди. Унинг тақдирга тан берган маънос кўзларида қўрқув ва даҳшат акс этганди.

Уғлидан айрилиб қолаётган, жигарбандини сўнгги марта кўраётган онагина шунақа мўлтиллаб тикилиши мумкин. Рашид шошиб кўчага йўл олди. Эшикка етганда орқасига ўгирилиб қаради. Олча тагида худди олча гулидек оқариб турган онаси суратга ўхшарди. Мана шу манзарани унутолмасди Рашид. Янги кўчиб кетган пайтлари бир-икки бориб онасини кўриб турди. Аммо кейин ўзи билан ўралаша бошлади.

Кутилмаганда телефон жиринглаб Рашиднинг хаёлини бўлди. У Расуловнинг овозини дарров таниди. Рашид одати бўйича мулоим саломлашди. Расулов учраб кетишини илтимос қилди.

Рашид қўшни хонага чиқди.

— Мени шошилиң горкомга чақириб қолишди. Ўзимизнинг раҳбарлардан бирортаси сўраб қолса, ўшаққа кетди, деб кўярсизлар.

— Тинчликми, ишқилиб? — ғамхўрлик қилган бўлди Йўлдош.

— Ким билади, — сохта ташвиш билан жавоб берди Рашид, — маълум-ку, бошлиқлар ҳеч қачон мақтагани чақиршмайди. Ё койишади, ё танбех беришади, яллақаса йўл-йўриқ кўрсатишади...

— Ўзи паноҳида асрасин, — Йўлдошнинг лаганбардорлиги пардасиз эди, бу Рашиднинг ғашига тегди.

— Ҳарҳолда бу ер редакция, расмий тилда айтсак, идеология жабҳаси, шундоқ бўлгандан кейин сал оғизга қараб гапириш керак.

— Энди одам ўзи сезмагани ҳолда гоҳида оғзидан чиқиб кетади, — эзмаланди Йўлдош. — Атайдан эмас! Мени биласиз, аслида ғирт аннақаман...

— Қанақа? — сўради Рашид.

— Кофир, — луқма ташлади Мансур.

— Кофир хунук сўз, жуда бўлмаса даҳрий ё атеист денг, — Йўлдош унчамунчани ўзига юқтирмасди, ҳазилга бурди гапни, — юз, бет, рўй, башара, чеҳра, турк, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор, афт, сурат...

На Рашид, на бошқалар ҳеч нарсага тушунишмади.

— Тилга бойлигингизни намоиш қиялпсизми? — сўради Рашид.

— Эътибор берманглар менга, асабийлашсам сўзларга синоним қидираман...

— Ковбой! — унга имо қилиб деди Наби.

— Э,бу ўзи редакция эмас, майнавозхона экан, — Рашид қўл силтаб чиқиб кетди.

Расулов Рашид билан гапни чўзиб ўтирмай шартта муддаога ўтди:

— Гап бундай, оғайни, сизни ишга оладиган ният туғилди. Шунинг учун ҳужжатларни олиб келиб беринг. Сизга икки кун муҳлат...

Рашид дафъатан унинг олдида қандай истиқбол очилаётганини англамади.

— Ўзим телевидениега яқинда ўтган эдим, дарров яна жойимни ўзгартирсам қандай бўларкин? — чайналди у.

— Ҳеч ким сизни эртагаёқ ишга олмоқчи эмас. Минг чиғириқдан ўтасиз ҳали. Маъқул келсангиз ижроия комитетида ишлайсиз...

— Ишончингиз учун раҳмат, — ғўлдиради Рашид.

У қайтиб телевидениега келганида ўзини янги бир кўтарилиш кутаётганини ҳис этган, орадан атиги бир соатча ўтганига қарамай, энди бутунлай бошқа одамга айланганди. Унда ишонч, қудрат, ғурур пайдо бўлганди.

Редакцияга бир оз димоғ билан кириб борди, ё алҳазар, ходимларининг барчаси кўзига бирдан хокисор ва нотавон, фақир ва ғариб кўриниб кетди. Уларнинг қисматлари умр бўйи шу даргоҳда ўтириб, шу даргоҳда қариб-чириш!

Рашид ўрнига ўтиб ўтириши билан телефон жиринглади.

— Эшитаман, — зарда қилди Рашид трубкани кўтариб.

— Рашид ака, — Фариданинг овози йиғламсираб чиқди. У қачон қўнғироқ қилмасин, ҳеч тўғри гапирмайди, ё ҳовлиқади, ё эзилади, ё севинчдан қичқиради.

— Яна нима бўлди?

— Тез етиб келинг, эшак мия армияга кетаётган эмиш, — йиғламсираб турган одам бирдан шанғиллади.

— Нима деяпсан ўзинг, қанақа эшак мия?!

— Тўқликка шўхлик, деб шуни айтадилар-да! Уйда нима десалар муҳайё, тағларида машина, кийишлари фақат импортний нарсалар, еганлари фақат

сархил овқат, йўқ, шундай ҳаёт ҳам у кишига ёқмайди... Шунчалик ҳам ношукр банда бўладими?!

— Ким ахир? Кимни гапиряпсан?

— Кимни бўларди, Боситни! Эртага саҳарда армияга кетаётган эмиш, ўз хоҳиши билан.

— Хўш... мен қолишга кўндириб беришим керакми?

— Ол-а! У ҳаммани қўйиб сизга қулоқ солармиди?

— Бўлмаса нега тиғиз қиласан, тез етиб келинг, деб?

— Адам бир-иккита одам айтибдилар, қўй сўйишармиш...

— Майли, ҳамма эркакнинг бошида бор бу ташвиш, вақтида бориб-келгани ўзига яхши, — деди Рашид, — менга қара, ҳеч нарсадан хабаринг борми?

— Нимадан хабарим бўлиши керак? — Фарида бирдан ҳамма ташвишни унутиб, қизиқсиниб сўради.

— Эрингни кўтаришяпти, шаҳар ижроия комитетига ишга чақаришяпти.

— Нима?! — Фарида аллақандай фараҳли овозда қичқирди, — муборак бўлсин, табриклайман. Қачондан ўтасиз?

— Уйда гаплашармиз, — деди Рашид камтаринлик билан, — хўш, ҳозир боришим шартми адангникига, ишдан чиқиб борсам бўлмайдимми?

— Вой, куёв деган ҳамма билан баравар кириб боргани уялмайсизми? Бундоқ олдинроқ бориб юмушлари бўлса қарашворинг, меҳмонларни кутиб олинг. Шунча пайтда кунларига ярамасангиз, қачон ярайсиз?

— Хўп, ўтаман ярим соатлардан кейин.

Рашид трубкани илди. Уйланиб қолди. Босит аскарликдан қайтганида қанақа одам бўлар экан?!

19

У олдинига атак-чечак қилиб, вақт ўтган сари шахдам одимлаганга ўхшар эди. Унинг сўнги йирик ва забардаст қадами — у шаҳар ижроия комитетига ишга ўтгани бўлди.

Янги муассасанинг нафақат номи улуғ, бу ерда муҳит ҳам бутунлай бошқача — вазмин ва сипо эди. Ҳамма нарсада меъёр сақланади. Ҳатто аксириш, йўталиш ва ҳоказо физиологик нарсалар ҳам сал қаттиқроқ чиқса гуноҳ ҳисобланади.

Шу муассасага келди-ю, унинг эгни-бошига ҳам сон кириб қолди. Илгаригидек ола-чипор кийинишлар энди йўқ, қора костюм, оқ кўйлак, албатта галстук, кунда соқол олинади, бир пайтлардагидан кўпроқ атир сепилади.

Биринчи куни Рашид ишхонага ҳаммадан олдин борди. У ўтирадиган хона икки кишига мўлжалланган экан. Столлардан каттароғи бўлим бошлиғининг ўринбосариники эди, кичикроғи Рашидга тегди. Эшикка илиб қўйилган табличкада ҳам икки кишининг фамилияси — Тухфатуллин ва Очилов. Демак, Рашид ишдан кетган Очиловнинг ўрнига келибди, энди Сафаров деб ёзилади. Қани тезроқ ўша кун келса!

Тухфатуллин дегани кўп аломат одам экан. Саранжом-саришта, озода кийинади, тартиб-интизомни яхши кўради. Лекин юраги торроқ, тажангроқ, Рашид бирор нарсани дарров илиб ололмаса жиззакилик қилиб койиб берар эди. Яна бир айби, насихатчиरोқ эди.

— Муस्ताқил иш тутишни билмайдиган, бошлиқларнинг буюришини кутиб ўтирадиган беташаббус боқибеғамларга бизнинг идораларда ўрин бўлмаслиги керак! — деб қайтаришни ёқтирарди.

Тухфатуллин зиммасига юкланган вазифани ҳалол ўтар ва ўзини энг софдил, принципаал инсон ҳисобларди, бошқаларни эса камситиш одати бор эди.

— Қўли эгри бу ердагиларнинг, ҳаммаси олади, — деб қолди у бир куни Рашидга, — айниқса савдо, квартира бўлимида ишлайдиганлар итининг туваги олтиндан бўлиб кетган. Каттароқларга ҳам баъзан қистириб туришади.

— Наҳотки ҳамма олса? — Рашиднинг ишонгиси келмади.

— Балки менга ўхшаган пешкалар орасида уч-тўртта фаришта бордир. Лекин қолганлари ялмоғиз. Фарқи, бири камроқ олади, бири беш панжасини оғзига тикади.

Бу гап Рашидга эриш туюлди.

— Нега бўлмаса сиз ноҳақликларни кўра-била туриб индамайсиз, коммунист сифатида уларни фош этмайсиз?!

Тухфатуллин аламзада қаҳ-қаҳа урди.

— Эй, малай, жуда ғўр экансан ҳали! Қандай фош этаман, оғиз очишим билан гумдон қилиб юборадилар. Ҳа, қайтанга ёмон отлиқ бўлиб қолади киши, шаънимизга доғ туширмоқчи бўлди, деб ёт унсурга чиқариб қўядилар.

— Ҳаммамиз оғиз очгани кўрқиб юраверсак кундан кунга иш расво бўлиб кетаверади-ку, — Рашид ўзини илғор фикрли пок инсон қилиб кўрсатгиси келди.

— Йўқ, Рашид абзи, бундай давом этиши мумкин эмас, — ишонч билан деди Тухфатуллин. — Биз кўрқоқ бўлсак, бошқалар, мана сиз ёшлар чиқасизлар. Ҳақ қарор топади, адолат ва тартиб ўрнатилади. Чунки барибир жамиятимизда юлғичларга нисбатан ҳалол одамлар кўпроқ.

Биринчи куни Тухфатуллин Рашидни анча совуқ кутиб олганди. Лекин Рашид кўринишидан камсуқум, хушмуомала йигит. Унинг мулоийм-силлиқлиги Тухфатуллинни ҳам эритди, пешинга бормасдан апоқ-чапоқ бўлиб олишди. Овқатга ҳам бирга чиқишди.

Ошхона биринчи қаватда жойлашган экан. Кўркам, озода залда пайдо бўлган Рашид, гўё ҳамма унга қараб тургандек, ўзини ноқулай сезди. Катта залнинг ёнида чорсигина хона бор экан, бештагина стол қўйилган. У секин Тухфатуллинга яқинлашиб, қулоғига шивирлади:

— Сигбатулла Газизович, балки анави хонага ўтармиз, кичкинароқ экан, одам ҳам кам.

Тухфатуллин тентакларга қарагандек назар ташлади Рашидга:

— Ай малай, действительно ғўр экансан. У ерда катта бошлиқларимиз овқатланади. Биз пиёдаларга бу зал ажратилган.

Рашиднинг нафаси ичига тушиб кетди. Шундай оддий нарсанинг фарқига бормаганидан изза бўлди. Тухфатуллинга ҳамфикр бўлиб кўриниш учун норозиланди:

— Ахир шундай даргоҳда тенглик бўлмаса, одамлар эгаллаган лавозимига қараб табақаланса, унда оммадан нимани талаб қилиш мумкин?

— Ничево, ўрганиб кетасан, Рашид абий, мен ҳам биринчи келганимда хайрон қолганман, йўқ ҳозир гўё шундай бўлиши керакдек кўникаиб кетдим.

Хоналарига қайтгач, суҳбат эркинроқ тарзда давом этди.

— Сен, малай, ҳали ҳаммасини билмайсан, шундай ишлар бўладики, бу ерда, просто анекдот дейсан, — Тухфатуллин аламзада кулди. — Мисол учун бўлим бошлиқларига ҳафтасига икки марта гўшт берилади, бизларга бир марта. Хўш, ўзинг айт-чи, мен нега бошлиғимдан икки ҳисса кам гўшт истеъмол қилишим керак, тогда когда менинг семьям уникага нисбатан икки ҳисса каттароқ! Вот вопрос қаерда, тенглик йўқ. Бу нимага олиб келади, бу лаганбардорликнинг кучайишига олиб келади. Чунки қадр-қимматининг оёқости бўлишини ҳеч ким истамайди, обрўли лавозим эгаллаб бошқалар билан тенг бўлгиси келади. Шунинг учун бу даргоҳда барчанинг дарду фикри тепароққа ўрмалаш. Бизнинг ўз байрамимиз бор. Бу каттаконларимиздан бирортасининг вазифасидан озод этилган, ёхуд бошқа ишга ўтган куни. Нега десанг, шундагина пастдан юқорига силжиш бошланади, сен бўлим бошлиғи, мен секретарь, секретарь эса биринчи бўлиши мумкин... Бу ердагилар асосан шуни кутиб яшайдилар, шундан муҳимроқ, шундан каттароқ ташвишлари йўқ.

Рашид бундай қалтис гапларни айтиш уёқда турсин, ҳатто эшитишдан чўчирди.

— Менимча умумлаштириш керак эмас, бу ерда ҳам виждонли одамлар борлигига имоним комил.

— Учраб туради, — кулди Тухфатуллин, — Вот Очиллов дегани. Сенинг ўрнингда ишларди. Ейишди шўрликни, бир марта чиқиб танқид қилгани учун ишдан қувишди. Энди тавбасига таяниб кечирим сўрамагунча ишсиз юраверади. Ҳа, Рашид абий, биз одамларни ахта қилиб қўйишга устамиз. Инквизиция давридаги ваҳшийликлар ҳозир йўқ, маданият ўсган. Инсонга жисмоний азоб берилмайди, руҳан эзишади, эътибордан қолдириб мажрўх қилишади ёки ёмон отлиққа чиқариб, тирик мурдага айлантиришади.

Тўсатдан Рашиднинг миясига мудҳиш фикр келиб, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Нимага бу одам биринчи кундан бошлаб очиқгўйлик қияпти. Рашидни синаш учун атай қилаётган бўлмасин тагин? Балки бундай муассасаларда янги ходимларни шу тариқа синовдан ўтказишар? Балки бу шантаждир, авантюрадир? Рашиднинг юрагини минг хил шубҳа-гумонлар қоплади, бу номақбул суҳбатга чек қўйиш керак.

— Нима десангиз денгу, лекин бизнинг ҳаётимиз одил асосларга қурилган. Фақат лавозимдан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган баъзи қаллоблар тараққиётимизнинг илгари силжишини секинлаштиряптилар, холос.

— Баракалла, малай! — ўрнидан туриб кетди Тухфатуллин, — мен оптимистман. Соф коммунистлар қирилиб кетгани йўқ ҳали, улар барибир партия аъзоларидан кўпроқ. Ҳа, бизда коммунистлар бор-у, партия аъзолари бор, — Тухфатуллин бирдан тўхтади, аллақандай илиқлик, самимият билан, ҳовлиқмасдан, худди онт ичаётгандек деди. — Мен Владимир Ильични севаман, унинг иши учун, бу гапни партбилетни ўртага қўйиб айтишим мумкин, унинг иши учун бир секунд ўйлаб ўтирмай жонимни беришга тайёрман.

Тухфатуллиннинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Унинг сидқидилдан гапираётгани аниқ эди, кўзидаги ёш эса адолатсизликларга қарши курашолмаганидан, хўрлик ва аламдан.

Улар узоқ жим қолишди. Тухфатуллин биринчи кундан дарров юрак сирларини очгани, ҳасратлашгани Рашидга ёқди, айни пайтда шундай оғзибўш одам билан яқин бўлиши ўзи учун хавfli деб ўйлади. Ҳойнаҳой, Тухфатуллиннинг қандайлигини бу ердагилар билишади. Шундай одамга маслакдош бўлиб кўриниш яхшиликка олиб бормаса керак.

Рашид чўнтагидан сигарет чиқариб, Тухфатуллинга саволчан назар ташлади.

— Йўқ, малай, — бош чайқади Тухфатуллин, — бу хонада чекиш мумкин эмас, ҳатто бошлиқларимиз кириб қолса ҳам рухсат этмайман.

— Узр, — ўрнидан туриб ташқарига йўналди Рашид.

— Коридорнинг охирида махсус чекадиган хона бор.

Рашид, тушундим, дегандек бош ирғади. Шу пайт телефон жиринглади, трубкани Тухфатуллин кўтарди.

— Сизни сўрашяпти, — у трубкани Рашидга узатди.

— Мени? — ҳайрон бўлди Рашид, ким дарров унинг телефон номерини билақолдйкин, ҳали ўзи билмайди-ку. Ё Фаридамикин...

— Фамилиянгиз Сафаровми ахир?.. Демак сизни...

— Раҳмат, — Рашид трубкани олди, — эшитаман.

— Ассалому алайкум, эшон, қалайлар энди?

— Ваалайкум ассалом, кечирасиз...

— Янги лавозимлар муборак бўлсин, — трубкадан шодон овоз эшитилди.

— Кечирасиз, сизни танимайроқ турибман.

— Ие, ана холос, янги ишга ўтишингиз билан дарров кўзингизни шира босибди-да.

— Йўғе... биринчи кун бўлгани учун ҳали эс-ҳушимни йиғиб олганимча йўқ. Балки сизга бошқа одам керакдир, — деди — Рашид саросимага тушиб қолиб.

— Менга худди сиз, Рашид Шарипович керак.

— Эшитаман, хизмат? — асабийлаша бошлади Рашид.

— Сиз билан пича гаплашволмоқчи эдим.

— Балки, ўзингизни танитарсиз?

— Агар малол келмаса, эллик бешинчи хонага киринг, кўрасиз-қўясиз кимлигимни.

— Қанақа эллик бешинчи хона? — энди очиқ жаҳли чиқди Рашиднинг, ҳарҳолда бу ер юқори ташкилот, ҳазил-мазах кетмайди, — қаердан гапирясиз ўзи?

— Шу ердан, бир қават юқорига кўтарилсангиз эллик бешинчи хонани топасиз, — гапираётган одамнинг овози сал дағаллашди.

— Хўп, хўп, ҳозир чиқаман, — бирдан юмшади Рашид. Сигаретини қайтадан пачкага тикди, Тухфатуллинга ер тагидан назар ташлади. У бировнинг

ишига бурун суқадиган одати йўқ экан, худди Рашиднинг гапини эшитмагандек бамайлихотир ўтирарди.

Рашид эллик бешинчи хонанинг эшигига етганида бир лаҳзага иккиланди, балки бирорта бекорчи лақиллатмоқчи бўлгандир, лекин остонада узоқ туриш ноқулай эди, эшикни очиб секин ичкарига мўралади. Қай кўз билан кўрсинки, тўрдаги стол орқасида Эркин Бадриддинов ўтирарди. Уша — одамни худди мазах қилаётгандек мудом тиржайиб гаплашадиган, «Билим» жамиятида бирга ишлаган таниши!

— Кирсинлар, эшон, кирсинлар, — илжайиб қарши олди Рашидни Эркин Бадриддинов, — қадамларига ҳасанот!

— Ие, ассалому алайкум, ўзлари ҳам шўтта эканлар-да, уни қаранг-а, — ясама ширинзабонлик қилди Рашид ҳам.

— Қани, ўтирсинлар, — жой кўрсатди мезбон, кейин юзига керагидан ортиқча жиддий тус бериб сўради, — ишқилиб вақтлари борми, зарур ишлари бўлса белига тепмадимми?

— Йўғе, қандай зарур иш бўлиши мумкин, — ўнғайсизланди Рашид.

— Тўғрисини айтаверинг, муҳим давлат иши бўлса кейинчалик ҳам гаплашаверамиз, — гарчи ўта жиддий кўринишга ҳаракат қилса-да, Бадриддиновнинг саволида пичинг ва калака бор эди.

— Бу ташкилотда биз энг кичик одам, устига устак, янгимиз, бизда қандай зарур юмуш бўлиши мумкин? — деди Рашид.

— Энди ҳарҳолда олдингиздан ўтиб қўяй дедим-да, — ишшайди Бадриддинов. — Хўш, муборак бўлсин энди янги лавозимлар.

Рашид ташаккур дегандек қўлини кўксига қўйиб бош эгди. Бадриддиновнинг ҳамма қилиқлари носамимий эди, унинг бу носамимийлиги шу қадар кучли эдики, ҳамсуҳбатини ҳам ўзига ўхшашга мажбурларди. Одам ҳатто қандай қилиб унинг ноғорасига ўйнаётганини сезмай қоларди. Айниқса Рашид сингари характери юмшоқ кишилар ҳамсуҳбатига қараб мослашаверади, шаддот бўлса шаддотлигини юқтиради, қизиқчи бўлса ҳазил қилишга уринади.

Умуман бу одам билан сўзлашиш гоят мушукул бўлса ҳам Рашид янги жойда бегонасираётгани учун яхшими, ёмонми эски танишини учратганидан мамнун эди.

— Узлари ҳам ишни ўзгартириб юборган эканлар-да. Анча бўлдимми бу ерга ўтганингизга?

— Ҳа, анча бўлиб қолди, — аниқ жавобдан ўзини тийди Бадриддинов. У ҳеч қачон ҳеч кимга аниқ жавоб бермасди, доим ниқобда қолишни афзал кўрарди. Одамлар учун қанча кўпроқ сирли туюлсанг, улар шунча кўп сендан ҳайиқади, ҳурмат қилади, деб ҳисобларди Бадриддинов.

— Боя ошхонада кўргандим сизни, мукка тушиб олиб овқатнинг чангини чиқараётган экансиз, иштахангизни бузмай, деб ўзимни четга олақолдим.

— Жуда одамни очофатга чиқариб қўйдингиз-ку, — жилмайди Рашид.

— Асло, — кўзларини чақчайтирди Бадриддинов, — биров тамадди қилаётганда халақит беришни ёмон кўраман. Баъзилар бўлади, қўлингиздан қошиқни тортиб олиб саломлашади, узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўрайди.

Бадриддинов бу гапларни ҳойнаҳой бирорта календардан, «яхши хулқ» рубрикаси остида бериладиган насиҳатлардан ўқиган, деб ўйлаб қўйди Рашид.

— Ҳа, шунақа ҳафтафаҳмлар ҳам бўлади, лекин эски қадрдонлар билан учрашув нафақат иштаҳани очади, кайфиятни ҳам кўтаради, — ҳазиллашмоқчи бўлди Рашид. Лекин гапи сохта чиққанини ўзи ҳам сезди.

— Барибир жамоанинг олдида бундай қилиш одобдан эмас, — қуруқлашни жойига қўярди Бадриддинов.

— Эркин ака, сизларники қандай бўлим? — аввал «Билим» жамиятида ишлаганларида Рашид уни ака демасди, чунки ёшларидаги тафовут унча катта эмас. Лекин ҳозир Бадриддинов эски ходим ҳисобланарди. Хонадаги икки столдан каттароғини эгаллаб ўтирганидан лавозими ҳам юқорироқ бўлиши керак.

— Айтишга ҳам арзимамайди... Бизники матлубот бўлими, — атайдан бепарволик билан жавоб қилди Бадриддинов ва шу заҳоти мавзуни ўзгартириб истехзоли илжайди, — лекин бизнинг маҳкамада ишлашга розилик бериб тўғри қилибсиз.

Рашид унинг киноясига эътибор бермади, миясида бошқа фикр пайдо бўлди, филологик маълумоти бор одам савдо-сотиқда нима қилиб юрибди, аммо ёмон туллак-да, энг ёғли бўлими танлабди, тагин менсимай, айтишга арзимайди дегани ортиқча; Бу тескари мақтанишга киради — лавозим улуғланмайди, ёмонланади.

— Узим ҳам ҳайрон бўлдим, худди одам қуриб қолгандек, мени таклиф қилишганига, — суҳбатни давом эттирди Рашид.

Бадриддинов «шўринг қурсин сен соддани» дегандек камситганнамо назар ташлади Рашидга.

— Бу маҳкамага ҳеч ким ўзича, тасодифан келиб қолмайди, яхши таниш-билиш, кучли ҳомий бўлмаса тушингизда ҳам кўрмайсиз бу жойни.

— Лекин мен...

— Ҳовлиқманг, эшон, ҳовлиқманг, — масхарали кулди Бадриддинов, — Очиловнинг ўрни бўшаши билан эсимга келдингиз, дангал тавсия этиб юборавердик.

— Раҳмат ишончлари учун, — номига илтифот қилди Рашид, — яхшиликларини унутмаймиз.

Аммо Бадриддинов зийрак одам. Рашиднинг йўлига миннатдорчилик билдираётганини сезди, шу заҳоти кўзларини ғалати чақчайтириб, пинҳона овозда деди:

— Лекигин ҳамроҳингиздан эҳтиёт бўласиз.

— Тухфатуллинданми?

Бадриддинов «ҳа» дегандек бош силкиди.

— Очиловни ҳам бошини еган ўша. У бояқиш лақма одам эди, ким нима деса, шунақа экан, деб ўтираверарди. Тухфатуллиннинг гапига кириб расво бўлди.

— Менга ҳам ғалати туюлди.

— Э, ҳали билмайсиз унинг нағмаларини, ҳамма ишни бировнинг қўли билан қилади. Ўзи бутун дунёдан норози, битта у ҳақ, у ҳалол, қолганлар аблаҳ. Аммо илоннинг ёғини ялаган, ёмон айёр, одамларни бир-бирига гижгижлатиб қўяди-да, ўзи четга чиқиб тамоша қилиб тураверади.

— Наҳотки шунақалигини ҳеч ким билмаса?

— Ҳамма билади, лекин ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди, кўрқишади, негаки қонунни сув қилиб ичворган. Қолаверса иғвонинг уяси.

— Зап шерик орттирибман-да бирга ишлайдиган...

— Энди ҳамма умид сиздан, ўзингиз бир амаллаб думини тугворасиз!

— Мен?! Йўғе... — Рашид худди биров қўлига тўппонча бериб «Тухфатуллинни отасан» дегандек эси чиқиб кетди.

— Сиз унақа чўчиб кетманг, эшон, бугун шу ишни қиласиз демоқчимасмиз, оёққа туриб олганингиздан кейин қайтамиз бу масалага, — Бадриддинов яна мавзунини ўзгартирди, — аммо одамнинг совуқлигини оширадиган қуруқ насиҳат кўрсатувлар тайёрлайдиган телевидениедан қутулиб жуда тўғри қилибсиз, эшон.

Унинг овозида яна камситиш пайдо бўлди. Серкиноя Бадриддинов билан сўзлашиш азоб!

— Бўпти мен борай, шу ерда экансиз, жойроқ учрашамиз, — деди Рашид.

— Ишқилиб, анавиндан эҳтиёт бўлинг, — Бадриддинов бир кўзини қисиб қўйди.

Рашид нима билан шуғулланишни билмай, биринчи иш кунини аранг кеч қилди.

Еттига икки минут қолганда нарсаларини йиғиштириб, ўрнидан турди.

— Йўл бўлсин? — Тухфатуллин ажабланиб унга қаради.

— Қайтасакмикин дейман, ё сизнинг қиладиган ишларингиз борми?

— Ҳақиқатда содда экансан, малай! Бизда ёзилмаган қонун бор, токи бошлиқ шу ерда экан, кетишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Олдин биринчи кетади, кейин секретарлар, кейин бўлим бошлиқлари, охирида инструкторлар, — муаллимларга ўхшаб ўқидирди Тухфатуллин.

Рашид мактаб ўқувчисидек шу заҳоти жойига қайтиб ўтирди.

— Аммо эпчил ходим ишини ўз вақтида қилиб улгуриши керак. Уддасидан чиқолмай ишдан кейин қолдими, демак ношуд хизматчи. Мен бундайларни

эгаллайдиган лавозимидан ҳайдаган бўлардим. Аслида ишчан эмас улар, олифтагарчиликка ўтирадилар, давлатга шунақа зарур одаммиз демокчи бўладилар. Манманликка даъво бу!

— Қаёқдан биласизлар кетган-кетмаганини? — қизиқишини яширолмади Рашид.

— Эй, малай, малай, — Тухфатуллин яйраб кулди, аниқ жавобдан қочиб, пичинг қилди, — бу ўз-ўзидан маълум нарса. Биринчи кетса, худди офтоб чўккандек қоронғи тушиб, ҳаммаёқ зимистонга айланади.

Рашид ҳам жилмайди.

20

Бир ҳафтадан кейин Рашид телевидениега, ўзининг адабиёт редакциясига қўнғироқ қилди, трубкани Илёс олди, Рашид ўзини танитмай, бош редакторни сўради.

— Эшитаман сизни, — деди Илёс.

Рашид ҳангу манг бўлиб қолди. Энди ҳамма нарса ойдинлашди. Расуловнинг ҳомийлик қилгани Рашиднинг жойи керак бўлгани учун экан-да! Аслида меҳрибонлик Илёс Комиловга қаратилган экан-у, шолининг орқасидан курмак сув ичгандек, Рашид ҳам баҳраманд бўлиб қолибди. Тажрибали Мансур ҳам, Йўлдош ҳам, Лолахон ҳам қолиб кетиб, кеча институтни битирган йигит эгаллабди ўринни. Аммо Илёснинг адаси арқонни узун ташлайдиган ичидан пишган одам экан. Демак, Бадриддинов, сени мен тавсия этдим, деб опқочибди. Биринчи таклиф ўшандан чиқди дейиш учун атай уни аралаштиришган бўлиши ҳам мумкин.

Бадриддиновнинг қилган башорати тўғри чиқди. Вақт ўтган сайин Тухфатуллин Рашиднинг кўзига ёмон кўрина бошлади. У ўтакетган закунчи ва қитмир, сергап ва аламзада, серзарда ва тез одам эди Рашиднинг назарида. Бунинг устига, Рашид маълум муддат ишлаганидан кейин Тухфатуллиннинг ўрнини эгаллаши мумкинлигини тушунди. Тухфатуллинни раҳбарлар хуш кўришмас экан. У Рашиднинг йўлидаги энг катта ғов экан, демак, Рашид бу ғовни йўқ қилиш учун курашиши керак. Энди у анойи йигит эмас, қўл урган ишини амалга оширишга қурби етадиган бўлиб қолган.

Ишга келганига уч ойча бўлганидан кейин Рашид курашишга жазм эта бошлади. Тухфатуллиннинг оғзидан чиққан ҳар бир қалтис гапни қоғозга тушириб юрди, куни, соатигача аниқ ёзди. Олдинига нега шу ишни қилаётганига ўзи ҳам тушуниб етмади. Кейин бу қилғилигини асло жосусликка йўймади, аксинча, эгри ғояларни эътиборсиз қолдириш виждонсизлик бўларди, деб ҳисоблади.

Кунлардан бир куни у ташкилот раҳбарининг олдига кирди.

— Тухфатуллиннинг оғзидан чиққан ҳақорат ва тухматларини эшитиб индамасдан кетишга виждоним чидамади. Вақтингиз борида кўриб чиқарсиз, — деб неча ойлар мобайнида кунт билан қатралаб йиққан далилларни раҳбарнинг қўлига топширди.

Раҳбар чақимчиларни кўп учратган эканми, ҳайрон бўлмади, хотиржамлик билан конвертни олди.

— Боглабсиз, — деди ғалати овозда. Мақтадимми, койидимми, суюндимми, нафратландимми, Рашид ажратолмади.

— Сиз билиб қўйинг дедим, бошқа ниятим йўқ, — нима учундир ўзини оқлашга уринди Рашид, овози эса махфиёна чиқди.

Бу ишнинг хуфя бўлишини истарди у. Аммо бошлиқ ўзича йўл тутди. Икки кундан кейин умумий мажлисда Рашиднинг махфий хатини жамоага ўқиб эшиттирди. Тухфатуллинга ўхшаган оғзишалоқ, мажруҳ мафқурали ходимлар борлигидан ранжиди, унга нисбатан ташкилий чора кўрадиган пайт келганини айтиб, Рашид Сафаров сингари ҳушёр посбонлар эса ҳар қандай фисқу-фужурларни фош этишга кўмаклашишларини таъкидлади.

Мажлисдан Рашиднинг кўнгли тўлмади, аввало хатнинг ошкор қилингани, қолаверса, Рашидни мақташ ўрнига фисқу-фужур каби мужмал сўзлар ишлатилгани ёқмади.

Шу кундан бошлаб ишхонадагиларнинг Рашидга муносабати ўзгарди. Бир

қисми Рашиддан жирканишини очиқ намоён этса, бошқалари хавотирга тушди, бу одамдан ҳамма нарсани кутиш мумкин экан, деган қарорга келиб ичида нафратлана бошлади, яна бир қисми, ғаламиснинг адабини берди, деб хурсанд ҳам бўлди. Эркин Бадриддинов худди шу тоифага кирарди.

У Рашидни учратиб қўлини қисди.

— Табриклайман, — деди ишшайиб. — Энди Тухфатуллиннинг ҳайдалиши аниқ, далил билан қўлга тушди. Унинг ўрни ўзлариники.

Уша куни эса мажлисдан кейин Рашид зўрға кирди ўз хонасига, энг даҳшатлиси Тухфатуллин билан яккама-якка учрашиш эди. Бирдан у ўзгарди — териси қалинлашаётганини ўзи ҳам сезаётгандек бўлди, қийшиқ илжайиб жойига ўтирди.

Тухфатуллин ўта хотиржам эди, орқадан тушириладиган бундай зарбаларга ўрганиб кетган эканми, пинагини бузмади. Фақат кечга томон, иш тугаши олдидан Рашидга ачинганнамо назар ташлади, ўкинч тўла овозда деди:

— Шундай қилиб, малай, мен учратган одамларнинг ичида энг силлиғи сен экансан.

Рашид университетдаги ўзининг «сип-силлиқ» деган лақабини эслаб сесканиб тушди.

— Душманнинг ошкораси хавфли эмас, — давом этди Тухфатуллин, — писмиғи, тилёғламачилик либосини кийгани даҳшатли. Шу кетишинг бўлса, узоққа борасан. Лекин, малай, бир нарсани айтиб қўяй сенга, сотқинлик одам ўзини сотишидан бошланади, ҳа, аввал ўз виждонини, имонини, эътиқодини сотади, кейин бошқаларни. Сенга ачинаман, малай, негаки сен бу дунёдан ҳақиқий завқ, чинакам бахт нималигини билмай ўтасан. Умринг жонсаракликда, хавотирда кечади...

21

Тухфатуллин ўз аризасига кўра ишдан бўшади. Эртасидан унинг ўрнига Рашид тайинланди. Бадриддинов уни исканжага олди:

— Хўш, оши қачон?

— Ошдан қочиш йўқ, қўлга пул тушган куни ош-да, лекин ҳозирча қоқман, — мужмал жавоб қилди Рашид.

— Ростдан ҳам белингизнинг мазаси бўлмаса, майли, мен бериб тураман! Жой масаласидан ҳам хавотир олманг, битта антиқа чойхона бор, тўқайзорда! Одам ўтса оёғи, қуш учса қаноти куяди. Аммо иримини келтириб лавозимни ювмасангиз, ис чиқармасангиз, хосияти бўлмайди, — Бадриддинов канадек ёпишганди унга.

— Бир гап қилармиз, ювмасдан бўларканми.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Бадриддинов хонага яна кириб келди. Унинг оғзи қулоғида эди.

— Рашидбек, омадингиз бор экан, мушкулингиз осонлашди. Эски қадрдонлардан биттаси анчадан бери хиралик қилиб юрувди, бўш вақтингизни айтинг, ош ясаб, отамлашиб ўтирамыз, деб. Ҳозир телефон қилиб қолувди, бугун ўтирамыз, деб юбордим.

— Қандай бўларкин, мен танимасам...

— Таништириб қўяман, зўр ҳофиз, ашула ҳам қилиб беради. Узи сизда кичкина илтимоси ҳам бор экан.

— Майли-ю, оғир тушмасмикин.

— Б-э, у сиз билан мен маошга яшайдиган тентаклармиз. Уларни отарчи деб қўйибди, битта тўйга борса юзта паловнинг пулини топиб келади, — кулди Бадриддинов, — жуда қуруқ бўлмасин, десангиз яримта кўтариб борарсиз. Суюнсангиз-чи, баҳона билан ювишдан қутулиб оласиз. Оёқнинг тагидан чиқиб турган хазинани қўлдан чиқарманг! Иш тугашига беш минут қолганда эшик тагида кутаман сизни.

— Бўпти, — Бадриддиновга гап қайтаришнинг фойдаси йўқ эди, барибир айтганини қилдиради.

...Бунақа тўкин дастурхонни Рашид ҳатто шаҳарнинг энг катта бойваччасиникида ҳам кўрмаган эди. Хўл меванинг энг сархили, ичкиликни сув қилиб оқишиб ташлашган, газагига анор шарбати, пиёзи анзур. Ашулачининг исми

Нурали экан. Бармоғида тахминан уч минг турадиган узук, оғзи тўла тилла тиш, ўта хушмуомала, ёқимли жилмайиб гаплашади. Ёнида иккита югурдаги, иккалови ҳам қулдан баттар сертавозе, «чурқ» этиб оғиз очишмайди.

Ичдилар, едилар, ҳазил-мутойиба бўлди, бир жуфт қулинг ўргулсин ашула эшитдилар, кейин тарқалдилар. Югурдаклар «Москвич»да кетдилар. «Волга» — «ГАЗ-21»га Нурали, Бадриддинов, Рашид ўтиришди. Олдин Бадриддиновни элтиб қўйишди, кейин Рашидни.

Машинадан тушиш олдидан Рашиднинг эсига Бадриддиновнинг ишхонада гапирган гапи тушиб қолди.

— Нуралихон, ёдимдан кўтарилай дебди, боя ишхонада Эркин акангиз Нуралининг сизда кичкина илтимоси бор деганди.

Рулда ўтирган Нурали уялинқираб бошини эгди.

— Илтимос-ку бор-а, ҳозир мавриди эмасмикин девдим-да. Ўзим уйингизга алоҳида келмоқчидим маслаҳатлашгани, акахон.

Нурали шу қадар хокисорлик билан гапирдики, Рашиднинг унга ҳатто раҳми келди.

— Э, гапираверинг, тортинманг, агар қўлимиздан келса... Наҳотки ёрдам бермаймиз, — керилди Рашид.

— Рашидхон ака, мен алоҳида келаман, агар рози бўлсангиз. Кўп вақтингизни олмайман, — ҳали Рашид отарчиларнинг совунига кир ювмаган, уларнинг ҳйллаларидан беҳабар эди.

— Э, қачон келсангиз келаверинг, эшигимиз сизларга доим очиқ. Менга жуда ёқиб қолдингиз, улфат, ширинсухан йигит экансиз. Овозингиз ҳам зўр экан. Телевидениедагиларга айтаман, ижодингизга бағишлаб алоҳида концерт тайёрлашади! — чиранди Рашид, — келаверинг уйга, хоҳласангиз эртага келинг.

Нурали усталик билан пайтдан фойдаланиб қолди.

— Минг раҳмат! Рашидхон ака, бўлмаса эртага кечга томон ўтаман. Аммо жуда зукко одам экансиз, илтимосимни бир чеккаси телевидениеда чиқиш эканлигини ўзингиз топдингиз.

— Бу осон, бир оғиз сўзимиз, ҳа, ўзим ишлаганман у ерда, ҳаммаси таниш. Иннайкейин улар бевосита бизнинг қарамоғимизда, гапимизни иккита қилишмайди, — Рашид борган сари талтаярди.

— Хўп, акахон, катта раҳмат, — гапни қисқа қилди Нурали.

Рашид у билан оғиз-бурун ўпишиб хайрлашди.

Эртасига кечки соат тўққизларда Рашиднинг уйда эшик қўнғироғи жиринглади. Эшикни Рашиднинг ўзи очди. Остонада турган Нуралини кўриб олдинига сал ҳайрон бўлди, қаерда кўрганман бу йигитни, деб, кейин таниди, кечаги қилган шилқимликлари эсига тушиб ижирғаниб қўйди, ўлганининг кунидан «келинг» деди. Лекин эшикни тўсиб тураверди.

— Мен бир нафасгинага келдим, — уни рўйхўш бермасдан кутиб олишларини олдиндан билгандек эди Нурали, — шу ерда гаплашиб олсак ҳам бўлади.

— Остонада турасизми, киринг ичкарига, — ноилож совуққина таклиф қилди Рашид.

— Сизларни безовта қиламанми, Рашидхон ака, — деди Нурали, хижолатдан ерга кириб кетаётган одамнинг тусига киришга уриниб.

— Киринг, — дўқ аралаш буюрди Рашид, йўлакдаги қўшнилари бу одамни кўришларини истамасди у.

— Хўп, ака, — қўлини кўксига қўйди Нурали, — аммо вақтингизни кўп олмайман.

У зинага қўйиб қўйган катта картон коробкани кўтариб даҳлизга кирди.

— Нимади бу? — тергаш оҳангида сўради Рашид.

— Э, арзимаган нарса, — жилмайди Нурали, — ўзбекчилик дегандек, ҳеч қаерга қуруқ қўл билан кириб боролмайман.

— Йўк, йўк, бунақа қилиқ кетмайди, олиб кетасиз.

Даҳлизда Фарида пайдо бўлди, коробкага кўзининг қирини ташлаб, меҳмон билан илиқ сўрашди, ичкарига таклиф қилди. Хотинининг муомаласини кўриб Рашид ҳам сал юмшади.

Нурали ўзи айтганидек кўп ўтирмади. Нияти унвон олиш экан, шунга ёрдам

бериб юборишни Рашиддан илтимос қилиб келибди. Рашид на хўп, на йўқ деди. Йўқ деса кеча ваъдани катта қилиб юборганди, хўп деса қўлидан келармикин, унвон олиб бериш осон эмас.

— Уйлашиб кўрамиз, — мавхумроқ жавоб қилди у. Ўрнидан туриб ошхонага йўналди, Фарида эрини кўриши билан ҳовлиқиб сўради:

— Кимди бу?

— Чой қўйдингми?

— Дамляпман. Айтинг, ким бу?

— Нимаиди?

— Жинни эмасми?

— Нега унақа дейсан?

— Олиб келган нарсасини кўрдингизми?

— Қайтариб бериб юборамиз, — ўзига унча ишонқирамай эътироз билдирди Рашид, хотинининг олдида ўзини ҳалол кўрсатгиси келиб.

— Бекорларни бештасини ебсиз. Биринчидан, одобдан эмас уйингизга келган одамнинг кўнглини оғритиш. Узингиз ҳам бировникига қуруқ боролмайсиз-ку! Иннайкейин олдин кўринг олиб келган нарсасини...

— Нимайкан? — қизиқишини яшириш учун эснади Рашид.

— Биллур қандил, чехларники...

Рашид кўзларини бақрайтириб хотинига боқди.

— Нима?

— Бирам бежиримки, қараб тўймайсиз. Хўп, энди айтинг, ким ўзи?

— Ўша айтганинг, жинни. Чойинг қайнадими?

— Ҳозир дамлайман. Сиз бораверинг, ўзим опкириб бераман.

Рашид ўзидаги ўзгаришни меҳмонга билинтирмаслик учун юзига мунгли тус бериб хонага қайтди.

— Кеча сал оширворибмизми дейман-да... — Рашиднинг овози кўринишига қарама-қарши ўлароқ, шодон чиқди.

— Йўғе, жуда маромида бўлди, Рашидхон ака, ҳа, раҳмат сизларга шунчалик ҳурмат қилиб борганингларга, жуда чиройли ўтирдик.

Фарида бир қўлида чойнак, иккинчи қўлида бир ваза конфет кўтариб кирди.

— Ии, кеннойи, ҳеч нарсага овора бўлманг, мен ҳозир кетаман, — ёлборди Нурали.

— Вой, овораси бор эканми. Кўк чой дамладим-а, Рашид ака? — сағал карашма билан гапирди Фарида.

— Бўпти, яхши, — деди Рашид совуққонроқ овозда. Бизни холи қўй, деб тушунди буни Фарида. У гапни айлантормади чиқиб кетди. Рашид чойни қайтара бошлади.

— Энди унвон масаласига келсак бир иложини қилармиз. Ҳали ҳеч қанақаси йўқми ўзи?

— Йўқ, ҳали топ-тозамиз. Лекин сизга ўхшаган бир-иккита акахонлардан илтимос қилганмиз, ёрдам бериб юборишмоқчи.

— Бўпти, кўплашиб иложини қилармиз, — енгил тортди Рашид.

Нуралининг маккорлиги шунда эдики, бировларнинг кўзига жуда беозор ва тортинчоқ бўлиб кўрина оларди. Айниқса, Рашидга ўхшаганларни дарров лаққа туширарди. У кўп ўтирмади, бир пиёла чой ичиб ўрнидан турди. Рашид уни қолишга қистамади, фақат номига:

— Анави коробкани чакки қилибсиз, ҳалиям бўлса... — деб оғиз очганди.

— Илтимос, Рашидхон ака, мени хафа қилманг, — деб унинг сўзини бўлди Нурали, — пулга олибманми мен буни, биттаси берди. Сиздан яширадиган сирим йўқ. Ора-чира тўйларга бориб тураман, қариндош-уруғ, ёру биродар дегандек... Хўп, омон бўлинглар, — у таъзим ила эшикка йўналди.

Чиқиб кетиши билан эру хотин эшикни шартта қулфлаб, ўзларини коробканинг устига отишди. Қандилни чироққа тутиб томоша қилишди. Ҳақиқатда ноёб буюм экан.

— Магазинчимиз? Энди айтарсиз?

— Йўқ, — бош чайқади қандилдан кўзларини узмай Рашид, — отарчи!

— Отарчи бўлса ниманинг эвазига... — Фарида вақтида гапни буриб юборди, — сизга қандай иши тушиши мумкин?

Рашид ҳам шунга ҳайрон эди. Албатта совға бежиз эмас. Бирон унвонга тавсия этиш Рашиднинг қўлидан келмайди, буни отарчилар тушунади. Гап бошқа ёқда бўлиши керак. Бадриддинов Рашидни ишга жойлаштирган Расулов эканлигини билади. Расулов эса ҳар хил унвонларга номзодлар кўрсатишга алоқаси бор маданият бўлимида ишлайди. Ўзлари Расуловга гапиролмайдилар, демак Рашид орқали Расуловга таъсир кўрсатишмоқчи. Оббо туллаклар-ей! Кейинги гал учрашганларида дардларини айтишади, Рашид йўқ деёлмайди, Расуловдан илтимос қилишни бўйнига олади, чунки еган оғиз уялади, битта қандил деб асосий оғирлик унга тушади. Ютганда, ўртада турган устомон Бадриддинов ютади. У йиллар давомида отарчиларни сигир қилиб соғиб ичади, зулукдек қонларини сўриб суробини тўғрилайди.

— Гапиринг, нега нафасингиз ичингизга тушиб кетди?

— Ақлинг етмайдиган ишларга аралашиб нима қиласан? — сирни ошкор қилишдан бош тортди Рашид.

Шу пайт эшик кўнғироғи жириглади. Эру хотин шошиб қандилни жойига солишди. Фарида эшикни очди. Остонада Умархон ака турарди.

— Вой, ассалому алайкум, ада! Келинг. Нечук? — ҳам суюниб, ҳам бир оз ажабланиб қарши олди адасини Фарида.

— Йўлим шу ёққа тушганди, кириб сизларни кўриб кетай дедим, — аниқ жавоб бермади Умархон ака. Рашид куёвларга хос камоли эҳтиром билан қўл бериб сўрашди, иззатини жойига қўйиб ичкарига таклиф этди.

Фарида отасининг эътирозига қарамай овқатга уннаб кетди. Хонада қайнота-куёв ёлғиз қолишди.

— Рашидхон, фақат менинг гапларимни насихат деб қабул этмайсиз, чунки бировга насихат қиладиган одам ўзини ундан ақллироқ ҳисоблайди. Биз фақат сиздан бир-иккита кўйлакни ортиқроқ йиртганмиз, тажрибамиз кўпроқ.

— Бемалол, бемалол, — бош эгди Рашид. Олдинлари қайнотаси у билан худди ёш боладек гаплашарди, энди, ижрокомга ўтганидан кейин ўз тенгидек кўрадиган бўлди, ҳурмати ошди. Бу ҳол, табиийки Рашиднинг иззатнафсини ёқимли қитиқларди.

— Ишингиз нозик, ҳар бир қадамни ўйлаб босишингиз керак. Бизнинг мақсадимиз сизга гард юқтирмаслик.

— Раҳмат, бунга шубҳам йўқ.

— Гап шундаки, Яшнаржон ҳам атак-чечак қиладиган бўлиб қолди. Боланинг эси кирди-чиқди пайтида қўлини ҳалоллаб олган маъқул.

— Албатта. Лекин бизнинг ҳозир тўй қиладиган ҳолимиз йўқ. Тайёргарлик кўрмасдан, озгина жамғарма орттирмасдан осон эмас, — чайналди Рашид.

— Тўғри-ю, лекин кўрпага қараб оёқ узатилса ўтади-кетди. Энди агар хафа бўлмасангиз, шу борада битта маслаҳат бор.

— Бош устига.

— Тўйни бу ерда, секцияда қилишга қийналасизлар, тор жойлар, бизники ҳар ҳолда ҳовли, хўп десанглар ўша ерда ўтказардик. Иннайкейин, бизлар одми одамимиз, бизга гап тегмайди.

— Ўзингларнинг ташвишинглар кўп, оғирлик қилмасмикин, — Рашид гарчанд қувониб кетган бўлса ҳам андишага бориб ҳаяжонини яширди.

— Оғирлик қилмайди, чунки катта кетмаймиз. Эрталаб қирқ-эллик килоча гурунч дамлаймиз, кечқурун кичкина зиёфат берамиз. Шу, холос.

Рашид яйраб кетди, тўй ҳам текинга тушадиган бўлди. Жуда фаросатли одам-да қайнотаси! Майли, қилса ўз набирасига қилади.

Умархон ака қизи билан куёвининг қисташига қарамай кўп ўтирмади. У хайрлашиш олдидан яна бир хушхабар айтди Рашидга:

— Утган куни нозик бир одамнинг уйида бошлиғингиз билан ўтиришиб қолдик. Сизнинг ҳақингизда яхши фикрда экан. Номзодингизни янада юқори бир жойга тавсия қилиб юборибди, яқин орада ҳал бўлиб қолади, деди. Шундоқ бўлгандан кейин бу ёғини сусайтирманг.

— Раҳмат, ада, раҳмат, келиб туринг, — Рашид ўзи пайқамагани ҳолда биринчи марта қайнотасини ада деб атади. Отадан вақтли етим қолгани учун «ада» деган сўзни айтолмай юрарди.

У қайнотасини кузатиб уйига қайтар экан кайфияти зўрайиб, кучига куч қўшилгандек бўлди, зиналардан енгил сакраб тепага кўтарилди.

У зиналардан енгил кўтарилди... мартабаси ҳам, даражаси ҳам ой сайин, кун сайин кўтарилаверди. Ҳа, у қисматидан сира ҳам норози эмас, ҳамма нарсага — мансабга, обрўга, мавқега осон эришди, йўли равон ва силлиқ бўлди. Қарийб йигирма беш йил ташвиш нималигини билмай яшади. Ҳамма нарса фақат сўнги уч йилда чаппасидан кетди...

Йўл қия бўлгани сабабли машина ҳайдовчидан ортиқча ҳаракат талаб қилмай кўлда сузаётган оққушдек силлиқ елиб борарди. Рулда ўтирган Рашид олд ойна тепасига илиғлиқ кўзгуга қаради, ўз аксини кўриб, юраги эзилиб кетди. Кўзгудан юзи сўлғин, сочи тугул қошигача оқ оралаган, бақбақаси шалвираб қолган, кўзлари ҳорғин, пешонасини қалин ажин қоплаган киши унга қараб турарди. Бу кимса бир пайтлар омади кулган, толеи баланд Рашид Шариповичга сира ўхшамасди.

Сўнги уч йил Рашид Шариповични шу кўйга солди. Алғов-далғов бошланди, турғунлик муҳитида сиртмоққа олинган илғор кучлар жунбушга келди, тўралик, порахўрлик, юлғичлик, лаганбардорлик, қўшиб ёзишлар фош этилди. Худбин мансабпарастлар, қандай катта гуноҳ қилмасин сувдан қуруқ чиқадиган, жазо нималигини билмайдиган жиноятчилар ниҳоят жавобгарликка тортилди, минглаб раҳбарлар, партия ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик мутасаддилари қаллоб ва ўғри эканликлари аниқланди. Конституцияда битилган ҳуқуқлар, унутилиб кетган ҳақиқатлар рўёбга чиқа бошлади, қулга айланаёзган халқ қаддини ростлаб мамлакатнинг хўжайини эканлигини эслай бошлади. Шахснинг эркинлиги ортди, демократия кучайди, ҳар ишда, ҳар жабҳада ошкоралик эълон қилинди. Хуллас, шифобахш тўлқин кўтарилиб хас-чўпларни супуриб ташлай бошлади. Қайта қуриш, жадаллаштириш каби янги чақириқлар пайдо бўлди.

Ҳақиқат ва адолатнинг қисмати шунақа, асрлар давомида чанг-тўзонлар, бўронлар, тўфонлар, довуллар, қуюнлар ёпирилади уларга, гирдоб ўз қаърига ютиб юбормоқчи бўлади, қора булутлар исканжага олиб вақтинча нурини хиралаштиради. Фақат вақтинча. Зеро ҳақиқат ва адолатни на сувга чўктириб, на оловда ёндириб бўлади. У бамисоли куёш, ҳеч қачон сўнмайди.

Йўқ, Рашид Шарипович ўзгаришларнинг гаштини сурмасди, завқини тотмасди. Ҳамма нарса тўғри бўлаётганини, қайта қуриш зарурлигини тушунарди, аммо қувонмасди, қувонолмасди. Урганиб қолганди илгариги услубга, илгариги муҳитга!.. Узида бурилиш яшаш осон эмас эди. Ниҳол бўлсаки, эгган томонга қараб ўсиб кетаверса, ёши элликдан ошиб қолди, энди букилиши қийин, қотиб қолган суяклари синиб кетиши мумкин. Аммо букилиши керак, ўзидан худбинлик, тўралик, бефарқликни ситиб чиқариши, фароғатда мудраб ҳаёт кечирishiни тугатиши керак. Бироқ ич-ичида яна ўша ҳузур-ҳаловатли даврни кўмсарди. Зап замонлар эди-да, ҳар ким билганини қиларди, эпласанг қандингни ур, тариқасида иш тутарди.

Тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, масъулиятни сезиш кишидан куч ва ғайрат, виждон ва номус билан меҳнат қилишни талаб этади.

Рашид Шарипович кескин тормоз берди, хаёлга берилиб олдидаги машина тўхтаганини сезмабди. У деразадан бошини чиқариб йўлга қаради. Ўттизга яқин машина йиғилиб қолибди. Мана шу жойни ёмон кўрарди у, қачон қарасанг машиналар тирбанд... Бу ерда автомагистрални темир йўл кесиб ўтарди, иккала йўл ҳам серкатнов эди ва буни ҳамма биларди. Наҳотки осма кўприк қуриб қўйиш мумкин эмас. Ахир қанча вақт тежалади.

Қайта қуриш, жадаллаштириш дейишади, лекин мана бунақа тўғонлар ҳали кўп, бундан кейин ҳам бўлаверади, буларни бир ёқлик қилгунча... Эҳ-ҳе... неча ўн йиллар керак.

Рашид Шарипович тушкунлик кайфиятидаги шахсларга мансуб эди. Қайта қуришнинг куртакларини, жадаллаштиришнинг нишона ҳосилини кўришни истамасди. Ҳолбуки катта министрликни бошқарарди, ҳар мажлисда сўзга чиқиб ходимларни қайта қуришни ўзларидан бошлашга, жадаллаштиришга улкан ҳисса қўшишга чақирарди.

Умуман, ҳозир Дамирлар, Тухфатуллинлар даври. Дамир шаҳар газетасига бош муҳаррир қилиб тайинланди, Тухфатуллин халқ контролида ишлайди. Давр

кишиси бўлмоқчи экансан, мана шулар билан баробар одимлаш керак.

Мана бугун, тоғ сайрига чиқиш баҳонаси билан Рашид ёлғиз қолди ва бутун ҳаёти кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Талай қусурларни кўрди, агар қайта яшаш имконияти бўлганида уларни такрорламасди. Дарвоқе, агар мард бўлсанг, қандай хатолар қилганингни санаб чиқ. Жуда бўлмаса ўзинг уларга очик иқроп бўл. Рашид ҳаёт йўлини яна кўз ўнгига келтирди. Лекин у ўзининг бирорта қусурини тан олмади, мурасасоз ва сотқин эканлигига иқроп бўлишни истамасди. Ҳолбуки, яқинда яна бир ҳунар кўрсатди — бировлар кўрсатмаси билан Қамариддин акани танқид қилди, Қамариддин ака ишдан олинди...

Қамариддин ака зукко одам эди, Рашид кимнинг ноғорасига ўйнаётганини дарров тушунди. У зарба кутаётган эди, лекин Рашид хоинлик қилади деб ўйламаганди, шу алам қилди. Аммо ўзини босди, телефон қилиб сўкмади, қадрдони Умархон акага чақмади, Рашид билан ўчакишишни ўзига эп кўрмади. Буюк одамлар чакана ишларга, иғво-ғайбатларга аралашса майдалашиб кетади, деб ҳисобларди у. Фақат яна бошқа мажлисда тўқнаш келиб қолганларида саломлашмай ўтиб кетди. Унинг бу қилиғи тарсакидан қаттиқроқ таъсир қилди Рашидга. Майли, мақсадинг мавқеингни сақлаб қолиш ёки юқорироқ кўтарилиш экан, кимларнингдир елкасига оёқ қўйиб чиқасан, деб ўзини овутди. Ҳа, ё сен уни, ё у сени топтайди. Ким билади Қамариддин ака шундай топшириқ олганда балки Рашидга ўхшаб иш тутарди, бунга шубҳа йўқ.

Рашид Шарипович ижирганиб қўйди.

У қарор қилди, етар ўзини оқлаш! Шу бугундан бошлаб ўзини қайта тарбиялашга киришади. Ҳозир шу кетишида уйига эмас, тўғри Дамирникига боради. Кириб қарзини беради. Йигирма йилдан ошди-я! Сўнгра... Шу бугуноқ Қамариддин акага телефон қилиб узр сўрайди...

Орқадаги машина қаттиқ сигнал бериб унинг хаёлини бўлди. Қараса, олдидаги «Жигули» бир қадамча силжибди экан. Шунга шунчалик, ҳамма шошқалоқ ва сабрсиз бўлиб кетган. У газни босди, машина кескин силтаниб жойидан кўзгалди.

Қибрайга етай деб қолганида ўнг тарафдаги боғ кўчага кўзи тушди. Алланечук юраги жиз этиб кетди, машинасини четга олиб тўхтатди. Деразадан боғ кўчани тамоша қилди. Хотирасига чақмоқ чаққандек болалик йиллари келди. Унинг битта аммаси бўлғувчи эди, Чинозда турарди. Уруш йиллари очарчилик пайтида онаси Рашидни бир ҳафтага ўша ерга, аммасиникига элиб қўйди.

Ҳали-ҳали эсида, аммаси сертупроқ боғ кўчада истиқомат қиларди. Ажойиб эди ўша кимсасиз ва овлоқ боғ кўча, офтобда қизиган тупроқ тўпигинггача чиқади, икки тараф нураб қолган пахса девор, қўшни боғлардан шафтоли ва жийдаларнинг серҳосил шохлари осилиб турарди кўчага. Рашид ўша сертупроқ боғ кўчани чангитиб, шаталоқ отишни яхши кўрарди.

У кўз ўнгига оёқяланг, узун иштон ва юпун кўйлак кийган етти-саккиз ёшлардаги болакайни келтирди. Гўдак ростмана бахтиёр эди, у мансаб ва бойлик нима, фитнес ва найранг, тилёғламачилик ва риёкорлик, ғийбат ва сотқинлик нима беҳабар эди. Ғам-аламдан, муаззам дунёнинг ташвишларидан холи мурғак қалби энг пок ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошганди, ўзи эса табиат оғушида сайроқи қушдек эркин ва яйраб яшарди.

Қани энди Рашид Шарипович бир думалаб қайтадан ўша шўх ва беғуноҳ болакайга айланиб қолса! Борди-ю, шундай мўъжиза юз берса мутлақо бошқача яшарди, на мансабнинг, на бойликнинг кетидан қуварди! Ахир ортирган бойлиги томоғига сиртмоқ, тилига қулф солди. Шу бойликни ортирман, деб қалбакиликни касб этди, ўйлаганини одамларнинг башарасига тик айтолмади. Билган одам учун эса бу энг катта фожиа.

Рашид Шарипович болалик билан хайрлашгандек боғ кўчага сўнгги марта назар ташлади, яна йўлга тушди. Серқатнов магистраль бўйлаб машиналар пойга ўйнагандек бир-бирини қувиб олдинга интилар, ҳеч ким қолиб кетишни истамасди. Қандай бемаънилик, нега одам боласи мудом бир-биридан ўзиб кетиш пайида бўлади, умрини жонсаракликда, талвасада ўтказади?! Бир лаҳза тўхтаб орқага қарамайди, осуда дам нималигини билмайди.

Рашид Шарипович энди атай бир меъёрда ҳайдади машинани. Тентаклар ошиқаверсин, ўчакишиб бир-бирини қуваверсин. Рашид Шариповичнинг шунча

шошилгани, тилини осилтириб югургани етар, энди осойишта ҳаёт кечирмоқчи. Негаки бир дақиқа кўним билмай яшагани ўзини ўзи деса оиласига ҳам таъсир этди. Жонининг ҳузурини ўйлаб хотини бошқа туғмади. Арзандалари Яшнаржон балоғатга етди-ю, ота-онасининг бошига битган бало бўлди. Фақат талаб қилади, на ўқишни эплайди, на бирор ишга бўйни ёр беради, ғирт текинхўр. Шундай фарзанд ўстираман, деб сира ўйламаган эди Рашид Шарипович. Нега бундай бўлди? Ё эскиларнинг гапи тўғримикин, ота-онангни қадрламасанг, болангдан қайтади, деганлари шумикин?

Ҳадемай узоқда шаҳарнинг кўпқаватли кулранг биолари кўринди. Бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган темир-бетон уйлар. Киши қалбида мунг ва тушкунлик туғдирарди. Транспорт воситалари қайт қилган газлар ва қуёқ чанг омухтасидан иборат оғир, ёқимсиз бўй Рашид Шариповичнинг димоғига урди. У шаҳарга етганини ҳис этди ва кўп ўтмай муаззам шаҳар уни ўз қаърига ютиб юборди.

Яшил далалар, бепоён қирлар, кўм-кўк адир ва боғлар устида сайр қилган, энди эса қафасга қайтаётган қушга ўхшатди ўзини Рашид Шарипович. У табиат кўйнида дам олдим, деб ўйлаганди, аксинча қаттиқ чарчаганини сезди. Асаблари қақшаб, боши зирқираб оғрий бошлади. Ҳа, бугун у керагидан кўпроқ ишлатиб юборди миясини. Бутун умрини гўё қайтадан яшади, таҳлил қилди.

У машинани тўғри ўз уйи томон ҳайдади, тезроқ етиб олиб ўзини диванга ташлайди, асабига дам беради. Дамирникига боришга бугун ҳоли йўқ, эртага ўтади, шунча кутган яна бир кун чидаса ҳеч нарса қилмас. Эртага албатта обориб беради.


Қамариддин акага ҳам эртага эрталаб кўнғироқ қилади, шу кайфиятда биров билан гаплашиб бўладими?! Эртага сўрайди узрини.

Рашид Шарипович шу йўсин иккала ташвишни елкасидан соқит қилиб, анча енгил тортди.

Ташвишлар эртагача кутар, ҳозир тезроқ уйга! У машинасининг юришини кескин тезлаштиради ва ҳадемай ён-веридагиларни бирин-кетин қувиб ўта бошлади.

Четдан қараганда унинг тезюар «Волга»си гўё биров таъқиб қилаётгандек тутқич бермай қочиб бораётганга ўхшарди.

Во ажаб, шундай фикр энг олдин унинг — ўзининг хаёлига келди. Ҳа, тутқич бермайман, ҳали олишаман, чиранчоқлик қилди Рашид Шарипович. У газнинг педалини қаттиқроқ босди, машина узун ва нимқоронғи туннелга шўнғиди...



Абдулла Қаҳҳор

ЯХШИ АСАР ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

(Ешлар семинарида сўзланган нутқдан)

Бу кунги суҳбатимизнинг мавзуи гарчи ижодий тажрибалар бўлса ҳам, гап кўпроқ ижодий тажрибалар эмас, ижодий уринишлар тўғрисида борилар деб ўйлайман.

Бирон балоғатга етган ёзувчи ўзининг балоғатга қандоқ етганлиги, бир ёки бир неча машҳур, ҳамма тақдир этган асарини қандоқ ёзганлиги тўғрисида гапириб берса, суҳбат аҳли ундан таълим олса, у вақтда ижодий тажриба тўғрисида сўз, таълимий суҳбат бўлар эди. Мен бу ерда фақат дуруст асар ёзишга қандоқ ўрганганлигим, шу уринишлар орқасида нималарга дуч келганлигим тўғрисида гапиришим мумкин, холос. Демак, бу суҳбат ўзаро фикрлашиш тарзида ўтади.

Умид билан қўлига қалам олган, эл-юртга ёзиш-чиқиш иши билан хизмат қилишни истаган, шу йўл билан кўпроқ ва яхшироқ хизмат қила олишига кўзи етган ҳар бир кишининг омоли яхши асарлар яратиш бўлади.

Биз бир асарни ёмон, иккинчисини яхши, учинчисини сўз санъатининг мўъжизаси деймиз. Шунда ҳаммадан бурун нимани кўзда тутамиз! Аввал шу саволга жавоб бериш керак.

Модомики, китоб кенг ўқувчилар оммаси учун ёзилар экан, бу саволга ўша омма нуқтан назаридан қараб жавоб бериш зарур. Омма ўзини мафтун қиладиган, роҳат бағишлайдиган нарсани ўқийди. Ушани яхши асар деб билади. Ўқувчи китобни «маданиятдан орқада қолмаслик» учунгина эмас, зўр роҳатдан маҳрум бўлмаслик учун ўқиса ҳисоб. Шундай асар яхши асар бўлади («Қилич», «Тозагул», «Тўппам»). Асар тўғрисида энг тўғри, холос ёзилган тақриз кутубхонанинг дафтариди бўлди.

Энг яхши томоша бўлмаган драма, қўлга олиш билан жозибасига тортиб кетмайдиган адабий асар яхши нарса бўлмайди. Агар бирон ёзувчи асарнинг шу томонига эътибор қилгани эринса ёки эринмагани тақдирда ҳам уdda қилолмаса-ю, ўзининг ожизлигини, масъулиятсизлигини «мазмун», «олижаноб мақсад» иборалари остига беркитса, санъатни, энг муҳим тарбия қуролини бевурд қилган бўлади.

Мақсад нақадар олижаноб бўлмасин, Чеховнинг тили билан айтганда «қурбақага шакар сеппиб берганинг билан барибир емайман».

Адабий асар, адабиёт деган шундоқ бўлсин. Ёзувчи бирон нарса ёзиш учун қўлига қалам олганда ҳаммадан бурун кўз олдига шу нарсани ўқийдиган ўқувчини келтирсин, асарнинг ҳар бир сатри олдидан ўтганида чехрасида бўладиган ўзгаришни кўриб турсин. Ёзувчи ўзини каттақон

билимдон, юксак завқ эгаси бўлган киши олдиди имтиҳон бераётгандай сезсин.

Китобхонни мафтун қиладиган нарса яхши нарса бўлса, қандоқ асар мафтун қилади! Унинг меҳригиёси қаерда, бу меҳригиё нимадан иборат!

Классиклардан ўрганиш деган сўз классик асарлардаги мана шу меҳригиёсини топишга уриниш, топишдан иборат бўлса керак.

Албатта, ҳар бир яхши асар ўзича яхши. Ҳар бир яхши асарнинг меҳригиёси бошқа яхши асарнинг меҳригиёсига ўхшамаганлиги учун яхши. Гўзал деган сўз битта. Лекин унинг минг бир маъноси бор.

Яхши асарларнинг яхшилик сирини қидирган вақтда ҳамма яхши асарларга муштарак бўлган бир нарса дарров кўзга кўриниб туради. Эҳтимолки, бу асарнинг мафтун қиладиган асар чиқиши учун асосий шартлардан бири бўлса.

Маълумки, санъат, шу жумладан, сўз санъати — адабиёт ҳам кишиларнинг онгига ҳис орқали — юрак орқали таъсир қилади. Адабиёт бирон ижтимоий ҳодисанинг яхши ёки ёмон эканлигини фактлар, рақамлар билан исбот қилиб, хулоса чиқармайди; унинг яхши ёки ёмон эканлигини кўрсатиб, кишиларда шу ҳодисага нисбатан муҳаббат ёки нафрат ҳисси туғдиради. Бирон ҳодисанинг яхши ёки ёмон эканлигини билдириш билан унга нисбатан нафрат ёки муҳаббат ҳисси туғдириш орасида жуда катта фарқ бор. Билган киши билиб қўя бериши мумкин, лекин ҳис қилган киши ҳис қилиб қўя берайди. Адабиётнинг зўр ташвиқий кучи ҳам мана шундан иборат.

Бундан маълум бўладигани, ёзувчи бирон ҳодисага ўқувчида муҳаббат ёки нафрат ҳисси кўзғотиши учун аввал ўша ҳис ўзида бўлиши керак. Киши ҳеч қачон душманининг гўри устида бошқаларнинг кўзидан ёш чиқарадиган таъсирли нутқ сўзломмайди.

Энг талантли, энг уста, хушовоз артист агар ўзига ёқмайдиган ашулани айтишга мажбур бўлиб қолса, таланти ҳам, усталлиги ҳам йўқолиб, қуруқ овози қолади.

Талант, билим, ҳунар жиҳатидан бир даражада бўлган икки ёзувчи муҳаббат тўғрисида ёзса, шу муҳаббат ҳиссини бошидан кечиргани яхшироқ ёзади.

Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Ўқувчининг қалбига таъсир қилмаган нарсанинг адабиётга ҳеч тегишлиги йўқ.

Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун

ардоқланиш шарт. Бусиз бўлмайди. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшайди.

Ҳис, ички дард кишининг қалбини тошириб юборади. Бундай, вақтда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди. Ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш, кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради. Кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Ёзиш учун ҳеч нарса халал бермайди. Фикр тўкила боради. Ёзиб улгуриб бўлмайди.

Кишидаги мана шундай ҳолатни одатда илҳом дейишади.

Айтилган гаплардан хулоса чиқарсак, яхши асар, ўқувчини мафтун қиладиган асар фақат илҳом билан ёзилган асар, дейиш керак бўлади.

Ёзувчи илҳом келди деб тез-тез ёзади, илҳом келмаётир деб соатлаб қоғоз чизиб ўтиради. Бас, маълум бўладикки, илҳом келгани ёзувчининг тўла ҳис қилгани, илҳом келмагани ёзувчининг хали ҳис қилмагани бўлади.

Илҳом келиши учун ёзувчининг ҳис қилиши шарт бўлса, ҳис қилиши учун нималар керак! Ёзувчи ёзувчи бўлиши учун қандай катта меҳнатни ўз бўйнига олганлиги мана шу ерда кўрилади.

Умумий савияси бирон уй хизматчисининг савияси билан баробар бўлган киши ҳеч вақт ижтимоий ҳодисаларни тўғри таҳлил қилолмайди.

Демак, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш, унинг яхши, ёмон эканини билиш учун ёзувчининг савияси жуда-жуда баланд бўлиши керак.

Ёзувчи турмуш ҳодисасини таҳлил қилганидан сўнг унга маълум бир муносабатда бўлади. Бу муносабати унинг қаноати бўлади. Унинг бирон ҳодисани ҳис қилиши мана шу қаноати асосида бўлади.

Шулардан маълум бўладикки, ёзувчи ҳеч вақт «Нима тўғрисида ёзсам экан!» деб ўйлаб, кейин бирданга бирон тўғрида ёзишни ихтиёр қилмайди. Аксинча, ҳодисага маълум муносабати, қаноатидан келиб чиққан розилик ёки норозилик уни ёзишга мажбур қилади, уни ўз ихтиёрига қўймайди.

Мана шундан кейин асарнинг ғояси тўғрисида гапириш мумкин.

Мен илгарги вақтларда кўп кишилардан «асар ёзишдан бурун унинг ғоясини белгилаб олиш керак», деган маслаҳатни эшитганман. Уша вақтлар шу маслаҳат асосида иш кўриб кўп гаранг ҳам бўлганман. Уша вақтларда қўлимга қандай асар тушса, дарров унинг ғоясини ахтарар эдим. Кўпинча, унинг ғоясини тополмас эдим. Энди ўйлаб қарасам уша маслаҳатлар нотўғри, уша уринишларим мутлақо самарасиз уринишлар экан.

Мен шу кунгача битта-иккита дуруст нарса ёзган бўлсам биронтасининг ҳам ғоясини олдин белгилаб олганим йўқ. Наники, уруш замонидagi чолларни кўрсатиш мақсадида мен Асрорбобони ясаган бўлсам! Йўқ, чолларнинг уруш йилларида ёшлар билан бир сафда турганини менга қаттиқ таъсир қилган эди. Бу ҳикоя шу таъсирнинг натижаси. Адабиётчилар, танқидчилар тилида бу чол қандай деб аталишини кўзда тутган эмасман, шулар нима деб атаса ҳикоянинг ғояси ўша бўлади.

Янглиш маслаҳатларга амал қилиб асарнинг ғоясини қидирар эдим. Бу ҳам бекорчи уриниш экан. Ҳақиқатан шундай. Асарнинг ғоясини қидиришга эҳтиёж борми! Асар ўқувчида қандай таъсир қолдирса, уни қайси йўлга бошласа ғояси ўша-да.

Жек Лондоннинг «День пламенеет» деган бир романи бор. Мен асарларнинг ғоясини қидириб юрган вақтима шу романининг ғоясини тополмаган эдим. Лекин шу китобни ўқиганимдан кейин шаҳарда тургим келмай қолди. Қолган умримни қишлоқда ўтказишни хоҳлаб қолдим. Демак, ёзувчининг мақсади шу экан, одамларни табиатга даъват қилган экан.

Константин Симонов, «Нафсониятли киши» деган бир қисса ёзди. Бунда шахсий ҳаётдан тамоман воз кечиб фронт учун ишлаётган бир инженер билан фронтда иш кўрсатиб орденлар олган бир офицер тўқнаштирилади. Офицер инженерга «биз у ерда қон тўкиб юрибмиз, сен бу ерда айш-ишрат қилиб ўтирибсан» дейди. Шунда ўқувчи офицерга «сен бу инженерни ҳақорат қилма», дегуси келади. Кейинчалик офицер хато қилганини билади, инженердан узр сўрайди. Бу қиссанинг ғоясини қидиришга эҳтиёж борми! Ўқувчи офицернинг сўзини ноҳақ деб билишининг ўзи кифоя. Фронт қаҳрамонлари билан меҳнат фронти қаҳрамонларининг Ватан олдидаги хизмати бир газ билан ўлчанади.

Илҳом билан, ички мажбурият орқасида ёзилган асарни тузатиш; қайта ишлаш мумкинми! Уша тузатиш, уша қайта ишлаш хоҳишга айланмагунча, ёзувчининг қалбидан ўрин олмагунча мумкин эмас.

Кўпинча шундай ҳоллар бўлади: ёзувчи асарини битириб одамларга ўқиб беради. Бу ерда асарнинг камчиликлари кўрсатилади. Ёзувчи кўпинча ўша камчиликларни ўзи камчилик ҳисобламагани ҳолда фақат билимдонларнинг сўзини иккита қилмаслик учун тузатишга киришади. Бундай вақтда ёзувчи ўз маъшуқасига бировнинг сўзи билан муҳаббат изҳор қилаётган ошиққа ўхшаб қолади. Ҳис қилмасдан асарни тузатиш дуторни икки киши чалгандай гап. Парда босган киши ҳам, зарб берган киши ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Бундай машқдан ҳеч ким лаззат олмайди.

Асарни қайта ишлаш деган гапга мен тушунмайман. Агар бирон асар қайта ишлашга муҳтож бўлса, шу материал асосида бошқа асар ёзиш керак экан деб тушунаман.

Яхши асар илҳомнинг натижаси, илҳом ҳис қилишнинг натижаси дедик. Ҳис қилиш учун ёзувчи ўшани бошидан кечирини шартми! Агар шарт бўлса Толстой ҳеч қачон «Анна Каренина»ни ёзолмас эди. Чунки Толстой ҳеч вақт хотин киши бўлиб кўрган эмас.

Ҳис қилиш учун ёзувчига ўзининг шахсий кечинмалари билан бир қаторда мушоҳада ҳам ёрдам беради. Ёзувчи ўзи бошидан кечирмаган ёки кечириниш мумкин бўлмаган ҳодисаларни зўр диққат билан мушоҳада қилади. Турмушни ўрганиш деган сўзнинг маъноси турмушни мушоҳада қилиш демакдир. Энг зўр ёзувчилар, энг зўр мушоҳада кучига эга бўлишган. Одамларнинг рафторига оид энг кичик нарсалардан тортиб, катта-катта ижтимоий ҳодисаларга ғоят зўр диққат билан ўрганишган. Бошқа кишиларнинг диққатини жалб қилмаган ҳодисалар, бошқа кишилар эътибор қилмаган нарсалар буларнинг диққатини жалб қилган, эътиборини тортган.

Мана шунинг учун ҳар бир бадий асарда ёзувчининг шахсий кечинмалари, таржиман ҳоли унсурлари бўлади. Ёзувчи баъзан бирон типга асос қилиб ҳақиқатда мавжуд одамни ҳам олади. Бундай ҳолларда ўша мавжуд одам типининг прототиби бўлади. Ёзувчи прототипининг ўзигагина хос сифатларини, хислатларини ташлаб, тип учун характерли бўлган бошқа сифатлар, хислатлар қўшади. Шундай бўладикки, прототип типнинг ўзи эканини билмайди.

Одатда мушоҳада фақат керак бўлганда, бирон асар ёзиш учун зарур бўлиб қолганда қилинмайди.

Масалан, бировнинг оёғини трамвай босди. Эҳтимол, менинг қаҳрамонларимдан, персонажларимдан ҳеч кимнинг оёғини трамвай босмас. Лекин оёғини трамвай босган одамнинг ўша дамдаги ҳолати, ҳаракати, қиёфаси эсимда қолиши керак. Чунки мабодо шундай ҳолат керак бўлиб қолса оёғини трамвайга бостириб кўргани ҳеч ким рози бўлмайди.

Киши чўчурадиган вақтда афти қандоқ бўлишига ҳеч ким эътибор қилмайди. Лекин Чехов шунга эътибор қилган экан. «Чиновникнинг ўлими»да қўл келипти.

Мен «Анор» деган ҳикояни ёзганимда бошқоронғи хотиннинг ҳолатини шу кунларда мушоҳада қилганим йўқ. Бошқоронғи хотиннинг ҳолати менинг хотира дафтаримда бор эди. Буни мен бир вақтлар дафтарга шундай қайд қилиб қўйган эканман:

«Эр хотинига жаннатнинг таърифини қилади. Хотиннинг кўзига ҳавзи кавсар ва унда сузиб юрган балиқдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Хотин балиққа бошқоронғи».

Бундан олти йил бурун дафтарга шунини ёзиб қўйган эканман:

«Ажойиб ит, ўғри кирганда олқишласанг, ётиб думини ялайди».


Бу нарса олти йилдан бери керак бўлгани йўқ, эҳтимол, ҳеч қачон керак бўлмас. Шундай қилиб, ёзувчининг хотира дафтари — мушоҳадалар хазинаси — турмуш қомуси вужудга келади.

Бу дафтарга фақат мушоҳадаларгина эмас воқеалар, манзаралар, фикрлар, сўзлар иборалар ҳам ёзилиши мумкин. Чехов ҳатто исмларни ҳам ёзган.

Мана шунинг учун ёзувчи ёзаётганда, ўйлаётгандагина эмас, ҳамма вақт меҳнат қилади. Шундоқ бўлиши керак.

1944 йил.

*Журналимизнинг
мазкур сонида ёш
ишодкорларнинг
асарларини ўқийсиз*



Оллоёр Бегалиев

ҲАЛИ ЙЎЛ КЎП ОЛДИМДА

* * *

Туман тушаётир кўчкидай босиб,
Туман тушаётир, сукутда қишлоқ.
Дафъатан бу оппоқ босқиндан шошиб,
Боғлар қолаверди тилини тишлаб.
Туман ўғирлади боғлар кўркини,
Кўзлардан яширди дунё рангларин.
Билмайсан, бу оқлик аро туртиниб:
Нени қидираринг, нени англаринг.
Тасаввурга кўчган бу рангин дунё,
Туман орасидан кўринар ёдга.
Кўп қалин туманлар босса-да, аммо,
Ҳамон ўша-ўша: буюк ва содда.
Йилларни ўйлайсан бундай соатда,
Улар ҳам тумандай тортмоқда қуюқ.
Болалигинг узоқ — йиллардан ортда,
Ҳамон ўша-ўша: содда ва буюк.
Яшайсан шу тахлит. Минг хил сеҳриёт:
Қувончлар, қайғулар ора-оралаб.
Яшайсан, гўёки дафтаринг — ҳаёт,
Бирма-бир варағин қоралаб.
Ортиб бораверар варақлар сони.
Ҳар ўтган кун сени тутар сўроққа:
— Айтинг, айтинг, ахир, борми имкони
Кўчиргани уларни оққа?!

Қўрқма, жоним

— Қўрқма, жоним. Бизни бунда
Ҳеч бир кимса кўрмайди
Ва эртага миш-мишларга
Биздан ўрмак ўрмайди...

— Ой боқяпти, уяляпман...
— Қўй болалик чоғларинг,
Боқса — боқсин, кўпайтирмоқ
Истаса гар доғларин.

Ҳиндистоннинг саволлари

«Тақдир ҳоқими» фильмини кўриб...

Осмондан тушгандай бой бўлди пайдо,
Етим пайдо бўлди, оёқ остидан...
Дунё ишларидан беҳабар дўстим,
Қани, ажратиб кўр лофни ростидан?!

У ён, бу ёнингга қараб олгунча,
Кимнингдир умрига ўқилар ҳукм.
Ким айбдор?!
Бу улкан экрандан сенга,
Саволларин берар Ҳиндистон бугун.

Оҳ, она — Ҳиндистон, сенинг бағрингда,
Саволлар кўпаяр халқингдан кўра
Ва улар йўл олар сендан олисга
Ўзларига лойиқ жавоблар сўраб:

Саволлардир бугун сенинг маҳсулинг —
Кинокосиблардир уларга котиб
Ва бошқа дунёлар бу саволларни
Олтин баҳосида оларлар сотиб.

Улардан тўлғанар дунё заллари:
Ким муштини қисган,
Ким керган қошин.
Писта чаққан кўйи ёнимда бир қиз
Пўчоқларга қўшиб тўкар кўзёшин.

Бир томчи,
Ўн томчи,
Бир бутун дунё,
Бир денгиз,
Бир уммон.

Шеърнинг кадр-қиммати, унда нималар ҳақида ҳикоя қилинишида эмас, балки шеърни санъат асарига айлантира олишдадир. Улуғ грек шоири Яннис Рицос таъбири билан айтганда, «ҳар бир шеър тўла тугалланган эстетик ҳодисадир». Шеърни изоҳлаш, шеърят моҳиятини изоҳлаш ғоят хатарли иш. Негаки, ҳар қандай изоҳлаш чегараланган бўлиб қолаверади.

Лекин бир нарса аниқки, шеър шоирнинг шахсий кечинмаларини бузиб чиқаолгандагина озодлик, ҳақиқат, бахт, зулм ва истибод, ёлғизликни енгитиш истаги, ўлим ҳақидаги умумба-шарий ўйларга айланади.

«Ҳеч ким санъаткорни социализациялаштириш ҳуқуқига эга эмас», деб ёзади Яннис Рицос. Бу санъаткор юрагининг талаби бўлмоғи керак. Ҳақиқий шоирнинг талаблари ва истақлари ҳамisha она халқининг талаб ҳамда истақлари билан уйғун келади. Шоир мана шу хоҳишларни юрагидаги энг ботин ва инжа туйғуларга эмақдош қилиб сингдирмоғи лозим. Ватан тарихида шоирчалик фаол ва кучли ҳодиса бўлмаган. У, гарчи, шеърни бир ўзи яратса-да, унинг шеърлари минглаб, миллионлаб кишини бирлаштиради, уларни курашга чорлайди.

«Агар, бу дунёда ҳақсизликка, истибодга, ўлимга қаршилиқ кўрсатишнинг кундалиқ шакли нима? — деб сўрашса, мен: меҳнат, дея жавоб берардим», деганда Яннис Рицос энг аввало, ижодни назарда тутган эди. Ижод орқали биз ўзимизни кашф этамиз. Ўзимизни кашф этиш оқибатида эса, дунёни гўзаллиги ва ботиний тафаккури билан қабул қилиш қудратига эга бўламиз.

Мазкур сўзларни ёзишдан мақсадим, Оллоёр Бегалиевга ақлли гаплардан иборат оқ йўл тилаш истаги эмас, балки унинг шеърлари баҳона ижод тўғрисидаги фикрларимни тушунганимча айтиш хоҳиши эди.

Балки, бу сўзлар Оллоёр Бегалиевнинг тушунчалари билан ҳамоҳанг чиқар...

Хуршид ДАВРОН.

Янами?
Ўзми?
Мақсад оқизмоқми дардқаш ёшини?!
Дардли мижжаларни артмоқ лозим!

Оҳ, она — Ҳиндистон, балки бир лаҳза,
Бўёқларни ювиб, қалқар бу йиғи.
Кучи кўзёшгаки, етдими, фақат,
Ҳали саволларнинг тўмтоқдир тиғи!

Мен учун энг катта савол —
Индира???
Оҳлар кўк гумбазнинг тоқиға тегди.
Олти юз миллион муаммо — савол,
Шу бир савол узра бошини эгди.

Улкан саволларнинг ижодкор асри,
Улкан жавобларга шайланган пайти —
«Шахсий ҳисоблар»ла муштлашиб юрган,
«Буюк»лардан тамом ихлосим қайтди...

Томоша тугади. Зални тарк этдик.
Янги тўда ўзин урди ичкари.
Ташқарида қолди учқур даврнинг,
Билет тополмаган йигит-қизлари.

Эшикбон бўлсайдим агар мен бунда:
Майли, юзи — ёғли, қаппайган қорни.
— Паттани кўрсат-чи, ука! — демасдим.
Дер эдим:— Ҳаётдан саволинг борми?!

Ахир, алам қилар кузатса очни,
Қорин нималигин унутган тўқлар.
Ва томоша қилса бу саволларни,
Дунёдан бирон-бир саволи йўқлар...

Қирда

Эҳ, нақадар ибтидоий тонг,
мудроқ босган сонсиз даврлар...
Гирдимдаги тепалар гўё
ухлаётган динозаврлар.


Ҳамма нарса беўхшов, улкан,
Ишонч — йўқдир, бордир — кўрмоқлик.
Энг қизиғи ким солди экан
эгри-бугри бу тор сўқмоқни...

Атрофимда бир дунё — тилсим,
кашф этмадим ҳали бир СЎЗни —
ҳали унга қўймасдан ИСМ
инсон дея олмайман ўзни.

Ҳали тонгдай пок хотирамга
из солмаган қувонч ва қадар.
Ҳали йўл кўп олдимда олис
муҳаббат ва нафратга қадар.

Эҳ, нақадар ибтидоий тонг,
Кеча нелар кечган — унутдим.
Бугунимга яна янгидан
ўғирлашим керакдир ўтни.

Шундай ҳолда турибман ёлғиз
ярим — армон ва ярим — севинч.
Шу тонг каби ўтмишсиз, номсиз
кўтарилар улкан ёритқич.



Аҳмад Турсун

Чорвасидайи Шоихоназ

Аҳмад Турсун 1949 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1979 йили Наманган Давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетини сирдан тугатган. 1967—1979 йилларда «Наманган ҳақиқати» область газетасида, 1984—85 йилларда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи область бўлимида ишлаган.

Ҳозирда аврли газламалар комбинатининг «Наманган атласи» кўптиражли газетаси редактори. 1984 йилда муаллифнинг «Ёш гвардия» нашриётида «Устозлар изидан» очерклар тўплами босилган.

Қисса

Шундай қилиб, яна учта редакциядан ҳикояларим эсон-омон қайтиб келди. Қаппайган конвертларни очиб кўрдиму тарвузим қўлтиғимдан тушиб, оёқ-қўлим шалвираб қолди.

Жавобларнинг бирида силлиқина қилиб «анча қаламингиз чархланган кўринади, ўз устингизда қаттиқроқ ишласангиз, сиздан ёзувчи чиқиши мумкин» дейилган бўлса ҳам, дилим ёришмади. Бунақа жавобларнинг мазмунига тушуниб қолганман. «Ҳикоянг ярамайди» деб дангал ёзишмайди-ю, тасалли бериб, кўнгил кўтариб қўйишади. Мухбирларга ёзилган хатларни ўзим ҳам кўп кўрганман. Чунки шаҳар газетасида корректор бўлиб ишлайман-да.

Иккинчи жавоб бошқачароқ экан. «Асарларингиз ҳали машқ даражасида, катта ёзувчиларни кўпроқ ўқинг» депти. Нима, мен кичкина ёзувчиларни ўқибманми? Кейинги уч

йил ичида бирорта ҳам юпқа муқовали китобни қўлга олганим йўқ. Нуқул зарҳал жилд-ли, ёстиқдай-ёстиқдайларини ўқиб туширганман-ку.

Охири конверт бутунлай ҳафсаламни пир қилди. «Ҳурматли Калонов» деб бошланганидан талтайиб тургандим, хатнинг охирига келиб, қўлга тушган билетсиз йўловчидай мулзам бўлдим. Қахрамонларим сохта эмиш, ҳаётни билмас эмишман, одамлар орасида кўп бўлишим керак эмиш.

Ана холос! Демак, мендан ёзувчи чиқмас экан-да! Эсиз, шунча меҳнат, ўйкусиз тунлар, исроф бўлган қоғозлар, ширин хаёл суришлар... Ҳаммаси кунпаякун! Яна ўша аччиқ ичакдай узун гранкалар, турфа ранг сиеҳда «гул солинган» саҳифалар, босмаҳона ишчиларининг таъна-дашномлари... Бош қотиб, кўз тиниб ўтириб қолдим.

«Тўхтанг, мулла Нусрат, бояги хатда «ҳаётни ўрган, одамлар ичида бўл» дептими? Каллам токка уланган холодильникдай бирданига ишлаб кетди. Бордию вақтинча гавжумроқ жойдан бирор иш топсам-чи? Отпускам ҳам келиб қолган. Шартта оламан-у, бир ойга касбимни ўзгартираман».

Ўз фикримдан ўзим шошиб қолдим. Одамлар кўп тўпланадиган жойларни бирма-бир эслаб бошладим. Бозорда паттачилик қилсам-чи? Йўқ, тўғри келмас экан. У ерда ҳамма шошгани-шошган. «Тўхтанг, гапингизни ёзиб олай!» деб орқасидан қувиб юраманми? Ҳаммомга ишга кирсам ҳам бўлади-ю, сал ноқулайроқ-да. Иннайкейин яланғоч одамдан маънилироқ гап чиқармикин? Бошидан шартта-шартта сув қуйиб, эшикка йўрғалаб қолади. Завод-фабрика яна бўлмайди. Бир ой ишлашимга битта ўринни банд қилиб, кўнимсизликини кўпайтириб нима қиламан.

Топдим! Чойхонага ишга кираман. Одамлар билан доимо тўла бўлади. Қандқоғозга ўралган олди-қочди гаплар ўша ерда. Корректор—чойхоначи! Нима бўпти? Ёзувчи, журналистлар ҳаётни ўрганиш учун қанақа касбларни қилиб кўришмаяпти? Такси ҳайдашяпти, пахта теришяпти, сотувчилик қилишяпти, дастгоҳда ишлашяпти. Ҳатто чет элда Вальраф деганлари номини ўзгартириб, ҳожатхона тозаловчи бўлиб ҳам ишлапти. Кейин чеккан азоблари ҳақида китоб ҳам ёзган эмиш.

Бўлди, энг маъқули — чойхоначилик. Юмуши ҳам кўп эмас — кун бўйи эшитган-терганларимни кечқурун уйда қоғозга туширавераман. Қизиқ-қизиқ воқеаларни эшитиб қолсам, зўр ҳикоялар ҳам туғилиб қолар? Ана ўшанда кўрасизлар, ақанг қарағайнинг қанақа теша тегмаган, соқоли олинмаган гапларни топишини! Балки бирорта танқидчи «Нусрат Калоннинг чойхонадаги фаолияти» деган мавзуда илмий иш ҳам қилар? Кейинчалик хотираларимда «ёшлигимда ҳаётни ўрганиш учун чойхонада ҳам ишлаб кўрганман», деб қистирсам бўлади.

Хуллас, қатъий қарорга келдим. Энди энг яхши чойхонани топиш керак. Маҳалла-мизда ҳам шунақаси бор. Аммо чойхоначи таниб қолиши мумкин. Тарозига солиб кўриб, шаҳарнинг қоқ киндигидаги «Чорсу» чойхонасини маъқул кўрдим.

Унинг «шефи» — Иброҳим полвон деганларига учрадим-у, сал бўлмаса режамдан воз кечворай дедим.

— Хўш, нима гап? — деди у шундоғ ҳам қийиқ кўзларини баттар қисиб, менга бошдан-оёқ шубҳали разм солиб чиқаркан.

— Чойхонангизга ишга кирмоқчийдим, — дедим важоҳатидан бўшашиб.

— Аввал қаерда ишлагандинг?

— Ҳеч қаерда, яқинда ўиничини тугатдим, — дедим жиндай ёлғонлаб.

— Ким жўнатди ўзи бу ерга? — деди у мўйловининг учини бураб ўйнаркан.

— Ўзим келдим. Ешлигимда чойхонада ишлашни орзу қилардим.

— Ҳмм. Орзу қилганмишлар. Нима, чойхона базамидики, бу ерда ишлашни орзу қиласан, хумпар?

— Энди, одам қизиқиб қолса, қийин экан. Ҳатто тушларимда ҳам чой дамлаб юраман.

— Ҳей, сен бола мени лақиллатаман деб овора бўлма. Ирвадоннинг ғўзасига ўхшаб тиржаясан, бир гапинг бор-ов. Тўғриси гапир, бўлмаса башарангни анжирга ўхшатиб қўяман.

— Улай агар, шу ерда ишламоқчи эдим... — дедиму ишнинг бунақа чаппа кетишидан юрагим сиқилиб, секин қочиб қолишни кўнглимга тугиб қўйдим.

— Шунақа де-е — деди у чўзиб. — Лекин чойхонада сенбоп бўш штат йўқ. Жа ичинг тўкилиб кетаётган бўлса, уч-тўрт ой Мамарайимга қарашиб, чойнак-пиёла йиғиштириб турарсан. Мана, ёз келяпти. Агар ишлар жўнашиб кетса, бирор иложини топармиз.

У тақир бошини силаб, бир пас ўйланиб тургач, қўшиб қўйди:

— Аммо приказдан ўтказмайман. Стаж-птаж деган гап йўқ.

— Ойлик-чи? Ойлик нима бўлади? — ҳар эҳтимолга қарши сўраб қўйдим.

— Уйланганмисан? — деб сўради Полвон саволимни англамагандай. Бошимни чайқанганимни кўриб, яна сўради: — Ота-она ҳаётми?

— Шир етимман, — дедим ёлғонлаб. Чунки уларни таниб қолмасин дедим. Шаҳар

бир тишламгина, роса суриштирсанг, биринчи марта кўраётган одаминг билан яқин қариндош чиқиб қоласан.

Полвон раҳмӣ келгандай жимиб қолди. Кейин яна синчковлик билан кўзларимга тикилиб гапирди:

— Майли, ойлик бир гап бўлар. Оч қолмайсан. Яхши ишласанг, ҳафтасига чўзиб тураман. Агар шил-пилт қилсанг, унда ўзингдан кўр. Нақ думбангда туфлимнинг изи қолади.

Унинг қайиқдай туфлисига ўғринча бир қараб олдим у «розиман» дегандай бош силкидим.

— Кейин яна бир гап бўлар, — деди у теша сопидай бармоғини бурнимга тақаб. — Агар трестдан келиб текшириб қолса, секин «гум» бўласан. Токи буйруқсиз ишлаётганингни билиб қолишмасин. Бошқаларга мени «тоғам» деяверасан, уқдингми, хумпар?! —

— Уққанда қандоқ!

Ана шу кўнгилсиз имтиҳондан эсон-омон ўтгач, чойхонада иш бошладим. Тонг отар-отмас самоварга ян ёқаман. Чойнак-пиёлаларни бир қур ювиб чиқаман. Аввал бу юмушлар Мамарайим аканинг зиммасида экан. Лекин қузғанчиқлик қилмасдан, ма, олақол, деб ҳаммасини каминага ошириб юборди.

Бирин-кетин узун-қисқа бўлиб чойхўрлар келишади. Еши улўғларига чой олиб бораман. Бўшаган чойнак-пиёлаларни йғиштириб кетаман. Биринчи кунлари бўш ойнак сўрагани хижолат бўлиб юрдим, одам ўрганиб кетаркан. Ҳозир шундоқ ҳавосини олганманки, бирортаси уёқ-буёққа анграйиб турганда, бўшамаган чойнагини ҳам кўтариб кетаман. Бошқа вақт ҳали унинг гапига, ҳали бунисининг валақлашига қулоқ солиб, кунни кеч қиламан. Кечаги якшанбада «тоға»дан қуртдақкина қилиб йғирма манатни санаб олдим. Ҳисоблаб кўрсам, ой охирида пулларим корректорнинг маошига етиб қоларкан. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай, ҳозирча ишлар ёмон эмас.

Энди чойхона ва унинг мутасаддилари билан бир қур таништириб ўтсам. Чойхона деганлари бўйи эллик, эни йғирма қадам келадиған ойнаванд, кўркам зал. Унинг икки четида ердан тизза бўйи кўтариб қилинган тахта супа. Ҳар жой, ҳар жойга пастак хонтахталар қўйилган. Атрофида шойи ва беқасам кўрпачалар.

Ўртадаги бўш йўлакда бир қатор стол. Аммо курсиларнинг юмшоқ ўриндиқлари титилиб кетган. Бу жойлар, Мамарайим аканинг айтишича, шимининг дазмоли бузилишидан ва хотинларининг чўччайишидан чўчийдиган чойхўрлар учун экан.

Столларга ҳам, хонтахталарга ҳам чой қуйқумини тўкадиган елим идишлар, гулдонлар қўйилган. Мамарайим ака ҳар куни эринмай гулдонларга бир шохдан райҳон солиб чиқади. Фақат кашандалар ғашимга тегишади, папиросни чекиб бўлиб, қолдиғини қуйқум ичига ташлашани ёмон.

Чойхона деворларига қайсидир ҳаваскор рассом ғаройиб манзараларни чизиб ташлаган. Бирида денгиз соҳили, у ерда оқ қайинлар соясида кийиклар дам олиб ётибди, бошқасида тоғ кўриниб турибди. Этаги пахтазор, ўртада икки туп хурмо. Суратлар оралиғидаги бўш жойларга ичкиликнинг жигарга зарар, ёнғин чиққислиги учун кўрпада чекмаслик лозимлиги, қурилишда техника хавфсизлигига риоя қилиш кераклиги ҳақидаги плакатлар илинган. Бурчакда, қизил мато ёпилган стол устида тез-тез бузилиб турадиган рангли телевизор, ёнида иккита шахмат тахтаси, газета тахламлари. Бир неча жойга тўрқовоқда бедана, сим қафасчаларда сайроқи қушлар осиб қўйилган. Уларни Тоға ҳеч кимга ишонмайди, дон-сувидан ўзи хабар олиб туради. Эшикнинг тепасидаги радиокарнай эртадан-кечгача тинмайди.

Чап томондаги супага гилам тўшалган, кўрпачаларнинг янгиси солинган. Тоға бу томонни кексалар учун ажратиб қўйган. Менга ҳам чоллар келиши билан маҳтал қилмай, дарров чой, патнисчада нон, қанд-курс олиб боришни тайинлаб туради.

Чойхонада яна битта «имтиёзли» жой бор. Ўртадаги хонтахта устига гулли дастурхон солинган. Кундузлари бу ерда ё битта-яримта узокроқ шаҳардан келган меҳмон ёки Тоғанинг ошналари ўтқазилади. Кечқурун эса бу жойга Ҳаким ҳофиз эғалик қилади.

Биринчи кунидек ҳофизга беғ кетдим. Ана овозу мана овоз. Агар отарчиларга ўхшаб микрофон ушласа, пардасини тешвораркан, деб ўйладим. Танбурни ҳам сайратиб юбораркан. Ҳамгин ашулаларни унча ёқтирмасдим, ҳофизнинг хонишини эшитгач, бошқа чойхўрларга ўхшаб ўрнимдан қимирлаёлмай қолдим.

Энг қизиғи бу ҳам эмас. Отарчилар битта тўйга икки юздан камига бормайдилар, яна қанча қистир-қистир. Ҳофиз бўлса, баъзан икки соатгача ашула айтиб, бир тийин ҳам олмас экан. Мамарайим аканинг айтишича, унинг отаси ҳам катта ҳофиз ўтган экан. Ота касбига меҳру ихлоси боис ишдан келаркану танбурини қўлтиқлаб чойхонага чиқаркан. Бир гал Тоға эриб кетиб, бош-оёқ кийим қилиб берган экан.

Кун исий бошлагандан ёзлик айвончага сўрилар қўйдик, аммо ёғингарчилик бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, палос солмадик, шунинг учун ҳозирча ҳамма ичкарида.

Чойхона мудури Иброҳим полвон паст бўйли, ғўлабир, қорақош, қисиккўз мўйлови ярашган одам. Мудирнинг вазифаси нималардан иборатлигини яхши тушунмадим. Пўрим кийиниб, шу ерда ўралашиб юради. Ҳушига тутиб қолса, битта-яримта

чойхўрнинг ёнига ўтириб гап сотади. Баъзан «идорага бориб келай», деб ғойиб бўлиб қолади. Аммо ҳар куни тушумни йиғиштириб, эринмай санаб, ёнига солиб олишни унутмайди. Қаерда бўлса ҳам — тўйга кетганми, маъракага кетганми, чойхонанинг ёпилишига етиб келади.

Ҳозирча мен билан муомаласи тузук. Гоҳи-гоҳида елкамга шапатилаб, «чойхоначиликни орзу қилганмишлар, ҳа шалпир пишиқ, содда муғомбир», деб қўяди. Мен ҳам ҳурматини жойига қўйиб, икки гапнинг бирида «тоға, тоғажон»лаб тураман.

Тоға ҳақиқатдан ҳам зўр полвон ўтган экан. Кураги ерга сира тегмаган. Фарғона, Ленинобод, Тошкентдаги полвонларни ҳам йиқитган экан. Кейин бирданига курашдан кўнгли совиб, шу чойхонани олган экан. Сабабини сўраб қолганларга «э, шунга ҳам ҳаром аралашди, номардликка чидай олмадим», депти.

Бир куни кайфияти чоғроқ пайтини пойлаб, бўлган воқеани сўраб кўрдим. Айтишича, роса омади келиб, довруғи ҳаммаёққа кетган йиллари уни Ўшдаги курашга таклиф қилишибди. У бунақа жойдан қолмас экан. Борибди. Катта сайил бўлаётган экан. У белбоғи орасига қўлини тиқиб ўртага чиқибди. Рақибни ўшлик Маткарим полвон экан. Бел олиб кетишибди. Икковининг кучи тенг эканми, «ҳайё-ҳайё», «ҳа, бўш келма», «қани, кўтар» деган қийқириқлар остида узоқ айланишибди. Охири рақибни чарчаб, бир оз бўшашибди. Шунда тоға уни энди кўтариб, ерга урмоқчи экан, у чалиб юборибди. Мувозанатини йўқотган Тоға ерга гурсиллаб йиқилибди.

Ўртада ётганмиш. Алам қилганидан турмабди ҳам. Ҳамма ёқни қийқириқ босибди. «Номардлик қилди», «чалиб йиқитди», «буниси ҳисобмас» деган овозлар эшитилаётганмиш. Тоға бош кўтаролмай даврадан чиқиб кетибди. Ҳакамлар унинг рақибини ғолиб деб эълон қилишибди. Роса тўполон бўлибди, курашдан ҳам файз қочибди.

Кейин маълум бўлишича, Маткарим полвон катталардан бирининг укаси экан. Уша одам ҳам сайилда қатнашаётган экан. Ҳакамларга битта ҳисори кўчқор ваъда қилиниб, ғолиб олдиндан белгилаб қўйилган экан. Ҳаётидаги энг оғир ҳақсизликка чидай олмаган Тоға шу-шу полвонлик уёқда турсин, кураш бўлаётган жойдан ҳам етти чақирим нари юрадиган бўлиб кетибди.

Мамарайим аканинг қаеридир Полвонга ўхшайди. Аммо у семизроқ, бўйни йўғон, сарғишдан келган, ўрдакка ўхшаб лапанглаб юради. Бошида ранги ўчган чустдўппи, эгнида халат. Кўпинча турган жойида ҳам кўзи кетиб қолади. Бўш қолди дегунча кавшанади. Улғудай беғам. Тоға икки марта тутаб, уч бор ёнганда ҳам «ҳа, жигар, энди шунақасиям бўлиб туради-да», деб қўяди. Ҳатто Полвоннинг болохонадор сўкишларига ҳам ўрганиб қолганми, миқ этмайди.

Айтишларича, хотини икки бола билан ажрашиб кетган экан. Сабабини сўрасам, «ҳа, энди, ношукур банда экан, бор-йўққа чидамади», деди. Туриб-туриб «во, дариғ, ўзинг йўлдан адаштира, инсоф бер шу хотинларгаям» дейишидан «роса тушган экан-да» деб қўяман. Ушандан бери қайта уйланмапти. Аммо топган-тутганидан уйли-жойли болаларига ҳам илиниб туради. Баъзан кечқурунлари, одам оёқлаганда, сув иситиб, кирларини ювади. Шунда оғзидан севган мақоли тушмайди:

Қозон олсанг, қоқиб ол,
Хотин олсанг, боқиб ол...

* * *

Аваллари чойхона дейишса, одамлар вақт ўтказиш учун шунчаки кириб ўтирадиган бир жой деб ўйлардим. Аммо у тасаввуримдагидан бошқачароқ экан. Шаҳардаги жамики янгилик борми, миш-миш борми, узунқулоқ гап борми — бари энг олдин шу ерда маълум бўларкан. Одамлар ҳасратию хурсандлигини, қайғусию ғийбатини шу ерга кўтариб келаркан. Биров шеригига юрагини бўшатиб, ўзи бошқасига тасалли бериб ўтираркан. Бу ерда сиёсату спорт ҳам, бозордаги нарх-навою Яқин Шарқдаги можаро ҳам, фалон директорнинг хулқ-атворию пистончининг ишдан кетиши ҳам — ҳамма нарса гапирилаверар экан.

Чет элларда жамоатчилик фикрини ўрганиш учун қўша-қўша маҳкамалар очиб, қанича-қанча ходимларга беҳуда маош тўлаб юришибди. Ушаларнинг калласи тузук ишламас экан. Бунинг ўрнига ҳар шаҳарга бештадан чойхонани очиб қўйиб, одамларнинг фикрини ёзиб олавер!

Ишонмасангиз, мана бу «гурунг»га бир қулоқ солинг-а:

— Кеча денг, маҳалламизда бир тўй бўлди, ёпирай. Тўй қилган бензинфуруш-да, пули кўп. Пулидан ҳам ошнаси кўп экан денг, бўлди қистир-қистир. Сатта ўнталик, йигирма бешталик. Пул ёғилиб кетди. Ҳалиги хизмат кўрсатган артист денг, буни кўриб, овози хириллаб, қулоғидан нафас олиб қолсаям, ашулани тўхтатмайди денг! Назаримда, битта машинанинг пулини ишлаб олди-ёв...

— Тўқчилик-да, тўқчилик. Сувники сувга, қолди қатиқнинг пули, деганларидай, текин топган шунақа якан сочади. Охири жойига топширгунча уйнагани қолади.

— Ҳой, бунисиям ҳолва экан. Энди мана бунга нима дейсиз. Чайқовчи Холпош гажжакни биласизлар, тилла билан ўралашиб туради. Шуни қўлга олишибди. Уйини

тинтув қилинса, қўлга илингудай ҳеч нарса йўқмиш. Олти яшар дудуқ қизи бор экан, ҳадеб тахмонга ишора қилаверибди. Кўрпаларни ағдариб, уйнинг деворини бузиб кўришибди. У ердан топилган қутида йигирма минглик заём, бриллиант кўзли иккита балдоқ, ўн беш шода марварид чиқибди. Гажжак алаמידан қизининг бошига теша дастаси билан туширган экан, у гапириб юборганмиш.

— Бир ёмонликнинг бир яхшилиги бор деганларидай, ўртада дудуқнинг тили очилиб қопти-ку!

— Эшитдингларми, янги шаҳарда бир бола иккинчи қаватнинг айвонидан ўзини ерга ташлапти? Нимага дейсизми? Анигини билмадим-у, назаримда онаси бузилиб кетган экан. Боланинг олдида уйга бегона эркак бошлаб келганмиш. Шунга чидолмаган шекилл. Қўшним «тез ёрдам»да ишлайди-да, ўша гапириб қолди.

— Ёш бола пок бўлади, ҳаромни ҳазм қилолмайди. Онасининг касофати бола бечорага урипти-да, бай, бай! Ҳай, ўзи тирик эканми?..

Шу тариқа чойхўрлар гоҳ ғазабланади, гоҳ шарақлаб кулади, афсус чекади ва тасалли топади, куйиб-пишиб гапини маъқуллайди ва оғзини ланг очиб, бошқаларнинг ҳикоясига қулоқ солади.

Чойхўрлар икки тоифага бўлинаркан. Доимий мижозлар кўпроқ. Улар шу ерда кунига бир бор чойхўрлик қилмаса, носқовоғини йўқотган кашандадай гангиб қолади. Бошқа бир тоифаси шунчаки йўли тушиб, чанқоғини босиш ёки нафас ростлаш учун бу ерга киради. Булар вақир-вуқир суҳбатга жимгина қулоқ солиб ўтиради. Чойи тугагач, чойнак қоғоғини тўнкариб, унга чақасини ташлайдию секин ғойиб бўлади.

Кўпинча ҳайрон қоламан: дунёда шунча одамлар бор-у, нега сира-сира бир-бирига ўхшамайди? Чеҳраси мос келса, хулқ-атвори тўғри келмайди. Гавдаси ўхшаса, овози бошқача. Бири — семиз, иккинчиси чўпдай ориқ, буниси малла бўлса, наригиси ҳабашнинг ўзгинаси, бири — гапдон, бошқаси оғзига талқон солиб олгандай, гунг, манависи — лапашанг, анавиниси тухумнинг тукини олиб, бурганинг думини узволадиган туллак.

Чойхўрларнинг ҳам бирорта қилиғими, гап-сўзими, башарасими ажралиб туради. Хув анави, тўрда ўтирган дўнгкалла, торпешона одам бир гапириб, ўн кулади. Сўз бошлашдан олдин «ҳа-ҳа»лаб қўяди. Арвоҳдай ориқ, қоп-қора, ҳиқилдоғи ўрнида чуқурчаси бор кўкдўппили одам тинимсиз йўталаверади. Кўзидан ёш чиқиб кетгунча йўталса ҳам, мўштуғига арзон сигарета жойлаб, кемшик тишлари орасига қистириб олади. Кетмонсоқол, кўзлари ўйнаб турадиган чол пулемётдақа тинимсиз сайрайди. Ёнига билмай ўтириб қолган чойхўр дарров бошқа жой ахтариб қолади.

«Штат»ли чойхўрларнинг кўпини таниб олдим. Ҳали тонг оқармай автобус ҳайдовчилари кириб келади. Қаймоққа иссиқ нонни ботириб еб, гангир-гунгир валақлашиб чой ичишади. Суҳбат мавзуи бир хил: «кечаси гаражда яна фаранинг ойнасини уриб кетибди», «баллонимда бирорта тиши йўқ, янгисини кимга беряпти, ҳайронман», «кеча саккиз сўм лева қипман», «энағар қатиқчи яна қаймоққа алланимабало қўшибди, заҳар-а, заҳар!»

Кейин бозорга қовун-тарвуз, сабзавот туширганлар киради. Улар бозорда ётиб, чойини шу ерда ичишади. Паттачининг ноинсофлигидан, дорини кўп солворгани учун қовунларнинг ичи тушиб қолаётганидан, олибсотарларнинг муғамбирлигидан нолиб қўйишади.

Кўпинча ҳарсиллаб-пишиллаб рўпарадаги дўконда гўшт сотадиган қассоб пайдо бўлиб қолади. Ҳали ўтирмасдан «ҳой, бола, чойдан опке, айт, аччиқроқ дамласин» дейди. Кейин сариқ кўн этигини ҳам ечмай, тўрға қилиб ўтириб олади. Танишми-нотанишми, ёнидаги одамнинг дам енгидан тортиб, дам елкасига нуқиб, мол бозоридаги ҳангомалардан айтиб, гапга тушиб кетади. Шеригини оғиз очиргани қўймай, чойи совиганига қарамай сўзлайверади.

Беш-олти нафақачи чол ҳам доимий мижозларимиздан. Абжиргина, бошқалардан тетикроқ ва қувноқроғининг ғалати «касали» бор. Уттиз йилдан буён газета-журналларда «ўқинг, қизиқ», «Шунақаси ҳам бўлади»; «Қурама» деган сарлавҳалар билан босиладиган ҳангомаларни йиғиб юраркан. Мамарайим аканинг айтишича, шунақа гаплардан ўнта папкани тўлдирганмиш. Ҳатто «бир одамнинг буйрагидан олти кило тош олишибди», деган гапга ишонмаган бир танишидан гаровга зиёфат ютиб олган экан. У чойхонага кириб келиши билан улфатлари дарров: «Хўш, мулла Мусавой, янгисидан борми?» деб қитиқлаб қўйишади. У худди шуни кутиб тургандай, чайнаётган нонини чала ютиб, дарров бошлайди:

— Яқинда «Неделя»да ёзибди: бир аёл йигирма икки йилдан буён уйқудан кўз очмасмиш...

Ориқ, эчкисоқол, бошига тўр дўппи кийган чол доим яктагининг бир енгини чиқариб юради. Аввал ҳайрон бўлувдим. Кейин билсам, енгиде беданаси бор экан. Баъзида беданасини енгидан чиқариб, узоқ томоша қилади. Қуш билан эринмай гаплашади. Кейин яктагидан қоғозга ўроғлиқ тухумнинг сариғини, чигиртканинг қанотини олиб, қўлидаги беданага тутади. Унинг овқатланишини завқланиб кузатиб туради. Сўнг пиёлага

чок қуяди. Уни узоқ айлантириб совутади. Кейин чойни хўплаб, оғзида беданасига ичиради. Парранданинг қорни тўйиб, чанқоғи босилганидан кўнгли тўлғач, авайлабгина яна енг ичига олади.

Футбол ишқибозлари ҳам чойхонамизни паққа қилиб олишган. Улар «Лахтак» командасининг ҳар бир ўйинчисини ўз ўғилларидан кўра яхшироқ билишади. Тоғаевнинг нечанчи туфли кийишию, Норбоевнинг қанча боласи борлиги ҳам қолмайди. Ўйин бўлган куннинг эртасига консилиумга йиғилган врачлардай тўпланиб олишади. Олдиларига чойнакни қўйволиб, ўйиннинг шунақанги авра-астарини чиқариб ташлашади-ки, агар буни Ахбор Имомхўжаев эшитса, шартта шарҳловчиликни йиғиштириб қўярди.

— Учинчи минутда Кабаев тўпни тўғри ошириб бермади-да занғар, юз фоиз гўл эди.

— Э, ҳаммасига Медведев айбдор. Тренер билан гижиллашиб қолгани учун стадионда номига судралиб юрди-да.

— Эшитдингларми, Климчук бошқа командаги кетармиш. Оқ «Волга» сўраган экан, сариқ «нўл олти» ваъда қилишибди. Шунга зарда қилиб қолганмиш.

— Э, шуям иш бўлдимми? Ун битта давангир йигит битта ўйинни эпломаса, минглаб одамларнинг дилини хуфтон қилиб ўтирса-ю, танобини тортиб қўядиган бирорта мард топилмаса. Ахир улар бутун шаҳримиз номидан ўйнашади, шаҳримиздаги халқнинг шаънини ҳимоя қилолса ўйнасин-да! Шарманда қилгани қилган бизни! Агар менга қолса, ҳаммасига этак бойлатиб, пахта тердирардим.

— Тўғри. Мана, мен брак чиқарсам таъзимни бериб, ойлигимдан ушлаб қолишади. Нимага улар расво ўйин кўрсатсаям маошини бир тийинини қолдирмай тўлашавераркан?

— Э, калланг ишламас экан! Агар бирортасига «сен» деб қўйгин, эртасигаёқ лашлушини кўтаради-ю, хайр-маъзурни насия қилиб, бошқа командага жуфтагини ростлаб қолади...

Ишқибозлар гоҳо шунақанги тортишиб кетишадики, ҳозир бирортаси чойнак билан шеригининг бошига тушириб қолмасайди, деб пўкиллаб тураман.

Баъзан чойхонага, Мамарайим ака айтмоқчи, «чўнглар» ҳам кириб туришади. Ёзнинг иссиқ кунда ҳам костюм кийиб, галстук тақиб юрадиган қайсидир идоранинг бошлиғи билан, оғзи тўла тилла тиш, силлиқ юзли, салобатли амаки тез-тез келишади. Бир-икки қўл шахмат ўйнашади, папирос бурқситиб, нималарнидир шивир-шивир муҳокама қилишади.

Улар кириб келиши билан аллақаяқдан Тоға ҳам пайдо бўлиб қолади. Менга янги кўрпача солишни, Мамарайим акага шкафдан лаби учмаган чойнак-пиёла олишни, чойнинг тозасидан аччиқроқ дамлашни буюради. Кейин улар билан бироз чақчақлашади, бир-икки аския қилишади. Аскиялари қизиқ чиқмаса ҳам, Тоға қотиб-қотиб кулади. Сўнг Мамарайим акага секин имлайди: «Бохабар бўлиб туринг, зарур одамлар. Ғиёсовнинг акалари прокурор билан гап ейишади», дейди.

Шунақа пайтда Тоғага ачинаман. Ундан хафа ҳам бўламан. Бир вақтлар манаман деган полвонларни чархпалак қилиб ерга урган, ҳеч кимга гап бермай юрган одам энди ўзининг ярмича келадиганларнинг олдида қўл қовуштириб турса, одамга алам қиларкан.

Баъзи-баъзида Абдурайим телба кириб қолади. Ўттизларга берган, кимдир берган кенг шимни кийиб, белини чилвир билан боғлаб олган, соч-соқоли ўсиқ йигит. Шунда чойхўрларга эрмак топилади. Биров уни чойга таклиф қилади, бошқаси қўлига танга тутқазади. Кейин уни гапга солишади.

— Хўш, мулла Абдурайим, энди тўйни қачон қиламиз?

— Нон ёптини эртасига, — дейди у лунжини тўлдириб нон чайнаркан.

— Хўп, уйлансанг нима қиласан? — дейди одамлар яна унинг жиғига тегиб.

— Кучоқла-а-б ётаман. Кейин манга кўпгина ўғил туғиб беради, — дейди у атрофдагиларга тиржайиб.

Яқиндан буён янги чойхўр пайдо бўлиб қолди. Новча, сочлари тўкилган, бурнининг тагида кўнғиздай мўйлови бор. Китель ичидан оппоқ кўйлак кийиб юради. Бирор марта кулганини кўрмадим. Кўп гаплашмайди ҳам. Ҳеч ким билан иши йўқ, индамай ўтираверади. Шунинг учун унга Индамас амаки деб от қўйиб олдим. Келиши билан чой обораман. Бир чойнак чойни икки соатча майдалаб, хаёл суриб вақт ўтказади.

Бир кун Тоғадан янги чойхўрнинг кимлигини сўровдим, жаҳли чиқиб, қўл силтади:

— Э, қўявер, малимларнинг идорасида ишларди. Бетгачопарлиги, заҳартиллиги учун катталарнинг назаридан қолиб, амалдан тушган. Илгариям шунақа ичи қора, борингда кўролмас, йўғингда беролмас одам эди. Қариса ҳам ўзгармади. Маҳаллага ҳам тузук аралашолмайди.

Тоға шундай деб нари кетгач, Мамарайим ака ўзича тўнғиллаб қолди:

— Ўзингнинг бирор тукинг ўша одамга ўхшаганда-ку, ярмингни ёзга, ярмингни кишга қўярдинг! Тўғри сўз, айбингни шартта-шартта гапирадиган одам кимга ёқибди?

¹ Муаллим демоқчи.

Мушугингни ҳам мақтасанг, бошини силаб, олдига лаққа гўшт кўйсанг, сенга суркалади, бўлмаса ёнингга йўламайди. Ё гапим нотўғрими, а?

Тушунолмай қолдим. Тоға унақа деса, Мамарайим ака бунақа деса. Ҳар қалай Мамарайим аканинг гапида жон борга ўхшайди. Индамас амакининг асабий қимтилган лабларида, одамга синчковлик билан боқадиган кўзларида пинҳона дард яшириниб ётганга ўхшайди.

Чойхўрлар ана шунақа бир-бирига ўхшамаган, бир-биридан сўзамол, бир-биридан ғаройиб одамлар. Уларни яхшироқ билиб оламан деган одам чойхонага келиб, бир чойнак чойни олдига қўйволиб ўтирса кифоя.

* * *

Эрталаб, сахархез чойхурлар энди тарқала бошлаган пайтда чойхонага икки киши шитоб кириб келди. Бири — новча, қотма юзида қони йўқ, ўзини ўта жиддий тутадиган олифта йигит, иккинчиси — бодомқовок, ёши ўтиброк қолган бўлса ҳам чиройликигина, сумка кўтарган семиз хотин. Кейин билсам, чойхонамизни санэпидстанция комиссияси босган экан.

Текшир-текшир бошланиб кетди. Иккови ҳаммаёини йўқотиб қўйгандай чойхонани бурчак-бурчакларига қараб чиқишди. Супага солинган кўрпачаларнинг четидан ижирғаниб кўтариб кўришди. Қўйқум тўкиладиган идишни ҳидлашди. Чойнак-пиёлани ёруққа солиб, ичини бармоқлари билан сидириб текширишди. Новча дўхтир негадир Мамарайим аканинг шошганида тескари кийиб олган яғир халатини ушлаб-ушлаб қўйди.

Яхшиямки, шу пайт аллақаяқдан Тоға келиб қолди. Бўлмаса, ҳали-вери Мамарайим аканинг қалтироғи босилмай, менинг ланг очилган оғзим ёпилмас эди. Тоға дўхтирлар билан эски қадрдонлардай қуюқ сўрашиб кетди:

— Э, келинлар, келинлар, қандоқ шамол учирди, биз томонларга. Хай-хай, зап кепсизлар-да!

— Бу, полвон ака, ўшанча гапдан кейин ҳам чойхона ифлос-ку. Энди акт ёзарканмиз-да!

— Ҳар куни тозалаймиз-у, эплаб бўлмаяпти-да. Қани, ичкарига кирайлик, ўша ерда гаплашайлик. Бир пиёла чойимиз бор. Эрталабки насибадан юз ўгириб бўлмайди. Акт ёзиш қочмас, — деб Тоға уларни қўлтиқлаганича ён томондаги хонасига бошлаб кириб кетди.

Орадан бир соат чамаси ўтгач, қайтиб чиқишди. Хотиннинг сумкаси қаппайган, йигитнинг тунд башараси мулойимлашиб қолган эди. У кетиши олдидан шундай кўрсатма берди:

— Бу сафар осон қутулдингиз. Агар чойхонангиз яна шунақа ифлос бўлса, мендан ўпкалаб юрманг. Уёқ-буёққа қаранг, чойнак-пиёлаларни янгиланг.

— Хўп бўлади, укажон. Ҳаммасини тўғрилайми. Келиб туринглар, — деди Тоға қўлини кўксига қўйиб хайрлашаркан.

У чақирилмаган меҳмонларни кузатиб қайтаркан, аввал чуқур уф тортди. Кейин Мамарайим акага зуғум бошлади:

— Ахир булар келганда аммамнинг бузоғидай хўшшайиб туравермай, мундоқ олди-кетинга қарасанг ўласанми? Ё тахтдан тушиб қоласанми? Тинчитгунча она сутим оғзимга келди-ку, бу зарангларингни. Бир кунлик тушум қулоғини ушлаб кетди.

— Э, хўжайин, илвисга ўхшаб ердан чиқдим, осмондан тушдим — билмай қолибман. Кўз кетиб қолган экан. Мундоқ қарасам, рўпарамда бақрайиб турибди.

— Сенга мудраш бўлса, бас. Дунёни сув босса, тўпифингга чиқмайди. Чойхонанинг тангаси ширин, ғалвасига Полвон балоғардон, — Тоға жаҳл билан кўкрагига урди.

— Хўроз қичқирмай келсам, «Время»ни тугатиб кетсам. Виходной йўқ, кун иссиқ, одамни мудроқ босаваркан-да, хўжайин, — деди Мамарайим ака бўшашиб.

Тоға унинг гапига қўл силтаб нари кетди. Кейин супага этик билан чиққан чойхўрга заҳрини сочди:

— Ахир уйингизда шундай ўтирасизми? Ҳар ойда янги кўрпача қавийвериб хотиннинг қўли қавариб кетди-ку! Кўряписизлар, чиққани пастак том яхши, деб комиссия-сининг топволгани шу чойхона. Бошқаси пашшага макон, сасиган дўкон бўлиб ётибди-ю, уларни текширишмайди. Бошқа самоварчиларга ўхшаб, шамани қуритиб, чойга аралаштирмасам, одам тўплаш учун самоварнинг жўмрагига аччиқтош бойлаб қўймасам. Полвоннинг айби орияти кучлилигида, гап кўтаролмаслигида...

Бояги чойхўр лавлагидай қизариб, оёғини осилтириб олди. Аммо ҳамон Тоғанинг ҳовури босилмас, эрталабки харажатнинг алами кетмас эди. У куйиб-пишиб, қизариб-бўзариб чойхўрларга гап уқтирарди:

— Мана, ўзингиз биларсиз, бирорта чойхоначи менчалик жон куйдирармикин? Ҳали хўроз чақирмай самовар қайнайди. Эшикнинг тагида тонг оқармай иссиқ нону қайноқ ҳасип, янги узилган узуму қатиқ-қаймоқнинг энг аълоси тайёр турса. Бунақасини бошқа шаҳарлардан топиб бўпсиз!

— Куйинаверманг, полвон! Яхши бўлгани учун чойхонангиздан одам аримайди-да. Шинаванда шинаванданинг қадрига етади, — тасалли берди тепакал чойхўр салмоқланиб. — Қанийди, театрга шунча одам кирса. Директори суонганидан тўй қилиб берарди.

Биров чойхонани мақтаб қўйса, Тоғанинг бир қоп семиришини яхши биламан. Бу гап ҳам унга сариеғдай ёқди, шекилли, қўлини бир-бирига ишқаб, тепакалнинг олдига бориб қолди. Аммо унинг бўғриққан юзида одатдаги қувонч аломати сезилмасди.

— Одамга алам қиларкан-да, Мақсуд ака, — деди Тоға тепакалга мўлтираб қараркан. — Шаҳарга мусофир келса, аввали чойхонани ахтаради. Уйда сиқилиб қолган ҳам губорини ёзгани шу ерга чиқади. Одамларнинг кўнгли кўтарилсин, дили яйрасин деб тиришганим шунга. Лўли аравасини ясатгандай, нима топсам, шу ерга ташийман. Болаларимга обермаган рангли телевизорни шу ерга қўйганман. Ана шу сайроқи беданаларнинг ҳар бирини эллик сўмдан тўлаб Асакадан олдириб келганман-а! Яна ким ёмон — Полвон ёмон!

— Кимга қанақалигини билмайман-у, агар нонуштани шу ерда қилмасам, чой ичгандай бўлмайман, — бошқа бир чойхўр Тоғанинг кўнглини эрита бошлади. — Шу ерда бутун ғам-ташвишингни унутгандай бўласан. Ҳатто ашула ҳам қулоғингга бошқачароқ эшитилади.

— Ҳа, ўлманг, — Тоға дўпписини олиб, тиззасига урди. — Аммо одамлар орасида ичиқора, ҳасадгўйи кўпайиб кетяптими, дейман. Гадонинг душмани гадо, деганларидай шу юришимни кўролмайдиганлар бор. Полвоннинг иши гуриллаганини билиб қолса, аламлидан кўкариб кетади. Сезиб турибман, бугунги текширувни ҳам ўшалар уюштирган. Ҳей, номард, агар бошингда дўппи, белингда белбоғ бўлса, нима қиласан бунақа пинҳона олишиб. Бунинг ўрнига санам чойхонангни тузат, кўз қувонгудай безат, чойни аччиқроқ дамла, ширин сўзингни аяма, аблаҳ! Агар одам оқиб келмаса, мана, Полвон қафил!

Ҳай, бу машмаша ҳам яхшилик билан тугади шекилли. У ёққа шилқиллаб, бу ёққа лиқиллаб кечга ҳам етиб келдик. Чойхонага одам сиғмай кетди. Самовар шақирлаб қайнаб турибди. Ғала-ғовур мол бозоридагидан ҳам кучлироқ.

Бурчакдаги сўрига тиқилишиб олган ўн чоғли чойхўр даврасида қийқирик, кулги. Қўйлагининг тугмаларини ечиб олган сержун амаки икки бармоғи билан лабининг четларини арта-арта нимадир айтиб, одамларни кулдирияпти. Чойнакнинг бўшини сўраб, яқинроқ бордим.

— Энди Шаҳобиддин акамлар Отелло ролিদлар.

Ҳамма ялт этиб сарғиш юзи туксиз, кампирдаҳан, мулойим табиат одамга ўгирилди.

«Абаси, дастрўмолни қайга қўйгансиз?» — деб у муқаллидликни бошлаб юборди: «Вой, Отеллохон ака, ўша зорманда рўмолчани сўрайверасизми, йўқотиб қўйибман, дедим-ку!»

«Ҳмм. Йўқотибман денг, дастрўмол зотига ўт тушибдими, уни йўқотган бўлсангиз, бошқасини опкелаверинг!»

Гурр этиб кулги кўтарилди. Сержун амаки даврадагиларнинг феълидаги нозик жойларини топиб, мўлжалга беҳато ураётган шекилли, нишон бўлганларнинг ўзлари ҳам қотиб-қотиб кулишади. Одамларнинг қаҳқаҳаси босилмай туриб, у яна ҳаммани оғзига қаратди.

— Лутфулло ака рўмолча саҳнасини мана бундоқ ўйнаган эканлар: «Дездемона... — шунда даврадаги ялпоқ юз, бурни шолғомдай киши ўрнидан туриб кетмоқчи бўлиб ёлғондакам кўзғолиб қолди. Икки-уч киши уни жойига ўтқазиб қўйишди. — Дездемона, ҳо Дездемона, сенга айтяпман, овсар, рўмолча қани?»

«Дадажониси, рўмолчани йўқотиб қўйибман!»

«Хотин зоти шу-да, сира омонатни ишониб бўлмайди. Рўмолчани йўқотган бўлсанг, дастурхон бордир, опчиқавермайсанми!»

Ялпоқюз амаки чўтир бурнини ушлади. Яна қаҳқаҳа самовардай биқирлаб кетди.

Сержун амаки бирпас жимиб қолди. Даврадагиларнинг кулгуси пасаяр, бўлиб ўтган гаплар эсга тушиб, у ер-бу ерда яна кулгу кўтариларди. Тоға ҳам сўрига яқин келиб қорнини селкиллабди кулар, ёшланган кўзларини тинмай артар, «зўр, зўр, бопладинг азамат», деб қўяр эди.

Муқаллид нишон тополмагандай даврадагиларга бирров кўз югуртириб чиқди. Кейин шундоққина сўрида орқасини ўгириб ўтирган Индамас амакига ўгирилди.

— Энди Ғофиржон аканинг Отелло ролини қанақа ўйнашларини эшитинг.

Индамас амаки унинг гапини эшитмагандай миқ этмай ўтирарди.

«Дездемона, ҳой сенга айтяпман, рўмолча қайда қолди?»

«Уни йўқотиб қўйдим, кечиринг, хўжайин!»

«Нима? Йўқотиб қўйдим? Шахсий мулкка бунақа бепарқ бўлишни сенга кўрсатиб қўяман! Ҳали қаттиқ жазоингни олсан!»

Яна «ваҳ-ваҳ», «хо-хо-хо», «ҳа-ҳа-ҳа», «ҳи-ҳи-ҳи». Бу ғал айниқса тақлидчининг ўзи мириқиб кулди. Шу пайт Индамас амаки орқасига жаҳл билан қаради. Сўридагиларнинг нимага кулаётганига тушунмай, ҳаммага бирма-бир ўқрайиб назар солиб чиқди. Давра

сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Охири унинг кўзлари сержун амакининг ҳали табассум тарқ қилиб улгурмаган юзига тушди.

— Ҳа, Нуъмон, оғзингнинг иштонбоғи қочиб кетибдими?

Сержун амаки ғўра ўғирлаб қўлга тушган боладай дув қизариб кетди. Наҳот кутгандай ён-веридагиларга қаради. Ҳеч кимдан садо чиқмагач:

— Шунчаки ҳазиллашувдим, Ғофиржон ака, — деди ялинчоқ овозда. — Агар оғир ботган бўлса, кечиринг.

— Топган ҳазилингни қараю! Ҳазилингни катта холангга қил, тушундингми?

Ўтирганларнинг бири иш расво бўлганини сезиб, шартта ўрнидан турди.

— Қани, кетдик, ўйиндан ўт чиқди, — деди. — Давомини катта холаминикида қиламиз.

— Ишхонада кулолмасанг, уйда хотин ўқрайса. Битта шу ерда яйраб ўтирардик, бунгаям пашша тушди, — деб яна кимдир ўзича тўнғиллади.

Индамас амаки ҳамманинг таъбини тирриқ қилиб қўйганига ўзи ҳам хижолат бўлди шекилли, бошини эгганича хомушланиб қолди. Шу топда у ҳаёл суряптими ёки қилган ишидан афсусланыптими — белиш қийин. Унинг шашти пасайганини сездим, ё чой-хўрларнинг гапи оғир ботдими, ҳар қалай энди Тоға хуружга кирди:

— Менга қаранг, хў Ғофир ака. Нима, сизга чойхона азахонами? Қачонгача сиздақаларни деб чойхонада ҳазил қилиб бўлмайди? Бир вақтлар сизга ўхшаган биттаси «ғийбатнинг уяси» деб ҳамма чойхонани бекиттириб ташлаганди. Оқибатини кўрдик-ку! Эркаклар уйда хотинлари билан эрсак-терсак айтишавериб жанжал кўпайди, одамлар ҳасратлашгани жой тополмай, ресторанда ароқхўрлик қилишни ўрганди. Яхшиямки, улуғларимиз ўз вақтида эс-ҳушларини йиғиб олишди. Энди яна чойхонага осиялмасизми? Сиздақаларнинг дастидан чойхўрлар яйраб ўтиролмайдимми?

— Утираверсин, фақат бошқаларнинг иззат-нафсига тегмай ўтирсин, — деди Индамас амаки тилга кириб.

— Э, садқаи одам кетинг. Гап ёқмаса, нима қиласиз чойхонага чиқиб? Шунақаям бадқовоқ бўладими?

— Ҳақорат қилма, полвон! Беш тийинли чойни ўн тийиндан пуллагани уялмайсан-у, яна тилинг бурро, ўзингни покдомон қилиб кўрсатасан.

— Ҳой одам, отам бўлсанг ҳам тўхмат қилма! Қачон сенинг ортиқча пулингни олибман? Бировнинг ҳақини шилиб, бола боққандан кўра кесак тишлаганим афзал менга, агар билсанг. Сан полвонни ким деб ўйлаяпсан? Шароит мажбур қилмаса, ҳар томондан «чўз-чўз»лаб турмаса, чойни бепул сотмасам, полвон отимни бошқа кўяман!

— Бойваччалик қилмагин-у, чойни нарҳида сот, ноинсоф.

Тоға бу гапга чидолмай қолди. Бир ҳатлаб Индамас амакининг рўпарасида пайдо бўлди. Қўли қилич, кўзлари ола-кула, қичқира кетди:

— Тўхта, тўхта! Қачондан буён сен одам саналиб, чойхонага чиқадингман бўлиб қолдинг? Мана шунақа мижғовлигинг учун-ку, ишдан ҳайдалиб, итнинг кейинги оёғи бўлиб юрибсан!

— Ишдан кетганимга ачинмай кўяқол. Барибир ҳақ жойида қарор топади. Битта кўрнамакнинг иғвосига учиб, мени бадном қилишган экан, бунгаям хафа эмасман. Адолат деган нарса бор дунёда. Эгилса ҳам синмайди, тушундингми, синмайди...

Тоға шу гапдан кейин бирданига ўзгариб қолди. Қизишиб кетиб, Индамас амакига қаттиқ озор бериб қўйганидан ўкингандай, шашти пасайди, қўллари шалвираб, ёнига тушди.

— Узр, Ғофир ака, — дея сўник овозда гапирди, — жаҳлим чиққанда, шунақа, отамни ҳам танимай қоламан. Менам бир чапани одамман. Бу ёруғ дунёга келиб, жиндай савоб топармиканман, яхши ном қолдирармиканман деб, шу чойхонада тентираб юрибман. Баъзан укам тенги болага қуллуқ қилишимгаям, гоҳида битта ўпкасини қўлтиқлаган тирракининг олдида бўйним ҳам бўлсам, минг азобда чида-япманки, одамларга хизмат қилсам бўлди, деб...

Аммо Индамас амаки унинг узр сўраётганини сезмагандай ҳамон қалтираб турарди. Буни кўрган Тоға ўзига ярашмаган синиқ овозда хижолатомуз гап бошлади:

— Мана, Ғофир ака, ўзингиз тушунган бўлсангиз керак. Ҳалол бўламан, ҳақиқатни топаман, деб нима аҳволга тушдингиз? Шунча йил ҳамма нарсадан ўзингизни тийиб, сиполик қилиб, нима обрў топдингиз? Одамзод ёмон бўлиб кетган. Агар оқимга қарши сузадиган бўлсанг, бошингдан босиб сувга чўктиришади. Менга ҳам ҳамиятни, ғурурни бир чеккага суриб қўйиб, эчкини така, мушукни ака деб юриш осон деб ўйлаисизми? Виждон, виждон деяверган билан, виждонингга ҳайкал қўйишмас экан...

Индамас амаки унинг гапини эшитгиси келмагандай силтаниб ўрнидан туриб кетди. Пешонасини тер босди. Эшитилар-эшитилмас деди:

— Менга ачинмай кўяқол, мен шунақаман, бошқача яшолмайман, эшитяпсанми, бошқача...

Лекин гапини тугатолмади. Лаблари асабий қийшайиб кетди. Чап кўкрагини ишқаб туриб қолди. Чойхўрлар кўнгилсиз воқеанинг нима билан тугашини хавотир билан кутар, ҳеч ким чурқ этишга ботинмас эди.

Индамас амаки қалқиб, икки-уч қадам босди. Каловланиб анчагача туфлисини кияолмади. Атрофдагиларга ҳасрат билан қаради-ю, кейин маст одамдай гандираклаб чойхонадан чиқиб кетди.

Юрагим сиқилди. Индамас амакининг аҳволини, тушунмовчилик туфайли ноҳақ ранжитилганини эслаб, ўқиндим. Узи дарди ичида, ҳамдард тополмай юрган экан. Юрагини бўшатаман, деб чойхонага чиқиб, дили хуфтон бўлди. Ишқилиб, уйига етиб олдимикин?

Шу топда Тоғага ҳам раҳмим келди. Боя рақибини қочирган дакан хўроздай қипқизариб, керилиб юрган одам ҳозир курк товуқдай хурпайиб, шумшайиб қолди. Нима қилишини билолмай, уёқ-буёққа юрар, чойхўрлар олдида тўхтаб, гап тушунтирарди: «Нима қилай, гапим шунақа тўнғроқ, ўзи сансирагандан кейин чидолмай қолдим-да!»

* * *

Оламда ҳар хил одам бор экан-да! Тавба, қариганда сандалга белни товлаб, кампирнинг кўнглини овлаб ётса бўлмасмикин? Буларнинг ҳафсаласига қойил қолиш керак. Ҳўв анави чолларни айтяпман-да! Ҳозир тоғни парчалаб, кўлни ҳовучлаб ташлайдиганлар бир маҳалла наридаги онасидан хабар олгани эринади-ю, булар шаҳримизни томоша қилгани нақ Андижоннинг Чувамасидан келишибди. Кўнгиллари чойхонада девзирадан ош дамлаб, бир мазза қилишни тусаб қолганмиш.

Сахархез чойхўрларни эсон-омон кузатиб, энди нафас ростламоқчи бўлиб турувди, тўртовлон саломни қаюқ, йўтални дудуқ қилиб кириб келишди. Ҳаммасининг кўлида ҳасса ўрнига қоғоз халта.

Меҳмон отангдан улўғ, дейишади. Уф торта-торта уларга дастурхон солдим, пичоқ, тахта обориб бердим. Мамарайим ака белини ушлаб, бошини қашлаб ўтин ёргани чиқиб кетди. Чолларнинг бири сабзи тўғрашга, бошқаси гўшт майдалашга, биттаси бурнига кўзойнак кўндириб, гуруч тозалашга тушди.

Бекорчиликдан шифтга тикилиб, хаёл суриб ўтирсам, меҳмонларнинг бири қақариб қолди. Сийрак соқол, чаккада нўхатдек хол, ҳар гапида мақол, абжиргина чол — ошналарининг бандлиги учун мен билан гаплашиб ўтирмоқчи шекилли. У носини туфлаб, чойини хўплаб, уқтира кетди:

— Ман санга айтсам, отам, юрган дайро, ўтирган бўйро экан. Қимирлаган қир ошар деб, кампир шафтолини данагидан ажратгунча у шаҳардан бу шаҳарга кеп қопмиз. Улфати чор, анда маза бор, деганларидай, тўрт оғайни кампиршоларнинг минғирминғиридан, болаларга қозилиқдан зерикиб қолсак, чопонни бар уриб сафарга жўнаворамиз. Самарқанду Бухоро ҳам, Туркистону Уш бўвўм ҳам, Кўқону Шохимардон ҳам қолади. Ҳоз тўдаси йўлбошчисиз бўлмаганидай, ман буларнинг кўмондониман. Бирортаси гапимни икки қиллолмайди. Тўғрими, маймоқларим? — дея у шерикларига юзланди.

— Керил-а, керил, маймоқ бизми ё ўзингми? — дея гўшт-ёғ тўғраётган чол истеҳзо билан унга қараб сўз қотди. — Раиснинг тўйида улоқни ўртага ташлаб бераман, деб уч кунгача белига кепак қиздириб босган, атала ичиб ётган ким эди?

— Бўлди, бўлди, оғзи қийшиқ бўлсаям, бойнинг боласи гапирсин экан-да! — деди Кўмондон кемшиқ тишларини кўрсатиб куларкан. Кейин менга уқтира кетди: — Бунимизнинг лақаби Бойвачча, ўн битта ўғил-қизи бор. Анави кўзойнакли — Мударрис. Уттиничи йилларда чаласаводларга дарс берган. Манави ошнамаизга ҳамма гапга лаққа тушаверганидан мулла Байбай деб лақаб қўйганмиз.

— Жа чечанлик қилавурмай, ўзингни лақабингни ҳам айтиб қўй! — деди Мударрис кўлини дастурхонга артаркан.

— Айтсам-айтавераман, бунинг ҳеч уят жойи йўқ. Отимни Абдукарим қўйишган, шунга Эчки бўп кетганмиз. «Эчкининг оти мулла Абдукарим» деган гапни эшитгандирсан? Уша биз, ғиринг демай тан оламиз.

Чоллар жимиб қолишди. Ҳамма яна ўз машғулотига берилди. Фақат Кўмондон чой хўпларкан, ора-сира ёнидагиларга маслаҳат бериб қўяди: «Кетмон чопавериб қўлинг дағаллашиб қолибди, сабзи деганин майин тўғраш керак. Мударрис, кўзингга қара, агар битта тош чиқса, товоқ билан бошингга тушираман». Боя уларнинг ташрифидан тутоққан бўлсам, энди беғубор ҳазил-хузулидан ширгуручга тушган сариеғдай чайқалиб ўтирибман.

Бойвачча тайёр масаллиқларни кўтариб ўчоқ бошига кетди. Қолганлар оҳишта суҳбатга берилишди. Менинг олдимда улфатларидан устунлигини билдириб қўймоқчи бўлдимга, ҳарқалай Кўмондон яна бошқаларга гап бермай қўйди:

— Кексайганда одамнинг кучи фақат жағида қоларкан. Биз сайрайверамиз, эшитиш сандан, отам. Инсон азиз, яшамоқ лазиз, деган кунлар энди келди. Ҳозирги ҳаётдан нолиганини кўрсам, тепа сочим тикка бўлиб кетади. Э, отам, бу қаттиқ бошдан нималар ўтмади. Николайнинг мардикориниям, «от кўрдиси»ниям гувоҳи бўлдик, босмачиниям, қимматчиликниям кўрдик. Кўлхўззиям туздик, урушниям урушдик. Мана шундоқ кунларга ҳам етиб, ҳар ойда ҳукуматдан нафақани қуртдаккина қилиб олиб турибмиз. Еганимиз — олдимизда, қайга бораман десак, ҳаптобус, пойиз тайёр. Қандингни ур,

азаматлар, деб юрт кезиб юрибмиз-да... Байбай-ку, учма-пойизда нақ Масковгача бориб келган. Узинг гапириб бер, Байбай!

— Э, қўйсанг-чи, — деди у хижолатомуз, — сенга гап топилиб қоптида!

— Нега тайсаллайсан, манави отам ҳали учмапойизга тушмаган бўлса керак. Бир эшитиб, маза қилсин!

— Ҳай, қўймадинг-қўймадинг... Катта невара Масковда олимликка ўқирди. Бир келинг, кўрсатаман, деб туриб олди. Ҳай, борсам-борай, яна Масковни кўрмай ўлиб кетмай, дедим. Манавилар учмапойизга чиқариб қўядиган, уёқда неварам кутиб оладиган бўлди.

У шу ерга етганда Қўмондон тиззасига шаппатилаб кула бошлади. Бошқалар ҳам ҳиринглашга тушди. Нима гаплигини тушунмай, бирма-бир чолларнинг оғзига тикиламан. Байбай ёшланган кўзларини яктагининг енги билан арта-арта ҳикоясини давом эттирди:

— Булар гапни бир жойга қўйиб, мени бопламоқчи экан-да. Душманам ҳам шунақа қилмайди. Учмапойизга чиқиш олдидан берган маслаҳатига лаққа тушиб, роса шарманда бўлдим. «Агар захар танг қилиб қолса, хизмат қилиб юрган чиройли қизлардан бирига айтасан, учмапойизни тўхтатиб, эшигини очиб беради», дейишувди. Юқорига кўтарилдик. Секин ёндаги тўйнуқдан ташқарига қарасам, бай-бай, осмони фалакка чиқиб кетибмиз. Булутлар ҳам пастда қолибди. Кетяпмиз, кетяпмиз, поёни кўринмайди. Қаричилик курсин, безовталаниб қолдим. Муңдоқ қарасам, сира учмаётганга ўхшаймиз. Тўхтабмиз, шекилли, деб бояги малласоч ҳурлиқога «эшикни очиб бер» дедим. У аввалига тушунмади. Ён-веримдагилар тилмочлик қилиб айтишгач, кулавериб ичаги узилиб кетай деди. Шунда манави соқолига қуя тушгурлар лақиллатганини фаҳмлаб қолдим.

— Кейин нима бўлди, ўшани айтиб бер, — шериклари яна уни «қитиқлашди».

— Кейин эсон-омон Масковга кўндик. Эшикдан чиқиб, муңдоқ зинага қарасам, калиш йўқ. Анжанда минаётиб калишни зинага ечиб қўювдим. «Масковда ҳам калиш ўғриси борми?» деб ҳалиги ҳурлиқодан сўрасам, яна қотиб-қотиб кулади, холос. Такси-мошинагача маҳсичан борибман.

Сухбатдошлар икки ёнга ташланиб, кўзлари ёшланиб кулар, уларга қўшилиб ҳикоячи ҳам тишсиз оғзини очиб қиҳқиҳлар эди.

— Мана шунақа, бизнинг Байбай дунёнинг нариги четигача бориб келган. Хўп, бунисини эшитдик. Энди тўптепардаги воқеани ҳам айтиб бер.

— Бўлди, жа содда одамни топволиб кулавараркансизлар-да.

— Ўзингни бозорга солмай айтавур-да, яна бир эшитиб, мириқсак-мириқибмиз. Иннайкейин номинг тарихда қолиб қетади, Анжандан ҳам шунақа балелшик чиққан экан, деб, — дея яна уни қистовга олишди.

— Бўлмаса эшит, ука. Булар бурноғи йили мени Тошканга олиб борди. Пушкин боғидаги чойхонада роҳат қилиб ўтирувдим. Уша куни тўпўйин бор экан. Шуни кўрамиз деб туриб олди. «Қариганда мунингга бало борми», десам, қўймайди. Кел, борсам-борай, шуюм армон бўлиб юрмасин, деб кўндим.

Тўптепарга кириш олдидан тинмай қулоғимга қўйишди: «Тўп ўйинчининг оёғига тушган захоти қийқириб турасан, «бале» десанг ҳам бўлаверади. Тўп дарвозага кирса, ўрнингдан туриб қарсак чаласан», дейишди. Ўйин бошланиб кетди. Тумонат одамнинг ичида ўтирибмиз. Нафас етмасаям баҳолиқудрат қийқириб қўяман. Орқамда бир барзанги ўтирувди. Ҳар гал қийқирсам, алланимабало деб ғулдирайди, болохонадор қилиб сўкинади. Тўп дарвозага кирганда ўрнимдан туриб, жон-жаҳдим билан қарсак чалишимни биламан, елкамга тушган муштдан тиззам букилиб кетди. Ҳа, ука, қўлинг қичияптими, десам, ҳалиги барзангининг авзойи бузук. Кўзини ола-кула қилиб: «Соқолингни ҳурмати бор, бўлмаса қарсак чалган қўлингни сира қимирламайдиган қилиб қўярдим», дейди аблаҳ. Кейин билсам, рақиблар бизга тўп урган экан. Ҳафсалам пир бўлиб, охиригача ҳам кўрмай мусофирхонага жўнавордим...

Яна қаҳқаҳа чойхонани кўтариб юборай деди. Байбай соддалиги ўзига нашъа қилиб шолғондай қизариб кетган, қолганлар унинг ўша пайтдаги аҳволини кўз олдиларига келтириб, кулгидан ўзларини тўхтатиша олмас эди.

— Марғилондаги чойхонада нима бўлганди? Индамасак ҳали уни ҳам гапириб берарсан? — Қўмондон яна шеригини гижгижлади.

— Э, йўқ, сенларга майна бўлиб ўтирган мен аҳмоқ! — Байбай қўлидаги пиёлага термулганича бош чайқади.

— Агар ноз қилсанг, ўзим боплаб айтиб бераман, — Қўмондон ёлғондакам пўписа қилди. — Фақат адашиб кетсам, йўлга солиб турасан.

— Айтсанг-айтавер!

— Утган йили ёзда Марғилонга бордик, — дея бошлади Қўмондон шерикларига кўзини қисиб қўяркан. — Мана шунақа чойхонада ош дамладик. Паловни сузиб келишганда Мударрисга секин имлаб қўйдим. Қўл ювиш баҳонасида ўрндан туриб Байбайнинг калишини бекитиб келди. Ош ҳам ейилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилди. Турамиз десак, Байбай типирчилаб қолди. Яп-янги калиши йўқолганмиш. У ер-бу ерни

қидирган бўлди. Ҳамманинг эътибори бизда. Бундан Байбай баттар хижолатда. Охири Мударрис, ўн сўм берсанг калиш топиб келаман, дея унинг жонига оро кирди. Битта қизил қоғоз Мударрисга, калиш Байбайга ўтди. Мударриси тушмагур калишни бераётиб: «Сан маҳсичан қолмагин деб ҳўв анави чолнинг калишини ўғирлаб келдим, эҳтиёт бўл, чиқиб кетаётганигда таниб қолмасин», деди. Буни эшитиб, Байбай тамоман довдираб қолди. Нажот кутгандай ҳаммамизга мўлтираб қарайди. Унинг аҳволини кўриб, раҳмим келиб кетди. Байбайга: яна ўн сўм узат, Мударрис бориб чолни тинчитиб келади, дедим. У ёлдираб, тайсаллаб яна ёнини кавлади. Хуллас, афандиси тушмагур ўшанда ўзининг калишини йигирма сўмга сотиб олган. Шундан буён қаерга борсак, Байбай калишини тагига босиб ўтиради.

Чоллар яна қотиб-қотиб кулишди. Байбай деганлари «улфатларим яна шумлигини бошламадимми» дегандай кўрпачани қайириб, калишини ушлаб қўйди. Унинг бу қилиғи тагин қаҳқаҳага сабаб бўлди.

Ниҳоят ҳазилкаш чоллар кўзғалиб қолишди. Эрталаб уларнинг келганини қанчалик малол кўрган бўлсам, ҳозир кетишидан шунчалик ўкинардим. Қўмондон увушган оёқларини силаркан, Мамарайим ака билан икковимизни чақирди. Шерикларига «чиқаверинглар» дегандай имо қилиб, кейин бизга тайинлади:

— Раҳмат, оталарим, чойхонангиз бунданам обод бўлсин. Ўзи, нафсамбирини айтганда, меҳмондўстлик, чойхона, аскиясиз ўзбекнинг турмуши кемтик бўлиб қолади. Мана шуни эсдан чиқарманглар. Анжанга борганда биз томонларга ҳам ўтинглар, бир отамлашамиз. Бизларники Ҳабибий домла яшаган Қўқонқишлоқнинг ёнгинасида. Жа обод жойларимиз бор, бир томоша қилиб келасизлар. Бўпти, кўришгунча!

Уларни кузатиб қайтарканман, юрагимда ғалати бир ҳис кўзғолиб қолди. Оламда турфа одам бор экан. Баъзиларнинг қилвирлигидан, алдамчилигидан ғазабланиб, ўзингни кўйгани жой тополмай қоласан. Хиёнаткор ва таъмагирларнинг қилмишларидан дунё кўзингга қоронғи кўринади. Жиндай устунлик учун дўстига ҳам ёвузлик қилаётганларни учратиб, инсон зотидан кўнглинг совийди. Аммо ҳозиргидай беғубор, содда, беозор ва шинаванда кишиларга рўпара бўлсанг, бояги барча қабиҳликларни зумда нутиб юборасан. Ҳамма кўзингга фариштадай пок, мусичадай юввош, донишмандлардай оқил, беш кунлик кўёвдай. дилкаш кўриниб кетаркан. Ҳаётимизга безак, дунёга тиргак, ҳар қадамда керак одамлар худди шулар эмасми?

* * *

Чойхонада ғала-ғовур. Тамаки тутуни самовардан чиққан бугга қўшилиб, одамларнинг устида булутдай сузади. Чойи тугаб қолганлар чойнак қопқоғини шиқиллатишади. Мамарайим ака иссиқдан лоҳас бўлиб мудрайди. Бирдан сесканиб ўзига келади-да, кирган-чиққанларга мулозамат қилиб қўяди:

— Кеп-кеп турина, меҳмонлар! Хуш кепсилар, тўхсан бешидан бўлсинми?..

Кейин гапи ўзига нашьа қилиб секин қиҳ-қиҳлайди: «Тўхсан беши омбор мудирю Полвондан ортармиди? Нотавон кўнгиллари шунақасини тусаб қопти-да, а, Мамарайим?»

Унинг гапига куламан. «Тўқсон беш» уёқда турсин, борини ҳам кўнгилдагидай дамламайди-ю, яна керилишини!

У ёққа чолиб, бу ёққа қатнаб оёқ узилиб тушай деди. Чойхонада одам кўпайса, Тоға ҳам, Мамарайим ака ҳам хурсанд, менинг эса юрагим безиллайди. Ҳозир ҳам нафас ростлаш учун супанинг бир четига ўтирдиму ўзимдан хафа бўлиб кетдим. «Менга нима-си зарур эди бу ерда ишлашни ҳавас қилиб? Тинчгина гранкамни ўқиб юрувдим. Ҳаётни ўша редакцияда ҳам ўрганса бўларди-ку!» Шунақа деб ўйлайману яна ўзимга тасалли бераман: «Озгина қолди, чиданг энди, мулла Нусрат! Димиққан хонада шифтга тикилиб ҳикоя, мақола ёзишмас бу сизга! Бу ердаги одамлару гап-сўзлар етти ухлаб тушингизга кирганмикан?!»

Хаёлимни қафасдаги қушларга термилиб турган беш-олти ёшли болакай бузди. Чойхонага болалар кам келади. Уни уч-тўрт сафардан бери бир чол етаклаб келади. Набираси бўлса керак.

Бобоси жуда ғалати. Қомати эгик, этида жири йўқ, каммурт одам. Доим ўтириши билан чой олиб бораган. У чўнтагидан рўмолчасини чиқариб пиёланинг лабини ҳафсала билан артади. Кейин чойни уч марта қайтаради. Пиёлага танга кўмгудай чой қўйиб хўплаб қўяди. Хаёлга чўмганича ўтираверади. Набираси ўзини кўйгани жой тополмайди. Аммо бобосидан ҳайиқади шекилли, ортиқча харҳаша қилмайди.

Бола оёқ учида бориб, қафасда тинмай сайраётган сап-сариқ қушчага тикилади. Қуш жимит кўзларини мўлтиратганича туриб қолади. Кейин қафасда ирғишлаб сақрайди. Ора-сира қафас симига қистирилган оққандни чўқиб қўяди. Тутқундагилиги эсига тушгандай яна бор овозда сайрайди. Боланинг қушчага раҳми келиб, секин эшиттириб сўрайди: «Нимага шунақа чиройли қушчани қафасга солиб қўйишган?» Аммо саволига ҳеч ким жавоб қайтармайди. Бобоси ҳамон ҳақини кўксига тираганича хаёл суриш билан банд.

Пешонаси ажиндан ўйдим-чуқур бўлиб кетган, қирғийбурун, қошлари чимирилган киши билан унинг ғирт акси — семиз, икки бети чала пишган шафтолидай нимқизил,

ошқовоқдек калласига ярашмаган биткўз Абдурахмон қассоб куйиб-пишиб тортишади. Қассоб қўлидаги чит белбоғ билан тинмай елпинади. Бошини, юз-кўзини артиб қўяди. Кейин шеригининг енгидан тортиб, гап уқтиради:

— Бу ҳаёт деганлариям қизиқ нарса экан. Неваранг бўйнингга осилиб, опоғдада, деганда ўзингга келаркансан. Ана ўшанда умрингнинг кўпини яшаб қўйганинингни ўйлаб, баданинг жимирлаб кетаркан. Иш, тирикчилик, бола-чақа ташвиши деб йилларни қанақа ўтганини ҳам сезмай қоларкансан. Яхшиям чойхона бор, ўтирволиб, бундоқ ҳаётингни ўйлаб кўрасан. Юрагингдаги ғуборни ёзасан. Ош-пош қилиб улфатлар билан хангомалашасан. Бўлмаса, сендай содда бир ўзбек ёлчитиб дам ҳам олмайсан. Курорт-санаторийга боришга қизғанасан: пул топсанг, ё уй қиласан, ё тўй.

— Агар ўша ташвишлар бўлмаса, ҳаётнинг сираям қизиғи бўлмасди.

— Мана, Адурауф, сен шунча яшаб, бу ёруғ дунёда нима кўрдинг? Эрталаб ишга борасан, кечкурун аравага қўшилган отдек ҳориб уйга келасан. Уйингда ҳам ҳаловат йўқ. Саккизта чурвақанинг қий-чуви, хотиннинг шанғиллаши билан кун ҳам кеч бўлади. Қоринни қаппайтирасану уйкуга кетасан. Эртасига яна аҳвол шу. Яқшанбада бозор-ўчарга югурасан, бир-икки соат мизғиб оласан. Умр шу тахлит ўтаверади.

— Э, сен шунақа дейсану, Абдурахмон, одам ношукур бўлмаслиги керак. Ҳамманинг насибасига яраша-да. Биров нукул пул кетидан қувади, бошқаси ҳаёти мазмуни — бировга фойда келтиришда деб билади. Рўпарада ўтирган болани танийсанми? Бизнинг маҳалладан. Дадаси билан бирга ишлардик. Анча шакарни гумдон қилиб, қўлга тушди. Саккиз йилни олиб кетди. Хотини бошқасини топволди. Икки ўртада бола қарсон, ҳув анави бобосининг дили вайрон. Мана, сен қассобсан, мен ишчи. Бировдан ошиқ-кам жойим йўқ. Бола бўлмаса, яна турмушнинг кемтик.

— Энди шу ерда тўхта! Хўш, сен ота-онангга нима бердинг?

— Улар эрта ўтиб кетишди. Тўйимни ҳам кўриша олмади.

— Мана, меники тирик. Хўп, ҳафтада бир-икки хабар оламан. Ярим кило, бир кило гўшт-ёғ ташлаб ўтаман. Бошқа нима қилиб беряпман?

— Баъзиларнинг олдида бу ҳам катта гап!

— Улма, ана энди ўзингга келдинг. Энг меҳрибони биз бўлсак, биззи болаларимиз нима қилиб берарди!

— Сен шунақа дейсану...

— Э, қўй шунақа пунақангни. Баъзан шифтга тикилиб ётаман-у, ўй ўйлаб кетаман. Елкангни яғир қилиб, етти-саккизтасини катта қиласан. Бўш қолдинг дегунча уларнинг ташвиши миянгни кемиради. Бирини ўйласанг, иккинчисининг овози дўриллаб турибди. Учинчисини ўқишга жойласанг, тўртинчисига совчи келади. Ахир, ўзинг биласан, азиз ақчасиз, қиз бўғчасиз кетмайди. Дам олиш йўқ, отпусканг лойхандақда ўтади. Уйлаб-жойласанг, тиниб кетса, майли! Энг каттаси энди чиқади. Ҳали бирорта қуданг тўй бошлайди, қараб туриб бўлмайди. Ҳали битта қизинг қовоқ-тумшўғини осилтириб келади, қани, қозиликка марҳамат, мулла Абдурахмон! Бир қўлда андава, бир қўлда суyoқ лой, ҳали унинг гапини сува, ҳали бунинг гапини. Қарабсанки, умр ҳайё-ҳўйт деб ўтиб кетибди. Энди неварачевараларинг ташвиши бошланади. Бир куни келиб, таппатайёр бобойсан. Ана шуларни ўйлайману: «Э, ўзбеклиги ҳам кўрсин. Бир умр роҳат-фароғат кўрмай ўтиб кетасан», деб пешонага биттани тушираман-да, чойхонага йўрғалаб қоламан...

Қассоб, «э бор-э, нимани тушундинг», дегандай қўл силтайди. Чойини шитоб ҳўплайди. Шериги унинг қизиққонлигига ғаш келиб, сўник жилмайди. Уртага жимлик чўкди.

— Яқинда катта куёв билан ёғжиллашиб қолдим. — Абдурахмон қассобнинг яна чакаги очилиб кетди. — Ун йил бўлдики, қизимнинг ҳаловати йўқ. Эрлари олим бўлмоқчилар. Тўрақўрғонга тепиб борсанг, чўнтагидан ҳемири тўкилмайди — юриш бўлса хонтахлит, сумбат бойваччанамо. Ҳей, хунаса, нимангга кериласан, дейман. Қизим бечорага ҳали бирорта қўйлак обермаган. Топганини Тошкентга — домлаларига ташийди. Ёш нарсалар, тузукроқ яшасин, деб нима оберсам, шуни ҳам сотиб, ўқишга ишлатиб юбораркан. Яна бор-будини бой берган қиморвоздай шўппайиб келиб, каламушга ўхшаб қоғоз титишга тушади. Охири тутаб кетдим. Ҳей, куёв бола, бу ўқишларининг поёни борми, дедим. Хўп, шунча қисиб-қимтиб олим бўлсалар, ойига қанча туширадимиш, дедим. Нукул кулади, хунаса. Гап пулда эмасмиш. Илмни пул билан ўлчаб бўлмасмиш. Мен тушунмаган, маданиятсиз одам эмишман. Ана шу жойига чидолмай қолдим. Э, маданиятли одам, уйингда сичқонлар қўлтиқтаёқда юрибди-ку, олимлигингни бошимга ураманми, дедим. Агар омон бўлсан, сендақа олимнинг бештасини бола-чақаси билан боқишга қурбим етади. Аммо сенларга ачинаман, дедим. Хуллас, анча қизаришиб олдик. Ушандан бери уйга ҳам бормаيمان. Тўғри-да, бунақа олимларнинг қанчасини кўрганман. Бошида шляпа-ю, бир кило гўшт олиб, чорак соат чўнтак кавлайди. Ахир дунёга келгандан кейин сал одамга ўхшаб яшаш керак-да, тўғрими? Жонингни жабборга бериб, ҳамма нарсадан ўзингни қантариб, нимага эришасан, қизталоқ!

Қассоб жаҳл билан бошидан дўпписини олиб, ёнига ташлайди. Кейин яна шошиб кийиб олади. Шериги унга, ҳамма нарсани ўз қаричингда ўлчаркансан, деб ҳафсаласи пир бўлади. Секин ўгирилиб, рўпарасида ағрайиб ўтирган бояги болани гапга солади. У ҳам бобосига қарай-қарай алланарсаларни чуғурлаб тушунтиради. Қассоб яна сўкиниб ёлдирайди...

Сиз ҳам ҳеч шунақа ҳолатга тушасизми: дейлик, бирор киши етти ухлаб тушингизга ҳам кирмаган. Аммо танишган заҳотингиз ўша одамнинг чеҳрасими, қилиғими, гап-сўзими ром қилади-қолади. Ҳатто унинг қусурлари ҳам кўзингизга фазилат бўлиб кўринаверади. Баъзан эса аксинча. Буниси бир кўришдаёқ ҳафсалангизни пир қилади, калтакесакка рўпара бўлгандай бир сесканиб оласиз. У сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмаса ҳам, ўзингизни мажбур этсангиз ҳам, жинингиз сўймай тураверади.

Бугун мен шунақа аҳволга тушиб қолдим. Бу йигит чойхонага бир ошнаси билан кириб, ялпайиб ўтириб олган дақиқадан ғашимни келтира бошлади. Йўқ, афти-ангори одамни ҳуркитадиган даражада хунук эмас. Оқ юз, зулукдек қоп-қора мўйлов, оғзи тула тилла тиш, лабининг чеккасидаги кичкина тиртиғини ҳисобга олмаса, ҳусни Юсуф. Пўрим кийинган: эғнида темир тугмали оқ кўйлак, чўнтаклари сурма занжирли ажнабийча шим, қўлида ҳафтанинг кунигача кўрсатадиган ғаройиб соат. Башарасидан, ўзини тутишидан камлик кўрмай ўсгани сезилиб турибди. Тили бурро, бир гапириб ўн кулади.

Шериги одмигина кийинган. Рангпар, кулсаям, қайғурсаям юзи ўзгармайди. Хаёлчан, гоҳо ёнидагининг гапларига маъносиз жилмайиб қўяди.

Ишим бўлмагани учун уларнинг суҳбатига жимгина қулоқ солиб ўтирибман. Аммо терс ўгирилиб олганман.

Мамарайим ака неча бор «бировнинг гапини эшитиш гуноҳ» деб танбеҳ берди. Шундай бўлса ҳам ўзимни тия олмайман. Ахир мен ҳаётни ўрганишим керак-да! Тиртиқли олифта тинмай сайрайди. Шериги чой майдалаб, эринмай унинг гапини маъқуллаб ўтирибди. Ҳарчанд ўзимни чалғитай дейман-у, бўлаётган гап-сўзларни ташлаб туриб кетолмайман.

— ...кейин десанг, бояги шляпа олдига солиб диқиллатиб олиб кетди-ку. Бозорқўмнинг идорасида ўтирволиб, бирпасда бир қулоқ актни ёпиштириб ташлади. Мундоқ қарасам, иш чатоқ! Олдини олмасам, ҳолимга маймунлар йиғлайдиган. Ялинишга ўтдим. Иккинчи қайтарилмайди, деб қасам ичиб турибман, атрофида чархпалакман, йўқ! Занғар темирдан ясалганми, миқ этмайди-я! «Бораверасиз!» дейди. Унинг гапи қулоғимга «пора берасиз» деб эшитилибди. Жун сотволишга берилган пулнинг ҳаммасини санамай столга ағдардим. Нима бўлганини тушунмаганми, кўзини ола-кула қилиб менга қаради. «Олаверинг, ҳамир учидан патир, камига яна қарздор-миз», дедим. Бирдан ранги деворга ўхшаб қолди. Бечоранинг ё касали борми, ёки ҳеч ким бунақа чўғ чўзмаган эканми, ҳушидан кетиб қолдиёв. Ҳар қалай икки қўли ёнга осилиб тушди, ўзи курсининг суянчигига қапишган, тили ёлдирайди, холос. Қочмаган номард, дедиму актни чангаллаб уриб бердим. Кейин бўлган воқеани братга айтувдим, назаримда тинчитиб юбордилар... Шунақа, ошна, биз ҳам пулни осонликча топаётганимиз йўқ. Заготовкчилик назарга кирмасаям, пули лўғит. Уйда бўлса хотин нима дейдилар, дегин. Ичимни ташлармишман. Мендан доим жуннинг ҳиди кеп турармиш. Вой, хомкалла-ей! Пули ширину ўзи сассиқ бўп қолдимиз? Бир бозор топган пулимга бочкаси билан тоза атир келади, овсар, деб пешонасига битта чертдим. Мана шунақа, жуннинг орқасидан тирикчилик қилиб юрибмиз-да, ошна! Хўш, ўзингнинг ишларинг қалай? Ҳалиям ўша трестингда тупроққа беланиб юрибсанми?

— Бўлмаса қаерда ишлардим, соҳам шунақа-ку. Сенга ўхшаб жун йиғишга ўқувим йўқ, — деди ошнаси ғаш келиб.

— Э, бунга ўқиш-пўқишнинг кераги йўқ. Пул санашни билсанг бўлди. Бозор айланасан. Жун опкелган соддароғини топасан. Килосини уч сўмдан қилиб қўясан. Шерикларинг ҳам келишиб олгандай шундан ошмай тураверади. Охири ноилож сотади. Сен уни машинага уклайсану идорада еттидан ўтказасан. Ҳар килосидан тўрт рупий қоладими? Юз кило топширсанг, тўртта юзталиқ нақдми? Чўнтак қаппайган, димоғ чоғ, юриш бир ҳафтагача байрамдагидай. Лекин сенга айтсам, сигаретдан ол! Ие, чекмасдинг-а, ҳай, майли. Мен сенга айтсам, осон топилган пул тез йўқ бўларкан. Кўпи дўндүкчага сарф бўлиб кетяпти-да. Ҳай майли, бу дунёда ўйнаганимиз қолади.

— Нима, хотининг пулга ўчроқми? — ийманиб сўрайди шериги.

— Воҳ-ҳа-ҳа. Роса учрашган эканмиз-ку! Нима, бирортаси билан ҳалигидақа, нима дерди, ҳа, ишрат қилмаганмисан, дейман? Соддасан, дўстим. Мактабдаги соддалигинг ҳалиям қолмапти. Ҳасан аканнинг топганлари бир кечалик фаришталарга кетиб қоляпти, тушундингми? Хотиннинг йўриғи бошқа. Ҳаммаёғини бут қилиб қўйсанг, болаларга ўралашиб ўтираверади.

— Ҳа, тушунарли: ҳаромдан келаётган пул ҳаромга кетаётган экан-да!

— Тўхта, тўхта, нима дединг? Ҳали биз ҳаромхўр бўп қолдикми? Синфдошлигинг

хурмати бор, бўлмаса шу гапинг учун суробингни созлаб қўярдим-да, — деди олифта қизишиб.

— Ҳай, майли! Шу дегин, яқинда бир фалокатимни аритди. Машинани пашша қўнса оёғи тойиб йиқиладиган даражада ялтиратиб кўчада кетаётсам, бекатда биттаси турибди. Жа зўр нарса! Шундоққина оёғига тўхтатиб, битта сигнал чалиб қўйдим. Эшикни очиб, қайси томонга борасиз, ака, деди. Вой, вой, овозининг ширинлигини! Сиз қаққа десангиз ўша ёққа-да, дедим. Кулиб, машинага ўтирди. Пешонадаги ойнадан секин назар солдим. Юрагини қитиқлаб кўрдим: «Бу, куёвтура сизни бегона машинада кўрсалар гап тегиб қолмайдими?» «Йўғ-э, нега? — деди у аввал довдираб. Кейин ўзини ўнглаб олди. — Ажрашганимизга бир йил бўлди-ю».

Узим ҳам шу гапни кутиб турувдим-да. Боши очиклигини билиб олдим-у, булбулигўё бўлиб кетибман. Аввал уни кўкларга кўтариб роса мақтабман. Навоийданми, Машрабданми, шеър ҳам ўқиворибман. Ёққанини сезиб, «сизга атаб, ўзим тўқидим», девордим. Латифанинг оҳори тўкилмаганидан айтиб кулдириб турибман. Ўзиям роса тобида эканми, беш қақиримча юрмаёқ эриб, кечқурун меҳмон қиладиган бўлиб қолди. Уйда ўзингиз турасизми, десам, ўғилчам билан, деди. Ҳа, бунинг йўриғи осон экан. Битта шоколад билан ота-бола бўлволамиз, дедиму, дўмининг олдида тушириб хайрлашдим.

Кечқурун хотинга: гапга кетяпман, эшикни эртароқ бекитиб ол, дея тайинлаб йўлга тушдим. Дўконга кириб юлдузи ва медали кўп битта коньяк, уч қути шоколад харид қилдим.

Пари минг ишваю ноз-карашма билан кутиб олдилар. Дидинг чаккимас, Ҳасанбек, деб устолга ўтирдим. Чўнтакдан шоколадни чиқариб, ўғлини сўрадим. Боғчада экан, қўшига тайинлаб юборибди. Базм бошланиб кетди. Халатини ҳилпиратиб у ёғимдан ўтади: «Ҳасанжон ака, дастурхонга қаранг». Бу ёғимдан ўтади: «Ҳасанжон ака, қанақа овқат қилай?» дейди. «Ҳасан акангнинг жони садақа, акагининг ўргилсин», дейман. Шунақада яйраб кетиб, топганингни оёғига сочворганингни билмай қоласан-да... Ангишвонадай қадаҳларга коньяк қўйиб, олиб турибмиз. Пари янаям очилиб кетганлар, нақ суқинг киради. Бош қизиб, юракларнинг калити ўнгга айланиб қолди. Гапга солиб ўтириб, қўлимни секин белига юбордим. Авайлабгина олиб қўйди. Шунақа нозлисини яхши кўраман-да! «Ҳали эрта» дегандай кўзларимга сузилиб боқди. Унинг бу қарашидан қоним Колумбиядаги вулқондай қайнаб турибди. Ана шунақа дил изҳори қилиб ўтирувдик, ўғли кириб келди.

Мени кўрдию эшикнинг олдида ҳайкалдай қотди-қолди. Хўмрайганини айтмай, еб қўяман, дейди. Буни сезиб, онаси хижолат бўлиб кетди:

— Келдингми, Рустам, амакинг билан сўрашмайсанми? — деди.

У қовоқ тумшугини осилтириб, бош чайқади:

— Менга амаки керакмас.

— Қани, хўроз, кўришиб қўяйлик-чи! — деб қўл узатдим. — Мана сенга кўпгина шоколад опкелганман.

— Мен шоколад емайман, — дейди.

Индамай хонасига ўтиб кетди. Орқасидан ойиси кирди. Ҳамон қайсар тирмизакнинг йиғи аралаш бақириси эшитилиб турибди: «Кетсин, ойи, айтинг, мен унақа амакиларни ёмон кўраман», дейди нуқул. Таъбим тирриқ бўлди. Ҳай, майли, шуниси ҳам яхши, бўлмаса рўпарамга ўтирволиб ғашимга тегарди, деб ўзимни овутидим.

Хуллас, соат неча бўлган билмайман, эшикнинг гумбирлашидан уйғониб кетдим. Пари халатини илиб, эшикка югурди. Мен майкани чўнтакка тикиб, кўйлакни кийиб, шай турибман. Юрак пўкиллайди! Нима гаплигини билай деб, икки қадам босувдимки, парининг «вой, болам» деганини эшитиб қолдим. Эшикнинг олди ғала-ғовур. Секин қулоқ солсам, боласи айвончадан ўзини пастга ташлаганимиш. Тунг сменадан қайтаётган бир одам кўриб қолибди. Улмаган шекилли, кимдир «тез ёрдам» қақирганини айтиб қолди. Шарманда бўлмайд туёқни шиқиллатсинлар, мулла Ҳасан, дедиму қани энди туфлини қияолсам. Бояги тирмизак менда етмиш йиллик қасоси бордай роса хунарини кўрсатибди. Ўзини ташлашдан олдин туфлимни қийма-қийма қилиб ташлабди. Курсининг суянчиғида осифлиқ қолган костюмининг чўнтагини қирқибди, тугмаларини узибди, камига елкасидан бир шиша сиёҳми, алламбалони қуйворибди. Қайта қияолмадим.

Аммо ўша пайтда булар кўзга кўринармиди. Жавобгар бўлиб қолмай, деб ялангоёқ бўлсам қочиб қолдим. Мана шунақа, ошна, базмларнинг шунақа аччиқ закускалари ҳам бўлиб туради. Жон койитмасанг жонона қайда, деган-ку!

— Бола тузалиб кетдимми? — сўради шериги ачиниб.

— Э, жиннимисан, болангиз тузукми, деб кўргани чиқайми? Беҳуда ғалвага кимнинг тоби бор, — деди олифта бамайлихотир.

Шу ерга келганда менинг қоним қайнаб кетди. Оғзини тўлдириб мақтанаётган олифтани роса савалагим келди. Аммо кучим етмаслигини сезиб, ўзимни тийдим. Бунинг устига чойхонада тўполон чиқса, Тоға ғазабланиши мумкин. Аламимдан олифтани чойхонадан ҳайдашга қарор қилдим. Индамай бориб, олдидаги чойнак-пиёлаларни йиғиштира бошладим.

— Ҳа, ука, тинчликми ўзи, ичида чойи бор-а! — деди олифта ажабланиб.
 — Тинчлик. Ҳозир чойхонани тозалаймиз, — дедим бепарво ҳолда.
 — Бошқалар ўтирибди-ку!
 — Ҳозир уларни ҳам чиқарамиз! — дедим бўш келмай. У бир пас пўнғиллаб ўтирди. Кейин менга ўқрай-ўқрай шеригини бошлаб чиқиб кетди.

Боланинг фожеаси мени тамоман қарахт қилиб қўйган эди. Олифтани ҳайдаб, хумордан чиқаман, деб ўйловдим. Барибир дилим ёришмади. Ўзимни ўша ориятли болакай олдида айбдордек ҳис эта бошладим. Айрим одамларнинг онанинг энгилтаклигига қарши исён кўтариб, ўзининг ширин жони кўзига кўринмаган ўша укажонимчалик ҳамияти йўқлигидан қаттиқ ўқиндим.

* * *

Бу тонг ҳам аввалгиларидан сира фарқ қилмасди: вафодор рафиқалар ўз жуфти ҳалолларининг елкасини силаб ё силтаб ишга уйғотаётган, қатиқчи хотинлар коса тўла патнисларни кирза қўйиб, гузар ва чойхоналарга ошиқаётган, вокзал биноси олдида таксичилар Тошкент поездини кутиб мудраётган, фаррошлар ўзларининг чўлтоқ супургиларида кўчаларнинг чангини осмонга чиқараётган одатдаги тонг эди.

Мамарайим ака самоварнинг қайнашига маҳлиё бўлиб, димоғида хиргойи қилиб ўтирибди:

**Дарё тошқин, сувлар тўлқин, ўтолмайман-о,
 Отим ориғ, манзилимга етолмайман-о.**

Одам камлигидан менга ҳам юмуш йўқ. Кимдир нон ўраб келган бир парча газетани олиб, ўқишга тушиб кетдим.

Шу пайт эшик оҳиста очилди. Кўк нейлон қўйлакли, йўл-йўл одми шимининг почаларини кирза этиқ ичига тиқиб олган, лекин яп-янги чустдўппи кийган норғул киши кириб келди. Соқолининг ўсиб кетганидан ва шимларига лой юқидан яқин қишлоқдан бозорга тушган бўлса керак, деб тахмин қилдим.

У қаёққа юришини билмай, эшик олдида бир зум туриб қолди. Ташвишли чеҳрасида тортиниш, қўрқув аломатлари бор эди. Кейин Мамарайим акадан бир чойнак чой, нон олди. Шундоққина пойгакка оёқларини осилтириб ўтирди. Чойни қайтарди, нондан бир бурда ушатиб, иштаҳасизлик билан чайнай бошлади. Атрофига секин назар ташлаб, билинар-билимас уф тортди.

Сезиб турибман, нимадандир хафа. Юрагини бўшатгани одам тополмаяпти. Бунақаларни кўравериш, ким ҳасратини айтмоқчи, ким маслаҳатга муҳтож, бир қарашда билиб оладиган бўлиб қолганман. Секин ёнига сурилдим. У кўзи билан нонга ишора қилди. Хафа бўлмасин, деб бир тишлам нонни оғзимга солдим.

— Мана шунақа, ука, бу золимларнинг дастидан туғилиб ўсган жойимни ташлаб келяпман ҳозир. Аммо ўзларини ҳам тавбасига таянтирдим. Холбойнинг кимлигини энди сира эсдан чиқармайди.

Унга ким зулм ўтказгану кимнинг таъзирини бериб қўйди, тушунолмадим. Аҳволимни сезди шекилли, у ўзи билан ўзи гаплашгандай яна сўзлай кетди:

— Андишани отини қўрқоқ қўйиб, ҳурмат қилсанг бошингга чиқаркан, ит ҳам тўни эскини қопаркан. Ҳаммасига чидаб келдим. Гаранг деб масҳара қилсам чидадим. Йўқ, улар инсофга кирмас экан. Сени одам ўрнида кўрмас экан. Ахир қурбақаям маҳлуқ, боссанг вақ дейди. Мен ҳам «вақ» дедим. Аламимга чидамай, ўтган куни кечаси учовини ҳам ўласи қилиб калтакладим. Қаматиб юбормасин, деб кеча ярим тунда уйга бориб эшикни қулфладиму бу ёққа қараб йўлга тушдим. Иш-пиш топарман, ахир оч қолиб кетмасман. Аммо кетиш олдида ота-онам қабрини зиёрат қилишга улгуролмадим. Шуниси ёмон бўлди.

— Нима бўлди, ўзи Холбой ака, тушунтириброк гапиринг, — сўрадим ундан сабрим чидамай.

— Қоракўлда паромчилик қилардим. Одамларни Нориндан у ёқ-бу ёққа ўтказиб қўяман. Агар паром ишламаса, ўттиз чақиримли катта йўлдан юриши керак-да! Мана, ўзингизни хабарингиз бор, аввалги куни эрталабданоқ роса ёмғир қўйди. Ё шаҳарда кўп ёмғадими? Э, бизда шунақанги шовиллатдики, бир пасда кийим-бошим жиққа ҳўл бўлди. Дарё тошиб, пишқириб оқа бошлади. Паром занжирини аранг қозикқа илволдим. Ҳаво айниса, дардим қўзийди. Бод бор. Ўша куниям оёқларим зирқираб, вужудим титрайверди. Елкамни, курагимни нимадир ғижимлаётганга ўхшайди. Қирғоқдаги ёғоч уйга аранг кириб олдим. Пақирдан бир кружка сув олиб ичдим. Аъзойи-баданам ёнарди. Аммо юрак қўрғур яна қўймайди. Ишқилиб, сув кўпайиб, паромни оқизиб кетмаса гўрғайди, дейман. Ҳорғинликка сўз бермай ташқарига чиқиб, паромдан хабар олиб келдим. Ивиган қўйлак устидан пахталик камзулни кийиб, каравотга чўзилдим. Ётибману кўнглим хавотирда. Ҳаво ҳали-бери очиладиганга ўхшамайди, ёмғирнинг шашти пасаймаган. Қанча ётганимни билмайман. Кўзимни очсам, атроф зимистон. Танам касалдан тургандай бемажол. Аранг бош кўтариб, дераза олдида қўйилган шамни ёқиб қўйдим. Пилигини пасайтириб, яна бошимни ёстиққа ташладим. Шу пайт тўқай томондан

элас-элас тириллаган овоз эшитилди. Унинг нима эканлигини англолмай гарангсиб ётдим. Кейин деразадан тушган бир зумлик ёруғдан сергакландим: «Кимдир келяпти шекилли? Оббо, бемаҳалда дарёдан ўтказиб кўясан, деб туриб олса-я? Ким бўлсаям, тобим йўқлигини айтаман. Ахир аҳволимга тушунар?» деб ўйладим.

Шундоқина уй олдида мотоцикл бир тирилладу ўчди. Кейин одамларнинг ёнғир-ёнгир гаплашгани эшитилди. Бошимни кўтариб, чаккамга тиралдим. Аввал эшик тақиллади. Сўнг ғижирлаб очилдию кимдир бош сўқди.

— Ҳой, ким бор? — деди дўриллаган овозда.

— Кираверинг, — дедим аранг.

Кирган одам пақирга қоқилиб тушди. Сўкинди. Ёстиққа суянган кўйи шамдонни баландлатиб, бошимни кўтардим. Рўпарамда раиснинг жияни Одил турарди.

— Дарров паромни юргизмасангиз бўлмайди, — деди у ҳовлиқиб.

— Ҳа, тинчликми ўзи? Шундоқ пайтда-я? — дея ҳайрон бўлдим.

— Илож йўқ! Қани, ўрнингиздан туринг, — деди Одил буйруқ оҳангида.

— Ҳе, ука, маза қочиб турибди. Аранг ётувдим. Овозингизни эшитиб, бош кўтардим, — дедим ялиниб.

— Дори керак бўлиб қолди. Марказга тушмасак бўлмайди! — деди у овозини янада баландлатиб.

— Дармон йўқ. Бунинг устига дарё нотинч, — дея мен ҳам важ кўрсатдим.

— Бўлақолинг, шериклар ивиб кетяпти! — деди у зўрлаб.

Ноилож инқиллаб-синқиллаб ўриндан кўзгалдим. Ташқарига чиқсам кажавали мотоцикл олдида яна икки ўспирин гаплашиб турарди.

— Менга қаранг, Одилжон, балки эрталабгача сабр қилармиз. Оёғим сира тортмаяпти, — деб раҳмини келтирмоқчи бўлдим.

— Э, сиз қанақа одамсиз ўзи? Зарурлигидан бир эмас, уч киши ёмғирда ивиб келдик. Паром ўзи нимага қилинган, шунақа керакли пайтда ҳожат чиқармаса? — деди у зарда қилиб.

— Унчалик шошилинч бўлса, катта йўлдан бориб кўя қолинглар, йигитлар. Ахир, мана, араванлар ҳам бор экан, — дея ялинишга ўтдим.

— Жинни бўлганмисиз, шунақа ҳавода қайси аҳмоқ беҳуда йўл босади! — деди биттаси.

— Аҳволим бунақа бўлмаганда, жон деб ўтказиб кўярдим.

— Майли-ю, тоғам эшитиб қолсалар, яна мендан ўпкалаб юрмасангиз бўлди. Қани, паромни юргазинг, кеч қоляпмиз. У ёқда бизни кўпчилик кутиб турибди, — деди Одил очикдан-очиқ таҳдид билан.

Ўйланиб қолдим. Ҳа, раиснинг қаҳри ёмон. Нима бўлсаям, унга рўпара келишдан худонинг ўзи асрасин. Ахир, ўтган галги воқеа эсимдан чиқмаган-да... Ўшанда ҳам шунақа кеч бўлиб қолганди. Кун бўйи тиним билмай чарчаб, кўзим илинган экан, «Виллис»да икки киши келиб, дарёдан ўтказиб қўйишни сўради. Рози ҳам бўлувдим. Аммо бурининг дўк ургани ғашимга тегди. Яхман деб туравердим. Охири улар айланма йўлдан кўприкка қараб кетишди. Эртасига раис қақириб олиб, роса таъзимини берди:

— Ҳа, бурнинг шишиб қолдими? Юрувдинг чоригингни судраб. Энди одам саналиб, ҳали ноз қиладиган ҳам бўлиб қолдингми? Етим, кўнгли синиқ деса, бошга чиқасан, Улиб қолармидинг ўтказиб қўйсанг, эшшак! — деди.

— Одамларга ўхшаб муомала қилишганда... — дедим.

— Хўй, сен ким бўлиб кетдинг, муомала суруштирадиган. Нима, Худоёрхоннинг девонбошисимисан? Уша Холбой гарангсан-да! Шундоқ вакилларнинг соясига мен салом бериб юрибману сенга ким қўйди димоғдорлик қилишни? — дея у баттар туюқди.

— Уларнинг вакил эканини қайдан билай... — дедим гуноҳкорона.

— Менга қара, бола, тилинг жа узайиб қопти. Ҳа, қишлоқдан кетгинг келяптими? Тағин оҳ-вой қилиб юрмагин, кўрнамак! — раиснинг бу гапи худди жонимни суғуриб олди.

Индамадим. Раиснинг хонасидан бўшашиб чиқдим. Бир кўнглим, бор-э, деб ишни ташлаб кетворгим ҳам келди. Идора олдида бир пас ўйланиб турдимю шаштим пасаёйди. Бу ердан кетиб ҳам ундан қутула олмайман. Ҳамма ерда гапи ўтади, пичоғи кесади. Бунинг устига, раис сўқди, деб киндик қоним тўкилган жойни, ота-онамининг қабрини ташлаб кетолмайман-ку!

Ўзим ўша қишлоқликман. Ота-онам эрта ўтган. Биттаю-битта опам эр қилиб кетган. Болалиқдан қулоқ оғирроқ.

Уч йилгача идорада қоровуллик қилдим. Меҳмонларга чой ташидим, раиснинг майда-чуйда юмушларига қарашиб юрдим. Бурноғи йили паромчи Пирмат буванинг ўрнига ўтганман.

Паромни ҳам бошлаб созлаб қўйгандим-да ўзиям. Илгари уни ишлатиш учун битта моторли қайиқ оворайкан. Қолхоз механиги билан гаплашиб, дарёнинг икки чеккасига трос сим тортдик. Паромни уч жойидан унга занжирлаб улаб қўйдик. Энди сал кўзғатсанг, кифоя, оқимнинг ўзи паромни суриб кетаверади.

Нимагадир шу иш ёқиб қолди. Доим одамларга кераклигингни сезиб тураркансан.

Бир кун бўлмасанг, қидириб қолишади. Ахир тайёр паром турганда, марказга бориш учун ўттиз чақирим йўл босиб, кўприкдан айланиш қимга ҳам керак. Одамлар ҳам қизиқ. Кечаси демайди, ёгин-сочин демайди. «Қани, мулла Холвой, тахтиравонни бир юргизиб юборинг», «Холвойнинг машинаси зўр-да, бензин ҳам керак эмас, баллони ҳам ейилмайди», «Холвой, уйлансанг, келин болани ҳам паромга тушириб келамизми?» Шунга ўхшаган гаплар. Баъзида пинҳона қувониб қўяман...

Шуларни ўйладиму паромнинг занжирини қандай қилиб бўшатганимни билмай қолдим. Йигитларнинг новчаси мотоциклни етаклади. Шовқин билан паромга чиқишди. Танаси бошқа дард билмас, деганларидай, улар хурсанд, менинг аззойи-баданим қалтирайди. Йиқилиб қолмасам гўрайди, деб ўзимни тетик тутишга уринаман.

Оқим тезлагани учун паромни илдам суриб кетди. Тинимсиз шовуллаётган дарёга тикиламан. Аммо кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Шу тобда йигитларнинг вақир-вуқир гаплашишию беўхшов кулгилари ҳам қулоғимга кирмайди... Дарёнинг қоқ ўртасида паром занжирлари тортилиб қолди. Уларни бўшатаман деб қора терга ботдим. Ахир, ўйлаб кўринг: зимистон, кўтурган сув, тинмай қуяётган ёмғир, бунинг устига маза чатоқ...

Ниҳоят, паром қирғоққа бориб урилди. Қалқиб кетдим. Яхшиям тросни маҳкам ушлаб қолдим, бўлмаса дарёга ағдарилиб тушардим.

— Дарров қайтамиз, кутиб туринг, — деди Одил мотоциклни ўт олдиранкан.

Атроф аянам ваҳимали кўринади. Мотоциклнинг қизил чироғи ҳам кўздан ғойиб бўлди. Чақмоқ ялт-юлт қилади. Ёмғир бироз сусайган, бироқ ҳали тинмаган. Бутунлай шалаббо бўлиб кетдим. Қунушиб, паромдаги тахта соябон тагига кириб турдим. Бошим айланади, вужудим тобора қақшаб боради.

Хаёл билан бўлиб мотоциклнинг келганини ҳам сезмай қолибман. Йигитлар аввалгидан ҳам хушчақчақ кўринар, бири қўйиб, бири кулар эди. Уларни қанчалик хурсанд кўрсам, шунчалик жаҳлим чиқарди: «Бўлар дорига келганга ўхшамайди», деган ўй кечди кўнглимдан.

Паромни юргаздим. Оқим кучи билан шитоб сузиб кетдик.

— Мана, дорини ҳам олдик. Сиз бўлса, тихирлик қилиб юрибсиз. Осмон узилиб тушмади-ку! Уртада ишимиз битди. Одам деган бунақа терс бўлмаслиги керак. Бир-биримизга ишимиз тушиб туради, — Одил тинмай вайсар, гоҳо елкамга уриб қўяр эди. Ҳар урганда оёқларимгача титраб кетаман, ғазабдан тишимни ғижирлатаман, холос. Қирғоққа ҳам етиб келдик. Одил мотоциклни паромдан ерга олиб тушаркан, шерикларига юзланди:

— Йигитлар, акамизни анча овора қилиб қўйдик. Хизмат ҳақига доридан озгина берамизми?

— Бўлмасам-чи! Бунақа дорини йигитларнинг хўрози ичади. Акамиз ҳам хўрозлардан бўлсалар керак? — дея новчаси беўхшов кулди.

— Бу дорининг отини қултимизин дейдилар, бир қултуми ҳам шифо. Ваҳ-вах! — иккинчи шериги ўзининг ҳазилидан ҳузур қилиб, тиззасига шапатилади.

Кўзим тиниб кетди. Муштларим тугилди. Томоғимга нимадир тиқилди. «Ҳа, аблаҳлар, ҳали шу аҳволимда мени арақ опкелишга овора қилдиларингми? Буни бурнингдан чиқармасам, Холбой отимни бошқа қўяман!»

Новча алланарсани тимирскилаб, кажавадан термос қопқоғини топди. Арақни очиб, қопқоққа куйди-да, менга узатди. Қалтираб ароқни олдим. Кейин жон-жаҳдим билан арақни новчанинг бетига сочиб юбордим. Новча қўллари билан юзини чангаллаб қолди. Унинг арақ билан ювилган башарасини мўлжаллаб, кетма-кет мушт урдим. Новча чалқанчасига ағдарилиб тушди. Уша топда қайдан шунча куч пайдо бўлиб қолди, ўзим ҳам ҳайронман. Анқовсираб турган нариги икковини ҳам дўппослай кетдим. Одилнинг юзига чунонам қаттиқ солибманки, қон аралаш тишини туфуриб ташлади. Яқинлашса, мушт туширавердим. Аламидан аиниб сўкади, холос.

Қизиқ устида билинмаган экан, бирданига кўзим тиниб кетди, оёқ-қўлим бўшашиб, тиззалаб қолдим. Новчанинг қўзғалиб, бўралаб сўккани элас-элас қулоғимга кирди. Бошқасини унча эслолмайман. Кўзимни очсам, ерда лойга беланиб ётибман. Аранг-аранг судралиб уйга кирволдим. Аммо бирдан юрагимга ғаш тушди. Раис эшитиб қолса, омон қўймаслиги аниқ. Уларнинг ўзидан ўтганини текшириб ўтирмайди, мингта айб топиб, мени қаматиб юбориши мумкин. Шундан қўрқиб, кун бўйи тўқайда бекиниб ётдим. Ярим тунда уйга бориб, янги дўппини, озгина пулим бор эди, шуни олдим уйўлга тушдим. Яхшиям бахтимга оймчасини дарё бўйига ўйнатгани олиб борган шахарлик йигит учраб қолди. Шуни машинасида эсон-омон келиб олдим. Энди бу ёёига худо пошшо, бошга нима тушса, кўраверамиз-да, тўғрими, жиян?..

Маъюс бош силкидим. Унга раҳмим келди. Ҳимоя қиладиганинг бўлмаса, ёш бола ҳам мушт кўрсатади. Аммо ҳалигиларнинг бошлаб суробини тўғрилаб қўйганидан хурсанд бўлдим. Тўғри-да, андиша қилиб, бўйнингни қисаверсанг, шунчалик тез елкамга чиқиб олишади. «Маладес, Холвой ака» деб қўйдим ичимда.

* * *

Бугун чойхонада одам сийрак. Тўрида молияда ишлайдиган Муҳсинжон деган одам шошилмай чой ҳўплаб ўтирибди. У онда-сонда бир кириб қўяди. Агар Тоға шу ерда

бўлса, чойни ўзи олиб боради, ҳол-аҳвол сўрашади. У ҳам кумуш тишларини кўрсатиб, Тоға билан бироз чақчақлашади.

Ана, бедана кўтариб юрган чол ўртоғи билан суҳбат қуряпти. Гапини эшитмасам ҳам сезиб турибман: ҳойнаҳой беданасини мақтаяпти. Кўзи бехос Мухсинжон акага тушиб қолса, овози баттар пасайиб кетади. Шеригига уни имлаб кўрсатиб, қўлини яктагининг ичига яширади.

Шу пайт одмигина кийинган, юзи салқи, калтасоқол, абжир бир киши кириб келди. Битта чой олиб, атрофга қараб чиқди. Мухсинжон ака ўтирган жойга қараб юрди. Супага яқинлашаркан, қироатини келтириб салом берди. Мухсинжон ака алик олиб, уни ёнига таклиф қилди. У чордона қуриб, бамайлихотир жойлашиб олгач:

— Ҳай, кенг феъл, кетмас давлат, тан сиҳатлиги ва хотиржамлигини берсин, — деди.

Сўнгра чойни ҳафсала билан қайтарди, тринка шимининг чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ бир бўлак новвот олиб, пиёлага ташлади. Устидан шошилмай чой қўйди. Новвотнинг қисирлаб бўлинишига қулоқ солиб турди. Унинг ҳаракатлари нозик меҳмонларга кунт билан тансиқ таом тайёрлаётган ошпазни эслатарди. У новвотли чойни кўзларини юмиб, ҳузур қилиб ҳўплади. Кейин, рўпарасидаги шеригини энди кўраётгандай, пиёлани ерга қўйди.

— Қани, биродар, пиёлани узатинг, — иссиғидан қуйиб берай, — деди.

— Чойим бор, раҳмат! — деди Мухсинжон ака бош чайқаб:

— Одам ёши ўтган сайин совуқмижоз бўлиб қоларкан, — деди у. — Сал ширага ўчроқман. Ҳозиргиларнинг мижоз-пижоз билан ишлари йўқ. Йўталдим, дўхтирга чопади. Қути-кутилад дори ичади. Мен ўзимга-ўзим табибман. Ҳазрати Луқмон ҳаким ҳам одамдаги жамики хасталиклар мижоздан деган эканлар.

Суҳбатдоши сергапгина чиқиб қолди. Мухсинжон ака унинг сўзларига қизиқиб, айтганларини маъқуллаб ўтирди.

— Бу, биродар, сўраганнинг айби йўқ, кўзимга иссиқ кўриняпсиз, — деди у.

— ИсмиМ Мухсинжон, молияда хизматдаман.

— Бағоят улуғ, бағоят улуғ. Солиқларга хўжайинман, денг. Эшитганман. Шаҳарда сизни кўпчилик танийди. Каминани ҳам билсалар керак. Ҳовлимиз Ориф баққол гузарида. Эсимни таниганимдан бери сиркачиман. Худойберди сиркачини эшитгандир-сиз?

— Биламан. Кўпинча бозорда кўрардим. Энди танидим.

— Ҳа, ўлманг. Сирканинг тозаси керак бўлиб қолса, бемалол. Шу десангиз, кейинги пайтда молимизнинг бозори касод бўлиб қолди. У ёздан бу ёзга бир хумдагини ҳам сотолмай қолдим. Одамлар сирка нималигини эсдан чиқариб юборяпти. Энди ҳамма ош билан арақ ичадиган бўлиб кетди. Газитда ишлайдиган қўшним бор. Яқинда ярим килоли шишага сиркадан қўйдиму қўлтиқлаб олдига чиқдим. Шу, газитингда сирканинг фойдаси ҳақида ёзиб чиқсанг, зора иш юришиб кетармиди, дедим. Уч йил бурун ёнғоқни тақаб чиқувди, бозорда ёнғоқнинг баҳоси икки баравар ошиб кетганди-да. У эса, сирка ўзи нимага ишлатилади, дейди. Уйингда бурга кўпайса, сепасан, дедиму оғриниб қайтиб чиқдим.

Мухсинжон ака кулди.

— Сиз кулманг, биродар. Тирикчилик, шукр, ўтиб турибди. Қоровулликдан пенсияга қиқиб олганман. Эр-хотинга етади. Аммо шу ҳунарни сира ташлагим келмайди. Бунинг сабаби бор, — у атрофига бир қараб олди. — Сирка йўқолиб кетса, Худойберди сиркачи деган ном ҳам беному нишон кетади. Зурёд йўқ, биродар, зурёд! Орқамдан чироғимни ёқиб қоладиган яхшими-ёмонми фарзанд йўқ. Шол бўлсаям, ғилай бўлсаям майли эди, дейману, аммо шундан қисди. На илож!

У жимиб қолди. Яхши кўрган новвотчойи ҳам эсидан чиқди. Кўзларини бир нуқтага тикканича жим қотди.

— Уч марта уйландим, — деди у бир нарса эсига тушгандай ўзига келиб. — Биринчисидан икки қиз кўрувдим. Икковининг ҳам умри қисқа экан, ёшига етмай ерга қўйди. Иккинчисидан уч фарзанд кўрдим. Уови ҳам турмади. Ҳозиргиси туғмади. Пешонамга бевфарзанд кетиш ёзиб қўйилган экан, деб тақдирга тан бериб, ўтяпман. Авваллари унчалик билинмасди. Еш улғайган сари ўкинадиган бўлиб қоларкансан. Чолкамбир бир-биримизга мунғайиб ўтирамыз. Бундан оғир нарса йўқ экан. Қайсидир доно айтган экан, одамзод уч марта яшайди, деб. Яъни, биринчиси — ўз умри, иккинчиси — болаларининг дилида, учинчиси — қилган хайрли ишлари билан. Биринчи умрим охирлаб қолди. Ном қолдирадиган тирноқ йўқ. Равот ёки кўприк селолмадим. Шу нарса зилдай армон бўлиб вужудимни эзади. Дунёдан кўзим очиқ кетадими, деб юрагим зирқирайди. Шунақа, биродар, ғамим кўп, кўнгил ўксик!

Унинг изтироби Мухсинжон акага ҳам кўчгандай ўзгариб қолди. Чолнинг гапи уни ҳам ўйлантириб қўйди. Бу ҳаёт деганлари жуда ҳам жумбоқ нарса экан-да. Бир кам дунё, деганларидай ҳеч ким умрининг ниҳоясида таскин билан, хотиржам кўз юмолмас экан. Кимгадир ортиқча туюлган нарса бошқаси учун бир умрли армон бўларкан. Кимдир ўзини ҳақ санаб, ноҳақликка йўл қўяркан.

— Мана, биродар, сиз катта ишдасиз, илмингиз бут, дастингиз узун. Лекин сизам беками-кўст яшадим, деб айта оласизми? Ё сира армонингиз йўқми?

Муҳсинжон ака жавоб топодмай ўйланиб қолди. Чەҳрасига ташвиш аломати қалқди. Ботинини сездирмаслик учун нохуш жилмайиб, деди:

— Жуда ғалати савол бердингиз-ку! Ростини айтсам, ҳозиргача сира бош қотириб кўрмаган эканман. Армоним йўқ-ку... Лекин инсончилик экан, биз ҳам хато қилганмиз... Бир кечирилмас иш қилиб қўйганман, ҳали-ҳали афсус чекаман. Аммо ўша пайтда ҳақлигимга қаттиқ ишонгандим. Бунни тезда унутиб юбораман, деб ўйлагандим. Лекин унутилмади. Жуда кўп азоб берди. Ҳар фарзандим туғилганда бир томондан қувонсам, бир ёқдан юрагимни ғам кемиради. Баъзан шахсий туйғуларинг қонунлардан ҳам, бурч масъулиятдан ҳам устун чиқиб қолади, деб ким ҳам ўйлабди. Ушанда ёш, ғўр эдик-да!

— Ҳа, ўлманг. Боя айтдим-ку, армонсиз одам йўқ, деб, Кўнгилга олмасинлару, агар сир бўлмаса, биз ҳам эшитайлик-чи.

— Сизнинг гапингиз юрагимда яшириниб ётган ўша аламни кўзғаб юборди. Менда ҳам армон бор, отахон, — Муҳсинжон ака шундай дедию ўша воқеани суҳбатдошига айтиб беришдан истиҳола қилибми, тўхталиб қолди. — Шунча йил сир сақлаб юрдим, айтгани юрагим дов бермасди. Майли, сизга юрагимни очгим келди. Гуноҳингни тан олиш, уни бошқаларга ҳам овоза қилиш қанчалик оғир бўлса ҳам, айтаман. Урушнинг тўртинчи йили эди, чамамда, — ҳикоясини бошлади Муҳсинжон ака сиркачига яқинроқ суриларкан. — Молияга янги ишга кирганман. Дўпписини опкел, деса, калласини қўшиб келадиган чарс йегитман. Кеча-кундуз тиним билмай ишлаймиз. Ҳали чайқовчини ушлаймиз, ҳали бекитиқча ҳунар қиладиганларнинг додини берамиз. Бу ишда янги бўлсам ҳам, қаттиққўллим, муросасизлик билан назарга тушиб қолдим. Кўча-кўйдан ўтиб қолсам, одамлар салоом беролмай дудуқланиб қолади. Қинғир иши борларни-ку, қўяверинг. Мени кўрса, илиги қалтираб, лаби қийшайиб қолади. Сезиб, ичимдан қувониб қўяман. — У чойини бир ҳўплаб бушатди. Бошини тебратиб ўтирган сиркачига қараб яна гапирга кетди: — Ахир, ўзингиз биласиз, уруш, қаҳатчилик. Ҳамманинг фикри-зикри фронтда, миясида тирикчилик ташвиши. Бир кило дон фалон пул. Бир бурда нон учун одамлар ҳеч нарсадан қайтмайдиган пайтлар. Шундан фойдаланиб, қинғир йўлга кирганларнинг танобини тортиб қўйиш зарур эди. Аммо бир воқеа рўй бериб, мени анча синдириб қўйди. Бошлиқлар-ку, ҳали ҳам ишимдан маннун эди. Лекин ўзим ўзгариб қолдим. Юрагимда тугунми, ярами пайдо бўлди.

Муҳсинжон ака бир пас тўхтаб, сиркачига синчковлик билан назар ташлади. У ҳамон ердан кўз ўзмай, бошини қимирлатиб ўтирарди. Мен ҳам қизиқиб, уларга яқинроқ ўтириб олдим. Муҳсинжон ака давом этди:

— Салгина айби бор одамларнинг юрагини ўйнатиб юрган кунларимнинг бирида молия бўлимига кимдир келиб, Дегрезлик маҳалласида яшовчи Қосимхон деган уйида бекитиқча маҳси тикиб, бозорда пуллаётганини айтиб кетди. Бошлиқ мени ҳузурига чақириб, хабарни зудлик билан аниқлашни, агар рост бўлса, ўша косибнинг барча лаш-лушларини мусодара қилишни топширди. Ахтара-ахтара Қосимхоннинг уйини топдим. Ичидан занжирлаб қўйилган бир табақали, тақа михланган эски эшикни узоқ тақиллатдим. Аввал хотин кишининг «кимдир» дегани, кейин эркакнинг қисқа-қисқа йўталгани эшитилди. Занжир туширилиб, эшикни паст бўйли, озғин ва қаримсиқ, кўк дўппили киши очди. Бир пас ҳайрон тикилиб тургач, тилга кирди:

— Келинг, қанақа хизматлари бор? — деди.

— Қани, уйга бошланг, — дедиму унинг оқсоқланиб қадам ташлашига сабрим чидамай, тўрдаги уйга қараб юрдим.

Йўл-йўлакай молиядан эканимни, унинг устидан тушган хабарни текширгани келганимни айтдим. Қосимхон қалт-қалт титрар, менга жавдираб қарар, гоҳ хотинига имо қиларди. Хотини бўлса, унинг имосига тушунмай, рўмолининг бир учини тишлаганича талмовсираб, ҳовлида зир югурарди.

Ҳақиқатан ҳам уйда бир парча амиркон чарм бўлаклари, қолип-шон, игна-бигизлар сочилиб ётар, шонга тортилган бир жуфт маҳси деворга тираб қўйилган эди.

Маҳсини шондан туширтдим. Битмаганлирини ҳам рўмолга тугдирдим. Қосимхон титроқ қўллари билан нарсаларни йиғиштираркан, тинмай ялинарди:

— Ука, бу сафар кечиринг, агар яна қўлимга игна-бигиз ушласам, она сутим ҳаром бўлсин. Бешта болам бор, биттаси касал, шунга ёқадиған, бирор нарса топиб келай, деб йўқдан бор қилувдим. Очлик кўрсин, болаларнинг «нон» деяверганидан тўйиб, ўзингни ҳар гузарга соларкансан одам!

Аммо унинг зорини эшитиб ўтирадиган вақт эмасди. Эшикка қараб юрдим.

— Эртага идорага борасиз. Ўша ерда ҳал қиламиз. Мана буларни далил сифатида олиб кетаман, — дедим.

Қосимхоннинг тили гапга келмай қолди. Хонумони куйган одамдай кўзлари хиралашганини, қадди янаям чўкиб, лаблари титраганини сезиб қолдим. Энди боядан бери кўрқув ичида қалтираб турган хотини йиғи аралаш дуога ўтди:

— Илойим бизни кунимизга сира тушманг, айланай. Норасидаларни қон қақшатманг, ўргилай. Уларнинг чирқираши жонларидан ўтиб кетиб, тақиқ бўлсам ш

ишга қўл урувдилар. Шу сафаргина хўп дея қолинг, айланай. Бир умр дуоингизни қилиб ўтайлик.

Унинг гапларидан ансам қотиб, қўл силтадим. Рўмолдагиларни кўтарганча идорага қараб жўнадим. Эшик тагида Қосимхон қалтираб, хотини пиқиллаб қолаверди.

Уч кундан кейин уйда тақиқланган ҳунармандчилик билан шуғуллангани учун Қосимхонга икки минг сўм солиқ чиқди, асбоб-анжоми мусодара қилинди.

Бешинчи куни уйга келсам, хотиним — ёш келинчақ йиғлайвериб шишиб кетибди. Нима бўлганини сўрасам, пиқиллаб жавоб беролмайди. Яккаш «бола, бола» дейди.

Маълум бўлишича, шу куни эрталаб Қосимхоннинг бемор боласи қазо қилибди.

Бир неча кунгача бўлган воқеадан ўзимда бор-йўқ юрдим. Ишхонада, қўлим ёзувда бўлсам, кўз олдимга онасининг эски қўйлагига ўралган мурда келаверар, боланинг очлиқдан шишган гавдаси, қонсиз юзини тасаввур қилиб, этим сесканиб кетаверарди. Юрсам ҳам, турсам ҳам қулоғимга боласидан ажраган эр-хотиннинг ялинчоқ, мунгли овози эшитилаётганга ўхшайверди. Охири ўзимга тасалли бердим: «Менинг айбим йўқ, қонунга биноан иш тутдим. Қаҳатчилик азобини чеккан бир буларми. Нима, энди, боласи оч экан, деб фойда орттиришга йўл қўйиб беришим керакмиди? Одамларга ҳам ҳайронсан, аҳволинг шу экан, рухсат берилмаган ишни қилма-да», дея кўнглимдан ўтказиб, ғазабландим. Хуллас, ўшанда калта ўйлаганимга ҳали-ҳали афсусланман, — деди Муҳсинжон ака сўниқ аҳволда ҳикоясини тугатаркан.

Худойберди сиркачи, бай-бай, деб анчагача бошини сарак-сарак қилиб ўтирди. Кейин унга тасалли берди:

— Сизнинг дардингиз меникидан ҳам оғирроқ экан тушунган одамга, биродар! Одамзод бир умр қилган хатоларини тузатиб куни ўтаркан. Тузатишнинг иложи бўлмаганлари эса юрагининг бир четини яра қилиб, азоб бераверар экан. Эй, фалак! Ҳай, энди мен турай, анча дардлашиб, юракларнинг ғуборини ёздик. Одам тафтини одам олади, деганларидек, анча энгил тортдим. Хўп, биродар, омон бўлинг. Бозорга кирганда йўлиқиб туринг, сирканинг тозасидан бераман. Сиздақа қадрдонларга текинга ҳам беравераман. Хўп, кўришгунча!

* * *

Гапнинг индаллоси, Тоға билан ёжиллашиб қолдим. Илгари ҳам бир-икки ёвқараш қилиб юрган эди, бугун чинакамига портлади.

Чойхонанинг кунда-шундалари бирин-кетин узун-қисқа йўталиб, томоқ қириб, салом бериб кела бошлаган пайт эди. Тўрида кўкси очиқ оқ яктакли, рўмолчанинг тўрт бурчагига тугун солиб тақир бошига кийиб олган Холмамат тажанг кўр тўкиб ўтирибди. Каттиқроқ овозда салом бериб қўйсанг ҳам балога қоласан. Дарров пешонаси тиришади, кўзлари олаяди, мушти қисилиб, томирлари ўқлоғидай бўртиб кўринади. Унинг ёнида ҳар гапига лутф қўшиб, бошқалардан аввал ўзи шарақлаб куладиган Ҳаким пўрим. Кийимига пашша қўнмоқчи бўлсам, ярим соат пуфлаб, чертиб тозалайдиган, кўчадан кесиб ўтаётган машинадан кўра чангидан кўрқадиغان бўлгани учун шунақа лақаб олган экан.

Шу пайт қўлини белига тираб, бурама ҳассани дўқиллатиб Юнусхожи ота кириб келди. Эшик олдида ҳассани чап қўлига олди. Унг қўлини соябон қилиб, ёшланган кўзларини қисиб, ўтирганларга бирма-бир қараб чиқди.

— Шу ердამиз, ҳожим, келаверинг! — ўтирган жойидан сўз қотди Ҳаким пўрим. Юнус ота кўрсаткич бармоғи билан «битта чой» деб менга имладию тенгқурлари томон юрди. Гириллаб чойни олиб бордим. У жойига ўтирмаёқ «гапбўрон» тагида қолиб кетди.

— Ҳа, ҳожим, ҳаяллаб қолдилар? Бешиқдан кеч ечишдимми? Ё маликаи дилозордан ижозат ололмай қийналдиларми? — Пўрим шеригига кўз қисиб Юнус отани «тергов» қила бошлади.

У жавоб ўрнига тишсиз оғзини очиб кулди. Кейин индамай улфатлари ёнига чордана қуриб ўтираркан, бошини қашиб, Пўримга қаради.

— Ман-ку бир илож қилиб рухсат олдим, — деди. — Аммо санга раҳмим келади, Пўрим. Чойхонага чиқси учун кампирингга ўсма сиқиб бериб, курагини қашиб, аранг кўндирасан.

Учови бараварига қиҳ-қиҳлаб кулишди.

Яна Пўримнинг тили қичиди:

— Ўсма сиқсам майли-ю, ўзларига ўхшаб уч ойлик нафақанию очиритни қурбон қилиб кампиримга тилла тиш солдираман деб югурмабманми?

— Ҳа, суви келаётган бўлса ўзинг ҳам солдириб қўй. Кампиринг учта сўзни эплаб айтгунча етти марта хўштак чалади, овқат еса, пастки лаби бурнини ялаб туради.

— Биздақа камтар одамга тишсизи ҳам ёқаверади. Қирқ олти йил бирга яшаб, энди «пуф сассиқ» қилармидим?

Учала чол аччиққина чой устида ўтмишни эслаб, ўтган-кетганни хотирлаб, бир-бирини «чандиб» яйраб ўтиришарди. Мен уларнинг қизиқ гапларини қоғозга тушириб қўймоқчи бўлиб, энди қўлимга ручка тутувдим, Тоғанинг гулдираган овозидан бир сапчиб тушдим.

— Мен хомкалла, мен аҳмоқ, чойхонага дастёр деб, ғаламисни ишга олган эканман-да! Сен болага ўтган сафар нима девдим ахир. Бу ер санга Худоевхоннинг мирзахонасимас, чойхона демабмидим, кўрнамак!

— Нега сўкаси, сиззи ёзаётганим йўқ-ку! — дедим жаҳлим чиқиб.

— Кимни бўлсаям, бу ерда ёзма! Ҳозир одамлар ручка-қоғоз ушлагани кўрса, етти чақирим қочяпти. Нима, чойхонани хароб қилмоқчимисан?

Нима дейишимни билмай, дудуқланиб қолдим. Ҳақиқатан, чойхонани кетма-кет текширувчи босаверганидан шубҳаланиб юрган Тоға ўтган гал ниманидир ёзиб ўтирсам, кўриб қолган ва қулоқнинг тагига бир туширган эди. Минг тавба билан ҳайдалишдан қўтилиб қолгандим. Аммо шундан кейин Тоға хавфсираб, чойхонани анча эпақага келтириб қўйди. Чойнак-пиёла, кўрпачаларни янгилади. Энди шуларнинг аламини ҳам биратўла олмоқчи шекилли.

— Яна нима шумликни бошлаяпсан ўзи? — бақира кетди у ўдағайлаб. — Чивин амалга минса, лайлак саломга келибди, дегандай, энди бу мишиқихон ёзишни биларканлар, деб етти букилиб таъзим қилиб юрайликми?

— Мен, шунчаки... Бир нарса эсимга келиб қолувди...

— Етим деб елкангни силаса, бошга чиқасан, нонкур! Бўлди, бардошим тугади! Эртадан бу ерда қорангни кўрмай, итвачча!

— Илтимос, ҳақорат қилмасангиз! Олдин аниқланг, кейин...

— У, ҳали тиллари ҳам чиқиб қопти-ку ғаламисхонинг!

Энди жавобга оғиз жуфтлаган эдим, чоллар ўртага тушиб, Полвонни инсофга чақира бошлашди:

— Ҳай, Полвон, шайтонга эрк берманг. Ўзи яхши болага ўхшайди, энди ёзмайди. — Кейин менга кўз қисиб гапира кетишди: — Тавба қилдим де, дарров Полвондан кечирим сўра!

Аммо кечирим сўрашга улгурмадим, Полвон қўлининг терси билан кафтига шапатилаб, чолларга гапира кетди:

— Сизлар тушунмайсизлар-да, ҳозир ҳамма билағон, ҳаммаси ёзишга уста. Шилт-пилт қилиб сиригни билиб олади-да, дарров устингдан шикоят ёзади. Ана унда кўраверинг текшир-текширни! Тинчитмагунингизча кўзингиз қорайиб, сочингиз оқариб кетади.

— Ҳа, айбингиз бўлмаса, нимадан чўчийсиз, Полвон. Чойхонангиз ҳавас қилгудай. Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайди, деганларидай ё ўзлари ҳам ҳалигидақа... — Пўрим икки бармоғини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

— Оғизга қараб гапиринг, Пўрим, — Тоға туюқиб кетди. — Бир вақтлар дўпписи ерга тушиб кетса, беш сўм бериб олдирган Полвонни жа ҳаромхўрга чиқариб қўйманглар. Мен ҳам ҳазар қиламан бировнинг ҳақидан. Аммо шароит мажбур қилиб қўяркан-да. Ҳали унис «чўз» деб турса, ҳали буниси лабини ялаб турса. Бошқаси келиб: «Атом асрида чойхонага бало борми?» деб юракни шигиллатса. Ахир, тушунинглар, кураш тушишдан бошқа ҳунарим бўлмаса! Уни ҳам қилмасликка қасам ичиб қўйган бўлсам! Эртадан-кечгача қўққайиб юришдан, биров йўталса «лаббай» деб туришдан мурод шу чойхонани ҳам кўп кўриб, бекитиб қўйишмаса дейман-да!

— Ҳай-ҳай, у кунни сира кўрсатмасин! — энди Тажанг гапга аралашди. — Ўзбекни ўзбек қилиб турган шу чойхона-ку! Унда биздақа тор ҳовлига сиғмай, келинларнинг қошқовоғидан безиган чоллар қаёққа боради? Ресторанда чордона қуриб ўтиролмасанг, данғир-дунғурдан битта гапингни гапшолмасанг.

— Шунга айтгин, Тажанг, — деди Юнус ота. — Яқинда ўғлим Сочига саёҳатга олиб борувди. Чойхонаси йўқлиги учун уч кундаёқ зерикиб қолдим. Хонада чой дамлаб бериб турди, аммо ёнингда улфатларинг бўлмаса, қизиғи йўқ экан.

— Э, сиз Сочини гапирасиз, — Пўрим Юнус отанинг тиззасига қўлини қўйиб гап бошлади. — Эшитишимга қараганда, ўзимизги Тошканда ҳам чойхоналар камайиб кетибди. Борларидаям пиёла зовутига ўт тушгандай, истаконда чой ичишармиш. Биззи чойхоналарга ўхшаб, эшигининг олдида лўмбиллаган нонлар, қатиқ-қаймоқлар сотилмас ҳам экан. Ўтган кунни қўшим анжир сотгани борган экан, ҳафсаласи пир бўлиб келди.

Бу гаплар Тоғага сарёғдай ёқиб, янаям авжига минди:

— Улманг, мен ҳам шунга айтяпман-да! Қўша-қўша шохона ресторан қуришга пул бор, бироқ баъзиларнинг ўйлашича, чойхона — «ифвохона». Шу ерни ремонт қилдириб олгунча ялинавериб тилимнинг туки чиқди. Агар жа қўлинг қичиётган бўлса, шунга ёз!

Тоғанинг вазоҳатидан чойхонадаги ишимга «кўз теккан»га ўхшайди. Ҳисоблаб кўрсам, отпускамнинг тугашига уч кун қолибди. Бугунги жанжал баҳона силлиққина бўшаб олсам бўлади.

Кечгача хизматни ўн чандон аълороқ қилиб турдим. Чойхонада одам сепсилгач, Мамарайим акага юрагимни очдим:

— Э, ука-ей, шунгаям хафа бўлиб юрибсанми? — деди у салмоқланиб чойнак жўмрагини жимжилоғи билан тозаларкан — Полвон тоғанг бир пов этадию дарров ўчади. Эрталаб ҳеч нарса бўлмагандай ишга келавур.

- Ахир кўрдингиз-ку, айбим бўлмасаям қанақа ҳақоратлади.
- Энди, бошлиқ бўлгандан кейин сўкади, уради. Биз чидаймиз-да!
- Мен чидамайман. Эртаданоқ кетаман!

Мамарайим ака хаёл сургандай жимиб қолди. Кейин индамай ёнини ковлаб, менга пул узатди.

- Бир ҳафталик ҳақинг. Полвон тоғанг берди.

Кейин яна сукутга чўмди. Қўли ишдаю лаблари унсиз пичирлайди, лиқ-лиқ ютинади. Кейин маҳзун овозда гап бошлади:

— Сенга қойилман, укам. Мана, унинг бир оғиз дўқига кетяпсан. Мамарайим эса ўн олти йилдан буён пўписасигаям, ҳақоратигаям чидайди. Қани энди, юрак бўлсаю манам икки оғиз жавоб қайтариб, хумордан чиқсам. Йўқ, мен буни қилолмайман. Бу ердан ҳайдалсам, мендек омини ким қучоқ очиб кутиб олади? Қайси ғамхўрим ёнимга кириб, тасалли беради? Мана шунақа, укам, бу ҳаёт деганларинг Ғулом қандолатчининг ҳолваси эмас. Аммолайкин, сенга беш, ота ўғил.

Кўнглим бузилиб кетди. Қўлимдан келганича Мамарайим акага тасалли бердим. Негадир тўлиб-тошиб турган эканми, қўлидаги чойнакни шақур-шуқур қилиб, яна гапира кетди:



— Салкам бир ой шу ерда ишлаб, ўзинг анча нарсани тушуниб қолдинг. Қанча-қанча одамларни кўрдинг. Уларнинг хурсандчилигиниям, ғаминиям эшитдинг. Дунёда яхши одам кўп, аммо ёмониям етарли. Жон ука, агар ҳафсала қилсанг, шуларнинг ҳаммасини бир китоб қилган. Мениям қўшиб кетсанг, майли. Сезиб юрибман, ёзишга иштиёқинг борга ўхшайди.

- Қўлимдан келармикан? — дедим Мамарайим акани хафа қилиб қўймаслик учун.

— Келади. Унча қовушмасаям, ёзавер. Ақалли юзтадан биттасининг ғамига жиндай малҳам қўёлсанг, юзтадан биттасига ёрдаминг тегса, эзгулик иморатига битта ғишт қўйган бўласан. Ахир бундан қам савоб иш борми дунёда?

- Хўп, Мамарайим ака, сиз учун шу ишни қилганим бўлсин.

Унинг елкасидан тоғ ағдарилгандай чехраси ёришиб кетди. Ота-боладай қучоқлашиб ажралишдик. Тўлқинланиб, энтикиб Чорсудаги чойхонаю унинг олақуроқ мижозлари билан ғойибона хайрлашдим. Эшикдан чиқарканман, орқамдан мўлтираб қолган Мамарайим акага «албатта ваъдамни бажараман» дегандай бош ирғаб қўйдим.



Абдували Қутбиддинов

МЕН СЕНИ БАҲОРДАЙ СЕВАРМАН

* * *

Бу дунёда топганим ҳалол:
бурда ноним,
умрим
ва яна...

Бу дунёда топинганларим
Бўлди Ватан ва яна Онам.

Қутмасман ҳеч кимдан марҳамат,
Қарзга келган эмас бу йўлим.
Бу дунёда устозим — ҳаёт,
У дунёда шогирдим — ўлим.

Қасам

Фаромуш боғларда солланиб маҳзун,
Заррин сарполарда, давлати фузун,
Қалбимга едирар нон ҳамда тузин,
Ё жоним муҳаббат,
Сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам қўлларим синсин.

Ўткинчи ҳисларда болалик бадбахт,
Севгининг номидан ёзади тилхат,
Агарда яшасам қалдирғочсифат,
Қизғалдоқ энамдир,
Сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам қўлларим синсин.

Ортимда чўл дедим, кўрсам, Бадахшон
Қадимий тангадай беҳамён, бешон,
Узимни изласам — мендан йўқ нишон,

Ал-омон мен қайда,
Сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам қўлларим синсин.

Сўнги дам ўзим-ла ўчакишсам ҳай,
Соҳир кўзларингдан талаб этсам май,
Э воҳ, кекирдагим кесиб этсам най,
Пуфласам — куй ёнса,
Сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам юрагим тинсин.

Севги

Қор ковшаб, чиллалар лўқиллаганда,
Уватлар ув тоғтиб, лўқиллаганда,
Шарпалар бужмайиб, лопиллаганда,
Мен сени баҳордай
Севавераман.

Дарахтлар айланса дуркун қизларга,
Далалар ҳомила тутса излардан,
Булбуллар адашиб ўпса юзлардан,
Мен сени ёз каби
Севавераман.

Жавзо гуноҳқорни топмаган жаллод —
Кўнглимни ивитиб этса гар чалоб,
Бир қошиқ ичиб сен маст бўлсанг беҳоб,
Мен сени куз янглиғ
Севавераман.

Атиргул чангини қўмсаган еллар,
Эски шолчаларни йиғиштирсалар,
Сени кўрмасин деб ёпсалар парда,
Мен сени барибир
Севавераман.

Шеърятда янги сўз топиш муайян нарсанинг бошқалар кўролмаган томонини илғаб, таърифлаб беришдангина иборат эмас, балки ўша нарсага тамомила бошқа нигоҳ билан қараш, уни ўзгача сезимларда ифода этишдир. Янги сўз — янги билик, дунёнинг кўринаётган манзараларини ўзгача суратлантириш. Шунга интилган ёш шоирнинг изланишлари илк босқичда хийла мураккаб кечади. Гап, кўпинча, шу янги йўлдан бораётган ёш шоирнинг топилдиқлари унинг ўзига ҳам ноаниқ бўлиб, пайпаслагинини кўряпман, деб ўйлаб, тўхтаб қолмаслигида. Илк босқичда ўзгача мушоҳада юритишни муайян поэтик системасига айлантира билган, хилма-хил сезимларни ягона — фақат ўзига хос манзараларда ифодалай оладиган шоир барвақт шаклланади.

Абдували Қутбиддиновнинг интилишлари ана шу жиҳатдан қадрлидир. Унинг шеърлари, муаллифнинг янги сўзи, ўз қалб манзаралари бор, деб айтишга асос беради.

Абдували Қутбиддиновнинг шеърлари биринчи танишувда балки бир оз туманли, туйғулар ноаниқ суратланаётгандек туюлар, кўкламги тошқиндек ўзи билан хору хасни ҳам илаштириб, лоиланиб келаётгандек кўринар, лекин, ҳатто шундай тасаввурдаги китобхон ҳам улардаги қандайдир жозиб тилсимларни, Шарқнинг ўктам ташбеҳлари руҳига йўғрилган қувватни осон илғайди. Ёш шоир оҳангнинг ўзиёқ мустақил поэтик маъно касб этадиган, мушоҳада мароми барча кечинма, туйғу, сезимларни ботин бир тартиботга уйғунлаштириш керак бўлган мураккаб усулни танлаган. Унинг келажаги шу йўлни нечоғли ойдинлаштиришда. Ойдинлаштириш, ўша янгича сезимларни аниқ-равшан ифодалаш эса, ниҳоятда зарур.

Шу маънода Абдували Қутбиддиновга сабот тилайман.

Аҳмад АбЗАМ.

Улуғбек изтироби

Най товуши бурдалар саҳроларнинг бағрини,
Нор бўйнига ўралган қўшиғи бор ҳудуднинг.
Чўкиб кетган челақда занглаган қудуқ суви,
Томи лою, девори тош уйлари бор вужуднинг.

Ёриб ўтмас деворларин гармсел тўзонлари,
Ҳамон недир гапиреди қулоғига Широқнинг.
Қари туя лўккиллайди асрлар нарёғида,
Ўркачига миниб олган дунё исми-фироқнинг.

Чакиллаб чакиллайди —
Томдан томади ҳаёт.
Тоғора тўлиб кетар —
Сенинг омадинг, ҳаёт.

Най товуши бурдалар саҳроларнинг бағрини,
Зулматнинг қалъасидан соялар берар садо.
Уфқнинг чизигида ланг очиб дўконини,
Дунёни сотар ҳамон савдогар қавми, наҳот!¹

Бир газ атлас — камалак,
Бир кўйлаклик шодлик бу.
Бир газ кафан қайғуга
Қолганига у-ю, бу.

Най товуши бурдалар саҳроларнинг бағрини,
Улуғбек руҳи кезар тунларнинг шарпасида.
Самарқандга термилиб, одамлар боши узра
Юлдузларни тўкади, титраб тоғорасидан...

* * *

Хонтахта нотинч қачондан бери,
Устида чиққиллар соат бетиним:
Чиқ-чиқ-чиқ...
Телевизор томоша кўрсатаверар.
Радио жаврайди.
Китоблар мудрайди жавонда:
У ўқимайди.

Соҳиб каравотин тузатиб олар,
Узала тушади, чекар кетма-кет.
Бақалоқ ёстиққа бош кўяр:
Муҳаббат, майли, кет...

Сарғайган газета пичирлар:
Тўртинчи бетда,
Бу дарднинг давоси ёзилган...
Бир вақтлар Парижда ошиқлар...
Шалақ дераза очилар шалақлаб,
Шамол бош суқиб ўтади:
Нима гап?

Хонтахта нотинч қачондан бери,
Устида йиртилган қиз сурати бор.
Соат ҳам бетиним дегани-деган:
Чиқ-чиқ-чиқ...
Қаерга?
Тўртта оёғининг ҳаммаси фалаж...

¹ Муҳаммад пайғамбарга ишора.

* * *

Булбуллар мастона кашта гулларида,
Сўзана четида ухлаган лайлак.
Дарпарда ортида шамол кўпиртирган
Бир коса шарбат.

Сен ич-ей, очилиб кетур дераза,
Баҳор кула бошлар чумчуқ инидан.
Сенга мусичалар ясар зинапоя
Япроқдан,
Қани, туш!

Адирлар кўксини кесиб беради,
Оҳиста ўлтириб учамиз баланд.
Биз учун ҳумолар донлар теради,
Маъво салтанати далаларидан.

Шафақлар хонатлас янглиғ ёйилур,
Дутор чертиб аста порлар қаҳқашон.
Қўшиқлар айтилуру сенга аталган,
Сен ишон.

Оққушлар парёстик берар келтириб,
ЕТТИ қават кўрпа тўшайди товус.
Шундоқ ёнимизга қўйиб кетади,
Ой тилла фонус.

Тиззангни қучоқлаб боқасан дилгир,
Соатга қарайсан, кулимсирайсан:
Кеч бўлди, соат бир...

Булбуллар йиқилар кашта гулларида,
Сўзана четида ўлади лайлак.
Дарпарда ортида шамол гувуллар,
Коса тўла ҳасрат.

* * *

Она сигир уфқнинг
Яйловида ўтлайди,
Елинлари тирсиллаб.

Фақатгина серфиноқ,
Бир гўшада келинчак
Пиқир-пиқир йиғлайди:

Камалакнинг хазони
Нигоҳимда пишмайди,
Юрагимда чирсиллар.


Ҳолим забун, кўр, кўргин,
Қўмсадим гўдак васлин
Она сигир, сут бергин!..

Челак кўтарган момо
Соғиб олар авайлаб,
Она сигир маърайди.

Камалакнинг хазони
Нигоҳларда сирғанар.
Она сигир маърайди.

Момолар сутни сепар
Келинлар сарпосига,
Чақалоқлар куйлайди.

Келинчаклар тўлғанар
Ва тонг пайти, тонг пайти
Тушлар келар ғаройиб.
Жажжигина бармоқлар
Талпинади, мулойим...



Салоҳиддин Сироҷиддинов

УЛУҒБЕКНИНГ АКАСИ

Ҳикоя

Салоҳиддин Сироҷиддинов 1959 йил Андижондаги Балиқчи районида, Чин-обод қишлоғида туғилган. 1979 йил Тошкент Давлат маданият институти-нинг театр режиссёрлиги бўлимини тугатган. Ҳикоялари «Ешлик» журнали-да, «Биллур жилғалар», «Камалак» тўпламларида босилган. «Беозор лай-лакларга тегманг» драмаси республика ёш томошабинлар театрида 1982 йилда сахналаштирилган.

Машина дарвозага етиб келмасиданоқ чой ичиб ўтирган қоровул пиёлани столга қўйиб, шошганича пешвоз чиқди. Чолнинг ёш боладай чопиб чиқиб келганини кўрган Улуғбек машинани тўхтатди-да, кабина эшигини очиб, унга юзланди.

— Нима гап, лотереяга бирон нима ютдин-гизми?

— Суюнчини чўзинг, суюнчини! — деди чол худди ростданам суюнчи оладигандай кабина эшигини тутиб. — Акангиз келибдилар, дўстлари билан.

— Суюнчига биз қарз, оғзингизга сиққа-нини айтаверасиз, — деди Улуғбек хурсандли-гини яширмай жилмаяркан. — Ҳозир мана

буларни олинг-да, директорга шахсан ўзингиз топширинг. — Улуғбек ёнидаги яшикни олиб чолга узатди. — Кейин директорга акамлар келганлигини...

— Директор кетган, — деди чол Улуғбекнинг гапини бўлиб.

— Қаёққа, кутиб тураман, тез қайт, деганди-ку.

— Шошманг, — деди чол зил-замбил-яшикни ерга қўйиб Улуғбекка ўгириларкан. — Бердисини айтгунча сабр қилинг-да. Директор ташқарида эди. Сизни кутиб турган бўлса керак-да. Худди биров қувгандай секретарь Лобар чиқиб келиб: «Совхоз дирек-тори телефон қилдилар. Тез чорбоққа етиб бораркансиз, академик Воҳидов дўстлари билан Тошкентдан келибдилар», деб қолди. Энди ўзингиз яхши тушунасиз, улуғ одамлар-да, бирдан укамникига бостириб борсам, шошиб қолмасин, деганлар-да. Катта одамлар етти ўлчаб бир кесишади. У — сиз билан биз, нимани ўйласак қилиб кетавера-диган. Зиёфат қуоқ бўлса керак, Илҳом ошпазниям олиб кетди.

— Хўп бўлмаса — деди Улуғбек кабина эшигини беркитиб. — Эсингиздан чиқма-син анави, — дея яшикка имо қилиб қўйди машинани ўт олдираар экан.

Чол яшикни четга олиб, машинани буриб олгунча кутиб турди. Хонасига қайтиб, яшикни столнинг тагига жойлаштирди. Совиб қолган чойни хўпларкан, Улуғбекнинг чорбоққа эмас, машинани елдек тезлатиб дала томонга кетаётганига деразадан кўзи тушиб, ажабланди.

Улуғбекнинг кўз ўнгида Чинободдаги ҳовли гавдаланди. Оқ ўрик — акасиники, шафтоли — Улуғбекники, гилос — Барчинойники. Ҳовлидаги дарахтлар шу тарзда

«бўлиб» олинган. Йўқ, улар меваларни талашишмасди. Шунчаки, ўзлариники қилиб белгилашган. Дарахт остига чуқур қазишиб, тезроқ пишсин, деб қанчалик сув ташиб қуйишмасин, Барчинойнинг гилоси биринчи қизарарди. Оқ ўрик довуччалигидаёқ пастки шохларида мева қолмасди. Акасининг оқ ўригига арғимчоқ солишарди. Эски ёстиқ жилдидан ўтиргич ясаб олишган. Акаси навбат билан уларни арғимчоқда учирарди. Арғимчоқ зув осмонга кўтарилади, зув қайтиб келади. Ён томонда турган акаси пайт пойлаб ушлаб олади-да, бор кучи билан арғимчоқни учиради. Барчинойнинг чит кўйлаги шабадада ҳилпирайди, сочлари учади, қувонганидан қиқирлаб кулади, акасини янада тезроқ учуришга ундайди. Арғимчоқ тобора баландлаб учади. Навбат Улуғбекка келади.

— Маҳкам ушла, Улуғбек, кўрқмаяпсанми?

— Йўқ, тезроқ учиринг, тезроқ!

Улуғбекнинг боши дарахт шохига теккудай бўлиб қайтади. Арғимчоқ дам уёққа, дам буюёққа бориб келади. Ўрик шохи дам эгилиб, дам тикланади. Дарахт арғимчоқ учушига қараб тебранади.

— Тезроқ, тезроқ! Тезроқ учиринг!

Ғўр мевалар тўкилади.

— Тезроқ, тезроқ!..

Ғарқ пишган ўриқлар тап-тап ерга тушиб, ёрилиб, данаги ажралиб чиқади.

— Тезроқ, тезроқ!..

Барглар тўкилади, сап-сарик, олтинранг барглар дувиллаб тўкилади. Ғўё осмондан олтинранг барглар ёғаётгандай ер юзи олтинранг япроқлар билан тўлади. Барчиной япроқларни йиғиб ўйнайди.

— Тезроқ, тезроқ учиринг!

Арғимчоқ учушдан чарчашмайди...

...Юзлари офтобда қорайган, устидаги ранглари униққан кўйлагининг ёнларини шимариб олган Ибодат кетмонни ерга қўйди. Қўлини пешонасига тиклаб, кўзини қуёшдан паналади-да, шийпонга тикилди. Эрининг машинаси эканлигига ишонч ҳосил қилгач, шошиб қолди. Шийпондан кўзини узмай, увотга ўтди, бир икки қадам юргач тўхтаб ортига ўгирилди, аёллар орасидан Салимани ахтарди, топди.

— Ҳой, Салимаҳон, шу ердаман ҳам демайсиз-а?

— Сизга нима бўлди, бирон ёққа кетганим йўқ-ку, гапиринг, — деди Салима Ибодатга қараб. — Узингиз бирдан ғалати бўлиб қолдингиз.

— Ҳалиги... Умиджоннинг дадаси келибди. Ҳойнаҳой холаси вафот қилган бўлса керак... Худо раҳмат қилсин, — дея Ибодат Салима ёнига қайтарқан фотиҳа қилди. — Оғир ётовди. Беш вақт намозини қанда қилмаган илмли хотин-да, улуғ жума куни қазо қилганини қаранг, — кўзларига ёш олди. — Кетмонни олиб борарсиз, мен чопай-чи, тайёргарлигимам йўқ эди. — Ибодат кўм-кўк ғўзалар орасидан шийпон томон югуриб кетди...

— Ҳа, тинчликми, Умиджон? — деб сўради Ибодат эрига яқинлашаркан тинмай ҳансириб.

— Акам келибди.

— А-а, хайрият-эй, мен бўлсам... — Ибодат ўйлаганини тилига чиқариб юборишига оз қолди. Эрининг бир гап айтармикан деб тикилиб турганини кўриб: «Вой шўрим, уй бир аҳволда эди-я,» дея шийпон томон юрди.

— Болаларни Хадича холага тайинладим, улар билан бир иш қилолмайсан, кечкурун олиб боради.

— Тез ҳайданг бўлмаса, вой мен ўлай, билганимда кечаси билан ухламай бўлса ҳам уйларни тузатган бўлардим, — деди Ибодат кабинага чиқиб ўтирар экан.

— Кўрқма, чорбоққа тушибди, бориб тайёргарлигимизни кўрмасак бўлмайди, ёнида дўсти ҳам бормиш.

— Ҳали учрашмадингизми, ким айтди ўзи? — дея Ибодат машинани юргизаётган эрига ўгирилди.

— Завод директориға телефон қилишибди. Ҳамма совхознинг катталари ҳозир чорбоғда.

Машина дала йўлидан ортидан чанг кўтариб тезлаб кетди. Аёллар Ибодат болаларини ҳам олмай кетганидан бир кори ҳол юз берганга ўхшайди, деб ачиниб қўйишди.

— Зап иш қилишибди-да, заводга телефон қилишиб, — деди Ибодат эрига қараб мамнун жилмаяркан. — Директорингиз олдингизда ялтоқланиб қолгандир. Ул-а! Билиб қўйсин қанақа уруғданлигимизни! Бошшингни егир, сизни бошингиз оғриб юришини биларди, билиб туриб путёвкани отдай жиянига берди.

— Қўйсанг-чи, шу гапни, барибир боролмасдим. Умиджон касал эди. Путёвкаям қуярди. Ундан кейин, бўлар-бўлмасга оғзингни белошна қилаверма, директорнинг менга ҳеч қандай ғарази йўқ. Муносабатларимиз жуда яхши. Бир оғиз сўраганимда путёвкани берарди.

Анчагача жим кетишди.

— Қассобхонага ҳайданг, уйдаги гўшт урвоғам бўлмайти.

— Нима, акам ҳар ҳафта келяптими?! Кўй сўяман.

— Узингиздан кетманг, — дея Ибодат қовоғини уйди. — Худо берган жигарларим борки, ҳар ҳафта биттаси хабар олади. Буям ўзига яраша обрўй. Қани, бир ўзингиз ўтириб кўринг-чи, қадам босишармикан.

«Тўғри айтади, оқибат бўлиш керак. Бизлар-чи, нима, бизларда оқибат йўқми? Шу вақтгача бу ҳақида ўйламаган эканман. Муносабатларимиз жойида. Одамнинг табиати қизиқ-да. Барчинойникига бормаганимга бир йилдан ошибди. Жавоб сўрасам, директор йўқ демасди. Ҳали у, ҳали бу, деб вақт ўтганини билмай қоламиз. Йўқ, гап ундамас, ўзимиз шунақа, бир иш қилолмадикми, баҳона излашга тушамиз. Акам келиб кетганидан кейин бир ҳафтага жавоб олиб Чинободга бориб келаман. Балки акам ҳам борар, агар борса жуда яхши бўларди-да. Оқ ўрик турибдимикан? Утган сафар борганимда қарамаган эканман... Турган бўлса керак...» дея ўйлади ва бугун тушида ҳовлида юрганини эслади.

— Қисир қолган совлиқни сўйдилинг!

Ибодатнинг гапи Улуғбекнинг хаёлини бўлди.

— Нима? — деб сўради тушунмай.

— Қисир қолган совлиқни сўйдилинг, деяпман.

— Бўпти, — деди Улуғбек машинани тўхтатиб. Кабинадан тушди.

Ибодат кабина ойнасидан бошини чиқариб, сўнг бир нима ёдига тушди шекилли, айтмоқчи бўлди-ю, эри узоқлашиб кетганини кўриб, машинадан тушди-да, Улуғбекка етиб олди. — Анави, қизили бор-у, нимаиди, акам ўшанақасидан ичади, ўзингиз биласку.

— Ургатма, биламан, сен бориб Адҳамжонга айт, эртароқ борсин, ишларга ёрдамлашмаса ёлғизлик қилиб қоламиз, — дея Улуғбек магазинга кириб кетди.

— Ҳа-я, бошим гангиб эсимдан чиқай дебди, — деди Ибодат ўзига ўзи магазин ортидаги чойхонага қараб юраркан.

Улуғбек яшиқ кўтариб магазиндан чиқиши билан Адҳам чопиб келиб бир томонидан тутди.

— Ҳорманг, почча, меҳмонлар келишибди-да.

— Узингиз чарчамай ишляпсизми, Адҳамжон?

— Раҳмат, секин-ақта рўзғорни тебратиб юрибмиз. Чойхонада ўзи одамам йўқ эди, беркитиб чиқавердим, қўйни ўзим сўявераман.

— Зўр йигитсиз-да, Адҳамжон, сизга ҳавасим келади.

Эрининг гапларидан Ибодат хурсанд жилмайиб қўйди. Яшиқни машина олдига олиб келиб қўйишди.

— Адҳамжон, тепага чиқ, поччанг икковимиз олиб берамиз, — дея Ибодат енгини шимариб яшиқнинг бир томонидан ушлади. Адҳам кузовга чиқиб, пастга кўлини узатди.

Ибодат кабинага чиқаркан, укасига ўгирилиб:

— Мени айтишимни кутиб ўтирмай боришинг билан кийиниб кел. Одамни уялтириб қўйма. Келаётган одамларни биласан-у! — деб тайинлади.

Уйга етиб келишлари биланоқ ҳамма ишга тутинди. Ҳамро бувининг келини чақиртирилиб, унга икки тандир нон ёпиш юкланди. Қўшни қиз Юлдузга ҳовли тозалаш топширилди. Назира далага чиқмайдиган кўни-кўшни, таниш-билишларга хабар бергани кетди. Бўш турган одам йўқ. Қўлидан иш келадиган борки, нима биландир банд.

— Юлдузой, яхшилаб супур, икки йилдан кейин Тошкентга борсанг, кимсан Воҳидов кунингга ярайди. Имтиҳонга кириб йўталсанг, бас — беш. Академи Воҳидовнинг танишисан-да, тўрт қўйиб кўришсин, ўша кунни домланинг думи тугилади.

— Академик денг, — дея оғибордан чиқиб келди Адҳам.

— Аралашма, сен биласанми, мен биламанми, неча марта уйда бирга ўтириб суҳбат қурганмиз, — деди Ибодат, сўнг укасининг олма еяётганини кўриб бирдан ўзгарди. — Бу ёққа кел-чи, кел деяпман, — Адҳам жойидан жилмади. Ибодат ҳовлида Юлдуздан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб, кўзига ёш олди, овозини пастлатиб, укасини койиди: — Поччангдан уялсанг бўларди. Озгина чидасанг ўласанми?! Қачон ақл киради, а? Бувим шўрликням ичовриб сен адои тамом қилгансан! Бор, жўна, кўзимга кўринма, сендақа ёрдамчининг бўлганида бўлмагани яхшироқ.

— Опа, энди...

— Гапирма, сени одам деб чақирибман-а! Билиб қўй, яна хотининг кетиб қолса, яраштириб қўйинг, деб келиб ўтирма. Сен аҳмоқ, пиянистанинг орқасидан борадиган бекорчи йўқ. Нима деб ваъда бергандинг?!

Очиқ дарвозадан Эргаш қассобни бошлаб кириб келаётган эрини кўриб, Ибодат дарров кўз ёшларини артди. Ҳеч нарса бўлмагандай тез ўзини тутиб, қизарган кўзларини кўрсатмасликка тиришиб, айвондаги супага кўрпача ёза бошлади.

— Келинг, келинг, Эргаш ака, Махфират опам тинчми, келинни олволиб, яйраб ўтиргандир. Ҳа, бирга бошлаб келавермабсиз-да, бир борай дейман-у, ҳеч уйдан ортинолмайман, — деди.

— Керакмас, овора бўлманг, келин. Соливоини ўғли ҳарбийдан қайтган экан, ҳали

униям қўйини сўйиб беришим керак. Сизларники қисталанг экан, бу ёққа келавердим,— деди қассоб супа четига ўтириб, фотиҳага қўл очар экан.

— Умрингиздан барака толинг, яхши кунларингизда қайтарайлик.

Фотиҳа қилишди.

— Буни қаранг,—дея Ибодат супадан тушиб келди.— Бизам билганимиз йўқ. Укангиз машинаси билан шийпонга келса денг, хаёлимдан минг хил фикр ўтиб, кайфим учиб кетди. Холамиз оғир ётовди. Дарров шуни ўйлабман, умри узоқ бўларкан. Адҳамжон, нимага қараб турибсан, бўл тез қўйни олиб чиқ, қассоб тоғанг шошиб турган экан. Кейин ҳовлидаги сўрига дастурхон ёз, самоворда чой қайнаб турибди, чой дамларсан.

Эркаклар ҳовли этагига қараб юришди. Ибодат ичкарига кириб кетди.

— Қайси бирини сўямиз, почча?— деб сўради Адҳам кўрага яқинлашаркан.

— Қора қўчқорни олиб чиқинг!

Ҳовлига бирин-кетин қўшнилари, таниш-билишлари кела бошлади.

— Ибодатхо-он!

— Келинг, келинг, Ёқутхон, омонмисиз, акам яхши юрибдими, касал деб эшитовдим, тузук бўлиб қолдими? Шу денг, бирдан шийпонга дадамиз... Ҳа-ҳа, профессор, олимларни хўжайини, академия Воҳидов дейишади.

— Бирон иш бўлса айтовринг, тортинмай,— деди Ёқутхон.

— Ичкарига киринг, дастурхон тузашворасиз, сиззи дастурхон тузашингизга жуда ҳавасим келади,— деди Ибодат. Кейин кўзи қўшнисига тушди.— Келинг, айланай, баҳона бўлмаса бир ойда ҳам кўришмас эканмиз—да, Ҳалимаҳон, укам ишлар билан чарчамай юрибдими? Буни қаранг, поччангиз машинасини тезлатиб...— Сўнг кўйлагини ҳилпиратиб кириб келаятган кампирни кўрасолиб:— Ҳозир одам юбормоқчи бўлиб туровдим Ҳанифа хола,— деди.— Дилимдан ўтиб туровдингиз. Укангиз машинани гуриллатиб шийпонга етиб борса, кайфим учиб... Ҳа, Тошкандан келди, йўқ, аёллари командировкада Москвада экан, ўзи келоврибди...

— Опа, тоғора олиб беринг,— деди Адҳам шошиб келиб.

Ибодатнинг кўзи ҳовли томонга тушиб, астойдил қарай бошлади. Шафтолига илиб қўйилган қўй танасига тикилиб, укасидан сўради:

— Қайси қўйни сўйдиларинг?

— Қора қўчқорни.

— Бор, поччангни чақир!

— Ҳозир,— дея Адҳам ҳовли томонга ўтиб кетди. Ибодат уйга кириб тоғора олиб чиқди. Айвонда турган эрини кўриб, қовоғини уйди.

— Ахир у қўчқорни Адҳам ўғлини ётқизса олиб борамиз, деб туровдик-ку,— деди Ибодат қовоғини очмай.

— Эргаш ака гапчил одам, ўзинг биласан. Озиб-ёзиб акаси бир келса совлиқ сўйди, деб юрмасин.

— Мен нима десам ҳам ўз билганингиздан қолмайсиз,— дея Ибодат ён-верига қараб олиб, овозини пастлаб жаврай бошлади.— Мени одам қаторида кўрмайсиз. Хўп, ўз акангиз нима каромат кўрсатибди?! Умидни тўйигаям келмаган. Садақа бергандай қилиб юз сўм пул юборибди. Нима, ўша пулга қараб қоловдикми?

— Сенга у колхозчимиз, бригадирга айтиб қўйиб кетоврадиган. Москвага, мажлисга бориши керак эди. Тўйга хабар бергани борганимда узрини айтган.

— Хотини-чи, хотини келса бўлаверарди, таннозхон. Умид полига ўтириб қўйганида совин билан ювиб, кет дегандан баттар қилган. Ҳа, уям майли, сиз борганда битта товук ҳам сўйгани йўқ-ку! Икковиям ишга кетиб, кечгача уй пойлаганмиз. Истолида ўтириб белларим оғриб кетган. Шунча хона, биттасини кўрпа-ёстиқли қилиб қўй, ўлиб қолмайсан.

— Ҳа, бўпти. Ўтган ишларни ўртага тикаверма, қўй сўйилди, минг гапир, барибир ўрнига келмайди.

— Билганингизни қилинг, етмаса, ана, новвосниям сўяверинг, мен аралашмайман,— дея Ибодат жаҳл билан тоғорани эрига тутқазди—да, уйга кириб кетди.

— Нима деётгандим?— деб сўради Ибодат уй тузатаётган аёллардан.

— Тошканга борганингизни гапирётгандингиз,— деди Сарви эна, тарелкаларни сочиқ билан чангини артиб ўтираркан Ибодатга қараб.

— Телеграмма бермаганмизми, вокзалга эр-хотин чиқиб туришган экан. Гиламлар тўшалган машина, шопириям бор. Етиб боришимиз билан катта бир қўчқорни оёғимизга сўйдирди. Уч кун эр-хотин ишга бормаи зиёфат беришди. Хона-хона уй, адашиб қоласиз. Гиламлар кўзни қамаштиради. Уйдаги идишларни айтмайсизми. Сиз билан биз тушимиздаям кўрмаган. Чой ичаётган пиёлангизда аксингиз кўринади. Учта рангли телевизор. Ош солган идишига термулиб ўтириб ош ейишни унутиб қўясиз...

Ташқарига қозон осилди. Ҳовлида одам тобора кўпайиб борарди. Гоҳ шивир-шивир, гоҳ ошқора сўхбатлар. Мавзуси бир — академик Воҳидов.

— Телевизорда кўрганман.

— Журналда сурати бор.

— Роса кўп китоб ёзган экан...

Улуғбек чорбоққа йўл олди. Унинг хаёлидан ҳамон Чинободдаги ҳовли кетмасди. Оқ ўрикка солинган арғимчоқ...

— Қачон келишаркин, Умиджон? — деб сўради Ибодат эри дарвозадан кириб келиши билан.

Улуғбек худди хотинини бугун кўриб тургандай тикилиб қолди. Устида узун, ялтироқ чет эл матосидан тикилган кўйлак, жияк тақилган атлас лозим, оёғида баланд пошнаги туфли, сочлари иккита қилиб орқасига ташланган. Бўйнида оқ марварид, қулоғида балдоқ, қўлларида узук. Ибодат меҳмонга борса ҳам бундай кийинмасди.

— Ҳа, нега тикилиб қолдингиз, акамлар қачон келишаркан, деб сўраяпман сиздан.

— Марваридни қаердан олдинг?

— Матлубаники, қўрқманг, вой анави одамни, нима, мен сиздан яшириб бирон нарса олганимни кўрганмисиз? Ҳали шу аҳволда чорбоққа бордингизми, уйга кириб кийимларингизни алмаштириб олинг, тайёрлаб қўйганман, — деди Ибодат эрини уйга бошларкан.

Улуғбек хотинининг ортидан уйга кирди.

— Умиджон, қачон келишаркан?

— Шошмай келишади-да, ўтиришибди. Бутун районнинг катталари чорбоғда. Қандай қилиб, уйга киринг, ака, дейман. Уйга ўтинг, ака, тайёргарлик қилиб қўйдик, дедим. Райком бовоям ўша ерда.

— Ҳм-м, райком бовоям келармикан?

— Акам районда экан, кетгунича бирга бўлади. Улар курсдош.

Тайёргарлик тугаган. Тўпланганлар меҳмонни сабрсизлик билан кутишарди. Адҳам опасини кўриб айвонга чопиб келди.

— Опа, калитни беринг, ошпаз билан қозон бошидагиларга битта қуйиб бермасам бўлмайди, — деди Адҳам ҳовлига ишора қилиб.

— Олиб бераман, юр, сени одатингни билмасам экан. Очиқ қўйсам, бир пасда адойи тамом бўлади, — дея Ибодат омбор томон юрди.

— Ўзингиз биласиз. Агар хўп десангиз, Исроил отарчини айтиб келаман. Тўй маҳали эмас, бекор юрибди. Мен айтсам йўқ демайди.

Омборга киришди.

— Майли, тез бориб, тез қайт, кеч бўлиб қолди. Ҳадемай меҳмонлар келиб қолишади. Поччанг бориб келди. Кейин Исроилга тайинлаб айт, Тошкентдан академияё Воҳидов келган дегин.

— Иккита беринг, опа, хизмат қилиб юрганлар бор, бунингиз нима бўлади.

— Ҳа, елим бўмай кетгир-эй, — дея Ибодат иккита шишани тутқазди. — Ўзинг ичмагин, — дея тайинлади.

— Есть!

— Отарчи эсингдан чиқмасин, — деди Ибодат омбордан чиқиб эшикни қулфларкан.

— Бир соатдан кейин сўрида ашула айтиб ўтирганини кўрасиз, — деди Адҳам ҳовли томонга ўтиб бораркан. Уйдан чиқиб келаётган Улуғбекни кўриб тўхтади. — Ие, почча, ўзингизмисиз, куёв бўлиб кетибсиз-ку. Нима бало, икковларингам-а? Бошқатдан тўй қилмоқчимисизлар дейман, почча?

— Ҳэ-э, ҳазилинг курсин. Биров эшитса нима дейди, — деди Ибодат уй томон ўтаркан укасига қараб.

— Юринг, почча, отамлашамиз, — деди Адҳам ҳовлига тушиб кетаркан.

Ҳовлидаги сўрига бориб ўтиришди.

«Ҳамма кетади, акам ёлғиз қолади, — кўнглидан ўтказди Улуғбек, сўрида ўтираркан. — Шунда мириқиб гаплашамиз. Ҳовлимизни эслармикан? Вой хомкалла-ей, бир шофёр бўлиб сен эслаганда, ақли бутун олим одам нега эсламас экан?»

Қозондаги овқатлар совий бошлади. Одамлар кутавериб зерикишди. Кўпчилик аста-секин чиқиб кета бошлади.

— Умиджон, бориб келсангиз бўлармиди, ё акам ичиб маст бўлиб қолдимикан, а?

— Эсинг жойидами, академик одам ётиб қолгунча ичадимми?

Улуғбек чорбоққа етиб борганида Илҳом ошпаз идишларни юварди. Машинадан тушиб ичкарига қаради. Бўм-бўш, қоровул чол дастурхонни йиғиштириб қўйиб, хонани супурар эди. Улуғбек тарвузи қўлтиғидан тушиб ошхона томонга юрди.

— Меҳмонлар қани? — деб сўради Илҳом ошпаздан.

— Кетишди.

— Қаёққа?

— Уйига кетади-да, қаерга бўларди.

— Акам...

— Акангиз Тошкентга қайтди. Ҳамма кузатгани кетди. Ўзининг «Волга»сида келган экан. Утиринг, барибир етолмайсиз, анча бўлди жўнашганига. Озгина бор, ичасизми?

— Йўқ, — деди стулга ўтираркан Улуғбек.

— Аммо акангиз хўп улуғ одам экан. Роса ошимни мақтаб еди. Тошкентга борганда

Улуғбекдан адресни олиб кетинг, янгангизга ош дамлашни ўргатиб қўясиз, дейди. Беш кетдим, каттагаям, кичиккаям бирдай кулиб гапиради, ҳурматини жойига қўяди. Кўнгли очик одам экан. Бир олиб борасиз энди...

Илҳом ошпаз дам зиёфат ҳақида гапирар, дам акасини, дам акасининг дўстини мақтар, Улуғбекнинг қулоғига эса ҳеч нарса кирмас эди. Хаёлан ўша Чинободдаги боғни кезарди. Болалик боғи, оқ ўрикка солинган арғимчоқ. Бошига оқ рўмол ташлагандай бўлиб гуллаган гилос, қўшни қизнинг қип-қизил олмалари... Акаси олма шохига ўтириб олган. Пуштиранг рўмолига олма тераётган қўшни қиз акасига қараб тинмай кулади... Қип-қизил олмалар ариқда қалқиб оқиб боради...

Улуғбек уйга кеч қайтди. Ҳамма тарқаб кетган. Ҳовлидаги сўрида тўрт-беш одам ҳадеб Исроил отарчини «битта эшитайлик», деб зўрлаб ўтиришарди. Орқа томондан ўтиб, ҳеч кимга сездирмай уйга кириб борди. Хотини кўрпаларни тахмонга йиғарди. Яна ўша-ўша, уйлик уст-бошларини кийиб олган. Эр-хотин бир-бирига тикилиб қолишди. Ибодат эрига ачинди. Бирон нима деб кўнглини кўтаргиси келарди-ю, жўяли гап тополмай тикилиб турарди.

— Бирон нима олиб келайми, ейсизми? — деб Ибодат орадаги жимликни бузди.

— Йўқ, ҳеч нарса емайман, — деди Улуғбек кўрпачага ўтираркан.

Ибодат якандозни тахмонга олиб бориб қўйди-да, ёстиқ олиб эрининг ёнбошига қўйди.

— Ҳеч бўлмаса чой ичинг, Умиджон.

— Йўқ, дедим-ку.

Ибодат навбатдаги якандозни тахмонга олиб бораркан, эрига ёрилди:

— Анаву Матлубанинг қилиғини қаранг, ҳамма чиқиб кетдиам ўтирибди. Ичимда нимага кетмайди, дейман, ўйланаман-қўяман. Бир вақт: «Марваридни берасми», дейди. Қуриб кетгур, эсимдаям йўқ, ҳа, у ейдиган нарсамидикан, кечаси билан еб қўйсам. Вой, қилиғинг қурғирай, мен бунақалиғини билсам, ўлсам ҳам сўрамасдим.

— Кел, ўтир, сенам чарчадинг. Ўзим энг қимматидан олиб бераман.

Ибодат эрининг ёнига келиб ўтирди.

— Бугун тушимда Чинободдаги ҳовлида эмишман. Сен билмайсан, оқ ўригимиз бўларди. Арғимчоқ солиб ўйнардик. Барчиной, акам, мен. Ҳаммамиз бола эканмиз. Бир гавдали киши болта билан оқ ўригимизни кесиб йиқитмоқчи бўлармиш. Барчиной билан мен: «Жон тоғажон, ўригимизни кесманг, кейин биз қайси дарахтга арғимчоқ соламиз, ҳовлимизда оқ ўрикдан бошқа каттароқ дарахт йўқ», деб ялиниб атрофида йиғлаб югурармишмиз. У киши бўлса бизларнинг йиғлаб ёлборишимизга ҳеч қарамай ўрикни чопармиш. Акам бир четда туриб ҳадеб кулармиш. Барчиной билан мен қанчалик йиғлаб ялинмайлик, ҳалиги одам оқ ўрикни қолиб ташлади. Баҳайбат ўрик ерга ағнади...

— Қўйинг, Умиджон, ҳеч нарсани ўйламанг, — деди Ибодат эрига тикилиб туриб. Улуғбекнинг кўзларига ёш тўлиб турарди. Ибодатнинг юраги эзилиб кетди. Йиғлагиси келди. — Қўшнилардан хижолат тортманг. Орқангиздан Адҳамни чорбоққа юборгандим, билиб қайтган: «Москвадан меҳмонлар келиб қолибди. Обрўли одам экан. Акам шуларни кутиб олиши керак экан. Тошкентдан шахсан министрнинг ўзи чорбоққа телефон қилибди», дедим. Ҳамма ишонди. Ҳа, нега куйинасиз, академие Воҳидов акангиз борлиги рост-ку. Сиқилманг, сиз дам олиб туринг, мен озгина қовурдоқ олиб келаман, бирам ширин бўлибдики, меҳмонлар роса мақтаб ейишди, очиқиб кетгандир-сиз.

Ибодат айвонга чиқиши билан Адҳамга дуч келди.

— Опа, жон опа, битта олиб беринг, йўқ деманг, ўртоқларимни олдида ер қилманг, — дея ялина бошлади кайфи ошиб қолган Адҳам. Ҳовлидаги супада Исроил отарчи «Муножот»ни хониш қиларди. Ибодат укасига бир зум тикилиб турди-да, камзулининг чўнтагидан калитни олиб берди.



— Мая ол, шу билан тинчийсанми, — деди хўрлиги келиб, чўнтагидан рўмолча олиб ёшланган кўзларини артаркан. Айвондаги супага ўтириб олиб астойдил йиғлай бошлади. — Ҳаммасини олгин-да, бу ердан жўна, иккинчи кўзимга кўринма.

Адҳам опасига яқинлашди.

— Опа, сизга нима бўлди? Қўйинг, йиғламанг, йўқ бўлса йўқ-да. Ичма десангиз ичмайман. Мана, калит.

Ибодат бошини кўтариб укасига қаради. Адҳам опасининг кафтига калитни қўйди.

— Бўлди, йиғламанг, ичмайман деяпман-ку!..



Чори Аваз

ЕРГА ТҮКМА НИГОҲЛАРИНГНИ

* * *

Ҳаёт елкамга
Ҳам катта, ҳам оғир
Қўлларини ташлаб ўтирар,
Мен шеър ёзаётган пайтлар.
Отам қўлларига ўхшайди бу қўл.
Худди отам васиятини
Бажараётгандай —
Отам қолдирган меросни
Улашаётгандай
Туюлади менга,
Ҳаётнинг елкамдаги
Ҳам катта, ҳам оғир қўллари.

* * *

Сендан-ку кўнглим тўқ. Кўзларинг
Бир нурли чаманга етаклар.
Нигоҳинг — дилтортар болакай:
Кўзимдан сўрайди эртақлар.

Нигоҳинг ҳаққини ахтариб,
Юрагим қатини титаман.
«Ғар топа олмасам», деган ўй
Келару заққумлар ютаман.

Сен боис заққумлар лаззатга
Айланиб кўзингдан қайтади.
Биз севган эртақни қўлларим
Қўлингга пичирлаб айтади.

Мен енгмоқ бўламан тилимни,
Тил мени енгмоққа шайланар.
Хайрият, мен чўчиб айтмаган
Сўзлар ҳам эртақка айланар.

Яқин уч-тўрт йил ичида вақтли матбу-
отда ва баёзларда жуда кўп ёш
қаламкашларнинг асарлари эълон қи-
линди. Биринчи китоблар босмадан
чиқди. Бирор муносабат ёки «муноса-
батсиз» босилган мазкур машқлар
ўқувчида қандай таассурот қолдиргани,
ҳозирча, номаълум. Адабиёт бусағаси-
да турган ушбу ёшлар ҳақида танқидчи-
ларимиз ҳам «башорат» қилганларича
йўқ. Эҳтимол, бу жараён адабий жамо-
атчилик диққатини ўзига қаратиш дара-
жасига етмагандир. Эҳтимол, етган
бўлса ҳам, биз илғай олмаётгандирмиз.
Ҳарҳолда, янги овозлар эшитилаяпти.
Ўзига хос бир авлод келаётгани аниқ.

Чори Аваз — биз умид билан қара-
ётган ўша авлод вакили.

Унинг шеърларини сиз — журнал-
хонларга ҳавола қилдик. Бу шеърлар
тахлили ҳам сизга ҳавола.

Муҳаммад СОЛИҲ.



Сендан-ку кўнглим тўқ. Кўзларинг
Бир турли манзилга етаклар.
Нигоҳинг — дилтортар болакай:
Кўзимдан сўрайди эртақлар.

Онамга

Мен бир оз энтикиб
Сиздан оқ йўл сўраётирман.
Мен оғир бир йўлни кўраётирман.
Бу йўл — Тошкентгами, Москвагами
Элтгувчи йўллардек
Фориғ этилмаган хавотирлардан.
Йўқса, этармидим сизни безовта.

Оёқларим собит турарлар.
Кўлларим бардош-ла беллаша олар.
Тилларим ағёр-ла тиллаша олар.
Тилим сизники-ку,
Сўзларни беҳуда сўзламас улар.
Кўзларим сизники,
Қамашмас, юмилмас, йиғламас улар.

Нечун титраяпсиз,
Туйдингизми айрилиқ ҳидин?
Қайғурманг!
«Шукр!», денг. «Шукр!» денг, она.
Беш йил тақиллатдим мен бу эшикни.

* * *

Сен борсан, умримнинг ҳар дами баҳор,
Кўклам саболари тафти лутфингда.
Сенинг ҳузурингга қайтгали такрор,
Тезроқ ботишини сўрайман кундан.

Биласан, шоҳ эрур кундуз очунга,
Қийин бу шоҳликни забт этиб ўтмоқ.
Сен бор. Қандай осон қора сочингга
Кундузларни ўраб оппоқ тун этмоқ.

Йўл

Эшик тақиллади.
«Келди, у келди».
Очаман. «Бошқа».
Кириг. Киради.
...Кетади.

Эшик тақиллади.
«Келди, у келди».
Очаман. «Бу ҳам мени соғинган одам».
Э, келинг, қани, қани!
Киради... Кетади.

Эшик тақиллади.
«Хайрият, келди-ей!»
Очаман. «Ҳеч ким йўқ.

Балки беркингандир у бирон жойга.
Йўқ. Ҳеч ким йўқ».

Эшик тақиллайди.
Ойлар ўтади.
Эшик тақиллайди.
Йиллар ўтади.

Эшик тақиллайди.
Соғинганлар келиб-кетади.

Эшигингдан кутган одаминг
Кириб келмас экан ҳеч қачон,
Қўлларингдан келса, келмаса
Кутган одамингга айлан.

* * *

Сўлим кеча. Ой кезар.
Ел — ойдин тун қўшиғи.
Жисминг аро шеър юзар —
Ҳаётингнинг бор-йўғи.

Тирикликнинг кучини
Англадиб сенга ногоҳ,
Юракка қўл учини
Чўзар шеър — сахий ҳамроҳ.

Мунисгина сесканар
Меҳрга ташна юрак.
Бош айланиб, кўз тинар
Яна сенга не керак?

Сўлим кеча. Ой кезар.
Ел — ойдин тун қўшиғи.
Жисминг аро шеър юзар —
Ҳаётингнинг бор-йўғи.

* * *

Қайтариб ол синовларингни,
Елғизликка маҳкум этилган тунлар
Даҳшатини туйгим келади.

Ерга тўкма нигоҳларингни,
Бу висолнинг муножотида
Овланиб куйгим келади.

Менга ишон гуноҳларингни,
Мен уларда сени кўргим келади —
Сени кўпроқ суйгим келади.


* * *

Қадамда дуч келаверасан
Бир нокасга ёки ёмонга.
Тошми, кесак отаверишар
Пинҳон, ошкор ҳар бир одамга.

Айб тақашар бегуноҳларга,
Алдашади, тухмат тўқишар.
Шу нокаслар бўлмаганида
Қандай озод яшарди башар?!

Ногоҳ танда қон тўлқинланар —
Уйғоқмисан, бормисан, исён?!
Қани, сен ҳам тургин, эй дунё,
Қани, сен ҳам, эй дунё, уйғон!

Бироқ, дунё сокин.
Шундай сокинки,
Силкитгинг келади
Ёқасидан тутиб дунёнинг,
То ёмонлари тўкилгунича.



Давлатмурод Саъдуллаев Тошкент Давлат педагогика институти ни тугатган. 127-мактабда ўқитувчилик қилади. Ҳикояси журнализмда биринчи марта эълон қилинган.

Давлатмурод Саъдуллаев

СҮЮНЧИ

Ҳикоя

«Тошкент — Қўнғирот» поезда Урганча етиб келди. Аскарча уст-бошдаги Нурмат поезддан тушди. Тушди-ю, Аму ҳиди уфуриб турган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Бироқ бу ҳолат узоққа чўзилмади, чунки аллақандай нотаниш икки кимса уни маҳкам қучоқлаб олишди. Гап-сўзсиз, бири Нурматни ўнга, иккинчиси чапга торта бошлади.

— Қўйиб юбор, Зоир! Мен биринчи топдим. У меники энди, — дерди бақалоқ киши.

— Йўқ, Карим, қўйиб юбориб бўпман. Уни мен топдим. Ўзим оббориб қўяман, — дерди иккинчиси, қотмадан келгани.

Охири бўлмади чоғи, ҳалиги кап-катта икки киши ростакамига олишиб кетишди. Улар муштлашишаётганига қарамай Нурматнинг қўлини қўйиб юборишмасди.

Йигитнинг бахтига поезддан яна бир аскар тушди. Аввалига иккала жанжалкаш ҳам Нурматни қўйиб ўша ёққа ташланишди. Кейин орқада қолганига кўзи етган бақалоқ, ортига қайтиб дарров Нурматни қўлтиқлаб олди:

— Қани, укам, машинага чиқ! Дунёни бир чеккасига бўлсаям элтиб қўяман.

Нурмат мана энди гап нимадалигига тушунди.

— Таксистмисиз? — сўради у.

— Шундоқ, укам, чамадонни тезроқ бу ёққа...

Ҳайдовчи Нурматнинг «таксида кетмайман», — деганига ҳам қулоқ солмай уни кўтаргудек бўлиб машинасига миндирди.

— Укам, шунча хизмат қилиб келиб автобусда, ота-онаси ёнига борадими йигит? — Гап маъқуллади ҳайдовчи.

Нурмат ёнида ўн сўм пули борлигини эслаб илож-ноилож ҳайдовчининг раъйига қаради. Бир жиҳатдан шундай бўлгани ҳам маъқул, тезроқ уйга етиб боради.

Ҳайдовчи машинага газ берди. Йўлга тушишгач, негадир:

— Хизматни тамомлаб қайтаётибдиларми ёки отпусकाгами? — деб сўради.

— Тугатиб қайтяпман.

— Буниси яхши. Исми шарифлари нима? Танишиб қўяйлик. Меники Каримбой.

Нурмат ўзини танитди.

— Отец қаерда ишлайдилар, Нурматбой? Раис, ҳеч бўлмаганда бригадир эмасмилар?

— Ҳозир ишламай қўйганлар, пенсиядалар, — деди Нурмат.

Ҳайдовчи қандайдир оғир хўрсиниб қўйди.

— Тузукроқ жойда ишлайдиган амакингизми, акангизми бордирлар, ахир, — деди сал сукутдан сўнг.

— Оиламизда амалдор йўқ. Мендан катталари ҳаммаси қиз, улар ҳам турмушга чиқиб кетишган, — деди Нурмат. У ҳайдовчининг саволларига ниҳоятда ажабланиб, энсаси қота бошлаганди.

— Унда бадавлат экансизлар. Роса қалин олгандирсизлар опанглар учун. Нечта опанг турмушга чиққан? — Тергашни қўймади ҳайдовчи.

— Бунинг нима аҳамияти бор?

— Нечталигини билайлик дедим.

— Олтита, — нохуш жавоб берди Нурмат.

— Олтита бўлса, ўртача қалин икки ярим мингдан дейлик. Икки мингдан

олтитасиники ўн икки минг, яна беш юздан олтитасиники уч минг. Энди ҳаммасини қўшсак, ўн беш минг нақд пул. Ҳали бу қалининг ўзи. Қанча сигир, қўй, кийимлик олинган. Молодец, қандини урсин!..

— Биз томонда қалин олишмайди.

— Уйдаги қўйларнинг сони қанча?

— Билмадим. Икки йилдан бери уйда бўлмадим, — деди Нурмат.

У машина деразасидан атрофга қараб хаёлга толди. Ғўза экилган далалар офтоб нурида ялтираб кўринарди. Айниқса, тиниқ яшил ранг кўзни қувнатиб, кайфиятни кўтариб юборадиган...

Нурмат термилган сайин тўлқинлана бошлади.

Йўл бўида ўсган баланд тераклар, ҳам кишини ҳаяжонга солмасдан қўймасди. Ғозоватда оқаётган лойли сув Нурматнинг кўзига тилладек кўринди.

Йўлнинг ҳар икки томони дала эди. Кун иссиқ бўлганига қарамай колхозчилар тер тўкиб ишлашарди. Нурмат кўзларини узоқ-узоқларга тикди. Қишлоқ жойнинг шуниси яхши. Узоқларни кўриш имконияти бор. Кўз яйрайди, маза қилиб роҳатланасан термилиб...

Карим таксичи ҳам хаёлга ботди. «Отаси пенсионер экан, бу ёғининг мазаси йўқ. Лекин олти қизини эрга узатибди-ку, барибир нимадир олгандир!» Лекин кеча роса зўр бўлган эди...

Нозикина бир йигит поезддан тушди. Дарров кўтариб машинасига ўтқазди. Отаси колхоз раиси эканлигини эшитиб, машина ҳам қанот чиқариб учди.

Олиб борганида битта бели синмаган юзталиқ чиқазиб берди оқсоқол. Уни олди. Кейин: «Буниси олиб келганимга, энди суюнчисига ҳам берасиз, раис бува. Биз таксистлар суюнчисига пул олмаймиз, ориқми, семизми битта қўй...» — деб ғудранди.

— Айтмасанг ҳам бермоқчи эдим, — деди раис. — Олиб чиқ, — ёнида турган бақалоқ кишига буюрди у.

Сирасини айтганда ўша хонадондан шуларни ундирмай кетишнинг ўзи гумроҳлик эди. Уйларини билмаган киши бундайроқ бир колхознинг идораси дейди. Шунақа данғиллама.

Яп-янгиги «Газ — 24», «Жигули — 06» турибди гаражда. Ҳали эмаклар юрган неварасига ҳам «Урал» мотоцикли олиб қўйибди раиси тушмагур... Раислик зўр-да, Лекин Каримнинг иши ҳам ёмон эмас. Айниқса, аскарлар хизматдан қайтадиган пайт. Бугун ҳам бир тиришиб кўради. Қўй бўлмаганда ҳам кўзичоксиз қайтмайди...

Карим таксичи секин ойнадан Нурматга назар ташлади. Басавлат йигит экан, деб ўйлади. Наҳотки кечаги қилтириқнинг отаси кўрсатган ҳимматни бу йигитнинг уйидигилар қилишмаса!

Улар ниҳоят Нурматларнинг уйига етиб келишди. Карим ҳовлиқиб машинасининг сигналинини бир неча марта босди. Уйдан ёши олтмишлардан ошган, сочи оқ, кичик жуссали бир аёл чиқди, Нурматни кўриб, қучоғини очганича унга талпинди. Бағрига босди, юз-кўзларидан қайта-қайта ўпди.

— Омон келдингми, ўғлим. Сени кўрар кун ҳам бор экан, шукр, — деб кўзларига ёш олди.

— Кампир, йиғламанг, мана ўғлингизни олиб келдик. Суюнчини чўзинг, — деди Карим таксичи.

— Раҳмат, ўғлим. Сендан суюнчи айлансин, — деб онахон товуқхонадан битта тождор хўрозни кўтариб чиқди. Унга ўн беш сўм пул ҳам узатди.

— Э, бу нима қилганингиз, кампир. Мен сизнинг уйингизга бир қоп буғдой эмас, соғ-омон қайтган якка-ягона ўғлингизни олиб келдим. Битта балонни яматишга ҳам етмайди бу пулингиз, кампир, — типирчилади Карим. — Ўғлингизга жиндайгина меҳрингиз борми ўзи? Ҳеч бўлмаганда эл қатори беринг-да!

— Бўпти, ўғлим, мана бу ҳам сенга, — деб яна беш сўм узатди онахон.

— Қойил-э. Бу хўрозингизни олинг. Ўғлингизнинг тўйида сўярсиз. Анови қўйлардан биттасини оламан. Паст кетманг, кампир, ўғлингиз учун! — деди Карим. Қўйхонадан ўзи семиз бир қўйни етаклаб чиқди. Машина орқасига жойламоқчи бўлиб турган эди, Нурмат ортиқ чидаёлмади. Ҳайдовчининг қўлидан қўйни тортиб олиб, қўйиб юборди. Карим ҳали вокзалда уни қандай судраб таксига ўтқазган бўлса, ҳайдовчини шундай ўнғайгина машинага ўтқазди.

— Мен сизга машинангизга минаман деганмидим. Узингиз қўярда-қўймай чиқаздингиз. Шу ергача етти сўм ишлади, — деб пулни унинг қўлидан тортиб олганича, етти сўмни санаб берди.


Карим таксичи ҳовлиқиб қолди.

— Кечирасан, ука. Майли, мен рози. Хўрозни бер...

Нурмат хўрозни қўйиб юборди. Хўроз сапчиб Каримни бир тепди, товуқхона томон елди. Карим таксичи унинг кетидан югурди, бироқ етолмади.

— Суюнчи, ука. Келганингга ҳеч нарса бермайсанларми энди?! — йиғлағудай бўлиб деди Карим.

— Суюнчи учиб кетди, — деди Нурмат. — Тутиб ололсангиз, сизникики...



Инобат Нормуродова

ҚАЙДАДИР ЧИНҚИРИБ ПОЕЗДЛАР ЕЛАР

* * *

Тонг ели ҳовлиқиб кезар саросар,
Шабнам ювиб кетар тунлар гардини.
Қиш этаги — баҳор бағрига босар,
Ҳовучлаб-ҳовучлаб гуллар атрини.

Қирларга югургин, лолаларни суй,
Қушчаларни асра, шохлардаги ин.
Боғларни эркалат, армонларни туй,
Қуёшингдан зинҳор айрилма, замин.

Гулларни тушагум сенинг пойингга,
Узинг авайлагин боғу бўстони.
Боғларим сенгадир, гулларим сенга,
Бағрингда улғайсин Ўзбекистоним!

Соғинч мактублари

1

Она, сизга хатлар ёздим кеч:
Сездирмайди кунлар ўтгани.
Тушларимга кирибди бу кеч,
Оёғингиз оғриётгани...

Йўллар узун, хаёллар беиз,
Савол билан қарайман кимга?
Жавоб беринг, дейди таниш киз,
Тошкент — Китоб телеграф симга.

Боғланади қадрдон маскан,
Юрагимда қалқир ҳаяжон.
Сўроқ-исток кутмайин мендан,
Ўзингиздан сўйланг, онажон!

Ўзингиздан сўйланг, ўйимдан
Бутун совуқ гумонлар қайтсин.
Сизни қанча соғинганимни,
Тили бўлса шу симлар айтсин.

Айта олса тинчимни олган,
Уйинқароқ кечалар айтсин.
Ғўзапоя тўкилиб қолган,
Хас-сомонли кўчалар айтсин.

Ениб айтсин бари баробар,
Шаҳарда сиз — хаёл борлигин.
Чувуллашган болазор уйда,
Болага зор аёл борлигин!

2

Сизга хат битмоқчи эдим, отажон,
Жуда кўргим келди — соғинчим туйдим.
Қўлимдан етаклар соғинч сиз томон
Уйқумни кўзимдан йўқотиб қўйдим.

Биламан, бу оқшом уйку билмаган,
Онам ҳам бўзлади: «Боринг, қани?!..» деб.
Ошиқиб қоламан, боғчадан болам,
Шомлари бағримга ошиққанидек...

Ховлидан ширмойнон ҳиди таралар,
Ой тўлган эшикда бахтлиман, дейсиз.
Битмаскан дейсиз-а, эски яралар,
Бадавлатман, қизим, тахтлиман, дейсиз.

Бахтингиз биламан — юраги денгиз,
Тўлқини жўш уриб тиниш билмаган.
Саккизта осмони — тўрт ўғил, тўрт қиз,
Бирорта юлдузи гумон илмаган.

Ярангиз биламан — қирқ биринчи йил,
Учбурчак мактублар юрак доғлаган.
Айрилиқ дардига бардош беролмай,
Қоп-қора сочингиз қиров боғлаган.

Шу қорли сочларда армонлар бугун,
Тераклар баргидай шивирлаб ётар.
Қалбингиз тубида муштдайин тугун,
Ота, хаёлларни титиб, уйғотар.

Инобатнинг шеърлари ўзига хос. У ҳаётни синчков, зийрак кузатади. Бу беғубор шеърларни ўқирикансан шоира униб-ўсган қишлоқнинг «тупроқли йўлаклари, ўқ — шаршаралари»ни кўриб турасан, қайси бир бекатда, «Китобнинг меҳнаткаш автобуслари уни кутаётгани»га ишонасан. Унинг муҳаббат шеърларидаги оңий ҳолатларнинг рост тасвири ҳам диққатга молик деб ўйлайман:

На кулдим, на қатра тўқдим ёшимни,
На ғаму на бахтга йўлдош бўлдим мен.
У гулдай кўксига босмоқчи эди,
Бўлмади. Тош бўлдим, бир тош бўлдим мен.

Мана бу, яна бир, кескин тўртлик унинг «Покланиш» шеъридан:

Дил истар тоза сўз янгроқларини,
Бахтсизликдир қайта кўкармаса бахт.
Ногаҳон сарғайган япроқларини,
Шартта узиб ташлар кўксидан дарахт.

Шундай Дарахт сарғайган япроқларини ўз вақтида, «Шартта узиб ташлаш» қудратига эга бўлгандагина унинг қайтадан, олдингидан-да, гуркираб кўкаражак келажагидан умидвор бўлиш мумкин.

Мен, шеър деб юкинган барча дўстларим қатори. Инобатга ҳам бу мушкул ижод йўларида юкли, залварли, қудратли шеърят тилайман.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Қайдадир чинқириб поездлар елар,
Бўй етиб солланар экканингиз тол.
Гар сизни эсласам ёдимга келар,
Самовар қайнатиб кутаётган чол.

* * *

Анҳорнинг устидан ўтган туманлар;
Оҳ урар, оҳлари йўлга сиғмайди.
Адашган туманлар, ҳорғин туманлар,
Боғларга бошини қўйиб йиғлайди.

* * *

Қизил қўйлак ҳилпираб турар,
Ориқ қўллар кўзга соябон,
Вокзал узра тентираб юрар,
Дашт шамоли сарсон-саргардон.

Бош уради ўксиб йўлакқа,
Борар жойи қайда, билмайди?!

Ишонмайди ундан бўлакка,
Келмагани қайтиб келмайди.

Тушимики, ўнгими — бу из,
Шивирлайди: «Энди қайтаман?
Ишонавер жоним Шаҳрисабз,
Сенга сирларимни айтаман!»

* * *

Сизни шафқатсиз қувғин қилдим.
Шундай қаттиқ бекилди эшикларим ҳам.
Бағритош атади, кўзларингиз.
Йиғлади:
йўлак,
дераза,
эшик ҳаммаси.
Сўнг фарёд бошлади
тонггача қалам...

Покланиш


Чекин мубҳам туйғу, бесамар хаёл,
Сохта мулозамат, алдоқчи рўё.
Шеърхон юракларга илдизлар отиб,
Мен ҳам бир дарахтдек турибман гўё.

Дил истар тоза сўз янгроқларини,
Бахтсизликдир қайта яралмаса бахт.
Ногаҳон сарғайган япроқларини,
Шартта узиб ташлар кўксидан дарахт.

* * *

Бола эдик,
узун тунлари
дарахтлар осуда эртак айтарди.
Бола эдик,
варрак учирсак

ҳаволаб-ҳаволаб ерга қайтарди.
Варрак учиб ерга қайтаркан,
Биз манзилни узоқ олармиз.
Учармизу эртак айтувчи,
Дарахтларга ўхшаб қолармиз.



Октябрь-70

Олег Сидельников

ҲАМИД САРИМСОҚОВ ЖАНГОМАСИ

Ҳужжатли қиссадан боблар

Муаллиф шарҳи

1944 йилнинг 21 августидаги ҳужум ҳақида берилган маълумотда авиациямиз кўрган талафот қайд этилмаган. Ҳолбуки, ўшанда битта бомбардимончи самолётимиз ўз базасига қайтмаганди. Бундан 1944 йил 21 август кечқурун 29-шўнғувчи бомбардимончи авиация полкида пайдо бўлган «Жанговар варақа» — таъзиянома далолат бермоқда. Учта сурат, учта қисқача таржимаи ҳол. Ҳузуримда ана шу қайғули ҳужжатнинг фотонусхаси турибди.

Петр Маширов — старший лейтенант, экипаж командири. Мазкур учувчи Узок Шарқдан келган. Қўмондонликдан бевосита синов жабҳасига юборишларини сўраб розилик олди. Учинчи жанговар парвози фалокатли тугади.

Суратга Петр Маширов денгиз учувчиси формасида тушган. Нурли кўз, малла соч, нигоҳида зукколик, қатъият. У озмунча жасоратлар кўрсатган бўларди, агарда... Э, бу «агарда»га минг лаънат!..

Уқи-радист Михаил Шаталиннинг ҳам полкка келганига кўп вақт бўлмаганди. Полк ветеранларига хушчақчақ, дилкаш «кечаги зумраша» дарров ёқиб қолди. Болакайни ниҳоятда сипо, ҳатто бирмунча кибр-ҳаволи денгиз учувчилари орасида Миша деб аташарди. Миша Шаталин учун тўққизинчи жанговар парвоз энг охиригиси бўлди...

Айрилиқнинг ҳар қанақаси ҳам оғир. Аммо урушнинг оловли осмонида бирга учган жанговар дўстинг ҳалокати аламини хусусан тавсиф қилиб бўлмайди. Зотан, Пе-2 звеноси штурмани Ҳамид Саримсоқов ҳам полкда «бахтли йигит» саналар, фавқулодда омадли жанговар ветеранлардан эди...

ТАЪЗИЯНОМАДАН САТРАЛАР:

«...У ўзининг бутун ёрқин ҳаётини Ватан хизматиға бағишлади ва сўнги нафасиғача унга содиқ бўлиб қолди... Уртоқ Саримсоқов 1942 йилда полк билан биргаликда Шимолий флотга кўчирилгач, экипаж составида учта транспорт билан кўриқчи кемани чўктирди ва битта транспорт билан кўриқчи кемани шикастлантирди. Ҳаво жангларида душманнинг учта самолётини уриб туширди.

Ҳукумат жасур жангчининг хизматларини юқори баҳолаб, Ҳамид Ғозизович Саримсоқовни Қизил Байроқ ва 1 даражали Ватан уруши орденлари билан мукофотлади.

Нақадар оғир кулфат. Аммо кулфат фақат номардларни енгади, зўрларни, фидойиларни оёққа турғизади...»

Марҳум штурманнинг суратиға диққат билан синчиклаб қарайман...

Норгул, кўзлари тимқора, сокин. Денгизчилар кителида «Ленинград мудофааси учун» медали, жанговар орденлар... Гувоҳномаси устиға қизил қалам билан қиясига: «21.8.44. ҳалок бўлди» деб ёзиб қўйилган.

I. Хаёлий суҳбат

Столим устида вақт ўтиши билан эскириб, сарғайиб кетган ҳужжатлар — гувоҳномалар, справкалар, шаҳодатномалару газеталардан қирқиб олинган парчалар...

Уруш йилларидан хотира бўлиб қолган суратларни диққат билан кўздан кечирар эканман, кўз ўнгимда ёш штурманнинг сиймоси аниқ-равшан гавдаланади: ҳарбийча китель кийган, қотмадан келган, новча, зарҳал погонлари ялт-ялт этади. ТТ тўппончаси ғилофи кителининг этагидан сал пастроқда — флотчасига осилган. Ҳамид ўзининг йигирма уч ёшига нисбатан хийла ёш кўринади. У қордек оппоқ бир текис тишларини кўрсатиб, жилмайиб турибди. Мен унга хаёлан мурожаат этаман, у ҳам хаёлан жавоб қилади:

— Салом, лейтенант!

— Саломатлик тилайман, муаллиф!

— Таржимаи ҳолингизни баён қилувчи каминага нималарни ҳикоя қилиб бера оласиз?

— Менга «сен»лаб мурожаат этаверинг. Ахир ёшингиз олтишдан ошган, оқсоқолсиз. Боз устига, унвонингиз ҳам катта — капитан.

— Лекин сиздан уч ёш кичикман, ахир.

— Замонанинг зайли шунақа...

— Бўлмаса, келишдик. Ундай бўлса, Ҳамид, ўз ҳаётингдан сўзлаб берсанг девдим, токи... яъни сўнгги, янглишмасам, етмиш тўртинчи жанговар парвозинггача кўрган-кечирганларингни гапириб берсанг.

— Ҳм, етмиш тўртинчи... Унгача болалик, ўсмирлик ҳамда бўз йигитлик-да. Эсимни танибманки, ҳарбий бўлишни орзу қилардим. Дастлаб, ўз-ўзидан маълумки, булар шунчаки ёш боланинг хомхаёллари эди. — Лейтенант жилмайиб қўйди, мен эса штурманнинг келишган, спортчиларга хос чайир қоматиға ҳавас билан тикиламан. — Ёшим улғайган сари мақсадга онгли равишда интила бошладим. Юқори синфда ўқиб юрган вақтларимдаёқ фашизм билан ҳаёт-мамот учун жанг қилишимиз муқаррар эканлигига кўзим этган эди.

— Ҳамид, битта саволи бор. Мендаги ҳужжатлардан шу нарса маълумки, сен Қизил Байроқ ва «Ватан уруши» орденлари қатори «Қизил Юлдуз» ордени билан ҳам мукофотланган экансан. Нега тақиб юрмайсан?

— Бунақа орденим йўқ. Уртоқ муаллиф, мени бошқа биров билан адаштиряпсиз шекилли. Ҳар ҳолда, қирқ тўртинчи йилнинг йигирма биринчи августига қадар йўқ эди. Гапидан хижолат тортдим.

— Дарҳақиқат, хотирамдан кўтарилибди, Ҳамид Ҳозизович.

— Мана шунақа!.. Бунчалик такаллуфнинг нима кераги бор. Ахир ёшман ҳали. Отамни исмини кўшиб мени фақат расмий ҳужжатларда қайд этишарди. Масалан, «қорахатда». Умуман, полкдаги лақабим «Бахтли йигит» эди.

— Бахтли йигит?!

— Мен билан бирга учган учувчилар энг хавfli парвозлардан ҳам кўноққа эсон-омон қайтишарди. Баъзан, кўшиқда айтганларидек, аэродромгача «пуф деса қулагудек аҳволда ва бир қанотда» базўр етиб борардик. Лекин гап фақат менда эмасди. Шўнғувчи «пиёда» ишончи самолёт эди. Албатта, маълум имконият даражасида.

— Мактабда ўқишларинг қалай бўлган?

— Уйнаб-кулиб «аъло» баҳоларга ўқидим. Бешинчи синфда отиш спортига ишқибоз бўлиб қолдим, тез фурсатда энг уста мерганга айландим.

— Ҳамид, урушдан аввалги газеталарни ўқидим. Дипломларингни кўрдим. Отишдаги муваффақиятларингга сўз йўқ. Республика, Умумиттифоқ, ҳамда Англия — СССР халқаро мерганлик мусобақаларида ҳам қатнашган экансан. Спортнинг шу соҳаси бўйича инструктор, малакали мерган деган номга сазовор бўлибсан...

— Бундан чиқди таржимаи ҳолимни ўрганаётган экансиз-да?.. Дарвоқе, менга ўхшаганларнинг сон-саногии йўқ. Ҳалаба учун жон фидо этган ҳар бир жангчи, ҳар бир уруш қатнашчиси китобларга қаҳрамон бўлишга лойиқ. Зотан, Гейне бундай деган: «Ҳар бир инсон — бутун бир жаҳон...»

— Сен ҳақингда ҳикоя қилмоқчиман, Ҳамид.

— Ихтиёрингиз, оқсоқол. Фақат бир илтимосим бор: полкдош ўртоқларим ҳақида ҳам ёзсангиз. Эҳ, улар қандай ажойиб йигитлар эдилар!..

— Эдилар...

— Ҳа... Масалан, полк командиримиз Борис Павлович Сиромятников, эскадрилья командири Семён Васильевич Лапшенков каби довлорак, ўтюррак учувчилар ҳақида ҳам ёзишни унутманг...

— Ҳамид, Лапшенков ҳалок бўлган?

— Биламан, — хўрсинди штурман. — Бу қирқ учинчи йилнинг йигирманчи сентябрида кўз олдидан содир бўлган. Сўнгги парвозимдан уч ой олдин эса фармон эълон қилинди. Семён Васильевич Қаҳрамон бўлди. Улимидан кейин.

— Сиромятников ҳам ҳалок бўлди.

Ёш штурманнинг қовоғи уйилди.

— Майор Сиромятниковни тўққизинчи гвардиячи мина-торпедо авиацияси полкига командир қилиб ўтказишган эди...

Мен жавондан китоб олдидан-да, варақлаб, керакли саҳифасини очиб ўқий

бошладим. «1944 йил 16 октябрда авиациямиз Киркинесдан келаётган кўриқчи кемаларга бир неча марта ҳужум қилди. Кибергнес буруни районида ўн иккита торпедонос-самолётлар ҳал қилувчи зарбани бердилар: олтитаси — гвардиячи мина-торпедо авиополкининг самолётлари (бошқариб боровчи полк командири подполковник Б. П. Сиромятников) ва бошқа олтитаси 36-мина-торпедо полкига қарашли (бошқариб боровчи капитан И. Т. Волинкин). Торпедоносларнинг ҳаракатларини ўн бешта қирувчи самолётлар ҳимоя қилиб борди. Ушбу жангда душман иккита юк ҳамда кўриқловчи кема, тралчи ва бешта самолёт йўқотди.

Нишондан уч километр нарида подполковник Сиромятников самолётининг сўл моторига душман снаряди теғди. Самолёт ёна бошлади, лекин полк командири бошқа самолётларни нишон сари етаклар экан, жангни давом эттираверди. Юк кемаларига беш юз метр масофа қолганда Сиромятников самолётидан иккита торпедо отилди. Олти минг бруттоналлик кема яксон қилинди. Аммо аланга ичида қолган торпедонос ҳам денгизга қулади. Флагман самолётининг барча экипажи аъзоларига — подполковник В. П. Сиромятниковга, полк штурмани майор А. И. Скарневга ва ўқчи-радиостарший сержант Г. С. Асеевга вафотларидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди».¹

— Ҳм-м... — оғир хўрсиниб қўйди лейтенант. — Баҳоси йўқ эди уларнинг!.. Муаллиф, сиз торпедонос ҳужуми қандай бўлишини биласизми?

— Торпедонос ҳужуми дейсизми?.. Бомбардировка остида қолишга тўғри келгану, лекин...

— Уни айтаётганим йўқ. Торпедонос самолётдаги одамлар ўзларини қандай ҳис этишларини тасаввур эта оласизми деб сўрамоқчи эдим?.. Улар деярли ер бағирлаб душман кемалари томон елдек учиб борадилар... Ҳужум объектини муҳофаза қилувчи кемалар торпедоносни зенит тўплари ва пулемётлардан ўққа тутадилар... Самолёт ўқ ёмғири орасида, жаҳаннам алангаси ичида учади!.. Ҳайиқмаслик, жанговар курсдан оғиб кетмаслик учун қанчалар шеръ юрак бўлиш лозим!

— Сиз — шўнғувчиларга осон бўлганми?

— Бизнинг ишимизда ҳам ҳаётинг доим хавф остида бўлади. Лекин торпедонос учувчилари билан топмачтовикларга ҳар доим ҳавасим келарди.

— Топмачтовик дегани нима?

— Топмачтовиклар ҳам торпедонослар каби ер бағирлаб, душман кемасининг топмачтаси баландлигига ҳужум қилар эдилар-у, лекин нишонга уч юз метр етмай бомба ташлар ва шу бомбалар сув юзида сапчиб кема бортига тушар эди. Бизнинг эскадрильямизни ҳам топмачтовикликка ўргатишган. Инструкторимиз хушчақчақ, том маънода аскиячи эди. «Топмачтовик — душман транспортлари ҳамда ҳарбий кемаларининг кушандаси. Ҳар ҳолда, мўлжалга тегишингизни юз фоиз таъминлайди. Ҳужум вақтида сизни юз имкониятдан фақат тўксонтасидагина уриб туширишлари мумкин, холос», — дер эди у.

— Дарҳақиқат, ғалати қизиқчи экан.

— Ҳалол одам эди. Уруш қанча ажойиб одамларни домига тортиб кетди! Улар ҳақида ёзинг, албатта, ёзинг.

— Шубҳасиз. Нафақат учувчилар ҳақида, ҳатто мактабдош ўртоқларинг ҳақида ҳам баъзи маълумотларни билиб олдим. Элигинчи мактабнинг собиқ талабаси Татьяна Александровна Ливанова билан танишдим.

— Татьяна Александровна? — ҳайрон бўлди лейтенант. — Ким дедингиз?

— Анови Ливанова-чи... Ливанова!

— Ливанова... Наҳотки Таня бўлса?! — Ҳамиднинг чиройи очилди, жилмайди. — Озгингина, нозиккина!

— Ҳм-ҳм... Татьяна Александровна табаррук аёл. Набираси тўртинчи синфда ўқийди.

— Шундай денг!.. Узр. Негадир ишонгим келмайди!.. Табаррук аёл! Уша Таня-я?! Ана холос! Бир пайтлар жуда жангари қиз эди. Моҳир мерган бўлган. У ҳақда «Пионер Востока», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана» газеталарида ёзишганди.

— Ҳамид, сен ҳақингда ҳам ёзишган, — мен қоғозларни титкилаб, орасидан «Фрунзевец» газетасининг қирқимини топдим. — Мана, ўттиз саккизинчи йил олтинчи февралдаги В. Колюцовнинг Нанай қишлоғи яқинидаги номсиз чўққини Урта Осие Ҳарбий Округи Уйи қошидаги болалар клубининг альпинистлари томонидан забт этилиши тўғрисидаги «Қор ва изғирин орасида» номли мақоласи: «Тонгга яқин қаттиқ қор ёғиб, шамол кўтарилди. Капитан Лукин отряд кенгашини чақирди. Орқага чекинмай чўққини забт этишга қарор қилинди... Отряднинг политруги — ёш альпинист Саримсоқов сиёсий информация ўтказди. Хуллас, чўққи забт этилгандан кейин Саримсоқов, Буров ва Смирновдан иборат редколлегия деворий газета чиқарди». Мана, капитан Лукин бошчилигида Тяньшан тоғи тизмаларининг чўққисига чиққан бир группа альпинистлар сурати босилган газета. Биринчи қаторнинг чап тарафида бир бола турибди. Ҳамид, ўзингни танидингми?

¹ И. А. Козлов, В. С. Шломин. Қизил байроқли шимол флоти. Воениздат. 1983.

— Айтарли кўп вақт ўтгани йўқ. Албатта, танидим.

— Ун олти ёшли ўспирин қандай қилиб тоққа тирмашувчилар группасига қўшилиб ололдинг?

— Мен Қизил Армия Округ Уйи қошидаги пионер отрядининг звено бошлиғи эдим. Отряд ҳарбий хизматчиларнинг болаларидан ташкил топганди. Биз походларга борар, югурар, ўзимизни чиниқтирардик. Айниқса, мерганликка қизиқардик. Хуллас, меҳнат ва мудофаага қизғин тайёргарлик кўрардик. Масалан, мен ГТО ва ГСО, «Ворошиловчи мерган» нишонлари учун нормативлар топширганман. Булар кейин жудаям асқотди-да! Озгин бўлсам ҳам жуда чайир эдим.

— Газеталарда сенинг мерганлигинг ҳақида ҳам талайгина мақолалар босилган. Танияхонга раҳмат де, барча газеталарни сақлаб қўйибди. Ҳатто ўз кундалигининг баъзи саҳифаларини ҳам менга тақдим этди.

Ёзув столимнинг ғаладонидан блокнотни олиб, хиёл тантанавор оҳангда ўқидим: «18.05.40 й. Нима учун мўъжиза бўлмайди? Кўчада кетаётиб Ҳамид Саримсоқовни учратгим келди! Уни жудаям соғиндим! Бизларга ниҳоятда зарур эди шу топда?»..

Йигит хижолатомуз гап қотди:

— Дарҳақиқат, ўша пайтда мен уларга керак эдим. Мерганлар командаси навбатдаги Умумиттифоқ мусобақаларига ҳозирлик кўрмоқда эди. Мен бир неча йил тренерлик қилганман. Лекин, ўттиз тўққизинчи йилда ҳарбий-денгиз авиацияси штурмани бўламан деб Николаевга ўқишга жўнаб кетдим.

— Кундаликдаги манави хотирага эътибор бергин-а, — давом этдим.

— Собиқ «жангари қиз» боланинг илтифотли руҳсати билан ўқиб бераман: «Хаёлимизда унинг учун биз (яъни сен учун, Ҳамид) ҳаммадан ҳам қимматлироқмиз, деб ўйлагандик, у бўлса украиналик қиз Танияни севиб қолибди! Лекин, бу қизни севмай бўлмасди — гўзал эди! Катта-катта кўнғир кўзлари, кокиллари!.. Биз уни кечирдик».

— Ҳар ҳолда кечиришибди-ку, — жилмайди Ҳамид. — Тания билан эса ўттиз тўққизинчи йили Москвада мерганлик мусобақалари пайтида танишиб қолгандим. У Одессадан келган экан... Ҳаммаси кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Уруш бошланди. Тания ҳам жанг қилди, яраланди, контузия бўлди. Сўнгра бизнинг ёниб кетган шўнғувчи самолётимиз денгизга қулади...

Биз пича жим қолдик. Кейин, суҳбатдошимни ноҳуш фикрлардан чалғитиш мақсадида бошқа мавзуда гапира бошладим.

— Ҳарбий билим юртида конкурс катта эмасмиди?

— Нимасини айтасиз!.. Уша пайтда ҳамма йигитчалар ҳарбий киши бўлишни орзу қилишарди. Бир вақтлар МАИ ёки Бауман номидаги МВТУга кириш учун конкурс қандай бўлса, Леваневский номидаги ҳарбий-денгиз авиация билим юртига ҳам шундай эди. Ҳар ҳолда, омадим бор экан. Тиббий комиссиядан осонгина ўтдим. Имтиҳонларни ҳам «аъло»га топширдим. Умуман, ишим беш эди. Ота-онам меҳрибон, меҳнатсевар эдилар. Отам, Ғози Саидович янглишмасам, республика Олий судида комендант-бошқарувчи бўлган. Петлицасида тўрттадан кўк рангли «нишон» бор эди. У ишида гоҳо туну кун қолиб кетарди. Ярадор бўлган...

— Гражданлар урушидами?

— Йигирма тўққизинчи йили. Тўйтепада сайёр сессия ўтаётган экан, отамнинг олдига паранжи ва чачвон ёпинган бир аёл келибди. Отам аёлнинг ўхшовсиз бўйидан ҳайратланиб турганда пичоқ тиғи ярақлаган...

Лейтенант Саримсоқов бир лаҳза жим бўлиб қолди, кабинетда енгил қадам ташлаб, у ёқ-бу ёққа юрди-да, жилмайиб гапида давом этди:

— Ростини айтсам, отамнинг олий маълумоти бўлмаса ҳам, назаримда анча доно одам эди. У менга насиҳат қилиб: «Ўғлим, сен менга ортиқча суяниб қолма. Эртаю кеч хизматдаман. Ўз ғамингни ўзинг егин. Ақлинг бўлса бор — одам бўлишинг турган гап. Лекин, ёдиндан чиқмасин: рус тилини мукамал билишинг лозим. Бу тилни яхши биладиган одамнинг келажаги порлоқ бўлади», — дерди.

— Ҳамид, сен жуда яхши гапирасан.

— Ҳа. Дастлаб мени русча болалар боғчасига беришди. Рус мактабида ўқидим. Авиация билим юртини битирдим. Албатта, рус тилида. Ёшлигимда жуда зийрак эканман.

Бейхтиёр сергакландим, зотан у, ёзувчи хаёлида қайта ёшарган лейтенант, узоқ ўтмишдан нидо қиляпти-ку, деган фикр ялт этиб миямга урилди. Довдираганча яна савол бердим:

— Онанг ким бўлган эди?

— Нима учун бўлган эди, деяпсиз? «Ўртоқ» тамаки фабрикасида ишлайди. Урушдан илгари қандолат фабрикасида ишчи бўлиб ишлаган. У ҳам «Ўртоқ» — русчасига «Товариш» дейиларди. Мен билан шуғулланишга ойимнинг вақти етмасди, айниқса тунги сменада ишлаган кезлари фабрикадан келарди-ю, ухлашга ётарди. Фақат Тания хола...

— Ҳалиги, одессаликмми? — ҳазил қилган бўлдим.

— Бунақада сиз билан хафалашиб қоламиз, ўртоқ муаллиф... Уша пайтда, назаримда Тания чинданам кампирга ўхшарди. Буни қаранг-а, ахир ўшанда ёши ўттиздан

хиёл ошганди-да! Ҳозир ҳам хаёлимда уни доим хола деб чақираман... Бизникида турарди. Ота-онам асраб олишган эди. Таги-зоти қаердан, нега якка-ёлғиз қолганлигини билмайман. Оиламизнинг тўлақонли аъзоси эди. Туғишгандан аёло. Мени ўғлим деб чақирарди. Мана шу Таня хола менга рус тилини ўргатган. Фақат Таня холагина ўқишларим билан қизиқарди. Одамлар билан самимий муносабатда бўлишни ҳам Таня холадан ўрганганман. Менинг муваффақиятларим уни хурсанд қиларди.

— Мўмин-қобил бўлганинг учунми?

— Ҳеч қачон мўмин-қобил бўлган эмасман. Лекин яхши ўқирдим. Спорт билан шуғулланардим. Фақат мерганлик билан эмас. Юқори синфда ўқиётганимда планеризмга қизиқиб қолдим. Кўп вақт жамоат ишлари билан банд бўлардим. Еттинчи синфда комсомол комитетининг секретари қилиб сайлашди. Унинчи синфда эса менга жуда катта ишонч билдиришди — ВКП(б) аъзолигига номзодликка қабул қилишди. Мендан бошқа, яна Иринани ҳам партия аъзолигига номзодликка қабул этишганди.

— Қайси Ирина?

— Ирина Шиманская. У ҳам эллигинчи мактабда комсомол комитетининг секретари эди... Ие, сизга нима бўлди; муаллиф?.. Мазангиз қочдимми?

— Юрак... безовта бўляпти... Ахир етмишинчи довонга ўтганмиз, ҳазиллашиб бўлмайди.

Лейтенантни хафа қилгим йўқ эди, зотан, унинг ҳаётини ўрганаётиб собиқ Индустриаль институту, ҳозирги ТошПИда хотира лавҳаси борлигини билиб олдим. Унда хушрўй қизнинг сурати бўлиб, қуйидаги ёзув битилганди:

Улуғ Ватан урушида мамлакатимиз
озодлиги учун қаҳрамонларча жон
фидо этган

Ирина Шиманская
1940-1941 йиллар

Энергетика факультетида ўқиган ҳамда
комсомол ташкилоти секретари бўлган.

Ил-2 ўқчиси Ирина Шиманская 1944 йил апрелида ҳаво жангида ҳалок бўлган.

— Хўш, қалай, енгил тортдингизми? — ҳамдардлик билан сўради Ҳамид.

— Ҳа... Яхшиман. Отдек бўлиб қолдим десак ҳам бўлади. Хуллас, чидаса бўлади... Буларнинг ҳаммаси ўткинчи нарсалар. Яхшиси, дўстларинг ҳақида қисқача бўлса ҳам сўзлаб бер.

— Дўстларим кўп эди. Машҳур хирург, профессор Кейзер бизга қўшни бўлган. Мен унинг ўғли Стива Кейзер билан ўртоқ эдим. Мактабдаги дўстларим — Глеб Гаврилюк, Ира Скалковская, Сережа Багликов, Лёня Парфёнов, Ида Гутерц, Вика Пиотрковская, Жора Александров, Лара Семёнова ва яна Аркаша Арутюнов, Олег Сосновский, Юра Блюмберг... Биринчи Май кўчасида истикомат қилганимизда Тимур Валиев билан дўстлашиб қолдим. Ажойиб қобилият соҳиби эди! Ленинграддан Бокуга эвакуация қилинган Ф. Э. Дзержинский номидаги инженерлар Олий ҳарбий-денгиз билим юртига кириш учун фақат Тимур Валиевгина конкурс имтиҳонларидан ўтганини қирқ учинчи йили Тошкентга отпускага келганимда эшитдим. У ҳам ўқиб, ҳам жанг қилди. Уша кезлари мен Заполярье осмонида учардим. Тимур бўлса тралчида ҳарбий маҳоратини амалда синаб кўрарди. Баренцево денгизи бунақа «амалиётчиларнинг» қанча-қанчасини ўз қаърига ютиб юбормади дейсиз...

Ҳамид жимиб қолди. Яна кабинет бўйлаб оҳиста юра бошлади.

— Лекин, энг яқин, орамиздан қил ўтмайдиган дўстим — Олежка Обельченко бўлган!..

Деразадан кўча чироқлари милтираб кўрина бошлади. Хона нимқоронғи эди... Хаёлимда аниқ-равшан кўришиб турган навқирон лейтенант образи бирдан хираллашиб, узоқлаша бошлади... Мен фақат шоша-пиша:

— Ҳамид, таржимаи ҳолингни айрим бобларини ўзинг айтиб берсанг, яхшироқ бўларди, — дейишга улгурдим, холос.

— Амрингизга тайёрман! — ҳазиллашгандай бўлди Ҳамид, хумдан чиққан афсонавий жин овозига ўхшаш товuşда. — Бу ҳатто жудаям адолатли бўлади...

Ҳурматли китобхон, ҳужжатларга қатъий асосланган бу қиссамиздаги нотабий суҳбат учун мени айбга буюрмасликларингизни сўрайман. Ҳамиднинг таржимаи ҳолини ўрганиш жараёнида унинг ажабтовур ҳаётига шу қадар берилиб кетдимки, баъзан сиймоси кўз ўнгимда яққол намоён бўларди. Ахир сизнинг ҳам азиз кишиларингиз билан, гарчанд уларнинг баъзилари бу дунёни тарк этган, бошқа бирлари йироқда бўлса ҳам, хаёлан суҳбатлашадиган онларингиз бўлмайдимми?..

...Яна кабинетда ёлғизман. Ёзув столимда бир уюм ҳужжатлар — хатлар, фотосуратлар, справкалар, гувоҳномалар, дипломлар, газета парчалари. Ана шуларга ҳамда гувоҳномаларнинг ва шахсан Ҳамиднинг ўзи айтганларига асосланиб, лейтенант Саримсоқов саргузаштлари ҳақидаги қиссамни давом эттираман.

II. Самога йўл

— Ҳамид, қандай қилиб ҳарбий-денгиз авиациясининг штурмани бўлганинг ҳақида сўзлаб берсанг?

— Ўттиз тўққизинчи йили мактабни битирдим. Синфдошларим — бири Индустриаль, бошқаси Медицина, Юридик институтларни... танлашди. Мен эсам, аллақачон иккиланмай, ҳарбий бўлишга аҳд қилгандим. Қолаверса, қолган йигитларимиз ҳам солдат бўлишди, чунки худди шу вақтда ўрта мактабни битирган ва ёши ўн еттию саккиз ойлик бўлган йигитларни Қизил Армия сафига чақириш ҳақида фармон чиқди. Дўстларим, ҳаммамиздан устомонроқ чиқиб қолдинг, энди армияда ҳам бизга хўжайинлик қилар экансан-да, деб ҳазиллашишарди.

Лекин, турган гап, бу шунчаки ҳазил эди. Мен ҳам жавобан: «Ўқишни битиргунимча, сиз болапақирлар хизматингизни ўтаб бўлиб, ўз дорилфунингизга қараб чопасиз. Ҳарқалай баъзи бирларингизни тартибга чақириб қўйилса ёмон бўлмасди. Ҳечқиси йўқ, ҳаммангизга ҳам ўзингизга яраша бамаъни хошшина топилади!» — деб ҳазиллашардим.

— Нима сабабдан, ҳарбий бўлишни хошладинг, Ҳамид?

— Афтидан ҳаётимнинг мазмунини шунда кўрган бўлсам керак. Лекин мутлақо ҳарбий бўлишга ошиқмаганман. Мени фазо ўзига тортарди: парвоз қилгим келарди! Ҳарбий комиссариатда шуларни айтдим. Кўринишдан ёш, чаккаларига оқ оралаган, «Қизил Юлдуз» орденли, умумҳарбий қўшин капитани нуфузли шаҳодатномамга, ёрлиғу гувоҳномаларимга ҳамда ўқчи-снайперлик дипломларимга кўз югуртирди-да, мени ҳайратга солиб: «Нима қиласан осмонда, йигитча? Пиёдалар билим юрти жуда сенбоп экан», — деди. «Учувчи бўлмоқчиман, — дедим сўзимда туриб олиб: — Ҳаммаёқда: «Комсомол — самолётга!» деган шиорлар осилган. Партияга номзодман, менга айниқса лозим...» — «Партияга номзод?! — ҳайрон бўлди комиссариат ходими. — Оббо сен-ей! Мен армияда ўн йилдан бери хизмат қиламан, партияга эса яқинда, Халхин-Голдаги жангларда қатнашганим учун қабул этишди».

Капитан пиёдалар билим юртига боришга анчагача ундади, бироқ мен ҳам қайсарлик қилиб ўз сўзимда туриб олдим: авиацияга бораман — вассалом! «Хўш, — шаштидан бир оз тушиб, деди капитан, — умуман олганда, орзуинг яхши. Фақат... Айтайлик, учувчилик бўлмаса... Штурманликка ўқийсанми? Осмони фалақда парвоз қилиб, учувчининг йўлини белгилаб борасан. Ғалати касб, ҳар хил оғиш бурчаклари, магнит бўронлари... «Оддий ҳаётда» ҳам ўзига яраша обрўйи бор касб — граждон авиациясининг штурмани. Бўпти, сенга штурманликка оқ фотиҳа бераман. Фақат эсингда бўлсин: Николаевскдаги Левановский номидаги ҳарбий-денгиз авиацияси билим юртида курс катта бўлади, — капитан жилмайиб қўйди-да: «Эҳтиёт бўл, Саримсоқов, сочларимнинг оқиға иснод келтирма!» — дея ҳазил билан гапини якунлади.

Яна икки тошкентлик — Костя Макаров билан Лёша Киселёвлар ҳам ўз толеларини синаш учун Жанубий Бугда жойлашган Николаев шаҳрига жўнаб кетишди. Инқови ҳам бақувват, йигитлик кучига тўла — оқ-сарикдан келган, мовий кўз, сипо ва энг муҳими, фаҳм-фаросатли болалар эди. Улар ҳам имтиҳонлардан яхши ўтдилар.

Дастлаб салгина хижолатпазлик юз берди, одатланмаганликдан интизомни бузиб қўйдик. Воқеа бундай бўлди: етиб борганимизда ҳаммамиз граждон кийимида, ўзимизни «эркин қушдек» сезардик. Гарчанд, билим юртига йигирма иккино ноль-нольга етиб бориш буоярилганига қарамасдан, бир соатча кечикиб келдик. Шаҳарни томоша қилдик. Николаев шаҳри бизга ёқди. Ораста, яхши шаҳар экан, маркази пойтахт шаҳарлардан қолишмайди, чеккалари қишлоқ типиде қурилган. Шаҳар Днепр кўрфазига қўйиладиган серсув Жанубий Буг соҳили бўйлаб тармоқ отган. Кўкаламзор. Одамлари хушмуомала, хушчақчақ. Ўзлари ҳақида ҳазил аралаш мағрурланиб: «Бизу одессаликлар — бир гўрмиз. Фақат николаевликлар сипороқ бўладилар», — дейишади.

Хуллас, сайр қилиб юриб, кечикиб қолибмиз. Навбатчи денгизчи командир «баҳоналаримизни» тинглаб бўлиб, хулоса қилди:

— Кечикиб қолганингиз учун ҳар бирингизга навбатдан ташқари иккитадан наряд!

Ноилож имтиҳонларга шу тариқа ошхонадан ажралмаган ҳолда тайёрланишга мажбур бўлдик. Асли николаевлик, бинобарин, одессаликлардек доно, лекин ҳйла сипороқ кок (ошпаз) гуноҳкорларга тоғ бўлиб уйилиб ётган картошкани кўрсатиб, пинагини бузмай: «Эсингизда бўлсин, укажонлар, картошка биринчи сорт, уни тозалашнинг ўзидан ҳузур қиласиз: асабларингизни тинчитиб, фикрлаш қобилиятингизни оширади. Ақлли фикрлар туғилиб қолиши ҳам ажаб эмас», — деди.

...Шу тахлит имтиҳонларни ҳам топшириб олдик. Курсантлик ҳаёти бошланди.

Леваневский номидаги ҳарбий-денгиз авиацияси билим юрти Буг дарёсининг соҳилида жойлашган эди. У денгиз авиацияси учун штурманлар тайёрлар, шуни ҳисобга олиш керакки, эскадрильялар икки группага: МБР-2 (яқин денгиз разведкачиси) гидросамолётлари ҳамда Р-5 самолётларга (қуруқликдаги оддий аэродромларда жойлашадиган разведкачи) бўлинарди. Учтовимиз ҳам МБР чилар группасига, биринчи эскадрильяга тушганимизни эшитиб, бошимиз осмонга етди.

Ҳамма нарса янги, таассуротларимиз ҳам чексиз эди. Биз курсантларни ҳаммомга эрта билан соат... бешда олиб боришди! Чўмилиб чиққанимиздан кейин сочимизни машинкада олишди, мол-ашё омборига (денгизчилар — баталерка дейишади) олиб боришди, граждон кийимларимизни олиб қўйиб, «номер уч формасини» — соябонсиз шляпа, шим остига қистириб кийиладиган туқ ҳаворанг мовут қўйлак (форменка), қора ботинка, латун тўқали қора камар, яна, ўз-ўзидан маълумки, қойилмақом «гюйс»¹ беришди.

Иш тутишимиз денгизчиларникига ўхшаш. Казарма эмас — кубрик, ошхона ўрнига — камбуз, деймиз. Ҳатто ҳожатхона ҳам ўзига хос ном билан айтилади — гальюн. Баъзи одатдаги сўзларнинг ҳам талаффузи ўзгартирилган: компас эмас, компас; рапорт эмас, рапорт, «эҳтиёт бўл» (берегись) эмас «полундра!»..

Биздан илгари бу ерда Главсевморпуть² билим юрти жойлашган экан. Фиштин казарма — кубрик уч этажли, поли паркетдан. Курсантларга мўлжалланган кенг, ёруғ ошхона командирлар состави учун кают-компания вазифасини бажаради. Ўқув корпуси жуда шинам. Буг соҳилида МБР-2нинг учувчи қайиқлари учун денгиз ангары³ жойлашган.

Икки ойлик карантин эълон қилинди.

Ўқиш «Ёш қизил флотчилар курси»дан бошланди. Виждонан ўқир эдик. Жиддий шароитга кўникамаган болалар учун айниқса дастлабки ойлар жуда қийин бўлди. Кунига тўрт-олти соатлаб жанговар машқ бўлади, уч соат — уставни ўрганамиз.

Костя Макаров, Лёша Киселёв ва мен битта ўқув группасига, бекиёс командир, капитан Петросян группасига тушиб қолдик. Ушанда капитаннинг ёши ўттиз бешларда бўлгани учун бизга «қария»дек туюларди. Йигитларимиз бу «қария»га қойил қолардилар. У милтиқни турли ҳолатларда ўйнатиб мўъжиза кўрсатар, мўлжални беҳато нишонга оларди. Гарчи, тўладан келган бўлса ҳам спортчилардек абжир эди. У доимо парадга отлангандек саранжом-саришта кийинар, соч-соқолини теп-текис қирдириб юрарди. Ҳаммасидан ҳам командиримизнинг ниҳоятда гўзал хотини бўлиб, у билим юртига келиб турар ва шунда капитан кўз ўнгимизда янаям улуғвор бўлиб кўриниб кетарди. Хуллас, ҳеч кимни эркалитиб юбормасида, талабчан ва қаттиққўл бўлсада, капитан курсантларнинг ҳурмат-эътиборини қозонганди.

Петросянинг талабчанлиги баъзан ҳаддан ошиб кетгандек туюларди. Каравотни тўғри тартибга келтиришнинг ўзи катта санъат талаб қилар экан. Адёлни шундай равон ёзиб, силаб-сийпаб қўйиш керакки, туқлари товланиб турсин. Ҳамма курсантлар гюйсларини оқ йўл-йўли бир-бирига уланиб, тўғри чизиқ ҳосил қиладиган даражада тахлаб қўйишлари даркор. Ботинкаларга нисбатан ҳам (албатта ойнадек ялтираб турадиган даражада тозаланган бўлиши шарт), белга тақиладиган камарларга ҳам худди шундай талаб қўйилади.

Дастлабки кунлар мағрурланиб қадам ташлайдиганимиз паркет поллар ҳам бизни кўп овора қилди. Башанг кийиниб олган Петросян паркетга қарарди-да: «Ўз аксимни кўрмаяпман. Яхши эмас, тозалаб қўйиш керак», дерди ва биз уни кўзгудек ялтирагунча тозалардик.

Баъзи курсантлар, «биз бўлажак штурманлармиз, пол артувчилар эмас, мабодо уруш бошланиб қолгудек бўлса, ботинкаларни бир чизиққа тортгандек тахлаб қўйишга вақт бўлмайди», дея аччиқланарди. Аммо кўп ўтмай буларнинг барига тушундик: капитан бизни тартибга, саранжом-саришта бўлишга ўргатяпти, зеро бу фазилатлар штурманлик касбимизда ниҳоятда зарур экан.

Карантин ҳамда «Ёш қизил флотчилар курси» тугагандан кейин мутахассислигимиз бўйича дарслар бошланди: штурманлик, учиш назарияси, бомба ташлаш ва портлатгичлар... Бизга, шунингдек, сузиш, вишкадан сувга сакраш бўйича ҳам сабоқ беришди. Тиниб-тинчимаган капитан Петросян, парашютчи-инструктор бизни парашютдан сакраш санъатига ўргатди. Биринчи сакрашим умрбод ёдимда сақланиб қолди. Биз У-2 самолётида ўрганардик. Кабинадан чиқиб, қанотда туришимиз ва учувчининг буйруғи билан саккиз юз метрдан пастга сакрашимиз лозим эди. Боз устига, ЧП (фавқулудда ҳодиса) юз берди — бир курсант йиқилиб ҳалок бўлди. Ростини айтсам, юрагим увишиб турарди. Лекин, барибир, кўрқувни енгиб, сакрадим. Беш секундни ҳисоблаб ҳалқани тортдим... Бир силкиндим — вужудимни ҳаяжон қамраб олди!.. Сукунат. Тасвирлаб бўлмайдиган манзара: мен куррамиз узра осмонда парвоз қиляпман! Ерга қўнишда жиндек омадим юришмади, ёрдамчи парашютнинг юқори қисмига лабимни уриб олдим. Шогирднинг одатдаги хатоси — ерга тезроқ ета қолай деб, бошимни керагидан ортиқ эгиб юборибман.

Ўқиш том маънода ўзига ром қилиб олди. Ҳамма нарса: шамолнинг кучи ҳамда йўналишини аниқлайдиган ўлчов асбоби — ветрочетдан тортиб штурман линейкаси, секстантдан фойдаланиш, учиш маршрутини харитада белгилашни ўрганиш — бари

¹ Гюйс — денгизчилар тилида, матросларнинг йўл-йўл ёқаси, аслида эса гюйс — кеманинг тумшугидаги байроқ (автор изоҳи).

² Главсевморпуть — Бош шимоллий денгиз йўли.

³ Ангар — самолёт, вертолёт ва шу кабилар турадиган ёки ремонт қилинадиган махсус бино.

қизиқарли эди. Мўлжалга аниқ чиқиш учун штурман шамолнинг кучини, йўналишини, самолёт тезлигини, курсини, оғиш бурчагини аниқлаши лозим... Айтгандай, мен берилиб кетиб муайян мавзуда ортиқча гапириб юбордим шекилли.

— Жуда қизиқ мавзу-ку, ахир, Ҳамид. Давом этавер.

— Бажонидил ўқидим. Фақат бир нарсадан жиндек қийналдим. Гарчи, флотчасига яхши тўйдиришса ҳам дастлабки пайтларда нуқул овқат егимиз келаверарди...

Мен папкадан қирқ тўрт йил бурун билим юртининг кўп тиражли газетасида босилган «Аълочиларга ташаккур» мақоласини олиб, овоз чиқариб ўқидим: «Билим юрти бошлиғи томонидан курсантлардан: Шевченко, Гнездов, Саримсоқов ва Косолаповларга ташаккурнома эълон қилинди. Бу курсантлар йил давомида аъло ўқишди ва имтиҳонларни аъло баҳоларга топширишди. Барча аълочиларга мукофот тарзида енгларида авиация белгисини тақиб юришга рухсат этилди». Ҳамид, мақоладан хабаринг борми?

— Албатта! Йигитларнинг чин юракдан бизга ҳаваслари келарди. Енгда эмблема тақиб юриш ҳазил гапмас. Ушбу мақолани ҳам мукофот тарзида эскадрильямизнинг командири капитан Незомов ёзган эди.

— Қолганлар-чи?

— Деярли ҳамма ўзлаштирарди. Фақат группамиз старшинаси Кузин деганимиз бўларди. Штурманлик ҳунарини қийинчилик билан ўзлаштирарди. У армия хизматини ўтаб бўлган, албатта, мактабда ўқиганларини унутган эди. Лекин ҳаракат қилар, биз эса қўлимиздан келганча унга ёрдам берардик. Ювош, вазмин одам эди.

— Эди?..

— Кузин ҳам қирқ учинчи йили қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида хабар олдим. Умуман... группамизда йигирма тўрт йигит эдик. Шулардан учдан икки қисми Ватан учун жангларда жон фидо этди!

Қаҳрамонлар хотирасини ёдлаб сукут сақладик.

— Улар қандай ажойиб йигитлар эди... — деди оҳиста лейтенант. — Иноқ меҳнатсевар, довюрак. Ҳеч қандай фавқулодда ҳодисалар бўлмасди. Ичкиликни ҳатто байрам кунлари ҳам эслашмасди... Дарвоқе, ҳар қалай, битта «чепе» юз берганди. Ҳанузгача ақлим бовар қилмайди. Ушанда курсант Веркаль «иш кўрсатганди». Воқеа шундай бўлган эди... Биз уча бошладик. Учиш одамга қандай ҳузур бағишлайди — сўз билан ифодалаб бўлмайди! Иккинчи йили ўқишимиз. МБР-2 навбатдаги учишни бажармоқда эди. Штурвалда учувчи-инструктор, ёнида штурман-инструктор, тумшукдаги кабинада — курсант, қуйруқдаги ўқчи-радиот кабинасида — Веркаль ўтирган эди. Самолёт баландга кўтарилиб, Буг ёқалаб учиб кетаётганида Веркаль бирдан сакраб туриб қопқокни очган... ташқарига ўзини отган!

Инструктор ва экипажнинг аҳволини тасаввур этиб кўринг!.. Одам ҳаёти учун жавобгарлик, бошлиқларнинг қаҳр-ғазаби!.. Веркаль бўлса, парашютини очиб, эсон-омон сувга кўнган. Уни Бугдан олиб чиқиб, ҳарбий трибунал судига топширишди. Бу қилмишига «ҳаводаги безори» деб ғалати баҳо беришди. Турган гапки, Веркаль қилмишига яраша жазосини тортди. Лекин бу бемаънигарчиликнинг сабаби жумбоқ бўлиб қолаверди. Тергов пайтида бир нарсани ушлаб олди: «Ўзим ҳам билмайман нима учун сакраганимни. Шундай хоҳиш пайдо бўлиб қолди». Ваҳоланки, соппа-соғ йигит. Балки ростдан ҳам «билмай» қолгандир. Баъзан шунақа ҳам бўлиб туради дейишади. Бир йилдан кейин ўқишини тугатишга имкон беришди. Эшитишимга қараганда, қирқ учинчи йилда ҳалок бўлибди...

У жим қолди.

— Иккинчи йил ўқишинг қандай ўтди? — сўрадим мен.

— Битта ҳам «яхши» баҳо олишга ҳаққим йўқ эди. Биринчи курсдалигимдаёқ мени эскадрилья комсомол комитетига сайлашди. Бу демак, ўрناق кўрсатишим лозим. Қирқ биринчи йили, Қизил Армия кунни арафасида мени партия аъзолигига қабул қилишди! Лекин шуниси борки, мен фақат ўрناق бўлиш учунгина аъло ўқимасдим. Ўзим қизиқардим. Ўқиш менга ҳузур бағишларди.

— Билим юртида дўстларинг бормиди?

— Ҳаммамиз дўст эдик. Лекин энг қадрдон дўстим — Борис Милованов эди. Мендан бир ярим ёш катта. Рухсат олиб, биргаликда шаҳарни айлангани чиқар эдик. Флот Уйида Ойстрахни тинглар эдик. Орзу қилардик. Афсуски, дўстлигимиз, учинчи курсгача етиб бормади.

— Нима учун етиб бормади?

— Қирқ биринчи йил йигирма биринчи июнь кунин назарий ўқишларимиз метео хизмат курси билан якунланди. Бу курсни ўтадиган одам жуда ғалати эди. Айтишади-ку, бу дунё одами эмас, деб. Қизиғи шуки, у қизил флотчи формасида. Кўзойнакда. Бесўнақай. Оддий ленинградлик олим — нозик табиат зиёли. Ёши ҳам анчага бориб қолган. Ўз ишини аъло даражада яхши билгани ва кафедрада туриб эзмалик қилмай, дoston ўқигандек дарс ўтгани учун уни яхши кўрардик. Қизиқ, лекцияни тугатиши билан бизга таъзим қиларди.

Борис Милованов иккимизга рухсат беришганди. Боғни айлангани кетдик. Бирдан шаҳар радиоси орқали сборга чақириб қолишди: «Катта сбор!» Турган гап, мактабга чолдик. Отбой вақти бўлиб қолган эди, ётиб ухладик. Парад формамизни тумбочкага тахлаб қўйганмиз. Эрта билан «Жанговар тревога!» янгради. Саф тортдик. Билим юрти замполити шай бўлиб туриш лозимлигини, номаълум самолётлар Қора денгиз устида учиб юрганини хабар қилди.

«Тарқалинг!» деган команда берилиши билан бу ғалати хабарни муҳокама эта бошладик. Сал ўтмай Молотов фашист қўшинларининг мамлакатимизга бостириб киргани ҳақида гапирди. Шунда хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — ихтиёрингиз, лекин юрагимда зигирчаям ваҳима йўқ эди.

Бизни яна сафга тизишди. Билим юрти замполити бу сафар очиқ-ойдин: «Уруш!» деди. Езги формага ўтган эдик. Петросян рўйхатни ўқиди: «...Қўйидаги курсантлар (уларнинг орасида мен ҳам бор эдим.) сафдан чиқсин». Шу заҳотиёқ мени учувчи-қайиқ экипажига қўшиб қўйишди. Катерга ўтказишди — мана энди биз якорда турган учувчи-қайиқдамиз... Дарвоқе, унутаёзбман, мен ва бошқа ўртоқларимга сержант унвонини беришиб, гувоҳномалар тарқатишди. Гувоҳномаларга штурман эмас, балки ўқчи-бомбардир деб ёзилганди. Чунки, биз авиацияда хизмат муддатини ўтамаган эдик-да.

Бизнинг МБРимиз лангар ташлаган экан. Кеч киргунча навбатчилик қилдик. Тушдан кейин яна катер келиб тўхтади. Шу вақт: «Сержант Саримсоқов — штабга!» деган буйруқ келиб қолди.

Штабда олти-еттита экипаж ташкил этилган бўлиб, бизни Ейскка — учувчилар тайёрлайдиган ҳарбий-денгиз авиация мактабига юборишди.

Ейск шаҳрига поездда етиб келдик. Мактабга борган заҳотиёқ ўзимизни таништирдик. Шу ернинг ўзида экипажларга ажратишди. Бизга СБ тез учар бомбардирмончи самолётда учасизлар дейишганди, турган гап, жуда қувониб кетдик. СБ ни секин учадиган МБР билан қиёслаб бўладими? Бир нарса — СБ самолёти билан нотанишлигимиз бизни хижолатга соларди. Лекин ҳаммамизга қўлланма беришди. Барча экипажларни ўқчи-радиостлар билан таъминлашди. Шу тариха эртаси тонгдан бошлаб уча бошладик, бомба ташлаш машқларини ўтказдик. Йигирма саккизинчи июнь тонгида беш кишини юк самолётига ўтказишди ва биз тезда Ленинграднинг жануби-ғарбига етиб бордик.

Ҳамма нарса чапараста бўлиб кетди. Урушнинг боши, ўзингиз тушунасиз. Янги келган экипажлар билан ёш полковник нари-бери суҳбат ўтказиб, вазият оғирлашганини, шу боис унинг таъбири билан айтганда, «чин қалбдан» жанг қилиш зарурлигини, ҳаттоки дарҳол ишга киришиш даркорлигини тушунтирди. Бир зумда бизни автобусда бошқа аэродромга етказиб боришди. Полковникни кейинроқ танидим, у қирқ биринчи йил август ойида Берлинни бомбардимон қилган ўша машҳур Преображенский экан.

Янги келганларни экипажларга бўла бошлашди. Минг таассуфки, менга самолёт етмай қолди. Эскадрилья бўйича навбатчи бўлиб қолдим. Ўттинчи июнда илк бор бомбардимонни бошдан кечирдим. Тонготар маҳал моторларнинг узук-юлуқ гувиллаши эшитилди, сўнгра бизнинг аэродромга олти «Ю-88» пастлаб ҳужум бошлади. Қўрқмадим десам ёлғон бўлар. Бомбардимонга, менимча, умуман кўникма ҳосил қилиш мумкин эмас, ҳолбуки, биринчи марта дуч келганда. «Юнкерслар» худди бошингга тегай-тегай деб учаётганга ўхшайди.

Иккита самолётимиз ёниб кетди. Қолган бешта СБ ҳавога парвоз қилди-ю, немис танклари колоннасини бомбардимон қилишга кетди. Топшириқ бажарилди, лекин битта самолётимизни зенит тўпи уриб туширди. Жудаям руҳим тушиб кетди: навбатчилик қилишдан бошим чиқмас экан-да?! Жанговар топшириқларга «қарияларни» жўнатишарди. Эскадрильяда эса бор-йўғи тўртта самолёт қолган. Тез орада бекорга хафа бўлганимни тушундим. Биринчи июль куни звено командири мени ўз ҳузурига чақирди.

— Жанговар ҳаракат харитасини ўргандингми?

— Ҳа.

— Мана, лейтенант билан учасизлар. У билан ўзингни онангинг қорнида ётгандек сезасан. Фин урушидаёқ порох ҳидига ўрганиб, «Қизил Юлдуз» олишга муваффақ бўлган.

Хуллас, қолган тўртта СБ ҳавога кўтарилди...

Биринчи жанговар парвозим ҳақида нима дейишим мумкин? Албатта, ҳаяжонландим. Лекин ҳаяжонимни ташимда сездирмасликка ҳаракат қилардим. Боз устига, СБ да менинг ўрним учувчининг олд томонида, самолётнинг ойнабанд кабинасида жойлашган. Орқамдаги одамга ҳаяжонланаётганим сезилмайди. Шуни айтишим мумкинки, зенит снарядларининг портлашларини кўролмаслигим ҳаяжонимнинг асосий боиси эди. Кейин йигитларнинг айтишларича, шиддатли, кўпқаватли ўт орасида бўлган эканмиз. Нақ танк колоннаси тепасига бордик. Зенит тўплари бизни хийла юқори кўтарилишга мажбур этди. Танклар кичкина, беозор қора қутичадек кўрингани билан пиёдаларимизга ажал уруғи сочяпти. «Ленинградни орзу қиялпсизми?! Овора бўласиз!» Буйруқ бўйича етакчи танкка қарата бомба ташлашимиз лозим. Бутун диққат-этиборимиз етакчи самолётда. Мана, унинг люклари очилди-ю, бомбалар ёғила

бошлади. Мен ҳам ЭСБР (бомбани электр ташлагич) кнопкасини босдим, кейин ушбу операцияни механик ташлаш дастаси билан такрорладим.

Бомбалардан қутулиб енгиллашган самолётимиз юқорига кўтарила бошлади. Омадимиз бор экан, душман қирувчилари кўринмади. Аммо зенит тўпларининг жазаваси кўзиди, лекин снарядларнинг портлашини ҳалиям кўрмасдим. Командир СБни булутлар орасига олди-ю, мен шу заҳоти назоратни йўқотиб қўйдим. Лейтенант менга далда берар: «Хафа бўлма, булут орасидан чиққан заҳоти Копор қўлтиғи томон жўнаймиз, кейин соҳил бўйлаб учиб, темир йўлни топамиз-да, уйимизга етиб оламиз», дерди.

Шундай йўл тутдик. Самолётлар ўз ҳолларича учиб кетишди ва тўртталаси ҳам омон-эсон қайтиб келди. Яхшигина пачоқланибди. Техниклар снаряд осколкаси тешиб ўтган кабинаминг ойнасини кейин кўрсатишди. Бу осколка қандай қилиб менга тегмай қолганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Кимдир: «Бу сержантнинг, дейман, толиғи бор экан. Бахтли йигит», деди.

Ушандан бери бу сўз исмига ёндош бўлиб қолди.

— Ҳўш, кейин нима бўлди, Ҳамид?

— Тўртинчи, бешинчи учишдан сўнг, зенит снарядларининг портлашини кўра бошладим, айниқса бомбаларни ташлаб, штурманнинг юмуши камайганда бемалол томоша қилардим. Бундан буён мўлжални йўқотмайдиган бўлдим. Кўрқинчли бўлганми, дейсизми? Ҳа, албатта. Кейинроқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган, 57-авиаполк командири полковник Преображенский билан ўша пайтда учрашганимизда менга жуда яхши маслаҳат берган эди: «Албатта, сенга қарата зенит тўплари, «Мессерлар» тезотар пушка ёки пулемётлардан ўқ ёғдириб туришининг ўзи даҳшат. Лекин бир чораси бор — сабр-тоқат!»

— Ленинград frontiда узоқ вақт жанг қилдингми?

— Нима десам экан, календарь бўйича ҳисобланса узоқ эмас. Октябрнинг охирига қадар. Биз душманнинг танк колонналари, резервдаги солдат ва офицерларини бомбардимон қилар ва ҳар сафар ўртоқларимиздан жудо бўлар эдик. Талафотларимизнинг кўплигидан яна менга самолёт «етмай» қолди. Шу сабабли мени қуруқликдаги қизил флотчилар отрядининг командири этиб тайинлашди.

Болалигимданок фашистларни ёмон кўрар эдим. Бироқ, нафратнинг ҳам ўзига яраша даражаси бўлиб, унинг энг олий нуқтаси ашаддий нафрат эди. Бир воқеадан кейин менда ана шундай нафрат пайдо бўлди. Аэродромимиз олдида жавдарзор бор эди. Бошоқлари тўкила бошлаган пайтда колхозга ёрдам учун Ленинграддан студент қизлар келишди. Қўққисдан дарахтзор орқасидан бир жуфт «Мессер» пастлаб учиб кела бошлади. Агар шундай дейиш жойиз бўлса, ўша «аслар» далада қизлар, ҳимоясиз ожиз одамлар ишлаётганини кўрмасликлари мумкин эмасди. Шундай бўлса ҳам ҳаво бандитлари ҳали ёш, гўдак қизларнинг бошига пулемёт ва пушкалардан ўқ ёғдира бошладилар. Биз, эскадрилья комиссари билан «ёрдамга» ташландик. Табиийки: «Югурманглар!», «Ётинг!» — деб бақиришдан бошқа чорамиз йўқ эди. Дод-вой, қичқирик, инграшлар бутун далани қоплади... Ниҳоят, «Мессерлар» учиб кетишди. Биз эса олтига студент қизни дафн этдик, бундан ҳам кўп ярадорларни эса госпиталга жўнатдик. Шундан кейин, жангда даҳшатга тушадиган бўлсам, доим ана ўша қизларни эслайдиган бўлиб қолдим. Улар менга жанг қилишда жуда катта ёрдам қилишди.

Гитлерчи қўшинлар бостириб келишда давом этарди. Ниҳоят шундай кун келдики, эскадрильяда битта ҳам самолёт қолмади. Немис артиллерияси аэродромни ўққа тутарди. Чекиниш ҳақида буйруқ келди. Қизил флотчи — аслаҳасозлару котиблар билан бир нечта командирлар шалоғи чиқиб кетган ГАЗ-АА юк машинасига ўтирдик ва мен умримда биринчи марта рулни бошқариб, машинани шарқ томонга «ҳайдаб» кетдим. Амал-тақал қилиб қандайдир қишлоққа етиб бордик. Катта ҳовлидаги ёғоч уйларда турли ҳарбий қисмларга мансуб, чамаси икки юз эллик солдат ва офицерлар жойлашишганди. Ҳаммани, шу жумладан «от-уловсиз» авиаторларни ҳам пиёда қисмларга қўшиб юборишармиш, деган миш-миш тарқалди. Алҳол, бошлиқлар келиб қолишди, улар ҳам турли қисмларга мансуб эдилар. «Қуруқликдаги» бир қисм ҳарбийларни пиёдалар қисмига жўнатишди. Қизил флотчиларни ҳам қаергадир юборишди. Учувчилар составига эса: «Сиз ҳарбий Денгиз флотининг запасдаги биринчи авиация полкига борасиз», деб эълон қилишди... Тинглаб чарчамадингизми, муаллиф?

— Нималар деяпсан, лейтенант!

— Кейин «от-уловсизлардан» эшелон тузилди ва бизларни фронтдан анча ичкарига жўнатишди. Урушда тақдир баъзан алдамчи бўлади. Мен билан бир лейтенант келаётганди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ жанг қилган. Уни ҳар сафар уриб туширишар ва ҳар сафар у соғ қолар экан. Лекин Ярославлга етмасдан эшелонга «Юнкерслар» ҳужум қилиб, дўлдек бомба ёғдирдиларки, дунё кўзимизга тор кўриниб кетди. Ана шунда лейтенант ҳалок бўлди. Жуда кўп одам бекордан-бекорга ўлиб кетди...

Фронт ичкарисига етиб борганимиздан кейин мени Р-6 юк самолётининг штурмани қилиб тайинлашди. Кабинаси кичкина, соябонини ҳисобга олмаганда, очиқ эди. Ноябрь-декабрда эса қирчиллама қиш бўлади. Шундай совуқда учиб азов. Учишдан олдин

баданимизга мой суркаб, ички шойи кўйлак, кейин оддий ва жун кўйлак устидан форма, унинг устидан яна мўйнали нимча ҳамда мўйнали комбинезон кийиб олардик. Оёғимизга ҳам устма-уст оддий, жун, мўйнали («унтяга» дейилади) ва унта (узун қўнжли мўйна этик) киярдик. Бошимизга шлём остидан жун шлём, мўйнали маска кийиб, кўзойнақ тақардик. Булар етмагандек, устимизга парашют ортиб оламиз. Учувчи эмас, фирт тасқаранинг ўзи бўлиб қолардик. Барибир эт-бетимизни совуққа олдириб қўярдик.

Турган гапки, ҳаммамиз фронтга интилардик. Ниҳоят, менинг ҳам навбатим келди. Январнинг охирларида ўрта экипажга 29-авиаполк жойлашган Б-станциясига қўниш учун буйруқ берилди. Биз аэродром ёнида жойлашдик. Кечқурун капитан келди: оддий рус кишиси, хушмуомала, ҳазилкаш.

— Хўш, келинг, танишайлик, «от-уловсиэ»лар, — деди у. — Капитан Лапшенков Семен Васильевич. Сизлардан шўнғувчи самолётлар эскадрильясини тузишади, мен эса сизларга командир бўламан.

Унинг орқасидан новча майор кириб келди. Лапшенков уни бизга таништирди:

— Йигирма тўққизинчи полкимизнинг комиссари майор Ласкин. Севиб, ардоқлашларингизни сўрайман. Полк командири капитан Сиромятников. Туғма учувчи. Шундай қилиб, дўстларим, мана танишиб ҳам олдик, ишқилиб юзимизни ерга қаратиб, уялтириб қўймасанглар бўлгани.

Биз шўнғувчи Пе-2 самолётини бир ойча ўргандик. Ахборотингиз учун шуни таъкидлаш лозимки, бу самолёт ўша давр учун мўъжиза эди. Яхлит металдан ясалган, максимум даражада электрлаштирилган моноплан. Учувчи олдан отиши учун иккита пулемёт ўрнатилган. Штурман ШКАС пулемёти, ўқчи-радист эса Березин пулемёти билан таъминланган. Бундан ташқари, биқандан ёки пастандан пусиб келмоқчи бўлган душман қирувчиларига қарата ўт очиш учун ён томонида ҳам битта ШКАС пулемёти ўрнатилган. Пе-2 га бир тоннадан кўпроқ бомба ортса бўларди. Салкам тўққиз километр баландликда учарди. Учиш тезлиги эса инглизларнинг «Харрикейн» қирувчи самолёти тезлиги билан тенг: соатига беш юз қирқ километр.

Уша вақтда Пе-2 ни ВИ-100, яъни баланд учувчи қирувчи деб аташганди. Қирувчининг ана шу хусусиятлари шўнғувчи самолётда сақланиб қолганди. Унда, зарурат туғилиб қолгудек бўлса, олий учувчилик санъатини кўрсатиш мумкин. Узоқ Шимолда, Заполярьеда кенг радиусда учувчи мустақкам самолётларга эҳтиёж туғилганда, уларни хийла модернизация қилинди-ю, Пе-3 қирувчи-тўсувчи самолётларга айлантиришди. Унга тўпли қурол, ўқчи-радист ўрнига беш юз килограмм ёнилғи сиғимидаги бак беришди... Ҳар қалай, яна чалғиб кетдим шекилли...

Кўп машқ қилмадик, лекин лозим бўлган нарсаларни виждонан ўргандик. Мана, бизнинг биринчи экипаж аъзолари: кема командири старший лейтенант Вильчинский (айни замонда, эскадрилья командирининг ўринбосари), штурман (ўқчи-бомбардир), старшина (энди старшина бўлгандим) Саримсоқов, ўқчи-радист сержант Зайцев. Командиримиз мен ва Зайцев билан расмий муносабатда бўлар эди. Бу унинг димоғдор эканлигидан эмас, аксинча, «суяк-суягигача ҳарбийлигидан» эди. Зайцев ўқчи-радистлар мактабини битирган бўлиб, ўз ишининг устаси: пулемёт олдидан нари кетмас, артиб, тозалар, ҳар бир патронни авайларди. Учиш пайтида ҳам пинагини бузмасди. СПУ (самолётдаги гаплашадиган мослама) орқали жуда зарур вақтдагина осойишта овози эшитилиб қоларди: «Командир, орқада — сўлдан ўттиз градус, душманнинг иккита қирувчиси». Зайцев ўз кабинасида командирга орқа ўгириб ўтирарди. Вильчинскийга сўлдан кўрингани, ўқчи учун ўнгда бўлади. Бироқ Зайцев вазиятни «командирга» мослаб кўрсатар, бирон марта ҳам адашмасди.

Старший лейтенант Туганов эскадрильямизга комиссар бўлиб (аниқроғи политрук) сал кейинроқ келди. Жуда дилкаш, довюрак, фидойи одам эди. Ҳақиқий комиссар. Умуман, командирлардан омадим юришган экан... Шундай қилиб, полкимизда йигирма битта самолётдан иборат иккита эскадрилья тузилди. Биз қирқ иккинчи йил май ойида Волхов фронтга учдик. Ҳаммаёқ ўрмонзор, ботқоқлик, яшайдиган жойимиз ертўла, захликдан иложи борича қопкўрпада сақланардик. Ҳарбий иш бошланди...

— Иш дейсанми? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Ҳа, иш. Уруш — бу меҳнат, иш. Экипажимизнинг биринчи учиши Ладога кўлининг шарқий соҳили ва унинг шимолий қисмидаги душман базалари ҳамда истеҳкомларини аэрофоторазведка қилишдан иборат бўлди. Ладоганинг соҳили ниҳоятда эгри-бугри, ваҳоланки, биз бир ярим-икки километр баландликдан, ҳатто енгил зенит тўплари ҳам бемалол уриб тушира оладиган баландликдан маршрут бўйлаб суратга олишимизга тўғри келарди. Самолётимиз хийлагина саваланди, лекин яратувчисига — конструктор Петляковни назарда тутяпман — минг тасанноки, унинг жони қаттиқ экан. ФД-24 фин қирувчилари пайдо бўлди. Ҳаво ўқчиси Зайцев совуққонлик билан командирга ахборот берди: «Унгдан қирқ беш градус, орқа томонда иккита фин «Федлари». «Тушунарли», — деди кулимсираб Вильчинский ва тезликни тўрт юз саксон километргача оширди. Фин самолётининг максимал тезлиги бизнинг самолётдан ўттиз километр кам. Улардан фақат булутлар орасидан қўққисдан чиқиб қолса ёки қаршингиздан кесиб чиқадиган курсда пайдо бўлсагина эҳтиёт бўлмоқ даркор. Финлар аламларига

чидолмай орқамиздан ўқ ота-ота қайтиб кетдилар. Биз ҳам уларга пўписа қилиб қўйдик. Топшириқ бажарилди.

— Ҳамид, гапингдан ҳаммаси жуда осон ва жўнга ўхшайди. Зенит тўплари-чи?

— Зенит тўплари ўз йўлига. Бизларга қарата ўт очиш уларнинг вазифаси. Эртасига яна разведкага чиқдик. Сортавала, Ландепохья, ҳамда Валаам оролини тафтиш қилдик. Биринчи июлда Ладога кўлининг шарқий соҳилини разведка қилдик. Уч марта ўтказган разведкамиз оқибатида полкимиз Кексгольмдаги нефть омборини бомбардимон қилиб яксон қилди. Полк командири Сиромятниковнинг ПЕ-2 самолётидан бошқа барча самолётларимиз дала аэродромига қайтиб келдилар. Шунақа... Полк командирининг самолётини зенит тўплари шикастлангирди. Сиромятников мажруҳ самолётни ўзимизнинг территориямизга олиб кета бошлади. Ногаҳон финларнинг «Федлари» пайдо бўлади. «Петляковлар» ҳаво жангига кириб, душманни тумтарақай этди. Сиромятников эса соҳилга андак етолмай машинасини сувга қўндирди ва самолёт ўша ерда чуқиб кетди. Экипаж омон қолди. Эртасига полк командири Сиромятников оғир дақиқаларда қўллаб-қувватлагани, жанговар биродарлиги учун барча шахсий составга чин қалбидан миннатдорчилик эълон қилди.

Биз Ҳамид Саримсоқов билан вақтинча хайрлашамиз-да, ижозатингиз билан ҳужжатларга мурожаат этамиз.

Ҳарбий Ҳаво кучлари Шимолий Флотининг 29-авиаполки 1-авиаэскадрильясининг штурмани, истеъфодаги полковник Коломиец Пётр Федоровичнинг хатидан:

«...Госпиталдан чиққанымдан сўнг, Ҳарбий Ҳаво Кучлари Қизил Байроқли Болтиқ флотининг учувчилари ва техник составининг катта бир группаси билан биргаликда ПЕ-2 самолётини ўрганиш учун Ейск авиация мактабига юборилган эдим. Уқишни тугатишим билан қайтадан тузилаётган 29-шўнғувчи авиаполкнинг 1-эскадрильясига штурман этиб тайинландим... 1942 йил май ойида авиаполк Болтиқ флотининг ҳаракатдаги составига келиб қўшилди. Авиаполкнинг 1942 йил май-июнь ойларидаги жанговар объектлари Волхов fronti минтақасида жойлашган портлар, душманнинг енгил кемалари ҳамда ҳарбий катерлари, мудофаа иншоотлари ва немис қўшинлари эди... Полкимиз 52-армияни бир неча марта ҳаводан қўллаб-қувватлади. Волхов fronti қўмондони ушбу армия минтақасидаги душман объектлари ва қўшинларига қарши қилинган муваффақиятли жанговар ҳаракатлари учун 1-авиаэскадрильянинг барча экипажига ташаккур эълон қилди...

Тасвирлаб берилаётган воқеаларнинг бўлганига қирқ йилдан ошиб кетди ва кўп нарсалар унутилди. Лекин менинг жанговар командирим — 1-эскадрилья командири — капитан Семён Лапшенков ҳақидаги таассуротлар хотирамда яхши сақланиб қолган. Эллик бешта жанговар учининг талайгина қисмини ўша киши билан бажарганман. У жасур, тактикани яхши биладиган командир, ажойиб учувчи, камтарин, меҳрибон ўртоқ эди. Муносабатларимиз жуда яхши, эътиmodxли эди. Учиш пайтлари бир-биримизни бир оғиз сўздан тушуниб олардик.

Звено командири, қўрқув нималигини билмайдиган разведкачи, ажойиб учувчи Кобзар, штурманлар Саримсоқов ва Алферовлар ҳақида жуда кўп илиқ сўзларни айтиш мумкин. 29-авиаполк командири Сиромятников довлорак, адолатли, меҳрибон, доимо хушқақчақ одам сифатида хотирамда сақланиб қолади».

Лўнда қилиб ёзилган бу хат кўп нарсадан далолат беради. Ўтиз олти йиллик умрини авиацияга бағишлаган, истеъфодаги полковник Пётр Коломиец ўз полкнинг машхур учувчиларини эслар экан: камсуқум старшина Ҳамид Саримсоқовнинг ҳам номини тилга оляпти. Бинобарин, Ҳамид ҳам ўз ишининг моҳир устаси бўлган экан.

Навқирон лейтенант Ҳамид Саримсоқов бу хатдан, қолаверса, ўша Волхов frontида ҳам душманни бомбардимон қилиб, синфда ҳамма уни Аркадий, Аркаша деб чақирадиган мактабдош дўсти, артиллериячи Арутюн Арутюновга ҳам ёрдам бераётганидан беҳабар эди.

Арутюн Саркисович Арутюнов хатидан:

«Артиллерияда хизмат қилардим... Немисларни Москвадан қувганимиздан сўнг, Волхов frontига жаудат... М'яенов Бор атрофидаги оралик йўлни қўлдан бермаслик учун олиб борилган жанглarda қатнашдик, бу йўлдан муртад генерал Власов хоинона душманга топширган 2-зарбдор армиянинг қисмлари олиб ўтилган».

Ҳозир консультатив поликлиниканинг бош врачлари бўлмиш Арутюнов ўз хатида мактабда ўқиб юрган кезларини эслар экан, ушбу қисса қаҳрамони ҳақида ҳам ҳикоя қилади:

«Яхшигина мерганлик тўғарагимиз бўлар эди. Ҳамид Саримсоқов раҳбарлик қилган. Кўплаб йигит ва қизлар «Ворошилов мергани» нишони учун норма бажарганлар».

Ҳамиднинг мактабдош дўсти Олег Обельченко ҳам топилди. 1933 йилда ҳаваскор суратчи томонидан ишланган суратлари ҳам сақланиб қолибди. Унда Олег билан Ҳамид, ҳали жуда кичкина бўлсалар-да, катталардек галстук тақиб тушишган. Ҳозир Олег Владимирович — тарих фанлари доктори, Москвада истиқомат қилади. Бутуниттифоқ таъмирлаш илмий-текшириш институтида ишлайди.

Обельченко О. В. —

— Синфдошларимнинг деярлик ҳаммалари жанглarda ҳалок бўлишган. Владимир Гусаков қирувчи-учувчи бўлган. 1945 йилда Берлин осмонида ёниб кетди... Роман Сабинин... оёғидан ажралди... Моисей Шкляник... биринчи жангдаёқ ҳаёт билан хайрлашди...

Шуниси таажжубланарлики, О. В. Обельченко бу хатида ўзининг «қадрдон дўсти» Ҳамид Саримсоқовни эсламайди.

Нима учун?.. Бу ҳақда кейинроқ.

Ҳозир эса бош мавзудан жиндек чекинишни жоиз деб биламан ва ботиний муҳарририм билан қилган ботиний суҳбатимни эътиборингизга ҳавола этаман:

Ботиний муҳаррир. Ҳар ҳолда, мени шубҳа босаяпти: хўш, сенинг лейтенант Саримсоқов билан фикр алмашувингни ўқувчи тўғри тушунармикан? Бирон гап-сўзи чиқмаса дейман...

Муаллиф. Таассуфнинг ҳиди келяптими?

Б. М. Муҳаррир сифатида айтаманки, ўзини адиб деб биладиган одам учун «таассуфнинг ҳиди келяптими», деб айтиш ва айниқса ёзиш жоиз эмас! Таассуфнинг ҳиди бўлмайди. Унда бундай хусусият йўқ.

Муаллиф. Тўғриси қандай бўлади?

Б. М. Тўғриси... Ҳм... Фараз... Йўқ! Эрк беряпти... Бу ҳам бўлмайди!.. Қисқаси, таассуф бўлмаслиги лозим.

Муаллиф. Менинг ёзувларимда у мутлақо йўқ. Ижодий хаёлот...

Б. М. Сен ўзингнинг «хаёлот»нинг билан реализмга зарба беряпсан. Шахсан мен эътироз билдираман!

Муаллиф. Унда Пушкин нима бўлади?

Б. М. Пушкин — буюқ реалист. Ундан ўрнак ол.

Муаллиф. Буюқлик билан менинг ўртамда беҳисоб масофа ётибди. Шундай бўлса ҳам ўрганишга ҳаракат қиляпман. Эсингдами, у ўзича илҳом парисининг илтифоти ҳақида ёзгани:

Жаҳонни унутаман: тотли сукунат,
Ширин тасавурларга хаёлни бошлар...
Шундай келар соядай бир гала меҳмон,
Бари хаёл туғдирган эски қадрдон...

Б. М. Классикнинг шеърида «меҳмонлар галаси» — соя. Фарқини уқдингми?

Муаллиф. Шу нарса маълумки, Бальзак ўз қаҳрамонларининг кечинмаларига шундай берилиб кетар эканки...

Б. М. Аввал Бальзакдек бўл, сўнгра берилиб кетсанг бўлади. Умуман, ўша француз сенга мезон эмас.

Муаллиф. Александр Трифонович Твардовский мезонми?

Б. М. Мезон, ҳатто тўла маънода — мезон. Совет поэзиясининг классиги. Унинг ҳар бир сатрида ҳаёт ҳақиқати ётади.

Муаллиф. Гапларинг тўғри. Зотан, Твардовский ҳалок бўлган жангчи тилидан сўзлайди:

Ржев остонасида ҳалок бўлдим.
Беном-бенишон ботқоқлик...
Бешинчи рота эди у;
Сўлдан қаттоллик
Ила қилинган хужум.
Фронт чексиз ўт ичинда,
Бағри тилка, ғулум.
Ҳалок бўлдим ва лек
Билмам Ржев кимда?..

Б. М. (Узоқ сукутдан сўнг.) Аввал Твардовский бўлгин-да, сўнгра ҳалиги айтганингдек...

Муаллиф. Иложим йўқ, Твардовский бўлолмайман. Лекин буюқ шоир шундай бадий усулни қўллашни эп кўрган экан...

Б. М. Эскилар шундай дейишарди: «Кўрпанга қараб оёқ узат». Мен ўз фикримни айтдим, холос. Ҳали реал штатли муҳарриринг бўлади. Ўз навбатида ўша муҳарриринг ўзида ҳам ботиний муҳаррир мавжуд.

Муаллиф. Яхши, ўйлаб кўраман...

Шу билан суҳбат тугади. Ҳар нечук, мен ботиний, ҳадиксировчи муҳарриримни энгдим ва қаҳрамоним билан мулоқотни давом эттиришга қарор қилдим. Бунинг учун етарли даражада асосим бор.

¹ («Куз») Миртемир таржимаси.

III. Замин адо бўлган жойда

— Ҳикоянгни давом эттир, Ҳамид.

— Қирқ иккинчи йил июнида Алоҳида Денгиз авиагруппа (АДАГ) ташкил этилди. Бунга 28-бомбардимончи, бизнинг 29- ва 20- ҳамда 255-авиаполкларимиз киритилди...

Лейтенант фикрини жамлаб олиш учун бир оз сукут қилганидан кейин гапида давом этди:

— Мен ҳар доим Вильчинский билан учардим. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келиб қолганди. Кутилмаганда Қутб доирасидан ўтиб, Узоқ Шимолдаги Ваен (ҳозирги — Североморск) аэродромига бориш ҳақида буйруқ олдик. Эскадрильямизнинг бир звеноси Кола ярим оролидаги жануби-шарқий аэродромга вақтинча командировка қилинганди. Гап шундаки, ўша пайтда иттифоқчиларимиз — инглиз ва америкаликлар Мурманск ва Архангельска қурол-яроғ, ўқ-дори, портлагичлар ва шу каби бизга зарур бўлган ҳарбий анжомлар юкланган кемаларни юбориб турардилар. Фронтнинг умумий эҳтиёжини ҳисобга олганда, иттифоқчиларнинг юбораётган ҳарбий анжомлари денгиздан томчидек гап эди. Шўнисига ҳам шукр қилардик, чунки ҳамма нарса ўз вақтида азиз-да. Аксига олиб, Британия ҳарбий флоти бошқармасининг бепарволиги туфайли немис сувости кемалари билан «Кондора» (Фокке-Вульф-200) торпедонослари мамлакатимизнинг шимолий портларига келаётган Р-17 рақамли денгиз қўриқчисини яксон қилган. Иттифоқчиларимизнинг ҳарбий кемалари томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган транспорт кемаларининг кўпчилик қисми чўктириб юборилган ва фақат ҳаво ҳамда сувости қароқчиларига чап бериб, нақ Янги Ер томонга оғиб кетган бир нечта кемагина Оқ денгиз ҳамда Архангельскака ўтишга уриниб кўрган.

Звеномизни кичкина дала аэродромига юборишди. Биз сувости кемаларининг пайига тушар, «Кондорларни» қувар эдик. Лекин булар кейинчалик бўлганди. Заполяръега учиш олдидан эса ўша пайтдаги АДАГнинг командири полковник Семёнов мени ҳузурига чақириб: «Вильчинский билан мен учаман, сен эса Кобзарнинг экипажига бор», — деди. Флот қондасига мувофиқ: «Хўп бўлади!» — дея жавоб қилдим. Вильчинскийнинг Пе-2 си парвоз қилди-ю... ғойиб бўлди. Унга нима бўлгани — туманда мўлжални йўқотдими, ҳаво ўрасига тушиб қолдими, ёки душманнинг қирувчи «овчилари» томонидан уриб туширилдими... жумбоқ бўлиб қолди.

Лейтенант гапидан тўхтаб, хаёлга чўмди. Дарҳақиқат, ҳаяжонли таассурот. Жанговар ўртоқларинг ҳали-ҳозиргина ҳаёт эдилар. Уй-хаёлга толиб орзу қилар, уйларидан мактуб кутардилар... Энди ҳеч қачон яшамагандек ғойиб бўлиб кетсалар!.. Ваҳоланки, АДАГ командири бошқа самолётда учасан демаганида, Ҳамид ҳам сувга тушган игнадек ғойиб бўларди-кетарди...

— Экипажни алмаштириб туришингнинг сабаби нимада? — ҳозиргина эшитганларимнинг таъсирида савол бердим.

— Авиацияда бу одатдаги ҳол. Гоҳ самолёт, гоҳ экипаж етишмай қолади. Биров касалланса, бошқа жанговар парвоздан ярадор бўлиб қайтади. Баъзан командир ва штурманнинг юлдузи бир-бирига тўғри келмай қолади. Қўмондонлик бу тарафини ҳам ҳисобга оларди. Мен шаҳсан бешта пилот билан учганман. Шулардан учтаси — Вильчинский, Кобзар, Машировлар ҳалок бўлишди. Акулинининг¹ тақдирини менга қоронғи. Пе-2 да эса Кобзарь билан учганман. Моҳир учувчи эди. Бизнинг звеномиздаги экипажларга: «Сизнинг вазифангиз — осмонни қўриқлаш (яъни осмонда учиб юриб, пастдаги қўшинларимиз ва муҳим объектларимизни душмандан қўриқламоқ), фрицлар биронта ҳам кемани чўктириб юбормасликлари шарт! Бошингиз билан жавоб бера-сиз», — дейишганди.

— Пе-2да-я? — ҳайратланиб сўрадим.

— Буйруқни бажардик. Иттифоқчиларнинг кемаларини эсон-омон Оқ денгиз бўғозидан ўтказиб олдик. Шу денг, навбати билан ҳавода икки соату йигирма минут атрофида учиб юрамиз. Заполяръе ҳавоси эса ниҳоятда инжиқ. Осмонга кўтарилётганингда яхшидек кўриниб туради. Ярим соатдан кейин эса бирдан денгизни туман қоплаб олади, ёки ёмғир ёғади. Бу ҳам етмагандек магнит бўронларини айтмайсизми? Ўзингизга маълум, денгиз устида у қадар аниқ мўлжал олиб бўлмайди. Хусусан, Кола ярим ороли устида. Дастлаб мен харитани ўрганаётим ҳеч нарсага ақлим етмади. Бу қанақаси? Ҳаммаёқда оқ «Изба», гоҳ «Чум», сўнгра яна «Изба», «Изба», «Чум»... деб ёзиб ташланган. Эскилар эса эсанкираб қолганимни кўриб, «Харита тайёрловчиларда фантазия етишмаган шекилли деб ўйлаяпсанми, а?» дея устимдан кулишади. «Бундай чалкашликни ҳали тушунмайман-да», — дейман.

— Боиси шуки, — жилмайди штурман. — «Изба» — бу оддий кулбанинг ўзи, «Чум» эса, буғу терисидан ёки қайин пўстлоғидан ишланган шимолга хос маҳаллий турар жой — чайла. Ана шу «ориентирлар» йўлда, ўнлаб километр оралиғида жойлашган.

¹ Акулинини алоқа самолётига ўтқазилганди. У шимолда ҳалок бўлган. (Автор изоҳи.)

Бир-бирига ўхшаш тепаликларнинг сон-саногии йўқ. Биз штурманлар Баренц денгизига қилган парвозимиздан қайтганимизда одатда зюйдвест курсини олардик ва координатни соҳилга қараб аниқлардик. Башарти, айтайлик, мен «пиедани» Коровье бурунига олиб чиққан бўлсам, бинобарин парвозни Корабельний бурунигача соҳил бўйлаб давом эттиришим лозим. Поной сойининг қуйилишидан аэродромгача эса икки кадам. У ёғи учувчининг ўзига ҳавола. Энг қийини...

— Қўнишми?

— Қўнишда ҳам қўниш бор. Уша бир бўлак ерга «Аэродром» сўзини шартли суратдагина қўллаш мумкин. Шўнғувчи самолётлар учун учиш-қўниш майдони қисқа. Боз устига, тор. Сўл томондан қатор тепаликлар туташиб кетган, ўнгда — дара, даранинг тубида эса, Поной сойи шовуллаб оқади. Бу ҳам етмагандек, ён томондан тез-тез кучли шамол эсиб туради, бордию самолётни қоидасига биноан қўндирмоқчи бўлсангиз, шамол ағдариб юбориши ҳеч гапмас. Шунинг учун командирлар шамолни ҳисобга олиб туриб, қўнишга қиялаб борардилар. Ваҳоланки, уларнинг шу каби хийлалари ҳар доим ҳам муваффақиятли яқунланавермас эди. Самолётлар тўнтарилиб кетган вақтлари ҳам бўлган.

— Мураккаб шароит.

— Яшириб ўтирмайман, жудаям мураккаб эди. Биз ҳар хил бўшаган яшиклардан кулба ясаб олардик. Сувни дарадан ташиймиз. Йигитларнинг гапига қараганда, айниқса, қишда бу ерда яшаш кони азоб эди. Увиллаб қор бўрони бошлаб берса борми, ҳеч вақони кўриб бўлмайди. Самолёт турадиган жойга ва бир яшик-кулбадан иккинчисига махсус тортилган арқонларни ушлаб борардик. Ҳафталаб емишимиз балиқ бўлган кунлар ҳам бўлган.

— Ҳозир треска бўлса йўқ демасдим. Тансиқ балиқ.

— Эй, ҳурматли муаллиф! Сизни сурункасига икки ҳафта қовурилган треска, қайнатилган треска, дудланган треска, консерваланган треска билан боқиб кўришингиз.. Жонингиздан тўйиб кетардингиз.

— Ёзда ҳам фақат треска беришармиди?

— Мени тўғри тушунмасиз. Биз Шимолий денгиз учувчиларининг озиқ-овқат масаласида мавқеимиз алоҳида эди. Йигитларимиз ошхонада ҳазиллашиб: «Агар бомбардимон қилиш ёки разведкага бориш бўлмаганда, ҳеч қандай уруш йўқдек!» — дер эдилар. Лекин узилиш бўлиб турарди. Мен ёзда ўша учиш-қўниш майдонига борганимда ҳаммаси жойида эди. Табиат ҳам бошқача. Майда бутазор, паст, қийшиқ қайинлар, серқоя тепаликларни кўкимтир-кулранг йўсин қоплаб олган, ҳаммаёқ гулларга бурканган. Гала-гала балиқчи қушлар осмонда учкирлик қилсалар ҳам йўсин босган қирғоқларда судралиб юрардилар. Баъзан ҳайвонлар ҳам учраб туради — бўри, шимол тулкиси... Эҳтимол, бир хиллик одамга ғалати туюлар-ку, лекин Заполярье нимаси биландир менга тоғ этакларига туташган Урта Осиё саҳроларини эслатарди: дастлаб жонсиз табиат ҳукмрондай бўлиб кўринадиди, аслида эса бу ерда ҳаёт қайнайдиди.

— У ерларда кўп бўлдингми?

— «Пи-кью-17» кўриқчи кемаларининг Архангельскка етиб олишини таъминлаб бўлганимиздан сўнг, сал ўтмасдан АДАГнинг янги кўмондони генерал-майор Петрухиннинг Ваенга аэродромига етиб келишимиз ҳақидаги буйруғини олдик. Ана, ўша ерда қизғин жанговар меҳнат бошланди.

— Ҳўш, — дедим, бир оз ҳаяжонланиб. — Энди «дунёнинг чеккасидаги» жанговар ишларинг ҳақида гапириб берарсан, лейтенант.

Йигит бош чайқади.

— Йўқ, қимматли муаллиф, — деди Ҳамид ва менга таъна билан қараб қўйди. — Йигит кишининг лафзи битта бўлади. Аввал жанговар дўстларим ҳақида сўзлаб бераман. Ҳеч бўлмаса, баъзилари ҳақида. Ваҳоланки, ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида китоб ёзса арзийди. Одамлар уларнинг ажойиб кечган ҳаётларини билишлари керак...

Мен розилик билдириб, бош ирғадим.

IV. «Токи шундай одамлари бор экан, Россия енгилмасдир!»

— Унча катта бўлмаган Кола кўрфазида иккита аэродром — Ваенга-1да бизнинг полкимиз ва яна Сафонов номидаги гвардиячи иккинчи қирувчи авиация полки жойлашганди. Афсуски, донги кетган моҳир учувчини тириклигида учрата олмадим. У иттифоқчилар кўриқчиси Р-16ни немис шўнғувчи ва торпедонос самолётларидан ҳаво жангида ҳимоя қила туриб ҳалок бўлди. Бу воқеа 1942 йилнинг 30 майида, бизнинг полкимиз Заполярье базасига кўчиб ўтмасидан сал илгари содир бўлган.

Бу буюк учувчи, оташин ватанпарвар жасоратлари билан ҳалокатидан кейин ҳам нафақат ўз полки авиаторларини, балки Заполярьенинг барча учувчиларини Ватанга чексиз садоқатли бўлиш руҳида тарбиялади. Айниқса, душманга ғазаб-нафратни

мамлакатимиз Ҳарбий-Ҳаво Кучларининг барча учувчилари ана шу мангуликка айланган учувчидан ўрганардилар, десам тўғри бўлади. Зотан, Борис Феокистович, янглишмасам, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган биринчи учувчи эди.

Мен ўзимнинг жанговар сафдошларим ҳақидаги ҳикоялни, гарчи ҳеч қачон кўрмаган бўлсам ҳам, ана шу ажойиб инсондан бошламоқчиман.

Борис Феокистович Сафонов

— Сафонов оз муддат жанг қилди. Шунга қарамай душманнинг ўттиз тўққиз самолётини уриб туширди. Тасаввур қилинг, бир йилдан камроқ вақт ичида... Агар ўша фожеали воқеа бўлмаганда Борис Феокистовичдан ўтадигани бўлмасди. Мен учун бу исбот талаб қилинмайдиган — ҳақиқат! Учадиган самолётини айтмайсизми?.. «Киттихаук». Бу самолётни «Мессершмитт» ва «Фокке-Вульф»лар билан тенглаштириб бўладими?! Аммо Сафонов уларни уриб туширарди, бошлаб уриб туширарди!..

Қўл остидагилари уни айниқса самимиёлиги, камтаринлиги, авиацияга бўлган эътиқоди, полк командири сифатида доим олдинда бўлиши, ҳаммага ўрناق кўрсатганлиги учун эъзошлашар эди. Сафоновчиларнинг айтишларича, у ҳаво жангларида ҳар қандай душман учун яланғочланган қиличга айланарди. Тажрибасиз ёш учувчиларга муносабати-чи?! Баъзан душман самолётини шикастлантирар эди-да, уни батамом яқсон қилиб, шахсий жанговар ҳисобини ошириш ўрнига эндигина жангга кирган ёш шогирдларига тўғрилаб кўярди. Зеро, улар учун ўз кучига ишониш, биринчи жангини ғалаба билан яқунлаш — айниқса муҳим.

Уша оғир ва шафқатсиз кунларда Борис Феокистович, хатога йўл қўйган, бунинг учун оғир жазога лойиқ бўлган учувчига ён босиб қолди. Учувчи айбдорми? Айбдор! Ташқи кўринишидан, гитлерчилар «Ягуар», деб ном қўйган «МЕ-110» самолётига ўхшаб кетадиган совет бомбардимончи Пе-2 самолётини уриб туширдими? Уриб туширди!..

Кейинчалик донг чиқарган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган бир учувчи-қирувчининг ҳаётида шундай воқеа содир бўлганди. У гаупвахтага ташланган, суд қилиш учун барча ҳужжатлар тайёр эди. Лекин Борис Феокистович (эндигина йигирма етти баҳорни кўрган кезлари) ҳарбий жасоратга нисбатан ҳам ноёброқ улкан инсоний жасорат кўрсатиб ёш учувчини сақлаб қолди. Ҳаётнинг ўзи Сафоновнинг ҳақ эканлигини исботлади.

Воқеа тафсилотларини ўша вақтда аниқлаб бўлмади...

— Шу кунгача ҳам ҳали ҳаммаси ойдинлашганича йўқ, — дея қўшиб қўйдим мен. — Мана, масалан, Сергей Курзенков...

— Курзенков!.. — деди чехраси очилиб лейтенант. — Мен уни танирдим. Биз қирувчилар билан битта ошхонада овқатланардик. Гаплашиб турардик. Мени эслайдими, йўқми билмайману... лекин мен уни ҳамон эслайман. У ҳақда кейинроқ сўзлаб бераман. Хўш, Курзенков ҳақида нима биласиз?

— Ўзининг «Остимизда замин-у, денгиз» китобида...

— Демак, омон қолибди-да?!

— Ҳа. Ёзувчи бўлган. Ажойиб китоб ёзди. Мана, у шундай ёзади... Мен керакли китобни олиб варақладим.

— Қирқ иккинчи йилнинг ўттизинчи майида Сафонов бошлиқ тўртта қирувчи самолёт иттифоқчилар кўриқчиси Р-16 ни муҳофаза қилаётган бизнинг узоққа учадиган қирувчиларимизни алмаштириш учун парвоз қилди. Кильдин оролидан шимолроқда бизнинг учта қирувчимиз немис шўнғувчи самолётлари билан жангга кирдилар.

— Нима учун учта? — қизиқиб сўради Ҳамид. — Ахир тўртта қирувчи учган эди-ку?!

— Битта қирувчининг мотори ишдан чиқади ва Сафонов унга аэродромга қайтишни буюради. Қутурган Баренц денгизи осмонида шиддатли ҳаво жанги. Ут ичида қолган «Юнкерслар» денгиз тўлқинларига қулар эди. Павел Орлов ва Владимир Покровский биттадан самолёт уриб туширдилар. Борис Феокистович душманнинг иккита бомбардимончи самолётини яқсон этди, учинчисини ёндирди ва тўрттинчисига ҳужумга ўтди... Кейин... Дарвоқе, яхшиси, Курзенковдан парча ўқий қоламан: «Командиримиз тўртинчи торпедоносни таъқиб эта бошлаган вақтда душман самолёти унинг остидан учиб ўтди. «Юнкерс»нинг ҳаво ўқчиси пулемётдан кетма-кет ўқ узишга улгурган экан. Сафоновнинг самолёти кескин юқори кўтарилди-ю, тезлигини йўқотиб, пастга қараб шўнғий бошлади ва қутурган денгиз қаърига кириб кетди»!

Яна бир оз сукут сақладик. Ҳамид хўрсиниб қўйди.

— Сафоновчилар менга бу ҳақда сўзлаб беришганди. Лекин бошқа тахмин ҳам бор — мотор ишдан чиққан бўлиши ҳам мумкин. Чунки, «киттихаукларнинг» моторлари ниҳоятда инжиқ бўлган.

— Бу ҳам ҳақиқатга яқин тахмин, — мен бошқа китобни қўлимга олдим. Бу китобда

¹С. Г. Курзенков. Под нами земля и море. Воениздат, 1977 г. с. 77—78.

радиосуҳбат ёзувидан парча келтирилган. Сафонов иккита «бомбер»ни уриб туширгач, дейди: «Учинчисини урдим... — Бироқ бир-икки секунддан кейин ташвишли сигнал беради — «Мотор!» Сафоновнинг қирувчиси ўз тезлиги ҳамда баландлигини йўқотганча қўриқчи кемалар томон парвоз қиларди. У «Валериан Куйбишев» эскадрон миноносига тахминан икки миля етмасдан денгизга қулаб тушади ва шу заҳотиёқ тўлқинлар орасида ғойиб бўлади».

Биз яна сукут қилиб беқиёс учувчи, оташин ватанпарварнинг хотирасини ёд этдик. Қадрли ўқувчилар, гвардиячи полк командири Борис Сафонов ва унинг икки жанговар сафдошининг жасоратларини ўйлаб кўринг-а! Улар қирқ бешта бомбардимончи ва йигирмата қирувчидан иборат душман самолётлари тўдасига ҳужум қилиб, яксон этдилар. Сафонов ва унинг дўстлари ўз ҳаётларини гаровга қўйиб қанча кемалар, унинг юзлаб денгизчиларини, ўнг минглаб тонна юкни сақлаб қолдилар.

— Қолаверса, — деди оҳиста лейтенант, — Сафонов, шоир айтгандек: «Йўқ, ўлмаيمان асло, руҳим жасадимни тарк этса-да, ҳаёт билан қолар...» У ўз полқдошларининг, Шимолий денгиз учувчиларининг шонли ғалабаларида, совет учувчиларининг барча жасоратларида яшамоқда!

Ташқарида қош қорая бошлади. Беқарор қишимиз ҳам якунланди. Деразага бўй чўзган дарахтларнинг шох-шаббалари баҳор таъсирида куртак ота бошлаганди.

— Энди бошқа бир ажойиб инсон ҳақида сўзлаб бераман, — деди Ҳамид узоқ жимликдан кейин.

Захар Артёмович Сорокин

— Мен Захар билан қирқ учинчи йилнинг баҳорида танишиб қолдим. Қарасам, бизнинг умумий кают-компаниямиз — ошхонага йигирма беш ёшлардаги, зуваласи пишиқ йигит кириб келди. Учувчи эканлиги кўриниб турибди, лекин қўлида ҳассаси бор. Сипо кўринади. Пётр Сгибнев — у ҳам сафоновчи, истеъдодли қирувчи-учувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони... Қирқ учинчи йил май ойида ҳалок бўлди... Мен дарҳол Пётрдан сўрадим: «Ҳассали ажабтовур янги одам пайдо бўлибдими?» Йигирма икки ёшли азамат, хушчақчақ Пётр қиқирлаб кулиб юборди. «Янги эмиш!.. Бопладинг-ку, старшина! Ахир бу полкимизнинг ветерани Захар Сорокин бўлади. У Сафонов билан учган. Олти самолёт уриб туширган». «Бўлмасам, нима учун ҳасса билан сайр қилиб юрибди... Юриши ҳам қандайдир ғалати?»

Ушанда Пётр менга ақл бовар қилмайдиган воқеани айтиб берди. Айтганларининг ипидан-игнасигача ҳаммаси ҳақиқат эди. Захар қирқ биринчи йилнинг октябрь ойидаёқ қор босган тепаликлар устида немис қирувчилари билан жанг қилган. «Мессершмитт-110» — яхши зирҳланган машина, уни уриб тушириш осон эмас. Узининг барча патрон ва снарядларини сарфлаб бўлган Сорокин душман самолётини сиқув-қистовга олишга қарор қилади. У душман самолётини қувиб етади-да, парраги билан дум-қанотини кесиб ташлайди. «Мессер» пастлай бошлайди. Сиқув пайтида Захарнинг самолёти ҳам шикастланади. У бир амаллаб музлаб қолган кўл устига қўнади. «Қорни» билан оғир қўнган учувчимиз ўзини ўнглаб олар-олмас душман самолётини кўриб қолади. Кабинадан немис учувчиси ва у билан... каттақон овчарка чиқиб келади. Нима жин уриб фриц бу итни ўзи билан олиб юганини ким билади? Кабинага искович қандай қилиб сиғди экан? Гап шуки, овчарка ирриллаганча самолёт қанотига чиқиб олади. Сорокин ТТ тўппончасини базўр олиб, уни отишга улгуради. Ит вангиллаб қулаб тушади. Унинг орқасидан Захар ҳам ўзини қор устига ташлайди. Яна кетма-кет ўқ отилади. Сорокин оёғидан яраланган, бостириб келаётган душманга қарши нима ҳам қила оларди. Отишдан бошқа иложи йўқ. Захар, ҳар ҳолда, охириги ўқи билан фашистни ер тишлатади.

Учувчимиз нафасини ростлаб улгурмаёқ иккинчи гитлерчига кўзи тушиб қолади. «Мессер-110» икки ўринли экани ёдидан чиқибди-да! Сорокин шоша-пиша тўппончасини қайта ўқлай бошлайди, лекин сўнгги дақиқада гитлерчи эпчиллик қилиб Захарнинг юзига пичоқ уради... Захар бор иродасини йиғиб, қаттиқ оғриққа дош беради, томоғига хиппа ёпишган фашист панжаларини юлқиб ташлайди ва уни нари итқитиб, ўқланган тўппончасини олиб душманни отиб ташлашга муваффақ бўлади.

Олтинчи ғалаба Захар Сорокинга жуда қимматга тушди. Бу ҳали дебочаси эди. Жангда уриб туширилган, қорли тепаликларда, ботқоқликларда музлаб ҳалок бўлган қанча-қанча учувчиларимизни қидирув группалари топа олмаганлар. Захар ҳам ҳаёт учун олти кеча-кундуз кураш олиб борди. У муз босган тепаликларга тирмашар, пастга қулаб тушар, яна тирмашарди. Очликдан ҳолдан тойган, вақт ҳисобини йўқотган, барибир курашни давом эттирарди... У аҳволдан ҳайратга тушган қизил флотчини кўргани заҳоти хушидан кетди.

Полярний шаҳридаги госпиталда врачлар Захарнинг иккала оёқ панжаларини кесиб ташлашга мажбур бўлдилар. Сафоновчининг бу мислсиз жасорати нима учундир ёзувчи

ва журналистларнинг диққатидан четда қолиб кетди. Бунинг сабаби тушунарли: ўшанда урушнинг таҳликали, беҳаловат дастлабки кезлари эди, Захар эса ўзини кўз-кўз қилишни ёқтирмасди. Захар мардларнинг марди, камтарларнинг камтари эди. Унга фақат биригина орзу — яна учиш, фашист ифлосларни қийратиш орзуси тинчлик бермасди.

Захар ўз орзусига эришди — қадрдон сафоновчилар полкига қайтди. Мен «янги келган» деганим — Захар Сорокин ана шундай одам экан. Бир куни журъат этиб Захарга дедим: «Ўртоқ гвардиячи капитан, қандай қилиб учаяпсиз?... Ҳар ҳолда, иккита оёғингиз протез... Яна, самолётларни уриб туширяпсиз. Ҳатто немислар ҳам сизни «АС» дейишади».

У менга мулоимлик билан қараб қўйди-да, жавоб берди: «Керак бўлгандан кейин, демак, бўлар экан-да». Мана шунақа!

— Сафоновчилар билан биз фақат кают-компаниядагина учрашиб қолмасдик. Энг муҳим учрашувлар ҳавода, биз бомбардимончиларни сафоновчилар пана қилган кезларда юз берарди. Шунингдек, йигирманчи ва икки юз эллик бешинчи полк қирувчилари билан ҳам дўстлашган эдик. Тўғриси айтимак, шонли «лочинларимиз — Пе-2»ларнинг жанговар тартибини бузишга уринган «Мессер» ва «Фокер»ларнинг ҳужумларини қайтариб, кўпларимизнинг ҳаётимизни сақлаб қолганлар. Бироқ барча қаҳрамон-қирувчилар ҳақида ҳикоя қилиб беришнинг иложи йўқ. Шу боис, таржимаи ҳоли чинакамига афсонавий бўлган бир учувчи ҳақида сўзлаб бераман.

Сергей Георгиевич Курзенков

Жаҳон авиацияси тарихи ҳайратомуз ҳодисаларга тўлиб-тошиб ётибди. Лекин Сергей Георгиевич «ходисаси» ҳатто кўпни кўрган ҳаво жангчилари учун ҳам чинакамига ақл бовар қилмайдиган воқеа эди.

Яқинда ташкил этилган полкнинг эндигина тайинланган командир ўринбосари Курзенков қирқ учинчи йил февраль ойининг сўнгги кунларидан бирида кўкка парвоз қилди. Мақсад: ҳарбий объектларимизга оғир шикаст етказиб турадиган душман самолётлари ва тунги аэродромларини ахтариб топиш, барбод қилиш. Уя топилди. Бироқ зенит тўпларидан ўққа тутилган Курзенковнинг самолёти шикастланиб, ёна бошлади. Унинг оёғи яраланган, аъзойи баданини ўт олган. Бир лаҳзадан кейин самолёт портлаши керак эди.

Учувчи кабинанинг эҳтиёт туйнугини очиб ўзини самолётдан ташлади. У парашют ҳалқасини тортишга шошилмас, зеро устига ёнаётган самолёт қулаши мумкин эди. Оловли «камета» ёнидан ўтиб кетганидан сўнггина қаттиқ жараҳатланган учувчи матонат кўрсатиб яна бир неча дақиқа парашютни очмай турди-да, кейин ҳалқани тортиди... Нима гап? Парашют очилмасди. Бор қучи билан яна ҳалқани тортиди. Хайрият... мўйна этиги оёғидан чиқиб кетди, парашют очилди. Лекин ақл бовар қилмайдиган ҳол!.. Парашютнинг гумбази осмонга ўрлаб бурала бошлади, учувчининг ерга тушиш тезлиги тобора ортиб борарди. Афтидан, парашютнинг қайишлари осколка тегиб ситилган, силтовга бардош беролмай узилиб кетган эди... Шундай баландликдан ерга тушиш — тамом деган сўз!.. Тамом!.. Вассалом!..

Сергей Курзенков қанча вақт беҳуш ётганини билмайди. Даҳшатли, чидаб бўлмайдиган оғриқ аъзойи баданига азоб берарди... Яна кўз олди хиралашди. «Тамом» деб ўйлашга улгурди... Яна ўзига келди. «Наҳотки тирик бўлсам?» Нима учун шундай баландликдан ерга тушиб тирик қолгани ҳақида ўйлаб-ўйлаб кейин сабабига тушунди. Афтидан, қор уюмлари қопланган тепа ён бағрига тушгану думалаб кетган. Медицина полковниги, профессор Дмитрий Алексеевич Араповнинг юксак санъати жасур жангчини ўлим чангалидан олиб қолди. Зотан, Сергейнинг ички органлари қаттиқ жараҳатланган эди.

Сергей Курзенков «ўлимларни доғда қолдириб» омон қолди. У икки юз элликта жанговар парвоз қилди, ҳаво жангларида саккизта душман самолётини уриб туширди... Менинг сўнгги жанговар парвозимдан бир ой бурун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Лейтенант Саримсоқов жилмайди ва ҳаяжонланиб сўзида давом этди:

— Муаллиф, булар шунчаки одамлар эмас. Улар — қаҳрамонлар, жасоратлари олдида антик полковлар — Сцевол, Курциев... Э, уларнинг кўрсатган ишлари ҳеч гапмас...

— Сен ҳақсан, Ҳамид, — мен рози бўлиб бош ирғадим. — Сен ҳикоя қилиб берган Захар Сорокин Ватанимизнинг юксак мукофотлари — Ленин ордени, учта Қизил Байроқ орденлари ва қаҳрамонлик Олтин Юлдузи медалидан ташқари Британия империясининг олий даражадаги ордени билан ҳам тақдирланган. Британия Ҳарбий Ҳаво Кучларининг вакили Сорокинга мукофотни топшира туриб, Буюк Британия қиролининг сўзларини ҳам етказди: «Токи шундай одамлари бор экан, Россия енгилмасдир!»

3. А. Сорокин ғалабагача жанг қилди, душмanning 13 та самолётини уриб туширди. СССР Олий Советининг 1944 йил 19 августидаги Фармонига биноан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1978 йили вафот этди. (Автор изоҳи.)

— Яхши айтилган... Энди ўзимнинг командири, комэск-1 ҳақида қисқача сўзлаб бераман.

Семен Васильевич Лапшенков

— Авиацияда, — дея гапира бошлади Ҳамид Саримсоқов, — командирларнинг маҳорати, ўзларини тутишлари биринчи даражали аҳамиятга эга. Командир ҳаво жангининг қанчали билимдони, моҳир тактиги бўлмасин, агар жанговар топшириқларда ўзи иштирок этмаса, у расман идора этиш ҳуқуқига эга бўлгани билан ижрочилик обрўсини йўқотади. Семён Васильевич эса туғма учувчи эди. Ундаги режа, маҳорат чексиз жасорат билан уйғунлашиб кетарди. Қирқ иккинчи йил июнида биз икки полк бир бўлиб, солдат ва офицерлари ҳамда техника ортилган кемалари тўлиб ётган Болтиқдаги немис денгиз базасини бомбардимон қилганимиз эсимда. Лапшенков эскадрильямизни тўпларнинг дўлдек ёғдириб турган ўти орасидан моҳирона олиб ўтди ва биз бомбардимон қилиб, душманга қақшатғич зарба бердик. Ана шу ҳаво ҳужумида афсонавий жасорат кўрсатган полк командири майор Борис Павлович Сиромятников ҳам иштирок этган.

Комэскимиз фақатгина «ҳаво устивори» бўлибгина қолмай, ишончли маслаҳатгўйимиз ҳам эди. Борди-ю, биронта учувчи тажрибасизлик қилиб хатога йўл қўйса, Лапшенков ҳеч қачон айбдорга дўқ қилмас, учувчи, штурман ёки ўқчининг иззат-нафсини ерга урмасди. Қўл остидаги одамга йўл қўйган хатосини тушунтиришга ҳаракат қиларди. Уставда кўрсатилмаган: «Бу қандай бўлди, азизим!» — комэскнинг яхши кўрган ибораси эди ва ана шу таъна билан айтилган «азизимдан» ҳамма зир титрар, оқибатда у «лапшенковчасига» — абжирлик билан душман базаларини, зенит батареяларини, ўқ-дори омборларини, транспортини ва ҳарбий кемаларини бомбардимон қилишга ҳаракат қилар эди.

Майор Лапшенков эллик етти марта жанговар учиш қилди. Шахсан ўзи битта эсминец, учта транспорт ва группа билан тўртта транспортни чўктириб юборди, душманнинг ҳарбий-денгиз базаларига катта шикаст етказди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, горизонтал учиб аниқ бомба ташлаш, боз устига, «ернинг бир чеккасида», кутб доирасининг нарёғида шўнғиб туриб аниқ бомбардимон қилиш улкан матонат талаб этади. Гитлерчилар ҳаво ҳужумига қарши қалин мудофаа тармоғини ташкил этгандилар: осмонда душманнинг қирувчилари ҳаракат қиларди, шу жумладан, «Германия фаҳри» номли авиаотряди бор эдики, бу отрядда Фарбадаги ҳаво жангларида тўқсонгадан зиёд самолётни уриб туширган машҳур ас — Герингнинг арзандаси Рудольф Мюллер ҳам хизмат қиларди. Рейхсмаршал унга «мессершмиттнинг» алоҳида, мотори оширилган қувватга эга, тўп-пулемёт ускуналари кучайтирилган моделини тортиқ қилган эди. Немис «денгиз конвойлари» зенит тўплари панасида бўлиш учун иложи борича соҳилга яқин учишга интилардилар. Кемаларнинг ўзларида ҳам зенит қурилмалари етарли даражада эди. Шу боис, мўлжалга чиққан Пе-2 ларимиз ўқ довули остида қолар, сўнгра уларга «мессерлар» ташланарди. Шунга қарамасдан душманни яқсон этардик. Тўғри, биз талафот кўрардик ва бу талафот оз эмасди. Лекин илож қанча? Шафқатсиз, қонли уруш. Янги-янги самолётлар, ёш учувчилар келиб қўшилар ва Лапшенков шўнғувчилар эскадрильясини қайта-қайта жангга бошлаб борарди. Ўша кезлари Шимолий флотда хизмат қилган композитор Жарковский шўнғувчилар ҳақида қўшиқ ёзди. Унда Лапшенков ҳақида қуйидаги сатрлар бор эди:

Бомба ташлаш келар қўлимиздан, зотан
Ҳужум бошида Лапшенковдек довьюрак,
Шўнғиймиз шиддат-ла дафъатан
Душман кемаларин, мақсад: чўктирмоқ...

Биз ўзимизни «лапшенковчилар» деб атардик ва бу билан фахрланардик.

Ҳамид Саримсоқов оҳиста хўрсиниб қўйди.

— Ҳамид, унинг сўнги жанговар парвози ҳақида сўзлаб бер, — дея илтимос қилдим.

— Бу жанговар парвоз эмасди, — жавоб қилди ёш штурман ва қовоғи солинди. — Қўшимча куч келди. Ёш учувчиларни парвозга ўргатиш, Заполярьедаги ҳаво жангининг ўзига хос хусусиятларини тажрибада кўрсатиш лозим. Лапшенков учувчиларни тайёрлашга бор кучини сарфларди. У устоз, тажрибали мутахассис эди. Шўнғувчи Пе-2 да тунда биринчи бўлиб Лапшенков учган ва муваффақият қозонган. Ваҳоланки, «пиёда» тунга учишларга мўлжалланмаган, кундузи учадиган алоҳида фронт самолёти эди. Унинг тажрибасини бошқа йигитлар ҳам қўллардилар. Зеро, салкам саккиз ой кутб кечаси ҳукм сурадиган Заполярье шароитида бу ташаббус ниҳоятда муҳим эди, Мавзудан четладим шекилли... Бу воқеа қирқ учинчи йилнинг сентябрида содир бўлди. Мўътадил,

шамолсиз куз кунлари. Тўп-тўп булутлар орасидан ёруғ шуъла тушиб турибди. Комэск ёш учувчи, младший лейтенант Комаровнинг учиш техникасини текшириб кўришга қарор қилди. Пе-2 ҳавога кўтарилди. «Ёш бўлса ҳам ёмон эмас, бамаъни йигит экан. Комэск ҳозир хушвақт бўлса керак», деб ўйладим. Ногаҳон аэродромда парвозни кўзатаётганлар донг қотиб қолишди... Булутлар орасидан иккита «Мессер» чиқиб келди-ю, яқин масофадан тўп ва пулемётлардан ўққа тутта бошлади. Самолёт ёниб тепалик ортида ғойиб бўлди.

...Ёниб турган бомбардимончи самолётдан комэск ва бошқа экипаж аъзоларини тортиб олди... Лекин фойдаси бўлмади. Эртаси куни биз сеvimли командиримизни дафн этдик. Жангларда дийдалари қотиб кетган ветеранлар ҳам кўз ёшларини яшира олмадилар. Ҳаво очиқ, офтоб гўё командиримизни қидираётгандек эди...

Лапшенковдан айрилдик, бироқ унинг жанговар, мардонавор ишлари, ўзининг сеvimли командирлари учун душмандан қаҳр-ғазаб билан уч оладиган лапшенковчилар қолди. Мен ҳам ўч олдим. Ҳар бир парвозимни Лапшенков учун, Ватанимиз учун жон фидо этган дўстларимга бағишлардим.

Муаллифнинг сўнгги диалоги ва иловаси

Хаёлан мен билан гаплашаётган лейтенант жим қолди. Кейин хўрсинди. Нохуш жилмайди.

— Мана шу, муаллиф. Энди навбат сизга. Мен бўлсам, дам олишим керак...

— Нима бўлди, Ҳамид?

— Болалик, ўқувчилик йилларим, дўстларим, ўртоқларим ҳақида сўзлаб бердим. Ўзим ҳақимда гапира олмайман.

— Камтарликми?

— Йўқ, тарбиям шунақа. Қолаверса, сизни ҳам ортиқ ташвишга қўймоқчи эмасман.

— Тушунмадим.

— Мана; сиз йигирма уч ёшли лейтенант сиймосини йўқдан бор қиляпсиз...


Асабларингиз қақшаб кетса керак, а? Ваҳоланки, асаб ҳужайраларининг тикланмаслиги маълум. Шу боис, сиздан илтимос, бевосита ўзингизнинг ишингиз билан шуғуллансангиз. Қўлингиздаги ҳужжатлар етиб ортади, гувоҳларнинг кўрсатмаси ҳам. Агар биронта қийинчилик туғилиб қолса ўзим ёрдам бераман.

Штурман шапкасини кийди-да, флотчасига честь берди. Унинг бармоқлари билинар-билинемас титрарди. Кейин, аста хиралаша бораркан, қулоғим остида ёш, йигитларга хос дўриллаган овози эшитилгандай бўлди:

— Хайр!..

Бир ўзим кабинетда ўтирибман. Олдимда ҳужжатлар, мактублар, суратлар...

Русчадан **Шоир УСМОНХУЖАЕВ** таржимаси.



Алла Широнина

МУРУВВАТ

* * *

Езувчилар союзи ҳузуридаги ёшлар семинарига қатнашиб юрган, адабиётчилар назарига тушган иқтидорли ёш ижодкорнинг, бирдан, узоқ муддат жимиб кетиши камдан-кам юз берадиган ҳолат. Кейин, у, етилган ижодкор сифатида янгидан пайдо бўлади. Утган вақт мобайнида бу ижодкор шеърларини вақтли матбуотга ҳам, нашриётга ҳам олиб бормади. У қаттиқ ишлайди. Узига ўзи танқидий нуқтаи назардан қарайди. Овози ўзиники эканига, унинг қуввати ва янгилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, чиқаришга лойиқлигини сезгандан кейин қўлёзмасини муҳаррирнинг столига келтириб қўяди. Алла Широнина шундай муаллифлардан ҳисобланади. Ҳозир унинг шеърларини нашр этиш имкони очилди. Алла Широнинанинг ижодига қизиқиб, унинг шеърларини ўзбек қаламдош ҳамкасблари томонидан қадимий ва бой шеърини аёнанага эга бўлган халқнинг тилига таржима қилиниши қувонадиган гап.

Александр ФАЙНБЕРГ.



Мен муҳаббатман.
Сездирмай келишар,
Кунгай ҳовлилардан ўтиб мен томон.
Митти эзгуликлар билан тўлишар,
Кигиздан тикилган чодирим чандой.

Одамлар руҳимга бостириб кирар,
Яшираман қашшоқ, ҳорғин кўзларим.
Меҳмонлар,
узоқ вақт тикилиб турар,
Беҳисоб эркимдан нигоҳ узмайин.

Туркона усулда пиширган қаҳвам,
Оғизни куйдирар, озгина тахир.
Эркаклар мардона урар қаҳқаҳа,
Уларни узгувчи куч йўқдай, ҳеч бир.

Мен — муҳаббат ризки.
Айбсиз ўксиган,
Билакларим нозик, хўрланган нигоҳ.
Ҳаммаси барабар ушлашди тикан,
Ҳимоя чораси топилмайди оҳ!

Чили

Қайдадир ёнма-ён бақирар унсиз оломон
ва гитара торлари жаранглар унсиз,
кўпайиб боради унсиз ҳайқириқлар.

Қора кўланкалар изғир тун бўйи санқиб,
вулқоннинг қоп-қора оғзида турган кимлигин
билмас мамлакат.
Бевалар нигоҳида тилсиз югурар ўлим.
Оғизлар гунг қотар васвасалардан: Улдир!

Кўп йиллик ваҳима, эзма миш-мишлар
юзларга
камгаплик нуқсини босган.

Фароғатдан йирок, кўрқинч ҳовучида,
суякларигача музлаган
юлдузли онларнинг митти жуссаси.

Тун билан даҳшатнинг ҳажми тенг, унда.

* * *

Замин узра оқшом нурларин тўкар,
Емеля¹ полизда анграйиб чўкар.

— Эрк керакми деса? — турмайди сапчиб.
— Толе-чи? — кўзгалмас чеҳрасин очиб.

Қорнининг сувини тебратмас зинҳор,
Иудани ёдлаб, кекирар такрор.

Тоун, қаҳатчилик, вайрона кези,
Элга ҳамдард бўлмай чет олди ўзин...

Оқ қайиқ ортидан эргашар нодон,
Ақлли икки қуёв ёнда киргиттон.

Назар солинг, бундоқ, юрт маъмурларин:
Емеляга хешдир ўнидан бири.

* * *

Мурувват қил: ёлғиз кетётган зотга,
Ҳамма ўткинчидек бепарқ кузатма.
Мурувват қил: уйсиз югурган итга,
Болаларга, зинҳор, зиён етказмас.

Мурувват қил: сўнги заъфарон баргга
Ва уйқуга кетган ариларга ҳам.
Шафқат — умид берар энг оғир дардга,
Мурувват ёғдайин бўлади малҳам.

Мурувват ҳавоси оқ бинолардан
Ҳайдасин тўпланган чиринди ҳидин.
Кечиб: ҳасрат, ҳасад, оҳ-гиналардан,
Мурувват-ла кўтар Ватаннинг қаддин.

Ватанга керакдир собит мурувват,
Ватанга керакдир фидолик чексиз.
Шаҳидлар дудига² айри мурувват,
Дейдилар: Ватаннинг дуди ҳам азиз.

Рус тилидан Икром ОТАМУРОДОВ
таржималари:

¹ Емеля — рус халқ эртагининг қаҳрамони. Дунёни сув босса ҳам тўлиғига чиқмайдиган доқайд.

² Бу ерда мангу олов хили назарда тутиляпти.



Бҳишам Саҳний

ХАЁЛ ТУТҚУНИ

Ҳикоя

Энди билсам, дунёда осон ишнинг ўзи йўқ экан. Аммо ёзувчилик ишидан баттари бўлмаса керак. Ёзишга-ку ёзаверасан-а, уни чиқариш муаммо, бир амаллаб чоп эттирасан ҳам, лекин уни ҳеч ким ўқимайди. Шу зайлда йиллар ўтиб кетади, сен ёзаверасан, чоп эттираверасан, лекин сени на биров танийди, на биров сўрагувчинг бўлади. Муҳаррир сенга бамисоли қулига қараган хўжадай муомала қилади, димоғдор танқидчи эса сенга қобоқ кўтариб қарагиси ҳам келмайди, сўзлашганда шундай писанда билан сўзлашадик, гўё ёзган асаринг унинг бир оғиз «бўлади» ёки «бўлмайди» деган ҳукмига боғлиғ-у, сенинг нима ёзиб — нима қўйганинг эса бир тийинга қимматдай. Бу ҳам етмагандай, оғзига кучи етмаган ёр-жўраларнинг таънасини айтмайсизми, руҳингни кўтариш ўрнига нуқул, «ёзувчиликни сенга ким қўйибди, ундан кўра бир дўконча очиб ол, косанг оқаради» деб «маслаҳат» беришгани-беришган. Уйдаги ғишавалар-чи? Болаларнинг ками сира бут бўлмайди, худонинг берган куни хотининг: «сизнинг ишингиздан нима фойда? Оқ қоғозни қора қилиб, умрингизни ўтказганингизми? Рўзғорга ўт тушиб кетса ҳам, ер ютиб кетса ҳам майли, парвойи фалаксиз», деб қулоқ-миянгни қоқиб, қўлингга беради, холос.

Буларни ҳам бир четга қўйиб турайлик, ёзувчиликнинг ўзига хос ташвишларини айтмайсизми! Қалам бир тўхтаб қолса борми, уни осонликча жойидан жилдириб бўлибсан. Эртадан-кечгача бош қотирасан-у, ҳикояни қандай давом этдиришни билолмай, миянги ачиб кетади. Ёзувчи бамисоли дарёдаги қайиқчи, биргина фарқи шуки, унинг қайиғига тўхтаб йўқ, ҳаммавақт эшкагини эшиб турмаса бўлмайди, тўлқинлар билан олишиб, ўрама-ю, гирдобларга чап бериб, олға интилаверади, интилаверади.

Шунга қарамай, у мана шу қийинчиликларнинг ҳаммасига чидайди, дарвоқе юрагида ўти бўлмаса, бир мақсад сари интилиши бўлмаса, у қанақа ёзувчи бўлди? Зоҳирий, ташқи зарбаларни у зарба ўрнидан кўрмайди. Таҳқирлар, таъналар, камситишлар, ҳаттоки моддий қийинчиликлару ватандан жудоликлар — булар барисига бардош беришга қодир! Ҳаттоки тўхтаб қолган қаламини жилдиришга ҳам ўзида қудрат топа олади, бироқ ёзувчи халқи ботиний, яъни ички зарбага дуч келса, бошқача қилиб айтганда қалби яраланса, бунинг давоси оғир. Агар ўз ишининг барор олишига кўзи етмай, қилган барча сазъ-ҳаракатларию кўзлаган орзулари беҳуда туюлса, ҳақиқат деб ўйлаган нарсалари кўзига сароб бўлиб кўринса, йиллар давомида ёзиб-ёзиб келиб, энди бирданига ҳаммаси бир дунё ёлғонга ўхшаб кўринса, бундан даҳшатли нарса йўқ! Унда ёзувчининг ҳаётида чинакам фожиа юз берди деяверинг.

Бироқ гапнинг пўсткаласини айтганда, ёзувчининг бошига бундай фожиа бир эмас, бир неча марталаб тушади, агар шулардан омон-эсон ўтиб олса, марра уники! Шуниси қизиқки, баъзан «чўкканга чўп мадад» дегандай, арзимаган сабаб билан ҳамма фожиаларни доғда қолдирган ёзувчилар ҳам учраб туради.

Бир гал мен ана шундай ҳодисани бошдан кечирганман. Сал бўлмаса ҳамма нарсадан қўлимни юзиб, қўлтиғимга суртган эдим. Тушкунлик деган балога йўлиқдим-у, ёзувчилик иши билан батамом видолашимга, йиллар давомида тўккан пешона теримдан юз ўгиришимга бир баҳя қолди, аммо боя айтганимдай, «чўкканга чўп мадад» бўлди. Мен омон қолдим ва яна ёзувчи бўлиш армони ушалиши учун енг шимариб ишга киришдим.

Бу воқеа анча илгари рўй берганди. Ижод майдонида от суриб, жавлон урганимга ўшанда тахминан ўн беш йиллар бўлган эди, чоғи. Ёзувчи фаолиятида бу муддат арзимагандай туюлиши мумкин, лекин от суриб, жавлон уриш нуқтаи назаридан қараганда бу ҳазилакам вақт эмасди.

Мен ота касби — савдони бир четга йиғиштириб қўйиб, ёзувчи бўлишни ихтиёр этгандим. Отам, ёзувчи бўлишга шунчалик ишқинг тушиб қолган экан, бўш вақтларингда ҳам ёзсанг етади, кундузи дўконда ўтириб, савдонгни юргиз, дея худонинг зорини қилдилар, бироқ мен ўлиб-тирилиб унамадим. Кейин у киши ўз ҳаётларидан бир мисол келтириб, шундай дедилар:

— Мен ҳам бир вақтлар бир роман ёзган эдим, олий ўқув юртига ўқишга кирганимдан кейин...

Шундан сўнг отам, болаликда шунақа бемаъни ҳою-ҳавас ҳаммада ҳам бир бўлиб ўтади, лекин вақти билан одам совиб қуюшқонга тушиб қолади, мана, бунга мисол — мен ўзим, дегандай, кулиб қўйган эдилар.

Ўша куни менинг бир ҳикоям бир кичик журналда чоп этилган, отам шу журнални кўриб ҳикоямни ўқиғач, менга шундай насиҳат қилган эдилар. Отам узоқ ваъз ўқиган эдилар, бироқ мен ҳаммасини бир қулоғим билан эшитиб, иккинчи қулоғимдан чиқариб юборгандим. Аслида журналда ҳикоямни кўриб севинчдан юрагим қинидан чиқиб кетгудек бўлаётган эди ўша топда. Журнални қўлимга олиб, аввал уйнинг у бошидан-бу бошига телбаларча югурдим, охири ҳаяжонимни босолмай велосипедга ўтирдим-да, ташқарига чиқиб шаҳар кўчаларида анчагача бетайин кезиб, сайр қилиб юрдим. Ўзимни худди ҳавода парвоз этгандек, ёзувчи бўлиш орзуим ушалиб, эзгу мақсадим амалга ошгандек ҳис қилмоқда эдим.

Ўша кунлари қанақанги ширин хаёлларга бормадим дейсиз! Соатлаб хаёл сурардим. Гўзал хаёлларга берилиш одатим ҳали ҳам қолмаган бўлса-да, лекин у хаёллар билан ҳозирги хаёлларим орасида осмон билан ерча фарқ бор.

Илгарилари хаёлга толсам, ўзимни учиб юрган қушдек ҳис этардим. Ҳа-ҳа, назаримда иккала қўлимни ҳар томонга бургут қанотидай кенг ёзганча, олис-олисларга парвоз қилиб кетар эдим. Бир қарасам, кўчамиз устидан ўтаётган бўлардим, яна бир қарасам, уйимиз томи устидан учиб ўтаётирман, шу парвоз қилганимча қанотимни қоқа-қоқа яна кўчанинг нариги учига бориб қолар эдим. Ундан қанот қоқиб, шаҳар устидан учиб ўтардим-да, қорли тоғлар сари равона бўлардим. Теламда кўм-кўк мовий осмон товланар, мен эса унинг бағрида учиб кетаётган бир ялтироқ нуқта сингари кўзга ташланардим ва бора-бора мовийлик қаърига сингиб, кўздан йўқолардим.

Кимнингдир, улуғ одамлар тушларида, хаёлларида учадилар, деган гапи бирров қулоғимга чалинган эди. Бу гап менга мойдай ёқиб тушганди ўшанда.

Кўп ўтмаёқ отамерос савдо ишидан кўзимни чирт юмиб, бир парти кетиб, шарт қолган мактабга ишга жойлашдим. Бундан мурод: ўзимни кўпроқ эркин ҳис этишу аксар вақтимни ёзувчилик ишларига сарф этиш эди, холос.

Бу қилиғимни кўриб отамнинг ҳазилакам жаҳллари чиқмади, у киши уйни бошларига кўтариб, шунақанги тўполон қилдиларки! Кеч тушиб, тун чўкканда эса онамники тутиб кетди ва аламларидан отамни буровга ола бошладилар:

— Ўғлингиз шайтон йўлига кириб кетса ҳам сизга барибир, қанақа отасиз ўзи?! Унга ота бўлиб сиз тушунтирмасангиз, кўчадан келиб, биров тушунтирадими?

Ота-онамнинг шу қабилдаги ади-бадилари узуқ-юлуқ қулоғимга чалиниб тураркан, кўнглимдан: «Бир куни келиб ёзувчи бўлиб етишаману буларнинг олдидан салом бериб ўтаман!» — деган ўйлар кечмоқда эди. Сўнг иккинчи ёнимга ағдарилиб, гўзал хаёллар оғушига фарқ бўлдим. Ўзимни дарҳол ўша масъуд кунлар рўёбидан маст-аласт ҳис эта бошладим...

...Кейин отам мени уйлантириб қўйдилар. Тўйим ўтиб, қайлиғим билан бир ёстиққа бош қўйганимда мен фильм қаҳрамони қиёфасига кириб, унга:

— Сенга инъом қилгани бисотимда ҳеч вақо йўқ, эрим кенг-мўл ҳовли-жой олиб беради-ю, мен бойвуччалардай дорилотмон, ғам-қайғулардан озод умр кечираман, деб хаёлингга келтирма. Менинг якка-ю ягона орзум — ёзувчи бўлиш, тамом, вассалом, — деб олдиндан чим босиб қўйдим.

Қайлиғим кўзларини катта-катта очганига менга ҳайрат билан тикилиб қолди, сўнг ғоят мулоийм оҳангда шундай жавоб берди:

— Мен сиздан ҳеч нарса сўраётганим йўқ-ку. Бундан кейин ҳам ҳеч нарса сўрамайман.

Отам билан онам, келин келса, ўғлимизнинг ақли кириб қолади, келин уни бемаъни йўлдан қайтариб, изга солиб олади, деб умид қилишган эди, аммо мен аллақачон савдо ишидан қўлимни ювиб, боз устига ота уйини тарк этган, қайлиғим билан бошқа бир жойда ижарада тура бошлаган эдим.

Бир неча кунгача хотиним ўзига келолмай, хомуш юрди, бироқ сал нарига боргач, бўлажак ёзувчи эрининг кўзларида ишонч, умид учкунлари чақнай бошлаганини кўриб, юзига қизил югурди ва очилиб-сочилиб гаплашадиган бўлди. «Эри хотин — қўш хўкизи» деганларидай, у ҳам менга қўшилиб, турмуш аравасини баравар торта кетди. Бу ҳисобдан иккаламиз ҳам эркин қуш эдик, гоҳ бошимиз оққан томонга кетаварар, гоҳ уззукун уйда ўмол-ўчоқ бўлиб ётаверар эдик. На мен, на хотиним бирор нарсанинг ғамини ердик — бугун ўтди, хўш, эртага нима еб, нима ичамиз, эгнимиз тўкилиб тушса, нимани қиямиз, янгисини қаердан, қандай оламиз — бу йўсин ташвишлар бизга буткул

бегона эди. Мен эса бўш вақтларимда гоҳо тун ярмигача қоқ ерда чордона қуриб ўтирган кўйи қитир-қитир қалам тебратардим. Ўша кунлари ижарага олган уйимиз мен учун шунчаки истиқоматгоҳ эмас, балки илҳом манбаи, ижод масканига айланган эди.

Бу ҳол анча узоқ давом этди. Тирикчилик осон кечмаётганию, бироқ қийинчиликлар ҳақида ўйлашга вақт қани? Эсимда, ўша пайтлари бир нашриётнинг корректуларини ўқир эдим. Бунинг учун нашриёт директори менга ҳар душанба кuni ўн рупия меҳнат ҳақи бериб турарди. Шу ўн рупияни деб мен уйдан нашриётгача нақ.икки миллик масофани пой-пиеда кечар эдим. Албатта, бу сарсонлигим бежиз эмасди — нашриётда менинг илк ҳикоялар тўплами босилаётган бўлиб, директор гонорарни яхлит бериш ўрнига ҳалигидай ҳафтасига ўн рупиядан қилиб, майдалаб бермоқда, шунинг баҳонасида бошқа корректуларни ҳам менга ўқитиб, бир кесак билан икки қаргани урмоқда эди. Бу ёғини суриштирсангиз, менга бериб турган ўн рупия ҳам аслида унинг ўз чўнтагидан чиқмаётганди. Босилажак китобимнинг тенг ярми харажатини у менинг бўйнимга юклаб, бунинг учун мен хотинимнинг иккита тилла билақузугини чиқариб сотишимга тўғри келганди. Балохўр нашриёт директори шу ўн рупияни ҳам «мана» деб жўнгина кафтимга қўяётган бўлса кошки эди! Унинг ишхонаси бир ибодатхона биқинидаги гувалак уйда жойлашган бўлиб, — буни хоҳ босмахона денг, хоҳ нашриёт денг, ихтиёрингиз, — ўша ерда у арвоҳга ўхшаб қўққайиб ўтирарди. Бир гал унинг бўшабини кутиб, нақ икки соат ташқарида, тушки жазирама офтоб тигида қоврилиб турсам-а! Унинг ким биландир суҳбати сира тугамайдиганга ўхшарди, охири тоқатим тоқ бўлиб, йўлнинг нариги юзига, кичикроқ бир дарахт соясига ўтиб кетдим-да, қачон меҳмоннинг гапи тугайди-ю, қачон сабил қолгур ўн рупиямни олиб кетар эканман, деб сарғайиб ўтиравердим.

Шоп мўйловли, кажава қоринли нашриёт директори дам-бадам қиҳ-қиҳлаб кулар, суҳбат асносида мен томонга кўзининг қири билан қараб қўяр эди. Ҳозир шуларни эсласам, дилимни ғазаб ҳисси чулғаб олади, бироқ ўша кунлари буларни ёзувчилик машаққатларига йўйиб, ўзимга-ўзим тасалли берардим. Нашриёт директорининг меҳмони низоат соат икки яримда қўзғалиб сигаретаси қолдигини кўча томонга итқитганича, сонини қашлай-қашлай шу уйга туташ бошқа бир уйга қараб йўл олди. Аслида у ҳеч қанақа меҳмон-пеҳмон ҳам эмас, оддий бир дўкандор бўлиб, дўкони ҳам шу ернинг ўзида эди. Фурсатдан фойдаланиб, мен директорнинг қошига учдим.

— Домла! — Директор мени «домла» деб қақирар эди. У столи тортмасидан кирланиб кетган бир ўн рупиялик қоғоз пул чиқарди. — Бунақа бало-қазодай одамнинг тепасига келиб туриш одатингизни ташланг-да, домла. Пулингиз ҳеч қаёққа қочиб кетмайди! — Шундай дея зарда билан пулни мен томонга отиб юборди.

Мен ҳамма аламу ғазабимни қилт этиб ичимга ютдим-у, ердан пулни олдим.

— Корректур келди. Уч тобоқни олиб кета туринг, домла, қолган икки тобоқни кечкурун келиб олиб кетарсиз.

— Икки тобоқ корректур эди дунёнинг нариги чеккасида яна ҳарсиллаб келиб юраманми? Эшагидан тушови қимматга тушиб кетади-ку, — дедим мен ўзимни зўрға босиб.

— Бунақа ўжарлик қиладиган бўлсангиз, ишнинг пачавасини чиқарасиз, домла, қолган корректур ҳали тайёр эмас, тайёр бўлгач, кейин оласиз, бу — бир. Иккинчидан, агар огринаётган бўлсангиз, марҳамат, зўрлаш йўқ, бу корректурани ҳам ташлаб кетаверишингиз мумкин. Корректур ўқийман дегани итнинг боласидан кўп. Гонорарингизни эса китобингиз сотилиб, тушган даромад ҳисобидан оласиз.

Кўнглимга, «Корректурани бошингга ур!» деб башарасига отсаммикан, деган ўй келди-ю, бироқ тагин шайтонга ҳақ бердим. Директор билан ўчакишиб, нима барака топардим? Унинг гапи тўғри, бу замонда тутни қоқсанг, мирқуруқ ёзувчи тўкилади...

Мен корректурани қўлтигимга қисганча аста у ердан жилиб қолдим ва шиппагимни судраб боса-боса тўғри бозор томонга қараб йўл олдим. Миям лўқиллар, юрагим ўт бўлиб ёнар эди. Мен йўл чеккасидаги пийпал дарахти тагига бориб ўтириб сигарета тутатдим. «Шошмай тур, — ўз-ўзимча гапира бошладим мен, — бир кун келар, мен ҳам ёзувчи бўларман, ёзувчи билан қанақа муомала қилишни сенга ўшанда кўрсатаман!» Кейин сигарета тутунига ўралганча ширин хаёллар гирдобига фарқ бўлдим.

Хаёлимда мен қайсидир босмахона ҳовлисида ўтирибман, босмахонадаги машиналар гувиллаб ишляпти. Менинг китобим босмадан чиқяпти. Биринчи нав оппоқ қоғоздаги текис ҳарфлар назаримда тартиб билан очилган гулларга ўхшайди! Мана бу кажава қоринли нашриёт директори эса китобимдан бир нуххани олиб, нима деяпти денг:

— Домла, китоб ёзишни қотириб қўясиз-да аммо! Бу китоб сизнинг номингизни жаҳонга танитади. Гуручнинг орқасидан курмак ҳам сув ичгандай, сиз туфайли бизнинг номимиз ҳам дунёга таралади энди...

Менинг биринчи ҳикоялар тўплами унчалик эътибор қозонмади. Ўзим уни гоҳ у бообрў ёзувчининг олдига, гоҳ бу бообрў ёзувчининг олдига мақтов эшитиш илнинида кўтариб борар, уларнинг ҳар бирига биттадан тақдим қилар эдим. Китобим босилиб чиқиб, унинг муқовасида исми шарифим жилва қилиб туришининг ўзиёқ мен учун озмунча бахт, озмунча омад бўлмаган эди ўшанда!

Ҳа, илк китобим чиққанда севинчу ҳаяжонимнинг сира чеки йўқ эди. Бироқ менда ёзувчи бўлиш иштиёқи шу қадар кучли эдики, ҳатто рўзғоримдаги одамларни ҳам унутиб юбораёзган эканман. Гап шундаки, бир гал арзимаган нарса устида хотиним билан жиғиллашиб қолгандим, бирдан унинг оғзидан:

— Эр бўлиб жуда ниманинг уддасидан чиқяпсиз? Болаларни бўлса, ўзим боқиб, катта қилдим. Фирт зараркунанда экансиз, билагузукларимни сотиб, пулига китобингизни чиқариб олдингиз! — деган заҳарли сўзлар пулемётнинг ўқидай тариллаб отилиб чиқса нима дейсиз!

Шундагина булҳаваслик кўйида оз эмас, кўп эмас, нақ ўн йиллик умрим қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолганимни, боз устига шу ўн йил мобайнида дастлаб қаерда турган бўлсам, ҳозир ҳам ўша нуқтадан бир қарич жилмаганимни дарҳол англадим. Тагин ҳам хотиним инсофли экан, шунча йил раўйимга, рўйимга боқибди, эрим ёзувчи бўлади деб садоқат билан хизмат қилибди, ғамхўрлик кўрсатибди, гоҳида у кўзимга илҳом париси бўлиб кўришиб, ўзининг жозибадор нигоҳларию безавол таровати билан оташин сатрларимга йўғрилиб кетибди. Менинг қаламимдан нимаики асар бунёда келган бўлса, биринчи ўқувчи ва маслаҳатчим шу муштипар хотиним эди-да. Мен кеч тунларда ётишдан олдин унинг бут қаршида қўлларини қовуштирганча тангрига муножот қилиб, пичирлаган лабларидан «эримга ўзинг мадад бергил, эримнинг тезроқ ёзувчи бўлиб етишишига ғамгусор бўлгил» деган сўзлар учиб чиққанига зиғирча шубҳа қилмас эдим. Лекин биз, ёзувчиларнинг, жуда бир ғалати одатимиз бор-да. Одамларни рўёга ишонмасдан ҳаққоният, борлиқ-мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб иш кўришга даъват этамиз-у, ўзимиз кўпроқ гўзал хаёлларнинг қурбони бўлишни хуш кўрамыз. Аслида хотиним мудом мавжуд ҳолат билан жон олиб-жон бериб курашар экан-у, мен жунун бўстониمنى обод этиш билан овора юрган эканман...

Бироқ мен «йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас» қабилида хотинимнинг таъналарини бу қулогим билан эшитиб, нариги қулогимдан чиқариб юбордим, чунки ҳаётда мен танлаган йўл энг тўғри йўл эканлигига шубҳаланмас эдим. Бошқа йўлни танлайдиган бўлсам, унда юқори бир лавозим эгаллар, ёнимда муллажиринг сероб бўлар эди, еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўлар эди. Бироқ бу йўлни мен кўлмак сувга ўхшатгим келарди, унда на бир ҳаракат, на бир кураш деган гап бор. Бўлмасам-чи, адабиёт шундай бир улкан даргоҳки, мисоли катта бир жанг майдоними дейсиз. Қизғин баҳслар, бир-бирига қарама-қарши фикр-ғоялар, бир-биридан кенг хаёлотлар олами — эҳ-ҳе, ҳаммасини шу ердан топасиз.

Уша кунларнинг бирида аравадан чиққан отдай ҳориб-толиб уйга келдим ва зинадан кўтарилаётиб хотинимнинг овозини эшитиб қолдим. У девор-дармиён қўшни хотин билан гап сотарди. Қўшни хотиннинг:

— ...ота-онам оламдан ўтганларидан кейин қадрдон уйимизга қайтиб келдик. Ҳозир ҳам ўша ерда турибмиз, — деган гапига жавобан, хотиним:

— Ана, опаюн, кўрдингизми, ўз уйинг — ўлан тўшагинг, ўлан тўшагинг бўлмаса, кўчадаги итдан фарқинг нима. Уйни қўяверинг, ҳеч бўлмаганда биронта тайинли ишнинг бошини тутиш буларнинг хаёлига келса-чи. Топган ҳунарларини қаранг — ёзувчи эмиш. Эртаю кеч қоғоздан бошларини кўтармай, қитир-қитир ёзганлари ёзган. Еруғ дунёга келиб кўрган роҳатлари ҳам, топган эрмаклари ҳам шу, — деб жавоб берди.

Хотинимнинг овозидан унинг юраги қон-зардобга тўлгани шундоқ кўришиб турарди. Бироқ тушган аравасининг ҳозиргидан тузукроқ юролмаслигига кўзи етиб, гапни бир маромда гапирар, танама тақдир қўйиб, на жаҳл қилар, на ғалва кўтарар эди...

Уша кунлари мен иккинчи ҳикоялар тўпламимни нашрга тайёрламоқда, кунора нашриётлар эшигини қоқиб, танда қўймоқда эдим. Иккинчи тўпламимдаги баъзи ҳикоялар ўқувчиларда яхши таассурот қолдиришига амин эдим, чунки муҳокамада улар дуруст баҳо олган эди. Бу эса гўзал хаёлларимга яна ҳам қанот бағишлаб, мени еттинчи осмонга олиб чиқиб қўйганди — китобим харидоргир бўлиб, бир йилда уч марта нашр этилади, қайта-қайта гонорар олавериб, пулнинг тагида қолиб кетаман, хотинимнинг бир вақтлар сотиб юборганим билагузукларини ўн ҳисса қилиб қайтараман, деб ишонардим.

Уша кунлари қайнотам шахримизга қадам ранжида қилган бўлиб биз эр-хотин икковимиз у кишини кўргани меҳмонхонага бордик. Бу воқеа худди бугун рўй бергандек кўз ўнгимда шундай турибди. Қайнотам каравотда ётибдилар, хотиним отасининг оёқ томонида ўтирибди, мен эса сал нарида курсига чўкканман. Гап асносида қайнотамга бироз эркаланиш, бироз шикоят аралаш:

— Қизингиз, «сиз билан кўрган куним курсин», деб мендан кўп ёзгиради-да, — деб юборганимни ўзим сезмай қолдим.

Шундай дедим-у, кулиб қўйдим. Гуё бу кулгим билан, «минг қилса ҳам хотин киши экан-да, бўлмаса ижодкор билан турмуш қурган одамнинг куни қурмай, аксинча, кундан-кун гуллаб-яшнаши, чунки ижодкор дегани доим олға интилишни тушуниш унчалик қийин эмас-ку», демоқчи бўлганим яққол сезилиб турарди.

Мен, қайнотам ҳам мендай кулиб қўяди-да, кейин қизига ўгит беради, «қизим,

ёзувчи одамга осон тутиб бўлмайди, улар улуг мақсадлар йўлида кураш олиб борадилар», дейди деб ўйлаган эдим. Бироқ қайнотам миқ этиб оғиз очмадилар. Гапимни эшитиб, башарамга қараб тикилиб турдилар-да, кейин ўша индамаганларича «садқаи одам кет» дегандай, юзларини тескари ўгириб олдилар.

Изза бўлганимдан менинг лавлагим чиқиб кетди, бурнимнинг учи ва пешонамда реза-реза тер пайдо бўлди. Хотинимга қарадим, у ҳам жим эди, менга, яъни эрига раҳми келдими, ё баттар бўл дедими, бунисини билмадим, ҳарқалай кўзларини пирпиратиб: оёғининг учи билан ер чиза бошлади.

Қайнотам бир сўз ҳам айтмай, юзларини тескари ўгириб олганлари билан мен уларнинг нималар демоқчи бўлганларини алайна-ошкор ҳис этиб турардим: ўн беш йил эшакдай ишлаб-ишлаб, маошинг энди икки юз саксон рупияга етдими, бунинг устига ўз ўйингга сиғмай, бировларга сиғинди бўлиб, ижарада турибсан, тагин шу ҳолинг билан қанч қизим «ёзувчининг хотиниман» деб мақтанишини истаб қолдингми? Нотавон кўнгилга қўтир жомашов, дегани шу-да...

Қайнотам фақат ўша кунни менга шундай назар билан қарамаганларини, балки уларга куёв бўлган кунимдан бери шу ҳол давом этиб келаётганини мен энди аниқ фаҳмладим. Ҳа, улар оғиз очиб бир нарса демаган бўлсалар ҳам, кўзлари билан менинг нақ авра-астаримни ағдариб ташлаётган эдилар. Уларнинг нигоҳларидаги бу яширин таънани шу дамгача пайқамай келиб, қанчалик анқовлик қилипман!

Дилим қаттиқ оғриганига қарамай, барибир, «майли, сабр таги олтин» деганлар, бир кун келарки, машҳур ёзувчи ҳам бўларман, лаънати мол-дунём ҳам ачиб-бижиб кетадиган вақтларга ҳам етарман, ота-боланинг оғзига ўшанда ураман», деб маҳкам кўнглимга тугиб қўйдим.

Бироқ шу кунни илк марта руҳим чўкканини, ичимда бир нима узилганини, дилим эса ошиёнини йўқотган қушдай бўзлаб қолганини ҳис этдим. Мен ўз дардимни ўзимга айтиб, ўз кўнглимни ўзим юпатиб, ўз руҳимни ўзим кўтаришга ҳаракат қила бошладим. Хотирамга қадимий китоблардаги насиҳатлар келди-ю, шуни такрор ва такрор замзама қилдим. Ижод йўли гоётда оғир йўл, бу йўл ҳар қанча юрган билан адо бўлмайди, модомики сен шу йўлни ихтиёр этибсан, лоқайд бўлма, ўзингни бошқаларга қиёслама, ёзувчимисан, ёзувчилигингни қил, вассалом. Баччан жий, «ёзувчининг юраги жароҳатланса, унга малҳамни ўзи қўяди, бу жароҳатни даволаш на докторнинг, на бошқа бировнинг қўлидан келади», деганда жуда ўғилбола гапни айтган экан-да!

Мен ҳам ўзимни шундай бўлишга кўп ундадим-у, фойдаси бўлмади. Иродам етмади. Ҳадеганда ўзимни ҳаётда омади чопган одамларга, ёғлиқ-ёғлиқ хизматларга ўрнашиб олганларга, илгари катакдай уйда сиқилиб ўтириб, кейинчалик кошона ҳовли-жойларга эга бўлган ошиғи олчиларга қиёс қила бошлардим. Улар қаёқда-ю, мен қаёқда, деб қайтанга баттар ўзимни абгор ҳис этар эдим. Аслида менинг жойим ўзим сингари ўзини ўтдан-чўкка уриб юрган ёзувчилар, ҳеч бўлмаганда асарларим қаҳрамонларига тимсол бўлган одамлар орасида бўлмоғи лозим, деб фикр юритар эдим.

Хуллас, дилимни қандайдир тушкун туйғу эгаллаганди. Ёзардим-ёзардим-да, бирдан ҳафсалам пир бўлиб кетарди. Илгарилари сира бунақа бўлмасди, бир ёзишга тушсам, охирига етмагунга ўрнимдан кўзгалмасдим. Бир кун кетадими, икки кун кетадими, ўн кун кетадими, менга барибир эди, аммо сира-сира ярмида ташлаб қўймас эдим. Юрагимда ғамирлаган ҳамма ўй-фикрларни қоғоз бетига битта қўймай тўкмагунимча кўнглим тўлмас эди. Энди-чи, тўрт қатор ёзаманми, йўқми, бирдан ичимдаги шам лип ўчиб, қаламим таққа тўхтаб қолади. Илгарилари ёзганларимни йиртиб отадиган бемаъно одатим йўқ эди, энди бўлса, ёзганимдан йиртганим кўп. Деярли ҳар кунни эрталаб уйқудан туришим билан столга муккадан тушаман-у, бироқ қани энди қаламимнинг юришида унум бўлса. Шуниси қизиқки, ўша кунлари интихосиз гўзал хаёлларимнинг бирида рангтаъсир кўрғазмаси бўлаётганмиш. Тагин қайси мусаввирники денг — донғи етти иқлимга кетган Ҳусайиннинг асарлари кўрғазмаси эмиш. Кўрғазма залининг қоқ ўртасида мен бир машҳур адиб билан суҳбатлашиб турганим устига орқамиздан Ҳусайн келиб қолганмиш-да, мени елкамдан қучиб, «Илтимос, беш минут вақтингизни менга берсангиз, сизга муҳим гапим бор эди», деяётганмиш. Мен Ҳусайн билан наридаги хонага кириб кетаверган эмишман-да, адиб ўртоғим хайрон бўлганича қолаверганмиш.

Шунга ўхшаган бекорчи хаёллар тез-тез мени банд этар эди. Яна бир гал катта адабий мунозарани хаёлимга келтирдим. Ана, саҳнадаги ҳайъат ўртасида Жайнендр жий залда ўтирганларга бир-бир кўз солганча виқор билан кўр тўкиб ўтирибди. Шу пайт унинг нигоҳи менга тушиб қолади-ю, дарров таниб, ҳайъатни ҳам ташлаб, саҳнадан шоша-пиша тушади, олдимга келиб қўлимдан ушлаганча, юқорига тортқилайди, қўймай ҳайъат ичига етаклаб олиб бориб, ўзи билан ёнма-ён ўтқазади. Мен улкан залнинг кўзига айланаман. Кўплар ёнида ўтирганларнинг қулоғига бир нималар деб шивирлайди, мен уларнинг шивирини эшитмасам ҳам, «...фалон ёзувчи шу бўлади, ҳозир романчилик

¹ Ҳозирги замон етуқ ҳинд шоири Ҳариванш Рой Баччан.

бобида улоқ шу одамда, қалами ўткирликда унинг олдига тушадиган топилмаяпти», деяётганларини билиб тўраман.

Ширин хаёлим узилиб, аслиятга қайтишим ҳамон юрагимни ғашлик чулғайди, ўзимдан-ўзим нафратланиб кетаман. Бошим лўқ-лўқ қилиб, оғзим тахир торта бошлайди. Минг гўзал, минг ширин бўлгани билан хаёл, барибир, хаёл-да, ишимда унум бўлмайди, кунларим бесамар, нурсиз ўтади.

Ўша кунлардан бирида бадавлатроқ уруғларимиздан биттаси тўй қилиб, тўйига бизни ҳам айтиди. Никоҳ тўйи экан, уйда эмас, ресторанда ўтказадиган бўлишибди. Хотиним-ку болалар важдан тўйга бориши амри маҳол эди, лекин мен бормасам бўлмасди. Аслида боришга унчалик орзуманд ҳам эмасдим — ўқимишли, маданиятли одамга ўша отбозорхона ресторанда пишириб қўйиптими — бироқ мен шу кунлари бир қисса ёзаётгандим, унда бадавлат одамларнинг қандай яшашлари, нималарга қизиқишларини тасвирлашим керак эди, шу нарсаларни яқиндан билиш, ўз кўзим билан кўриш учун тўйга боришга қарор қилдим-да, бир ўзим сўппайиб йўлга тушдим.

Катта зал. Порлаган чироқлар атрофни кундуз қилиб юборган. Мен битта-битта юриб, зални айланар эканман, гоҳ бу гуруҳ, гоҳ у гуруҳнинг олдига бориб тўхтар ва қуда-қудағайлару меҳмон-мезбонларнинг нималар тўғрисида сўзлашаётганларига жим қулоқ тутардим. Баъзан ўзимни сездириб қўйиб, хижолат тортсам ёки саросимага тушиб қолсам, сир бой бермаслик ниятида дарров сигарета тутатардим.

Деворга қоқилган учта думалоқ қалпоқли чироқ остида ясанган-тусанган аёллар шодон-гурунглашишарди. Улар хандон ташлаб кулар, бир-бирига гал бермай жаврарди. Чироқ ёғдусида хотинларнинг зар-зеварларию кўз олувчи шойи-шалпарлари бамисоли чарақлар, айни пайтда сўхбатлари ҳам кийим-кечаклар устида борар эди.

Улардан сал нарида, стол-стулларнинг ёнида турган ёши ўтинқираган бир одам қорнини ушлаганича зорланарди:

— Қабз ўлгур қўйиб юбормаяпти! Уҳ жоним-а, қилмаган давойим қолмади. Бундай дарди бедавога душманингни ҳам рўпара қилмасин. Вой жоним-им...

Шу пайт диванда ўтирган бир девқомат кишига кўзим тушди. У бит кўзларини менга тикканди. Уни кўрдим-у, бир сесканиб тушдим. Бу ҳалиги қориндор нашриёт директори эди! Мўйлови деярли оқариб бўлибди, бироқ ўша-ўша шоплигини йўқотмабди. Йўғон-йўғон силлиқ бармоқли қўлларини қорни устига ташлаб қўйганди. У мени узоқданоқ таниб турган экан, шекилли, мендан илгарироқ:

— Қалай, домла, тузукмисиз? — деб сўрашди.

У жилмайиб турарди. Бироқ бу жилмайиш замирида бундан бир неча йиллар олдин менга айтган гапларидаги киноя яширинмаганмикан, деган шубҳа дилимдан кечди. Ўшанда унинг кинояларига кўпда парво қилмасдим, чунки у берган ўн рупия пул ижодий фаолиятининг гуллашига туртки бериб турар эди-да.

— Бизга қорангизни кўрсатмаганингиз билан сиз тўғрингизда эшитиб турамыз, — деди нашриёт директори ўсмоқчилаб. Унинг табассумли чехрасига боқар эканман, назаримда у: «Айтсанг-айтмасанг ҳолинг қанақалиги менга аён», деяётгандай эди.

— Бир келинг, домла, сўхбатингизни олайлик. Бизга ҳам унча-мунча ёрдам қилиб туринг-да. Ҳақидан хафа қилиб қўймаймиз.

«Ҳақидан хафа қилиб қўймаймиз»нинг маъноси шуки, яхши садақа беради. Тўғри-да, илгари юзимга ўн рупияни улоқтирган бўлса, энди юз рупияни отади. Илгари кичкина садақа берган бўлса, энди каттароқ садақа қилади.

— Энди ишлаб, нима каромат кўрсатардим. Ишлаганча ишладим ҳам, — дедим мен кулиб.

— Ким ишланг деяпти сизга, домла? Мундоқ ёнимизга киринг деяпмиз, маслаҳатчимиз бўлинг деяпмиз. Китоб танлаб бериш — сиздан, нашр қилиш — биздан. Ҳар китобга юз рупияни қуртдай санаб оласиз. Уйда ўтири-иб китоб қараганингизга шунчадан мўмай пул келиб турса, ёмонми? Бир идорамга келинг, гаплашайлик.

Бироқ ёзувчилик ғурурим устун келиб, бошимни «бўлмайди» деган маънода ирғаб қўйдим-да, кулиб, нари кета бошладим. Нашриёт директори орқамдан гапириб қолди:

— Жуда ноз қилаверманг, домла, биламиз, ёзувчи-шоирлардан танишингиз кўп, адабиётни сеvasиз, бизга ҳам фойда, сизга ҳам. Бизлар савдо-тижорат одамимиз, фойда-зарарни ўйлаймиз, лекин сизга ҳам зарар тегмайдиган қиламиз.

Сўхбат шу билан узилди. Мен унга жавобан кулиб, алланамалар деб минғирлаб қўйдим-да, йўлимда давом этдим. Нашриёт директорининг ҳам энди диққати бошқа ёқда эди. Менинг адабиётни қанчалик севишимга ҳамда шоир ва ёзувчилардан танишларим кўплигига иқдор бўлган экан, шунинг ўзи мен учун катта қувонч эди!

Тўй базми тугаб, мен ресторандан чиққанымча автобус бекати томон йўл олдим. Шу пайт орқамдан изма-из бир неча енгил машина келиб, тўхтамай ўтиб кетди. Машиналардан бирининг ичида бояги нашриёт директори ўтирган бўлиб, менга яқинлашганда у юзини тескари ўгириб олди ва кўз-кўзга тушишидан кўрққандай, то машина ўтиб кетгунича бу томонга қарамади.

Кеч тушиб, қоронғида пайпаслаб кетиб борарканман, йўл бўйи миямда биргина фикр айланар эди: «Нашриёт директори машинасига чиқиб ўтирдими, тамом, кўз очиб-

юмгунча уйда бўлади. Мен-чи? Ҳамон тошбақадай судралиб, шиппагим билан ер чизиб, кўчама-кўча улоқиб юрибман.»

Уйларим бежиз эмас эди. Нашриёт директори нимадан ҳам ғам есин? Уйи шундоқ босмахона билан нашриёт ўртасида бўлса? Кейинги пайтлардаги узунқулоқ гапларга қараганда унинг учинчи ҳовлиси ҳам бор эмиш. Хусусий босмахонаси ҳали бу ҳисобдан ташқари, албатта. Мен эсам...

Тўйга борганимдан шунақанги пушаймон едимки... Нега келдим ўзи? Уйлаган сайин дилим бир тутам бўлиб кетарди.

Йўлда бир бекатда тўхтаб, сигарета чекиб олдим. Бироқ дилимдаги алам ва ўкинч пасайиш ўрнига баттар авж олиб, ўзимни бу дунёда жуда омонатдай ҳис эта бошладим. Дилимдаги жароҳатга малҳам эмас, заҳар қўйганимни кўпроқ англадим...

Хуллас, изтиробимнинг чеки йўқ эди. Ахир шунча йил оқ қоғозни қора қилсам-у, адабиёт майдонида асов тойдай жавлон урсам-у, бирон киши мени танимаса, мени ёзувчи сониди ҳисоб этмаса, алам қилмайдими?! Таноқсиз ҳикоялар ижод этсам-у, ҳали-ҳамон шулардан бармоқ билан санарлисигина чоп этилиб, деярли тўқсон фойизи муҳаррирнинг тортмасида ўргимчак тўри қоплаб ётса, алам қилмайдими?! Ҳикояна-вислар зумрасида ҳали-ҳамон номим тилга олинмаганини нима деб баҳолаш керак? Бирон-бир мунозара ё ижодкорлар анжумани бўлиб қолган пайтда сўзга чиққанимда тоқайгача ташқаридан келган ижодкорларга ўзимни ўзим таништираман? Тоқайгача мени ҳеч ким танимаслигидан орқамга тисарилиб, анжумандан ситилиб чиқиб кетишга мажбур бўламан? Тоқайгача китобимни нашр этдириш учун нашриёт мутасаддиларининг эшигини қўшиб, остонаси тупроғини ялайман? Унча-мунча мақтовлар менга энди машхарага ўхшаб туюла бошлаганди. Назаримда, кўз олдимдаги жимжимадор сохта парда узилиб тушиб, менинг ҳозирги ҳолатим ўзининг бор буйича ҳеч бир рангу бўёқсиз, қандай бўлса, шундоқлигича намоён бўлди-да, мен сесканиб кетдим. Шу сохта парда ситилиб тушгунга қадар оз эмас, кўп эмас, нақ ўн беш йил ўтиб кетибди-я. Ҳаётда йўллар кўп, ҳар бир одам шулардан ўзига мақбулини танлаб, мақсадига эришиши мумкин, деган ўйларга бориб нечоғли катта хатога йўл қўйганимни энди англадим! Ҳаётда яққаю ягона ва энг ишончли бир йўл борки, у ҳам бўлса, ҳаққонийлик йўли! Шу йўлни ихтиёр қилган одам асло адашмас экан. Инсон шу йўлдан борсагина бир манзилга етиши, ўзидан дод эмас, от қолдириши муқаррар экан. Бироқ менга ўхшаб, тошбақа юриш билан судралиб одим ташлаган одам учун бундай тушунчалар, тўғриси айтсам, ҳайф! Ахир нё машаққат билан ёзган нарсаларини парча-буриш қилиб йиртган, юрак қўри тўкилган саҳифаларни майда-майда қилиб, оёқ остига улоқтирган ёзувчининг қадру қиммати ҳам шунга яраша бўлади-да. Ҳайф ўтган умрнинг; беҳуда қора қилган оппоқ қоғозларнинг уволи урмайдими?

Шунга қарамай, ўзимга ўзим яна тасалли бераман — вужудингдаги жўш урган ҳиссиётларинг ўзи катта бойлик эмасми? Токи юрагингда эзгулик ҳисси барқарор экан, сенинг ҳеч нарсадан камчилигинг йўқлиги шу! Сенинг бирдан-бир ишинг, бирдан-бир машғулоти — ёзиш, ёзиш ва яна ёзиш. Довотингда сиёҳ қуриса, қалбингни довод қилиб ёз! Бироқ юрагини яна бир алам тиғи яралаб ўтди: ахир, менинг шунча ҳаракатларим, дарду ҳасратларим бир ўзимгагина боғлиқ бўлса қошки эди! Менику қўйиб туринг, манаман деган ижодкорнинг обрўйи ҳам анавиндақа нашриёт директорининг оёғи остида хору хас бўлиши ҳеч гап эмас. Ғарзгўй танқидчининг ойболтасига рўпара бўлса-ку, у ёғи ўзингизга маълум. Ёзувчи бўлиш орзусида юрган мандай бир булҳаваснинг не қўйларга тушмаганини аввалбошданоқ кўриб турибсиз.

Уйга етай-етай деганимда қориндор нашриёт директорининг олдига боришга аҳд қилдим. Худди у айтганидай, «ёнига кириш»ни кўнглимга тугиб қўйдим. Гадоё аразласа, тўрвасига зиён. Минг қилса ҳам у нақд пулдан келяпти, менинг орзуларим эса қуруқ хаёлдан бошқа нарса эмас. Шунча йил чангитиб, бировлар остонасини «обод» қилганим етар. Бир ҳисобдан дўконда ўтириб, бўш вақтларингда ёзувчилигингни қилаверсан-да, деб отам жуда хўроз гап қилган эканлар. Минг қилса ҳам бу гапни ёш бир бола эмас, дунё кўрган одам айтган эди-да.

Чуқур ўйга толган, хомуш ҳолда уйга қайтиб келиб, хотинимга нашриёт директорининг гапларини сўзлаб берган эдим, хотиним кўзларини катта-катта очганича миқ этмай эшитди. Шу пайтгача у гапимни сира шунчалик диққат билан эшитмаганди. Чунки, мен унга гўзал орзуларимни эмас, бор гапни, бўласи гапни айтаётган эдим-да. Бу гапларимда қуруқ ваъдалар, бежама сўзлар эмас, айни ҳақиқат жаранглаётган эди-да.

— Эвазига нима берар экан, сўраб кўрдингизми?

— У ер «нима берасан — нима қўясан» деб савдолашадиган жойми сенга? Ёнимизга киринг, тенгшериклик қиламиз, деди, вассалом. Жуда камтар ижодкорсиз, ахир ёзувчи бўлгандан кейин биз билан ҳамкорлик қилинг-да, сизга ҳам фойда, бизга ҳам, деди. Хуллас, битта қўлёзма ўқиб чиққанимга юз рупия берар эмиш.

Хотиним жимиб қолди.

— Ҳа, нега индамайсан?

Хотиним хомуш жавоб қилди:

— Ғезувчилик сизнинг иккинчи ишингиз бўлиб қолар экан-да. Кўпроқ вақтингизни нашриёт ишларига сарф қилишингизга тўғри келади.

Мен тарвузим қўлтиғимдан тушиб, хотинимнинг юзига термулиб қарай бошладим.

— Ғезувчилик қилиб, мен шу пайтгача нима каромат кўрсатдимки, бундай бўёғига кўрсатай.

Хотиним менга бақрайиб қараб қолди, сўнг келиб, менинг иккала қўлимдан ушлади-да, деди:

— Уша сабил қолгур тўйга нимага бордингиз ўзи? Сиз ким-у тўй эгалари ким? Сиз ўзингизга ўхшаганлар ичида бўлишингиз керак.

Хотинимнинг чеҳрасидаги ҳамдардликини кўриб, энди мен ҳайратга туша бошладим. У менга тасалли бериб, руҳимни кўтаряптими? Ахир кўпинча: «Дунёга келиб, на ўзингизга қилдингиз, на бировга. Энди эсингизни йиғинг, ҳеч бўлмаганда ўзингизни ўйланг», деб тинмай ёзғурадиган шу хотин эмасмиди? Бугун дабдурустан шаштим йўқлигини кўриб, бундай деяпти!

— Сен ҳам одамлар қатори кийинсам, болаларимизнинг устини яхшилаб олсак, қўлимда икки-уч дона узугим бўлса, деб орзу қилсанг керак, хотинжон?

— Сиз менинг ташвишимни қилмай қўя қолинг, дадаси, битта-яримта каттароқ китобингиз чиқиб қолса, кийим ҳам, тақинчоқ ҳам, орзу-ҳавас ҳам бўлишини, наҳотки, тушунмасам?..

Мен, «тушимми, ўнгимми» дегандай, хотинимга тикилиб қолдим.

Уша куни кечаси билан кипригимга уйқу инмай, у ёнимдан бу ёнимга ағдариб чиқдим. Хотиним Вимланинг ҳамдардлиги-ку юрагимдаги зирапчани суғуриб ташлагандай бўлди-я, бироқ ҳозирги ҳолатим кўз олдимда ўша-ўшалигига қолиб кетаверди. Токайгача шиллик қуртдай дунёнинг бир пучмоғида судралиб юрман? Жилла қурмас, ўз оилам масъулиятини бўйнимга олиб, одамлардай қадамидан ўт чақнайдиган кун келармикан? Шу топгача эришган бирдан-бир ютуғим хотинимнинг ҳозирги ҳолимга билдирган ҳамдардлиги бўлди, холос.

Эрталаб туриб, ишламоқчи бўлган эдим, ё алҳазар, қаламим ўзимга бўйсунмади. Никоҳ базмида кўрган-кечирганларимни қоғозга тушириб қўя қолай деган эдим, бу ҳам бўлмади. Дамба-дам қориндор нашриёт директорининг башараси кўз ўнгимда пайдо бўлар эди. Ёзаман, йиртиб ташлайман, ёзаман, йиртиб ташлайман. Ёзишдан юрагим ҳеч қачон шунақа зада бўлмаган эди. Илгарилари тушкунлик нима, билмасдим, ҳар қандай ҳолатда ҳам бошимни кўтармай ёзганим-ёзган эди. Ҳозир бўлса, битта жумлани сўнггига олиб боролмайман-а. Кўнглим бамисоли дарз кетган ойнадай шикаста, хира...

Мен ўрнимдан турдим-да, паришонҳол хона ўртасига бориб, туриб қолдим. Энди қалам суришимдан фойда йўқ. Ёзганча роса ёздим, югурганча роса югурдим, ҳамонки шу пайтгача бир нима бўлмадимки, бу ёғидан не умид? У йўқ-бу йўқ, каттарсам йўлбарс бўламан, деган мушукнинг ҳолига тушдим-да.

Шу пайт хотиним пайдо бўлди-ю, мени саволга тутди:

— Нега бунақа хаёл суриб туриб қолдингиз? На бир нарса дейсиз, на бир нарса қиласиз, ўзи нима гап?

Афтидан хотиним ҳам кечаси билан юлдуз санаб чиққанга ўхшайди, ҳарҳолда овозидаги асабий оҳангдан мен шундай хулосага келдим.

Мен аста хонадан чиқиб, зина олдига бордим.

Қадамим товушини эшитиб, Вимла бу гал ошхонадан чиқди. Илгарилари бир ёққа борар бўлсам, қаёққа кетаётганимни айтмасдан кетмасдим. Дарвоқе, оёқ товушимданок у авзоимни сезар эди. Столда ўтирганимда ишляпманми ё ўйлаб ўтирибманми, бир қарашда илғаб оларди, пешонамдаги тиришдан эса мени нима ташвишга солганини аниқ айтар эди — мен Вимланинг шу сезгирлигига доим беш кетар эдим.

Бу сафар ҳам у қадам товушимни эшитиши билан ошхонадан илдам чиқди-да, зина учида, эшик бўсағасида йўлимни тўсиб деди:

— Ҳозирча нашриёт директориға ҳеч нарса демай туринг, етти ўлчаб, бир кес, дейдилар, аввал яхшилаб ўйлаб кўриңг.

Мен унинг кўзига тикилдим, ким билсин, бу кўзлар менинг юзимдан қандай маънони ўқди экан, Вимла яланг оёқларини бўсағага маҳкам тираганча билагимдан қисиб ушлади-да, ёлворган оҳангда деди:

— Ҳозирча директорға «ҳа» ҳам деманг, «йўқ» ҳам деманг. У билан ҳамкорлик қилиб, сиз охирида хурсанд бўлмайсиз. Биронта бошқа жойдан иш топилиб қолар, сабр қилиңг...

Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Гарчи тамоман ўзимни қўлдан бой берган бўлсам-да, яна кимнингдир ишончи қаддимни тик тутиб турар, ғойибдан қувват бағишлар эди. Ёки хотиним шунчаки кўнгул учунгина тасалли бераётганмикин? Билмадим...

— Тирикчилик ғамида чиқиб кетаётибман, директорнинг олдиға бориш хаёлимда ҳам йўқ.

— Йўқ-йўқ, айнан шуни ўйлаб турибсиз, шу кетишингизда тўғри ўшанинг олдиға

бормоқчисиз. Нахотки, мен сизни билмасам? Йўқса, столдан бунақа шахт билан туриб кетмаган бўлардингиз.

Хотиним юзимга яна бир карра разм солиб қараб олдим-да, давом этди:

— Бир пиёла чой ичиб олинг, мен сизга чой дамлаб қўювдим. Қани, юринг ичкарига.

— Мен кўз очиб-юмгунча бориб келаман, чойни кейин ичамиз.

— Бўлмаса, ҳаялламанг, — шундай дея Вимла меҳрибонлик билан пешонамдан силаб қўйди ва сочимни бир томонга суриб қўяркан, кулиб деди:

— Қўяверинг, зинадан бизни ҳеч ким кўрмайди...

Мен ташқарига отилдим.

Хотинимнинг бу фавқулудда ширин муомаласидан кўнглим шунчалик ийиб, яшнаб кетдики, беихтиёр: «шу заҳотиёқ нашриёт директорининг олдига бораман», деган қатъий фикрга келдим. Рост-да, қачонгача хотинимнинг тасаллисига суяниб куним ўтади? У кўнглимни кўтаргани билан менинг сира ишим ўнгидан келмаётганини, бундан кейин ҳам ўнгидан келиши даргумонлигини ич-ичидан сезиб-билиб турарди.

Назаримда, кўчалар бирданга ҳувиллаб, борлиқ зимистон қаърига маҳв бўлаётгандек эди, йўлкаларда қоғоз парчалари ҳар томонга шитирлаб учар, дунё элва-делваси чиққан эски чопонни эсга соларди. Елғиз мен эмас, дунёдаги ҳамма ёзувчилар ҳам бир карра шундай ҳолатга тушмай иложи йўқ деб ўйлайман...

Кўча муюлишига етиб, тўхтадим. Нашриёт директорининг олдига ҳозир борсаммикан ё бошқа пайтдами? Кеча кечаси суҳбатлашган эдик, ҳошакалло етиб борсам, э-ҳа, бу жуда иш деб ўлиб турган экан-у, деб ўйлаши, нархимни паст қўйиши ва ҳаттоки умидимни пучга чиқариши ҳам мумкин. Бир кўнглим эса «ҳозирроқ бор» деб тикилинч қиларди. Унақа одамга ишониб бўладими, бирдан «фикри ўзгариб» қолса-чи? Ҳе-йўқ, темирни қизигида босиш керак, кейин фурсатни бой бериб, ўрнимга бошқа ёзувчини ишга олиб қўйиш мумкин.

Тирикчилик ғамида нима қилишимни билмай, ана шундай олди-қочди хаёллар гирдобида эдим. Рўзғорга нарса олишим керак эди, иттифоқо кўзим ҳув нарида кўк сотиб ўтирган кишига тушди. Мен ўша томонга шошилдим.

Кўкчи ўлгудай муомаласи совуқ, хун, тўнғ одам эди. Маҳаллада ёлғиз кўкчи бўлгани учун доим димоғи осмонда. Эрталабдан бозорини бериб, қолган озгина нарчасига харидор пойлаб, ўзи газетами, журналми ўқиб ўтирарди. Мен кўклардан керагича олиб, тарозига ташладим, ҳисоб-китоб қилдим. Уйдан чиқишда халта-палта олиш ҳам эсимга келмаган экан, кўкчига нарсани қоғозга ўраб беришини айтдим.

— Идишингиз йўқми, бобу жий? — сал оғриниб сўради кўкчи.

— Идиш олмаган эканман, биродар, қўлингиздаги қоғозга ўраб бера қолинг.

Кўкчи нимадир деб тўнғиллади-да, кейин зарда билан ҳалиги нарсаларни қўлидаги қоғозга ўраб берди. Мен уйга йўл олдим.

Йўл-йўлакай, кўкчи аччиқ гармдори ҳам солдимикан, деб қоғознинг бир чеккасини очиб, кўкларга назар солдим. Шу топ кўзларим қинидан чиққудай олайиб, оёқларим титраб кетди. Буни қарангки, ҳалиги қоғоз газета бўлиб, унинг ҳозиргина очиб қараганим жойда... менинг ҳикоям босилган экан! Вужудимни ширин ҳис чулғади, енгил хўрсиниб қўйдим. Ҳикоя сарлавҳасининг ёнгинасида менинг сувратим ўзимга тикилиб-қараб турарди. Боягина борлиқни маҳв этган зулумот аста-секин тарқаб, кўз олдим равшан торта бошлади. Ажабо, кўкчи менинг ҳикоямни ўқиб ўтирган экан-ку. Фирра изимга қайтиб, кўкчига: «Бу ҳикояни мен ёзганман!» деб қичқиргим келди. Афсуски, буни сира қизиқ жойи йўқ, сабаби ҳикоям анча эски бўлиб, бундан бир неча ой муқаддам чоп этилган эди. Барибир ҳаяжоним ортса орткики, камаймади. Шитоб билан юриб борар эканман, ўзимча алланималар деб бидирлаб гапирар, минғирлар эдим: «Айтадиган гапларим бор! Дилимдаги гапларимни айтмагунимча майдонни ташлаб қочиш йўқ! Майдонни ташлаб қочган — номард! Айтадиган гапларим бор ҳали. Курашаман! Олишаман! Енгаман!...»

Авзоимни кўриб, хотинимнинг ҳам ранги қув ўчган бўлиши керак, чунки бир пиёла чойни тоқатсизлик билан шошиб-пишиб ичдим-да, нашриёт директорининг олдига кетмай, тўғри стол ёнига бориб, муккадан тушдим.

Қаламим яна илдам югуриб кетди. Шу тариқа мен ҳаётимдаги янги машаққатлар сари юз тутдим...

Ҳинди тилидан **Амир ФАЙЗУЛЛАЕВ** таржимаси.



КЎЗЛАРИНГДА КУЛСИН ВАТАН

Эргашали Абдуллаев

* * *

Тинглагин бу нажиб мавсум эртагин,
Шундоқ ҳам, кунларнинг қадрин тутдик оз.
Аслин олсанг, кузак бизнинг қалбдаги
Еши ўтган баҳор, ёши ўтган ёз.

Дилкаш еллар билан мулоқотга кир,
Қуёш билан дилдан сирлашиб кўргин.
Умри равонингда бор-ку, барибир:
Айтолмаган розинг, кулмаган кулгинг.

Бир афсус ўтида қоласан ногоҳ,
Пайпаслаб топасан дил синиғини.

Англайсан боғларда не учун титроқ,
Тинглайсан рангларнинг ҳайқириғини.

Кўксинг қабаради бир исён билан,
Кипригинг куйдирар қайноқ томчилар
Ва лекин шу маҳал қайдадир шўх-шан,
Журъатли, чиройли гуллар очилар.

Суйиб ўпа бошлар шошиб келган нур
Дарахтларнинг мағрур қоматларини.
Соҳибқирон, сен ҳам қутлашинг зарур
Тирикликнинг буюк омадларини...

* * *

Уйғондинг. Ой ҳали ботмабди.
Юлдузлар турибди чарақлаб.
Боғдами ё сенинг кўксингда,
Бир силкиниб олди дарахтлар...
Демакки, тун кечар маромда,
Тириклик ўз чархин йигирар.
Ерда ҳам, кўкда ҳам: ҳар буржда
Хайрли бир қудрат югурар.

Энди ҳеч ачинма, бахтлидир
Қақраган ўзандек қароғинг.
Сўнса ҳам, қалбингда сўнмади
Бу ою юлдузлар чароғи.
Ўтганни тергамоқ учун ҳам
Эртага тик боқмоқ керак-да.
Уфқдан олдин кўз уйғонсин,
Тонг отсин, аввало, юракда.

* * *

Оҳ, шундай кун келди бизга аталган,
Ижобатлар келди тилагимизга.
Сокин сув ёлғондир, қирғоқ-да ёлғон,
Оқди дарёи Сир юрагимизда.
Майли, титраб турсин лабингда раҳмат,
Қувонч ич-ичингда мард ҳайқириқ-ла.
Бу эрка фароғат,
Бу эрка рағбат,
Гўзал маҳобатдан оҳиста йиғла.
Сукунатни тингла, изҳор пайтимас,
Ҳаяжон рост сўзни айтмайди, гулим.
Оқиб ўтган сувлар ортига қайтмас,
Ёруғ лаҳзалар ҳам қайтмайди, гулим.
Биз ишққа оғдириб олайлик вақтни,
Юракка ўзга бир даъват сиғмайди.
Топдик-ку куйманиб юрган бу бахтни,
Нечундир, жонимда Мажнун йиғлайди?!

Фаргона

* * *

Бу аёл мўъжизага ишонар қаттиқ,
Нигоҳи эшикка томон чопади.
Уйлайди, кўкраги соғинчга тўлган
Кимдир уни бир кун излаб топади.

Ишончдан улғайган кунлар бесабр,
Бир-бирин етаклаб шошиб ўтади.
Лекин бу аёлнинг кўрпаларида
Елғизлик жимгина тунаб ётади.

Тушлар зилдек оғир. Ниҳояси йўқ.
Аёл уйғонади, ўртанар бағир.

Уйлайди, музлаган қай бир кўчада
У кутган кимсаси қолди-ку сағир.

Тонг ютиб юборар қайтадан тунни,
Аёл термилади эшикка яна.
Ҳеч ким кириб келмас қулочин ёзиб,
Кечир, кечиксам-да, келдим, деб, мана!

Бу аёл мўъжизага ишонар қаттиқ,
Билмайди кутгани ким, ахир, амдир?
Йўқотиб қўйишдан кўрқади, аммо
Ўзи танимаган ўша кимнидир!

* * *

Сиз —
бор гапни айтмоққа чоғланган одам.
У жимгина яшаб ўтирган
уйнинг деразасин чертасиз бир кун.
Қолдириб кетасиз,
унга,
атайин
ўзингиз келтирган аччиқ сўзларни.
У эса,
индамай,
беркитиб олар,
ярим очиқ қолган деразаларни...
Сўнг яна айтасиз:
тушунишинг шарт,
сенда ҳеч нарса йўқ,
ҳатто бошинг ҳам.
У эса,
индамай,
боши йўқ
гавдасини судраб ичкари
қаттиқ ёлиб олар эшикларни ҳам...

Бир куни, у, шундоқ ёнгинангиздан
ўтиб борар экан:
биқиниб,
сассиз.

Ҳазабдан шивирлаб,
энг сўнги,
оғир
муштга тўнгиб қолган
сўзни айтасиз:
сен одам эмассан,
сен ахир, йўксан!

У эса,
индамай,
ўтаверар жим.
Ерга қадаганча нурсиз кўзини.
Ахир, нима қилсин,
тушуниб етган
одам эмаслигин,
асло ўзининг...

Гапирай, деса гар
тили айланмас.
Йиғламоқ, кулмоққа
тополмас бардош.
Унда ҳеч нарса йўқ,
ҳатто ўзини
осиб қўймоққа ҳам
тополмайди бош!

Куз

Айрилик олдидан япроқлар секин,
Сарғайиб-сарғайиб бораётирлар.
Анови саф тортган тутлармас, гўё
Жангдан қайтаётган ҳорғин ботирлар.

Шамол унгулларда Бўрон исмли
Тўнғич фарзандини ҳали йўргаклар.
Ҳали тушларининг адоғин билмай,
Осмонни кўтариб ухлар тераклар.

Қушлар қайтар энди... тўкилиб қолар,
Турналар кўзидан тонгги шудринглар.
Кимсасиз боғларда аллақайларга
Сингиб кетар энди ям-яшил ранглар.

Кексайган гиёҳлар ҳорғин шивирлаб,
Ўзига тилайди тўзим ва бардош.
Кунлар тез қарийди, аранг улгулар
Тоғнинг орқасига ўтмоққа қуёш...

Даладан қайтади қиз ва жувонлар,
Тунни эргаштириб орқаларидан.
Зум ўтмай оловнинг тили кўринар,
Учоқларнинг қурум ёқаларидан.

Кун бўйи олмалар қоқиб, ҳоригач,
Уйларга киролмай, хўрсиниб ёлғиз,
Айвондаги михга осилиб қолган
Туннинг кучоғида мизғиб қолар куз...

Ленинобод

* * *

Қалбим сокинликни истаётган пайт,
Қадрдон боғларда кезаман ёлғиз.
Заъфарон умид-ла йиғлаётган байт —
Бағримда ғалаён қилаётган ҳис.

Сенсиз яшаш қийин... Ёлғиз чоғларда,
Хотиранг юракка бўлар дармонлар.
Севилиб изтироб чеккан боғларда,
Қалбимдан тўкилиб қолар армонлар.

Каттақўрғон

Чоршаъм

Топишмоқ ўйин

Шаҳар бердим Самарқанд деб,
Топишмоғинг топмайин.
Шаҳар бердим, ол, Тошкент деб,
Сираям тап тортмайин.

Мен айрилдим Фарғонадан,
Шаҳар бериб толдим-эй.
Охир кетди Бухоро ҳам,
Мен шаҳарсиз қолдим-эй.

Ҳаммасини сен олдинг-а,
Қолдирмайин бир дона.
Мен ўша тун томга чиқиб,
Йиғлаб тушдим пинҳона.

Топишмоғинг Ватан бўлса,
Мен уни қул дебман-а.
Бошқа бири кишан бўлса,
Мен уни гул дебман-а.

Эрта қайтиб оламан деб,
Топишмоқлар тўқидим.
Мағлубият дардларини
Улғайгунча ўқидим.

Сўнг билдимки, асли-азал,
Топишмоқ экан ҳаёт.
Синоатлар ичра сирли
Синоатдир одамзод.

Гарчи яшаб келмоқдаман,
Ютқазилган манзилда.
Қайтиб олмоқ шашти ҳамон
Кетмагандир кўнгилдан.

Шундан сени бот-бот кўмсаб
Йўлларингга қарайман.
Мен ўзимни синамоқни
Сендай дўстдан сўрайман.

Ҳаёт, майли синайвергин
Тантилигингдан қайтмай.
Не бўлса ҳам бу замонда
Топқирлигинг йўқотмай.

Доим менга атаб қўйган
Топишмоғинг бор бўлсин.
Агар энди тополмасам
Дунё менга дор ўлсин.

Бир армон

1
Аҳён-аҳён тўқнаш бўлганда
Куйинарди бир дўстим доим:
«Қани эди, баҳор келганда
Бухорони би-ир кўрсайдим».

Баҳор ўтиб, ёз етган маҳал,
Кетар эди тўзғитиб руҳим:
«Лайлаклари учганда ял-ял
Бухорони би-ир кўрсайдим».

Куз палласи пахтазорлардан
Товушлари келарди узун:
«Қовунлари тарс-тарс ёрилган
Бухорони би-ир кўрсайдим».

Изғиринда ижарада гоҳ
Энтикарди сўзидан кўнглим:
«Оппоқ бўлиб ётганида, оҳ,
Бухорони би-ир кўрсайдим».

2
Армон кетди у билан бирга,
Армон ўтар менинг жонимдан.
Шаҳар ичра кезинганимда
Овозлари келар ёнимдан:

«Қулоқ тутинг қадим тошларга,
Улардадир энг қутлуғ забон».
Мен кўр бўлиб келганлигимга
Шу дақиқа келтирдим имон.

Шу забонни англай олмасам
Унда мени оқ этсин шаҳар.
Кўзим юмиб бора билмасам
Ардан Лабиҳовузга қадар.

Фақат... қанча келиб-кетсам ҳам
Бир армонда ўтарман доим:
«Қани унинг нигоҳи билан
Бухорони би-ир кўрсайдим».

Владимир Висоцкийни тинглаб

Туйғулар юракни ёриб чиқмаса,
Исёни кучмаса қонталаш бағир.
Сўзингдан бир куни гуллар унмаса,
Куйламоқни қўявер, шоир.

Минглаб қўшиқларни қамрамаса қалб,
Шуҳрат тожларидан этган каби ор.
Юксак пардаларда янграмаса зарб,
Куйламоқни қўйгил, бастакор.

Бўғзингдан қарақмай¹ чиқса овозинг,
Қўшиқдан қолмаса ярқираган из.
Дош беролмай синса саҳалга созинг,
Куйламоқни қўй энди, ҳофиз.

Қисмат аямагай санъат аҳлини,
Номинг кўплар учун бўлса ҳамки талх,
Куюнма, кун келар ва шунда сени
Тингламоққа топилади халқ!

Бухоро

Ҳамроқул Асқар

* * *

Сен — бу дунёнинг гули, шарбати.
Сенсан бу борлиқда ёлғиз топганим.
Сенгадир қалбимнинг тафти, заҳмати,
Излаганим сенсан, сен йўқотганим.
Сенинг таърифингга аҳли шеър ожиз,
Омонат умримга ягона илинж:
сенинг кўзларингни куёш дедилар,
нигоҳингни дедилар қилич.
Уларнинг биттаси Навоий эди,
уларнинг биттаси Ҳофиз...
Улардан ўтказиб нима ҳам айтмай,
кўзимда ёш билан ортингдан чопдим.

Асаби бузилган бу асрда мен
гоҳ сени йўқотдим, гоҳ сени топдим.
Ҳар лаҳзам ғанимат, ҳар лаҳзам азиз,
севгининг бетакрор лаҳзаларида.
Сочингни ўйнаган шамоллар дилгир
шивирлар ғанимнинг лаҳжаларида...
Севгилим!
Кўнглимни аврама алдовлар билан
кўзларимга тикил,
лабларимдан ўп.
Мен хабардорман ҳамма нарсадан,
ҳеч нарса билмайман сенинг ҳақингда...

* * *

Тонг қушлари келиб кетдилар,
Деразанга сайрашиб узоқ.
Билмам улар қайга етдилар
Йўлларида беомон тузоқ.

Ётоғингни куйга тўлдириб
Сўнг учдилар, кўзлари маъюс.
Куйларини бизга қолдириб,
Мунгларини таширлар олис.

* * *

Меҳрга тўлдириб бағирларини,
боғларни кезгандек бахтли ошиқлар,
Юрак тоза бўлса,
виждон пок бўлса,
қайнаб чиқаверар ўтли қўшиқлар.

Сен ҳам, шоир дўстим, кўнглини кенг қил,
дардчил куйларингга ҳақ бўлсин икром.

Унутма, ҳамиша кузнинг ортидан.
аввал қиш келади, сўнг эса баҳор.

* * *

Чақин чақди, чатнади
осмоннинг бир чеккаси,
Учмоққа шай турдилар
чироқлар, хира шамлар...

Бу кеча зулумот мутлақ ҳукмрон,
ҳадик йўқ юлдузлар ғалаёнидан.
Дарани ноғорадай чалар отлар уюри,
безовта пишқирав тушовланган той.
Оқизиб кетар:

¹ Қарақмай — қийналмай маъносида.

ваҳимали шовқин солиб сой
оқим қаршилигин енгмоқ қасдида
сафарга отланган чўпларнинг умидларини...
Поёнсиз зулумот ютиб юборар,
мағрур чақмоқни:
олов тиллари-ю, шамшир-памшири билан,
Пирпираб қолдилар
чироқлар, хира шамлар...

Навқирон қоялар совуқ илжаяр,
Тумшайиб олади мўйсафид тоғлар.
Булоқлар беозор йиғи бошлайди,
Лаблари қонайди қизғалдоқларнинг.
Қиёқлар хўрсиниб сувга энгашар.
Илдизлари қақшар тутларнинг.
Тўнғиллаб қўяди бақалар.
Ғамгин нигоҳ ташлар деразадан қиз...
Тераклар байроқдай силкита бошлар япроқларини.
Ранглари оқариб кетар кечанинг...

Тошкент

Ҳамид Норқулов

Юртимга

Юртнинг фидолари тили узунлар
Ё нафсин чўнтакка солганлар эмас...
Ўзининг юкидан чўккан устунлар
Гуллаган дарахтга бир сўз айтолмас.

Туғилган жойида синалса мардлар,
Муборак юрт номин тилига олар.
Зотан, эл кўксида силқиган дардлар,
Белида белбоғи борларга қолар.

Тўхтасин акага

Қийналиб кетаман сизга дуч келсам,
Қўл бериб кўришсак доим йиғлайсиз.
Тирноққа зор ўтдим, дея, дунёдан,
Кўринмас тиғ билан мени тиғлайсиз.

Болали уйларга босмайсиз қадам,
Умрингиз қўшиқмас, умрингиз нола.
Лекин ёнғоқ тўла чўнтагингизни
Йўлда кутиб турар бир қишлоқ бола.

Тунлари ёстиқда тўкилган ёшлар,
Бу — жимжит ҳовлига қамалган ғазаб.
Сизга таскин бўлар сўз йўқ оламда,
Сизга дуч келмоқлик энг катта азоб...

Қўшнингиз Эр бува армонларини
Эл баъзан қишлоқда қилганда кулги,

Бу дунё телба ё тескари десам,
Ёруғ тортармиди кўнглингиз балки?!

Беш ўғил беш жойда яшаса масрур,
Айтинг-чи, Эр бува нега бўзлайди?!
Нега кўпчиликка, «фарзандим йўқ», деб,
Нола, афғон ила бағрин тузлайди?!

Нега ёлғизликни ўлдирмай туриб,
Эр бува ўзига қабр қазийди?
Нечун йиғинларда сиз ҳақда эмас,
Эр бува ҳақида гаплар қизийди?

Сиз эса... ўксинманг Тўхтасин ака,
Умр бу дарахтдир, эмас қуруқ чўп,
Сизнинг йўлингизни ҳар кун пойлаган,
Қишлоқда ёнғоққа ўч болалар кўп.

Урта Чирчиқ

Асқар Маҳкамов

Тошлоқ йўлда чарақлайди ой.
Қоратоллар — бузуқ капалар.
Панжасида йилтиллаган лой,
Рақс тушар анқов бақалар.

Қўнғироқлар таққан лўлидек
Жаранглайди терак барглари.
Искандарнинг очиқ қўлидек
Шип-шийдамдир том мўрилари.

Овлок йўлдан нари — тепалик:
Тупрок тўлган энг гўзал кўзлар:
«Хайр, сизга ета олмадик,
Сизлар бизга етармисизлар...»

Тун чўкади хаста, осуда.
Титрай бошлар юлдузлар лаби.
Кўҳна ой ҳам булут ортида —
Судралади қари от-каби...

Мен шубҳа қиламан лоқайд одамнинг,
Қаҳрамон номини олганлигига.

Мен шубҳа қиламан Ватан туйғуси
Бўлмаган одамнинг одамлигига.

Қаҳатчилик

Қаҳатчилик пайти дашту далалар
Тўлди машоқ эмас, аёл қонига.
Уққа учаётган аскар болалар
Зор эди-ку, халқим, сенинг нонингга?!

Довур чўлоқ ўлди тоғда. Лабидан
Дағал майсаларнинг сели оқарди.
Юз-кўзини кўмган соқолларидан
Қирқ иккинчи йилнинг кузи боқарди.

Едгор момо ўлди уйда. Юзлари
Ўнгиб кетган сариқ шолга менгзарди.
Суягига ботиб қолган бўзлари
Қуриган лабида унсиз эсарди.

Офоқ кампир ўлди. Очдан оёғи
Тикка қотиб қолди, букиб бўлмади:
Лаҳадга ҳам шундай қўйилган чоғи

Жангдан қайтган юпун Ватан йиғлади.

Жажжи Гулсум ўлди бешикда. Қишда.
Шамол биғиллаган сасга айланди.
Очиқ қолган кўзи тўлди қарғишга,
Бир парча бўз рўмол бўлди кафани.

Дадаш ота ўлди, Ўлди Нор кампир.
Биби Зухро ўлди бедод, домангир...

Ўлди... Қаҳат кўпган буғдойзорларга
Қайтиб келди бир кун руҳи уларнинг.
Улар айландилар навбаҳорларга,
Ёруғлиги бўлиб қора кунларнинг.

Улар айландилар сахрою қирга,
Улар айландилар оппоқ қорларга.
Улар айландилар шамол, ёмғирга,
Улар айландилар буғдойзорларга.

Шаҳризода

Кўройдиннинг қароғларида
Ой — новдалар узра булдурук.
Баҳайбат куз оёқларида
Типирчилар майсалар юлук.

Кетаяпман. Тунда. Ёмғирда.
Лойқаланар дарчадан тушлар.
Чўкка тушган тепаликларда
Шағиллайди қайсар қамишлар.

Қари толлар турар совқотиб,
Итлар ҳурар девонасаро.
Сочларингни ташларсан ёзиб
Олатасир ёмғирлар аро.

Энди қай бир қиссамни айтай,
Шаҳризодам, нега қодирман?
Ер бағирлаб кўчган тумандай
Хайр, мен ҳам кетаётирман!..

Тошкент

Раҳима Саломова

Мавжланади кўм-кўк пахтазор,
Ҳар туп гўза яйрар беғубор,
Муздаккина оқшом қўйнида.

Осмонда ой балқиди шу кез,
Пахтазорда кўринди бир қиз,
Меҳнат завқи тошмиш кўнглида.

Гўё оққуш пайкалда юрар,
Баъзан эгатларда югурар,
Таралади жўякларга сув.

Роҳат қилар кўм-кўк пахтазор,
Яшнаб турар гўё навбаҳор,
Бунча кўркам дала жамоли.

Ғўза гуллаб ташламиш шона,
Мўл ҳосилдан бериб нишона,
Қизга кўз-кўз қилар ўзини.

Оппоқ тунда пахтакор сулув
Қиз қалбида бир дунё ғулув,
Ғўзалардан узмас кўзини...

Тошкент

Фахриёр

Тезлик ва ҳаракат

Тезлик керак.
Тезлик керак чўкмаслик учун,
ҳаракатсизликни кечирмайди сув.

Тезлик чўкмас.
Йиқилмоғи мумкин тезликнинг,
барибир тезликни кўтаради сув.

Тезлик — сув юзалаб чопаётган хас.
Ҳаракат тўлқинлар мавжудлигидир.
Денгиз эса...
Осойиш кунлар,
эринчоқ тўлқинлар,
чўкиб ўлган тўлқинлар
мозорига айланар денгиз.

* * *

Ишонмайман Алдаркўсага,
Кўрмаганман ҳеч девор суяб,
Сени алдамаган кимсадан
Ёлғончи деб ёзғирмоқ уят.

Бировларни алдаган бўлса,
У маккордир ўшалар учун.

Уни пир деб аташга эса,
Тилим бормас, билмайман, нечун?!

Ҳали «биров» бўлганимча йўк,
Мен ўзимман ўзимга ўзим.
Айтмам, кўксим тешса ҳамки ўк,
Девор суяб юрганлар сўзин.

Музейда

Биз, деворга, ромнинг остига
осиб қўямиз
ўтган кунларимизни.

Сўнг осифлиқ ўтган кунларни
томоша қилишни ёқтирамиз, биз.

Томошага кетган вақт эса
Ватандан бадарға Бобур мисоли
кўчага ҳайдалар.

Боиси:
ҳеч қачон томошабиндан
чиқмаганда қаҳрамон.

Навоий

Меҳринисо Ойдинова

Илинж...

Сўнгги сўз айтишнинг гали келгандир?
Лабдан узилиши қолди бир сўзнинг...
Шу сўзга илиниб қолганда тақдир,
Айт, ўкрамоқ шартми чангаллаб юзни?!

Ишқ оҳори қай вақт тўкилиб кетди —
Тўзиб битгач дилда ул нозик ҳислар.
Қанча кўз ёшларни болишлар ютди,
Қанча хўрсиниқни ой маънос эслар.

Бахтли онлар бўлган, тонмоқлик нечун,
Улар қалб қатида битилган қўшиқ.
Бугун шул қўшиқни тингламоқ учун,
Керак бўлар биздан меҳр, сабот, ишқ.

Аммо, бу бахт бизда ўткинчи бўлди,
Бир-бировни аяш сиғмади дилга.
Ниҳоят юраклар зардобга тўлди,
Меҳр етмай қолди дардчил кунгилда.

Энди... Ишқ таратмай қўйганда зиё —
Дилда тушкунлик ва... бир умид ёниқ...

Сўнгги сўз... Ё хароб қилар бизни, ё
Қайта туғилтирар, билмадим аниқ.

Эртанг тўлиб кетар ёруғ кунларга...

Чили!

Кўкрагинга томган қизил қонларни:
Уйғот! Улар қизил гулга айлансин!..
Ўлмас қасос бўлиб сафларга кирсин,
Ажал бўлиб бўғсин қотилларингни!
Арвоҳ бўлиб қувсин виждонин сотган
Қонхўрларнинг сатанг хотинларини!
Ана, кириб келар Альенденинг руҳи
Хукумат ва зиндоннинг эшиқларидан.
Титраб туради саноксиз турмалар
Пабло Неруданинг қўшиқларидан.

Бўшаб тўлаверар қамоқхоналар,
Пабло Неруданинг қўшиқларига.
Улғаяверади матонатлар туққан —
Болалар курашнинг бешиқларида...
Эртанг тўлиб кетар ёруғ кунларга,
Эрксевар авлодинг Бахтга башорат —
Охир чек кўяди қонли тунларга,
Қасоскор ГУЛЛАРИНГ, ишонгил, албат!

Москва

Зиёвуддин Қўзиев

Оғочларнинг тароватсиз, чўнг
Шохларига илиниб олиб —
Оппоқ ҳарир байроқларини
Ҳилпиратар танги куз голиб.

Хийла салқин шамоллар эсиб,
Чорбоғларнинг тинчини бузар.

Сариқ, қизил рангли баргларга,
Тўлиб борар кимсасиз гузар.

Хаёлий бир тақдирнинг саси,
Юрагимни роса эзғилар:
Гўзаллик деб аталган бир пайт —
Пойингдаги хазонрезгилар...

Зилдай оғир бошимни қўйиб,
Болишларга ботаман секин.
Юраккинам боради куйиб,
Овланиб ётаман секин.

Узоқларга бетизгин кетган,
Хаёлларим толдирар мени.
Чарчаганман, уйқу элитган —
Ёлғизлатиб қолдирар мени.

Тўлғанаман бир дунё тушни,
Бу бағримга босиб тураман.
Билолмайман ўзни тутишни,
Ўз жисмимга пичоқ ураман.

Кўкрагимдан қон отилар, қон,
Югураман, ўлмайман лекин.
Кўзларимда айланар осмон,
Замин чўкиб боради секин.

Алаҳсираб чиқарман тунлар,
Кун узоғи етадур ғамим.
Тинч ухлайди бағри бутунлар,
Кундуз шодон юрадур ғаним.

Эҳ, бечора қалбим — мунисим,
Кундузи-ку кўрқоқмиз, кўрқоқ.
Ўз эркимиз бўлган тушда ҳам
Уролмаймиз душманга пичоқ.

Навоий

Рўзи Йўлдошев

Адирлар — чўкаётган туялар,
Тин олади манзилга етиб.
Уфқ қизғиш ранга бўялар,
Пода қайтар кўча чангитиб.

Узоқларда сервиқор қоя,
Унутилган ҳайкалдек турар.

Девор оша энгашган соя —
Ой нурига чўмган дарахтлар.

Қишлоқ узра сокинлик инди,
Тун чодирин секин ташлайди.
Бўйи узун тераклар энди,
Қоровуллик қила бошлайди.

Сурхондарё

Йўлнинг йўловчига деганлари

Бир-бир юргин, секин-секин юр,
Қадамларинг бунчалар майин.
Шошмасанг ҳам битгуси ишинг,
Манзилингга етмоғинг тайин.

Бир-бир юргин, секин-секин юр,
Пойларингда илоҳий бир тафт.
Сен юрганда яйрайди кўнгил,
Сени кўрмоқ мен учун ҳам бахт.

Бир-бир юргин, секин-секин юр,
Тошошадир дунёнинг иши.

Мен шу жойда уйғоқ эканман,
Ҳар томонга шошар ҳар киши.

Бир-бир юргин, секин-секин юр,
Тикаверма олдинга кўзинг,
Кафтларимда кўтариб сени
Манзилингга элтаман ўзим.

Бир-бир юргин, секин-секин юр,
Пойларингни сийнамга қўйиб.
Орзуларим кўкка кўтарган
Оёқларни силайин тўйиб.

Япроқ монологи

На само, на ер айтган бир сўз
Юпатолмас мени. Қийналар.
Юрагимда дард бойлар бир ҳис —
Мен ўлмоғим шартдир, турналар.

Қанот қоқиб ўтдингиз шимол,
Мен ҳавасда термилиб қолдим.
Қанотлардан эсди бир шамол,
Уни суйиб бағримга олдим.

Оҳ, бу шодлик энди сўйлар ғам,
У ҳақиқат — бугун рўёлар.
Сирни пинҳон тутмоқ учун ҳам,
Мен кетмоғим шартдир, турналар.

Эрта баҳор сиз ўтган кезде,
Ҳолим кўриб кўркмасин куртак.
Умидларга тўлсин-у тезде,
Беш ой тўлиб сўзласин эртак.

Хоразм

Абдулла Қўшбоқов

Бу бахт меники де,
Шодликдан йиғла,
Ҳаммага ошкор қил қувонч — ёлқинни.
Ўша мунофиқнинг бағрини тигла,
Ер билан битта қил ўша сотқинни.

Меники деб айтгин: бу ишқ, бу сурур,
Бу ақиқ лаблардан ўпарман деб айт.

Бу кўз меники де, меники де нур,
Кўзимни ўйсанг ҳам кўрарман деб айт.

Бу қалбнинг меҳрини барчага улаш,
Кўзларингда кулсин Ватан — дурдона.
Ҳамма тонганида баравар, талаш
Бу сўзни меники дегин мардона.

«Қирққиз» қоялари

Ғанимларга ўлим берди,
Шон бермади қирқта қиз.
Юрт ботирсиз қолди ҳамки,
Жон бермади қирқта қиз.

Ҳиёнатдан букилса эл,
Чорасизлик бўлса дард,
Қирқта маъсум қиз ўрнига
Чиқмадимми қирқта мард?!

Бугун дилга қонлар тўлиб
Айтсам тарих эртагин:
Юрт беқлари яшаб ўтган
Ўпиб ёвнинг этагин.

Юрт тоғлари тарих экан,
Қирққиз бари тош экан.
Жайхун, Сайхун шу қизларнинг
Кўзидаги ёш экан.

Қирққизларнинг қўшиқлари
Ҳамон ғамдир, фироқдир.
Тошни ёриб чиққан гуллар
Исёнталаб юракдир.

Халқим! Жанглар синовида
Қўрқоқлар фош бўлади.
Қўрқоқларга кунинг қолса
Қизларинг тош бўлади.

Журъатсизлик

Кунни узатасан ҳорғин, ғамзада,
Рухингни қийнайди сокин икrorлар.
Сен сукут сақлаган ҳар бир лаҳзадан
Ўсиб чиқаверар кўплаб ғаддорлар.

Чорлаб қолаверар туннинг минбари,
Кўксингда бир ҳадик бақраяверар.
Ғазабга сазовор неки бор, бари
Юмалаб-юмалаб каттааяверар.

Ахир ўлмайсан-ку нафрат зўридан,
Куйласанг юрагинг бўшайверади
Ва шафқатга тўлган қалбинг қаърида,

Севги овчилари яшайверади.

Мунофиқлар бахтли,
Аблаҳлар шодон,
Разолатли зотлар қаҳрамон, жасур.
Сенинг бир сўзингга муштоқдир замон,
Сенга кўз тикади бечора аср.

Тонг отар,
Тонгнинг ҳам вужуди яра,
Яна кетмоқчисан янги кун томон.
Оёғинг остида хўрсинар, қара,
Хоин журъатсизлик қурбони жаҳон.

Жиззах

Абдурашид Қосимов

* * *

Кўксимга солганча тоғдай бардошни,
Охир ҳузурингда чўққанимда тиз,
Шивирладинг кўздан тиёлмай ёшни:
«Кечикиб келдингиз, кечикиб, эсиз!»

Мен сенга гўдакдай қолдим ичкиб,
Майли ўзгалардан бўлмай бахтлироқ.
Олис келажакка борсак кечикиб,
Бахтсизликлар ичра бу даҳшатлироқ.

* * *

Кунлар туғилади қадим оламда,
Таниш кўшиқларни куйлар тераклар.
Интиқиб кутилган соҳирон шомда,
Ариқлар бўйидан учар титроқлар.

Ялпизнинг ҳидлари қўнмиш сочингга,
Булутлар уфқда қон йиғлаб борар.
Севгилим, тушларим айланди чинга,
Самовий туйғулар юракни ёрар.

Наманган

Зикрилла Неъматов

Қирқ бешинчи йил ёмғири

Ёмғир шитирлайди. Майсалар унар
Заминнинг кул босган далаларида.
Ёмғир шитирлайди. Малҳам кўйилар
Ватаннинг тўрт йиллик яраларига.

Ёмғир шитирлайди. Мисли хушхабар
Борлиққа сочилар маржон доналар.
Севинч ёмғирида ивиб жилмаяр
Фарзанди жанггоҳдан қайтган оналар.

Ёмғир шитирлайди. Отасиз қолган —
Мурғак гўдакларнинг кўзёшларидай.
Ёмғир шитирлайди. Сўнгсиз армонлар —
Тул қолган аёллар бардошларидай...

Ёмғир шитирлайди. Кетамиз яйраб
Биз — шу ёмғирдан сўнг унган майсалар.
Кошқийди, дунёнинг бор майсалари
Бахтиёр ёмғирга ета олсалар...

Бухоро

Набижон Жалолов

Деҳқон

Кетмон дастасидай қайишган,
Сополга ўхшайди қўллари.
Қадоқлари — тоғлар.
Чизиклар — уларга элтар йўллари...

Тинчлик

Осмонда гумбурлар момақалдирок,
Ёмғирлар ёғади,
Эсар шамоллар.
Хонада ўлтириб каштага оппоқ
Кабутар сувратин тикар аёллар.

* * *

Осмонда гумбурлар момақалдирок,
Ёмғирлар ёғади,
Эсар шамоллар.
Орзуга ўралиб, юракка оппоқ
Кабутар сувратин чизар хаёллар.

Андижон

Баҳодир Исомов

Мамадали Топиболдиев ҳақида мунглиғ бир қўшиқ

Зоҳидонда бир чол яшаб ўтган.
Шу чолнинг йиғлаганини сира кўрмаганман,
деганлар

бир қишлоқ одам эди.
Йиғлашни билмаса керак шу чол, деганлар
бир қишлоқ одам эди:
Отаси ўлганда йиғламаган экан, ахир!..
Онаси ўлганда йиғламаган экан, ахир!..
Боласи ўлганда йиғламаган экан, ахир!..
Аммо
мен
кўрганман
ўша чолнинг йиғлаганини,
Зоҳидонда бир чинор қулаганида!
Мамадалиув-в...
Мамадалу-ув-в...
деб,
бошларини
тошларга уриб
йиғлаганини кўрганман ўша чолнинг
Зоҳидонда бир чинор қулаганида!
Мамадалув-в...
Мамадалу-ув-в...
деганда,
кўзларидан
дув-дув ёшу
дув-дув ёмғирлар ёғилган осмондан...
Шу чолнинг йиғлаганини сира кўрмаганман,
деб юрган бир қишлоқ одам,
Йиғлашни билмаса керак шу чол,
деб юрган бир қишлоқ одам,
ўшанда кўрган экан унинг:
Отам, деб эмас,
Онам, деб эмас,
Болам, деб эмас,
Мамадалув-в...
Мамадалу-ув-в...
деб,

бошларини
тошларга уриб
ийғлаганини...
Ушанда кўрган экан...

Оқ саман

Ногаҳонда тойилди, мункиб кетди оқ саман...
Тулпорлар гусур-гусур ёнидан ўтиб кетди.
Улоқчи отлар чанги теграсин тутиб кетди.
Ҳақат тойилиб қолди оқ саманжон... Оҳ, саман...

Чавандознинг қамчиси чинқирди-ю ҳавода,
Беғуноҳ от бўйинини қақиб олди беаёв.
Хўрлик ёмон, азизим, хўрлик ёмон дунёда —
Тулпорнинг кўзларида ғазаб чақнаб кетдиёв!

Олдига тўшалган йўл, энди унинг ғаними —
Аламин ердан олиб қаттиқ тепиб боради.
Кўксида ўт — бу хўрлик ёндиради танини,
Тўғидан борлиққа шиддат сепиб боради.
Отлар тўпи суринар кўчаётган қум каби,
Тулпор юрагидаги имконларни уйғотиб.
Суринишар кундузни қамраётган тун каби
Бириси-бирисининг қуюқ чангига ботиб...
Орта эса бўрондай
Оқ саман келаётир...

Фарғона

Абдусаид Нурбоев

* * *

Эй менинг тақдирим — асов аргумоқ,
Қани, майдонга кир, қани олға бос.
Олис боболардан ғолиблик сабоқ,
Сабоқ зўр рақибга келмоқ басма-бас.


Гарчи биз Гўрўғли, Алпомиш эмас,
Шу оддий жуссамиз отамеросдир.
Бизга тўтиларнинг тахаллусимас,
Булбул боболарнинг қўшиғи хосдир.

* * *

Эринчоқ тунларнинг
Уйкусин бузиб
Бўтакўз тонгларнинг
Кўзи ёриди.

Тонгнинг тўлғоғидан
Уфқ гардиши
Тарам-тарам, алвон
Нурга қорилди.

Самарқанд



ПОКЛАНИШ— ТАФАККУРДАН, ЮРАКДАН БОШЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ МИРМУҲСИН БИЛАН СУҲБАТ

— Инсон улғайган сари ширин энтиқиш билан болалигини кўмсай бошлайди. Болалик — сирли, сеҳрли диёр бўлиб кўз ўнгимизда намоён бўлади. Балки ана шунданмикин, кўпгина адиблар ижоди айни камолга етган, узоқ йиллар оша маҳорат босқичларига эришган паллада болалик хотираларига қайтиб, ажойиб асарлар яратишган. Максим Горькийнинг «Болалик», «Менинг дорилфунунларим» асарларини, Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаҳҳорнинг «Утмишдан эртақлар» повестларини, ҳатто озми-кўпми автобиографик элементлар сингдириб юборилган Ғафур Ғулومнинг «Шум бола» қиссаларини эслашнинг ўзи кифоя. Сиз болалигингизни хотирлаганда нималар кўпроқ кўз ўнгингизда намоён бўлади? Келажакда юқоридагиларга ўхшаш асарлар яратиш ниятингиз борми?..

— Болалик ва ёшлик ҳақида гапириб, сиз менинг дилимга оташ ташладингиз. Тошкентнинг қадимий Сақичмон, Пичоқчилик маҳаллаларию ундан юқориқроқдаги Чимбой, бу ердаги ажойиб одамлар, заҳматкаш эл, тупроғи билқиллаган кўчалар, жимжит боғлар дарҳақиқат, «сирли ва сеҳрли диёр...» бўлиб кўринади. Қадим, йигирманчи йилларда телевизор, радио йўқ, кечалари меҳмонхонада, манқалдон атрофида ўтириб жангномалар, «Алиф лайло ва лайло» ўқиб хаёлга ботган кулоллар, мўйнадўзлар доирасида кичкина бўлиб ўтириб, эски тарих олислиқларига борганим, ҳаммаҳалла усталар, уруғларим ёдимга тушади. Омонлик бўлса, мана мемуар — «Кўрган — кечирганларим» китобини ёзиш палласи ҳам яқинлашмоқда. Айтадиган гап жуда кўп.

Болалигимдан кулоллар ичида ўсганим ҳақида илгари ёзганман. Уларнинг меҳнатини ўйлаганимда ҳозир ҳам юрагим ўйнаб кетади. Дадам товоқ, лаган, хурмача ясарди. Мен ҳам шогирд тушиб, лой қорардим, эртадан-кечгача усталарга қарашардим. Идишларга нақш солишга анча кўлим келишиб қолганди. 1935—1936 йилларда лаганга ўзим нақш солиб, сурат ишлай бошладим. Ленин, Навоий... расмини лаганга туширганим эсимда.

Кулолларнинг ҳар йили ўтказадиган турли маросимлари ҳамон кўз ўнгимда. Наврўз келганда сумалак, ҳалим пишириллар — эҳ, қайси бирини айтмай? Хумдонга идиш териб, ўт ёқиш маросими алоҳида тантана билан ўтказиларди. Хумдон бир кеча бир кундуз қиздириларди. Шу куни қўрғончага тўпланишиб, тонггача базм қилиш, мол сўйиш анъанага айланиб кетганди. Дадам: «Кулолдан бой чиқмайди, сабаби, биз тупроқни куйдирамыз. Тупроқ эса ҳаммани боқади», — деб кўп такрорларди.

7—8-синфларда ўқиб юрган ўйинқароқ вақтимда қилган бир «гуноҳим» юрагимда доғ бўлиб қолган. Баҳор келиши билан варрак ясаб, томда учирамиз. Бунинг гашти қанчалик бўлишини ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак. Хуллас, бир куни чордоққа чиқсам, жуда кўп эски китоблар уйиб қўйилган экан. Энг каттасиқи танлаб олдим. Арабча имлода лак, туш билан хитой қоғозига қўлда ёзилиб, китобат қилинган экан. Орасидан беш-олти варағини йиртиб олиб, варракка дардарак қилиб юбордим. Дадам сезиб қолиб, китобни олиб қўйди. Мени қаттиқ койиди. Кейинчалик билсам, тошкентлик шоир Камийнинг кўлёмаси экан. Уруш йилларида бу китоб йўқ бўлиб кетди. Қаттиқ ачиндим. «Утмишдаги гуноҳларим» шеъримда бу ҳақда армон билан ёзганман.

— Биз кўп ёзувчиларни асарлари орқали биламиз-у, лекин шахсий ҳаётига доир тафсилотлар, қизиқарли воқеалар, тўқнашувлар, зиддиятлардан деярли хабаримиз йўқ. Катта адибларимизнинг шахсий ҳаётига доир баъзи нуқталарни эса ундан-бундан тасодифий ҳолда эшитиб қоламиз. Кенг ўқувчилар оммаси эса булардан ҳам мутлақо беҳабар яшайди. Ҳолбуки, маълум ёзувчининг асарини тўла англаб етиш, унинг ғоявий мазмуни, тўқимасига сингдирилган айрим нозик нуқталарни пухта идрок этиш учун у қандай одам бўлгани, шахсий ҳаёти қандай кечгани, дўстлари, устозлари ким бўлгани, асарлари устидаги меҳнати ва ҳоказоларни яхши билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода мактабда қандай ўқиганингиз, илк устозларингиз, дастлабки ўқиган асарлардан олган таассуротларингиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Савол муҳим. Муфассал жавобни талаб қилади. Мен юқорида айтганимдек, «мемуар» ёзадиган даврга етиш шарафига муяссар бўлсам, саволга тўла жавоб албатта бўлади. Ҳозирча қисман...

Кадрдон устозим, муаллимам, биринчи галда Ойдин опадири (Манзура Собир қизи). Бу порлоқ қалб эгаси, буюк адиба, шоира, жамоат арбоби ҳақида илқ гапларни кам айтаяпмиз. Гуноҳ! Дунёда яхшилик ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Абдулла Қодирий Садриддин Айний, Ғафур ака, Ойбек ака, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров, Яшин ака, Уйғун ака, Миртемир ака, Мақсуд Шайхзода, Мирсаид Миршакар, Жалол Икромий домлаларнинг меҳру муҳаббати, устозлик заҳматлари ҳеч қачон эсдан чиқмайди.

Мен Комил Алиев, Туйғун, Ғиёс Соатий, Зафар Диёр, Султон Жўра, Жигўй, Усмон Носир, Амин Умарий, Парда Турсунларни ҳам унутмаслик кераклигини таъкидлардим. Баланд чўққиларни кўтариб турадиган кичик чўққилар ҳам бор. Сиз тоққа яқинлашсангиз уларни яққол кўрасиз. Бебаҳо булоқлар шу майда чўққилар бағридан чиқади.

15 ёшимдан шеър ёздим, аввал шеърларим «Ленин учқуни», «Еш куч», кейинчалик «Ёркин ҳаёт», «Совет адабиёти» журналларида босила бошлади. Тоғам, 20-йилдан партия аъзоси Собиржон Содиқов (Богдорчилик тажриба станциясининг директори бўлган. Академик Рихард Шредер билан Бодига ишлаган. Ҳозир бу ер Р. Шредер номидаги институт) ҳам адабиётга жуда қизиқарди, Москвадан менга «Аэлига» романини олиб келганди. Уни мароқ билан ўқиганман. Умуман сақимчилик мўйнадўз ва кулоллар ичида китобга қизиқувчилар кўп бўлгани маълум. «Санобар», «Иброҳим Адҳам» дostonлари, ўша вақтда чиққан сариқ муқовали «Совга» китобини кўп ўқирдим. Отам эскичадан саводли киши бўлиб, уйимизда жангнома китоблар кўп эди. Қариндошларимнинг айтишича, болаликда хаёлпараст, бошқа болаларга нисбатан ўз хулқ-атворим билан ўзгачароқ эканман. Бир ишга киришсам қаттиқ берилиб кетишим, ҳамма нарсадан ҳам китобга ихлос кўйганим сезилган. Куйбишев номи мактабда ўқиганман. Қайноқ қалбли шоир Жигўй адабиётдан дарс беради.

А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан матбуотда улуғ шоирнинг шеър ва дostonлари мунтазам босиларди. Уларни қолдирмай ўқирдим. «Боқчасарой фонтани», «Сув париси» дostonларини мафтун бўлиб ўқиганман. «Сув париси» таъсирида «Қамар» дostonимни ёзганман. Шунда 10-синфда ўқирдим. Дoston «Совет адабиёти» журналида босилиб чиқди.

1938 йилда Педагогика институтига ўқишга кирдим. Ҳамид Сулаймонов ёш домла эди. Анвар Қўчқоров, Зафар Диёр, Шуҳрат, Лиходзиевский, Елена Стемпковская, Аҳмад Алиев, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Солиҳ Қосимовлар билан олдинма-кейин ўқиганман. Институтда чиқадиغان «Педагог — марксист» деворий газетасида фаол қатнашганман.

Ўқитувчиларимиз орасида ҳассос шоир Мақсуд Шайхзода ҳаммамнинг ҳурмати қозонган эди. Унинг ёниб лекция ўқишлари, «Қазбек» папиросини лабидан кўймай, мароқ билан юракдан гапиришлари ҳеч қачон кўз ўнгимдан кетмайди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида Ёзувчилар Союзига «Евгений Онегин»нинг Ойбек томонидан қилинган таржимаси муҳокамасида қатнашганим ҳам сира эсимдан чиқмайди. Шунда шоир Усмон Носир Ойбек таржимасига юқори баҳо берган ҳолда ўзи таржима қилган «Татьянанинг Онегинга мактубини ўқиб берган ва олиш олган эди...

Адабий устозлар ҳақида гапирамиз-у, дастлабки оқ йўл тилаганларни баъзан унутамиз. Уттиз йил аввал «Уста Ғиёс», «Яшил қишлоқ» дostonларим нашр этилиб, адабий ҳаётда каминанинг номи оз-моз сезилаётганда унутилмас ва ғоятда ҳурматли раҳбаримиз Усмон Юсуповнинг диққатига тушиб, икки бор у киши қабулида бўлганман.

1948 йили Пленумда Ёзувчилар Союзига секретарь этиб сайланганман. Ойбек ака билан бирга ишлаган пайтларимни ҳаётимдаги энг яхши саҳифалардан бири деб ҳисоблайман. Фаоллик, қунту сабр-қаноат каминани мана шу паллага олиб келди. Баъзан тутақиб, жиззакилик қилиш ҳам каминага ёт эмас. Оғир касал бўлиб, ҳаётим қил устида қолганида рус хирурги ҳаётимни сақлаб қолди. Эски шаҳарлик фельдшер — Мария Ивановна «бу ўзбек бола ўлмаслиги керак» деб, ҳаётим учун курашганини ҳам унутиш мумкинми?

— Ҳозир адабиётимизга бир гуруҳ истеъдодли ёш прозаиклар ва шоирлар дадил кириб келаётганини кўриб турибмиз. Хайриддин Султонов, Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмон, Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ сингари навқирон ижодкорларнинг жиддий қадамлари жамоатчиликка манзур бўлди. Ҳозирги ёшлар ижтимоий ҳаётга фаол аралашмоқдалар, турғунликка, адабиётдаги ўртаименчиликка, манфаатпарастликка қарши жиддий курашмоқдалар, кўпгина негатив ҳодисаларнинг олдини олишга уринмоқдалар. Бу — табиий жараён, албатта. Ешликка шижоат, жушқинлик ярашади. Айни замонда, катталар ҳам бу ҳаракатларга бепарқ қараб турганлари йўқ. Ёшларнинг интилишларини маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Уларнинг қишларини мамнуният билан қўйсатар эканман, беихтиёр Сиз мансуб бўлган авлоднинг илк қадамлари ҳақида ўйладим. Сизлар, яъни Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Туроб Тула, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шукрулло ва бошқа бир гуруҳ адиблар ҳам 30-йилларнинг охирилари, 40-йилларнинг ўрталарида адабиётимизга катта тўлқин кириб, мустақкам илдий отгансизлар. Ҳозирги давр, ёшлар ижодини ўша йиллар билан қиёслаб кўрганда, Сизга ҳозирги ёшларнинг ижоди ва ижтимоий фаолиятидаги қайси фазилатлар ёқади? Ўз тенгдошларингиздаги-чи?

— Дарҳақиқат, «ёш» демайман, кейинги забардаст авлод ичидан Азим Суюн, Мирпўлат Мирзаев, Ҳожиякбар Шайхон, Шавкат Раҳмон, Омон Мухтор, Ҳабиб Саъдулла, Муҳаммад Солиҳ, Усмон Азим, Рауф Парфи, Тоғай Мурод, Эргаш Муҳаммад, Хайриддин Султонов, Турсун Иброҳимов, Эркин Аъзам, Хуршид Даврон, Мирза Кенжабоев, Ҳамрокул Ризо, Зоҳир Аълам, Машраб Бобоев, Миразиз Аъзам, Ҳалима Қорабоева, Икром Отамуродов, М. Муродова, Абдулла Шер асарлари менга ёқади. Бу рўйхатни яна ҳам кенгайтириш мумкин. Энг қалтис томони шуки, баъзан афандининг супасидек энг қадрдон ва энг яхши курадиган ижодкорни унутиб қўясан, киши. Шунинг учун ҳам рўйхатбозлик жуда хавфли. Укаларимизнинг ютуғи шуки, айтилмаган гапни ёки бизлар айтаолмаган гапларни маҳорат билан айтишяпти, бунга офарин дейиш керак. Улар ижодда бир-бирларига ўхшамайди. Бу яхши. Келгусининг катта авлоди пайдо бўлди десам хато қилмайман. Мен уларга меҳнату кунт ва парвоз тилайман.

Укаларимиз — навқирон авлоднинг ижодда ҳақ гапни айтиши, ҳақгўйлигини қувватлайман, бу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликни маслаҳат бераман. Катта авлодга саломни унутмаган ҳолда ижодда олдинга ўтиб кетавериш даркор. Бу ҳақида Абдулла Қаҳҳор яхши бир гап айтган. Ёдингиздадир?, Бу, мардлик ва ҳақиқатгўйликдир. Биз ижодда Ойбек, Ғафур Ғулумдан ўтиб кетмаган бўлсак ҳам, мутлақо уларга эҳтиромимизни, саломимизни йўқотган эмасмиз. Виждонимиз пок.

— Ёшларнинг қайси ишлари, хатти-ҳаракатлари Сизга маъқул келмайди? Ўз тенгдошларингиздаги-чи?

— Ойда ҳам доғ бор дейди халқимиз. Ҳар тўқисда бир айб. Мен хоҳ катта одамда, хоҳ кичикда бўлсин, манманлик, димоғдорликни, ёқтирмайман. Ёшларимиз ана шу иллатдан нари юрсин деб

орзу қиламан. Камтарликни асло қўлдан бермаслик керак. Мен 27 ёшимда Ёзувчилар союзига секретарь бўлиб сайланганим билан ҳар доим фахрланаман. Энди тасаввур қилиб кўринг, шу ёшда, шу лавозимда манманликка берилиб, димоғим шишиб кетганда нима бўларди?.. Ёшлик — бебошлик дейишгади-ку! Шу ерда бир воқеани айтиб берай. «Уста Ғиёс» тилга тушиб, танилиб қолган пайтларимда «Олтин куз» номли повесть ёздим. Асардан бир парча «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди ҳам. Кейин иш юришмай қолди. Анча мулоҳазалардан сўнг қиссани Ойдин опага ўқишга бердим. У киши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ишларди. Синчиклаб ўқиб чиққач, асардан кўнгли тўлмаганини очиб айтиб, самимий маслаҳатлар берди. Мулоҳаза юритиб кўрғач, барча танқидий фикрлар тўғрилигини тан олдим... Қиёмега етмаган, ҳам асардан воз кечдим. Ҳар ҳолда, биз ўзимизни ана шу пайтлардаёқ қаттиқ қўлга олиб, катта ижодий ниятларга интилдик. Қийинчиликлардан чўчимай, дoston ёзишга, кейинроқ йирик насрий жанрларга ўтдик... Меҳнатдан эринмадик.

Сингилларимиздан бири «ҳақиқий адабиётни мана энди биз яратамиз» деганини эшитдим. Очигини айтсам, қаттиқ ранжидим. Майли, менинг тенгдошларим ижоди бир чеккада тура қолсин. Наҳотки, Қодирий, Айнйй, Фафур Фулом, Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳорлар ижоди «ҳақиқий адабиёт» бўлмаса?! Ҳар қандай гапни сал орқа-олдига қараб, мулоҳаза қилиб айтган маъқул. Уқувчи маъқуллаган асарларни била туриб, тилга олмаслик ҳам мардликка кирмайди.

— Сўзлар кўпроқ нималар ҳақида баҳслашар эдингизлар?

— Бу саволиниқ юрагимдаги кўп яраларни қайтадан янгилагандек бўлди. Уни бошқачароқ кўйиш тўғри бўлармиди балки? Ахир биз баҳслаша олармидик, бунга имкон бормиди у вақтда?

— Мақсуд Шайхзода ижоди бўйича илмий иш ёзгансиз. У кишининг бошига тушган мусибатлардан яхши хабарингиз бор. Унга қўйилган айбларни эсланг. Маяковский асарларини қасддан бузиб таржима қилган, интернационал сўзларни ўзбек тилига киритмаслик учун атайлаб арабча, форсча сўзларни кўп ишлатган эмиш!..

— Ҳозирги ёшлар бу гапларни эшитиб: «Наҳотки шу даъволар асосизлигини исботлаб бериш, рад этиш шунчалик қийин бўлса!»— деб ҳайрон қолиши, ҳатто таъна қилиши табиий...

— Ҳа, бу айтишга осон, аммо у вақтда шароит бутунлай бошқача эди... Шундай бўлмағур айблар билан яна бир қанча олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари қаттиқ таъқибга учради...

— Дарвоқе, грузин режиссёри Тенгиз Абулдзенинг «Тавба-тазарру» фильмида шу давр фожеаларига сабаб бўлган раҳбар шахсларнинг хатти-ҳаракатлари шафқатсиз ҳаққонийлик ва чинакам граждaнлик жасорати билан очиб берилган. Муаллифининг ўзи бир суҳбатига фильм гоёси, қаҳрамонлари ҳақида шундай гапни айтди: «Бундай «қаҳрамонларни» истаган даврда, истаган мамлакатда топиш мумкин. Афсуски, жамиятимизда ҳозир ҳам бундай шахслар йўқ эмас. Улар одамийлик ниқобини қалқон қилиб зимдан иш кўрадилар, ўз манфаати йўлида ҳар қандай разилликдан тоймайдилар. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, фильм қаҳрамони Варлам Аравидзенинг умумлашма образига бир вақтлар Рим шахрига ўт қўйган Бирон исми мустабид ҳукмдорни ҳам, жаҳон ҳокими бўлишни истаган малъун Гитлер башарасини ҳам, шахсга сифиниш курбонларининг асосий сабабчиларини ҳам, борингки, маданий революцияни рўкач қилиб буюк Хитой халқини йўлдан чалғитган хунвейбинчиларни ҳам кўрагимиз... Фильм воқеалари инсоний ҳуқуқлар қаерда ва қачон поймол этилган бўлса, уша ерда бўлиб ўтган. Йғво, фиску фасод, террор қайси жамиятда ҳукм сурса, уша жойда содир бўлган. Бунга ўхшаш бедодликлар истаган даврда, истаган мамлакатда содир бўлган бўлиши мумкин. Мақсад — ҳаёт ривожига, жамият тараққиётига зид бўлган ноинсонийликка чек қўйиш, ҳали айтганимиздек, унинг олдини олишдан иборатдир. Менга қолса, фильми адолатсизликка қарши қаратилган даъват деган бўлардим».

— Мен ҳам бу фильми тамоша қилдим. Одамларни ҳушёрликка, ўтмиш сабоқларини ҳеч қачон унутмасликка чорлайдиган, аччиқ ҳақиқат билан суғорилган асар бу. Истеъдодли рассом йигитнинг фожиали тақдирини эсланг. Унинг нима гуноҳи бор ўзи? Бошига қанча тўхмат тоши отилади, ҳадсиз азоб-уқубатларга дучор этилади. Хотини, қизи-чи?.. Томошабин фильмида кўрсатилган адолатсизликлардан қаттиқ ғазабланиди, рассомнинг оиласи бошига тушган мусибатлардан вужуди ларзага келади. Хўш, фильмдаги бошқа қаҳрамонлар-чи? Нега улар ноҳақликка қарши бирдек фаол кураша олмайдилар? Ҳамма фожиа мана шу ерда эди. Адолатсизлик авж олган шароитда эрк, ҳақиқат топалади, мағлул бўлади. Бизнинг бахтимиз шундаки, ҳаётимизда ленинча адолат нормалари тикланди, ноҳақликларнинг ҳар қандай қириниши чириган девордек кўз ўнгимизда нураб тушмоқда. Ҳаётимизда ошкоралик, чинакам демократия замони бошланди. Очиғи, бугунги ёшларга ҳавасим келади. Улар эсаётган ҳаётбахш шабадалардан баҳраманд бўлдилар, қалб амри билан асарлар яратиш, халқ дилидаги гапларни дадил айтиш, жамият ривожига ҳалақат берадиган иллатларни фoш қилиш учун ҳозир барча шарт-шароит мавжуд. Биз кўп вақтимизни вульгар социологизм ва машъум «конфликтсизлик» назарияси гирдобига ўтказдик. Улар эса қандай оқибатларга олиб келганини ўзингиз яхши биласиз.

— У вақтда, айтишлик ўғри ёки порахўр ҳақида, раҳбарнинг бюрократлиги, мансабидан фойдаланиб, нопоқ ишлар билан шуғулланиши, текин бойлик орттириши ҳақида ёзиб бўлмас эди. Бундай нуқсонлар ўткинчи, жамиятимиз учун типик эмас деб айюҳаннос солинарди...

— Узоқча бормайлик, «Уста Ғиёс» дostonимда Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги дастлабки йилларда ўзбек қишлоқларида кечган воқеалар тасвирланган. Табиийки, у вақтда ҳозиргидек планли кўчалар, фиштин иморатлари тунука томлар йўқ эди. Нимасини яширамиз, ҳозир ҳам кўпгина қишлоқларда кўчалар чанг-тупроқ, ёғингарчиликда лойга ботиб юрилади. Ободончилик ўлда-жўлда. Маҳаллий раҳбарнинг масъулиятсизлиги, ташаббуссизлиги оқибатига аҳвол йиллар бўйи ўзгаришсиз ётади. Мен дostonда иложи борица ҳаёт манзараларини аниқ чизишга интилдим. Кейин нима бўлди денг?

**Ўркач-ўркач пахса деворлар,
Пасту-баланд томлар, мўрилар...
Мўрилардан тутун бурқади,
Енар эди ҳўл ғўзапо —**

каби оддийгина мисралар қаттиқ танқид қилинди. Эмишки, шоир колхоз қишлоқлари қиёфасини

бузиб тасвирлаган... Бундай тасвир бугунги совет қишлоқлари қиёфасига мос эмас ва ҳоказо. Аҳвол шундай бўлгандан кейин ҳаётнинг теран таҳлилию мураккаб характерлар яратиш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Энг ёмони шу эдики, бундай бир томонлама танқиддан кейин ижодкор хавф остида қоларди. Худди грузин фильмидаги каби.

— 50-йилларнинг иккинчи ярмида «конфликтсизлик» назарияси қаттиқ танқид қилинди. Чинакам ҳаёт нафаси билан йўғрилган асарлар пайдо бўла бошлади. А. Твардовский, К. Симонов, Степан Шчипачев, Ч. Айтматов ва бошқа кўплаб совет ёзувчилари яратган китоблар қўлма-қўл ўқиладиган бўлиб қолди. Ўзбек адабиётига ҳам ҳаётбахш руҳ кириб келди. Аммо, афсуски, 70-йиллардан бошлаб яна танқидни бўғиш, ҳаётни бўяб, пардозлаб кўрсатиш, офаринбозлик кучайди. Уша йилларда КПСС XXVII съезди ёки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида рўй-рост очиб ташланган кўзбўямачилик, ўғрилиқ, қўшиб ёзиш каби иллатлар ҳақида ёзиш уёқда турсин, гапириш ҳам яна қийинлашиб кетди.

— Шунинг учун ўтмиш сабоқларини ҳамма, айниқса ёшлар доимо ёдда тутиши керак. Яқингинада «Правда Востока» газетасида эълон қилинган ва жамоатчиликнинг норозилигига учраган ўртоқ М. Ф. Ваҳобовнинг мақоласидан шундоққина 40-йилларнинг ҳиди келиб турибди.

— Урушдан кейинги мураккаб йилларда Ойбекнинг «Қизлар» достони билан изма-из Сизнинг «Уста Фиёс» поэманинг «Шарқ юлдузи» журналида босилган эди. Дастлаб, ҳар икки асар ўша йиллар шеърятининг муваффақияти сифатида баҳоланди, кейин эса юқорида айтилгандек, «Уста Фиёс» ҳақида танқидий фикрлар ҳам чиқиб қолди. Шунинг таъсирида бўлса керак, дostonга айрим ўзгаришлар киритган эдингиз. Натижада Уста Фиёс янада фаоллашади, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони даражасига етади, съездга делегат қилиб сайланади ва ҳоказо... Тўғри, бу билан совет турмуши тарзининг афзалликларини, оддий деҳқон тақдирдаги ҳаётбахш ролини таъкидлагансиз. Ният мутлақо яхши, аммо унинг бадиий ижросида баёнчилик пайдо бўлган, оқибатда дostonнинг бадиий кучи, таъсирчанлиги анча сусайган эди. Бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз? Чамамда, бу ерда ўша йиллардаги мураккаб шароит ва тўқмоқли «танқид» ўз кучини кўрсатган бўлса керак?

— «Уста Фиёс» достони ва унга кейинчалик киритилган таҳрир ҳақидаги Сизнинг фикрингизда жон бор. Дастлабки «Вафо» шеърлар тўплами муҳаррири Мақсуд Шайхзода домла эди. «Уста Фиёс»га Миртемир ака муҳаррир бўлган. Александр Александрович Фадеев Москвада, Пленумда Асқаднинг «Пўлат қуовчи» ва менинг «Уста Фиёс» дostonларимни тилга олиб, истаклар билдириб, яна ишлаш кераклигини айтган, Миртемир ака ва таржимон, филология фанлари кандидати Абдурахмон Алимҳамедовнинг маслаҳатлари билан бу «таҳрир»лар киритилган. Чунки ўша йиллари А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи ҳам қайта ишланган эди.

— Мен профессор Умарали Норматов билан ҳамкорликда ёзилган «Ижоднинг кўш қаноти» китобида мазкур дoston қайта нашр этилса, илк варианты тиклангани маъқул деган фикрни илгари сурган эдим. Сиз ҳам бу мулоҳаза тўғрилигини айтгансиз. Аммо негадир дostonнинг энг кейинги нашрида ҳам қайта ишланган, ўзгаририлган текст эълон қилинди. Очигини айтсам, буни кўриб, ҳайрон қолдим.

— Эътиборсизлик. Яна нашр этиш вақти етса, мен қайта кўриб чиқаман. Ҳурмат қилиб, муаллифни камситмай, ҳиссиётга берилмай билдирилган ҳар қанча ачиққ танқид ёзувчига азоб бермайди.

— Сиз 40—50-йилларда асосан шоир сифатида шуҳрат топгансиз. Бу йиллар қирчиллама йигит вақтингизга тўғри келади. Бундай паллада кўп шоирларимиз ижодиде ишқ-муҳаббат, севги туфайли туғилган хилма-хил изтироблар, руҳий ғалаён, қалб драмаларини тасвирлаш етакчилик қилади. Сизда эса ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърлар кўпроқ. Аслида бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Чунки шоир биринчи навбатда зamon талабларига жавоб излайди, даврнинг қайноқ нафасини шеърлари бағрига сингдиришга интилади. Сиз яратган «Қора кўзойнак», «Универсалчи» ва ҳоказо шеърларингиз, «Далалар ва одамлар», «Меҳмонлар» сингари туркумларингиз ўз вазифасини ҳалол бажарган деб бемалол айта оламиз. Шунга қарамай, ана шу йилларда ишқ-муҳаббат мавзуда кам ёзганингизга асосий сабаб нима? Бу шунчаки тасодифий ҳодисами ёки бирон-бир жиддий объектив ва субъектив таъсирлар бўлганми?

— Союзга ёш секретарь, кейинчалик «Шарқ юлдузи»га бош редактор бўлиш зиммамга катта масъулият юклаган. Жамоат ишларига эрта киришганим сабабли ҳамда улкан рус шоирлари, ўзимизнинг оқсоқоллар таъсири бўлди, мен гражданилик, умуминсоний шеърларни кўпроқ ёздим. Муҳаббат шеърлари ботида ўртоқларимдан орқада қолганим йўқ. Лирик шеърларим жуда кўп...

— Ҳар ҳолда бундай шеърлар ижодингизда 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўпроқ учрайди. Бошқа тенгдошларингизда ҳам шундай ҳол очик сезилади.

— Нима деганингизда ҳам ошиқона шеърларни кўп ёзганман, буни Сиз яхши биласиз, албатта.

— Назаримда яна бир муҳим сабаб чеккада қолиб кетаётгандек туюлади. Урушдан кейинги йилларда ҳар хил субъектив сабаблар туфайли Анна Ахматовадек ҳассос лирик шоира ижоди қаттиқ камситилгани маълум. Ўзбек адабиётида ҳам севимли шоирларимиз, Уйғун, Собир Абдулла ва Ҳабибийнинг ишқ-муҳаббат, ҳижрон, айрилик каби инсоний туйғулар куйланган шеърларига ҳар хил тамғалар босилди. Бунинг оқибатида адабиётда риторика тобора авж олди-ю, поэзия ўзининг асл манбаи — инсон қалбидан узоқлаша бошлади. Озод Шарафиддинов тўғри таъкидлаганидек, «воқеликни бутун мураккаблиги, барча қарама-қаршиликлари ва бор ҳақиқати билан акс эттиришда ҳадиксираш вужудга келди. Шаҳса сифиниш эркин фикрлаш имкониятларини торайтириб қўйди, ҳамма нарсани безаб, бўяб кўрсатишга ундади».

Маълум йилларда ишқий лириканинг иккинчи планга сурилишига мана шу объектив шароит катта таъсир кўрсатган десак, манзара анча ойдинлашади. Энди ижодингизнинг муҳим қирраси ҳақида гапласак. Олтмишинчи йиллардан Сиз асосан насрда ижод қилаясиз. Қатор ҳикоялар, повестлар, романлар яратдингиз. Улар қардош халқлар тилларида ҳам нашр этилиб, кенг тарқалаётганидан хабаримиз бор. Шеърдан прозага ўтишингиз осонликча кечмагандир? Бу ерда бирон-бир «сир» ёки ички қонуниятми, маънавий заруратми, бўлса керак?

— Сиз, албатта, менинг кўпчилик шеърларим воқебанд эканини пайқагансиз. Воқебандликни яхши кўраман. Дostonларда муайян сюжет бўлиши кераклиги ҳақида йигирма йил бурун, «Литературная газета»да мақола билан чиққанман. Воқеа — сюжетсиз «достон»ни тан олмайман. 1936 йили, энди биринчи шеърим чиққан йили «Ёш куч» журналида «Шералининг мардлиги» ҳикоям босилган. Наср боғига камина тасодифан кириб қолганим йўқ. Гарчи ноўринроқ, хатороқ бўлса ҳам бир гапни айтгим келади: яхши шоирлар ахир бир куни насрга ўтиши табиий. Шоирдан чиққан носир яхши адиб бўлади. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романини эсланг. Бу гап баҳсли, албатта, начора, айтгим келди, айтдим. Шоир улғайгач, юрагидаги гапларини шеърга сиғдирилмай қолади. Назм-ирмоқ, шалола, фаввора, сой, булоқ... Наср — дарё, денгиз — унинг бағрида наҳанглар, устида оғир кемалар сузади. Назм — атр гуллар чамани, наср — буғдойзор, назм — торту пашмак, наср — нон... Бу муқояса ҳам танқидчи дўстларимга ёқмаса керак, лекин начора, айтгим келди. Шеър — халқ қалби, ҳаяжон, куй, изтироб... Насрсиз адабиёт донги узоққа бормайди, халқ ҳаётини бусиз тўла кўрсатиб бўлмайди; насрни ҳамма ўқийди, назмни, унинг қадрига етадиган шинавандалар ўқийди... Қилдан қийиқ ахтариб, бу гапларнинг хатосини топиб ўтириш керак эмас, дилимга келди айтдим, қўйдим! Мана, масала қаерда!

— Сиз яратган ҳикоялар, айниқса, «Араб ҳикоялари» туркуми адабий жамоатчиликка манзур бўлди. Бу туркум ҳақида ҳатто устоз Абдулла Қаҳҳор ҳам яхши фикр билдирган. Бу ҳикояларда ҳаётий жозоба, табиийлик кучли. Бунга эса эришиш осон эмас...

— Миср ва Сурияга қилган саёҳатим натижаси ўлароқ «Араб ҳикоялари» яратилди. Ҳиндистонга бориб, шеърлар ва «Мўтилла»ни ёздим. Афғонистонга бориб, «Чодрали аёл»ни... Кўпгина хорижий эллар заҳматқашлари ҳақида асарлар ёзганман. «Араб ҳикоялари»даги баъзи персонажларнинг прототиби бор, албатта.

Умуман, Арабистон, Ҳиндистонга боришимдан олдин бу мамлакатларнинг тарихи, иқлими, адабиёти ва санъатида доир кўпгина тарихий ҳужжатларни, турли илмий китобларни синчиклаб ўргандим. У юртлар, одамлар ҳақида менда маълум тасавурлар бор эди. Сафар пайтида кўрганларим ва илгари тўпланган материалларим менга қўл келди. Саёҳат хотиралари ёзишни азалдан ёмон кўраман. Шунинг учун менга таъсир қилган воқеаларни, кўнглимдан ўтган мулоҳазаларни, манзараларни дастлаб бир қозоғга тушириб бордим. Сўнг уларни ҳикояга айлантиришим унча қийин кечмади. Бир-икки ҳикояни Москвада, қолганларини Тошкентда ёзиб битирдим.

«Ал-Маҳдий» ҳикоясида ўз эркини, Ватанини, ор-номусини ҳамма нарсадан устун қўйган ватанпарвар киши образини яратишга интилдим. Ал-Маҳдий инглизлардан садақа сўрагани учун ўз қизининг қўлини чолиб ташлайди. Бошқа ҳикояларда ҳам ана шундай руҳ, шиддат, кескинлик бўлишига ҳаракат қилдим. Агар бу асарларим ўқувчига маъқул келган бўлса, меҳнатим, изланишларим беҳуда кетмаганидан севинаман.

— «Умид» романингиз хусусида ўзимизда ҳам, марказий матбуот саҳифаларида ҳам қизғин баҳслар бўлди. Асар бош қаҳрамони селекционер олим Умид ҳақида «у худди филолог сингари фикрлайди» деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Узингиз бу баҳслар, мунозараларга қандай қарайсиз?

— Умид замирида бўлғуси селекционер олимдан ташқари ўзим, яъни каминанинг ҳам прототиплари — қисмати бор. Камина филология фанлари кандидати бўлмаса ҳам оз-моз филологиядан хабарлари бордир... Зеро, қаҳрамонга ёзувчи табиатидаги сифатлар ўтишига шубҳам йўқ.

«Умид» чиққанидан кейин бу асарга ўхшаб кетадиган бир неча китобчаларнинг ёзилиб, нашр этилгани адабиётимиз ютуғи эмас, албатта. Эпигонликдан қочиш керак. Умид ёки Умида деган исмларнинг кўпайгани яхши. Фарзандим номини Умид қўйдим, деган хатлар юзга етади. Уша фарзандларнинг катта йигит, ақлли қиз бўлишини умид қилиб ўтирибман.

— Кези келиб қолди. «Илдишлар ва япроқлар» романи ҳақида билдирилган танқидий фикрларни қабул қилдингизми?

— «Илдишлар ва япроқлар» романининг биринчи китоби эълон қилинган эди. Роман ҳақида айтилган танқидий мулоҳазалар асосида мавжуд камчилик ва нуқсонларни бир-икки эмас, ўн баробар тузатиб, ишлаб, иккинчи китобини ҳам ёзиб битирдим.

— Тарихий мавзу кўп йиллардан бери ижодингизда етакчилик қилиб келмоқда. «Широқ», «Авесто» дostonларингиздан бошлаб, «Чўри», «Оқ мәрмар», «Тунги чақмоқлар» қиссаларингиз, «Меъмор», «Темурали» романингиз ўқувчилар эътиборини қозонгани маълум. «Широқ» дostonингизда:

**Мен элимини қўл кўргунимча
Чирганим маъқул тупроқда!**

деган оташин хитоб катта пафос билан жаранглайди. Улкан ватанпарварлик туйғулари билан сўғорилган бу фикрлар тарихий мавзудаги барча асарларингизнинг ўзагини ташкил этади десак, янглишмаймиз.

— Ҳа, тарихий мавзуда меҳр ва илҳом билан қалам тебратаман. Ўз тарихини яхши билмай замондошимиз ва келажак ҳақида ўлмас асар яратаман, деганларга ишонмайман. Ҳар бир халқ ўз тарихини тиниқ ва ҳаққоний кўрсатилган асарлар орқали яхши билса, камол топади. Яхши тарихий асар, яхши дурбин узоқни яқин қилиб кўрсатади. Тарихий асарлар ҳам энг яхши замонавий асарлар каби катта ишимизда камарбаста. Иван Сусанин ёки Кутузов, Широқ, Али-Қушчи, Навоийлар ҳазилакам образларми?! Ярослав Мудрий, Абай, Чўқон, Воселар халқ ичидан чиққан; халқнинг бахту саодати йўлида қурашган қаҳрамонлар ўз авлодини Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайди. Улуғ Ватан уруши йилларида қадимий халқ қаҳрамони Иван Сусанин, саркардалардан Суворов, Кутузов, Богдан Хмельницкий, Петр I, Дмитрий Донскойлар, Рустаму Авазлар, Вардананк, Тарас Бульба, Алпомишу Манаслар номи тилдан тилга ўтди, босқинчини тезда тор-мор этишда совет солдатлари ёнида бўлди.

Замонни қуйлашимиз, ажойиб замондошларимизнинг ёрқин сиймосини тасвирлашимиз керак. Лекин тарихни яхши биладиган қаламкаш тарихий мавзуда асар яратар экан, бунинг нимаси ёмон! Фақат тўғри, ҳаққоний, халқ манфаати йўлидан тоймай кўрсатиш керак. Марксизм ва синфийлик нуқтаи назаридан ёзилган тарихий асарлар ҳеч қачон ўлмайди. Ҳар бир тарихий рисола адабиёт бўлавермайди. «Уруш ва тинчлик» романи ёзилиш даврида Лев Толстой тўплаган ва ўрганган ҳужжату рисолалар тўпланса, ўзи бир ўй, ўзи бир кутубхона бўлар экан.

«Темур Малик» нашр этилгандан кейин бир-икки ҳафта ичида китоб сотилиб тугади. Баъзилар келиб ўзимдан олиб кетишди. Менга кўлаб хатлар келмоқда. Озарбайжон Фанлар академиясини академиги Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зиё Бунётов халқ қаҳрамони ҳақида китоб яратилгани билан мени табриклади. У йирик шарқшунос олим сифатида Шахобиддин ан-Насавийнинг «Сират» китобини араб тилидан русчага таржима этган ва бу китобни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишлаган. Машҳур «Хоразмшоҳлар давлати» китобини ҳам у ёзган. Бевосита ва билвосита бу олимнинг менга кўрсатган катта ёрдамини ҳеч қачон унутмайман. СССР Ёзувчиларининг VIII съездида сўзга чиққан нотиклар тарихий асарларнинг роли ҳақида жуда одил фикрлар айтишди. Халқларимиз қаҳрамонлик тарихини устод С. Айний ёздими, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ж. Икромий, Улуғзода ёздими ёки мен ёздимми, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ёздими, нима фарқи бор! Энг муҳими, халқ бахти учун курашганлар эсдан чиқмаслиги керак! Халқларимизнинг ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам кўрсатаётган матонати ғоятда муҳим. Россия ва Урта Осиё халқлари тарихи қадимдан бир-бирига боғлиқ. XII асрда мўғул босқинчиларига қарши курашда Россия ва Урта Осиё халқлари тақдири бир хил эди. Босқинчига қарши курашда рязанлик Евпаций Коловрат билан ҳўнандлик Темур Маликнинг мақсади битта эди — юртни босқинчидан асраш. Дмитрий Донской билан Маҳмуд Торобий мақсади ҳам бир эди — юрт ҳимояси.

«Темур Малик» тарқалгач, Тожикистоннинг «Адабиёт ва санъат» газетасида «Нигинаи Воруҳия» деган мақола босилибди. Бу яхши. Менинг ўйлаб топган воқеам тарихга айлиб кетибди, бу китобнинг таъсир кучидан далолат беради. Тожики биродарларга ташаккур айтаман!

— Олис тарих саҳифаларини жонлантириш пайтида шахслар ёки тўқима персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-кечинмаларидан тортиб, кийим-кечагигача, буюмлари, қурол-аслаҳалари, сўзлашув тарзигача тарихий колорит аниқ акс этиб туриши керак. Буларнинг ҳаммасини мукаммал гавдалантириш айтишгагина осон. Тарих ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш — академик ёзувчимиз Ойбек айтганидек, нина билан қудуқ қазишдек оғир иш. Ана шу машаққатли меҳнат жараёнида Сизга йўл кўрсатувчи, маёқ вазифасини бажарувчи мезон нима?

— Асосий мезон — ҳақиқат, албатта. Лекин ёзувчи тарихий манбалар, ҳужжатларга суянган ҳолда бадиий тўқимадан самарали фойдаланса, бунинг ҳеч қандай зарари йўқ. Юқорида тилга олганим, Нигинага боғлиқ воқеаларни эслайлик. Шаҳзода Жалолоддин Мангубердиннинг котиби Насавий ёзган «Сират...» асарини ўқиётим. «Бинт Занкижа ва туркий раққосалар» деган иборага дуч келдим. Хаёлимда раққосаларнинг саройдаги қисмати, аяноч тақдири бирин-кетин гавдалана бошлади. Шу тарихқа асарга Нигина образи кириб келди. Унинг тожики фарзанди экани-ю, Воруҳ қишлоғида туғилгани, Темур Малик билан муносабатлари — буларнинг ҳаммаси хаёлот маҳсули.

Тарихий ҳужжатлар тамом бўлган жойдан ёзувчининг иши бошланади деган гап кенг тарқалган. Мен бунга тўла қўшиламан.

Тошкент шаҳрини хоразмшоҳ Оловоддин Такаш вайрон қилгани ҳақида Катта Совет Қомусида ёзилган. Бор-йўғи бир-икки жумладан иборат бу маълумот менга Абдулқодир мунший — қилқалам образини яратишда қўл келди. Бу киши асли шошлик. Бутун умрини мамлакат пойтахти Гурганжда сарой хизматига ўтказган. Кексайган пайтида она шаҳри золим шоҳ томонидан ер билан яқсон қилинганини эшитгач, бир дақиқа ҳам пойтахтда тура олмай қолади. Саройини тарк этиб, кучли таъқиблар, маломатлар, энг муҳими, шоҳнинг ғазабидан ҳайиқмай, она юртига йўл олади. Муншийнинг бу жасорати ва ачиқ тақдири замирида улкан ҳаёт ҳақиқатлари яширин эди. У мустабид шоҳнинг золимлиги ва калтабинлигини кўрсатишда яхши восита бўлди.

«Меъмор»даги Шоҳруҳ Мирзога суиқасд воқеаси тарихий ҳужжатлардан айнан олинган. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ёзилган. Қотил Аҳмад Лур хуруфийлар сулукига мансуб эди. Меъмор Нажмиддин Бухорий ҳам хуруфийларга алоқадор шахс. Шунинг учун бошига кўп савдолар тушади, тўхматга учраб, ёлғиз ўғли Низомиддиндан жудо бўлади... Меъмор ҳаётига доир воқеаларнинг ҳаммасини хаёлан яратдим. Тарихий ҳужжатларда айнан Нажмиддин Бухорий деган меъмор яшаб ўтганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин бир неча Бухорий нисбали меъморлар яшагани маълум. Ўзбек халқи табиатан қурувчи халқ. «Ўзбек бойиса том солади...» деган мақол халқимизнинг ана шу фазилатидан келиб чиққан.

Асар устида ишлаётганимда ҳар бир деталь, жой номларигача тарихан аниқ бўлишига жиддий эътибор бераман. Ҳатто турли географик хариталарни ҳам эринмай ўрганиб чиқаман. «Меъмор»да Халач бўрони эпизодини илмий-географик маълумотларга таянган ҳолда тасвирлаган эдим.

«Меъмор»да Улуғбек ҳаётига доир айрим лавҳалар бор. Самарқанддаги ҳунармандлар маҳалласини «қатлу ом» қилдирилгани ҳақида манбалар орқали хабардор бўлдим. Бундай ўринларда тарих ҳақиқатига қаттиқ суяндим. Умуман, санъаткор замонавий мавзуда ёзадими ёки тарихий мавзудами, барибир, тарихийлик принциpidан чекинмаслиги, унга жиддий амал қилиши зарур. Акс ҳолда тарих колоритини, тасвирланаётган давр руҳини аниқ ифодалаб бўлмайди.

Юқорида Мақсуд Шайхзоданинг лекцияларидан қаттиқ таъсирланганимни айтган эдим. Бир дарсда у Лутфий ғазалларидан кўплаб ёд ўқиди ва шоирнинг тахминий қиёфасини оғзаки «чизиб» берди. Мен «Меъмор»ни ёзаётган вақтда, Лутфий портретини Шайх ака сўзлаб бергандек қилиб гавдалантиришга ҳаракат қилдим. Асар босилиб чиққач, бир куни редакцияга марҳум олим Эргаш Рустамов кириб келди. У ҳаяжонланган ҳолда мени асар билан табриклади ва «Лутфий портретини қайси манбадан фойдаланиб яратдингиз?» — деб сўраб қолди. Очиғини айтсам, шу куни ўзимни жуда бахтиёр сезганман.

— Тарихий асарларингиз бошқа республикаларда қандай қарши олинади? Уларда тилга олинган воқеалар фақат Ўзбекистон билан боғлиқ эмас-ку!

— Машҳур шоира Римма Казакова ва таниқли қорақалпоқ адиби Тўлепберген Каипберга-

новлар Сурия пойтахти Дамашқда бўлишганида «Меъмор» («Зодчий») китоб магазинида сотилаётганини кўришиб, ватандоши асарини ўзиникидек бообру кўриб, қувониб кетишибди. Буни айтишганда жуда хурсанд бўлдим. Юқорида айтганимдек, тожик биродарларим, озарбайжон, кирғиз ва қозоқ биродарларимдан хатлар кўп. Аммо негадир ўзимизда танқидчиларимиз «Темур Малик» ҳақида сукут сақлашади... Бундақа «сукут»ларга ўрганиб қолганман.

— Ижод жараёнида қаҳрамонлар ёзувчининг ихтиёрига бўйсунмай қоладиган ҳолатлар учрайди. Буни Константин Паустовский «қаҳрамонлар исёни» деб атайдди. Айтайлик, Л. Н. Толстойнинг ўзига қолса, у Аннани ҳалок этмаган бўларди. Адиб буни ўзи эътироф этган. Адабий тажрибангизда шундай ҳолатлар учраганми? Шулардан бир-иккитасини айтиб берсангиз.

— Меъмор Нажмиддин Бухорийни Абу Саид навкарлари чопиб, ўлдириб кетишлари керак эди. Лекин мен уни ўлдирилмадим, беихтиёр мадраса олдида абадул абад тирик қолди. Темур Малик ҳалок бўлиб, Шоҳмурод Кўҳистоний тоғ оралиқларига чекиниб, омон қолиши керак эди. Лекин воқеа боришида уни ҳалок этиб, калаванинг учини йўқотиб, бир ҳафтача хомуш юрдим. Шунинг оқибатида Дамба деган, ўлдирилган жаллодни тирилтириб, романда ғализлик содир этибман. Кўҳистоний образининг жиловий кўлимдан чиқиб кетиб, ҳалок бўлди... Бундай ҳолатлар кўп учрайди. Начора! Қаҳрамон бизнинг истагимиз билан эмас, ўз характери мантиқи, ирода йўналиши билан яшайди.

— Ўрни келиб қолди, кўлэзма устида қандай ишлайсиз?

— Баъзи ёзувчилар асарини қайта таҳрир этиш учун оққа кўчирадилар. Мен қайта-қайта таҳрир қилиб бўлгандан кейингина оққа кўчираман, унғача бир варақнинг ўзида чизиб, ўчириб, ёзавераман. Фикр пишиб, қоғозга тушгандан кейин бир неча марта таҳрирдан ўтказаман. Достоевский ниҳоятда қаттиқ ишлар экан. Менда бир кўлэзмасидан олинган факсимиле сақланади. Шунчалик устидан бўяб ташлаганки, ҳатто ўқиб бўлмайдиган даражага бориб қолган.

Шарқ адабиётида ҳам таҳрир кучли бўлган. Кўлэзмаларнинг ҳошиясигача ёзиб, қайта тузатилган варақлар учрайди.

Кўлэзмаларимни йиртиб ташлай олмайман.

Умуман, ёзиш жараёни қийин кечади. Баъзан уч-тўрт боб силлиқ, равон ёзилади. Кейин сюжет талаби билан воқеалар ўзгаради, гоҳ олдинга ўтиб кетасиз, гоҳ орқага қайтасиз. Ахир бадиий асар эртак эмас-ку!

Қатъий план асосида ёзаман. Баъзан бундай план қоғозда ўттиз бетгача боради. Пьесанинг олдида иштирок этувчиларнинг рўйхати тўла берилади-ку, мен ҳам шунга ўхшаб қаҳрамонларимнинг номларини аввалдан ёзиб қўяман, чалкашиб кетмаслик учун.

Қаҳрамонларимнинг қиёфасини чизишда фойдаси тегиб қолар деб сурат ҳам йиғиб юраман. Журналлардан қирқиб, кўлэзмаларнинг четиға ёпиштириб қўяман. Айниқса, чиройли аёллар суратини. Чопиб кетаётган аргумоқлар, қилич ўйнатиб турган чавандозлар расмини яхши кўраман. Темур Малик қиёфасини аниқ кўз олдимга келтириб чизишимда ана шундай суратларнинг фойдаси теги.

— Баъзи ёзувчилар секин ишлашади, баъзилари эса жуда сермахсул бўлади. Сиз...

— Виктор Гюго ёзган романларнинг ўзи 20 томни ташкил этади. Бунинг ёнига шеърый ва сахна асарларини ҳам қўшинг. Бизда ёзувчи кўпроқ ишласа, асарлари тез-тез босилса, дарвор шубҳага борилади, бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади деганларидек... Ёзувчи оз ёзса-ю, соз ёзса, маъкул, албатта. Хўш, кўп ёзиб, соз ёзса — нимаси ёмон, масалан, Жорж Сименонга ўхшаб...

— Энди бевосита ҳозирги адабий жараён ҳақида суҳбатлашсак. Бугунги кунда республикамиз адабий жамоатчилиги ниҳоятда улкан ҳодисага гувоҳ бўлди: 20—30-йилларда ижод этган мураккаб адабий сиймолар мероси ниҳоят ҳолис баҳосини оляпти, ижтимоий адолат тикланыпти. Утмиш сабоқлари бизни доим хушёрликка чорлаши табиий. Чўлпон, Фитратлар ижоди бундан 20—30 йил илгари халққа етказилиши мумкин эди-ку! Бу ҳақда ҳозир гаплашиш фақат фойда келтиради. Хатолар яна такрорланмаслиги учун уларнинг сабаблари, илдизларини ҳам яхши билишимиз лозим.

— Фикрингиз тўғри. Бу машъум хатоларнинг сабаблари, илдизлари ҳақида юқорида қисман гаплашдик. Чўлпон, Фитратларнинг ижодини танқидий ўрганиб, саралаб, вақтида халққа етказилмагани туфайли маданий меросимиз ҳақидаги тасавурларимиз мукамал бўлмай келди. Лекин гап фақат шунда эмас. Оқибатда биз чет элдаги буржуа советшунослари — ғоявий мухолифларимиз учун тайёр баҳона топиб бердик. Улар анча йиллардан бери бизга худди шу масала хусусида тош отиб келишмоқда. Адолатнинг тикланиши — 20-йиллар адабий ҳаётини чинакам марксча-ленинча баҳосини олиши ҳар қандай ғоявий душманларимизнинг ҳуришларига, асабимизни бузишларига чек қўяди.

— Узингиз Чўлпон, Фитрат ижодини қандай баҳолайсиз?

— Чўлпоннинг лирик шеърлари, «Кеча ва кундуз» романи (1-китоб), «Ҳамлет» таржимаси билан танишганман. Адолат ва инқилобий қайта қуриш давримизда бу адиблар ижодидаги хатоликларга танқидий қараб, нашр этмоқ лозим. Ўқувчиларимиз савияси юқори. Фитратнинг «Қиёмат» асарини ўқиганман.

Театрларга томошабин кам тушади деб кўп нолиймиз. Чўлпоннинг «Ёрқиной» драмаси ёки Фитрат драмалари сахналаштирилса, аминманки, театрларга одам сифмай кетади...

— 20—30-йиллар адабиётидаги бошқа ижодкорлар-чи? Уларнинг меросини нашр этишда қандай муаммолар бор деб ўйлайсиз?

— Ҳеч қандай муаммо йўқ, инсофу принципалик, ҳалоллик, партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашиб, нашр этиш керак. Владимир Карпов, Евгений Евтушенколар Марина Цветаева, Борис Пастернак, Н. Гумилев, И. Бунинлар ҳақида қандай ғамхўрликлар қилишмоқда. Меросимизни тўла ўрганишимиз керак.

Масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам кўздан қочирмаслик лозим. Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасини эсланг. Нега бу асар ҳақида ҳеч қандай гап бўлмапти?

— Беҳбудий Қарши шаҳрида амир фармониға мувофиқ дорға осиб ўлдирилган экан. Бу чинакам фожиа-ку! Истибдод қурбони бўлган одамнинг ўзи, асари ҳақида сукут сақлашни... билмадим, қандай баҳолаш керак?

— Инқилобдан кейин Беҳбудий номига мактаблар қўйилганидан хабарим бор. Шахсга сифиниш йилларида адиб номи ва асарларига қора бўёқ чапланиб кетди. Энди бу сохта бўёқларни олиб ташлайдиган вақт келди. Шоир Тавалло ижоди ҳақида ҳам айнан шу гапларни айтиш мумкин. Бу шоирнинг кўпгина шеърларини ҳозир ҳам ёддан биламан.

— Рўйхатни яна давом эттиравериш мумкин. Элбек, Шокир Сулаймон, Жифой, Талас, Мажид Файзий ва ҳоказо...

Мен илмий асарлар орқали Таласнинг «Партизанлар» деган повесть ёзганини биламан. Аммо асарнинг ўзини кўрган ҳам, ўқиган ҳам эмасман. Уни бирон жойдан топиб бўлмайди. Кутубхонадан излайман десангиз, фақат вақтингиз беҳуда кетади.

— Бу адиблар ижоди аллақачон қайта нашр этилиши зарур эди. «Шарқ юлдузи» журналида Элбек ижоди ҳақида мақола чиқарганимизга ҳам анча йил бўлиб қолди.

— Мазкур адибларнинг китоблари араб ва латин алифбосида босилган. Уларни аввало ҳозирги имлога яхшилаб кўчириш, машинкадан чиқариш зарур. Ундан кейингина нашр масалалари ҳақида гапириш мумкин. Бунинг учун махсус вақт ва маблағ керак.

— Гапингиз тўғри. Бу ишга Тил ва адабиёт институти ёки Қўлёзмалар институтининг олимларини бемалол жалб этиш мумкин. Уларда вақт ҳам, маблағ ҳам етарли, бундан ташқари, буларнинг ҳаммаси бевосита ана шу илм даргоҳи бажарадиган ишлар-ку. Ёзувчилар союзи ҳам бу борада четдёр турмаслиги зарур.

— Яна бир муҳим факт эсимга тушиб қолди. Утган йили ёзувчи Саъдулла Сиёев билан Наманганга борганимизда Сўфизода ижодига қизиқдик. Чустада шоирга ўрнатилган бронза бюстни бориб кўрдик. Мактаблар, кўчалар шоир номига қўйилганини айтишди. Ахир Сўфизода улўғ Ҳамза билан бир кунда Ўзбекистон Халқ шоири унвонига сазовор бўлган улкан санъаткор-ку! Наманган шаҳрида аллақачон шоир учун уй музей очиш, унинг меросини тўплаш, ўрганиш лозим эди. Ҳатто шоир умрининг охириги йилларида яшаган ҳовли ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилипти. Адибнинг неварачеваралари бу ерда истиқомат қилади. Уй бузиладиган аҳволга етгандан кейин ўзлари бир амаллаб ремонтга киришиптилар. Буларни кўриб, юракларимиз зирқираб кетди. Ҳеч бўлмаганда шоирнинг номини ёзиб, дарвоза ёнига ўрнатиб қўйиш учун кичкина бир мрамар тахта наҳотки Намангандек катта шаҳри азимда топилмаса? Таъна-дашномларимизни бизга ҳамроҳ бўлиб борган шоир Ҳабиб Саъдуллага ва область газетаси ходимларига ёғдирдик...

Энди шу фикрнинг давоми. Сўфизоданинг «Тароналар» деб номланган китоби 1968 йилда босилган эди. Шундан бери, мана, 20 йил вақт ўтди, бу тўпلام аллақачон камёб нусхага айланди. Аммо халқ шоирининг бошқа биронта мукамал асарлари на Адабиёт ва санъат нашриётида, на «Фан» нашриётида чоп этилмади.

— Ҳаммамиз учун кўп нохуш аҳвол бу.

Уй-музей масаласига келганда, бу ниҳоятда муҳим ижтимоий — маърифий аҳамиятга молик тадбир эканини айтмасам ҳам бўлади. Наманганга борган меҳмонлар гўзал шаҳар хиёбонларида сайр этиб, атоқли шоир хотирасига қурилган уй-музейни ҳам зиёрат қилсалар ниҳоятда улўғ иш бўларди. Мактаб ўқувчилари, адабиёт мухлислари учун бу нарса улкан байрамга айланарди...

— Матбуотда улкан моддий, маънавий муаммолар кўтарилмоқда. Орол денгизининг тақдирдан ҳозир ҳамма безовта. Республика табиатини мусаффо сақлаш, ерни авайлаш, боғларни кўпайтириш сингари кўплаб долзарб вазифаларга доир масалалар газета-журналлар саҳифаларида кенг ёритиладиган бўлди.

— «Гулистон» журналида ҳам шу масалага доир бир неча мақолалар, очерклар ва ҳатто шеърлар (Маъруф Жалил) босдик. Бу муаммо жуда буюк муаммо, ҳар бир гуманист адиб, маданият арбоби она табиат ҳақида ўйламай иложи йўқ. Яна улўғ рус адабиёти намояндалари ташаббусини чин юракдан қувватлайман. Г. Марков, В. Распутин, Ч. Айтматов ва бошқалар зўр гапларни айтмоқда. Авлодни ўйлаш керак!

— Ҳозир тегишли идоралар, масъул раҳбарлар ҳам жамоатчилик фикри билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди. Жумладан, бутифосни ишлатиш тақиқланди. Лекин матбуотда ёритилган билан маълум бир муаммо осонгина ечимига келавермайди. Кўпдан-кўп ғовлар, тўсиқлар пайдо бўлаверади... Шунингдек, ёзувчи ижоди ҳам силлиқ кечмайди. Адиблар билан жиддий тўқнашган, кескин баҳслашган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Албатта, 66 ёшга кириб фақат гулзору ўтлоқлар, поёндозлар устидан юриб келингани йўқ, ўтлоқ ичидаги оёққа қирадиган кўринмас чўғиртақлар ва яқин йигирма беш йил ичидаги баъзи мансабдорлар томонидан қилинган камситишлар, «Лирические строки», «Жамила», «Уста Фиёс» асарларим Москва нашриётларида чиқиб, Ўзбекистон санъат ва адабиёти декадасида илғорлиқни олиб турганимда, охир-натихада менга номаълум сабаблар билан рўйхатлардан ўчириб ташланганиму ўз уруғ-аймоқларини, ҳамюртларини катта орденларга тавсия этган шахслар мутлақо эсдан чиқмайди! Партияга минг раҳмат, адолат қарор топди. Албатта, профессор Умарали Норматов ва Сиз менинг асарларим ҳақида ҳам танқидий, ҳам ижобий фикр айтгансиз. Ҳатто тиғи ғоятда ўткир Умарали командировкада фавқулодда оғир дардга ўчраб, «видео»га беш метр қолганимда, ярим тунда «тез ёрдам» машинасида врачларга элтгани, тонг отгунча тепамда турганини унутиб бўладими! Инсоний олижаноблик бу мунаққидга жуда хос. Танқидчилардан гина қиладиган ўринларимиз бор. «Темур Малик» олтиш минг нусха чиққандан кейин бир ҳафтада ҳеч бир магазинда қолмади. Одамлар қидириб, ўзимдан сўрашмоқда. Менда ҳам икки нусха қолган. Лекин танқидчи дўстларим сукутда. «Меъмор»га бўлганидек, чет эллик рақиблар сўз айтса, кейин бизнинг доктор акахон ва укахонларимиз, «йўқ ундай эмас, бундай...» деб чиқадилар, шекилли. Шу ҳам иш бўлдимми-ю! Чангу ғубор бўлмаганда, инсон минг йил яшарди, деган ибн Сино. Ҳасад бўлмаганда адабиётимиз ҳам юз чандон гуллаган, яна ҳам кўпроқ яхши асарлар яратилган бўларди.

Ҳасад — илдиздаги қурт, кўп иллатлар қатори, бу ҳам юракда яшовчан микробдир, қалбни ундан тозалаш керак! Инқилобий қайта қуриш давримизда покланиш тафаккурдан, юракдан бошланиши керак.

— Энди яна бир масала. Бизнинг минг йиллик классик адабиётимиз, улўғ алломаларимиз қолдирган бой илмий асарлар — эски имлода — араб алифбосида ёзилган. Уларни бемалол ўқий оладиган мутахассислар каммайиб бораётгани бизни ташвишлантиради. Классик обидаларимиз

фақат бир гуруҳ шарқшунослару, тор доирадаги айрим олимларнинг мулки эмас, балки кенг халқ оммасиникидир.

— Шу маънода «Шарқ юлдузи» журналининг 6-сонига босилган «Мактаб ва адабиёт» мавзусидаги суҳбат материаллари менга маъқул келди. Эски ўзбек тили ва алифбосини мактабдан бошлаб ўқитиш керак, деган таклифни тўла қувватлайман.

Ҳозирги графикадаги асосий камчиликлардан бири шуки, у ўзбек тилига яқин қардош бўлган халқлар ёзуви билан чуқур мослашмаган. Масалан, биз қозоқ, қирғиз, татар, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, болқар ва бошқа халқлар билан сўзлашганимизда, унчалик қийналмай бир-биримизни тушунаверамиз. Сабаби тилларимиз яқин. Аммо шу халқларнинг алифбосида босилган китобларни ўқиганда эса жуда кўп қийинчиликларга дуч келиб, дарҳол туртиниб қоламиз. Бу фарқларни тузатиш, қардош халқлар алифбосини бир-бирига мослаштириш унчалик қийин иш бўлмаса керак. Биз табиатан интернационалистлармиз, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик туйғуларини мустаҳкамлаш партиямиз сиёсати моҳиятини ташкил этади. Юқоридаги гап эса фақат ана шу нарсага — халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилган бўларди. Бунинг учун Фанлар академияси ташаббускор бўлиши, регионал кенгашлар ўтказиш, масалани ижобий ҳал этиши мумкин.

— Ниҳоят, анъанавий савол. Ёшларга тилакларингиз ва ижодий режаларингиз қандай?

— Кечагина ёш деб юрганларимиз, бугун катта бўлишди. Уларнинг ишлари яхши, яна нима ёрдам лозим бўлса шуни қиламиз. Ҳозир улардан кўра ҳам биз ёши катталарга мадад — ширин сўзу ҳурмат жуда керак бўлиб қолди. Бояги ёш деганларимиздан кейинги, янги келаётган авлод, дарҳақиқат, чинакам ёшлар бор. Уларга ёрдам, меҳрибонлик қўлини узатиш керак, мураббий бўлиш керак. Улар ҳақиқатан ҳам ҳар жиҳатдан ёрдамга, қўллаб-қўлтиқлашга муҳтож.

Ижодий режа — «Илдизлар ва япроқлар» романини нашр этиш, шеърлар, ҳикоялар...

Ижозатингиз билан янги ёзган шеъримни ўқиб бериб, суҳбатни якунласам.

ОНА ТИЛИМ

Тафаккур парвози, қалбим садоси —
Биринчи алладан сингдинг қонимга.
Сенда амал топур халқ муддаоси,
Мен тирик эканман, жонсан жонимга.

Қардошларим ичра фахр этгум, буюк,
«Алқонуну», «Ал-жабр»... шу тупроқ гули.
Мазмунан терансан, қаймоқдек қуюқ...
Сенга нописандинг қирқилур қўли.

Рус тили — Ленин тили, унга садоқат —
Юртга садоқатдир. Ундан ҳам баланд!
Шу тил билан боғлиқ озодлигу бахт,
Тилига нописанд — элга нописанд.

Дўстлик туйғусидан маҳрум бўлган шахс
Тилларни бир-бирига қўяди қарши...
Қилиб бўлармиди эътиқодни баҳс,
Тенгликдаги тиллар — бахтимиз нақши.

Чет элда хонлар бермоқ бўлиб панд,
Тил сабаб, қалбларга солмоқчи оғу.
Ўзбегу рус тилим парвоз эт баланд!
Сен қудратли кучсан, сен ўзинг ёғду.

Менинг она тилим, жон ўзбек тилим,
Катта оилада янгра, жарангла!
Зангламайсан асло, сен менинг дилим...
Шашмақомдек янгра минг бир оҳанг-ла!

Суҳбатни Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ олиб борди



Олим Усанов 1948 йили Сурхондарё областидаги Қумқўрғон районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини 1972 йилда тугатган. Ҳозирги пайтда «Ленин байроғи» область газетасида хизмат қилади. Республика матбуотида ипак пахта ҳақида очерк ва мақолалари билан қатнашиб туради.

Олим Усанов

ПАХТАКОР ГАВРИЛОВ

Женянинг отаси Григорий Игнатъевич пахтачилик селекционери эди. Тагин Жюль Верни ўқиб юрма, дерди ўғли Женяга, унинг қаҳрамонларига эргашиб денгиз саёҳатига кетиб қолсанг, излаб юрмайлиг-а.

Табийки, бу гапдан сўнг ўғил, Жюль Верн деганнинг китобларини излай бошларди. Отасининг ишини у тушунмасди. Тушуниш қаяқда, ҳатто ёмон кўрарди. Қизиқ-да, ғўза деганнинг ҳаммаси бир хил бўлса. Ҳаммаси чигитдан униб чиқса. Барг ёзса. Бош қотирганига яраша, бир тупи каноп, яна бир тупи жун тугса экан! Йўқ. Ҳаммаси пахта беради. Шундай бўлгач, уни навларга ажратиб ётишнинг нима кераги бор? Эҳ, парвариш қил, ҳосилини териб ол — вассалом.

Григорий Игнатъевич эринмайди. Халталардаги чигитни битталаб қўл билан экиб чиқади. Сўнг ҳар бир эгат, ҳар бир тўп ғўзага ҳисоб-китоб юритади. Ҳисоб-китоб дафттарини дабдабали қилиб «ведомость» деб атайти. Бир туп ғўзани бир кун чап томонидан кузатади, бир кун ўнг томонидан. Қачон гуллади? Иккинчи гули қачон пайдо бўлди? Учинчиси-чи? Қачон очилди? Чаноғининг палласи қанча? Чигити-чи? Чигитидан ажратиб олинган тола неча грамм чиқди? Шунчалик ҳам майда иш бўладими?

Женя саргузашт романларнинг қаҳрамонлари ҳамон тушларига кириб чиқса-да, мулоҳазали, оғир йигит бўлиб ўсди. Отасининг ёнига кирди. Биргалашиб далага боради. Ип тортиб, қозиқчалар қоқишга, чигит экишга ёрдамлашарди. Ҳатто, чатиштириш питомнигида гулнинг оталигу аналигини ҳам ажратишни ўрганиб олди.

— Зеҳнинг яхши. Сендан дуруст пахта селекционери чиқади, — деб қолди кунларнинг бирида отаси Женяга.

— Пахта селекционери бўлганимдан кўра пахта бригадири бўлганим яхшироқ.

— Нега бундай дейсан? — ўғлининг гапи Григорий Игнатъевичнинг кўнглига теғди. — Бир навни яратаман деб ўн беш йиллаб оёқда тик турсам-у...

— Шуни айтаман-да. Бригадирга маза. Чигитни унга сеялка экиб беради. Йил бўйи трактор ишлатади. Вагони билан ўғит олади. Ҳисоб-китобини бухгалтер юритади. Плани бажаролмай қолса ҳам, даромади кам тушса ҳам, айбни селекционерга, навга ағдариб ўтираверади.

— Тўғри қилади.

— Нимаси тўғри? Орденни бригадир олсин-у, сўкишни селекционер эшитсинми? Даста-даста мукофотни улар олишсин-у, селекционер юз сўм маошини ўн еридан тугиб, ўн беш йиллаб бир навнинг изидан чопсинми.

— Кўп китоб ўқиб, бинойидек донишманд бўлиб қолипсан-ку, — деб кесатди Григорий Игнатъевич. — Пул ҳақида, кимнинг маоши кўп-у, кимники кам. Уша пахтакор бригадирим, менинг ишчим. Ўзимнинг одамларим. Шу юртнинг, шу мамлакатнинг одамлари. Селекционерликдан, бригадирликдан ва яна бошқа касблардан ташқари яна бир касб бор. Ҳаммасидан улўф касб. Бу — ватанпарварлик касби. Бу касбнинг маоши бўлмайди. Агар удаласам — қўлларидан қўймай осмонларга кўтариб юришади. Сен осон йўлни излаясан, ўғлим. Нима, селекция ташвишидан қўрқасанми?

— Мен ҳарбий билим юртига ўқишга кираман.

- Йўқ, сендан яхши селекционер чиқади. Пахтадан қўрқсанг, бошқа экинлар бўйича ишла. Масалан, картошкадан икки йилда янги нав яратса бўлади. Шу соҳани кўр.
- Мен ҳарбий бўламан.
- Ихтиёринг.

Дала четидоғи тутнинг олачалпоқ соясида бўлиб ўтган бу суҳбат эллик бешинчи йили бўлган эди. Ушанда Женя энди йигирмани тўлдирган эди. У ҳали уч йилдан сўнг отаси вафот этишини, ўзининг Тошкент қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқишини, институтни имтиёзли диплом билан битиришини, боринги, пахта илми пешонасига ёзилганини билмасди.

«Селекция» — лотинча сўз. Саралаш деган маънони беради. Женя отасининг ўша гурунгини-ку, кўп эсламасди. Лекин институтга киргач ғўза селекциясига қизиқа бошлади. Бу қизиқиш, эҳтимол, пахтачиликнинг, айниқса, ингичка толали пахтачиликнинг тарихи билан танишувдан бошлангандир.

Тарихдан бир шингил.

Ўзбекистонда пахтачилик икки минг йиллик тарихга эга. Аму ва Сир дарёлари, Зарафшон дарёси водийларида милoddан тўрт—уч аср илгари ҳам чигит экилган. Ингичка толали пахтанинг тарихи эса узоқ эмас, деярли кечаги кундан бошланади. Асли ивановлик Анатолий Автономов республикада ипак пахтачиликни бошлаб берган киши. У 1926 йили ингичка тола пахтанинг 190—200 кунда пишадиган миср навлари чигитини экди. Чигит эрта баҳорда плёнка остида экиб ундирилди. Кунлар исигач, кўчатни далага ўтказди. Миср пахтаси ўшанда гектаридан бир ярим—икки центнердан ҳосил берди.

Мамлакатга кўпроқ пахта, ингичка толали пахта керак эди. Анатолий Иванович тажрибани иссиқ районга — Байрамалига кўчирди. 1932 йилга келиб у синовдан ўтказган навлар Сурхондарёнинг жанубий районларида экиб кўрилди. Ҳисор (ҳозирги Термиз райони), Жарқўрғон, Шеробод районларида миср пахтасининг чигити табиий шароитда ҳам униб чиқиши катта воқеа бўлди. Шундан сўнг Анатолий Иванович селекция ишларини янада қизитиб юборди. Орадан йиллар ўтиб икки центнердан ҳосил берадиган навлардан серҳосил, бирмунча тез пишадиган навларни яратди.

Евгений Гаврилов Автономовнинг таҳсилни олган. Гавриловнинг хотирлашича, Автономов ҳар бир воқеадан, ҳатто, оддий илмий қоидалардан ҳам ижтимоий хулосалар чиқарарди. Ғўза — цитология оламида энг мураккаб экин. Чигити ерга тушгандан то охиригач чаноғи очилгунча бизнинг шароитимизда 270—280 кун вақт ўтади. Касаллиги кўп, Ҳашорат унга ўч. Уни тезроқ пиширамиз, касаллигини йўқотамиз деб тупроқни, табиатни минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар билан бўғиб қўймоқдамиз. Айниқса, пахта етиштирадиган одамларга қийин бўлмоқда. Кузда икки-уч ойлаб пахта теримига жалб қилинаётган ўқувчиларга, студентларга қийин бўлмоқда. Химиядан, дефолиантлардан тўйинган ғўзага ўпқасини тутиб пахта тераётганларга қийин бўлмоқда. Қиш аёзини кечиб планни бажариш учун риёзат чекаётган хўжаликлар қийналмоқда.

— Пахтанинг истиқболини ким ҳал қилади? — мурожаат қиларди Автономов ўз талабаларига. — Мақтанчоқ «олтмиш центнерчи» бригадирми? Кунига 200 килограммдан пахта тераётган чевар теримчимми? Ёки «машина терими — ишининг унуми» деган шiorни ўйлаб топган кишимми? Тўғри, миллион тонналаб пахтани шулар яратишади. Лекин, яратишда ҳам яратиш бор. Асосан эса ҳаммасини, тоннаниям, центнерниям, толаниям, «оқ олтин» аталадиган ифтихорниям нав ҳал қилади. Селекция ҳал қилади. Селекционер ҳал қилади. Пахтанинг иши нуқул қора терга ботиб бажариладиган иш бўлмасдан, осон, завқ-шавққа тўла иш бўлиб қолмоғи лозим. Ҳали йигирма кўрақни бир ойда тугиб, бир ойда ҳосили пишиб тугайдиган навлар яратилажак. Ҳали пахтаси пишиб қолгач, ўз-ўзидан баргини тўкиб юборадиган навлар пайдо бўлади. Ҳатто, қуёшнинг сидирға иссиғида чигитидан толаси ажралиб қоладиган пахталар экилса ажаб эмас. Суғориш системаларига мамлакатимиз юз миллион сўмлаб маблағ сарфляпти. Сувга икки-уч баравар кам иштаҳа сезадиган навларни районлаштирган одам экономикаимизга қанча наф келтириши муқимлигини биласизми?

Ушанда Гаврилов охиригач курсда ўқирди. Автономовнинг гаплари унга отасининг «ватанпарварлик касбига маош белгиланмайди» деган сўзларини эслатди. У ота касбини эгаллайман деб жар солмади. Икки-уч кун қулоғига гап кирмади. Сўнграқ, тақсимот комиссиясидан Сурхондарёга, пахтачилик тажриба станциясига ишга юборишларини сўради.

— Ингичка толали пахтанинг ҳосили пишгач, барги ўз-ўзидан тўкилиб, машина теримига тайёр бўладиган навини яратаман, — деди. у комиссия аъзоларининг саволларига жавобан.

Бу Евгений Григорьевичнинг бутун ҳаёти давомида биринчи ва, эҳтимол, охиригач мақтаниши бўлса керак.

Тажриба станциясида у олтмиш учинчи йили иш бошлади. Бу ингичка толали пахтачиликнинг ташвишлари республикада бир қадар ҳал бўлиб қолгандай пайтлар эди: Автономовнинг С—6002, С—6022 навлари иш бериб турарди. 1947 йилдан бошлаб

районлашган 5904—И дан пахтакорларнинг кўнгли қолмаган. Тошкент селекция институтида ипак пахтанинг яхши тола берадиган навлари яратилгани ҳақида миш-мишлар қулоққа чалинарди. Бунинг устига, ўша йиллари айрим раҳбарларнинг Сурхондарё жанубида ҳам ингичка толали пахтадан кўра ўрта толали пахта яхшироқ самара беради деган қарашлари таъсири сезиларди:

Гавриловни 79 сўм маош билан кичик селекционерликка тайинлашди. «Ҳаммасини селекция ҳал қилса-ю, яна пахтачиликда энг кичик маошни селекциячига тайинлашса» — кўнглидан кечди Женянинг. Шунданми, ишдан дастлаб сал кўнгли совугандай бўлиб юрди. Илмий иш қиламан, деб ўзини овути. Ҳар қалай, селекциячи Алевтина Твороговага кўмаклашиб, далага қатнаб юрди.

Лекин кўп ўтмай жиддийроқ ўйлайдиган бўлди. Кундалик турмушда у дуч келган воқеалар, одамларнинг гурунги, ҳали бурнини эпполмайдиган, уй вазифасидан ҳам кўра кунлик пахта териш нормасини кўпроқ ўйлайдиган ўқувчининг ташвишлари... Хуллас, ҳамма ундан, «ҳосили пишганда барги ўз-ўзидан тўкилиб кетадиган пахтани қачон яратасан?» деб сўраётгандай бўларди.

Термиздаги «Намуна» колхозида «сталинча» шапка кийиб юрадиган бригадир билан танишуви унинг иккиланишларига батамом чек қўйгандай бўлди. Бригадир, аъзоларимнинг тоби қочиб қолмасин тағин деб трактор аппаратини заҳарли химикат билан ўзи заправка қилар экан. Куннинг иссиғида енгларини елкагача шимариб йигирма беш процентли ДТТга қорилганча ишлаб ётади.

Бу ишнинг устига келиб қолган Евгений тўғри ўтиб кетолмади. Тўхтади.

— Заҳар сепманг-да далага. Ҳашоратнинг фойдалисини қириб юборади, заҳарлисини баттар кўпайтиради.

— Бу гапинг билан сен фалончиевнинг (бригадир раҳбарларидан бирининг номини тилга олди) дамига дуч келмадинг-да.

— Нима қиларди дуч келсам?

— Айтганини бажармаган одамни «хулигансан» деб сўкади. Келиб, ёлғиз турганинга сўкса ҳам майли эди, лекин «хулигансан» деб сўкиш учун атай мажлис чақиради. Мажлисда, кўпнинг ўртасида қўлингга бегона ўтни тутқазиб, тургазиб қўядилар.

— Жуда бўлмаса, респиратор билан ишлаш керак.

— Респираторда нафасим қайтиб қолади. Ҳар куни уч марта қатиқ ичаман. Ўзи, сигирнинг қатиғи бўлмаганда-ку, бу иссиқда, бу дорига аралашиб юришда пахта қилолмасдигам дейман.

Кўплар оғзидан бол томиб мақтайдиган 5904—И нави «қариган»ини, физиуриоз вильт билан қаттиқ касалланишини Женя ўшанда сезди. Вильт, қораилдиз чириш касалликларидан заҳарли химикат ёрдамида эмас, селекция усули билан халос бўлиш мумкин. Кўнглида безовталиқ уйғонди. Айниқса, ўша «хулигансан» деган сўкиш эшитишни жинидан ёмон кўрадиган бригадир касалхонага тушиб қолганини эшитгандан сўнг ўзини кўярга жой тополмай юрди. Катта соябонли шляпа сотиб олди. Сув тегса, сувни буғлантириб юборадиган қизиган кесакли тажриба майдончасини ялангоёқ кезишга ўрганди. Тажриба станцияси коллекциясида 200дан ортиқ ипак навлари уруғи сақланарди. Ҳаммасининг номини ёдлаб, хусусиятларини ўрганди. Қайси навнинг гулию барги қандай, чаноғи қандай очилади — бир қарашда таниб оладиган бўлди. Гаврилов бир кўрган одамнинг номини унутиши мумкин. Лекин ўша кўрган одамни орадан ўттиз йил ўтса ҳам танийди. Қаерда учрашганларини айтиб бера олади. Агар қўйчилик фермасига мудир бўлганимда, фермадаги мингта қўйдан биттаси бошқа сурувга қўшилиб кетган бўлсин — ўшаниям таниб олган бўлардим, дейди кулиб. Бу, навларни ўрганиш, таниб қолиш жараёнида шаклланган кўз, кўриш хотирасининг кучлилигидан бўлса керак.

Ва ниҳоят, ипак пахтанинг янги нави, Сурхондарёнинг биринчи маҳаллий нави — Термиз—7 яратилди. 1973 йили районлаштирилди. Селекционер А. Творогова билан ҳамкорликда яратилган бу навнинг афзалликларини сўрасангиз, Гаврилов гапни унинг камчиликларидан бошлайди. Термиз—7дан 30 процент тола чиқади. Бу 5904—И никидан уч процентга кам. Лекин тола типи бир процент юқори — учинчи тип. Ҳосили пишгач, Термиз—7нинг пояси ётиб қолади. Бу машина теримини қийинлаштиради. Олдинги навдан кўра 4—5 процент кўп ҳосил беради. 5—6 кун эрта пишади. Вильт билан, илдиз чириш билан касалланмайди. Чаноғи худди ўрта толалиникидай йирик.

Ўша йили терим мавсумида Термиздаги Жданов номли колхознинг бригадири Ҳотам Баротов деган киши Гавриловни излаб тажриба станциясига келди. Йўқлаштириб турганда Гаврилов қаерданам велосипед миниб келиб қолди.

— Мен селекционерларни «Волга» минишади десам, булар велосипедни зўрға бошқаришади-ку, — самимий кулди Баротов. Баротовнинг кўзлари қувроқ боқарди. Бу қувликни у ўсиқ қошлари билан яширмоқчи бўларди.

— Шу велосипед ҳам омонат, — Женя гапира олмаса ҳам ўзбек тилини яхши тушунарди. — Машина олишга ҳозирча жамғарма йўқ.

— Машина сотиб ол деяпманми сенга. Термиз—7дай пахтани яратган одамни машина билан эмас, самолёт билан мукофотласа арзийди.

Самимийлик биринчи учрашувдаёқ уларни дўстлаштириб қўйди.

— Мен бугун планини бажаряпман, — деди Баротов хайрлашаётиб. — Кўряпсанми, Женья, ўн бешинчи октябрда бажаряпман. Бултургидан роппа-роса бир ой илгари! Ҳали «Термиз»нинг ҳосилини кўтаролмай ағнаб ётипти.

— Меники эмас, ҳамкорликда яратганмиз, дедим-ку.

— Мен сени биламан. Эртага план тўйи қиламиз. Борасан. Машина юбораман. Бу йил бир грамм ҳам захарли химикат ишлатмадик. Жонгаям тегиб кетувди ўзи шу химикат. Худди шунинг учун ҳам сени мукофотлаш керак.

— Тўйга бормасман. Тошкентга кетяпман. Яқинда аспирантурани тугатаман.

— Бу ишинг ҳам маъқул. Катталар сал-пал ёрдамлашяптими? Е ўзим...

— Йўқ, йўқ. Ёрдамлашяпти, ёрдамлашяпти...

Баротов Евгенийнинг бу гапидан кўнгли тўлмагандай бўлиб машинасига чиқди.

Гаврилов ҳеч кимдан энгиллик, ёрдам таъма қилмаган одам. У кандидатлик диссертациясини ҳалол ёқлашга ишонарди. Бироқ иши юришмади. Диссертацияси тайёр бўлди деганда илмий раҳбари тўсатдан вафот этиб қолди. Шундан сўнг илмий ишига сунъий эътирозлар кўпаяверди. Илмий Советда қандайдир майдароқ вазифани бажарувчи лаблари қип-қизил, мўйловли йигит ўзи ярим кунлаб шахмат ўйнаб ўтиради-да, яна Гавриловга, ҳозир вақтим йўқ, борсангиз гаплашамиз, деб уйининг адресини беради. Бир куни ўша йигит ундан қайси нав устида ишлаётганини суриштирди. Ярим ҳазил, ярим чин қилиб, авторлар рўйхатидан биз ҳам қолиб кетмайлик, деди. Гавриловнинг келиб-келиб шу йигитга куни қолганидан хуноби ошади. Институтда ҳалол, фаннинг кадрини биладиган одамларнинг-ку, кўпчилигини танийди. Лекин уларга бўлар-бўлмасга арз қилиб боришдан тортинади. Арзгўйликни, ёлворишни ёмон кўради.

...Хуллас, уч-тўрт марта устма-уст борганидан сўнг у Тошкентнинг йўлидан зада бўлди. Диссертация кўзига ортиқча кўринди. Илмий даража ололмади. Тўғриси, олиш учун югурмади. Югуриши ҳам мумкин эди. Лекин 6031 билан Термиз—7 навлари чапишмасидан ҳосил бўлган гибрид бутун хаёлини олиб қўйганди. Термиз—7нинг 5904—Ига нисбатан кам тола беришини ўйлаганда асабийлаша бошларди. У бор имкониятини янги нав яратишга бағишлаган эди.

— Тажриба станциясида ҳамманинг унвони бор. Фақат мен рядовой бўлиб қолдим, — дейди Евгений Григорьевич кулиб. — Илмий даража ҳам, ВДНХнинг кумуш медалини айтмаса, мукофотлар ҳам йўқ.

Унинг бу гапларида таъмагирлик ҳам, хафақонлик ҳам йўқ. Аксинча, мукофот ҳақида гап очганидан хижолат тортгандай суҳбат-мавзуини тезда бошқа томонга буриб юборади.

Иккинчи нав — Термиз—14 саксон учинчи йили районлаштирилди. Баротов келиб, Термиз—14нинг керак эмас. «Етти»нинг ўзи яхши. Мен «етти»ни экавераман, деб айтди.

— Ихтиёрингиз, — кулди Евгений. — Одамлар экаверсин қани. Келгуси йил янги навнинг уруғидан топиб бер деб ялиниб келманг тагин.

Баротовнинг ўсиқ қошлари чимирилиб кетди:

— Нимаси яхши ўзи шу «ўн тўрт» деганингнинг.

— Айтайми. Айтсам — шундай: сиз айтган ўша Термиз—7дан беш-олти центнер ҳосилдор.

— 5904дан-чи?

— Ун-ўн икки центнер. 5904дан саккиз-ўн кун эрта пишади. «Етти»дан ҳам. Ўттиз икки процент тола беради. Демак, толасиям «етти»никидан икки процент зиёд.

— Толасининг бизга қизиғи йўқ, — деб қўл силтади Баротов.

— Нимага қизиғи йўқ экан энди? — деб қизишди Евгений: шапкасини юқорироққа суриб қўйди. — Пахтани сиз нимаси учун, экасиз ўзи? Толаси учун-да.

— Ҳали, энди толаси бир процент — икки процент кам бўлса нима қипти. Бизга пахтанинг тезпишару серҳосили керак. Бизга план тезроқ бажарилиши керак.

Иккови ҳам бир пас жим туриб қолишди. Евгений гугуртни қарс этказиб ёқиб сигарет тутатди. Сўнг ён чўнтагидан бир тахлам қоғоз чиқарди.

— Манови мақола. Газета учун ёздим, — деди у секин овозда. — Тола ҳақида. Мазмуни шундай: агар областимиз бўйича толаси бир процент зиёд чиқадиган нав районлаштирилса нима бўлади?

— Хўш?

— Умумий хирмонга чамаси Шеробод райони берадиган даражада тола қўшилади.

— Шу ҳисобда яхши тола берадиган нав яратган одам кўриқ ер очиб областга бир районни ташкил қилиб берган қатори хизмат қилган бўлар экан-да.

Гаврилов жилмайди. Индамади.

— Э, ота ули Гаврилов! — деб хитоб қилди Баротов. — Гап бу ёқда дегин. Янги нав областга бир районнинг ишини қилиб беради дегин. Мана сенга тайёр диссертация! Одамлар, беданинг жойига пахта эксанг, ҳосили яхши бўлади деган ҳаммага аён гапни

ёзиб ҳам олим бўлиб кетяптида. Сен бўлсанг... Тошкентга қатнасам, навим қолиб кетади деб қўрқасан. Маошнинг қанча ўзи?

— Юз қирқ сўм.

— Ана. Бу ёғи ҳам ўзим ўйлагандай экан. Биз бўлса сен ўйлаб топган навни экиб, бир сўм иш ҳақиғага бир сўмдан ошириб мукофот оляпмиз. Кўкрагимизга қатор-қатор орденлар тақяпмиз. — Баротов синчковлик билан Женяга қаради. Ўсиқ қошлари чимирилиб тушди. Женянинг қўлини кафтига олди. — Менга қара, ошна, — деди Баротов овози товланиб, — мен бир гапни айтай, сен хўп дегин. Биз сени бригадамизга аъзо қилиб оламиз. Фахрий эмас, ростакамига. Сенинг навларинг бригадамизга беш-ўн кишининг ишини қилиб беряпти. Шундай бўлгач, нима қипти сенга, бир ўзингга маош ёзиб борсак. Ёрдам берайлик сенга...

— Яна ёрдам бераман деяпсизми?

Гаврилов терс бурилиб тажриба майдончаси томон юрди. Шу-шу, Баротов унга ёрдам ҳақида оғиз очмайдиган бўлди.

Айрим юқори ҳосил усталари матбуотда «дала академиги» деб мақталадиган пайтлар эди. Тажриба станциялари дала академикларининг ҳам кашфиётларини эътибордан қочиришган эмас. Айниқса олтмиш беш центнерчи бир бригадирнинг доврўғи-ку, тўғриси, олимларни ҳам довдиратиб қўйди. Аллақайси бир катта мажлисда «пахтачилик олимлари бизнинг дала академикларимизга шогирд тушсин, етмиш центнердан ҳосил олишни улардан ўргансин», деб айтилган гап ҳатто Гавриловдай миш-мишларга парво қилмайдиган одамнинг ҳам уйқусини ўчириб қўйди.

Агрохимия бўлимининг мутахассислари Болтаев ва Зокировнинг «дала академиклари» ҳузурига командировкалари кўпайиб қолди. Гаврилов ҳар гал уларнинг командировкадан қайтишларини кутади. Дала академикларидан нималарни ўрганиб қайтишганини суриштиради. Минг суриштирса ҳам уларнинг жавобларидан қаноатланмайди. Етмиш центнердан ҳосил бераётган ўша ғўзани ўз кўзи билан кўргиси келади.

Ниҳоят айрим газеталар жазаваси тутиб мақтаган ўша етмиш центнерчининг даласига йўли тушиб қолди. Бригадирга ўзини таништирди. Бригадир Гавриловнинг номини эшитмаган экан. Умуман ғўзанинг нави билан ҳам, селекционерлар билан ҳам унинг кўп иши бўлмас экан. Чигит бўлса — бас, олтмиш беш-етмиш центнердан ҳосил оламан, деб тураверар экан. У навни эмас, нукул ўзини мақтаб гапирди. Уруғни эгатнинг пуштасига кенг қаторлаб экамиз деди. Механизаторларимиз туш пайтида ҳам дам олмасдан тинимсиз ишлашади деди. Ғўзани фақат қўйнинг чириган гўнги билан озиклантирамыз деди. Одамларимиз ишлаб чарчашмайди (улар роботмидики, чарчамаса), кўсак қуртини битталаб қўл билан териб олишади, деди. Хуллас, Гавриловни бир ярим соат оғзига қаратиб қўйиб мақтанди.

— Пландан зиёд неча гектар ерга яшириқча пахта эккансиз? — Гавриловнинг бу саволидан бригадир учиб тушгандай бўлди.

— Бир гектар ҳам ортиқча еримиз йўқ, — олдинги шашти сўниброқ жавоб берди бригадир.

— Унда нега мен қаймоқдай тупроқда шу Термиз—14дан гектарига қирқ беш, кўп бўлса эллик центнердан ҳосил оламан-у, сиз ҳам худди шу навдан юз гектарча майдонда экиб етмишдан олсангиз. Қандай қилиб олсангиз шунинг?

— Етмишдан олсангиз — нимаси ёмон? Қайтамга, Гаврилов яратган нав энг яхши нав экан. Етмиш центнердан ҳосил беряпти деган гапни исбот қиляпмиз. Қаранг, сизнинг обрўйингизни оширяпмизу...

— Обрўйимнинг ошишига фақат сизнинг гапингиз камлик қиляптида. Бу нав область бўйича етмиш центнердан бериб турса экан.

— Қанчадан бўляпти область бўйича?

— Ўттиз—ўттиз бешдан. Сизда бўлса — етмиш. Умумий кўрсаткичдан икки баравар зиёд. Мақтовларни, қўша-қўша машинаю қўша-қўша орденларни бошқа бировларга бермай қўйдингиз-ку?

Машинаю орденлар ҳақида гап очгани бригадирга ёқмади. Бундан унинг сал жаҳли чиққандай бўлди.

— Биздай ишласин-да ҳамма, — деди. — Одамлар ўзлари ишламайди-да шунга ўхшаган сассиқ гапларни титиб юришади.

— Биз ололмаган етмишни...

— Чунки сизлар ҳам ишламаяпсизлар. Ана шунинг учун сўкишяпти-ку сизларниям. Ҳар ким ўзининг ишини билиши керак. Бир мақол бор. Борни кўролмади, йўққа беролмайди деган. Шундай гап. Яхши навингиз борми — олайлик? Лекин бизни ревизия қилманг.

— Уйингиз — фирром ўйин, бригадир, — Гаврилов ҳам бўш келмади. — Кега-нимдан ғўзангизнинг ҳосилини ўлчадим. Сиз ерни ҳам, фанни ҳам, одамларни ҳам, пахтани ҳам алдаяпсиз, бригадир. Етмишдан эмас...

Шу пайт асфальт майдончага яп-янги «Жигули» машинаси шитоб билан келиб тўхтади. Руддан тушган йигитни кўрган бригадирнинг эса иккала қўли ҳам кўкрагига

ёпишиб қолгандай бўлди. Бояги ғўдайишларидан асар ҳам қолмади. Йигит бирон нима деса, «хўп-хўп» деб таъзим қилади. Кеча уйингизга борувдим, йўқ экансиз, дейди. Томорқадаги беда ўсиб қолибди, бир оғиз айтганингизда одам юбортириб ўрдириб берардим деб ўпкалайди. Кулади. Бир мулойим, бир мулойим қилиб куладиким!..

Чой ичгани шийпонга бордилар. «Жигули»дан тушган йигит нонни бир қўли билан ушатиб (ҳатто, нонни менсимайдиганлар хилданми) тамшаниб ўтирди. Гавриловни яширинча ишора қилиб, бригадирдан, шишангиз йўқми, деб сўради. Бу билан гўё, Гавриловга ўхшаганларнинг ҳаққи бир шиша ароқ демоқчидай бўлди. Жена буни сезди. Чайнаган нони томоғида қолиб кетди. Дастурхоннинг бошидагилар ўзларининг гаплари билан бўлишиб, Гавриловни гўё унутиб қўйдилар. Йигит латифа айтди. Бригадир кулди. Зўрма-зўраки эмас, сидирға гапларга ҳам ростакамига, қиқир-қиқир кулади. «Хўп-хўп» дейди. Гап орасида, эртага бедангизни ўргани одам юбораман, дейди.

Йигит кўзғалди. Бригадир ҳам қаергадир бориши лозимлигини айтиб, йигитнинг машинасига ўтирди. Гавриловга, йўлни кўрдингиз, келиб туринг, деди-да, жўнаб қолди.

Кейин билса, янги «Жигули»да келган йигит пахта қабул қилиш пунктида лаборантми, товаршуносми бўлиб ишлар экан. Кейин билса (орадан уч-тўрт йил ўтгандан кейин, албатта), бригадир ўттиз гектарча ерда пландан яшириб пахта экаркан. Кейин билса, бригадир дала шийпонини фақат раҳбарларга кўрсатиш учун безаркан. Аъзоларим киришса, тўзитиб қўйишади деб шийпоннинг айрим хоналарини қулфлаб қўяркан. Еш колхозчилардан уч-тўрттаси, бригадир бизга фақат ишла дейишни билади-ю, бильярд хонасига киришимизга рухсат бермайди, деб аразлаб, бошқа бригадага ишга ўтиб кетишибди. Орадан нима гап ўтиб бригадирнинг ўзи ҳам ишдан бўшаб қолибди.

Гавриловнинг бировнинг иши юришмаганидан қувонадиган одати йўқ эди. Умуман, кейинги йилларда пул ҳақида, маош ҳақида гаплашишни ёмон кўргани сингари, мансаб, лавозим ҳусусидаги гурунгларга ҳам кўшилиб кетавермасди. Лекин ўша «кетмиш центнерчи»нинг бўшаганини эшитганда қувонганини яширмади. Ҳатто, лаборантларни йиғиб, ўзи ёддан биладиган «Тўғрилиқ тантана қилар албатта» деб бошланадиган шеърни ўқиб бермоқчи ҳам бўлди-ю, бу иш ёшига ярашмаслигини ўйлаб индамади.

Кунлик ташвишлар, қувончлару ранжлар, иссиғу совуқ... фасллар алмашилиб, ниятлар алмашилиб, вақт деганимиз ўтиб кетаверар экан. Гўё селекционерлик ишига кечагина қўл ургандай эди. Лекин бундоқ ўйлаб қаралса, Термиз—7 навига 15 йил, Термиз—14 навига 12 йил сарф этибди. Биринчи навига нисбатан кейинги навига 3 йил камроқ вақт кетгани одамни сал умидлантиради. Янги, учинчи нав анча тез етиштирилди. Аммо, нав яратишдан кўра навни сақлаб туриш қийинроқ. Зўрдан зўрроғи чиқади, табиийки, нав ҳам шунча тезроқ алмашади. Собит навлар ишлаб чиқиш анча қийин.

Ҳозир Термиз — 14 навининг «омади» юришган пайт. Ҳосилдорлиги аввалги навига нисбатан 3—4 центнер кўпроқ. Толаси ҳам пишиқроқ.

Гавриловнинг хизматларини баҳолаш учун яна бир фактни келтирсак зиён қилмайди. Маълумки, унинг яратган нави кўпроқ асосан Сурхондарё области далаларида унум беради. Бу область етиштираётган ипак пахтанинг салмоғининг ўсишига эътибор беринг: 1984 йилда 380 минг тонна, 1985 йилда 420 минг тонна, 1986 йилда 452 минг тонна. Ингичка толали пахтанинг область бўйича қарийб 50 проценти машиналарда терилганини ҳисобга олсак, Гаврилов навларининг замонавийлиги янада яққолроқ кўринади (қўл кучи кам сарф этилади, бинобарин, ўқувчилар, студентлар ва шаҳарлик ҳашарчиларнинг меҳнатларига эҳтиёж кескин камаяди).

Энди, учинчи, энг янги нав — Термиз—16 нави хусусида икки оғиз сўз. Бу нав 1985 йилда ишлаб чиқариш синовидан ўтди. Деҳқонлар унинг тезпишарлигини, ҳосилдорлигию машинабоплигини юксак баҳолашган бўлса керакки, 1986 йилга келиб, ҳеч қандай тарғибот ва ташвиқот олиб борилмагани ва атай кўрсатма берилмаганига қарамай, бу нав уруғи анча катта майдонга экилди. Шўрчи районидаги Киров номидаги, Жданов номидаги, «Ленинизм» колхозлари ўзларининг асосий майдонларида Термиз — 16 навини экиб, планларини жуда барвақт бажардилар. Денов районидаги Собир Раҳимов номидаги колхоз ҳам, «Октябрь 50 йиллиги», Партия XXV съезди» колхозлари ҳам янги навни экиб, йиллик планларини ошириб бажардилар.

Гаврилов пахтачилик тажриба станциясида олиб борилаётган тажрибалар ҳақида қувониб гапиради. 1985 йилдан бери янги йўналишдаги 7 янги нав конкурс синовидан ўтказилляпти. Бу навлар ўта тезпишар навлар бўлажак. Ҳосилдорлиги юқори: гектаридан 45—50 центнер. Тола чиқиши — 39 процентгача етади.

— Ҳосилдорлик масаласи жуда чигал масала, — дейди Гаврилов. — Биз селекционерлар бир миқдорни мўлжал қиламиз-у, натижа бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Айтмоқчиманки, гап фақат бизнинг нав яратишимизда эмас, балки бу навадан қанчалик оқиллона фойдаланишда ҳамдир. Ҳосилдорликнинг учта асосий шarti бор: кўракларнинг катта-кичиклиги, кўсақларнинг сони ва кўчатларнинг қалин ёки сийраклиги. Юксак агротехника бўлмас экан, энг зўр навадан ҳам тузукроқ ҳосил олиш қийин. Муҳими — ғў-

за парвариши. Янада муҳимроғи — деҳқоннинг виждони. Токи деҳқон ерни аямас экан, токи деҳқон эртанги кунни ўйламас экан, ҳар қандай навнинг ҳам умри қисқаради, кутилган натижани бермайди. Ун йиллар мобайнида узлуксиз «зулм» дастидан азобланган, ғўза илдизию минерал ўғитдан ўзга нарсани кўрмаган ер муқаррар тарзда «қисир» бўлиб қолади. Экин алмашлаб турмаса бўлмайди. Боя «деҳқон виждони» деб айтдим-у, лекин бу нарсанинг кўпинча мансабдор шахсларнинг иродасига ҳам боғлиқ эканини унутиб қўяй дебман. Ер учун ҳаммамиз биргалашиб курашмоғимиз керак, селекционерлар, деҳқонлар, журналистлар, раҳбарлар... Умуман ингичка толали пахта навлари ҳақида кўплаб китоблар чиққан. Мақолалар ҳам кўп. Ёзмоқчи бўлсанг, ана ўшаларни ўқиб ёз...

— Минг ўқиганим билан, янги нав ярата олмайман, Евгений Григорьевич, — дедим мен кулиб. — Агар қўлимдан келса, пахта ҳақида эмас, Евгений Гаврилов ҳақида ёзмоқчиман.

— Унда ҳеч нарса ёзолмайсан, ахир, Гаврилов деганлари бир умр пахта деб ўтгандан кейин, пахтадан ўзга яна нимани ёзишинг мумкин?..

— Узр, унда пахтакор Гаврилов ҳақида ёзаман.

— Маъқул, — деди Евгений Григорьевич. — Менга бу унвон жуда хуш ёқади. Бўлганиям шу-да ўзи. Хўш, унда сен пахтакор Гавриловнинг қариётганини ёз.

— Майли, — дедим. — Кексайган одамларнинг армонлари кўпроқ бўлади. Хўш, пахтакор Гавриловнинг армонлари не?

Ўйламай гапириб юборган эканман, Евгений Григорьевич бирдан ғамгин тортди.

— Армоним кўп, — деди сёл туриб. — Энг каттаси шуки, шогирдларим йўқ. Ёшлар кўпроқ марказий шаҳарларга интилишади. Маҳаллий кадрлардан селекционер бўлишни хоҳлаганлар жуда кам. Кўпчилик ёшлар институтни битириб келади-да, бош агрономлик ёки совхоз директорлигини кўзлашади. Билимли одамларнинг ҳаммаси раҳбар бўлиб кетаверса, селекция билан, умуман деҳқончилик иши билан ким шуғулланади? Узимга келсак, пенсия ёшига яқинлашяпман. Шунинг учун, баъзи-баъзида, икки-уч йил маоши кўпроқ ишга ўтиб ишласамми, деган хаёлга ҳам бораман.

— Ҳазил эмасми?

— Йўқ, чин гап. Фақат ҳосили пишганда барги ўз-ўзидан тўкилиб кетадиган, биринчи типдаги пишиқ тола берадиган навни тезроқ яратсам бас эди!..

— Қийиндир бу иш?

— Қийин. Лекин қараб ўтирганим йўқ. Л—1960 нави билан 9732—И навини чатиштирдим. Ҳозир конструкция босқичидан ўтди. Шундан биринчи типдаги тола оларман, деган умидим бор. Ололмасам, етмишга киргунча ҳам қаримай туришга тўғри келади, пенсия ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Евгений Григорьевич кулиб гапирганидан билдимки, ҳали-вери қариликни бўйинга олмайди. Янги нав ҳам яратади, янги нав яратгандан кейин бошқасига, бутунлай ўзга навларга ҳам уннаб кўради.



Ҳамдам Содиқов

ТЎҚНАШУВ

Очерк-хроника¹

Дўзах суви

Кўҳна Бухоро арки. 1918 йил 4 март.

Усмонбек қушбеги дилижон экипажда ўтирганча мудраб борарди. Аслида у муғомбирлик қилаётганди. Юрагидаги қувончни, бутун вужудида тўлиб-тошаётган шодликни сездирмаслик учун ўзини мудроққа солаётганди. Ахир, у суюнмай, ким суюнсин. Жаноб олий билан тузилган режа амалга ошди, ҳйла иш берди. Душман ғафлатда қолди, вақтдан ютиладиган бўлди. Тўплар, пулемётлар билан қуролланган кучли душман устидан ғалаба таъминланди.

Усмонбек бошини хиёл кўтариб, дилижон атрофида отларида мағрур бораётган делегация аъзоларига, уларнинг қўриқчиларига қисик киприклари орасидан назар ташлади. Ҳаммасининг навқирон чеҳрасида табассум ўйнарди. Қушбеги мийиғида кулиб қўйди. «Майли, ҳозирча кеккаяверларинг», — деди у ўзича. — Ким-кимни энгишини вақт кўрсатади. Аммо, сизларнинг бошларингиз бугуноқ жодида кесилиши аниқ...»

Кўҳна Бухоро дарвозалари ланг очилиб, экипаж ва отлиқлар шаҳарга киришди. Ана, узоқдан арк кўзга ташланмоқда, ўлчаларда уларни халойиқ кузатмоқда.

Амир қароргоҳи дарвозаси олдида делегацияни шахсий соқчилар ёздай қотганча кутиб олишди. Вакиллар қушбеги билан ичкарига йўл олишди. Қизил аскар соқчилар эса дарвоза олдида қолишди.

Йигирма беш йигит отдан тушгач, бирдан ўзларини қуршаб келаётган оломонга эътибор беришди. Олдинги қаторда муллалар ва амир сарбозлари кўзга ташланади. Уларнинг вазоҳати яхшиликдан дарак бермасди.

Вакиллар эса узун ва қоронғу йўлакнинг охирига етишганида ўқ овозларини эшитиб тўхтаб қолишди. Олдинда бораётган қушбеги бошини чайқаб афсуслангандек бўлди.

— Гумонни тўғри чиққанга ўхшайди, жаноблар.

Шу вақт ўлар олдига ҳовлиқиб келган мулозим энгашиб қушбегига бирнималар деди.

— Жаноблар, — деди Усмонбек, — оломон итоатдан чиқиб саройга ҳужум бошлабди. Сизларни ўлдиришмоқчи. Лекин хотирингиз жам бўлсин. Каминангиз сизларни беҳавотир жойга элтади.

Қушбеги уларни сарой деворига туташган кўримсиз бир уйга бошлади, Унинг деворлари тор кўчага, олдинги деразалари ичкарига қараганди. Девордаги темир панжарали икки туйнук кўчадан кўзга ташланади. Туйнуқлар ортида жойлашган ертўлага вакилларни киритгач, қушбеги чиқиб кетди.

Уй олдида икки сарбозни соқчи қилиб қўйишди. Хавотирга тушган делегация аъзолари олдида қушбеги бир соатдан сўнггина келди. Усмонбекнинг юзида табассум ўйнарди. У мамнуният билан гап бошлади:

— Жаноб вакиллар! Худога шукур, ҳаммаси яхшиликча тугади. Соқчиларингиздан баъзилари яраланибди холос. Оломонни тинчитдик. Энди гап бундай.

Қосим Галимхонов қушбегининг сўзини бўлди.

— Етар, жаноб қушбеги! Дарҳол бизни чиқариб юборинг, музокара шартларини буздингиз.

— Хўп, хўп, — бош ирғади қушбеги, — аммо сизлар қуролларингизни топиширингиз керак. Аксинча халойиқ сизларни тирик қўймайди. Ҳа, шундоқ!

Қушбегининг овози эндиликда аввалгидек ялинчоқ эмас, балки амирона янграрди.

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

— Тезроқ бўлинглар! Акс ҳолда сизларга кафиллик беролмайман.
Делегация бошлиғи Уткин тўппончасини филофидан чиқарди. Унга эргшиб Сатуров ва Абдурахим Алиев ҳам қуролларини қушбеги ёнида турган сарбозга топширишди. Галимхонов ва Пендо эса бир чеккада қимирламай туришарди.

— Сизлар-чи? — деди қушбеги.

— Жаноб қушбеги, — деди Қосим Галимхонов дона-дона қилиб, — биз қуролларимизни топширмаймиз. Большевиклар қуролсиз ўлишни ўзларига эп кўрмайдилар. Усмонбек ғазабнок қиёфада олға қадам ташлади ва Қосим Галимхоновнинг ўткир нигоҳига дуч келиб жойида қотиб қолди. Кейин шартта ўгирилиб эшикни қаттиқ ёпди.

Абдурахим Алиев югуриб келиб эшикни тепди.

— Қуролимни бер, аблаҳ!!

У бақувват муштлири билан эшикни гурсиллатиб ура бошлади. Оёқлари билан тепди. Жавоб тариқасида узилган ўқ деворга тегиб, ерга сувоқ парчаларини тўкди. Шундагина ертўладагилар шипдан сал пастроқдаги туйнуқларга эътибор беришди. Уқ ўша ердан отилган эди. Абдурахим эшик ёнига бориб чўккалади.

— Қани, Пендо елкамга чиқ-чи!

Пендо Алиевнинг елкасига оёқ кўйиб кўтарилгач, тўппончасини панжара орасига тиқиб тепкини босди. Сарбозларнинг тор зиналардан шовқин-сурон билан чекингани кулоққа чалинди. Эндиликда ўқ овозлари кўча тарафдан янграй бошлади.

— Патронларни аяб от, — деди Қосим Галимхонов.

Ташқаридан отилган ўқлар ертўладагиларга зарар етказмади. Бироздан сўнг кимнингдир русча овози эшитилди:

— Э, комиссары, сдавайтесь, жалеите себя!

— Офицерга ўхшайди, оқ газанда! — деди Галимхонов.

— Ваша песня спета, — давом этди ўша овоз. — Сопротивляться бесполезно.

Панжара ортида офицернинг юзи кўринди.

— Сен аҳмоқсан! — қичқирди Галимхонов — Бизнинг қисмат бошқа, сенинг кунинг эса ҳозир битади.

Шундай дея Галимхонов тўппончадан ўқ узди. Пешонасидан ўқ еган офицер гурсиллаб зинага қулади. Бу воқеани узоқдан кузатиб турган қушбегининг олдида Низомиддин Хўжа яқинлашди.

— Баччағарларни тирик ололмаймиз шекилли, бек, — деди у ташвишланиб. — Хўп десангиз, бир йўли бор.

Усмонбек қизиқсиниб кулоқ тутди. Асли Хоразм ўзбекларидан бўлган Низомиддин маккорликда шайтонга дарс беришини у яхши биларди. Амир ҳам уни ғоят қадрлаши ва ҳатто, қушбеги қилиш нияти ҳам борлигини айғоқчилари орқали билган эди.

— Гапир, Урганжи, — деди у қатъият билан, — қандай йўлини таклиф этмоқчисан?

— Заргарлар ишлатадиган дўзах олови сингари сув бор... Тириклийн куйдиради.

— Офарин! Бошла, бўлмас...

Сарбозлар катта шиша идишлардаги кислотани ертўла зинапоясига улоқтира бошлашди. Бадбўй суюқлик оқими ертўла эшигидан аста пастга сизиб кира бошлади. Сатуров этигини ўйиб, пайтавасига ўтган кислота оёғини чўғдай куйдирганида додлаб қулади. Кислота сатҳи ертўладан кўтарила бошлади. Кейин Қосим Галимхонов Пендонинг ўлик Сатуров устига сакраб чиққанини ва бирдан фарёд чекиб йиқилганини кўрди. Полвон йигит Абдурахим ҳам қарағайдай ағдарилди. Қосим Галимхонов тўппончасидан сўнгги ўқни узоқламай суюқлик қаърида фарқ бўлди. Ертўла тирик одамлар қайнаётган қозонга айланди.

Қушбеги ва Урганжи сарбозларга уйга ўт қўйишни буюришди. Кўп ўтмай бинодан аланга кўтарилди.

Қуршов

Фатхобод. 1918 йил 5 март

Фёдор Колесов билан Файзулла Хўжаев суҳбатлашиб туришганида узоқдан от чоптириб келаётган икки чавандозга кўзлари тушди. Улар яқинлашгач танишди. Булар делегацияни қўриқлаб борган йигитлар эди. Нима бўлди экан? Бирининг юзидан қон оқмоқда, иккинчисининг ени қизил?

— Уртоқ кўмондон! Хиёнат! Хиёнат! — деди улар кўпириб кетган отларини зўр-базўр тўхтатишиб.

— Ўлдиришди! Бурда-бурда қилишди!

— Кимларни ўлдиришди?

— Ҳаммани — делегация аъзоларини ҳам, соқчиларни ҳам.

Бир зумда одам тўпланиб кетди. Омон қолган соқчилар нафасларини зўрға ростлаб бўлган воқеани батафсил гапириб беришди. Шум хабар қизил аскарларнинг ғазабини қайнатди.

— Дарҳол Бухорога юрамиз! Амирнинг додини берамиз, — дейишди отряд командирлари штабга келиб.

Колесов беҳаловат бўлиб қолди. Унинг кўз ўнгида хушчақчақ Пендо, жиддий Уткин, қувноқ Қосим Галимхоновларнинг қиёфаси гавдаланди. «Улар олдида ким бўлдим энди, — дерди у ўзига-ўзи. — Ҳаммасига мен айбдор. Ёш боладай лақилладим. Шу даражада ишонувчан бўламанми-я!»

Қош қорая бошлади. Отряд командирларига эрталабки жангга тараддуд кўришга буйруқ берилди. Ҳаммининг қалбида интиқом ўти алангаланди. Файзулла Хўжаев, Фитрат ва Ревкомнинг бошқа аъзоларининг ҳам қовоқлари солиқ.

— Абдурахим полвон йигит эди. Осонликча таслим бўлмагандир, — деди Файзулла Хўжаев.

— Бошқалари ҳам бўш келмаган.

Колесов эса асл большевик Галимхоновни кўп ўйлаётганди. Дарвоқе, у қандай ажойиб инсон эди-я. Умрини инқилоб ишига бағишлаганди. Қўрқув нималигини билмасди. Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссари вазифасида сидқидилдан ишлаётганди. Қаерда мушкул аҳвол юз берса, ўша ерда ҳозир-у нозир эди. Самақанд область ҳарбий алоқа бошлиғи Пендо-чи? Ўт эди, олов эди. Янги бухоролик ишчи Уткин ҳам эътиқодли большевик эди.

Серташвиш тонг эди. Саҳарда қизил аскарлар юракда кучли ғзаб билан ҳужумга ташланишди. Аммо вазият анча ўзгариб қолганлиги дарҳол сезилди. Амир вақтдан ютганди. Музокаралардан фойдаланиб анча куч тўплашга улгурганди.

Қалъадан чиққан амир кўшинларига Чоржўй отряди ҳужум қилди. Қолган отрядлар артиллерия мадади билан душманни исканжага ола бошлади. Қизил аскарлар интиқом туйғуси билан чинакамига жанг қилаётганди. Бир сидра яна уларга омад кулиб боққан-дек бўлди. Марвдан келган отрядлар амир кўшинлари билан жангда ғолиб чиқиб, икки таянч пунктини ишғол қилишгани ҳақида хабар келди. Шошмай турсин-чи, амир!

— Уртоқ кўмондон! Снарядлар борми? — деди Колесов ёнига от чоптириб келган отряд командирларидан бири. — Уқ-дорилар тугаб қоляпти!

— Ҳозирча тежаброқ ишлатинглар! Бизга Тошкентдан мадад келиши керак.

Командир қайтиб кетди. Колесовнинг эса пешонаси тиришди. Мадад ўз вақтида етиб келмаса-я? Унда нима бўлади?

Орадан кўп ўтмай Чоржўй ва Марвга, Қаршига борадиган йўллар бузиб ташланганлиги, Тошкентдан келаётган артиллерия Кармана станциясида қолиб кетганлиги ҳақида хабар келди. Амир кечаси темирйўлга минглаб одамларни, туяларни ташлаб, изларни бузишга, телеграф устунларини ағдаришга муваффақ бўлганди. Тушга яқин Марв отрядлари билан ҳам алоқа узилди. Олдинда душман, орқада эса бузилган йўллар, бўм-бўш саҳро. Уқ-дори эса оқ қолди. Бу шароитда ҳали-вери мадад келишига умид қилиш қийин. Штабдагиларнинг боши қотиб қолди. Энди нима қилиш керак? Чапга, Чоржўй йўлига чекиниш керакми ёки Самарқандга? Штаб аъзолари Самарқанд — Тошкент йўлига чекинишни маъқул кўришди.

Файзулла Хўжаев ёш бухороликларнинг оилаларини эвакуация қилиш масаласини кўйди. Акс ҳолда, худди Кўҳна Бухорода бўлганидек, бу ерда ҳам амир жаллодлари уларни сўяди. Янги Бухородаги совет муассасалари ходимлари, темирйўлчиларнинг оилаларини ҳам кўчириш керак. Тезда янги эшелон тузиб, аёллар, чоллар, болаларни вагонларга жойлаштириш, Янги Бухородаги давлат банки олтин, қоғоз пулларини ҳам ортиш лозим.

Бир неча вагон ва платформадан иборат жанговар летучкага Морозов бошлиқ қилиб тайинланди. У юздан ортиқ ўзбек ишчилари, қизил аскарлардан иборат отряд билан жанг қилиб йўл очадиган, улар ортидан поезд борадиган бўлди.

Аммо отряд қийинчилик билан олға силжиди. Сув ортилган платформага снаряд тушганлиги ёмон бўлди. Сув запаси деярли қолмади. Чўлда сувсиз қолишдан ёмони йўқ. Амир отлиқлари ва сарбозлари икки томондан қуршаб келиб, бузилган рельсларни тузатаётган темирйўлчиларни ўққа тута бошлашди.

Чекиниш

Самарқанд йўли. 1918 йил 7 март

Бугун чекинишнинг учинчи куни. Сув запаслари тугаб қолди. Одамлар ҳолдан тоя бошлади. Очлик, ташналик одамларнинг тинчасини қуритиб, ваҳимага, умидсизликка сола бошлади. Кунига беш-ўн боланинг жасади кўмилмоқда. Айниқса, командирларга қийин эди. Улар оч бўлишидан ташқари, кечаси-ю кундузи тик оёқда эдилар.

Шахсий составдагиларнинг ҳам руҳлари тушиб кетди. Баъзилар «бу дўзахдан қутулолмаймиз, жасадларимиз саҳрода қолиб кетади», деб тўнғиллашаётганди.

Ҳаммадан ҳам ёш бухороликларга қийин бўлиб қолди. Кўпчилик уларга бу

фожианинг айбодори сифатида қарай бошлашди. Шунинг учун ҳам улар вагонларидан чиқишмаётганди.

Состав йўлни тузатишларини пойлаб тўхтаб турганда бир тўда кишилар Павел Полторацкийни қуршаб олди.

— Эшелонларингиз қуриб кетсин. Биз ортиқ тоқат қила олмаймиз. Ҳазир кетамиз. Яёв кетсак ҳам эшелондан аввал борамиз.

Полторацкий жаҳл билан уларга юзланди:

— Қурол-яроқ, бола-чақаларни ташлаб-а?!

— Бўлмаса нима қилайлик? Улиб кетаверайликми?

— Болаларга ачинмасангиз билганингизни қилинг!

Полторацкий шундай деб отига қамчи босди. У узоқда Колесовни ҳам одамлар орасида кўриб, ўша ёққа юрди.

— Отдан туш, — дерди бир киши Колесовга. У ҳам нимадир деди.

— Олтинни чўз! — деди шунда иккинчиси.

— Пулларни бер!

Колесовнинг юзи титради.

— Қандай олтинни? Қандай пулларни?

— Вагонлардаги олтинларни! Бухоро банки олтинларини!

— Бермаймиз! У халқники. Биз ўлсак ўламизки, лекин бу бойликни сиздай иродасиз, айнимачиларнинг қўлига топширмаймиз. Буни яхши билиб олинглар!

Полторацкий беихтиёр чўнтагидаги гранатага қўл чўзар экан:

«Оббо ярамаслар-а, нималарни орзу қилишяпти-я, — деб кўнглидан ўтказди. —

Зудлик билан энг содиқ йигитларни Янги Бухоро банки олтинлари ортилган вагонларни қўриқлашга юбориш керак. Ҳозир ҳамма нарсани кутиш мумкин».

Бузғунчилар ҳатто қизил аскарлар ўртасида исён чиқаришга уриниши эҳтимоли ҳам бор эди. Аммо штаб аъзоларининг бу масалада кўнгли тўқ. Қизил аскарларнинг кўпчилиги партия билети бўлган, зиммасидаги бурчга содиқ кишилар.

Энди оломон қаҳри ёш бухороликларга қаратилди.

— Ушаларнинг ишонувчанлиги оқибатида биз урушда ютқаздик, — деди қалпоқ кийган қора киши.

Иккинчиси уни қувватлади:

— Ҳазир аллақачон Бухорони олган бўлардик.

Составда амир айғоқчилари борлиги аниқ эди. Улар одамлар орасида ёш бухороликларни амирга тутиб бериш ҳақида ташвиқот юритиша бошлади.

— Уларни амирга тутиб берамиз!

— Ўзлари пиширган ошни ўзлари ейишсин, хомкаллалар. Булар шохида юрса, амир баргида юради. Ўзини кучи етмаса афғон шохидан ёрдам сўрайди.

— Уларни деб энди ўлиб кетадиганга ўхшаймиз.

Шу пайт амирнинг оқ байроқ кўтарган отлик элчилари келиб қолишди.

— Файзулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов ва Абдурауф Фитратни бизга топширсангиз сизларни Самарқандга бешикаст ўтказиб юборамиз, — дейишди улар.

Колесов билан Полторацкий уларнинг таклифини рад қилишди. Аммо, бу таклиф тезда ҳаммага маълум бўлиб қолди.

— Ёш бухороликларни тутиб беринг, — дейишди одамлар штаб ёнига келиб. — Агар тутиб бермасангиз, Ҳазир саранжом қиламиз.

Вагонлардаги одамлар орасида шубҳали пичир-пичир бошланди. Полторацкий билан Колесов Файзулла Хўжаев жойлашган вагонга киришди. Уларнинг паришон чеҳраларида қатъийлик. Бундайлар тирик таслим бўлмайди.

— Эҳтиёт бўлинглар. Амир айғоқчилари оммани сизларга қарши қайрамоқда. Вагонлардан ташқарига чиқа кўрманг.

Файзулла Хўжаев ўзини бардам тутиб Колесовга бош ирғади.

— Бўш келмаймиз, Федор Иванович.

Полторацкий унга далда берди:

— Бирон қор-ҳол бўлса, зудлик билан хабар беринг.

Файзулла уларнинг орқасидан термулганча хаёлга толди. Бир бошга бир ўлим. Йўқ, у ва унинг сафдошлари ўлимдан қўрқишмайди. Ўзларининг нима учун курашаётганларини яхши билишади.

Учрашув

Кармана йўли. 1918 йил 18 март

Колесов қўшини ва ёш бухороликларга ёрдамга ошиқётган Тошкент қизил гвардиячилари отряди тўхтаган биринчи манзил Каттақўрғон бўлди. Разведка Зирабулоқча темир йўл бузиб ташланганлигини хабар қилди. Душман яқинда ҳужум

қилганлиги шундоққина сезилиб турарди. Ҳаммаёқ вайрон. Арраланган телеграф устунлари, ёндирилган будкалар олдида ваҳшиёна ўлдирилган одамларнинг жасаdlари ётибди. Қирқилган тил, бурун, қулоқлар, ўйилган кўзлар, устунларга қоқилган мурда-ларни кўрганда бадан сесканади.

Мададга бораётган отряднинг командири Домогацкий, штаб бошлиғи Гудович эди. Уларни уч кун аввал Тошкентга, Совнаркомнинг фавқулодда мажлисига таклиф этишди. Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети раиси вазифасини бажарувчи Агаповнинг хоин эканлигини улар ҳали билишмасди. Агаповнинг аксилинкалобий фитна тайёрлаётгани яқин ёрдамчилари Успенский, Цветков, Попов ва Осиповлар билан Советларни ағдарिश режасини тузаётганлиги ошкор бўлмаганди. Аммо, Бухородан Колесовнинг ёрдам сўраб йўллаган телеграммасига жавобан Агапов 5 мартда қасддан Тошкент боғида митинг ташкил қилиб, амир кўршовидаги Колесов отрядига тўхмат қилганидан хабардор эдилар. Гўёки, Совнарком раиси Колесов Янги Бухоро банкидаги олтинларни талон-тарож қилдирганмиш. Шунинг учун уларга ёрдам бериш керак эмасмиш. Аммо ишчилар Агаповга раддия бериб, қамалдаги ўртоқларга ёрдамга боришни талаб қилишди.

Совнарком мажлисида Домогацкийни Бухоро fronti кўмондони, Гудовични штаб бошлиғи этиб тайинлашди. 1-Тошкент ҳамда сапёрлар отрядлари, ишчилар дружина-си ва артеллерия ёрдамга юборилди.

Сапёрлар дарҳол йўлларни тиклашга киришди. Зирабулоқда амир кавалерияси тор-мор қилинди. Қаттиқ жанг билан Кармана станциясига яқинлашишди. Кармана беклигини амирнинг амакиси бошқарарди. Унинг беш мингдан зиёд лашкарига рус армияси офицери, собиқ Россия империяси ҳарбий министри генерал Ванновскийнинг ўғли подполковник Ванновский кўмондонлик қилаётган экан. Бу ҳақда кечкурун уларнинг вагонига келган бир ўзбек деҳқони гапириб берди. У кечаси душман бостириб келиши мумкин, деб огоҳлантирди. Тошкентликлар тараддуд кўриб кўйишди.

Ҳақиқатда, кечаси душман бостириб келди. Қабристон ёнидаги ялангликда бек сарбозлари билан қаттиқ отишма бошланди. Қизил аскарлар артиллерияни ишга солишди. Аммо душман ҳам бўш келмади. Фақат саҳарда қизил кавалерия орқадан айланиб зарба бергач, тумтарақай бўлиб қочишди. Шундан сўнг қалъага ҳужум бошланди. Отлиқлар душмanning чекиниш йўлини кесиб, Зарафшон бўйидаги кўприкни ёндиришди. Бир неча соатдан сўнг қалъа ҳам таслим бўлди. Бек ва унинг амалдорлари ичкаридан байроқ кўтариб чиқишди. Подполковник Ванновский асир тушишни истамай ўзини ўзи отиб ўлдирибди. Шу тариқа 12 мартда Кармана эгалланди.

Кўшинларга бироз дам берилгач, эрталаб яна йўлга тушишди. Карманадан ўн чақиримча юришгач Колесовнинг илғор отрядига дуч келишди. Александр Гудович шовқин-сурондан чўчиб уйғониб, вагон эшиги олдидаги соқчига қаради.

— Нима гап, Миша?

— Бизникилар, ўртоқ командир! Дўстларимиз олдига етиб келдик, шекилли. Гудович ўрнидан сакраб туриб, вагон эшиги олдига келди.

— Ия, анави матрос Морозов-ку!

Пастда қизил аскарлар Колесов отрядидаги одамлар билан қучоқлашиб кўришар, шапкаларини осмонга отишарди. Ана, Колесов, Полторацкий ҳам кўриниб қолишди. Полторацкий оқсоқланаётганига қарамай сакраб ўйинга туша бошлади. Гудович вагондан тушиб, дўстлари олдига бориб, улар билан қучоқлашиб кўришди.

Гудович дўстларини вагонга бошлади. Бу ерда улар юзага келган аҳволни қисқача тушунтиришди. Фёдор Колесовнинг жуда ҳам чарчагани шундоққина кўриниб турарди.

— Йигитлар, гаплашишга ҳолим йўқ, — деди у. — Мени кечиринглар, энди бироз мизғиб олмасам бўлмайди.

У шундай деб ухлагани ётди. Полторацкий эса анча тетик эди.

— Амир билан энди бошқача гаплашамиз, — деди у мамнуният билан. — Снаряд, ўқ-дори, озиқ-овқат етарли. Кўрсатиб кўямиз Саид Олимхонга Ҳали, Саша!

Аммо бу пайтда у ҳам, Гудович ва Домогацкий ҳам Тошкентдан келаётган буйруқдан беҳабар эдилар. Совнарком амир билан сулҳ тузишга қарор қилганди. Тошкентда ҳукуматга кириб олган сўл эсерлар Колузаев, Степанов, Петренколар командирлик қилаётган отрядларга амирга қарши ҳарбий ҳаракатларни қайта бошла-маслик ҳақида кўрсатма беришганди. Тошкентдаги яширин аксилинкалобий кучлар Бухоро амирлигини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан уринаётганди.

Орадан анча вақт ўтгач Туркистон республикаси Советларининг V съездида Фёдор Колесов Халқ Комиссарлари Совети номидан доклад қилганида бу масалага тўхталиб ўтади. Съезд ёш бухороликларга кўрсатилган ҳарбий ёрдамни қўллаб-қувватлади. Делегатларнинг кўпчилиги амирни янчиб ташлаш ўрнига у билан тузилган сулҳни қатъий қоралади. Ҳўш, ўшанда нега шундай қилинди? Албатта, бу хато эмас, хиёнат эди. Уни ички душман тайёрлаган эди.

...Кечаси соат учларда Домогацкий ва Гудович жойлашган вагонга олти кишидан иборат амир делегацияси келди. Тошкентдан ёрдам етиб келганлигидан ва амакисининг асир олинганидан типирчилаб қолган амир дарҳол сулҳ тузишга шошилган эди.

Биродарлик қудрати

Қизилтепа. 1918 йил 25 март

Бугун Қизилтепада амир делегацияси билан музокаралар бошланди. Саид Олимхон ўз армиясида 12 минг кишини қолдириб, қолганларини тарқатадиган, темир йўлга етказган зарарини тўлайдиган, Совет ҳокимиятига нисбатан ташқи сиёсатида нейтралитетни сақлайдиган бўлди. Унга Бухоро амирлиги чегарасидан барча оқ гвардиячиларни чиқариб юбориш вазифаси ҳам юкланди.

Қизил гвардиячилар ва ёш бухороликларнинг Бухорога юриши шу билан тугади. Нега шундай бўлди? Ахир энди амирнинг додини беришнинг айнаи фурсати эмасмиди? Қизилларнинг ҳозирги имкониятлари амирликни батамом тугатиш учун кифоя қилмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда, Февраль революциясидан сўнг ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети амирни ён беришга мажбур қилганидек, бу сафар ҳам уни тийиб қўйиш учун куч етарли эди-ку? Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Кушка, Қизил Арвот, Марвдан келган қизил аскарлар, Тошкентдан етиб келган икки отряд озгина кучми, ахир!

Сулҳ ҳақидаги хабарни эшитиб Файзулла Хўжаев ҳам ранжиди.

— Нега Туркистон Халқ Комиссарлари Совети сулҳ тузишга шошилди? — деб сўради у Фёдор Колесовдан.

— Билмадим, ҳозирча бу ҳақда бирон нарса дейиш қийин. Ҳар ҳолда бу ишда хиёнатчиларнинг қўли бўлса керак.

Хўжаевнинг қалбида амирга нисбатан нафрат лиммо-лим эди. Сўнгги кунлардаги воқеалар бу нафратни янада жўштириб юборди. Ҳа, ёш бухороликлар ўз ҳаракатларида жиддий хатоликларга йўл қўйишди. Улар меҳнаткаш халқ ўртасида яхши сиёсий иш олиб боролмадилар, оммани қуролли қўзғолонга тайёрлай олмадилар. Ёш бухороликлар партияси камбағал қосиблар, деҳқонлар, амир армияси орасида эришган озми-кўпми ютуқларга Марказий Комитет аъзолари ортиқча баҳо бериб юборишди. Сиртдан зўр бир ҳужум уюштирилса, халқ ўз-ўзидан амирга қарши кўтарилади, деб умид қилдилар. Аслида бундай бўлмади. Колесов ҳам амирнинг кучини тўғри баҳолай олмади. Амир у йўлаганидан қаттиқроқ «ёнғоқ» чиқиб қолди.

Хўш, ўшанда зарур тайёргарликсиз қилинганлиги билиниб қолган бу қонли тўқнашувни бошлашга ёш бухороликлар партияси Марказий Комитети нима сабабдан журъат қилганди? Бухорода бутун жадидлар ҳаракатини батамом йўқ қилиб ташлаш хавфини туғдираётган амирнинг ҳазо чоралари тобора кучайиб бораётган шароитда шундай ҳужум зарур эди. Акс ҳолда афғор оммани кўп йиллар давомида қўзғолонга аста-секин тайёрлаш, тўплаш билан шуғулланиш, бу ишларнинг ҳаммасини амирнинг тоқат қилиб бўлмайдиган зулми шароитида ва тобора кучайиб бораётган таъқиблар шароитида қилиш кераклиги аён эди. Марказий Комитет мана шуларнинг ҳаммасини салмоқлаб кўриб, ҳужум бошлашга қарор қилди. Ҳа, кураш хатосиз, қурбонсиз бўлмайди. Бу мағлубият ёш бухороликларга кўп нарсани ўргатиб, катта сабоқ берди. Энг муҳими шуки, эндиликда амир билан келишиб, Бухорода эркин тузум ўрнатиш мумкин эмаслигини ҳамма тушунди. Мустабид амир ва унинг амалдорлари билан фақат қўлда қурол билан гаплашиш керак. Заҳматкаш Бухоро элини мустабидлар истибдодига қарши қўзғолонга пухта тайёрлаш керак. Бу ишда рус биродарлари мададига таяниш лозим.


Бунга Файзулла Хўжаевнинг имони комил эди. Ахир, уларнинг қонига ташна амир мақсадига етолмади-ку? Унинг маккорлигини пролетар қардошлиги енгди.

Тактикавий жиҳатдан муваффақиятсиз бўлиб чиққан март воқеаларининг аҳамияти ва тарихий жиҳатдан оқланиши мана шундадир.

* * *

1918 йил март воқеаларига Владимир Ильич Ленин 1919 йилда РКП(б)нинг VIII съездида шундай хулоса чиқарди: «Шу вақтгача ўз муллаларининг таъсири остида қолиб келаётган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманларга нисбатан биз нима қила оламиз... Биз шу халқларга яқинлашиб бориб, «сизларнинг эксплуататорларингизни улоқтириб ташлаймиз», деб айтишимиз мумкинми? Бундай қила олмаймиз, чунки улар тамомила ўз муллаларига итоат қиладилар... Бунда мана шу миллатнинг ривожланиб етишишини, пролетариатнинг буржуа элементларидан ажралиб табақаланишини кутиб туриш керак. Бундай табақаланишнинг рўй бериши муқаррар» (В. И. Ленин, тўла асарлар тўплами, 38-том, 186-187-бетлар).

Икки йилдан сўнг 1920 йил 2 сентябрдаги Бухоро инқилоби ғалабаси доҳий фикрини тасдиқлади.



ТАРЖИМА – ИЗЛАНИШ МЕВАСИ

Узоқ тарихга эга ўзбек маданиятининг нодир намуналарини қардош тилларга ўгириш, адабиётимиздаги гўзал асарлардан кўп миллатли совет халқини баҳраманд қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан ёндашиб, таржимачилик соҳасидаги ишларимизга назар ташласак, сўнгги йилларда ўзбек адабларининг жуда кўп асарлари рус ва қардош халқлар тиллари, қолаверса, чет тилларга ўгирилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу таржималарнинг савияси қандай, адабларимизнинг ўзига хос услуби, ижодий қиёфаси, бадиий таржималарда ўз аксини қандай топаёпти деган саволларга жавоб излаб, газета ва журнал сўхифаларида эълон қилинаётган мақола ва тақриزلарга кўз югуртирамиз. Эътибор берилса, кейинги йилларда бадиий таржималар ҳақида оз миқдорда рисолалар эълон қилинаётганини, қолаверса, бу мақолаларнинг аксарияти бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳақиқатлигининг шоҳиди бўламиз. Ўзбек тилидан бошқа тилларга ўгирилаётган асарлар ҳақида мақола-тақриزلар йўқ ҳисоби. Фикримизча, таржима қилинаётган асарларнинг ғоявий-бадиий савиясини оширишда таржимонлар билан бир қаторда таржимашунос олимлар ҳам бир хил масъулият ҳиссини туюшлари зарур.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти хайрли ишга қўл урди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, атоқли адиб Уйғуннинг беш томлик танланган асарлар тўпламини рус тилида нашрдан чиқара бошлади. Беш томликнинг иккинчи томи Уйғуннинг 70—80-йилларда яратган тарихий драмалари — «Абу Райҳон Беруний» (В. Орлова таржимаси), «Абу Али ибн Сино» ҳамда «Зебуннисо» (А. Наумов таржимаси) драмаларини ўз ичига олади.

Забардаст драматург Уйғуннинг ўтмиш мавзудаги асарларини рус тилига ўгириш ўз навбатида драматургиямиз ютуқларини бутуниттифоқ миқёсига олиб чиқиш деган сўздир. Таржимонлар бу масалани қандай ҳал қилганлар? Бу саволга жавоб бериш учун адабнинг тўпламга киритилган тарихий темадаги драмаси, бугунги кунда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академика драма театрида муваффақият билан намойиш қилиб келинаётган «Зебуннисо» асарига эътиборни қаратмоқчимиз.

Мазкур драмада феодал тузумга доир чуқур ижтимоий зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни кенг гавдалантириш, тахт учун ота-бола, ака-ука ўртасида юз берган қирғин урушларни қоралаш, инсоний ишқ, халқлар ўртасидаги дўстлик, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу ғоя асл нусхада тўрт парда саккиз кўринишда ўз ифодасини топган. Таржимон эса ўз ижодий фантазиясини ишга солиб, драмани негадир ўн беш кўринишга етказган.

Таржимон маҳорати асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, автор услубини таржимада қанчалик асрай олгани билан баҳоланади. Таржиманинг мазмун жиҳатидан асл нусхасига мос бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтириш шарт бўлмаса керак. Шу нуқтаи назардан мазкур таржимадаги баъзи нуқталарни асл нусха билан солиштирамиз.

Уйғун ўз асарини Навоийнинг «Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим сенга» ғазали билан бошлаган. Бу бежиз эмас. Аввало, шу ғазални драма қаҳрамонлари тилидан берар экан, муаллиф Навоий қудрати орқали икки ёшнинг мусаффо севгисини, қолаверса, уларнинг шеърятга ихлосини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Бу ғазални Н. Лебедев томонидан рус тилига маҳорат билан ўгирилган таржимаси мавжуд.

Я красу твою увидел и плененным стал тобой,
В грустный день я стал влюбленным, огорченным стал тобой.

Дни идут, но нет отрады, нет надежды на тебя,
С каждым днём люблю сильнее, покоренным стал тобой.

Таржимада эса ғазал бутунлай тушириб қолдирилган. У тўғридан-тўғри Зебуннисонинг «Люблю я эти строки Навои» сўзлари билан бошланади. Бизнингча, таржимон ғазалнинг юқоридаги икки байтини драманинг бош қаҳрамонларидан бири — Зебуннисонинг севгилиси Розий тилидан берганида, бу байтлар қаҳрамонлар ички ҳолатини томошабинларга етказишда чиройли восита бўлур эди. Қолаверса, Уйғун ижодига хос шеърят орқали қаҳрамон характерини очиш услуби ҳам таржимага кўчар эди.

Биринчи кўринишдаёқ китобхон бу икки ёшнинг муҳаббатига гувоҳ бўлади. Лекин уларнинг соф севгисига ижтимоий тузум раҳна солиб турибди. У ҳам бўлса ўша ўтмишга хос иллат — Розийнинг оддий шоир, фуқаролиги-ю, Зебуннисонинг шох қизи эканлигидир. Лекин шоира Зебуннисо бу пок севгини ҳар қандай «тожу тахту, салтанат ва жаҳоннинг барча бойлик ва ганжидан ҳам» устун қўяди. Биринчи кўринишнинг ўзидаёқ драматург кучли конфликт учун тугун яратади. Таржимон бундан қониқмаган шекилли, учинчи пардага ўзича бир кўриниш киргизиб, бу икки ёшни яна учраштиради:

РАЗИЙ. А-а!.. Скажи ты эта раньше —
«О Разий!» — на неделю, день иль час —
И я обрушил бы завал разлуки!..
тебе позвать лишь стоило! А, я...

ЗЕБУННИСО. О Разий, я боялась...

РАЗИЙ. Ты боялась!..
Чего же! Ты была так тверда!
Так верила в себя! Иль здравый смысл
все ж, наконец, велел поостречься
любви поэта бедного?

ЗЕБУННИСО. О нет!
Я просто поняла, что все страшной,
чем мне справа казалось...

РАЗИЙ. Ну, понятно!
Уразумела — не просто место для сиденья,
а дочь шаха — не для простаков!..
Я это знал и раньше!

Бу учрашувдан мақсад нима? Қолаверса, Розийнинг Зебуннисога зуғум билан гапириси ҳам таажжубланарли ҳол. Шоира бўлса ҳадеб ўз муҳаббатининг чинлиги билан Розийни ишонтиришга ҳаракат қилади. Кўриниш сўнггидаги Зебуннисонинг ҳаракатига эътибор беринг:

ЗЕБУННИСО. И я клянусь — тобой!
Спасеньем вечным — или вечной мглой!
Клянусь мой милый... А теперь пора...

РАЗИЙ. Постояй... еще мгновенье... Поцелуй!
Единственный!
Целуются.
Ещё!

Ўзида ифат ва одоб, назокат ва андишани ёрқин мужассамлаштирган шоира Зебуннисонинг таржимадаги бу хатти-ҳаракатлари китобхонни таажжубга солади. Қолаверса, бу кўринишдан чиқадиган мантиқни илк кўринишдаёқ бериш мумкин эди-ку, деган ҳақиқ эътироз пайдо бўлади. Ахир асл нусхада драматург буни бир кўринишда ихчам ифодалай олган-ку!

Таржимада миллий колорит, миллий характерларни бера олиш шу халқнинг ўзига ҳос хусусиятларини яхши билишни талаб қилади. Зебуннисонинг отаси шоҳ Аврангзеб билан суҳбатига эътибор беринг:

АУРАНГЗЕБ. А — а! Ну, благодарю!..
Спасибо, что внучонка не принесла в подоле,
внучонка из канавы!..

ЗЕБУННИСО. (с отчаянным усилием)
Отец я лишь в любви виновна чистой —
ни в чем ином!

Ёки:

ЗЕБУННИСО. Отец я мужа выберу сама —
И по иному признаку: его
любить должна я...

АУРАНГЗЕБ. Что любить?.. Ха-ха..
Любить ты можешь брачную постель.

Ўтмиш шароитида, қиз бола ўз севгиси ҳақида оғиз очиши мумкин бўлмаган бир пайтда отанинг қизига «Невара олиб келмаганингга шукур» ёки «Сен никоҳ тўшагингни севишинг мумкин» қабилдаги сўзлари талабчан китобхонга шубҳали туюлади.

Драматург талқинида бевақт хазон бўлган севги фожиаси ишонарли тасвирланган. Саройга мустаҳкам жойлашиб, шоҳнинг пинжига кириб олган вазир Амирхон Зебуннисога эришиш мақсадида Розийдан қутулиш «чораси»ни топади. У гўё шоҳлик обрўсини «ўйлаб» иш тутаётганига Аврангзебни ишонтиради ва Розийни жангга юборилишига эришади. Розий Амирхон режасининг қурбони бўлади, у ўлдирилади. Розий ҳақидаги бу воқеа таржимада янгича талқин олган. Таржимон Розийни Амирхон билан учраштириб, уни Зебуннисодан воз кечишга кўндиради.

Пьесада Зебуннисодаги айрилиқ изтиробини асар драматизмининг энг юқори нуқталаридан бири бўлмиш буваси Шоҳ Жаҳон билан зиндондаги учрашуви учун туртки бўлиб хизмат қилган эди. Ахир замона ноҳақликлари маликани ҳам ўз исканжасига олмоқда, унинг севгилиси бегуноҳ ўлдирилди, муҳаббати топталди. Бу ноҳақликлар бошида эса ўз отаси шоҳ Аврангзеб турибди. Таржимада Розий ҳақидаги линиянинг ўзгарганлиги оқибатида Зебуннисонинг Шоҳ Жаҳон ҳузурига — зиндонга келиш саҳнаси ҳам асосланмаган. Шоира зиндонга нима учун келди? Фақат бобосини кўрганими? Нега энди илгарироқ келмаган эди? Бунинг сабаби бор. Замонанинг ноҳақликлари малика қалбида норозилик уйғотганига аъча бўлган. Лекин севган кишининг ўлими унинг қалбида тўфон кўтарди, яшашнинг маънисини қолмади. Шунинг учун у «Ёнингга ол, азиз бобо, тўйиб кетдим

жонимдан!» деб фарёд кўтаради. Таржимадан эса Зебуннисо зиндонга фақат Бобосини кўргани келди, деган маъно чиқади:

ДЖАХАН. Да что

с тобою, внучка?

ЗЕБУННИСО. То же, что и с вами,

что и со всеми, в этом государстве...

Я так вас рада видеть, шах мой, дед...

Драмада бирор бир образ йўқки, таржимон талқинида янги қирра касб этмаган бўлсин. Жумладан, асосий қаҳрамонлардан бири Амирхон таржимада ўз аслидагидан ҳам бўрттирилиб, «Алишер Навоий» драмасидаги Мажиддин сингари ўта устамон шахс сифатида гавдалантирилади. Агар драмада Амирхон ҳеч бир ҳаракатини яширмайдиган, ошкор иш тутишдан чўчимайдиган шахс сифатида акс эттирилган бўлса, таржимада у зимдан ҳаракат қилувчи «тулки» сифат шахс сифатида тасвирланган. Драмада Зебуннисога ошиқлигини шайхулислом Миён Бузуркка дангал айтиб, уни огоҳлантириб қўйган Амирхон таржимада бутунлай бошқача ҳаракат қилади.

Драмада яратилган тўлақонли образлардан яна бири ҳинд халқининг асл фарзанди Рожа Рамдир. У ўз даврининг илғор фикрли кишиларидан, ҳақиқат учун, мақсад ва маслак бирлиги учун ҳеч иккиланмасдан Зебуннисонинг акаси Акбаршоҳ билан ҳамкорликда шоҳ Аврангзебга қарши исён кўтара олувчи шахс. У Розийнинг ҳалокатига сабабчи бўлган Амирхонни ўлдириб, дўсти учун қасос олади. Таржимон драма сюжетини янгича талқин қилиш оқибатида бу воқеалардан «кўз юмишга» мажбур бўлган кўринади. Таржимада Рожа Рам сарой соқчилари томонидан ўлдирилади. Янги воқеалар янги сюжет линиясини келтириб чиқарганини таъкидлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

«Зебуннисо» драмасини рус тилида кўздан кечиран эканмиз, шоира яшаган давр ҳақида тамомила янги бир асар ўқигандай бўламиз. Тўғри, асар таржимасида муваффақиятли чиққан саҳналар ҳам йўқ эмас. Асарнинг аввалги беш кўриниши асл нусхага анча яқин ўгирилган, бироқ кейинги кўринишлар янги воқеалар билан «бойитилганлиги» оқибатида асл мазмун ўзгариб кетган. Бизнингча, таржимоннинг вазифаси йўқни йўндиришдан эмас, балки борини ўзининг асл нусхасига муносиб қилиб ўгиришдан иборат бўлиши зарур эди.

Биз таржимада асар мазмунига путур етказган айрим нуқсонларгагина тўхталиб ўтдик. Таржимада асл нусха мазмуни сақланиб қолмаган экан, авторнинг услуби, ўзига хослиги қай даражада ифодалангани, ҳақида гапириш ўринсиздай туюлди. Асар таржимасидаги бу камчиликларга нашриёт муҳаррирларининг совуққонлиги ҳам сабаб бўлган деб ўйлаймиз. Қолаверса, драматург ҳам четда қолмаслиги, у билан бамаслаҳат иш тутиши зарур эди. Ахир ҳақиқий гўзал таржима ҳамкорликда қилинган узоқ изланиш, заҳматли меҳнат меваси ҳисобланади.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
аспирант



ХАЛҚ ҲАЕТИНИНГ КЎЗГУСИ

Б. Саримсоқов. Ўзбек маросим
фольклори. Фан, Тошкент — 1986.

«Ўзбек маросим фольклори» тўпламини ўқиб бошлаган ҳар бир китобхонда бир савол туғилиши табиий. Наҳотки, қарийб олтимиш йиллик тарихга эга ўзбек совет фольклоршунослигида халқимизнинг энг қадимий, энг асосий маънавий бойликларидан саналган мавсумий — маросим фольклори эндигина ўрганила бошланган бўлса?

Маросимлар ҳар бир халқнинг қиёфасини кўрсатувчи етакчи омиллардан саналса-ю, биз ўз миллий бойлигимизга шунчалар бефарқ қараган бўлсак?! Лекин бунинг маълум сабаблари ҳам бор. Биринчидан, муаллиф таъкидлаганидек: «...узоқ даврлар мобайнида халқнинг бундай бойлигига эътибор берилмай, кўп вақтлар эса улар диний эътиқодларнинг қолдиқлари сифатида тўпланмай ҳамда илмий нуқтаи назардан ўрганилмай келинди. Мана шунинг натижасида ўзбек маросим фольклорининг жуда кўп намуналари унутилди, айрим намуналари эса бизга қадар узук-юлук, қолдиқ ҳолда, айримлари эса бутунлай трансформацияга учраган тарзда етиб келди». Иккинчи сабаб, қуйинчак зиёлилар ва малакали тадқиқотчилар сафи камлиги билан изоҳланади.

Китоб «Ўзбек совет фольклоршунослигининг асосчиси Х. Т. Зарифов хотирасига бағишланганлиги ҳам рамзий маънога эга. Х. Т. Зарифовнинг ўзбек эпосини йиғиб бугунги авлодларга етакчи йўлдаги фидойи хизматлари халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, тадқиқ этиш, сақлашга бел боғлаган ҳар бир зиёли ва мутахассис учун ўрناق намунасиدير. Маросимларимиз ва уларда ижро этилувчи фольклор жанрларини ўрганиш ҳақида жиддий қайғуриш вақти аллақачон етган. Шундай экан, Б. Саримсоқовнинг мазкур илмий тадқиқотини бугунги фольклоршунослигимизнинг катта ютуғи сифатида баҳолаш керак.

Китоб «Ўзбек маросим фольклори» деб номланса-да, ўз ичига маросим фольклорининг барча тур ва жанрларини қамраб олмайди. Тадқиқотчи асосий эътиборини деярли ўрганилмаган, йўқолиш арафасида турган мавсумий маросим фольклори намуналарига қаратади.

Муаллиф биринчи галда «маросим» ва «маросим фольклори» тушунчаларини аниқ таърифлаб беради. Маросимлар таркибига кирувчи фольклор ва унинг вазифаси, ўзбек маросим фольклори жанрларининг таснифи хусусида алоҳида тўхталади. Ана шу кенг кўламли объектнинг катта қисми — мавсумий маросим фольклори масалалари эса иккинчи бобда таҳлил этилади. Учинчи боб сўзнинг магик қудратига асос-

ланган маросим фольклори намуналари тадқиқига бағишланган.

Б. Саримсоқов маросимларнинг келиб чиқиш сабаблари, вазифаси, «урф-одат», «байрам» каби тушунчалардан фарқли жиҳатларини кўрсатар экан, фольклоршунослик маросим «...комплексини умуман эмас, балки уларнинг бадиий сўз компоненти иштирок этувчи узварини...» (17-бет) ўрганишини алоҳида уқтириб ўтади. Шу жиҳатдан биринчи бобнинг «Маросим таркибида фольклор ва унинг функциялари», «Ўзбек маросим фольклори жанрларининг таснифи масаласи» қисмлари қимматлидир. Бу ўринда «Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди» дарслигининг «маросим фольклори» билан боғлиқ бўлимидаги камчиликлар, атама ва терминлардаги чалқашликлар ҳам асосли танқид қилинган. Умуман фольклоршунослигимизда, хусусан, маросим фольклори тадқиқида термин масаласи тадқиқотчи олдига катта қийинчиликлар қўяди. Б. Саримсоқов ўз ишида асосан рус фольклоршунослигидаги истилоҳларни қўллашни маъқул топган. Масалан, вербал, конатив, денотатив, информатив, эмотив, фатив ва бошқалар. Бу ҳол кенг ўқувчилар оммаси учун бир мунча қийинчилик туғдиради. Тадқиқот моҳиятидан келиб чиқиб, ўзбек тили имкониятлари асосида янги атамалар топилганда, ўзбек фольклори терминологияси соҳасида ҳам жиддий силжишлар бўлиши аниқ эди.

Шу пайтгача ўзбек маросим фольклори жанрлари илмий жиҳатдан тўла тасниф этилмаган эди. Муаллиф бу вазифани бажаришга дадил қўл уради. Китобда берилган таснифлар илк уриниш бўлишига қарамай, ҳар томонлама қувватланшига сазовордир. Маросим фольклори намуналари дастлаб анъанавий икки катта туркумга — мавсумий маросимлар ҳамда оилавий-маиший маросимлар фольклорига ажратилган. Шу билан бирликда бу туркумлар яна турли ички таснифларга бўлинган. Таснифлар ўқувчига объектни тўлароқ тасаввур этишда яқиндан ёрдам беради, тадқиқотдаги илмий изчилликни таъминлайди.

Юқорида таъкидланганидек, «ўзбек мавсумий маросимлар фольклори» тадқиқи китобнинг иккинчи бобини ташкил этган. Мавжуд материаллар муаллифини шартли равишда «Қолдиқ ҳолда етиб келган мавсумий маросим фольклори» ҳамда «Нисбатан тугал сақланиб қолган ўзбек мавсумий маросим фольклори жанрлари»га бўлиб фикр юритишга ундайди. Эътибор берсангиз, биринчи гуруҳга киритилган намуналарга «жанр» атамаси қўшилмаяпти. Чунки бу маросимлар фольклори ўз вақтида тўлиқ ёзиб олинмаган. Шунинг учун уларни «жанр» талаблари асосида ўрганиб бўлмайди. Шунга қарамай, Б. Саримсоқов бу намуналар ҳақида фасллар тартиби асосида ўз фикрларини баён қилиб ўтган.

Мазкур бобнинг «Ёмғир қақирини маросими ва ундаги фольклор жанрлари» қисми кўп йиллар давомида олиб борилган жиддий изланишлар мевасидир. «Ўн йиллар мобайнида Тожи-

кистон, Туркманистон, Қозоғисон, Қирғизистон каби қардош республикаларда яшовчи ўзбеклар ҳамда республикамизнинг барча область ва районларидаги ёмғир чақириш маросимлари фольклорини тўплаш ва ўрганиш шунга кўрсатилади, биз қидириш ишлари олиб борган территориялардаги ўзбекларда ёмғир чақириш маросимининг икки типи мавжуд. Бу типлар ўзаро бир-биридан кескин фарқ қиладилар ва уларда ижро этиладиган фольклор материаллари ҳам бир хил эмас», деб ёзади муаллиф.

Ўрта Осиё, Сибирь ва Шарқий Туркистонда яшовчи туркий халқлар орасида об-ҳавога таъсир кўрсатиш ва баъзи касалликларни даволаш мақсадида ишлатилган яда тоши маросимини тўлиқ акс эттирувчи маълумотлар жуда оз. Олим мавжуд манбалар, экспедиция материаллари асосида бу маросимни тиклашга, у ҳақда тўлароқ тасаввур беришга ҳаракат қилган. «Яда» сўзини қадим туркий јат — жодугарлик сўзи ўзагида пайдо бўлган деб, асосли хулоса чиқарган. Лекин маросимда ижро этилувчи матн нуқтилганлигидан масаланинг бу жиҳатини очиқ қолдиришга мажбур бўлган.

Умуман, китобда нисбатан тўлиқ сақланиб қолган халқ маросимлари батафсил таҳлил этилган. Ҳар бир маросим атамасининг келиб чиқиш тарихи кенг очиб берилган. Шу жиҳатдан «Суст хотин», «Бадик» жанрларига бағишланган қисмлар алоҳида диққатга сазовор. «Суст хотин» ўзбек мавсумий маросим фольклорининг қадим намуналаридан ҳисобланади. Тадқиқотда бизгача етиб келган турли вариантлар (улар асосан тўртта) мисолида бу жанрнинг умумий сюжети, тарихи, поэтик қурилиши пухта ёритилади. Мавжуд материаллар бошқа халқлар фольклорининг шу типдаги намуналари билан қиёслаб ўрганилган. Олим «Суст хотин» бирикмаси таркибида «Авесто»да тилга олинган осмон сувлари худоси Тиштрия номининг узоқ асрлар давомида фонетик ўзгаришларга учраган шаклини кўради ва ўз мулоҳазаларини етарлича далиллаб беради.

Иккинчи бобнинг «Ўзбекларда шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросимлари фольклори» қисми ҳам муаллифнинг жиддий кузатишлар маҳсули сифатида эътиборга лойиқ.

Китобнинг энг сўнгги боби маросим фольклорининг ўзига хос тарзда намоён бўлувчи сўз қудрати билан боғлиқ жанрлари тадқиқига бағишланган. Муаллиф эътиборига кўра: «Шу кунга қадар сўзнинг магик қудратига асосланган ўзбек маросим фольклорининг жанрлари сости, бу жанрларнинг табии, генетик илдишлари ва бадийлик даражаси мутлақо ўрганил-

маган эди». Б. Саримсоқов дастлаб «бадик», «кинна», «авраш» каби маросимларни диний фольклор деб аташни инкор этиб, уларни сўз сеҳри, қудратига асосланган фольклор жанрлари сифатида қарашни тавсия қилади.

Маълумки, ҳар бир маросимнинг тўлиқ тавсифини ёритмай туриб, унда ижро этилувчи бадий сўз компоненти ва унинг моҳияти мазмунини, рамзийтини аниқлаб бўлмайди. Шу сабабли ҳам автор «Бадик»ни «Суст хотин», «Чой мо» жанрлари каби тўлиқ тафсилоти билан таҳлил этган. «Бадик»нинг оммавий, нисбатан кам тарқалган типларини ажратиб, бу жанр ҳақида қатор назарий хулосалар чиқарган. «Бадик» сўзининг қадимий «базик» — титроқ, безгак сўзи асосида, пайдо бўлганлиги ҳақидаги қараш ҳам ўзини оқлайди. Урни билан шу қисмга тегишли баъзи истакларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Муаллиф бадикнинг кенг тарқалган типлари хусусида фикр юритар экан, маросим: «...ўтиш жараёнида беморнинг ўзини туттиши икки хил ҳолатда...» юз беришини ажратиб кўрсатган. У биринчи типга Жиззах область Фориш район Учма қишлоғидан ёзиб олинган материални, иккинчи типга Шахристон ва Нурота атрофида тарқалган вариантни киритади. Лекин бевосита поэтик матни кенг тадқиқ этилган Т. Эркабоева варианты таснифдан четда қолган. Айни пайтда Учма ва Шахристон — Нурота вариантлари матни негадир эътибордан соқит қилинган.

Биринчи тип (Учма варианты)нинг қўшимча манбалар асосида аниқланиши керак бўлган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Чунки тадқиқотда келтирилган маросим тартиби ва унда қўлланилувчи магик хусусиятга эга воситачи нарсалар — кул, қий, чорраҳа тупроқлари «бадик» жанри учун характерли дейиш қийин. Бу хилдаги чекланишлар ишнинг умумий қийматида салгина бўлса-да, соя ташлайди. Келажакда бу борада яратилаётган тадқиқотлар янада теранлик ва мукамаллик касб этиши зарур.

Тадқиқотда «кинна» жанрига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Киннанинг ўтказилиш жараёни, кинначилик ва кинна айтими поэтикаси ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.

Тадқиқотда қамраб олинган масалалар кенг жамоатчиликда илиқ таассуротлар уйғотиш билан бирга, бой маросим фольклорини ҳар тарафлама тадқиқ этиш учун кенг йўл очади. Хусусан, кичик фольклор жанрлари поэтикасига тегишли назарий хулосалар халқ шеърий шакллари тарихини ёритишда муҳим илмий манбалардан бири бўлишига аминмиз.

Шомирза ТУРДИМОВ



ЖАВОБГАРЛИК

Сўнги бир-икки йил ичида ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари матбуотда атрофлича муҳокама қилинди. Турли мулоҳазалар баён этилган хатлар нашриётнинг ўзига ҳам келиб турибди. Уларнинг авторлари олимлар, ёзувчилар, ўқитувчилар ва ҳатто, ўқувчилардир.

«Шарқ Юлдузи» журнали уюштирган давра суҳбатида бу масала бирмунча чуқур ва атрофлича ўрганилган, дарсликларнинг ҳозирги аҳволи ҳусусида кескин ва ҳаққоний фикрлар айтилган. Адабиёт ва она тили дарсликларига кенг жамоатчиликнинг қизиқиб қараши табиий ҳол. Чунки бу дарсликлар тилимиз бойлигини пухта эгаллашга, одамийликни, инсоннинг мураккаб ички дунёсини англашга, гўзалликдан завқланишга тўла йўл очиши билан бошқа предметлардан ажралиб туради.

Кўпгина дарсликларнинг ҳозирги талабга жавоб бермаётганлиги маорифчилар, ижодкорлар, олимлар қатори нашриёт ходимлари учун ҳам ташвишланарлидир.

Шу сабаб, айрим дарсликларни такомиллаштириш мақсадида ички тақризга бериляпти, зарурат бўлганда махсус редактор ёлланяпти. Натижада 3-синф «Ўқиш китоби», 5—6-синфлар «Ватан адабиёти», 6-синф «Ўзбек тили», 8-синф «Адабиёт тарихи» хрестоматияси китобларининг сўнги нашрлари бадиий, илмий методик жиҳатдан ўзгаришлар билан босилмоқда.

Маориф министрлигидан давра суҳбатида қатнашган масъул ўртоқлар адабиёт дарсликларини янгилаш борасида қатор тадбирлар ўтказилаётгани тўғрисида ишора қилишганига қарамай, олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас.

Амалдаги кўрсатмага мувофиқ қўлёзмалар эълон қилинадиган йилдан 15 ой олдин нашриётга тавсия этилиши керак, ваҳоланки бизда ниҳоятда кеч ва сифатсиз топширилади. Бизнингча, авторлар танлашда уларнинг иқтидори билан ҳисоблашмасдан илмий даражаси ва унвонларига таянилиши, авторлар коллективининг олим, методист ва практик ўқитувчидан иборат составда тузилиши ўзини оқламаяпти. Баъзан айрим «тажрибали» авторларнинг қўлёзмалари нашриёт планида тургани, шу предмет юзасидан дарслик зарур бўлгани учун махсус редактор ва нашриёт редактори ҳамкорлигида, яъни ҳашар усулида тайёрланяптики, бунга чек қўйиш вақти етди.

Авторлар ўртасида устоз-шоғирдлик аънанаи йўқ. Рус мактаблари учун «Ўзбек тили» [3—5-синфлар] дарслиklarининг автори М. Енилеевнинг ёши 80 дан ошиб кетди. Таажжубки, ислоҳ асосида яратилаётган 4-синф «Ўзбек тили» дарслиги яна шу М. Енилеева зиммасига юклатилган. Авторларни белгилашда нашриёт ходимларининг фикри ҳам инобатга олиниши керак, деб ўйлайман.

Дарслик бўйича 30—40 йиллик ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ тажрибага эга, айтиш мумкинки, бу соҳада ўзига хос мактаб яратган С. Долимов, Ю. Султонов, М. Асқарова, Ғ. Каримов, Қ. Ахмедов, Н. Маллаев, К. Қосимова, М. Иброҳимов, И. Абдуллаев каби кекса авлодга мансуб авторларнинг муносиб ўринбосарлари йўқлиги гоят ташвишланарли.

Умуман олганда, шу куннинг талабига жавоб берадиган дарсликлар яратиш вазифаси Маориф министрлигининг ўқув-методика кабинети, Ўқув Методика Совети ва Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти билан биргаликда нашриёт ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайдики, редакциямиз коллективи бу борада тегишли тадбирларни амалга оширмоқда.

Сафо МАТЖОНОВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг ўзбек тили
ва адабиёти редакцияси мудир.

Сеvimли журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг мундарижаси тобора бойиб, сифати ошиб бораётганидан гоят мамнунмиз. Журналнинг ўтган йилги 12-сонни Наманганда қўлма-қўл бўлиб кетди. Журналга обунга бўлмаганлар доғда қолиб, ҳозиргача қидириб юришибди. Сабаби шуки, ўша сонда Абдуғани Абдувалиевнинг «Ассалому алайкум» номли ажойиб қиссаси босилди. Очiq гап, биз бу асарни оила аъзоларимиз билан бирга ҳузур қилиб ўқидик. Бундай асарлар одамларга сийҳат-саломатлик, куч-қувват бағишлайди.

Абдурахмон МАМАЖОНОВ,
Наманган шаҳри.

Мен «Шарқ юлдузи» журналига кўп йиллардан бери обуна бўлиб, ҳар бир сонини қизиқиб ўқиб бораман. Кейинги 2—3 йил давомидаги ўқиганларим айниқса кишини жуда ҳам тўлқинлантириб юборади.

Куни кеча мен журналнинг 3-сонида ёритилган Мутрибанинг «Буюк инқилоб» (1917 йил) шеърини ўқиб ўтириб, бир нарсани ўйлаб қолдим. Ҳозир халқимиз олдида қайта қуриш, тозариш, ошкоралик ва демократияни кучайтириш сингари жуда муҳим вазифалар турибдики, буларни амалга ошириш ҳам инқилобий аҳамиятга эга. Журналда ана шу жараёнларни тасвирловчи асарлар тез-тез ва кўп-кўп босилса. Чунки бугунги кунимизнинг Буюк инқилоб даражасидан камчилик жойи бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Маҳаматсаид РАҲМОНОВ,
Тошкент области, Пискент райони,
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1986 йил 12-сонида босилган Ўзбекистон ССР прокурори ўринбосари Қобилжон Розиков билан суҳбат ўз вақтида берилган, жуда зарур материалдир. Чунки, ҳар йили январь ойида ижтимоий сектор бўйича аҳолидан гўшт йиғиш мавсумида баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўз мансабларини суиистеъмол қилиб, одамларга моддий зарар етказишар, асабларини қақшатишар эди. Журналдаги суҳбатни ўқиган кўпгина хўжалик раҳбарлари ўз хатоларини англаб, тўғри хулоса чиқардилар. Илгари содир бўлган салбий ҳодисалар кескин камайди.

Маълумки, республикамызда суғориладиган экин майдонларининг асосий қисмига пахта экилади. Аҳолининг подаси учун яйлов бўлмаслиги сабабли, чорва туёғи кескин камайиб кетди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халққа ғамхўрлик қилиб ҳамда СССРнинг Озиқ-овқат программасининг бажарилишини назарда тутиб, илгари қабул қилинган қарорларга ўзгариш киритиб, ҳар бир хўжаликка 2 бош сигир, 2 бош бузоқ, 1 бош икки ёшгача бўлган тана, 15 бош қўй-эчки ушлашга рухсат этганлиги айтилган бўлди. Аммо бу масаланинг бир томонидир. Эндиликда республикамызда яйловлар камлигини эътиборга олиб, аҳоли чорва молларини қаерда ва нима билан боқиши тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди. Наинки, ҳозир шахсий томорқалардан чиқаётган ем-хашак билан ҳатто битта сигир ва бузоқни боқиш ҳам амримаҳол.


«Крестьянка» журналининг 1986 йил март ойи сонида юридик фанлари кандидати А. Михайловнинг консультацияси босилди. Унда аҳоли ўзлари истиқомат қилаётган колхоз ва совхозлар билан шартнома тузиб, ер олиб ем-хашак етиштириш мумкин, дейилган. Бизнинг ер майдонлари чекланган, суғориладиган деҳқончилик шароитимизда бундай қилиш қийин. Аммо бошқа йўли бор. Қўлида яхши моддий-техник имкониятлари бўлган хўжаликларнинг раҳбарлари ем-хашак тайёрлашни планлаштираётганда жамоат чорваси билан бир қаторда аҳоли чорваси эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олсалар маъқул бўларди. Еки аҳолига қулайлик туғдириш, шахсий чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир районда ихтисослашган кооператив бирлашмалар тузилиб, унинг ихтиёрига ер, сув, техника воситалари берилиб, аҳоли чорвасини ем-хашак билан таъминлаш вазифаси юклатилса хайрли иш бўлур эди.

А. АБДУҚУНДУЗОВ,
Сирдарё область, Ховос районидаги
«Дружба» совхози.

Ҳурматли Фотима Абдуллаевна! Мен «Шарқ юлдузи» журналининг 1987 йил 1- ва 2-сонларида «Эл фарзанди» сарлавҳаси остида босилган Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотираларингизни ўқиб ғоят ҳаяжонландим. Мени Сизнинг севикли умр йўлдошингизга бўлган меҳр-муҳаббатингиз, ҳурмат-эҳтиромингиз қойил қолдирди. Ҳозирги ёшларимиз ўз жуфти-ҳалолига садоқатни Сиздек аёллардан ўрганиши керак.

Ҳабиб Абдуллаев фанда катта кашфиётлар қилган етук олим, таниқли давлат арбоби, ажойиб инсон эди. Унинг меҳнат ва кураш билан ўтган сермазмун ҳаёти ҳақида фақат хотиралар эмас, балки қисса ва романлар ёзса арзигуликдир. Мен ўзбек адиблари бу ишни амалга оширадилар, деб умид қиламан.

Қ. ТУРДИЕВА,
Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги 10-мактаб.



Ҳашар қисса

1 боб

Ёқутой билан куёви Асадуллонинг орасига совуқчилик тушганига ҳам мана ўн икки йил бўпти. У пайтда шу невараси Раҳматулло ҳали йўқ эди...

Асадулло ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиган, иложи бўлса арақни шишаси билан ютиб қўяқолсам дейдиганлардан эди.

Ёқутой ҳам пулга ружу қўйган, пул чиқади деса ўлик ювилган мағзавани ҳўплашдан ҳам тоймайдиган хотинлардан эди. У юрса ҳам, ўтирса ҳам пул топсам дерди. Қайси юртда ниманинг бозори чаққонлигини ўтирган ерида биларди. Чоли Мирзамўмин қўй оғзидан чўп олмаган бўшбаёв одам. Хотини юр, деса юради, ўтир, деса ўтиради.

Агар Мирзамўмин ҳам хотинига ўхшаган лочин бўлса борми, нақ иккови бир бўлиб дунёга ўт қўйвориши ҳеч гап эмас.

Худодан тилаб-тилаб олган биттаю битта қизлари келиб-келиб шу пияниста Асадуллога текканига сира чидашолмасди.

Асадулло авваллари туппа-тузук эди. Ичмасди, чекмасди. Бозоркомнинг энг яхши — илфор паттачиларидан эди. Бу куёвбоп йигит анчадан бери Ёқутойнинг кўзидан ўтиб юрарди. Ичмаса, чекмаса, афти-башараси ҳам бинойидек бўлса, битта куёв шунчалик бўлади-да!

Бунақа топармон-тутармон йигит қўлдан чиқиб кетмасин, деган ўй билан Ёқутой Асадуллони меҳмонга чақирди. Дастурхонга одамнинг жонидан бошқа жами ноз-неъматларни териб ташлади. Мирзамўмин билан Ёқутой «зўрлаб», қўярда-қўймай икки пиёла арақ ичиришди. Шундан кейин Асадулло учинчи пиёлани сўрамай ўзи қўйиб ичди.

Ёқутой қизи Нуқраҳонни обдан пардоз қилдириб, орқасига муштлаб сочини майда ўриб қўйди. Оловдек ловуллаган атлас кўйлак кийдириб, атайин сийнабанд тақдирмади. Пардоз-андоз жойига келгандан кейин Ёқутой қизини меҳмон ўтирган уй эшиги олдига олиб келди-да:

— Кириб акангга чой-пой қўйиб ўтир, — деб тайинлади.

Асадулло кўзлари биё-биё бўлиб ўтирган эди. Уй ичини атир ҳиди тутиб кетгандан у ёқ-бу ёққа аланглади. Остонада бир қошиқ сув билан лиқ этиб ютиб юборса бўладиган бир ҳурилиқо турибди. Асадулло ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ассаломалайкум, мулла ака!

Бу одам боласининг овози эмас, аллақандай нозик бир кўйнинг савт пардаси эди. Асадулло ўрндан турмоқчи бўлиб энди қўли билан ерга тиралган ҳам эдики, Нуқраой келасолиб қўлтиғидан кўтарди. Шу пайт Нуқраойнинг бўйнидан, гарданларидан ғалати бир ҳид анқиб кетди. Бу уйғонган қиз боланинг ҳиди эди. Эркак зотини жинни қиладиган, ўлдириб қўядиган ҳид эди бу.

— Сиз Ёқут опамнинг қизлари бўласизми? — деди дудуқланиб Асадулло.

Нуқраой ийманибгина, ҳе, деб қўйди.

Иккови бир муддат туриб қолишди.

Қўлида чойнак билан Ёқутой кирди.

— Чойинглар совуб қолгандир, отангиз ҳозир ош дамляптилар. Нуқра, акангларга анави ўлгирдан қўйиб берсангчи.

— Йў-йў, — деди сал-пал кайф қилиб олган Асадулло. — Мен жуда камдан-кам ичаман. Урганмаганман.

Ёқутой тилла тишларининг ҳаммаси бирваракай кўринадиган қилиб, олинг, олиб ўтиринг, дея аллақачон ярим бўлган шишадан арақ қуйиб узатди. Унинг олд тишларигина тилладан деб юрарди, энди кўрса ҳамма тиши қоплама олтин экан. Ичида вой-бў, бор давлатини лунжида олиб юрган экан-ку, деб қўйди.

Мирзамўмин муллаваччаларга ўхшаб ҳалимдеккина бўлиб кириб келди.

— Ассалому алайкум. Ошни дамлаб қўйдим. Ёқут, ўзинг сузасан-да, мен Абдусамадникига боришим керак эди. Мавлуд ўқитяпти.

Шундан кейин Мирзамўмин мовут чакмонини кийиб бетаҳорат бўлса ҳам мавлуди шарифга жўнаб кетди.

Бу оиланинг Асадуллога кўрсатаётган алоҳида ҳурмати бежиз эмас эди. Асадулло ҳали айтиб ўтган мақтовлар устига сўққабош йигит. У Одам Атодай отасиз, Момо Ҳаводай онасиз бир нарса эди. Умуман, уруғларини танимайди. Аммо ўзи эпли-сепли йигит. Бозор аҳлининг гапига қараганда йиққан-терган пулларини санаб ўтирмай тарозиди тортса ҳам бўлар эмиш. Ун тўрт йилдан бери шу бозордан ризикини теради. Биронта чайқовчи аввал унга «салом» бермай бозорга киролмайди. Нимани сотади, нимани олади, ҳаммасини Асадулло билиши керак. Қайси молдан қанча фойда чиқади, Асадуллога аён. Унга улушини бермаган чайқовчи бу даргоҳга иккинчи қадам қўйиши мушкул.

Асадуллода қанча пул борлигини Ёқутой ўзича ҳисоблаб юрарди. Шу болани ўраб-чирмаб куёв қилиб олсам, деган ўй тез-тез уни безовта қилиб қўярди. Ўзи эса чолини эргаштириб ҳали Ашхобод, ҳали Душанба томонларга ҳафталаб кетиб қоларди. Унинг чолини эргаштириб юриши бежиз эмасди. Мирзамўмин бир вақтлар мелисада икки йилгина итбоқар бўлиб ишлаган. Изтопар итларга турли овқатлар пишириб берарди. Еши бир жойга бориб пенсияга чиқадиган бўлганда ўша ишлаган жойининг «испаравкаси» кор келди. У қачонки, хотини билан сафарга чиқса, мелисада ишлаган пайтидаги қизил шапқасини кийиб оларди. Ёқутой савдога соладиган моллар Мирзамўминнинг чамадонда бўлади. Ҳеч ким бу чамадонда нима бор, деб сўролмайди. Эр-хотин бирни ўнга уриб, яна бу томонларда бозоригр молларни олиб қайтишарди.

Албатта Асадулло Ёқутой Ашхободдан нима олиб келганини, Душанбага нима олиб кетганини биларди.

Кунларнинг бирида Ёқутой Асадуллодан, иним, пулингиз элликка етдим, деб сўраб қолди. Асадулло ҳам бировга осонликча сир берадиганлардан эмасди. Опа, сизникининг чорагига етгандиров, деб қўяқолди.

Шундоқ бадавлат йигитни қўлдан чиқариш инсофдан эмасди. Эр-хотин маслаҳатлашиб уни уйга қақириб меҳмон қилишга қарор қилишган эди. Иложи бўлса уни яхшилаб ичриш керак. Токи Асадулло шу уйдан куёв бўлиб чиқиб кетсин...

Мана Асадулло худди илон авраган бақадек Нукраойга бақрайиб қараб ўтирибди.

Нукраой ҳам ниҳоятда тўлишган, лўмбиллаган қиз эди. У энгашиб ажиб бир тавозе билан чой узатганда тизгин кўрмаган кўкраклар атлас кўйлак бурмаларини турткилаб Асадуллонинг кўзларини ўйнатарди.

Ёқутой ош сузгани чиқиб кетганда Асадулло Нукраойга даф қилиб қолди. Бир ҳамла билан уни бағрига босиб юзидан, лабларидан чўпиллатиб ўпа бошлади. Остонада оёқ товуши эшитилиши билан Асадулло уни бағридан бўшатиб папирос олмоқчи бўлгандай чўнтагини тикилай бошлади.

Нукраойнинг сочлари тўзғиб кетганидан юзини тескари ўгириб, кўкрак тугмаларини қадаё бошлади.

Ёқутой илжайиб келиб ошни ўртага қўйди-ю, аканга анаву ўлгирдан қуйиб бер, ёшларга мешайт қилмай мен овқатни нариги уйда ерман, деб чиқиб кетди.

— Кампир маладес, — деди Асадулло, — жуда тушунган маданий хотин-да шу Ёқут опамиз. Боятдан бери кўз уриштириб, сон базм қилиб ўтириб бети анча қотиб қолган Нукраой, ҳа, ёқмай ўлсин, деди илжайиб.

Шу билан ўртадан парда кўтарилди. Ош ошда қолди. Иккови келин-куёвдек бир-бирига чирмаши-кетди.

Ҳали тонг отмаган эди. Ёқутой уйга кириб чироқни ёқиб юборди. Қизи Асадуллонинг бағрида донг қотиб ухлаб ётарди. Бу дамни Ёқутой эрталабгача кутиб миջжа қоқмай чиққанди. Худди ўзи ўйлаганча бўлди. У шарт келиб улар устидан кўрпани очиб ташладию дод устига дод сола бошлади.

— Ҳа, йигит бўлмай қирчинингдан қийилгур. Нима қилиб қўйдинг. Ҳозир бошимга тумонатни йғаман. Мелиса қақираман. Шармандангни чиқараман. Қаматмасам Ёқутой отим ўзимга ҳаром бўлсин.

Асадулло кўрпани иягигача тортиб ялинишга тушди:

— Жон опа, бир итлик қилдим. Нима десангиз тайёрман. Пул десангиз пул, мол десангиз мол... Унинг гапи оғзида қолди.

— Ҳа, пулинг бошингда қолсин. Ҳа, молинг жанозанга буюрсин.

— Жон опа, овозингизни чиқазманг. Сиз нима десангиз шу бўлади. Шовқин солманг. Битта-яримта эшитиб қолмасин. Қизингизни шаънига яхши бўлмайди.

— Шун биларкансан, ноинсоф, касофат, ўйлаб иш қилсанг ўлармидинг.

Асадулло чинакамига қўрқиб кетган эди. Мабодо қамалиб кетгудек бўлса якка яшайдиган квартираси қўлдан кетади. Шу квартирадаги тўшак ичида салкам эллик минг сўм пул бор. То муддатини ўтаб келгунча пул қолармиди! Биронта бахти очилган олғир илиб кетмайдими?! Эҳ-ҳе, шу ўтган бир неча минут ичида Асадуллонинг хаёли қаёқларга бориб келмади. Энди нима бўлса ҳам бу дажжол кампирни тинчитиш керак.

— Олажон, ургилиб кетай сиздан. Бўлар иш бўлди. Сиз нима десангиз, шу бўлади.

Худди шу гап Ёқутойга керак эди, маҳкам ушлаб олди:

— Уйланасан. Никоҳлаб олсан.

Асадуллонинг хўп дейишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Халқда эр от бўлса, хотин арава, от қаёққа юрса арава ўшаққа кетади, деган гап бор. Аммо бу хонадонда хотин от, эр арава эди.

Ҳамма ишни олдиндан пишитиб қўйган Ёкутой тонг саҳарлаб Мирзамўминни масжиднинг мутавалисини чақириб келишга юборган эди. Мутавали намозини чала ўқиб йўлакда Мирзамўмин билан Ёкутойнинг буйруғини кутиб ўтирган эди.

Радио эрталабки гимнастика машини энди бошлаганда мутавали никоҳни ўқиб бўлди.

Хулласи, Асадулло бу уйга меҳмонга келиб, куёв бўлиб чиқиб кетди. Уша куни кечга томон куёв икки ўртоғи билан келди. Қуюқ-сууюқ таом тортилди. ЗАГСдан қачон ўтилади, тўй қачон бўлади — маслаҳат пишитилди. То тўй бўлгунча Асадулло шу уйда туришига келишилди. Эл-юртчилик деган гаплар бор. Тўй бўлмай куёв келиб олибди, деган гап бўлмаслиги учун қош қорайганда келиб саҳарда чиқиб кетиши керак. Асадулло бу гапга ҳам кўнди.

Асадулло Чилонзордаги бир кампирнинг уйида турарди. Кампирнинг ўғли, келини чет элга икки йилга ишга кетишган. Уч хонали уйда ёлғиз турмай, деб бир хонасини Асадуллога ижарага қўйган эди. Уғлим келса уйни ижарага қўйибсан, деб койимасин деган ўй билан Асадуллони пропискадан ўтказмади. Ҳа, болам, ҳақини вақтида тўлаб турсангиз бўлди-да, деган эди.

Асадулло ўша куни келиб кампирдан суюнчи олди.

— Ая, келинлик бўладиганга ўхшайсиз. Бирон ўн кундан кейин тўй қилиб келинни олиб келаман.

Кампир уни қўшганинг билан қўша қари, болам, деб астойдил дуо қилди.

ЗАГС ҳам кесилди. Тўйга санокли кўнлар қолди. Асадулло ҳамон қош қорайиши билан лип этиб ўғри мушукка ўхшаб Ёкутойнинг остонасидан ўтиб кетади.

Тўйга уч кун қолганда Асадулло «хўжайка» кампирдан илтимос қилди:

— Аяжон, уй биқисиб кетибди, у ёқ-бу ёқни бир йиғштириб қўйсангиз. Келин келса уятли бўлмасин.

— Хўп, болам, хўп. Калитни ташлаб кет, ҳаммаёқни ораста қилиб қўяман.

Тўй тайёргарлиги билан Асадулло зир югурарди. Ёкутой тили қисик куёвни шилиш пайида. Туш пайтида у паттачилар хонасига мўралаб Асадуллони имлади.

— Нима гап, ойижон? — деди Асадулло.

— Никоҳ узуги топдим. Эгаси бир жуфтига олти юз сўраяпти. Шунча тортишсам ҳам паст тушмаяпти. Ҳозироқ олмасак қўлдан чиқиб кетади. Асил мол.

Асадулло чўнтагини кавлаб бугунги тушган пулларни санаб кўрса юз сўмга ҳам етмаяпти.

— Сиз молни ушлаб туринг, ҳозир уйга бориб келаман, — дедию таксида Чилонзорга қараб кетди.

Машина тўрт қаватли уй олдида тўхтади. Асадуллолар подъезди олдида одам кўп. Шовқин-сурон. Болалар ёжимланган пулларни чангаллаб у ёқдан-бу ёққа югуришади. Тўртинчи қаватдан пул ёғиларди.

Асадулло ўзи турадиган уй балконида қаради. Қарадию кўзлари тиниб ақдан озишига оз қолди.

У не кўз билан кўрсинки, ўзи ҳар куни тагига босиб ётадиган тўшаги балконда кир ёдиган арқонга ташлаб қўйилган. Кампир тўшакни шавбра билан тинмай қоқяпти. Офтоб кўрмай захда чириб кетган тўшак ҳар зарб еганда тешилиб ичидан пул сочиларди. Шамол пулларни ҳовли бўйлаб пирпирак қилиб учирарди.

Кампир, эрталаб Асадулло: уйни йиғштириб қўйинг, дегани учун кўрпа тўшакларни шамоллатиш учун балконга олиб чиққан, тўшак сал кўпчисин, деб уни шавбра билан қоқётган эди. Аллақайдан милиция пайдо бўлди. Болаларни қўлаб улар йиққан пулларни тортиб ола бошлади.

Асадулло нима қилишини билмай қоққан қозиқдек турибди. Уйга кирай деса милиция ушлаб олади.

Узоқ вақт туришга вақт йўқ эди. Одамлар кўриб қолишса пул аनावуники, деб айтиб қўйишлари мумкин. Нима қилсин? Индамай кетаверсинми? Шунча пулни ташлаб-а!

Барибир кетиш керак эди. Агар уйга кирса — ҳам пул кетади, ҳам ўзи. Яхшиси индамай қочиб қолиш керак.

Асадулло кутиб турган бояги таксига ўтириб орқасига қайтди.

— Тавба, — деди такси шофёри. — Одамларга ҳайронман. Шунча пул йиғиб нима қиласан, гўрингга олиб кетасанми? Албатта шунча пул ҳалол меҳнатдан келмаган. Шу пулларни эгаси ё ўғри, ё порахўр. Нима дейсиз, гапим тўғрими?

Асадулло нима дейишини билмай томоғини қириб қўяқолди.

Кечқурун Ёкутой уни зуғум билан кутиб олди.

— Шунақаям бўладими, куёв тўра. Кутавериб кўзларим тўрт бўлди. Охири уйдан келиб пул олиб кетдим. Мунақа қилманг-да, жон болам.

Асадулло нима дейишини билмасди. Ичкарига кириб икки пиёла арақни ютиб чиқдию дадиллашиб бўлган воқеани айтиб берди.

— Мени худо уриб қолди, ойижон. Нақ қирқ етти минг сўмдан ажрадим. Енимда капийка қолмади. Буд-шудим шамолга учди.

Ёкутой ўзидан кетиб қолди. Мирзамўмин икки тиззасига шапиллатиб уриб ўрнидан сапчиб турди.

— Тўй нима бўлади? — деди алам билан Нуқраой.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ёкутой кўзини очиб сўв сўради. Қизи тутган совуқ чойни хўплаб куёвига ўқрайиб қаради. Унга нима десин? Ҳайдаб юборсинми? Ахир никоҳ ўқилган, ЗАГСдан ўтиб паспортларига эр-хотин деган муҳр босилган.

Бу орада Асадулло икки марта ичкарига кириб ичиб чиқди.

Мирзамўмин икки йилгина бўлса ҳам милицияда ишлаган, бунақа вақтда орган нималар қилишини унча-мунча билади.

— Куёв бола, — деди Мирзамўмин. — Ҳозир сизни албатта милиция қидираётган бўлиши керак. Хўжайкангиз албатта қайда ишлашингизни терговда айтиб берган бўлиши керак.

— Дада, буёғидан хотиржам бўлинг. Хужайкам қаерда ишлашимни ҳам, фамилиямни ҳам билмайди. Пропискадан ўтмаганман. Фақат отимни билади, холос. Унга сельмашда ишлайман, деганман.

Мирзамўмин узоқ ўйлаб ўтиргандан кейин яна тилга кирди:

— Ёқут, сен нима дейсан? Куёв тўранинг бу шаҳарда туриши хавфли. Домдагилардан биронтаси кўриб қолса албатта тутиб беради.

Ёқутой эрига ўқрайиб қарадио индамади. У ўйларди. Ўйлагани билан жўяли бир фикр калласига келмасди.

Охири у қатъий бир фикрга келди.

— Асадулло, энди бўлди. Нукрани талоқ қиласиз. Сиздақа мирқуруқ куёв бизга керакмас. Гап шу.

Кайфи ошган Асадулло отга ўхшаб пишқирди:

— Мени кўядиган хотиним йўқ.

— Йўқ, кўясан.

— Қўймайман.

Ёқутой зинапоёда ҳайрон ўтирган Нукраойни кўлидан судраб олиб келди.

— Чиқаман, деб айт.

— Чиқмайман, — деди Нукраой алам билан.

Асадулло гандираклаб қайнонасининг тепасига келди.

— Сизда инсоф деган нарса борми? Кечагина ўзингиз янга бўлиб қизингизни кўшиб қўйган эдингиз. Негаки, пулим бор эди. Бугун йиққан-терган пулларим шамолга учиб кетди. Энди қувляяпсизми? Мана! — Асадулло бош бармоғини ўрта бармоғининг берисидан суқиб кўрсатди. — Умид билан бир ёстиққа бош қўйган хотинимни талоқ қилмайман. Юр, хотин, кетамиз бу уйдан. Бошқа юртларга кетамиз.

Ёқутой эсанкираб қолди. Пешонасидаги биттаун битта боласи бу зоти паст, бетайин одам билан қаёққа кетади? Шунча давлатни ким учун йиққан? Йўқ, уни қайтариш керак.

— Жон болам, ундай қилма. У билан кетма. Сенга яхши куёв топаман. Таги тахтли, обрўли жойлардан топаман.

— Э, боринг-э, — дея силтаб ташлади онасини Нукраой.

Шу кеч Ёқутой ухлолмади. У ёққа боради ух тортади, бу ёққа келади ух тортади. Мирзамўмин бўлса яна ўзини нашага урди. Икки йил бўлганди ташлаб юборганига. Мана яна чекапти. Бутун маҳаллага бурқситиб чекапти.

Асадулло алаmidан тинмай ичяпти. Нукраой уни елкасидан силаб овутади.

Шу алпозда тонг оттиришди. Эрталаб Ёқутой қовоқлари қизариб қизининг олдига кирди.

— Сўзинг сўзми, болам. Кетасанми?

— Қувляяпсиз-ку!

— Емай едирган, киймай кийдирган ота-онангни юзига оёқ тираб кетасанми?

— Эрим қаёқда бўлса мен ёнида бўлишим керак.

Ёқутой индамай чиқиб кетди. Чол-кампир узоқ гаплашишди. Бири ҳа, деса, бири йўқ, деб роса тортишишди. Охири бир қарорга келишди шекилли, анча пайтгача овозлари эшитилмай қолди. Бирон соатлардан кейин Мирзамўмин кирди.

— Болам, — деди у Асадуллога қараб, — бошлаб қовун туширдингиз. Энди бўлар иш бўлди. Энди бизга бунчалик ўлигингизни ташлаб олманг. Эрталаб бориб ишдан бўшаб келинг. Онангиз икковингизни бошлаб Қўқонга олиб кетади. Уша ердан кавартир топиб ташлаб келади. Қўлингизга ҳам бир микдор дастма беради. У ёғига ўзингиз тирикчиликни эплаб кетасиз. Тошкентда бўлсангиз қўлга тушасиз. Қамаб кўяди. Ишингизни розискка оширган бўлиши керак. Яхшиям фамилиянгизни мелиса билмайди. Кўлида сувратингиз ҳам йўқ. Қўқонга кетсангиз тинчийсиз. Шу гапга хўп десангиз буғуноқ билетинг ҳаракатини қиламан.

Орадан уч кун ўтиб Ёқутой қизи билан куёвини ёнига олиб Қўқонга жўнаб кетди...

* * *

Қўқон катта шаҳар. Нима кўп, бозори кўп. Ундан ҳам чойхонаси кўп. Чойхонасидан ҳам тақяси кўп.

Гимирсиб, режа билан иш тутадиган одам бемалол пул топса бўлади. Ёқутой Қўқонга кўп қатнарди. Бу ерда унинг анчагина миқозлари бор. Қанчаки наша, қанчаки кўкнор олиб келса йўқ демай олиб қолишади. Ҳатто қачон опахон келади, деб йўлга кўз тикиб туришади.

Энди у миқозлар билан «иш» қилмайди. Ўз одами бўлади. Асадулло билан Нукраой ҳар қанча нашаю кўкнор бўлса ўзлари гумдон қилишади. Лекин аввалига Ёқутой куёвини уларга таништириши керак эди. Қаторингларга олинглар, ёлғизлатиб қўйманглар, деб тайинлаши керак.

Хулласи, Қўқондан кавартир ҳам топилди.

Ойда икки-уч марта Ёқутой эрига қизил шапка кийдириб келиб кетади. Асадулло бозорга чиқмасди. Тошкентлик чайқовчилар кўриб қолмасин, деб пана-панада иш юритарди. Умуман, у савдога соладиган молни бозорга чиқариб бўлмасди. Енг ичида яширин бозор ишлаб турарди. Асадулло иш кўрган йигит эмасми, шу яширин бозорни сал кунда ўзиники қилиб олди. Аммо у ичишдан тийилмасди. Ҳар гал шамолга учган қирқ етти минг сўм пули эсига тушганда қўллари беихтиёр шишага чўзиларди. У Қўқонга келгандан буён соғ пайтини кўрган одам йўқ. Ҳамма вақт оғзидан гуп-гуп арақ ҳиди келиб турарди.

У қўқонлик савдогарларга ўрганди, қўқонлик савдогарлар унга ўрганишди.

Орадан йиллар ўтди. Асадулло бир ўғил, икки қиз кўрди. Уғли Раҳматулло мана ўн бир ёшга кирди...

Раҳматулло бу йил бешинчи синфга ўтиши керак. Утадимми, ўтмайдими Асадулло бу тўғрида ўйламасди. Аммо ўқитувчилар бу масалада нотинч эдилар. Бола дарсларни ўзлаштиролмасди. Ўқиган нарсасини ёдлаб қолардию маъноси нималигини сира билмасди. Умуман, у фикр қилолмасди. Докторлар кўриб бола фикр қилиш қобилиятидан маҳрум, деган хулосага келишди.

У етти ёшида фикр қилишдан тўхтаган дейишди. Қўқонда ҳам шунақа ақли ночор болаларни ўқитадиган мактаб бор. Шу мактабга йўлланма беришди. Бу гапни эшитган Ёқутой бобиллаб берди:

— Дўхтирлар бекор айтишипти. Болани ўзим Тошкентга обориб ўқитаман.

Раҳматуллони Тошкентга олиб кетгандан сал кун ўтмай Мирзамўмин бандаликни бажо келтирди. Ёқутой яхшим неварасини олиб кетган экан. Ҳарқалай шу бола билан овуниб ўтиради. Эри ўлгандан кейин Ёқутой болага баттар ёпишиб олди. Алоҳида бир меҳр билан уни тарбиялай бошлади.

У таъзия билан бўлиб болани мактабга олиб боролмади. Бу орада сентябрь ҳам ўтиб ўқишлар бошланиб кетди. Майли, болам бирон йил дамини олсин, деб ўйлади. Қаёққа борса ўзи билан олиб юрди. Ҳарқалай бола ҳамроҳ ундан ташқари шаҳарга олиб борадиган молига тайёр қоровуллигини айтмайсизми. Бошига қизил шапка кийиб қоровуллик қиладиган Мирзамўмин қаро ерда ётипти, раҳматли...

Ёқутой кечалари неварасини ёнига ўтқазиб шариятдан, тариқатдан гап бошларди. Қуръоннинг ўзи билган сураларини қайта-қайта ўқиб унга ёд олдирадди. Боланинг зеҳни ёмон эмас-ку, дея докторларни қарғар ва яна унга билганини ўргатарди.

Раҳматулло узун киш кечалари бувисининг пинжига кириб ёдлаган сураларни тиловат қилиб берарди. Ёқутой бу зеҳни ўткир неварасига ўзи емаган таомларни едирар, уни чақмоқдек кийинтириб кўярди. Ҳавас билан унга тўрт каржли сурмаранг дўппи тикдириб берди. Мошранг мовутдан чакмон тиктирди. Яхши амиркондан кавш-махси буюрди.

То янаги сентябрь келгунча Раҳматулло қуръоннинг олти сурасини шариллатиб ёд ўқийдиган бўлиб қолганди.

У ўн икки ёшга тўлганда Ёқутой маҳалласидаги мактабга олиб борди. Қўқондаги мактабдан берилган справада унинг ақлий нуқсонни кўрсатилмаган экан. Индамай бешинчи синфга қабул қилишди. Лекин орадан ўн беш кунларча ўтиб Ёқутойни мактабга чақирди.

— Неварангиз ўқиёлмапти-ку. Ҳеч нарсани билмайди. Мутлақо фикр қилиш қобилиятдан маҳрум. Энди нима қиламиз?

Ёқутой уларга баладдан келди:

— Ахир янги мактаб, янги ўқитувчилар, янги болалар. Ахир невараним сал кўниси. Болаларга қўшилиб ақли ишлаб кетади.

Ўқитувчилар яна озроқ сабр қилайлик, балки боланинг фикри очилиб кетар, деган ўй билан уни мактабда қолдиришди.

Болалардек сезгир халқ бўлмайди. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсалар улар хаёлига келади. Ҳеч ким тополмайди деб беркитган нарсаларни болалар топади.

Раҳматуллонинг қуръон ўқишини ҳам билиб олишипти.

Бир куни география ўқитувчиси нотоб бўлиб дарсга келолмай қолади. Шунда илмий мудар синфга кириб, шовқин қилмай дарс тайёрланглар, деб тайинлаб чиқиб кетади. Учинчи дарс математика эди. Уйга берилган топшириқни ўқитувчи бугун сўрайди. Дафтарларни кўради. Раҳматулло албатта топшириқни бажармаган. Бажаролмасди ҳам.

Класком болаларнинг дафтарини кўраркан, Раҳматуллога топшириқни бажармагани учун танбеҳ бера бошлайди:

— Мана кўрарсан, қори ака, яна икки оласан.

Синфдаги болалар уни аллақачон қори ака деб чақира бошлаган эдилар. Бир шум бола бундай гапни ўртага ташлади:

— Келинглр, қори акага ёрдам берайлик. Биз айтган ишни қилса задчасини ечиб берамиз. Давайти, у битта яхшилаб қуръон ўқиб берсин. Бўптими?

Болалар чувиллашиб, ўқисин, ўқисин, дейишди. Икки бола уни судраб доска олдига олиб чиқди. Биттаси ерга газетадан жойнамаз ёзиб қўйди.

— Ўқисанг, бугун беш оласан.

Раҳматулло газетага чўкка тушиб қуръонни бошлади.

Бу пайт мактаб директори коридорни айланиб юрарди. Қулоғига ғалати овоз кириб сергакланди. Аввалига у кимдир магнитофонда арабча кўшиқ қўйди шекилли, деб ўйлади. Эшикка яқин келиб ичкарига қулоқ солди. Йўқ, кўшиқ эмас, ростмана қироат кетяпти.

У аста эшикни очиб ичкарига қаради. Газетага чўкка тушган Раҳматулло бемалол тиловат қиларди. Директорни кўрган болаларнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолди. Эшикка терс ўтирган Раҳматулло директорни кўрмасди, директор тепасига келиб елкасидан туртди. Бу пайт Раҳматулло сурани охирига етказиб қолган эди, ўгирилиб директорни кўрганда «...ва алал мурсалим» деган калима оғзида айланиб турганди.

— Қуръон ўқишни сенга ким ўргатди? — деди директор ҳайрон бўлиб.

— Оллоҳнинг карами кенг, — деди қироат билан Раҳматулло.

— Шу қилган ишинг учун биласанми нима қиламан. Мактабдан ҳайдайман.

— Ҳар иш худодан. Тангри таоло севган бандасини жазолайди...

Директор маориф соҳасида шунча ишлаб бунақа ҳодисага дуч келмаган эди. Нима қилишини, нима дейишини билмай бола тепасида анча пайтгача серрайиб туриб қолди. Кейин Раҳматуллони етаклаб синфдан чиқаркан, болаларга, дарсларингни килаверинглр, деб тайинлади.

Ўқитувчилар хонасида шовқин-сурон бўлиб кетди. Директор сочини юлади. Илмий мудар пешонасига шапатилаб уради. Улар эртага бу воқеани бутун шаҳар эшитиши, ГорОНО-ю, райОНО уларни қийин-қистовга олишини билишарди.

Бир ўқитувчи Раҳматуллони гапга солди:

— Бола, нима иш қилиб қўйганингни биласанми?

— Оллоҳнинг иродаси бу, — деди Раҳматулло хотиржам.

Директор ялинган товушда деди:

— Ниятинг нима? Ким бўлмоқчисан ўзинг?

Раҳматулло жавоб қилди:

— Самарқандга бориб Қўсам ибн Аббос халифамизнинг мақбараларига бош урсам, Жалолободга бориб Айюб пайғамбаримизнинг табаррук булоқларидан бир қултум ютиб пок-

лансам, Шоҳимардон пирим қадамжоларига сиғинсам, Туркистонга бориб султоним сағаналарини тавоб қилсам ва яна Бухоройи шарифга бориб Баҳоваддин нақшбандийнинг хоки пойларини кўзларимга суртсам...

— Бўлди! — деди директор унинг оғзига уриб. — Жўна! Эртага эрталаб бувинг билан кел! Раҳматулло индамай портфелини кўтариб чиқиб кетди.

Бу гап эртасигаёқ бутун шаҳарга тарқалди. Шу пайтгача яхши гап билан тилга олинадиган мактаб шайнига минг хил маломатлар ёғила бошлади. Шаҳарнинг энг яхши ўқитувчилари, мана ман деган невропатологлар Раҳматуллони гапга солиб кўришди. Хулоса шу бўлдики, бола ақлий ривожланишдан тўхтаган. Тўхтаганда ҳам етти ёшли пайтидаги ақл билан тўхтаган. Унда фақат ёд олиш қобилиятигина кучли, холос. Бола нимадан бунақа бўлиб қолганини Ёқутойдан бошқа ҳеч ким билмасди. У қандоқ қилиб бировга, буваси нашаванд, кўкнори эди, дадаси ғирт пианиста, деб айтади. Дами ичида, ўзидан ўтганини ўзи билади.

Ақли ривожланмаганлар мактабига йўлланма бериб Раҳматулло билан хайрлашишди.

Ёқутой, боламни жиннилар билан ўқитмайман, деб мактаб берган йўлланмани йиртиб ташлади-ю, Сирож махсум қайдасан, деб йўлга тушди.

Сирож махсум маҳалланинг бообрў кишиларидан эди. Йигитлик пайтида пулни пул билан ўйнардди. Қилмаган маишати йўқ. Қамалишнинг ҳар хил муддатларини кўрган. Таниш-билишларининг таъбири билан айтганда Сирож махсум яламаган туз қолмаган.

Ана энди у қариб ҳассага таянганда тавба қилдию қолган умрини дини ислом йўлига бағишлади. Ташқари ҳовлисида кичкинагина хуфя бир мактабча очиб маҳалла болаларидан тўрт-бештасини яширинча ўқита бошлади.

Ёқутой сарпа-суруқ қилиб Раҳматуллони етаклаб Сирож махсум остонасини босди.

— Ассалому алайкум, тахсир. Шу норастигинанинг эти сизники, суяги меники, — деди у камоли ихлос билан.

Сирож махсум:

— Ихлосингни қабул қилдим, — деди. — Бошингга оллоҳнинг раҳмати ёғилсин.

Ёқутой уйига қайтаркан, эри билан куёвини қарғарди:

— Ҳу, кўкнор ичиб наша чеккан томоқларинг гўрларда чирисин. Ҳу, арақ ичган оғизларингга заҳар томсин!

Давоми келгуси сонда

Омина Тожибоева

Икки шеър

1. Шоир

Унутилар дейди муҳаббат дарди —
Бир танти шоирнинг юрак сўзи бу.
Сарадир ишқда ҳам эркакнинг марди,
Севгини унутса шоирмас, бил, у.

Унутилар йиллар, туйғулар, йўллар,
Қувончу қайғулар, мартаба изсиз.
Унутар бўлса гар ишқни шоир ҳам,
Ўзи каби шеъри қашшоқдир, сўзсиз.

2. Бир қўшиқчига

«Кун мугазара, ман те»...
Не дединг, ахир?
Не учун йиғлатдинг ҳинду тилин сен.

Хурмонинг таъмини айлабон тахир,
Ўзга матоданку тўнингдаги енг.

Булбул каломидай она тилим бор,
Не учун унутдинг уни, хонанда?
Ўзга тилни нега айлаб бунча хор,
Шуҳрат қидирибсан, ориятканда?

Ўзингни, тилингни ҳурмат этмасанг,
Ўзгалар иззатинг ўринлатарми?
Ўзингнинг қадрингга ўзинг етмасанг,
Ўзгалар қадрингга, айт-чи, етарми?

Шуҳрат тўнин осон киймоқ истабсан,
Сенга тўн кийдирган ул зот ким ўзи?
Тўтидай мағизсиз куйлар куйласанг,
Унутма, кетарсан бир куни тўзиб.



Муродбой Низанов

ЧАРХПАЛАК ШОИР

(Ҳажвий эссе)

Келажак авлодга ўзининг икки юпқа, бир қалин муқовали китобини, саҳналаштирилмаган икки драмасини мерос тариқасида қолдирган истеъдодли Чархпалак шоир ҳозир тирик бўлганида роппа-роса бир кам етмиш етти ёшга чиққан бўлур эди. Афсуски, унинг серғалва дунёни тарк этганига ўн йилдан ошиб қолди.

Чархпалак шоир изланувчан, ижод сўқмоқларида югуриб-йўртишдан эринмайдиган улкан истеъдод эгаси эди. Масалан, унинг неча маротаба кечқурунлари Эшбой шоирнинг уйига келгани, чорраҳадаги светофорни ҳам менсимай Матқурбон шоирнинг хотинига ёрдамга ошиқиб, қўлидан тўрхалталарини олгани-ю, ҳар байрамда ёзувчилар союзидаги ўртоқларга эринмасдан табрикнома-лар юбориб турганини бугун биз тан олмаслигимиз мумкин эмас.

Ёш талантнинг адабиётга кириб келиши ҳеч қачон талашув-тортишувсиз бўлмайди. Қаламқаш дастлаб албатта бир қанча тўсиқларга дуч келади. Чархпалак шоирнинг шеърлари ҳам узоқ ўн йил мобайнида умуман босилмади. Редакция ходимлари унга ёқар-ёқмас муносабатда бўлдилар. Ун тўққизинчи асрда яшаб ўтган Уташ шоирнинг икки қатор шеърини, Ажиниёзнинг тўрт, Бердақнинг саккиз сатрини ёддан ўқий оладиган, Пушкин билан Лермонтовнинг неча ёшда ҳалок бўлганларини тутилмай айтиб бера оладиган — шундай зукко Чархпалак шоирга бу ходимлар «кўп ўқиб-ўрган» деб маслаҳат қилдилар. Лекин шоир бундай «насиҳатгүй»лар олдида паст кетиб, шаллақилик қилиб ўтирмади. Буни ақлу фаросат, тарбия дейилади! Бундай асл фазилатлар ёшларимиз орасида камдан кам учрайди.

Чархпалак шоирнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у бошқалар ёзмаган мавзуларда қалам тебратишни мақсад қилиб олган эди. Масалан, унинг «Орқа мия» балладаси, «Юлғуннинг япроғи» номли ажойиб достони чоп этилмаганлигига қарамай, ҳамон муҳокамада иштирок этганларнинг ёдида. У эски куйланиб келаётган мавзуларда ҳам бошқалар айтмаган янги гапларни топиб айта оларди. «Пахта» шеърини мисол келтирайлик:

**Пахтанинг оқ ёғи, кунжараси бор,
Унда қоврилади гўшт билан балиқ.
Ёғсиз овқатнинг ҳеч мазаси бўлмас,
Тунда пахтага мол қўйма, халойиқ!**

Пахта ҳақида-ку, ёзмаган шоирнинг ўзи йўқ. Бироқ уларнинг биронтаси ҳам пахтадан ёғ ва кунжара олинишини бадий жиҳатдан бу қадар пухта айтмаган эди. Чархпалак шоир эса бундай фикрларни тап тортмасдан айтаверарди.

У аиникса ўз ижодига чуқур ҳурмат билан қаради. Адабиётда биринчи бўлиб қофиясиз ва мазмунсиз шеърлар ёза бошлаганди. Ҳали шеърлари матбуот юзини кўрмай юрган пайтларидаёқ ҳар бири тўқсон олти саҳифали саккизта дафтарни ўз ёнидан пул тўлаб «босма» шаклга келтириб қўйди. Редакциялардан келган жавоб хатлар ва ўзининг номи чиққан обзор мақолаларни бир папкага жамлаб, устига сиройли ҳарфлар билан «Вафотимдан сўнг ўрганиладиган ҳужжатлар» деб ёзиб қўйди.

У бирон нарсани эплаб ёза олмаса ҳам (ахир, катта шоир эдида), юксак минбарларда нутқ сўзлашга моҳир эди. Ёш ижодкорларнинг қўшма йиғилишида сўз олиб, шундай дегани ҳанузгача ҳамманинг ёдида:

— Адабиёт қозонининг бошида чўмич ўйнатиб ўтирганнинг кўпчилиги бахил ва «ўзим бўлай» деган шоирлар! Масалан, Эшбой шоир ва Матқурбон шоирлар шеърят осмонида яна бир ёруғ юлдуз пайдо бўлишидан кўрқиб, ўн йилдан бери менинг биронта ҳам шеъримни босиб чиқарма-яптилар.

Ана шундан кейин Чархпалак шоирга бахт кулиб боқди. Уни Бекбой шоир излаб топди. Ўн йиллар мобайнида тўлиб-тошган истеъдод устига темир қопқоқ бостириб қўйган юқоридаги икки шоир устидан ўзи айтиб туриб, ўн саккиз бетлик шикоят ёздирди. Қарабсизки, орадан бир ҳафта ўтмай, Чархпалак шоирнинг бир туркум шеъри газетада ярақлаб чиқиб турибди-да!

Чархпалак шоир яхшиликка билан жавоб қайтарувчи мард инсон эди. У шеърларини пешма-пеш бостириб турган Бекбой шоирнинг яхшиликлари олдида қарздор бўлиб қолмади. Олис ёқлардан келган унинг икки меҳмонини бир ҳафта мобайнида ўз ҳисобидан сайру томоша қилдирди. Оролнинг суви қуриб қолмаган ерларини топиб, бирга бориб қармоқ ташлади. Устюртда

кийик отишиб, «Қизил уй»да қирғовул овлашди. Бекбой шоирнинг қайнонаси ўлганда эса хотини билан маслаҳатлашиб ҳам ўтирмай шартта бир бўтали туя олиб борди. Ким билсин, балки у шундай мардликлар қилмаганида, унинг ўша — икки юпқа, бир қалин муқовали китоби ҳамда сахнада ўйналмаган икки драмаси ҳам бўғзида сайроғи билан, ёруғ дунёни кўролмай қолиб кетармиди?

Чархпалак шоир ёш ижодкорлар билан бир учрашувда донолик билан:

— Бекбой шоирдай устозлар кўп бўлса, адабиётда бизга ўхшаган тирик классиклар ҳам кўплаб пайдо бўлаверади,— деган эди.

Сўнг бир улуғ ёзувчининг «Талантнинг тўқсон тўққиз фоизи — меҳнат» деганини эслатиб, ёшларни ялқовлик қилмасдан ёзганларини қайта-қайта кўчириб, ҳамма редакцияларга юбориб туришга чорлаганди. Лекин, ўзингизга маълум, ҳозирги ёшлар насиҳатга қулоқ солмайдиган, шаккок бўлиб кетишган, қаранг, Чархпалак шоир сўзини тугатмай улар ўшанда залдан чиқиб кетишган эди.

Чархпалак шоир баъзи бир қаламкашларга ўхшаб, ёзишдан бошқа нарса қўлидан келмайдиган уқувсиз эмасди. У мол сўймоқчи бўлса, боқимда турган ҳўкизни қулоғидан товлаб, бир ўзи ағдариб ташлар, бузоқларнинг-ку, ўн беш минутга етказмай терисини шилиб қўяқоларди. Бозорга бориб қовун-тарвуз, туршак, жийда сотганини кўрган одам унинг ҳақиқий истеъдод эканлигига шак-шубҳасиз ишонмай иложи қолмасди. У ярим соат ичида бозор нарҳини нақ осмонга чиқариб юборарди.

Ҳақиқий истеъдодли кишилар одатда кенг феъл бўлишади. «Эшагининг тўқими бағрига тушиб кетган» Матқурбон ва Эшбой шоирлар энди унинг саломига алик олишга ҳам арзимай қолган бўлсалар-да, Чархпалак шоир уларга кўп яхшиликлар қилди.

— Менинг спорт билан шуғулланишимга ана шу Чархпалак шоир бош сабабчи бўлган,— деб эслайди Эшбой шоир.— Чархпалак шоир келаётир, дейишган заҳоти, унга рўпара келмаслик учун ўзимни бильярдхонага урардим. Чунки, унинг қўлига бир тушдингми, кечгача елимдай ёпишиб оларди. Мен бильярдхоналарда яшириниб юришга мажбур эдим.

Матқурбон шоир эса бундай деб эслайди:

— Чархпалак шоирнинг қўлёмаларини ўқиб олган сабоғим шу бўлдики, ўзим ана шундай камчиликларга йўл қўймасликка ўргандим.

Кўрдингизми, кимсан Матқурбон шоир ундан сабоқ олган. Демак, Чархпалак шоирни ҳеч иккиланмай уларга устоз десак бўлади.

Шундай қилиб, Чархпалак шоир ниҳоятда ажойиб инсон эди. Унинг ижоди биз учун ҳали ўрганилмаган манба. Ҳозир унинг китоблари дўконларнинг пештахталарини «безаб» турибди. Ачинарли жойи шундаки, шоирнинг вафот этганига ўн йилдан ошиб кетган бўлса ҳам, ҳалигача ҳеч ким Чархпалак шоир ижоди ҳақида илмий иш бошлагани йўқ.

Бу эътиборсизлигимиз учун келажак авлод бизни кечирармикан?

Қорақалпоқчадан Музаффар АҲМЕДОВ таржимаси

Қадрли журналхон!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорлари жамики меҳнаткашлар олдида улкан имкониятлар очди. Қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик, покланиш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида давом этяпти. Бу тарихий бурилиш жараёни ижодкорлар зиммасига ҳам катта вазифалар юклади.

Табиийки, қайта қуриш ва жадаллаштириш ижодда бошқа соҳаларга нисбатан ўзгачароқ тарзда намоён бўлади. Бадиий асарнинг асосий тадқиқ объекти ҳаммиша инсон ва унинг тақдири бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Қайта қуриш деганда аввало бадиий асарлар сифатига талабчанликни ошириш, адибларимизнинг ҳаётий проблемаларга актив аралашмоғини тушунамиз. Бу борада қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жадаллаштириш деганда ҳам шоша-пиша, хом-хатала асар ёзишни эмас, ёзиб бўлинган яхши асарни тезроқ китобхонга етказишни назарда тутиш керак. Бу соҳада ҳам яхши режалар бор. Шунга қувонч билан айта оламизки, Ч. Айтматовнинг «Кунда» романи, А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи» достони қардош республикалар орасида биринчи бўлиб ўзбек тилида «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинмоқда.

Сиз, қадрли журналхонларнинг «Шарқ юлдузи»га қизиқиши ва активлиги ошганидан жуда хурсандимиз. «Ечимини кутаётган муаммолар», «Журналхон таклиф қилган мавзу», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Ҳикоялар хазинаси», «Асарни китобхон баҳолайди», «Булоқ кўз очди» рубрикалари остида эълон қилинган асарлар юзасидан кўп хатлар келяпти. «Акс-садо» эса тўлалигича Сизнинг ихтиёрингизга берилган. Бу рубрикада академикдан тортиб мактаб ўқувчисигача — ҳар бир журналхон ўз фикрини очиқ айтиши мумкин.

Шу йил давомида ва 1988 йилда журналда республикамиз ва мамлакатимизнинг, шунингдек жаҳон адабиёти намоёндаларининг энг яхши асарлари эълон қилинади. Журналда 20-йиллар адабиётидан энг яхши намуналарни ёритиш ниятимиз бор.

Журналимизнинг обуначилари сони муттасил ўсиб бораётганидан хурсандимиз. Бунинг учун Сиз — ҳурматли журналхонларга, барча область ва қардош республикаларнинг «Союзпечать» вакилларига, алоқа ходимларига, жамоатчи дўстларимизга миннатдорчилик билдираимиз.

Ёдингизга бўлса, йил бошида анғанавий Сурхон мукофотидан ташқари «Шарқ юлдузи»да босилган «йилнинг энг яхши асари» сиртқи конкурсини эълон қилган эдик. Журналда ёритилган энг сара асарларни баҳолаш Сизларга ҳавола. Журнал фаолиятини янада яхшилаш учун Сизларнинг маслаҳатларингизни кутамиз. Шу ниятда қуйидаги саволларга жавоб йўллашингизни сўраймиз.

1. 1987 йилда эълон қилинган қайси асарни йилнинг энг яхши асари деб ҳисоблайсиз? (Барча жанрлар бўйича.)

2. Шу пайтгача эълон қилинган қайси асарлардан кўнглингиз тўлмади?

3. Йил давомида ва 1988 йилда қайси адиб, шоир, публицист ва мунаққидларнинг асарларини ўқишни хоҳлайсиз?

4. Журналда қандай муаммолар кўтарилишни истайсиз?

5. Исмо-шарифингиз, ёшингиз, касбингиз.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз, азиз дўстлар!

Эҳтиром билан

«Шарқ юлдузи» журнали редколлегияси.

Мундарижа

ИНҚИЛОБНОМА	
Боту. Биз ким?	3
ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА	
Чингиз Айтматов, Анвар Жўрабоев. Шундай бир адабиёт яратайликки...	4
НАСР	
Фарҳод Мусажон. Боғ кўчамни қўмсайман. Қисса	15
Аҳмад Турсун. Чорсудаги чойхона. Қисса	86
Салоҳиддин Сирожиiddинов. Улуғбекнинг акаси. Ҳикоя	113
Давлатмурод Саъдуллаев. Суюнчи. Ҳикоя	122
НОДИР САҲИФАЛАР	
Абдулла Қаҳҳор. Яхши асар қандай ёзилади?	80
ШЕЪРИЯТ	
Оллоёр Бегалиев. Ҳали йўл кўп олдимда	83
Абдували Қутбиддинов. Мен сени баҳордай севавераман.	109
Чори Аваз. Ерга тўкма нигоҳларингни	119
Инобат Нормуродова. Қайдадир чинқириб поездлар елар	124
Алла Широнина. Мурувват	147
ОКТАБРЬ —70	
Олег Сидельников. Ҳамид Саримсоқов жангномаси	127
ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ЁЗУВЧИЛАРИ VIII КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН	
Бҳишам Саҳний. Хаёл тутқуни. Ҳикоя	149
МУШОИРА	
Кўзларингда кулсин Ватан. Э. Абдуллаев, А. Шукруллаев, С. Ҳакимова, Ҳ. Асқар, Ҳ. Норкулов, А. Маҳкамов, Р. Саломова, Фахриёр, М. Ойдинова, З. Қўзиёв, Р. Йўлдошев, Й. Эшмуродов, А. Қўшбоқов, А. Қосимов, З. Неъматов, Н. Жалолов, Б. Исомов, А. Нурбоев	158
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
Мирмуҳсин, Ортиқбой Абдуллаев. Покланиш — тафаккурдан, юракдан бошланади	170
ОЧЕРК	
Олим Усанов. Пахтакор Гаврилов	179
ИНҚИЛОБ ЧАВАНДОЗЛАРИ	
Ҳамдам Содиқов. Тўқнашув. Очерк-хроника	186
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Дилфуза Раҳматуллаева. Таржима — изланиш меваси	192
ТАҚРИЗ	
Шомирза Турдимов. Халқ ҳаётининг кўзгуси	195
АКС-САДО	
Омина Тожибоева. Икки шеър	197
ГУЛҚАЙЧИ	
Саид Аҳмад. Пиримнинг саргузаштлари. Ҳашар-қисса	199
Омина Тожибоева. Икки шеър	204
Муродбой Низанов. Чархпалак шоир. Ҳажвий эссе	205

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

[Звезда Востока]

№ 7

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1987

Техник редактор **А. Ҳайдаров.**

Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 05.05.87 й. Босишга рухсат этилди 23.06.87 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-08821. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 172032. Заказ 930.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41